



**Хазонрезги
КҮНГИЛ ИФОРИ**

#ЯНГИ_АСАР

МУАЛЛИФ: ХАЗОНРЕЗГИ

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

1- ҚИСМ

- Йўқ , мен отангизни норози қилиб сизга турмушга чиқмоқчи эмасман. Умуман олганда "Албатта сизнинг жуфти-ҳалолингиз бўламан " деб сўз ҳам берган эмасдим. Шундай экан ҳамма уй-уйига,- қизнинг ўпкаси тўлиб ерга қаради

- Ҳилола , ундай дема . Илтимос, озгина сабр қилгин. Ҳадемай совчиларимиз сеникига бориб қолишади. Ишон , ойижоним дадамни албатта кўндирадилар. Дадам аслида ёмон инсон эмаслар. Фақат бир оз қайсарликлари бор халос. Аммо кўнгиллари тоза,- Сулаймоннинг товуши бўғилди.

Ҳилола ёмғир томчилари биллурдек ялтиратган йўлакдан битта - битта қадам босиб кетар экан Сулаймонга қарамай сўлғин овозда йигитга эътироз билдирган бўлди :

- Сулаймон ака, қўйинг мени ҳам, ўзингизни ҳам , уйингиздагиларни ҳам қийнаманг. Ота - онангизни яхши тушунаман. Янаям тўғрироғи тушунишга ҳаракат қиляпман. Улар ҳам якка- ю ёлғиз ўғилларидан орзу - ҳавас кўриш ниятидалар. Умуман олганда буни ёмон жойи йўқ. Ҳаётнинг қонуни ҳам шу-ку аслида.

- Ҳалитдан таслим бўлмагин . Нима дадам бир оғиз "Фалончига уйланасан" десалар шу билан тўй бўлиб кетаверади дейсанми ? Турмуш қуриш шунчалик осон иш эканми ? Дадамлар ҳам кўнгилларидаги гапларини бир айтдилар қўйдилар-да. Бу дегани карнай-сурнай чалиниб тўй бошланди дегани эмас-ку.

Бу ерда сен ҳам битта гапга таслим бўлиб ўтирибсан.

- Майли , - базўр жилмайишга ҳаракат қилди Ҳилола , - бу ёғига кузатманг. Ўзим кетаман. Хайр, кўришгунча,- у шундай деб бир , икки қадам босди, сўнгра нимадир ёдига тушиб ортига ўгирилди, - мен бир-икки кун шаҳарда бўлмайман. Амакимнинг қизларини тўйи. Ўша ерга боришимиз керак. Биласиз амаким ишхоналари ўша ерда бўлганлиги учун оиласи билан Жиззахда яшайдилар. Тўй учун деканатдан ҳам руҳсат олдим.

- Эээ тўйимиз бор девдинг- а ?! Шунчалик тез вақти келиб қолдими ?! Майли яхши бориб кел,- Сулаймон шундай деб Ҳилолага хиёл пўписа қилгандек бўлди , - аммо яхши қиз бўлиб юришни унутма, тушунарлими ?

Ҳилола индамади. Сулаймон буни "хўп" маъносида тушуниб гапида давом этди :

- Сен келгунча менам уйдагиларни кўндириб қўярман.

- Хайр , кўришгунча.

- Оббо намунча хайрлади- я бу қиз ? Майли яхши бориб кел.

Сулаймон Ҳилола билан базўр хайрлашди.

* * *

Сулаймон уйга қайтиб онасининг синиқ чехрасига қараб дадасини гапга кўнмаганини ҳис қилди. Юраги тўкилди. Нима қилса бўлади- я бу дадасини ? Лоақал Ҳилола ҳақида бир оғиз гап эшитишга кўнса қанийди?! Ўтган сафар Сулаймон бор журъатини тўплаб энди "Дада" деган ҳам эди- ки , дадаси Мирсаид ака столга гурсиллатиб мушт тушурди. Ўшанда мушт зарбидан оппоқ дастурхонга стол устидаги ёғлиқ шўрва чайқалиб тўкилган , бу дадасининг баттар жазавага туширган эди.

- Ҳозирча тирикман,- деганди ўшанда дадаси, - ўлганимдан кейин билган ҳолвангни е ! Менга кўчадан топиб келган жинқарчангни рўкач қилма. Яхши қиз бўлса ўз бошига кўчадан эр қидириб келармиди ?! Иккинчи бу мавзунини эшитишни истамайман. Тамом-вассалом !

Сулаймон "миқ" этиб индамади. Индай олмади. Билади-ки бунақа пайтда дадаасига гап қайтариш тутаётган гулханга керосин қуйиш билан баробар. Қолаверса , олган тарбияси бунга йўл қўймади.

Аммо ўша кундан буён ойисига ўтинчли боқади :

" Ойижооон..."

Мастура опа ўғлини умидлантирувчи бирор сўз айтмаган бўлса ҳам , аммо ҳаракат қилишдан толмаётган эди.

У пайт пойлаб эрининг кўнглини юмшатишга уринар ва ҳар доимгидек бу уринишлар тошга ёмғир ёққан каби бесамар кетаверар эди.

Бугун эса ... Бугун эса барчасига нуқта қўйиладиган кўринади.

- Мастура , бўл тез ! Кийин,- Мирсаид ака ишдан келиши билан аёлига гапни қисқа қилди .

Мастура опа бор журъатини тўплаб аранг :

- Қаерга , дадаси ?! - дея олди.

- Боирхўжаникига...

Мастура опа эрининг сўзидан бўшашиб кетди :

"Демак совчиликка ! "

Мастура опа зил қадамлар билан ётоқхонага кириб кетди . Кўп ўтмай одмигина кийиниб чиқди. Мирсаид ака Мастурага қисқа назар ташлади-ю , юзидан аёлининг кийиниши ёқинқирамаганлиги билиниб турган бўлса- да , эътироз билдирмади.

@Xazon_Rezgi #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Боирхўжа дўстини кучоқ очиб кутиб олди. Мастура опа анчадан буён Боирхўжа ака эри Мирсаиднинг "Насиб қилса қуда бўламиз" деган сўзларини рад қилмай, аксинча "Сенинг сўзинг ерда қолгунча шайтоннинг бўйни узилсин" дея жавоб қайтаришидан хабардор эди. Мезбон аёл Салтанат ҳам совчилар учун дастурхонига борини тўкиб ташлади. Унинг ҳаракатидан Мастура опа мезбонлар ўзларининг ташрифи эри тарафидан

огоҳлантирилиб қўйилганлигини пайқади. Суюқ-қуюқ таомлар устида қилинган мулозаматлар хулосаси шу бўлди-ки , Боирхўжалар оиласи Мирсаидлар оиласи билан қуда бўлишдан фақатгина бахтиёр бўлишар эмиш.

Мастура опанинг кўзига шу топда эрига қўшилиб қизини узатишга биттада розилик берган хушрўйгина Салтанат жуда хунук бўлиб кўриниб кетди. Билинтирмайгина хўрсинди.

" Воой шўриимм ... Энди Сулаймонимга нима дейман? - ўйлади у , - тақдиринг бу ерда ҳал қилинаяпти , болам. Сен бўлса дадангни феъли юмшашини кутаяпсан. Эҳ болам- а... Дадангни бу туриши бўлса , феъли юмшаши қайдам- ов ... Қайдам ..."

Мастура опанинг хаёлларини Мирсаид аканинг салобатли овози бузди:

- Шу келишимиз ҳисобми ? Ёки расм- русумимизга кўра "Бир неча бор келинлар" десангиз келганимиз бўлсин.

- Нималар деяпсан , дўстим ?! - деди Боирхўжа ака эрка ва танти товушда , - ўғлинг учун бир қизим экан- у , ўн қизим бўлса ҳам берган бўлардим , - у шундай деб ўтирган ўрнида янада ўрнашиброқ ўтириб олди,- айтишади- ку , хайрли ишни ортга суриш гуноҳ деб . Эртага шунақа вақтда бўлажак куёв боламизни ўзинглар билан бирга олиб келинлар . Шу ерда қизим Нафиса билан кўриштирамиз. Ўғлингга Нафиса маъқул келса бўлди. Иримига қизимга бирор узукми , зиракми беради ва шу билан қизимнинг боши боғлиқ. Қолган гапларни кейин гаплашаверамиз , а лаббай ?!

Мирсаид аканинг юзига табассум ёйилди .

- Бу гапинг ўғилбола гап бўлди , оғайни , - у шундай деб қўлини фотиҳага жуфтлади , - бўлмасам бизга руҳсат . Бориб тайёргарлик кўрайлик.

- Йўғей , қанақа жавоб , Мирсаид?! Тайёр ошни ташлаб-а ?!

- Боирхўжа , бунчалик эркалатаверма ?! Бунақада уйингга нақд "прописка"га ўтиб оламиз- а ? Ана ундан кейин кеткиза олмай ҳунобинг ошганини кўрасан,- Мирсаид унга ҳазил қила туриб жиддийлашди,- қуда бўлиб олайлик, ана ўшанда ёнбошлаб биир отамлашамиз.

Боирхўжа бу сафар дўстига ён босди:

- Майли , оғайни . Сен нима десанг шу. Аллоҳ сен айтган кунларга тезроқ етишликни насиб қилсин ...

* * *

Қайтишда Мирсаид ака Мастура опага Сулаймонни эртанги учрашувдан огоҳлантиришни "яхшилаб" тайинлади- ю , аёлини дарвозалари ёнида қолдириб ўзи машинасини яна ортга бурди. Унинг чойхонада кутаётган улфатлари ош ланж бўлиб кетаётганлигини айтиб , кўнғироқларида уни тезроқ келишини сўраб беҳаловат қилиб юборишган эди.

- Ойижон, қаерда эдинглар ?! - сўради Сулаймон онасини ҳайрон бўлиб кутиб олар экан , - ўқишдан яқинда келгандим, қарасам уйда йўқсизлар.

- Ўғлим , битта аччиқ чой дамлагин, мен ҳозир кийимларимни алиштириб чиқай...

Мастура опа уй кийимларини кийиб ошхонага кирганда Сулаймон ҳозиргина дамлаган чойни энди столга қўяётган эди.

- Музлаткичда манти бор эди. Ҳозир иситиб бераман. Бугун дадангларни чойхоналари бор экан. Улар ўша ерга кетдилар .

- Мантини ҳалироқ иситармиз , ойижон. Ҳозир қорним оч эмас эди. Ёки сиз ...

- Менинг ҳам иштаҳам йўқ . "Тўғрироғи бўғилди,- ўйлади Мастура опа стулга ўтирар экан , - сен ҳам бундоқ кел . Ёнимга ўтир . Гаплашиб оладиган гап бор.

Сулаймон оҳиста онасининг қаршисига чўкди :

- Тинчликми , ойижон? Рангингиз бир ҳолатда ?! Кайфиятингиз ҳам паст кўринади.

Мастура опа чуқур хўрсинди.

- Ўғлим... Дадангларга бир гап тушунтириб бўлса экан . Ўз билганларидан сира қолай демайдилар. Шунга ...

- Ойижооон ...

Сулаймоннинг юраги "шуув" этиб кетди . Ойисининг оғзига сўзсиз тикилди ...

- Биз даданглар билан оғайнилари Боирхўжа аканинг уйларига совчиликка бордик. Қизлари Нафисага. Нафисани бир, икки кўрган эдинг- ку... Чиройли , одобли қиз бўлибди...

- Ойижооон , мен , - Сулаймон ойисига кўнглидагини қандай

@Xazon_Rezgi #КЎНГИЛ_ИФОРИ

тушунтиришни билмай бўғилди , - ахир ... Қандай қилиб ўзим суймаган ошни ичишим мумкин. Мен ҳам ҳамма сингари дунёга бир бор келганман. Бир бор яшашим мумкин бўлган ҳаётда кўнглим танлаган қиз билан ҳаётимни боғлашга наҳотки ҳаққим бўлмаса ?

- Ўғлим ... "Ота рози - Худо рози" деган гап бор . Уларни норози қилиб бахтли бўлолмайсан. Даданг сенга ёмон бўлсин демаяптилар ...

- Тўғри, дадамлар менга ёмон бўлсин демаяптилар . Аммо бир марта бўлса ҳам Ҳилола ҳақида эшитишни истамадилар. Агар у билан танишиб , уйдагиларини суриштириб сўнгра "Йўқ , булар бизнинг тенгимиз эмас" десалар хафа бўлмас эдим. Қарорлари олдида бош эгардим. Улар бўлсалар фақат битта гапга ёпишиб олдилар. " Ҳозирги замонда фақат танишдан куда бўлиш керак. Бугуннинг қизларига ишонч йўқ. Наслинг тоза бўлиши учун таниган , кўрган, кўз олдингда ўсган қизни келин қил" . Ойижон , ўша кўз олдимизда катта бўлган қизни қанақалигини ҳам юз фоиз биламиз деб айта оламизми ? Кафолат борми бунга ? Дадам нега буни тушунмайдилар ?!

- Улар оғайнилари ёнида оғизларига сўз олиб қўйганлар,- деди Мастура опа ўксик овозда,- *Қизингни келин қиламан" дея лафз қилиб қўйганлар. Энди бу ёғига катта бошларини кичик қилгилари йўқ ...

- Хўп , мен нима қилай шунга ? - бўшашганча алам билан шивирлади Сулаймон,- биласиз , шу чоққача дадамларнинг бир сўзларини икки қилганим йўқ. Энди ...

- Сулаймон... Ўғлим. Шу чоққача дадангларни сўзларини икки қилмай кам бўлганинг йўқ . Мана ҳозир ҳам буни ўзинг тан олиб ўтирибсан . Яна шуни яхши билиб турибсан- ки , ҳозир дадангларга Нафиса ёки Боирхўжа ака ҳақида гапиришдан фойда йўқ. Яхшиси дадангларга бир оғиз сўз билан бўлса ҳам қаршилиқ қилма. Бундан кейинчалик бир умр афсус чекиб яшашинг мумкин. Яхшиси "Хўп, дада" дегин- у , Аллоҳдан ўзинг учун хайрлисини сўраб дуо қил. Аллоҳ ҳам дадангга қилган ҳурматингни мукофатламай қўймайди. Жон болам , менга ишон. Мени десанг , шундай қил.

Сулаймон ойисининг хомуш чехрасига қараб юраги эзилди. Бўлаётган ишларда муштипар мунисасининг заррача айби йўқлигини билиб ўзини ушлашга ҳаракат қилди .

"Бечора ойижонимда нима айб?! - ўйлади у , -ўзларининг дардлари камми ? Кунда ўнталаб дори ичадилар . Сал ортиқча уринсалар буйрақлари безовта қилиб икки букланиб қолаяпти. Дадам ҳам ойижонимни оғири енгил бўлсин деб ..."

- Ойижон , - Сулаймон ўрнидан туриб столи айланиб ўтди ва ойисини елкасидан қучди , - майли, сиз айтганча бўла қолсин. Учрашувга чиқди дегани бу ҳали тўй бўлди дегани эмас. Фақат , сиз хафа бўлмасангиз бўлди.

Сулаймон ойисининг юзидан "чўлп" этиб ўпти- ю , жилмайишга ҳаракат қилди :

- Қани , бир кулиб берсинлар-чи , дунёнинг энг , энг , энг соҳибжамол онаси ?!

Мастура опанинг синиқ чехрасига юз ифодаси каби синиқ табассум инди ...

* * *

Эртаси куни нонушта вақтида Сулаймон Мирсаид акани ҳайрон қолдириб "Бугун учрашув . Тайёргарлигингни кўр" деган сўзларига:

- Хўп бўлади , дада , - деди .

Миррсаид аканинг ўғлидан бундай тез таслим бўлишни кутмаганлиги учун ўзини йўқотиб қўйди. У ўғлини учрашувга чиқишга кўнмайди деб ўйлаган , уни кўндириш учун бисотидаги анча аччиқ- тизиқ сўзларни тайёрлаб қўйган эди.

Мирсаид ака Сулаймоннинг ройиш бўлиб қолганлиги учун аввалига ажабланди, сўнгра бу ишда Мастура опанинг ҳиссаси борлигини билиб кўнглида ўзича аёлидан миннатдорчилик туйди...

Бироқ ...

Мирсаид аканинг қувончи узоққа чўзилмади. Тушга яқин... □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

2- ҚИСМ

телефон рақамига қилинган кўнғироқ уни ажаблантирди. Кўнғироқ эгаси Боирхўжа эди .

- Эээ ассалому алайкоом, Боирхўжа оғайни , бормисан ? - деди Мирсаид ака дўстига эркаланганнамо оҳангда, сўнгра унинг жавобини кутмай сўзида давом этди , - тинчликми элбурутдан йўқлаб қолибсан? Учрашувимиз кечга эмасмиди?

- Мирсаид дўстим...

Мирсаид Боирхўжанинг шахди пастлигини унинг вазмин мурожаатидан ҳис қилди . Нимадир бўлганлигини сезиб ичи қизиди :

- Ҳа оғайни , нимадандир шахдинг пастроқми ?

- Шу десанг ...

- Оббо , юракни ҳам эзиб сил қилиб юбордингда . Сенда бунақа чўзилмакашлик одати йўқ эди-ку. Гапни ҳам шарт кесардинг - қўярдинг , - Мирсаид ака шундай деб дўстига далда берган бўлди , - қара агар менга тегишли бирор гап бўлса мулоҳаза қилиб ўтирмай гапиравер.

- Майли хўп, оғайни . Айтганим бўлсин. Шу десанг бандаси нималарни орзу қилар экан- ку, аммо алал - оқибат Аллоҳнинг айтгани бўлар экан. Гапни кўп чўзмайман. Хуллас ...

- Айтавер ...

- Хуллас , Нафиса ... Нафиса ўғлинг Сулаймонга турмушга чиқишдан бош тортди,- Боирхўжа ака сўзининг давомини қизини оқлаш илинжида шоша- пиша гапира кетди,- ҳозирги ёшларни биласан- ку, оғайни. Уларни бирор ишга мажбур қилиб бўлмайди. Айниқса турмуш масаласида. Уларни мажбурлаб турмуш қурдирсак- у, Аллоҳ кўрсатмасин оилалари бузилиб кетса , кейин бундан кимга фойда ?

Мирсаид аканинг устидан биров бир челақ муздек сув қуйиб юборгандек бўлди.

- Бунга бирор қатъий сабаб бор эканми ? Яъни ўғлим қизингга ёқмас...

- Йўғей нималар деяпсан? Бу ерда умуман ўғлинг ҳақида гап йўқ. Шунчаки Нафиса бир йил , икки йил яна ўқисам деяпти халос..."Турмуш қуриш қочмайди , ҳали ёшман, мақсадим..."

Мирсаид ака дўстини сўзларини бўлди :

- Бўлди тушундим. Ўзингни қийнама. Биз ҳам бировни мажбурлаб турмуш қурдириш ниятидан йироқмиз . Майли соғ бўл , дўстим.

Мирсаид ака дўсти билан иложи борича ўзини тутишга ҳаракат қилиб хайрлашди.

Тармоқдан узилгач , тарқоқ хаёллар оғушида креслога чўкди.

" Бу кунингдан ҳар нима бўлганинг яхши , Мирсаид ! - ўйлади у алам билан , - буям сенга кам ! Кам ! Бечора Сулаймонни юрагини эзиб қилиб юрган ишларингни оқибати-да шу ! Мана Боирхўжа ҳам ота-ю! Нима эмиш ?! Қизи ўқийман деганмиш ва у дарров кўнақолганмиш. Роса ишондим. Ундан кўра қизимни танлагани бор экан, уввос солиб туриб олди , шунақа оғайни мени гапим қизим учун бир тийин" десин эди ғиринг- пиринг десамдим,- Мирсаид ака истехзоли кулди , - худди ҳозир ғиринг дегандек...

Эҳ , Боир, Боир... Битта қизингга гапинг ўтмас экан , нима қилардинг қўйнимни пуч ёнғоққа

тўлдириб ? Бу ёқда ўзимдан ҳам айб ўтди. Кишига ўзини айби билинмайди дейишади- ю , аммо бу бўлмаган гап ! Куруқ сафсата !

Мана мен "Кимсан Боирхўжа билан қуда бўляпман " деб ҳазил жойда карилламаганмидим?!

Энди одамларнинг юзига қандоқ қарайман ?! Нима дейман ?

Аммо бошимни эгиб шўлтиллаб юриш ниятим йўқ ... Бир чорасини топишим керак. Токи сиз ҳам куймасин , кабоб ҳам ...

Мирсаид ака бошини чангаллади. Шу куйи бироз ўтирди. У қаддини ростлаганда ҳар доимгидан ҳам қатъиятли кўринарди:

- Мастурааа !

Мастура опа кўшни хонада экан, хаялламай эшикдан бош суқди :

- Лаббай , дадаси ...

- Сулаймонни чақир ! Кейин ўзинг ҳам кел .

Сулаймон хонага узоқ йилларга ҳукм қилинган маҳкумдек оғир қадамлар билан кириб келди.

У индамай ҳар доимги жойига ўтирди. Ўғли билан ёнма- ён ўтирган Мастура опа эрининг оғзига мутелик билан тикилди.

- Сизни эшитамиз , дадаси ...

Мирсаид ака бор овозига салобат беришга интилиб гапира бошлади :

- Хуллас , менга Сулаймон айтган қизнинг уй манзили керак.

- Нега дадаси ?! - ёқаларини жуфтлаганча бирдан питирлаб қолди Мастура опа, - тинчликми ? Нима бўлди ? Ёки ўша қизнинг уйидагилари Салтанатхонларникига бориб бирон нарса дебдими ?

- Бошланди ! - хонада Мирсаид аканинг ғазабнок овози янгради , - бир нарса дегунча уриб ўлдир энди ?! Хотин дегани бир гапни охиригача эштади олдин ?!

Мастура опа дарҳол

@Xazon_Rezgi /4 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

бош эгди:

- Узр , дадаси ...

Мирсаид ака аёлига қараб ўзини ноҳақлигини ҳис қилди :

"Бояқишда нима айб ?! Билгани "Хўп бўлади, дадаси " бўлса "

- Ҳозир Боирхўжа қўнғироқ қилган эди . Унинг ойимтилла қизи бизнинг Сулаймонимизга тегмасмиш , - Мирсаид ака ўғли ва аёлининг кўзларидан "Нима учун ?" деган саволни ўқиди ва гап орасида изоҳ бериб ўтишга қарор қилди , - қизпошша ҳали ўқир эмишлар. Ўқиб, ўқиб осмондаги ойни олиш ҳаракатидамишлар . Орзусида эмишлар . Хуллас , учрашув бекор

қилинди . Бутунлай ...

- Дадасии

- Нима дадаси ? Йўқ деса Боирхўжанинг оёғига йиқилиб ўтинишим керакмиди ?! Менинг ҳам ўзимга яраша орим , иззат - нафсим бор !

- Шунга Сулаймон айтган...

- Ҳааа , айнан шунга Сулаймон айтган қизнинг манзилини сўраяпман. Ҳа нима бўпти ?! Яхши бўлса олиб беравераман.

Мирсаид ака шундай деб Сулаймонга назар солди :

- Нима бўлган тақдирда ҳам бу йил тўй қилишим шарт !

Мастура опанинг юзига қон югурди :

- Ниятингизга етинг , дадаси . Менинг ҳам келинимни чўғдек ясатиб ёнимда олиб юргим бор , - у шундай деб ўғлига ўғирилди , - ўғлим сен айтган қиз... Курсдошинг қаерда турар эди? - Мастура опа Сулаймоннинг жавобини кутмай эрига ўғирилди - совчиликка бугун борамизми , дадаси ?

- Совчиликка Маҳина опам билан борасан. Нима мен сенга уйма - уй қиз қидириб юрадиган совчи холаманми ?

Мастура опа "Кеча мен билан совчиликка борган ким эди унда ?" демади , аксинча эрига жилмайди :

- Хўп бўлади , дадаси . Маҳина опамни огоҳлантиришимиз керакми бўлмаса ?

- Ҳилолалар ҳозир шаҳарда эмас. Улар Жиззахга кетишган,- Сулаймон юрак ютиб орага гап қўшди .

- Қизни исми Ҳилолами ? - Мастура опа бу исмни илк бор эшитгандек ширин энтикди , - исми бунча чиройли ?

- Ҳаа Ҳилола , - улар ҳозир Жиззахга амакисининг уйига тўйга кетишган. Эртага кечга келишса керак.

- Жиззахга ? - Мирсаид ака қизиқсиниб сўради , - нима улар Жиззахликми ?

- Йўғей , улар шу ердан . Катта Қаънидан . Фақат амакиси Жиззахда чет элликлар билан ҳамкорликда очилган қўшма корхонани бошқарар экан. Шунга ...

- Қизни оиласини Катта Қаънидан дедингми ? Мен у ердагиларнинг кўпини танийман?! Отасини исми нима экан ? Касби кори нима ?- деди Мирсаид ака қизиқсинганча ўрнидан бир қўзғалиб

- Отасини исми Асрор ака. Техника университетиди дарс берадилар . Ойи эса мактабда ўқитувчи ...

- Ҳмм... Танамас эканман. Майли насиб қилса буёғига танишиб олаверамиз ... Сен қизга кўнғироқ қилиб эртага совчи бориши ҳақида огоҳлантир. Фақат яхшилаб қулоғига қуйиб қўй , ота - онаси ундан кўнглини сўраганда ноз - фироқ қилиб ўтириб вақтимизни олмасин .

Мастура опа Сулаймоннинг жовдираган кўзига қараб "Дадангга хўп бўлади дегин" деган ишора қилди .

Сулаймон ойисини сўзсиз тушунди ва дадасига эътирозсиз бош эгди :

- Хўп бўлади , дада ...

Мирсаид ака " Гап тамом " дегандек юзига фотиҳа тортди ва ўрнидан туриб "Мен бирпас туриб келаман, қиладиган ишим бор" дея ташқарига йўл олди ...

- Сенга нима дегандим , болам ?! Аллоҳдан сўра дегандим- а ? Бу иш шундай бўлишини юрагим сезганди. Эрталабдан кўнглим ёп - ёруғ бўлиб қолганди. Ҳозир даданглар қаерга кетдилар , биласанми ? Айтсанг- айтмасанг қизни отасини , уруғ- аймоғини суриштиришга кетдилар . Насиб қилса барчаси жойида бўлади.

- Ойижоон ... - Сулаймон стулга омонатгина чўккан онасини елкасидан кучди

- Ҳаа болам ...

- Сизни шунақаям яхши кўраман- кии ...

* * *

Мирсаид ака шу кетганча шомда қайтиб келди . Унинг юзига боққан Мастура опа ...

#: □□□□ аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

3-ҚИСМ

барча ишлар ўзларининг фойдасига ҳал бўлишини англагандек бўлди .

Мастура опа эрининг одатини яхши билганлиги учун индамади. Вақти - соати келиб ўзи ёрилишини кутди. Вақти- соати эса жуда тез келди.

- Мастир , - Мирсаид ака кайфияти яхшилигида аёлини шундай чақиришга одатланган эди, - кел ўтир гап бор .

Мастура опа қўлидаги сочиқни ёғимлаганча эрининг рўпарасидан жой олди :

- Эшитаман, дадаси. Қулоғим сизда.

- Мен ҳозир тўғри ўғлинг айтган қизнинг махалласидан келяпман. У ерда ишхонамизда ишлайдиган Қобил ака яшайдилар.

Хуллас , Қобил акадан қизнинг оиласи , уруғ - аймоғини суриштирдим. Улар оғзиларидан бол

томиб , кифтини обдон келтириб ўша оилани тоза мақтадилар. "Мирсаид ука , нима бўлганда ҳам шу оила , шу қиздан қолманг. Тўғриси айтсам , ўзимнинг ўғлим бўй етган бўлганда сизларга буларни мақтамасдан отимни қамчилаган бўлардим" дедилар улар. Қобил аканинг айтишича Асрор домланинг бешта боласи бор экан. Дастлабки учтаси қиз , кейинги иккиси ўғил экан . Сулаймоннинг кўнгли чопгани эса учинчи қиз экан. Катта қизлари йил оралаб узатилган экан. Аммо айниқса мана шу кенжа қизнинг харидори кўпмиш.

"Совчиларнинг кўплигидан Асрор домланинг оstonаси ейилиб кетган, Мирсаид ука . Қайдамов , домла бу йил қиз узатармиканлар. Эшитишимча бу хонадонга манаман деган министрларникидан ҳам совчилар келган , аммо ҳеч бирлари домлани уната олгани йўқ- да . Энди бир бахтингиз, совчи бўлиб келаверинг-чи , ажабмас мушкулингиз осон бўлиб , Аллоҳ йўлингизни очса" дедилар Қобил ака .

Мирсаид ака юрагидаги барча сўзларни айтиб бўлгач енгил тин олди. Бу сафар аксинча Мастура опани юк босган эди:

- Вой- бўўў дадаси , шунча гап топиб келибсиз- а ? - деди у юрагидаги ваҳимани боса олмай, - гап- сўзларингиздан булар қизини бизга берадим , йўқми деган мулоҳазага бориб қолдим.

Мирсаид аканинг ҳар доимги ёввойи қайсарлиги тутди :

- Нимага бермас экан? Нима ўғлингизни бировдан кам жойи борми ? Кал бўлмаса, гўл бўлмаса. Суқсурдек йигит бўлса. Яқинда олий маълумот дипломини олади .

Шунча нарсани билиб туриб ноз қилишса ўзлигидан кўришсин. Ундан кейин Қобил ака ўша хонадонни сиртдан кўрсатдилар. Донғи оламни бузсаям уйи оддийгина , камсуқум бир хонадон. Одамлари ойликка кун кўрадиган эканлиги билиниб турибди. Шу ҳолига ноз қилишмас . Ноз қилишса ўзларига зиён. Берса ана , бермаса мана. Тошкент тўла қиз. Дарахтни бир силкитсанг қиз ёғилади , танлаб- танлаб , чертиб-чертиб келин қилиб олаверамиз. Шундоқ боламга кимлар кимлар қизини бермайди ?!

"Мирсаид ўғли учун оғиз солармикан ?!" деб лаб жуфтлашимни пойлаганлар қанча ?!

"Ҳмм шунақалардан биттаси Боирхўжа акаиди ? Кароматини кўрганимизга ҳали ярим кун бўлгани йўқ- ку?" - Мастура опа бу гапларни хаёлида айтди , ташида эса бўлай деб турган ишни бузиб қўймаслик учун эрига жилмайишга ҳаракат қилди :

- Гапларингизнинг бари тўғри , дадаси . Аввалам ўша қизни кига совчиликка бориб кўрайлик. Бор масала ана ўшандан сўнг ойдинлашади- да . Аммо лекин махалладошлари мақтаган оиладан чиққан қиз ёмон бўлмаса керак. Агар ёмон бўлса сиз айтган ҳамкасбингиз ўзини масъулиятдан олиб қочиб бир , иккита ёлғонни тўқиб юбораверган бўларди. Ҳақиқатдан яхшидир- ки, ўзига ишониб мақтаган.

Нима бўлганда ҳам кўнглим хотиржам , дадаси. Насиб қилса қолган гапларни эртага гаплашаверамиз- да. Бир кунга сабр- да энди , дадаси.

Мастура опа сал нарсага феъли айниб , тескари жаҳли қўзғаб турадиган эрини оловлантирмаслик учун иложи борица юмшоқ гапириб вазиятни ўзининг фойдасига ўнглантирган бўлди-ю , гап буромадини оҳиста бошқа ўзанга бурди:

- Энди Маҳина опамни огоҳлантирсак бўлди экан- да , а ?

- Қайтишда опамларни кига кириб уларга бор гапни гапирдим. "Шунақа- шунақа гаплар" дедим. Хуллас улар эртага кечки соат олтиларга кийиниб тайёр бўлиб турадилар. Икковингларни бир зумда олиб бориб келаман.

- Жуда яхши бўлибди-да. Майли дадаси, ҳаммаси сиз айтгандек бўлади. Сиз нима десангиз шу-да.

Мастура опа ўрнидан оҳиста кўзгалди :

@Xazon_Rezgi /6 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

- Овқатни сузаверайми ?

- Сузавер. Бугун негадир чарчадим. Овқатдан кейин вақтлироқ дам олмоқчиман.

* * *

Сулаймон учун бугун кутилмаган ҳамда қувончли кун бўлди. "Икки ойдан буён асабларимнинг энг майда томиригача азоблаган муаммо бир неча дақиқаларда, бир неча оғиз сўз билан ҳал бўлса-я?! - ажиб жилмайиш билан ўйлади у , - бандаси нима деса десин- у , ҳукм Аллоҳданлиги рост экан. Яна чин ихлос билан дуо сўраб кўтарилган қўлларда экан. Ойижоним жуда зукко аёллар-да. Барча сўзларни топиб айтадилар. Яна айтганлари рўёбга чиққани-чи ?! Мен ҳам бўлиб ўтган воқеалардан битта нарсани англадим. Бахт шунчалик бизга яқин, аммо кўпда уни ҳис қилмаймиз. Мисол учун мана менинг бахтим . Куни кеча , йўқ шу бугун эрталаб бахт мен учун орзуда ҳам етиб бўлмас юлдуз эди. Ҳозир эса кафтимга кўнган ой мисол. Демак, охириги учрашувда Ҳилолага "Жиззахдан қайтишингга совчилар бориб қолади" деганимда ҳам бахт ёнимда экан- да ! Балки ўша сўзларим фаришталарнинг оминига тушганда яралганмикан ўша бахт?! Ёки ойижоним "Даданг нима десалар ҳам хўп дегин, уларга бўлган итоатингни мукофоти ажрсиз қолмайди" деганларида дунёга келганмикан?! Ёки бу воқеларнинг ҳар бирида бир, бир қисмдан вужудга келиб , бугун яҳлит бўлак бўлдимикан?! Ҳар нима бўлганда ҳам бугун бахтлиман. Икки карра. Ҳилолага етишим бир бахт бўлса , дадамнинг розиликлари юз карра бахт. Ҳилола билан бошланажак янги ҳаётимнинг кўнгили ҳижиллигисиз бошланиши ҳам бахт. Бари бахт ... Ҳудди Ҳилолага илк бор кўнгили қўйган кунимдаги каби бахт...

* * *

Ўшанда улар иккинчи босқичда ўқир эдилар.Миллий университетнинг физика факультетида. У кунларни эсласа Сулаймон ҳали хануз ҳайрон қолади. Нима учун Ҳилолани бир йил давомида пайқамасди? Ахир Ҳилола турли туйғулардан четда қолиши мумкин бўлган қиз эмасди? Айтиш мумкин бўлса группадoshлари орасидаги етти нафар қизларнинг энг чиройли ва заковатлиси ҳам шу Ҳилола эди. Сулаймон кейинчалик мулоҳаза қилиб кўрса бунга Ҳилоланинг пайқамганининг битта сабаби бўлган экан. Унинг ўзга қизлардан фарқи, қиз ўртага тушишни ёмон кўрарди. Ҳилола қалбига нақш каби ўйилган билимини ортикча кўз- кўзлайвермас, шу сабаб доимо назардан четда юрарди. Аммо дарслардаги семинар - тренингларда барчани сўзсиз михлаб ташлайдиган энг мукамал хулоса доимо Ҳилоладан чиқарди. У оҳиста , оддийгина икки оғиз сўз билан нафақат гуруҳдошларини, балки устозларни ҳам лол қилиб қўйишни урдаларди. Дардан сўнг эса ўша оддий, ўша юввош Ҳилола бўлиб ўз йўлида кетаверар эди. Балки унинг назарга тушмаганига бошқа сабаб ҳам бўлгандир. Аксарият қизлар ўқишга киришгач икки ойга қолмай ўзгаришган, ўзларига эринмай қарашни бошлаб юборишган, сочлари кесилган , қош ва киприклари "негадир" бесабаб бирдан тим қора бўлиб қолган бўлса , Ҳилола иккинчи курсга ўтиб ҳамки заррача ўзгармаган эди. Ҳамон ўша битта қилиб ўрилган сочлар, ҳамон ўша қалам, бўёқлар билан тиллашмаган қош,кўз, киприклар, ҳамон ўша фасллар алмашгандагина ўзгарадиган таниш либослар.

Ким билсин балки Сулаймон учун шундай бўлгандир. Йўқ , йўқ аслида ҳам айнан шундай эди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач , Сулаймон битта нарсани кашф этди. У вақтда Ҳилола билан муносабатлари ўз ҳикоясига эга бўла бошлаган эди . Хуллас йигит битта нарсани кашф этди :

- Инсон аслан буюк бўлар экан !

Сулаймон Ҳилоланинг дадаси Асрор Файзуллаев йирик олим эканлигини ҳам , у кишининг ихтиролари нафақат бутун республика , балки ўз йўналиши бўйича МДҲ мамлакатлари , шунинг кўплаб Европа давлатлари, АҚШ , Канадада ҳам машҳурлигини билиб ҳайратда қолди. У киши ҳақидаги маълумотларни интернетдан ўқиган Сулаймон Асрор Файзуллаевнинг жаҳоннинг жуда кўплаб илмий семинар ва конгрессларида алоҳида таклиф этиладиганлар рўйхатида кўриб ажабланган эди: "Наҳотки шунчалик илм ва мавқега эга бўлган одам шу даражада камтар бўлиши мумкин бўлса?!" .

Бир куни Сулаймон ўзини тўхтата олмай Ҳилоладан шу ҳақда сўраганда қизнинг берган жавоби йигитнинг кўнглини алғов- далғов қилиб юборди:

- Устоз Тоҳир Маликни ўқиганмисиз ?! - деб сўраганди Ҳилола ўшанда жилмайиб , - менга у

@Xazon_Rezgi / 7 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

кишининг бир иборалари жудаям ёқади. Улар ёзадилар-ки "Қамиш ҳаволаниб ўсиб - ўсиб , охириги қисмати одамлар оёқ остига ёзиладиган бўйра бўлиш экан" .

Қолаверса дадамлар бизга кўп бора шундай уқтирадилар :

"Аллоҳ инсонни қандай неъмат билан сийласа , ўша инсоннинг синови ҳам шудир. Мисол учун бой инсонларнинг синовлари бойликлари . Илм уммонидан гавҳар терувчилар учун синов берилган илмларидир".

Сулаймон ака, балки ҳайрон бўларсиз "Илмда қандай синов бўлиши мумкин ?" деб . Мисол учун илмда муайян ютуқни қўлга киритган олимнинг кеккайиб кетиши , "Мен фалончиман" демоғи ҳам синовдан ўтолмаганлиги , бир сўз билан айтганда риекорлик. Илм ҳам , илмдорлик ҳам Аллоҳ тарафидан берилади. Аллоҳ хоҳлагани учунгина инсон иқтидор соҳиби бўлади , хоҳламаса йўқ. Шу сабаб инсоннинг ўзидан кетиши яхшиликка олиб келмайди. Дадам айтадилар- ки " Шайтон, яъни Азозил ҳам бир вақтлар фаришталарга устозлик қилган, манманлик ва кибр сабаб , ўзини юқори олиб "Мен оловдан яралганман, шу сабаб тупроқдан яралган инсонга бўйин эгмайман" дея куфрга кетиб Аллоҳга осийлик қилганлиги учун абадий лаънатланган. Шу сабаб ҳар қандай ўзини катта оладиган инсоннинг қалби борган сайин шайтонга насиба бўлиб бораверади , ана шундан қаттиқ эҳтиёт бўлиш керак " дейдилар .

Сулаймон бу гапларни Ҳилола билан яқиндан танишганда эшитганда қизнинг заковатига тан берган эди. Кейинчалик Ҳилоланинг ҳам "Дадасининг қизи" эканлигини билиб янада лол қолганди. Ҳилола университетга имтиҳонларсиз қабул қилинган , бунинг сабаби қиз физика фани бўйича Халқаро Олимпиада ғолибаси бўлган экан. Шунингдек ўқувчилик давриданоқ ўнлаб мақолалари республика ва чет элдаги йирик илмий журналларда чоп этилган , улар орасида Халқаро экспертлар алоҳида муносабат билдириб тақриз билдирганлари ҳам етарлича экан. Сулаймон булардан бошқа курсдошлари қатори анча кеч хабар топди. Гарчи Сулаймоннинг ўзи ҳам аъло баҳоларга ўқийдиган истеъдодли йигит бўлса-да, Ҳилоланинг сийратини анча кеч илғаган эди.

Сулаймон энг аввалида Ҳилолани бутунлай бошқа тарафдан таниганди.

Ўшанда ноябрь ойининг охирилари эди.

Кунларнинг бирида Сулаймон одати бўйича кечки пайт маҳалла гузарида янги очилган спорт машғулот залига борди-ю , кутилмаганда ўз бошига фалокат орттирди. Залда машғулот олиб бораётган спорт устаси ўша куни бир сабаб билан машғулотга келмаганди. Сулаймон ва дўстлари таниш қоровулни у ёғи, бу ёғидан ўтиб , "Мумкин эмас, беролмайман" деган гапига

оёқ тираб тихирлик қилганча бир амаллаб залнинг калитини олишди. Йигитчилик ... Бошларида "Ҳой" деб назорат қилиб турадиган йигитлар ўзларига эрк бериб юборишди. Ким штангани оғирроқ вазнда кўтара олиш ҳақида баҳслаша бошлашди. Натижа шу бўлдики , Сулаймон ўша куни уйга икки букилиб қайтди.

Мирсаид ака дастлаб ўғлини кўричак бўлиб қолган деб ўйлаганди. Тез тиббий ёрдам марказида шу нарса маълум бўлдики , кучига ишониб ноҳосдан кўтарилган оғир юк туфайли Сулаймонда киндик чурраси қўзғаб кетибди.

Зудлик билан жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган Сулаймон шу бўйи университетга кишки сессия вақти кириб келди. Келди- ю пешонаси "тақ" этиб деворга урилди:

Домла Туйғунов имтиҳонга кирмайдиганлар рўйхатининг энг бошига Сулаймоннинг фамилиясини ёзиб старостага тутқазибди:

- Миржалолов Сулаймон Мирсаид ўғли .

Сулаймоннинг имтиҳонга қўйилмаганлигига ягона ва асосий сабаб , унинг ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

4- ҚИСМ

имтиҳон куни аниқ бўлгунча маъруза дарслари бўйича ёзилган конспект дафтарини қайд қилдирмагани эди. Сулаймон сингари рўйхатга тушган кўпчилик гуруҳдошлари Туйғунов домланинг талабига мувофиқ конспектларини кеч бўлса-да унга кўрсатиб имтиҳон топшира бошладилар. Аммо уларнинг конспект дафтарлари домла тарафидан ҳар бир варағи бор бўйича ўзига хос лотинча "Z" харфи билан белги қўйиб ташланганлиги учун, бошқа талаба бу дафтардан қайта фойдалана олмас эди.

Гуруҳ сардори Сулаймонга домла учун касаллик маълумотномаси сабаб ўрнида ўтмаслигини айтди.

"Биров бошим, биров биқиним , яна бошқа биров аллақаерим деса, фаннинг фанлиги қоладими, бу дангасалар учун баҳона халос , ёзолмаган даражада ётиб ўқиши мумкинмиди ?

Шундайларга йигирмата оғзаки савол бераман , топширса марҳамат , олган бали ҳалоли бўлсин, агар шуни ҳам топшира олмайдиган даражада хаста бўлса, академик таътил сўраб ариза ёзсин , бу вазиятда бундан бошқа чора кўрмаяпман" деган эмиш домла.

Сулаймоннинг тажанглиги қирғоғидан тошиб - ошиб кетди.

Шунда...

... Кутилмаган ердан офтоб чиқди. Йигитнинг жонига Ҳилола оро кирди :

- Агар йўқ демасангиз домлага мени конспектимни кўрсатишингиз мумкин,- деди эди Ҳилола бўлиб ўтаётган ишларда гўёки ўзи айбдордек ер чизганча , - мен дафтаримни бошига исм - шарифимни ёзмаган эдим.

Сулаймон айна ўша пайт илк бора Ҳилолага бошқача назар билан қараганди :

- Ўзингиз-чи , ўзингиз нима қиласиз унда ? Билишимча Домлажон қизларни ҳам аяб ўтирмайдиганлар тоифасиданлар . Туйғунов домланинг кўзларига барча талабалар икки оёқли конспект дафтари бўлиб кўринишига шубҳам йўқ, - деди Сулаймон ҳамон алами

тарқалмаганини сўзларида билдиришга интилиб.

- Улар ҳам неча йиллик устозлар-да. Ҳеч бўлмаса шу йўл билан бизни яна бир бор фанни ўзлаштиришга нисбатан маъсулият ҳис қилдирмоқчи бўлаяптилар. Ўзлари ҳам кўп такрорлар эдилар-ку "Сизларга таълим бериб шу йўл орқали бола - чақамни боқаман , бунинг жавоби жуда оғир" деб.

- Домланинг усулларини ёқлар экансиз , унда нима учун менга ёрдам бермоқчисиз , - Сулаймон ҳайрон бўлганлигини яшира олмай сўради.

- Сизда вазият бироз бошқача-да , - жиддийликни йўқотмай оҳиста жавоб берди қиз , - ҳаммамиз ҳақиқатдан ҳам яхшигина дард чекканингизни биламиз . Қолаверса сиз ўқишни ташлаб қўядиганлар тоифасиданмассиз. Бир ярим йиллик курсдошмиз- ку, бу ҳолат ўйлашимча инсонга нисбатан муносабат билдира олиш учун етарли муддат .

Сулаймон Ҳилоланинг рад қилиб бўлмас сўзлари таъсирида қайта сўради :

- Ўзингиз конспектсиз имтиҳондан қандай ўтасиз ?

Шундагина Ҳилола жилмайди:

- Менда яна битта дафтар бор. Айнан шу фандан. Сизга бермоқчи бўлганим маъруза давомида тез -тез ёзиб улгуриб қолганларим. Уйда этса мазкур мавзуларни бошқа адабиётлар билан қайта тўлдириб ёзиб чиққанман. Ҳар бир илмий фаразга ўз муносабатимни билдирган ҳолда. Бу фанни ўзлаштиришдаги энг самарали усул, - Ҳилола шундай деб Сулаймонга далда берди , - сиз ҳавотир олманг , домла "Бу конспект бошқачароқми? " десалар жавоб топиб бера оламан.

- Кўндирдингиз , - ваниҳоят Сулаймоннинг ҳам юзига қон югурди , - каттакон раҳмат ...

- Мен конспектимни шундоқ бермоқчи эмасман, уни битта шарт билан бераяпман , - деди Ҳилола

- Шарт, яна қанақа шарт , ҳозиргина...

Ҳилола ширингина табассум қилди , Сулаймондан бурилиб кетар экан шўхчанлик билан кўзини қисиб қўйди :

- Дарсда бўлмаган мавзуларингизни ўзингиз учун яхшилаб ўқиб қўясиз. Келишдикми ?

Шу топда ...

Ҳилоланинг айнан ана шу табассуми Сулаймоннинг кўнглига чўғ бўлиб қадалди, юрагига қўшиқ бўлиб қуйилди . Оёқларига кўринмас кишан қадалгандек турган жойида зил қотди. У зумда бор дунёни унутди . Тили "Келишдик" дейишга аранг айланди халос .

Агар шу вақтда Сулаймонни Раҳматилла чақириб қолмаганда , шу туришида яна қанча муддат туриши номаълумлигича қолар эди.

@Xazon_Rezgi / 9 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Қишки сессия тугагач , талабалар анча енгил тин олдилар. Энди ёзги сессиягача бироз нафас

ростлаб олиш мумкин.

Иккинчи боқичнинг иккинчи семестр ўқишлари бошланган куни Сулаймон аудиторияга қўлида чиройли қилиб ўралган қоғоз қути билан кириб келди. Табиийки бу қути барча гуруҳдошларини эътиборини тортди. Сулаймон эса дадил қадамлар билан Ҳилолага яқинлашди.

- Ҳилола , - деди у дугонаси билан ўзининг ҳаракатларини ҳайрон кузатиб турган қизга қараб , - бу сизга...

Гуруҳдаги йигитлар ёппасига "ўўўўў" деб қарсак уриб юбордилар , кимдир эса узун ҳуштак чалди.

Сулаймон гуруҳдошларига қарата ясама дўқ урди:

- Ўч, ҳамманг !

Ҳилола Сулаймоннинг бу совғани нима учун олиб келганини тезда фаҳмлади :

- Бу қутидаги нима ?! - деди у хиёл кулимсираб

Сулаймон ҳам қизга кўзларини тўлдириб қаради:

- Шо-ко-лад ! - деди у тантановар тарзда .

- Менгами ? - кўзи билан қутига ишора қилди Ҳилола.

Сулаймон шундагина қути ҳали ҳам ўзининг қўлида турганлигини фаҳмлади :

- Ҳа , ҳа , албатта !

Ҳилола жилмайганча қутини йигитнинг қўлидан олди . Уни партага қўйиб безакларига зиён етказмаслик учун аста очди. Қутини ичи қип- қизил зар қоғозли шоколадларга тўла эди .

- Менимча ҳаммамизга биттадан етса керак. Қизлар болаларга ҳам узатинглар .

Аудитория бир зумда қий - чув бўлиб кетди. Ҳамма қўлини баробар қизлар тарафга чўзди. Қутининг охирида тўрт дона шоколад қолди:

- Бу сизга , - деди Ҳилола иккита шоколадни га узатиб , - бу эса менга .

Ҳилола ўзига ҳам иккита шоколад олди ва атрофидаги гуруҳдошларига боқди :

- Хафа бўлмайсизлар энди. Шунақа бўлиб қолди .

- Менга шоколад керакмас, уни сизга олганман, - деди Сулаймон қиз узатган шоколадни қайтаришга уриниб .

- Мен уни сизга берганим йўқ, - деди қиз ҳаммани ҳайрон қолдириб , - уни ойингизга олиб боринг. Билиб қўйинг , ўғил олган ҳар бир нарсада энг аввало онанинг ҳаққи бўлади, - у шундай деб ўзининг шоколадларини сумкачига солиб қўяркан яна изоҳ берди , - мен ҳам ойижонимга олиб бораман. Сизга эса улар номларидан ташаккур .

Ҳозиргина ғалағовур бўлиб турган хона бирдан жим- жит бўлиб қолди . Ўзларига теккан ширинликни аллақачон паққос тушурганлар ҳам , ҳали чайнаётганлар ҳам ўсал бўлиб қолишганди . Шу пайт Салим деган бўйи салкам икки метрга яқин курсдошлари ёнида турган Шомирзани бошига тарс этиб туширди :

- Ютиб бўлдингми захар маҳрингга? Э нафсингга ўт тушсин !

Шомирза бирпас гезариб турди-да , кейин бирдан чинқирди:

- Эсинг жойигами сен баланинг?! Мен ҳов анов узоқ журтимдан кеган босам, шугина канпитни ушшаб наврузгача термиилууб ўтирамам- ма ?

Сулаймон Ҳилола узатган шоколадни индамай чўнтагига солиб қўйди. Унинг кайфияти жуда кўтарилиб кетган эди.

Шу куни дарслар тугагач Сулаймон Ҳилолага эргашди :

" Касаллик вақтида ўқилмай қолиб кетган мавзуларни гапириб беришга тайёр эмиш"

Уларни узоқдан кузатган Раҳматилла қолган шерикларига деди :

- Всё ! Болапақир тамом ... Мальчикведьро кончился . Яна бир йигитни қўлдан чиқардик. Энди у ошиқлар мамлакатининг садоқатли лашкарлари сафига қўшилди . Алвидо, болалик ! - Раҳматилла шундай деб илжайди : - "Вел кам " , йигитчилик ! "Вел кам" , любовь!

Шу пайт Раҳматилланинг бошига тарс этиб тарсаки тушди.

Раҳматилла Салимга қараб чийиллади:

- Эээ манга қўл кўтарган қўлларинг акашак бўлмагур ...

@Xazon_Rezgi /10 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Тез орада Сулаймоннинг Ҳилоладан икки ёш катталиги маълум бўлди. Ҳилола мактабга олти ёшида чиққан экан , ўқувчилик даврида эса махсус комиссия имтиҳонлари билан еттинчи синфдан бир йўла тўққизинчи синфга кўчирилган экан.

Булар ҳақида эшитгач Сулаймон кутилмаганда Ҳилолани санлай бошлади :

- Воой , ҳали шунақа кичкинаман дегин ? Мени ака десанг ҳам бўлар экан- у ?!

Ҳилола ҳаётга ҳамиша тўғри кўз билан қарайдиган қиз бўлганлиги учун Сулаймонни раъйини қайтармади: "Ака бўлса ака- да !"

Кунлар исиб иккинчи босқич охирлаб қолганда бошқа қизлар каби Ҳилолани йўқлаб университет атрофида айланадиган йигитлар қалашиб қолишди. Аммо қизнинг бир бора қўл силташи йигит кўнглини ўз ўрнига туширди : "Дадамларнинг мени ҳали бери узатиш ниятлари йўқ. Опаларим ҳам аввал ўқишни битириб , кейин турмушга чиқишган"

Аммо учинчи босқичдаги тушунмовчилик сабаб Сулаймон анча юрагини олдириб қўйди.

Ўшанда май ойлари эди. Охирги пара тугагач, Сулаймон Ҳилолани кузатиб чиқди- ю, факультет дарвозаси ёнида турган ҳашаматли чет эл машинасини кўриб ажабланди. Тўғрироғи уни ажаблантирган нарса машинадан тушган қирқ беш ёшлар атрофидаги чиройликкина жувоннинг Ҳилолани чақриб бағрига босиши бўлди . Шу пайт машинадан қоп- қора сочлари сақичдек йилтираган кўркам йигит тушди- ю , садафдек тишларини йилтиратиб Ҳилолага қараб илжайди. Йигитнинг мисолида ўзига рақибни кўрган Сулаймоннинг бирдан қони қизиди. Қани иложини топса- ю югуриб бориб йигитнинг афтини бежаб қўйса . Аксига олиб Ҳилола Сулаймонга хайрни насия қилиб машинага ўтириб жўнаб қолди.

Ўша куни кеч кирмади . Кеч кирганда эса тонг отмади. Сулаймон вақтнинг керакмас пайтда бунчалик имиллашини ўшанда ҳис қилганди. Эртаси бир амаллаб университетга борар экан , қадамнинг униши шунчалик сустлигини илк бор ҳис қилди . Ҳис қилганда эса битта нарсага амин бўлди :

- Сулаймон Ҳилоласиз яшашга рози бўлолмас экан ! Сира ҳам !

Ҳилола эса барча гумонларга биттада нуқта қўйди :

- Узр , кеча хайрлашмай кетиб қолибман. Ғанишер акамнинг аёллари Роҳила келинойим кеча дард тутиб туғруқхонага кетган эканлар . Мендан уйдаги қизчаларига қараб туришни илтимос қилишди.

- Ғанишер акамиз кечаги ...

- Ҳа кеча мени олиб кетган йигит . Улар амакимнинг ўғиллари бўладилар . Алгоритмда яшашади . Кеча ўғилчалик бўдилар ...

- Ёнидаги аёл- чи ? Улар...

- Улар амакимнинг аёллари Рухсора келинойим бўладилар .

- Шундай денг ... Мен бўлсам ...

Шу куни Сулаймон Ҳилолани уйга кузатиб қўяр экан , қизга кутмаган саволни берди:

- Ҳилола , совчи қўйсам менга турмушга чиқасизми ?

Ҳилола бирдан таққа тўхтади . Кўзлари катта - катта очилди . Сулаймонга жиддий тикилди :

- Сулаймон ака ! Бу хазил- а ...?! Ахир бизнинг ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

5-ҚИСМ

ҳозирги вазифамиз ўқиш эмасми ?

- Тўғри ўқиш , - изоҳ беришга шошилди Сулаймон,- бироқ вақти - соати келиб барибир турмуш қурилади- ку , шунга ваъдангни олиб қўйяй деяпман- да.

- Сулаймон ака, мана уч йилдан буён бирга ўқиймиз , лекин шу вақт мобайнида мени

танимабсиз,- хўрсинди Ҳилола ...

- Нимага танимабман , қаерда танимабман, тушунмадим ? Қани ўзингни мен билмаган тарафдан таништира- чи ? - Сулаймон савол устига савол ёғдирди.

- Биласизми , турмуш қуриш масаласи ғоят масъулиятли масала. Мисол учун мен бундай масалада ҳеч қачон бир ўзим қарор қабул қилмаган бўлар эдим. Бутун умр бирга яшайдиган инсон шундай танлаб кетилавермайди-да ахир . "Тегасанми ? Ҳа !" деб . Бу ишда етти ўлчаб, бир кесиш керак. Умуман айтганда мен бу масалада ота- онамнинг қарорларига бўйсунсам керак. Йўқ, бу аниқ ! Тўғри ҳозир бу ҳақда гапириш анча эрта , бироқ вақти - соати келганда ҳам шу гап - шу гап.

Сулаймон ўсал бўлиб ер чизиб қолди. Аммо бироз ўтгач нималарнидир ўйлаб юзига табассум югурди.

- Ҳилола , айт-чи ота - онанг "Биз сени шу курсдошинг Сулаймонга турмушга чиқишингни истаймиз" дейишса нима қилардинг ?

Ҳилола узок ўйламади :

- Агар шундай бўлса , сизга албатта турмушга чиққан бўлардим. Уларнинг розилиги мен учун биринчи галдаги муҳим масала бўлса , сизни яхши танишим ҳам шунчалик қувонарли. Аммо буни ҳозирдан розилик аломати деб ўйламанг . Дадамлар ва онамлар рози бўлган тақдирдагина мен сиз билан ҳаёт йўлларимни боғлай оламан. Йўқса...

- Ҳа энди улар қизларини беришса мендек йигитга беришади- да. Ҳавотир олма уларни кўндириш менга тан.

- Ҳавотир олаётганим йўқ, Сулаймон ака. Аммо бу сиз айтгандек осон иш ҳам эмас ...

* * *

- Сулаймон , ўғлииммм...

Сулаймоннинг хаёлларини онасининг ўзини чақирган овози тўзғитди .

- Лаббай , ойижон . Келаверинг.

Мастура опа ўғлининг хонасига оҳиста қадамлар билан кириб келди. Унинг оппоқ , чиройли юзлари ташвишли кўринарди.

- Ўғлиимм , - деди у Сулаймоннинг ёнига ўтириб , - бу дейман топган қизинг жуда баланд дор эканми дейман?! Сен бўлсанг нуқул "У сизга ўхшаган оддий қиз" дердинг,- Мастура опа билинтирмасликка ҳаракат қилиб хўрсинди,- бу қизнинг уйидагилари Боирхўжа акаларникидан ҳам кўра "урра- урра" шекилли ...

- Ойижон, нима учун хавотир оляпсиз , тушунмадим? Ҳилолаларнинг оиласи оддий оила. Отаси олим одам бўлса ҳам жуда тушунган инсон. Ҳеч қанақа молпараст инсон эмас улар. Уларни ўзингиз билан қуда бўлишга кўндиришда битта қаршилик бўлиши мумкин . У ҳам бўлса "Қизимиз ҳали ёш" дейишлари . Аммо дадамлар Маҳина аммамни олиб борсалар у ёғини аммамнинг ўзлари қойиллатадилар.

- Билмадим ўғлим , даданглар боя суриштириб борсалар махалласидаги таниш одам "Бу хонадонни совчилари мана- ман деган казо-казолар, аммо ана ўшалар ҳам қуруқ қўл билан қайтиб кетишяпти" дейишганмиш.

- Одамлар айтишаверади-да , ойижон. Ўзингиз айтасиз- ку "Эл оғзига элак тутиб бўлмайди" деб .

- Майли , Худо хоҳласа бари яхшиликка бўлсин . Сенгинанинг бахтингни кўрган куним еттинчи осмонда учсам керак.

Пешонамда ёлғизгина ўғлимсан. Насиб қилса , сен туфайли қизлик ҳам бўламан. Биласанми , қизим бўлишини жудаям хоҳлаганман. Аввалоси Аллоҳнинг менга атагани -сени фарзанд қилиб берганига жуда розиман, ўзига минг қатла шукр. Аллоҳга шукр ўнта фарзанддан аълосан.

Бироқ аёл кишининг боши ёстиққа тегса ёнида тортинмай кўнглини ёра оладиган бир кўнгиладоши бўлиши зарур экан- да.

Ха айтганча , гап билан бўлиб газга чой қўйиб келганим ёдимдан кўтарилибди . Юр икковимиз бир чой ичамиз. Даданглар бугун чарчабдилар. Аллазамон уйқуга кетдилар.

Мастура опа жилмайиб хонани тарк этди.

* * *

Ҳилола Сулаймондан СМС олганда Жиззахдаги никоҳ базми энди қизий бошлаган вақт эди.

Ресторандаги олағовурга қарамай Ҳилола ўзига СМС келганлигини ички бир туйғу билан ҳис қилди .

- Салом Ҳилола , эртага кечга ойижоним ва аммамлар сизларникига совчиликка боришади . Ўша гап ўша гап- а ?

"Сулаймон ака , барибир айтганингизни

@Xazon_Rezgi /12 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

қилибсиз-да,- ширин энтиқди қиз , - кўнглим шундай бўлишини сезганди"

Гарчи Ҳилола йигитга "Ихтиёрим ота - онамнинг қўлида" деган бўлса-да , аммо ўзи ҳам киши билмас Сулаймонга аллақачон кўнгил қўйиб бўлган эди. Фақат бу туйғуларини йигитга билдириш тугул ўзи учун тан олишга юраги бетламас, ғурури йўл қўймас эди.

Айни дамларда эса унинг амакисининг қизи Дилфузанинг никоҳ оқшомида бахтдан боши айланар эди. Уни "Юр ўйнаймиз" деб даврага тортқилаётган қариндош ва тенгқур қизларга "йўқ" деб бош чайқар , шу топда тезроқ ўз уйларида , қадрдон хонасида ёлғиз ўзи ва доимий синашта хаёллари билан бўлиб қолишни жуда истар эди.

Онасига "совчилик ва совчилар" ҳақида оғиз очишга Ҳилолага қизлик ҳаёси йўл бермади. "Яхшиси улар келишганда ўзлари билиб олишади, ҳозир мен бирон нарса десам кўнгилларига бирор гап келиб ўтирмасин" . Ҳилола тўй ўтиб уйларига қайтиб келишаётганда ҳам шу фикрида собит қолди .

Кун пешиндан оғанда уйга қайтган оила аъзолари "Йўл чақиб қўйди-я" деганча ўз хоналарига кириб чўзилишди.

Ҳилола ҳам улар билан баравар ўз хонасига кирди, аммо кўп ўтмай ортига қайтиб чиқди.

У ошхонага кириб қозонга чиройли қилиб қайнатма шўрва солди. Кейин амакисининг аёли сумкаларини тўлдириб солиб берган, боя музлаткичга шундоққина устма- уст тахлаб қўйишган мева- чева, яхна газакларни чиройли қилиб хиллаб жойлаштира бошлади.

Орада меҳмонхонага кириб ҳаммаёқни бир назардан ўтказиб чиқди : "Барчаси жойида" ...

Ишлар битгач , шўрва қайнаётган қозонни тагини янада пастлаб хонасига йўл олди.

Хонасига кириб телефонини қўлга олди . Кеча Сулаймондан келган хабарни қайта - қайта ўқиди: "Ўша гап ўша гап- а ?"

Ҳилола жилмайди : "Ўша гап"... деди шивирлаб.Кўп ўтмай кўзи илинди.

Ҳилола қанча ухлаганини билмади. Бир вақт хонасининг эшиги чертилганида хумор кўзлари уйқудан аста очилди . Ташқаридан укаси Аброрнинг овози эшитилди :

- Опа , ойим чақиряптилар . Уйга меҳмон келибди.

Ҳилола дастлаб укасининг сўзларини яхши англамади. Сўнгра бирдан фикри тиниқлашиб сўз кимлар ҳақида кетаётганлигини англаб юраги ўйнади. Укасига "ҳозир" деди- ю , ўзи хонасининг дераза пардасини бир четини билинтирмай сурди.

Кўчада зулукдек қора ласеттида телефонига тикилиб ўтирган эркакни кўриб , ҳақиқатдан Сулаймондан совчилар келганини кўнгли билан ҳис қилди. Бу киши Сулаймоннинг дадаси эканлигини унинг ташқи кўриниши шундоққина айтиб турар эди. Барваста гавдалик бу эркакнинг чеҳрасида Сулаймонники каби қатъият ва ўктамлик барқ уриб турарди.

Ҳилола ошхонага тушганда онаси чой дамлаб турган экан:

- Ҳилола , овқат сузишга тайёр бўлиб турарсан. Мен бироз ўтиб чиқаман.

- Ойижоон, ким келди ...

- Совчилар келди , қизим , - Роҳила опа чаққон ҳаракатлар билан ичкарига зипиллади.

Ҳилола ойисининг феълени яхши билади. Ким келишидан қатъий назар келган меҳмонни айланиб - ўргилиб кутиб олади. Ҳилола музлаткични очиб ликопчаларга турли хил ширинлик ва газакларни алоҳида чиройли қилиб тахлай бошлади .

Кутганидек , ойиси тезда изига қайтди . Ҳилоланинг тайёргарлигини кўриб жилмайди ва патнисга жойланган ликопчаларни олиб яна меҳмонхонага қайтди.

- Бўлди , сингилжоним , кўпда овора бўлаверманг , - деди меҳмонхона тўридан жой эгаллаган Маҳина амма , - илтимос ўтиринг . Биз сиз билан бафуржа гаплашиб олгани келганмиз.

Роҳила опа қўлидагиларни дастурхонга жойлар экан , Маҳина аммага қараб "Хўп ... Хўп бўлади" деб жавоб қайтарарди.

Роҳила опанинг эътиборини тортган нарса совчиликка келган аёлларнинг иккисининг ҳам

жуда хушсуратлиги бўлди. Гарчи ўзи ҳам шу ёшида ёшликдаги тароватини сақлаб қололган бўлса- да , аммо бу аёллар ҳақиқатдан ҳам юзи билан битта тўла нур эди.

"Юз - кўнгил ойнаси" деб бежиз айтилмаганда,- ўйлади Роҳила опа ,- тавба бу аёлларни аввал ҳеч кўрмаган бўлсам ҳам жуда юракка яқин олдим-а , худди минг йиллик танишдек. Қизиқ , яқинда битта ҳикоя ўқигандим. Унда ёзилишича , инсон дунёга келгунча руҳлар оламида ҳам таниш бўларкан. Баъзилари эса жуда қадрдон бўлармиш.

@Xazon_Rezgi /13 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Шу сабаб бу дунёда биринчи бор учрашган бўлишса ҳам , ўзи билмай туриб руҳлар бир - бирини танир экан. Инсонларнинг тезда чиқишиб кетадиганлари шундай бўлса керак- да" . Роҳила опа бу фикрларни зумда хаёлидан ўтказди ва аёлларга қараб дастурхонга манзират қилди :

- Қани олиб ўтиринглар ...

- Синглим исмингиз ? - ёши катта аёл Роҳилага савол назари билан тикилди

- Исмин Роҳила ...

- Мени исмин Маҳина. Булар ,- у ёнидаги аёлга ишора қилди,- укамнинг аёли - келиним Мастураой бўладилар. Аслини олганда сингилим десам тўғрироқ бўлади. Ўзингиздан қолар гап йўқ , хонадонингизга нима учун ташриф буюрганлигимизни фаҳмлаб тургандирсиз. Шуйтиб айланай , қиз бор уйга шоҳ ҳам келар экан, гадо ҳам . Биз ҳам ўзимизда журъат топиб уйингизга совчиликка келдик.

Маҳина амма Роҳила опанинг оғзига тикилди. Роҳила опа ўнғайсизланиб ерга қаради. Нима дейишга шошиб қолиб :

- Хуш келибсизлар , - деди тили тутилганча.

- Келганимиз қачон хуш бўлади , айтайми , - дилбаргина кулимсиради Маҳина опа , - қачонки икки ёшнинг юлдузи юлдузига тўғри келса. Қачонки, хонадонингиз юлдузи бизнинг хонадон юлдузига тўғри келса.

- Кечирасиз , бизни сизларга ким дараклади ? - ийманиб сўради Роҳила .

- Роҳила , сингилжоним. Мен анов- манов деб гапни айлантириб ўтирмоқчимасман. Бор гапни яширишдан маъно йўқ. Хуллас ... Биз қизингиз Ҳилолахоннинг изидан у ўқийдиган институтдан тушиб келдик. Ҳилолахон жияним Сулаймон билан бирга ўқир эканлар. Уни уйлантирамиз деб ўртага олгандик "Майли , ундай бўлса шу қизнинг уйига бир бориб кўринглар" дегандек қилди. Сизларникига келиб эса хато қилмаганимизни тушундик. Тўғриси айтсам сизни кўриб худди минг йиллик танишдек юрагим "жиз" этса бўладими ? Биласизми , Роҳилахон? Мен умрим давомида жуда кўп маротаба совчиликка борганман. Аммо камдан кам ҳолатда қизни кўрмасдан онасини ёқтириб қолиб қарор чиқарганман. Ва айнан ўша ёшларнинг тўйи бўлиб , бахтли жуфтлик бўлишган. Менимча "Тақдир-насиб" деганлари шу бўлса керак.

Жиянимга келсак, ёлғиз ўғил . Аммо ўнта ўғилга татийдиган одобли , ҳуснли , баркамол йигит . Укам билан Мастураой шугина жиянимни Аллоҳдан тилаб- тилаб неча йилда сўраб олишган. Сабрларининг мукофоти шу Сулаймон. Мастураой бир неча йилдан буён озроқ дард чекдилар . Қолаверса уйда ёлғиз қўл. Шунга Сулаймонни уйлантириб , келинимга битта дил ҳамроҳ, қиз ўрнига қиз олиб берсак дегандик.

Айтганча келинимни ёлғиз қўл деганимга бутун рўзғор ишлари бўлажак келиннинг гарданига

тушар экан деб қўриб кетманг. Укам ўзига яраша давлатманд. Ўзининг кўп тармоқли бизнеси бор. Шунинг учун уйда барча шароитни муҳайё қилиб қўйган, хатто идиш- товоқниям машина ювади , қолганини қўяверасиз. Қизингиз келин бўлса ўқишини бемалол битиради, ишлайман деса у масалада ҳам чеклов йўқ. Одатда совчилар қизни олгунча оғиз тўлдириб осмондаги ваъдаларни бериб , кейин билганларини қиладилар. Аммо мақтанишмас- у, биз бу борада лафзлимиз.

- Билмасам , очиғини айтсам қизимизни бу йил узатмоқчи эмасдик. У ҳали ёш ...

- Қизингизни ёшини билиб келдик , айланай. Сиз ҳам битта нарсани эътиборга олиб қўйинг- да. Қиз боланинг бозори бир қайнайди. Тўғри, барчанинг пешонасига ёзилган ярим жуфти барибир ўз эгасини албатта топади. Орада вақт ютқазилиши мумкин халос.

Мен ҳозир сизга битта воқеани айтаман, эшитиб ҳайрон қоласиз.

Қайнисинглимининг бир ўғли бор. Шу йигитни анча йиллар аввал тўйи бузилганди. Бўлажак келинпошшанинг янгалари "Тўйдан олдин ҳар қанча эркалингини қилиб ол . Куёв бола тўйгача барчасини кўтаради , уйланиб олгандан кейин ўз билганини қилади. Никоҳ узук танлашга олиб борса энг зўри олдиргин. Орада қиммат узукли бўлиб олганинг қолади" деб "ақл" ўргатишибди. Қиз содда эканми , янгаларининг маслаҳатига киприк қоқмай амал қилибди.

Узук танлашга олиб борган йигитни жонидан тўйдириб , "Шуни олиб берасиз !" деб энг қиммат, олмос кўзли узукни танлабди. Йигит у деса бу деган, бу деса у деган. Хуллас йигит қараса бўлмайдиган. Қиз умуман гап уқишни хоҳламабти. Шунда йигит

@Xazon_Rezgi / #КЎНГИЛ_ИФОРИ

қизга "Қўлимдаги бор пул бу узукка ҳозирча етмас экан. Сен шу ерда кутиб тур мен ҳозир яна пул олиб келаман" деган- ю изига қайтган.

Уйга қайтгач "Мен бу қизни ўлсам ҳам хотин қилмайман, кимга керак бўлса ўша уйлансин" деб уйдан чиқиб кетган.

Охири тўй бузилди. Қиз тараф келиб роса ялинди, фойдаси бўлмади.

"Бизни шарманда қилманглар , ҳеч нарсангиз керакмас" дея обдон тавалло қилишдиям- ки , йигитни кўндириб бўлмади.

Шу бўйи ўша йигит ўн йилдан ошиқ вақт уйланмади. Қиз зотидан тоза кўнгли қолган экан- да. Бу вақтда ўқишни тугатиб , топармон- тутармон бойвачча йигитга айланди. Бир столни эгаси бўлди.

Қайнисинглим бояқиш билан шу йиллар ичида не- не қизларга совчиликка бормадик. Жавлон эса (йигитнинг исми шундай эди) унисини ўпоқ, бунисини сўпоқ деб бир бошдан йўққа чиқараверди.

Бир куни қудам "Опа қайнисинглингиз Маҳфиратхоннинг ўғилларига Салиманинг қизи Мунисани айтиб кўрайлик , шу қизнинг ҳам ҳеч бахти очилмади . Унинг жуда яхши қизлигини ўзингиз ҳам биласиз- ку" деди. Мен қудамга : "Муниса ҳақиқатда яхши қиз . Аммо Жавлон жудаям қиз танлашга талабчан бўлиб кетди. Не- не фариштадек чиройли қизларни назарига илмаяпти-ю , қорачагина, тарашадек озғин Мунисани менсимаслиги аниқ. Қўйинг , пишмаслиги кўриниб турган савдога вақт сарфлаб овора бўлмайлик" деб таклифини рад этдим.

Шу билан мавзу ёпилди. Орадан беш йил ўтди. Жавлонни уйланишга ҳеч кўндириб бўлмади. Бир куни қайнисинглимининг хун бўлиб йиғлаганига ачиниб , бироз тафти босилсин дебми, нима қилишни билмай ўзимдан- ўзим ҳалигача турмушга чиқмаган Мунисаларникига совчиликка олиб бордим.

Менга таниш одамлар бўлгани учун қиз томонни учрашувга биттада кўндириб келдик. Эртасига учрашув бўлиб ўтган вақтни чамалаб турсам, Маҳфиратхон кўнғироқ қилиб қолдилар. Мен "Ҳар доимги жавобдир- да" деб гўшакни беҳафсала кўтардим. Аммо қайнисингилим ўғлига қиз жуда ёққанлигини айтиб суюнчилаганида қулоқларимга ишонмадим. Нима учун қиз Жавлонга ёқибди десангиз-чи ? Эмиш- ки , Мунисанинг чап ёноғидаги мошдек ҳоли Жавлоннинг раҳматли бувисининг ҳолига икки томчи сувдек ўхшаркан, йигит қизни бир бор кўриши билан "Бувимларга ўхшарканкан" деб таслим бўлибди.

Бу воқеаларга янча анча вақт бўлди , - ҳикоясига хулоса ясар экан Маҳина опа енгил жилмайиш билан , - ҳозир Жавлон билан Мунисаларнинг икки қиз , икки ўғиллари бор.

Роҳила опа амманинг ҳикоясини тинглай туриб шу вақтгача даврага бир оғиз сўз қўшмай бош силкиб ўтирган Мастура опага зимдан назар ташлар экан, бу хушрўйгина аёлнинг кишини оҳанграбодек тортадиган меҳрли нигоҳларига ўзини таслим бўлаётгандек ҳис қилар эди.

"Тавба , - дея ўйлади Роҳила опа, - бу аёлда одамни ўзига тортадиган нимадир бор-а? Аммо қуда бўлганда ҳам Ҳилолани ҳақиқатда қизидек кўриши билиниб турибди"

- Роҳилахон. Энди "Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш" дейдилар. Оиламизни Назарбекдаги Нурафшон кўчаси 19- хонадондан сўрайверасиз. "Мирсаид аканинг уйлари қайси ?" десангиз барча бирдек танийди.

Энди бизга руҳсат . Сизларни шошилтирмоқчи эмасмиз- у , аммо шу келаётган чоршанбада яна бир хабар олиш ниятимиз бор,- Маҳина амма шундай деб дуога қўл жуфтлади.

* * *

Аёллар олдинма- кетин бошлашиб меҳмонхонадан чиққанларида тўғридаги уйнинг эшиги очилиб хонадон эгаси бўй кўрсатди. У аёлларни кўриб дархол ортга қайтмоқчи бўлди ,аммо ёши улуғ Маҳина опага салом бермаса одобсизлик саналишини ҳис қилиб меҳмон аёлларга аста пешвоз чиқди .

Асрор ака икки қадам юрмай тўсатдан таққа тўхтади.

Ҳозиргина режа қилгани салом бериш ҳам ёдидан кўтарилди .

У Мастура опага тикилганча қотиб қолганди ...

- Мас ...

Мастура сенмисан... - тили аранг айланди унинг

Мастура опанинг ҳам ҳолати ҳам униқидан кам эмас эди ...

У ҳам беҳолгина шивирлади :

- Асрор ака... Сиз ?! □□□□аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

6-ҚИСМ

- Ҳа , мен Асрорман. Оббо сени қара- ю , ахири яна учрашдик- а ? Аммо- чи , сира ўзгармабсан. Тўғрироғи Мапура опоқимнинг ўзлари бўлибсан- қолибсан.

- Тушунишим бўйича сизлар таниш чиқиб қолдинглар чамамда ? - Маҳина опа синчков назар билан Асрор акага савол берди

- Вой хаёлим қурсин , ассалому алайкум. Мастурани кўриб суюнганимдан саломлашиш ҳам ёдимдан кўтарилибди, - Асрор ака илдам келиб Маҳина опага елка тутди , сўнг кулимсираганча гапида давом этди,- булар билан ёшлиқда Самарқанд дарвозадаги уйимизда девор- дармиён кўшни бўлганмиз. У вақтлардаги "қўшни" сўзининг моҳиятини билсангиз керак. Қариндошдан ҳам яқин эдик. Кейинчалик эски хонадонларимиз ўрнига кўп қаватли уйлар тушиб бир- бирларимизни йўқотиб қўйдик. Ойимлар Мапура опоқимни кўп қидиргандилар. Ўша вақтларда анча изладик, аммо тополмадик. Мастуралар аввал "дом"га кўчишганди , кейинчалик домни сотиб шаҳар четидан уй қилиб чиқиб кетишибди. -Домга чиққан кезлари адамлар тўсатдан оламдан ўтиб қолгандилар, шунга тоғаларим "Синглим бир этак бола билан ёлғиз қолиб кетди" деб бизларни кўчириб кетишганди,- деди Мастура хаёлга берилганча.

- Бундан хабаримиз бўлмаганди . Опоқимлар- чи , улар ҳаётмилар ? -шошилиб сўради Асрор ака.

- Ойимлар тўрт йил аввал оламдан ўтдилар. Аммо умрларининг охиригача сизларни эсдан чиқармагандилар.

Асрор ака беихтиёр юзига фотиҳа тортди :

- Охиратлари обод бўлсин . Мапура опоқим қандоқ аёл эдилар- а ? - сўнг хўрсиниб қўшиб қўйди , - бизникилар ҳам ўтиб кетишганига анча вақт бўлди, бироқ бу воқеалар худди кеча содир бўлгандек.

Шу пайт суҳбатга Роҳила аралашди :

- Хўжайин сизни роса кўп эслардилар. Айниқса "Пиширган сомсаларинг Мастуранинг тандирда ёпиб олиб чиқадиган ялпиз сомсаларига ҳеч ўхшамайди- да " деганлари деган эди. Ҳалиям айтадилар , - у шундай деб ҳовлининг бурчагига ишора қилди , - хаттоки шунақа сомса пишир деб тандир ҳам қуриб берганлар.

- Энди гап бундай,- деди Асрор ака шодон овозда , - ҳозир орқага қайтасизлар. Нееееча йилда топган синглимни ўз қўлларим билан ош дамлаб бир меҳмон қилай.

Меҳмон аёллар бирданига ортга тисланишди :

- Йўғей кеч бўлиб кетди , кўчада укам , яъни бу синглингизни эри ҳам кутиб қолди . Дикқинафас бўлиб ҳам кетгандир кутвериб .

Маҳина опанинг сўзларини эшитиб Асрор ака янада хурсанд бўлиб кетди:

- Эээ, энг аввал шундан келмайсизларми ? - у шундай деб Роҳилага юзланди , - онаси , сен меҳмонларни ичкарига бошла, мен зумда куёв эшонни олиб кираман.

Асрор ака аёлларнинг ҳай- ҳайлашларига қарамай чаптастик билан кўчага йўл олди .

Маҳина ва Мастура опалар хонадон эгасининг ташқарида ўзларини кутиб турган Мирсаид акани уйга кириш учун кўндир олишига шубҳа қилганлари сабаб ортларига қайтмай шу ерда кутиб туришга қарор қилдилар.

Бироқ орадан бир чой дамлагулик фурсат ўтар- ўтмас Мирсаид ака остонада кўрингач, ҳайратларини яшира олмай қолдилар.

- Мирсаид ? Ука , биз сени ...- Маҳина опа вазиятга баҳо бериш учун сўз бошлаган эди ҳам- ки , Асрор ака уни ишини ўзи енгиллатди .

- Мен кўчага чиқиб , қани куёв бола уйга марҳамат демоқчи эдим, Мирсаид акамнинг ёшлари мендан анча улуғ экан. Почча дейман десам Мастура мендан ёш , нима қарорга келишни билмай каловланиб қолдим. Хуллас барибир ока - ока бўладилар- да. Қани окахон, марҳамат . Уйимизнинг тўри, қалбимизнинг кўри сизники .

Асрор ака меҳмонларга йўл бошлади . Аёллар сал аввал ўзлари чиққан хонадаги дастурхоннинг саришта ҳолга келиб қолганлигини кўриб киши билмас бир - бирларига ишора қилишди: "Бўлажак келин фаросатликкина экан..."

Табиатан оғир- вазмин , кўп ҳолларда тунд кўринишда юрадиган Мирсаид аканинг кайфияти нима учундир бугун жуда кўтарилиб кетган эди. Балки , шу кўчадаги қадрдони Қобил ака таърифлаган кимсан фалончи олим Асрор Файзуллаев ўзига деярли қариндош бўлиб чиққанидан хурсанд бўлгандир.

Асрор Файзуллаевни кимлигини яхши танимаган инсон уни оддийгина , камтар киши деб қабул қиларди. "Буюклик - оддийликда !" деган ибора айнан Асрор ака учун ўйлаб топилгандек эди гўё .

@Xazon_Rezgi /16 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Меҳмон ва мезбонлар дастурхонга дуо-и фотиҳа қилишгач , Асрор ака уларга мулозамат қила туриб жилмайди:

- Қани дастурхонга қаранглар . "Тоғ - тоғ билан учрашмайди , одам - одам билан учрашади" деган гап бор ҳақиқатлигини кўринг-а. Яна "Дунё тор" деганлари ҳам рост экан . Синглим Мастура билан салкам қирқ йилда қайта кўришдик. Аммо лекин бир гапни айтиб қўяй. Эслашамиз десам суҳбатимиз хафталаб ҳам тугамайди.

- Болаликдаги дўстлар фарзандларимиз туфайли қайта учрашишибди- да. Аммо Мастура сизни ойингизларни "Анзират ойим" деб кўп эслар эди,- деди Мирсаид ака хаёлга берилган бўлиб.

- Ҳаа, ойимлар билан Мапура опоқим опа- сингилдан ҳам яқин эдилар- да. Ишонсангиз булар билан ҳовлимиз ўртасида девор ҳам бўлмаган. Шунчаки қирқ оғайни атиргулни ишқомга ўхшатиб тараб ҳовлиларимиз бўлиниб қўйилганди. Бизни уйда қиз йўқ , уч ўғил эдик . Мастураларникида эса уч қиз , икки ўғил эди. Бир йили ойим бояқиш энг кичик укамни дунёга келтириб , нима учундир юролмай қолганлар. Ўшанда Мапура опоқим билан қизлари бизнинг коримизга роса ярашганди. Айниқса Мастура чақалоқнинг кийимларини бир неча ой давомида уйларида ювиб - дазмоллаб беришни бўйнига олган эди. Ҳозир укам Азамат полвон йигит бўлган, - Асрор ака шундай деб аёлига юзланди , - онаси , синглим топилди-я , ошга ҳаракатни бошлайвер, ўзим дамлайман.

Роҳила бош силкиди :

- Ҳилолага айтдим , адаси .

Қизнинг номи орага тушгач меҳмонлар бир - бирлари билан кўз уриштириб олишди.

- Шу десангиз , Асроржон ... ука , - қаранг , нима мақсадда хонадонингизга келдик-у , ишлар қанақасига айланиб кетди , - биз ...

Асрор ака Мирсаид аканинг ўнғайсизланиб тўхтаб қолганлигини кўриб , унга ёрдамга шошилди :

- Ока ... Очиғи қизимизга совчи келса "Қизимиз ёш"деб уларни қайтараётган эдик. Аммо Мастура синглим учун... Мана опамизни кўрдим , - у Маҳина опага ишора қилди, сўнг сўзида давом этди , - сиз билан танишдик. Кўринишингиз қанақа инсон эканингизни манаман деб айтиб турибди. Қолаверса , сизлар яхшидирсизлар- ки , Мастура ҳам уйингизда туп қўйиб , палак ёзган. Хонадони тинч аёлнинг юзидан шукроналик ифодаси уфуриб туради. Нима демокчилигимни англаётгандирсиз - а ? Хуллас мен бу таклифга ижобий қарайман.

Мирсаид ака муштира йўталди . У гапнинг хонаси келиб қолганда фурсатдан янада фойдаланиб қолишга интилди :

- Асроржон... Мудомики , Мастурани синглим деб билар экансиз , унда бор ҳақиқатни билишга ҳақлисиз. Биласизми , аёлим , яъни синглингиз Мастура узоқ йиллардан буён буйраги сабаб дард чекади. Тўғри, қўлимда ўзимга етарли мол- давлатим бор. Шу сабаб Мастурага керак вақтда қўлдан келганча муолажасини олиб турамиз . Бироқ уни бир қизлик қилиб дардини бироз аритсам дегандим. Соғлиғи сабаб ишламаганлиги учун битта ўзи уйда кўп зерикиб қолаяпти- да. Қолаверса ўғлимизнинг ҳам уйланадиган вақти келиб қолди.

Асрор аканинг бирдан авзойи бузилди . У Мастурага бошқача , дардли нигоҳ ташлади :

- Нима қилди сенга , Мастура ? Ҳозир яхшимисан ? Ҳеч нарса безовта қилмаяптими ? Менинг яхши шифокор танишларим бор ...

@Xazon_Rezgi /17 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура дув қизарди :

- Ҳозир яхшиман , ака... Ҳавотирга асос йўқ. Вақти - вақти билан муолажаларни олиб тураман.

- Ҳа ундай бўлса яхши. Айтганча , мен ҳозир ...

Асрор ака шундай деб ўрнидан қўзғалди- ю , қия очиқ деразадан ташқарига овоз берди :

- Ҳилола , Аброр , Асқар , бу ерга келинлар , - у фарзандларини чақириб ўзига "Уят бўлмасмикан?" деган маънода ҳижолатомуз тикилган аёлига тушунтириш берган бўлди , - болаларимнинг аммаси топилди-ю , таништирамаймизми ? Ҳа айтганча , - деди у меҳмонларга , - яна иккита қизим бор. Каттаси Нигора, иккинчиси Мастура (Аброр ака бу исми тантановор эълон қилиб қўйди) , қизимиз сенга ўхшасин деганман- да , синглим .

Шу пайт хонага ўн тўрт , ўн олти ёшлардаги иккита ўспирин йигитча кириб келиб меҳмонларга одоб билан салом беришди. Асрор ака уларни меҳмонларга таништириб бўлган ҳам эди-ки, хонага Ҳилола кириб келди. У сал аввал онаси томонидан келган совчи аёл дадасининг узоқ

йиллардан буён гапириб юрадиган ўша Мастура опа эканлигидан чала - чулпа хабар топганди. Шу сабаб дадаси ўзини бежиз йўқламаётганлигини пайқаб , чорлаганда кирмаса бўлмаслигини ҳис қилганди.

Ҳилола бир чойнак чой дамлаб келибди.

У чойнакни илдамлик билан дастурхонга қўйди-да, биринчи бўлиб Мирсаид акага салом берди.

- Ассалому алайкум , - сўнгра онасининг ишораси билан айланиб ўтиб аввал Маҳина опа , кейин Мастура опа билан кўришди. Ҳилола Мастура опа билан кўришаётганда Асрор ака :

- Қизим , мен сенга айтган Мастура амманг шу аёл бўлади. Яхшилаб кўришгин, хўпми ? -деди завқланиб.

Мастура Ҳилолани бағрига босар экан, кўзларига ёш келди :

- Ака , бу қизингизни негадир ўзимга ўхшатдим , - деди у товуши товланиб Ҳилоланинг новдадек бўй- басти , ёшлик таровати ила безанган хумор кўзлари, қайрилма киприк, гулгун яноқларига боққанча.

- Қизлар аммага ўхшайди- да , ўзи . Яна бошқа кимга ўхшасин ? - деди Асрор ака тантилик билан.

Меҳмонлар бу хонадонда анча қолиб кетишди. Орада Маҳина амма ўз уйидагиларини , Мастура опа Сулаймонни хавотир олмаслиги учун бирров қўнғироқ қилиб огоҳлантириб қўйишди .

Соат тунги йигирма иккиларга яқинлашганда Асрор ака меҳмонларни кетиш ҳақидаги таклифига тилар - тиламас базўр розилик берди .

* * *

Маҳина опа ўзини уйига ташлаб қўйиш учун машина рулини Себзорга бурган укаси ва келинига йўлма - йўл оғзининг суви келганча Асрор аканинг хонадонини мақтаб кетди.

Мирсаид ака нима учундир яна жиддий ва тунд бўлиб қолган эди. У Маҳина опасининг эшигига етгач ахири ёрилди.

- Менга қара, Мастура , - деди у атайдан опасининг диққатини тортиш учун дона- дона гапириб , - Анзират ойинг ҳақида- ку гапиргансан. Ёдимда бор. Аммо мана бу Асрор "аканг" ҳақида гапирганингни шунча ҳаракат қилсам ҳам эслай олмадим. Тўғриси битта нарсага ҳайрон бўлдим. Айбга буюрмайсиз-да , хоним, шунақа оми одамман,- шу пайтда Мирсаид аканинг овозидаги таҳдидли киноя яққол сезилди , - нима ёнма - ён яшаган барча инсонлар , яъни йигит билан қизларни айтаман-да , шунақа "ака- сингил" бўлиб кетаверадими ? Шунчалик осон ишми шу ? Мана опам айтсинлар , бизнинг ҳам қўшниларибиз бор бўлган. Нима учундир бизлар шунақа опа - ука, ака- сингил бўлмаганмиз . Аммо бизлар ҳам етарлича оқибатли эдик. Тўғрими , опа?! Ёки биздаги оқибат билан сизлардаги оқибатда мен билмайдиган бирон нима бормикан ? Шу саволга бир жавоб бериб юбора оласизми ?

Мирсаиднинг вазоҳатидан ҳозиргина тиллари бийрон бўлиб келаётган Маҳина амманинг ҳам тили айланмай қолди .

Бироқ Мастура опа ўзини йўқотмади . У қаддини ростлади. Эрига дилбар нигоҳларини қадади

ва : □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

7- ҚИСМ

- Албатта жавоб бера оламан, - деди, сўнгра ўзини янада вазмин ва бир хил оҳангда сўзлашга ҳаракат қила кетди, - дадаси, очиғини айтсам сизнинг тажанг феълингиздан "Асрор акага бирор нарсалар деб юбормасмикансиз?! " дея юрагимни ҳовучлаб ҳавотир олиб, игнанинг устида ўтиргандек ҳис қилдим ўзимни. Ҳайрият-ки, меҳмонда эканлигимизда ўзингизни қўлга олиб ўтирдингиз.

Энди бевосита саволингизга жавоб беришга келадиган бўлсам...

Асрор ака деярли барча гапни гапирдилар- у, аммо энг асосийсини айтмадилар.

Хуллас ...

Мен ...

Биз ..

Мен ва Асрор аканинг ҳақиқатдан ҳам ака - сингиллигимиз рост. Ҳали эшитганингиз ёдингизда бўлса, Асрор ака кичик укалари дунёга келган вақтда Анзират ойимларнинг товлари қочиб ётиб қолганлари ҳақида гапиргандилар. Укам Абдуворис бир ёш эди ўшанда. Анзират ойимнинг мазалари йўқлиги сабаб менинг ойим укам билан бирга кичкинтой Азаматни салкам уч ой эмизиб парваришганлар.

Ундан анча аввал эса ойим бир сабаб билан Асрор акага ҳам бир ҳафтага яқин кўкрак тутган эканлар. Асрор ака Зоҳида опам билан эмикдошлар. Мен эса сингил.

Мастура сўзини тугаллар экан, Маҳина опа ўктам овозда орага гап қўшди :

- Мастураой, сиз бу хонадонга ўйлаганимиздан ҳам кўра яқин экансиз- у, у шундай деб ўзича вазиятга хулоса ясаган бўлди, - менимча иш пишди ҳисоб. Мана мени айтди дейсизлар, насиб қилса худди шу хонадон билан қуда бўласизлар. Кўнглим шунақа деяпти.

- Илоҳим айтганингиз келсин, опа. Сулаймонимизнинг тўйига бош бўладиган ҳам ўзингиз. Аллоҳим ўша кунларга етказсин,- деди Мастура опа орзумандлик билан.

- Буни қаранглар, қачондан бери кўчада гаплашяпмиз,- деди Маҳина опа таънаомуз,- шу гапларни уйда гаплашсак бўлмасмиди? Келиним ҳам иссиққина чой дамлардилар?

- Опа, биз энди борайлик. Сулаймон ҳам юраги пўкиллаб йўлимизни пойлаб ўтиргандир,- деди Мирсаид ака.

Эр - хотин Маҳина опа билан қуюқ хайрлашиб йўлга тушдилар.

Назарбекга кираверишда Мирсаид ака нима учундир машинасини йўл четига ўтиб тўхтатди.

- Тинчликми, дадаси? Машинангизга бирор нарса бўлдими? - ҳавотирланиб сўради Мастура опа эрининг ҳатти - ҳаракатига тушунмай.

- Мастиир ... - деди Мирсаид ака овози товланиб , - мен барчасини ҳов боя билгандим. Асрор акангни уйига киришдан олдин...

- Тушунмадим , дадаси ? Сўзларингиз шунчалик жумбоқли- ки , тагига етиш бирам мушкул ? - Мастура опанинг овозидан озорланиш аломатлари барқ уриб турарди.

Мирсаид ака эса хотиржамликни қўлдан бой бермай сўзида давом этди :

- Мен сени Асроржон билан сутдош ака- сингил эканлигингни аллақачон билгандим деяпман. Асроржон кўчага чиқиб мени ўз хонадонига таклиф қилаётганидаёқ, кўнглимга бошқа гап келмаслиги учун тезгина барини рўйи- рост гапириб берганди.

- Демак , "Акасининг сўзлари тўғри чиқармикан ?" деб мени синамоқчи бўлибсиз-да ?! Ўзингизча тергов уюштирибсиз- да ?! Шунча йиллар сизни ишончингизни қозона олмаган эканман шекилли ?! Эҳ сизни қаранг- у ?! - Мастура опанинг товуши бўғилди . Ўқсинганча кўзларини четга олди.

Мирсаид ака уни хотиржам қилишга урина бошлади:

- Эҳ , Мастиир , Мастиир ... Барибир аёллигингга борасан- да?! Вазиятга ҳеч четдан баҳо бермайсан?! Мен бу сўзларни атайдан қайта кўзгадим . Биласанми нимага ?! - Мирсаид ака машинасининг ўриндиғига янада қулайроқ ўрнашиб ўтириб оларкан гапида давом этди , - мен- ку акангга ишонганим учун унинг хонадонига қадам босгандим.

@Xazon_Rezgi / 19 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Унда бу томоша нима учун ? Кимга керак ?! - Мастура эрининг мақсадига тушуна олмай борган сари гаранг бўлиб борар эди.

- Акангникида меҳмонда эканлигимиз пайтида на сен , на у ҳозирги ҳақиқат ҳақида сўз очмадинглар . Нима Маҳина опамда мен сенга яқинда берган саволлар туғилмади деб ўйламайсанми ? Биласан опам жуда ғурурлари баланд аёллар. Улар қанчалик қизиқмасинлар бу ҳақда биринчи бўлиб оғиз очмасликлари аниқ эди. Мен эса опамнинг кўнгилларида сенга нисбатан заррача шубҳа ёки гумон бўлмаслигини истайман. Улар келин сифатида сени қатор йиллар ҳурмат қилиб келдилар . Тўғри бу ҳурматнинг сабабчиси аввало ўзинг ва шунча йиллик ҳалол меҳнатинг. Мен бугун ана шу ҳурмат дарз кетишини истамадим. Эрингни энди тушунгандирсан- а , Мастирхон?!

Мастура Мирсаид аканинг мулоҳазаларини эшитар экан, унинг нақадар ҳақ эканлигига амин бўлиб , бирдан бўшашиб кетди.

- Дадасии , - деди у ҳиқиллаган каби , - бир қарасам сира гап тушунмайдиган қайсарларнинг қайсарисиз , аммо бир қарасам донолик , фаҳм- у фаросатда сизга тенг келадигани бу дунёда топилмайди... Менга эса айнан ана шу "иккинчи"- сиз ёқасиз. Дадаси ... Нима бўлганда ҳам сиз билан кечирган умримга мингдан- минг розиман...

- Бўлди , хотин, бўлди . Ҳозир индамасам йиғлашга тушасан, шекилли . Ундан кўра кетдик , ўғлинг бизни кутавериб кўзлари тўрт бўлгандир . Ёки "Оҳ" деса ўпкасидан ой кўриниб қизпошшага телефон қилиб ўтирганмикан ?!

- Вой дадаси-ей, гапниям оласиз-да! - Мастура опанинг кайфияти бир зумда кўтарилиб

кетганди , - қани ҳайдайқолинг машинани ...

* * *

Эртасига кечга яқин қўл телефони жиринглаганда хаёл сурганча чучвара тугиб ўтирган Мастура опа бир қалқиб тушди.

Экрандаги нотаниш рақамни кўриб ҳайрон бўлган аёл ун юқи қўлларини артишни ҳам унутиб тармоққа уланди :

- Алло , эшитаман , - деди у юраги алланечук алағда бўлганча .

- Мастура , сенмисан ? Бу мен Асрорман ?! Кеча яхши етиб олдингларми ?

- Вой , ассалому алайкум, Асрор ака ?! Ҳа яхши етиб келдик . Раҳмат . Ўзинглар яхшимисизлар ? Роҳила келинойим , ...

- Яхшимиз , яхшимиз ... - Асрор ака нима учундир ҳовлиқандай тез- тез гапирар эди , - Мастура , биласан сени синглим деганман. Ака - сингил ўртасидаги гаплар айлангириб гапириб ўтирилмаса ҳам бўлса керак . Ёшлигимизда бир - биримизни яримта гапдан тушуниб олар эдик . Ёдингдами шулар ?!

- Ҳааа , ёдимда ... - деди Мастура опанинг нима учундир хўрлиги келиб .

- Хуллас , синглим, бу ёғига энди гапнинг очиғи ... Гапнинг очиғи ... - Асрор ака нима учундир ҳозиргина ўзи айтган сўзларига қарши ўлароқ гапни айлангира бошлади, унинг ниманидир айтишга қийналаётгани сезилиб турарди , - сизлар бизникига эртага , яъни чоршанба куни келамиз деб кетган экансизлар- а ... Шу десанг чоршанба куни келмай қўяверинглар демоқчидим. Биз онаси билан ўйлаб кўриб ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

8- ҚИСМ

бир қарорга келиб кўйдик...

Мастуранинг дами ичига тушиб кетди. У беихтиёр стулга мажолсиз чўкиб қолди. "Менгина ўлай , - дея ўйлади у , - ҳозир акам "Ака-сингилчилик ўз йўлига , турмуш, умр савдоси ўз йўлига, хафа бўлмайсан- да энди, синглим" - дейдилар шекилли" . Юраги бежо ургандан Мастура опанинг пешонасига зумда дувиллаб тер тепчиб чиқди.

Сингилнинг жим бўлиб қолгани Асрор акани ҳавотирга солди...

- Мастууу... - деб чақирди аёлни худди масъум болалик даврларида чақиргани каби , - мени эшитяпсанми, нега жим бўлиб қолдинг ? !

Мастура опа бор кучини аранг бир оғиз сўзга тўплади ва қуруқшаган лаблари билан беҳол шивирлади :

- Эшит...эшитяпман.... Ака...

- Аслида бу гап телефонда айтиладиган гап эмас эди... Аммо , нима учундир сабрим

чидамади...

Масту... Гап шунда-ки , бир вақтлар сен онамларга қилганинг каби хизматни қизим ... - Асрор аканинг қулт этиб ютингани тармоқдан эшитилди, - мен ҳам ...

Биз ҳам ...

Яъни онаси билан ўзимни айтаяпман- да...

Хуллас, қизим сенинг хизматингни қилса..., дардингни дармони бўлса ..., ўзинг орзулаб бўлишини истаган қизинг ўрнида қизинг бўлса , бундан фақат ва фақат бахтли бўламиз, сингилжоним...

Мастура опа Асрор аканинг сўзларини тинглаб ...пиқ , пиқ йиғлай бошлаганди ...

- Масту ... Мени эшитяпсанми ? Нега индамайсан ? Ёки ... Ёки мен билан қуда бўлишдан айниб қолдингми , Масту ...?

- Мен йиғлаяпман, ака... Йиғлаяпман ... - ўпкаси тўлиб базўр жавоб қайтарди Мастура...

- Иеее , нимага йиғлаяпсан ? Ё мен нотўғри гапириб қўйдимми ?

- Хаа акааа , мени сиз йиғлатдингиз ... Тағин нимага дейсиз- а ? Ахир ... Ахир ҳозир бир оғиз гап билан мени қизлик қилиб қўйдингиз-ку ... Шунга йиғлаяпман- да ...

Мен ўғлим Сулаймон туғилганда бахт таъмини худди шундай тотгандим ...

Ўшанда бахтли бўлишим учун қанча дард , қанча ҳавотир , қанча оғриқларни енгиб ўтишимга тўғри келганди. Аммо ҳозир сиз ҳеч бир эвасиз мени бахтли қилдингиз - қўйдингиз ...

Мен энди тушуняпман...

Айтишади- ки , буғдойзорни оралаб , кесиб ўтиш энг оғир гуноҳ ҳисобланар экан... Бироқ уни кесиб ўтишга фақат бир инсонга руҳсат берилган экан. Биласизми кимга ? Сингисини йўқлаш умидида йўлга чиққан акага...

Акага !!!

Ака...

Биласизми , ака ва сингил ўртасидаги ришта бошқа ҳеч қайси риштага ўхшамас экан. У бутунлай бошқача бўлар экан ...

Бир вақтлар , ойим шундай дегандилар :

" Отам ўлди , чидадим ... Онамдан ажралдим, бу ғамни ҳам бор кучим билан енгишга ҳаракат қилдим, сўнгра неча йиллик ёстиқдошим жуфти- ҳалолим вафот этди . Йиғлай , йиғлай бу дардга ҳам кўнишга мажбур бўлдим.

Бироқ ...

Бироқ акам оламдан ўтганда чидай олмадим , чидай олмадим... Ер билан битта бўлиб тутдек тўкилдим ...

Шунда билдим- ки , жигар доғи энг аччиқ доғ экан...

Акамдан кейин мен - мен бўлганим йўқ . Й-ў-ў-ў-қ !!!"

деб умриларининг охиригача йиғлаб ўтгандилар .

Ака... Ойимнинг нега бундай деганларини мана ҳозир янада теранроқ тушуниб турибман.

Айни дамда аканинг сингилга бўлган муҳаббати отанинг қизга нисбатан муҳаббатидан кам эмаслигига гувоҳ бўлиб турибман...

Ака ...

Акажон ... Мен қизингизга балки онадек бўлолмасман... Аммо унга бир мунис ва мушфиқ сингилчалик "Акамнинг кўзининг оқу- қораси" деб муомала қилишим , ардоқлашим аниқ ...

Аниқ , ака...

- Бўлди қил , Мастууу... Юрагимни эзиб юбординг ... Шу ёшимда йиғлашим керакми сенга ... - Асрор аканинг ҳам товуши бўғилиб кела бошлади ...- менимча , тўйни тезлатиб , хотиржам бўлишимиз керак-ов . Бўлмаса икки томонда ҳам ҳиқиллаб юракни тўкиб ўтираверамиз . Ўзи ёшимиз сал нарсага юрак кўзғалон қилиб қоладиган ёшга етиб қолган бўлса...

Кел, Масту ... Шанба куни болаларимиз учрашувга чиқа қолишсин... Кечга томон катталар бир йиғилишиб уларнинг бошларини боғлаб, тўйни белгилаб қўяқоламиз... Ака - сингил тўйда бир ўйнайлик.

@Xazon_Rezgi /21 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳали Ахбор акам билан Азаматга сени топганимни , тўғрироғи сен мени топиб келганимни айтганим йўқ... Билишса бор-ми, нақд байрам бўлиб кетади- я ? Уларни ҳам шанбага чақириб , бир сюрприз қилсаммикан деб турибман? Нима дейсан ? Сен ҳам ўзингникиларни чақир ... Бизникига бошлаб кел ...

Мастура оҳиста овозда кулимсиради :

- Ака ... Тўйни бошлавордиз шекилли а ? Шанба куни тўйнинг биринчи қисмими ?

- Албатта- да ... Бўлмасам-чи ? Айтгандек , Масту, ёшлар қаерда , қайси пайт учрашишини Роҳила билан келишиб оларсизлар . Мен ўз миссиямни бажариб бўлдим. Ҳозирча хайр, синглим ...

- Ака , келинг чучвара қияпман...

- Вааай , бошиданоқ шундан келмайсанми ? Ҳалиям чучварани данакдек тугасанми , чайнамай ютадиган қилиб ? Ўзиям- чи , жуда пазанда эдинг- да ?!

- Билмадим , ўша вақтдагига ўхшаган шекилли.

- Майли , раҳмат. Ака- сингилмиз, қуда бўлсак янаям яқин бўламиз . Ўшанда чучвара пишириб бераверасан . Ҳозир-чи , гапимиз тугамай оқадан гап эшитиб қолмайлик . Овқатинг кеч қолиб

кетмасин . Бўпти , Аллоҳга омонатмиз ... Омон бўл...

- Сиз ҳам , ака ... Сиз ҳам ...

Мастура телефонидаги ун юқини сочиқ билан артиб столга қўяр экан , ширин энтикди :

- Аллоҳим , кўрсатган кунингга шукр...

* * *

Бу ёғига ҳаракатлар тезлашиб кетди. Мастура опа ўз ҳолатини еттинчи осмонда учиб юрган инсонга қиёслар , гоҳо ерга қадам босиб эмас, енгил сузиб юрганга ўхшарди.

Мирсаид ака ҳам фотиҳа маросими ҳаракатлари учун барча ишини бир четга суриб ўзи елиб - югуришга тушди . У кўп кунлари Мастура опани ёнига олиб ҳали у таомга , ҳали бу таомга буюртма бериш учун шаҳарнинг у бурчагидан бу бурчагига чопар , қилган буюртмаси буюртмалар ичида энг зўри бўлишга тиришар эди.

Бир куни Мастура опани ёнига тушиб Абу Сахий ва Отчопар бозорига бориб келинчак учун сумкадан тортиб салом қиладиган шарфигача танлай кетди. Эрининг ҳаракатларини кузатган Мастура опа битта нарсага амин бўлди :

"Мирсаид ака келинни қиз каби қабул қилишни ўзидан кам истамаяпти !" .

Мастура опа бозорда Мирсаид аканинг дидига янада қойил қолди . Эри ҳар томонни назардан қочирмас экан. Буни Мастура опа жуфтнинг бўлажак келин учун антиқа оёқ кийим танлаганида айниқса қаттиқ ҳис қилди .

Мирсаид ака туфлидан кўра крассовкага ўхшаб кетадиган пошнаси ясси макасинани ушлаб :

- Қара онаси , келининг ўқишга кийиб бориши учун жуда қулай нарса экан , - деганда эрининг дидига қойил қолиб кетди.

- Ҳақиқатдан жуда антиқа экан , - деди Мастура опа , - нархиям сифатига яраша экан. Бироқ мен келинчаклар киядиган зардўзи кийим - бошлардан ҳам олиб берасизми дегандим.

- Униям оламиз , - деди Мирсаид ака макасинанинг пулини тўлай туриб , - сен айтган кийимлардан неча сидра олиш керак? Ҳали шанба кунги учрашувга ҳам алоҳида совға танлашимиз керак.

Мастура опа жавоб беришга шошилиб қолди.

* * *

Мастура опа Сулаймон шанба куни бўлажак келинга берадиган совғалар қаторига қўшаётган ярим ой шаклидаги тилла зиракни кўриб Мирсаид ака ажабланди.

- Мастиир , мана шу зирак совғаларингга унча ёпишиб тушмади. Эслатмабсан-да , бирорта тилла буюм бўлиши керак деб ? Шунча ҳаражат қилган уни ҳам олар эдик. Майли , ҳалиям кеч эмас. Эрталаб Чорсуга тушиб келамиз ...

- Ҳожати йўқ , дадаси,- деди Мастура хотиржам оҳангда , -бу зирак совғалар ичида энг

қадрлиси ...

- Бунинг анча эски урфдаги, ёши катта опоқиларнинг зираги- ю бу ? Ҳали келинбола буни менсидими , йўқми ? Ўз - ўзидан "Тақармикан?" деган савол ҳам туғиляпти ...

- Тақади , дадаси , тақади , - жилмайди Мастура , - биласизми нимага асосланиб бундай деяпман ? Бу Асрор акамни оналари Анзират ойимнинг зираклари . Ўн икки ёшга тўлганимда, мучал тўйинг деб қулоқларидан ечиб менга тақиб қўйгандилар. Ўшанда : "Бу зиракни келинимга атагандим , аммо ўйлаб кўрсам уни тақишга қизим кўпроқ ҳақли экан" дегандилар. Кўрасиз , акам уни дарров танийдилар ...

- Ҳаа , бундай дегин . Гапингни эшитганимдан сўнг зирак менинг ҳам кўзимга бошқача кўрина бошлади... Ҳақиқатдан ҳам бу совғаларнинг гултожи экан...

@Xazon_Rezgi. /22 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

* * *

Сулаймон ва Ҳилола ўзларининг унаштирилаётганликларини гуруҳдошларидан яширишди. Улар азбаройи тинч юришлари, ҳар хил тегиштириладиган , илмоқли, қочиримли гаплардан қочиш учун ҳам бу хабарни беркитишга қарор қилгандилар.

Ва ...

Ва билар эдилар- ки бу ҳаракатлари орқасидан яна шунча гина ва маломат ҳам эшитишларини

Икковлари охири телефонда гаплашиб, келишиб олдилар . Фотиҳалари ўтгач , душанба куни ҳар иккиси маросим патири , ҳолва- магизи, ширинликлари билан гуруҳдошларини меҳмон қиладилар . Алоҳида - алоҳида... Қани қайси курсдошлари биринчи бўлиб уларнинг турмуш қураётганликларини тахмин қилар экан ?

Кейинги кунларда Сулаймон Ҳилолани аввалгидагидек кўпда кузатиб қўявермас , атрофида турли саволларни баҳона қилиб айланишавермас, буни қизнинг ўзи ундан илтимос қилганди.

" Аввал вазият бошқача эди , ҳозир эса у бутунлай ўзгарди , шунинг учун илтимос ..."

Ҳилола гарчи гапни қисқа қилган бўлса- да , Сулаймон унга ортиқча "Нимага ? " деб савол бериб қизни ноқулай вазиятга қўйгиси келмади. Қолаверса Ҳилоладан саволига тўлиқ жавоб олишга кўзи етмасди. Ахир Ҳилола қизлик ҳаёси билан "Сиз ёнимда юрсангиз юрагимнинг гусури барча кечинмаларимни дунёга фош қилиб қўяди ?!" деб ҳеч қачон айтмас ва тан олмас эди-да...

Сулаймон энди Ҳилоланинг телефонига тинмай хабар жўнатиш "илм"и билан шуғуллана бошлади. Тўғрироғи турли - туман, бири- биридан чиройли гулдаста ва ширинликлар видео ва суратларини жўнатар эди.

Ҳилола Сулаймоннинг болаларча беғуборлигидан бир завқланса , интернетдан бош кўтармай қолганига яна бир аччиғи чиқиб қолар эди. У охири бунга ҳам чора топди. Ўз рақами интернетда бўлган вақтини кўринмайдиган қилиб яшириб қўйди.

Сулаймон қиз бу ишни нима учун қилганини фаҳмлади , аммо унга чиройли "онлайн" гулдасталар жўнатиш аҳдидан қайтмади.

Шанба куни эса ҳақиқий гулдаста тутди. Ҳилола яхши кўрадиган тўқ - қизил атиргуллардан бир сават !

Уларнинг фотиҳа маросими Мастура опа тахмин қилганидек кичикроқ тўйга айланиб кетди.

Бир неча йиллар давомида қайта топишган кадрдонлар чин дилдан яйрашдилар.

"Хайрлик ишни кечиктирмаган маъқул".

Катталар тўйни бир ойнинг нарисини - берисида ўтказиб олишга келишиб олдилар.

Фотиҳа маросими рисоладагидек ўтди.

Аммо эртаси куни тушга яқин Мастура опанинг қайноғаси Мирсобит ака тўсатдан уларнинг ҳовлисида пайдо бўлиши барча ишнинг нақд пачавасини чиқараёзди.

- Менга қара , ука , - деди у келини олиб келган чойни қайтараётган Мирсаид акага синчков назар ташлаганча,- сен, кеча ола- таъсирда бўлажак эркак қуданинг сўзларига кўпда эътибор бермадинг . Мен бўлсам унинг оғзидан чиққан ўша сўзларни тунин билан ўйлайвериб бир бора бўлса- да мижжа қоққаним йўқ...

Мирсаид ака дарров ҳовлиқмалик феълига берилди :

- Нималар деяпсиз , ака ? Гап нима ҳақда кетяпти ?! Мен нимани назардан қочирдим ?

Мирсобит ака укасини узатган чойдан хўплар экан , пиёлани дастурхонга қўймай туриб жавоб қайтарди :

- Бўлажак қудангни айтишича ,

[] [] [] [] аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

9- ҚИСМ

қиз томонда бериладиган ошга элликтача одам олиб боришинг керакмиш. Аммо ўзинг яхши биласан- ки , бунинг сира иложи йўқ. Мана ўзинг гувоҳ, ўғлим Камолиддиннинг тўйида келинникига ошга бориш учун айтилган битта автобус лиқ тўлиб , ярим маҳалла одам кўчада қолиб кетганди. Яхшиям автопарк директори Муҳсин танишим . Эркалигимни кўтариб яна битта қўшимча автобус ажратиб бермаганида шармандаликни зўрини кўрар эдик- да. Яна неча одам ўзининг энгил машинасида борганини айт.

- Ака , ўшанда бирам уятли иш бўлган эди- а ? Борганларга ош етиб-етмаганди. Тавба одамларга нима бўляпти, ҳайронман? Маҳаллангиздагиларни айтаман- да . Ошга айтса , битта хонадондан учта - тўртталаб чиққанлар ҳам бор-а ?

- Ҳа энди уларнинг эшиги бир бўлгани билан рўзғори бўлак-да...

Ўзи- чи қийин-қийин тўй қилганга қийин экан. Тўйингга бировни ҳоҳлаб айтсанг, яна бошқаси йўлингни кесиб чиқиб ўзини-ўзи айттирар экан. Ундан кейин Аллоҳга шуқр, ўзимизга етарли обрўйимиз бор экан- ки, ҳурматимизни ўрнига қўйиш учун ҳам ташриф буюрадиганлар қанча? Умуман айтганда ҳозирги тўкинчилик замонида ошга қорин тўйдириш илинжида борилмайди. Юқорида айтганимдек дўст, жигар, қариндош - уруғ олдидаги қарзни узиш, унинг шодиёнасига шерик бўлиш учун ҳам борилади.

Энди ука, ўзингдан қиёс. Пешонангда битта шу умри узоқ бўлгур Сулаймонинг бор. Шу сабаб тўйингга айтилмай қолиб кетганлардан менга ўхшаб "Кейинги ўғлимни тўйида албатта айтаман" деб қутила олмайсан.

Тўй дегани жудаям гиналик маросим бўлар экан- да. Ундан кейин шу ёшга киргунча ўзинг ҳам қанчадан - қанча ошга боргандирсан.

- Буни тушундим- ку, ака, лекин... - Мирсаид ака гапини давомини айтамай олмай тили тутилди.

- Нима лекин? Нимага чайналаяпсан? - Мирсобит ака укасига саволомуз тикилди

- Ака, мен қайси бет билан бўлажак қудага "Сиз тарафда бериладиган ош учун элликта эмас, балки икки юзтадан ошиқ одам олиб бораман" дея оламан?! У ҳам минг профессор бўлгани билан, ойликка кун кечирадиган ҳалол одамлигини ўзингиз ҳам кўрдингиз- у ... Бизни келингача икки йилда иккита қиз чиқарган экан. Камига бу йил тўй қилиш нияти бўлмаган қизини "Бизга узатсанг ҳам узатасан, узатмасанг ҳам узатасан" деб иккита оёғимизни бир этикка тикиб тихирлик қилиб фотиҳа қилдирган бўлсак...

Бошим қотиб қолди, ака ... Ёмон бошим қотиб қолди.

Мирсобит ака укасининг сўзларини бўлмай, гапиришига қўйиб берди. Сўнгра унга қатъият билан нигоҳ ташлади:

- Ука, келишимнинг сабаби ҳам шу эди, яъни сенга шу тўғрида бир маслаҳат бермоқчи эдим.

Мирсаид ака жонланди:

- Эштаман, ака. Гапираверинг қани ...

Мирсобит ака дона - дона қилиб гапира бошлади:

- Мен ўйлаб, ўйлаб бир қарорга келдим. Сен қудангга телефон қилибми ёки юзма - юз учрашибми бир маслаҳат соласан. Хуллас, унга барчасини кўнглига тегмайдиган қилиб ётиғи билан тушунтирасан. Айтасан-ки, "Мен ўғлимни уйлантирсам юртга ош бераман" деб ният қилгандим. Қолаверса, юртдан қарзим кўп. Тўй қилишимни пойлаган қариндош- уруғ, ёр- биродар, ошна- оғайниларим ҳам сероб. Шу сабаб иккимиз бир бўлиб бир ресторанни кун бўйига ижарага олсак. Эрталабки ошни баҳамжиҳат ўтказсак, сиз ҳам, мен ҳам бир - биримиздан тортинмай ўз меҳмонларимизни беҳижолат кутиб олаверар эдик Сўнг ортиб қолган маҳсулотлар билан кечки никоҳ оқшомини ҳам ўтказиб олар эдик. Шу фикрга қандоқ қарайсиз? " дейсан. Қуданг жуда ўқимишли одам, вазиятга тўғри баҳо беради.

- Акаа ... Шу гапларни қудага ўзингиз гапирсангиз-чи? Мен сиздака топиб - топиб, кифтини келтириб гапира олмайман- да! - Мирсаид ака акасига ўтинчли боқди.

- Майли , - акаси тезда кўнақолди , - бироқ бу ҳолда уларникига яна бир қайта боришга тўғри келади. Мени телефонда гаплашишим одобдан эмас. Қудангга катта кетган, менсимаган бўлиб кўриниб қоламан. Сени йўлинг бошқа эди- да телефонда гапириш учун.

- Хўп ака , сиз нима десангиз шу . Аммо бу ишни тез ҳал қилиб олишимиз керак . Чунки ҳали тўйхоналарни айланишимиз ва бўш кунини топиб жой буюртма қилишимиз керак бўлади.

@Xazon_Rezgi /25 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Яхши , - деди Мирсобит ака қўлини дуога жуфтлай туриб , - қани тез отланақол бўлмаса. Ҳозир қудангникига кириб , ош масаласини келишиб оламиз, кейин айтганингдек, тўйхона-ресторанларни айланамиз. Хуллас , бугунга етарли бир дунё ишимиз бор экан, - у шундай деб ихчам ва чиройли дуо қилди , - илоҳи омин , Аллоҳ файзимизни берсин. Аллоҳу акбар !

* * *

Душанба куни иккинчи пара тугагач , Сулаймон гуруҳдошларига эълон қилди :

- Тушликка ҳеч ким , ҳеч қаерга кетиб қолмасин ! Ошхонада сизларни ўзим меҳмон қиламан .

Барча йигит- қизлар унга дув ўгирилди .

Сулаймон уларнинг савол аломати балққан юзларига қараб тагдор жилмайди :

- Ўтган куни фотиҳам бўлди . Бирдан тўйга айтиш ноқулай , шунга олдин кичикроқ бўлса-да , бир меҳмон қилай. Сизлар ошхонага ўтиб , стол- стулларни жойлаштириб , чой ва пиёла олиб тураверинглар , мен ҳозир машинадан пакет ва қутиларни олиб келаман, - у шундай деб Раҳматиллага юзланди , - юр оғайни кўтаришиб юбор.

Яхши хабар яхши-да. Аудиория бирдан қий- чув бўлиб кетди . Барча Сулаймонни эшикдан чиқармай бағрига босиб табриклай кетди , ҳатто баъзилар "Шу пайтгача индамадинг- а , ҳа писмиқ" дея елкасига енгил шапатилаб қўйишган бўлишди.

Сулаймон ташқарига чиқиб кетгач, йигитлар қизларга йўл беришди :

- Марҳамат , маликалардан бўлсин...

Фақат Раҳматиллагина йўлда Сулаймонга кўнглидагини айта олди :

- Менга қара , вей. Жуда ғалати бўлди-ку. Группамизнинг ярмидан кўпи сени Ҳилолани севсанг керак деб ўйлардик. Назаримизда у ҳам сенга бефарқ эмасдек туюларди . Сулаймон, бу ёғи неча пулдан тушди энди, оғайни ?

- Нимаси неча пулдан тушиши керак?- Сулаймон спаркини очиб ичидаги қутиларни Раҳматиллага узатар экан, -тўғри мен Ҳилолага оғиз солдим . У яқинда ўзининг ҳам унаштирилишини , отаси синглиси билан куда бўлаётганлигини айтди. Ҳилола аммасининг ўғлига турмушга чиқаётганмиш.

- Эссизгина , икковинглар бир- бирингизга жуда муносиб жуфт бўлардингиз- да . Эҳ, афсус, афсус , - Раҳматилла бошини чайқаганча олдинга тушиб кета бошлади.

Сулаймон ошхонага киргач , гуруҳдошлари учта столни бирлаштириб чой дамлатганча ўзларини кутиб турганлигига гувоҳ бўлди.

- Демак, ҳамма шу ердами ? - сўради Сулаймон қўлидагиларни столнинг бир четига қўяр экан,- бизга ликобча ҳам керак экан.

- Ҳилола билан Барно йўқ , - деди Нозима , - ҳозир келамиз деб бирдан йўқ бўлиб қолишди.

- Ҳозир келамиз дедикми , мана келдик , - орт тарафдан Барнонинг шодон овози янгради , - дан-дан- даран! Группадослар, бизда ҳам зўр янгилик ! Ҳилолани ҳам турмушга бераяпмиз. Ҳилола ўзи келтирган пакетини бир йўла эрталабдан ошхонада қолдирган эди. Ҳозир сирдоши Барно билан егуликларни ичкаридан , таниш ошпаз аёлга миннатдорчилик билдирганча олиб чиққан эди.

Барнонинг эълонидан бутун гуруҳ энди Ҳилола тарафга ўгирилди :

- Нима ? Йўқ-ей ? Қачон ? - саволлар орасида кимнингдир саволи ўзгачароқ янгради , - кимга ?

- Кимга бўларди ?! Яхши бир келишган йигитга- да! Қизиқ саволларни берасан - а , Салим? Барнонинг сўзлари нима учундир Салимга қаттиқ ботди :

- Ҳа нима сўраб ҳам бўлмайдимиз? Ё сўраш жиноятми ? - деди у хафа бўлганини яшириб ўтирмай , - проста , Сулаймон иккаласи бир кунда патир , ҳолва - магиз олиб келишганига хаёлимга ...

Бирдан орага жимлик тушди . Ҳилола ўзи олиб келган "тугуни"дан кичкинагина халтача чиқариб , уни тутганча Салимга яқинлашди :

- Сўраш ҳечам жиноят эмас , - деди у Салимга кулимсираб , - бу ерда куёв боланинг исми ёзилган .

Салим мўъжазгина патирча билан бирга ширинликлар солинган халтачани олиб, уни боғичига қистирилган ёзувни пичирлаб ўқиди . Сўнг кўзларига яқинлаштириб қайта ўқиди :

- Ўйлаганим ростми ? Хато ўйламаяпманми ? - деди у Ҳилолага кўзларини катта - катта очиб тикилганча .

Ҳилола кулимсираб бош силкиди :

- Ҳаа ! Мутлақо рост...

@Xazon_Rezgi /26 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилолага яқин турганлар у олиб келган кўринишидан ҳамёнга ўхшаб кетадиган тугунчага ёпиша кетдилар . Раҳматилла бор овозда унинг боғичидаги ташриф қоғозига ўхшаб илиб қўйилган, митти атигулча безакли ёзувни ўқиди :

- Сулаймон & (end) Ҳилолахон !

Бахтли бўлинглар ! - У ёзувни ўқигач бир ютиниб олиб Ҳилоладан сўради , - Ҳилош, бу ўзимизни Сулаймонми ?!

Ҳилола унга ҳам Салимга ҳадя қилгани каби табассум улашди ва бошини аста силкитиб унинг саволини "ҳа" жавоби билан тасдиқлади .

Бироқ Раҳматилла Хилолани табриклаш ўрнига Сулаймонга зуғум қила кетди

- Мендан беркитдинг- а ? Энг яқин дўстингдан- а ? "Дўстингдан топ" деганлари шу экан- да ?!
Бор жўна, сени табрикламайман...

Гуруҳдагилар иккига бўлиниб ярми Сулаймон ва Ҳилолани табриклашга , ярми Раҳматиллани овутишга тушиб кетдилар .

Сулаймоннинг ўзи бориб Раҳматиллани даст кўтариб олди :

- Сендан яшириб ўлибман- ми , ўрто ... Шунчаки Ҳилола "Ҳозирча индамай туринг, гуруҳдошлардан уяламан" деганига ва яна бир сюрприз бўлсин дегандим- да.

- Йўқ , яқинда ҳам сўрасам сир бой бермаганини-чи буни ?! Ҳаммадан ҳам шуниси алам қиляпти? - Раҳматилланинг ҳали - бери арази тарқай демасди.

- Барчаси мен туфайли бўлди , мени илтимосимни деб бўлди , илтимос дўстингизни кечирақолинг , - ўртага тушди Хилола , - шодиёнамизни биз билан баҳам кўринг , - - деди у Раҳматиллага каттакон нақш олма узатар экан , - илтимос ...

- Эй , жўра , - деди Илхом уни дастурҳонга қистаб , - лўли аразласа тўрвасига зиён , аввал қорнингни тўқлаб ол . Кейин ...

- Нима кейин ? - ўшшайиб сўради Раҳматилла

- Сен ҳам фотиҳанг бўлмагунча буларга айтма , хумордан чиқ...

- Мени фотиҳам бўлаётгани йўқ ...- тўнғиллади Раҳматилла .

- Оббооо , тозаям гап уқмас бош оғриқ экансан- у , энди билдим Сулаймон сенга нима учун индамаганини , - ҳуноби ошди Илхомнинг , - ахир қачондирам бир куни уйланасанми ? Ўша вақтни айтяпман. Ҳозир эса аламингни овқатдан олиб катта - катта е . Ҳадемай тушлик тугайди.

- Раҳматилла , кечирақол ўртоқ , ўзи бугун сендан "Куёв жўрам бўласанми?" деб сўрайман деб турувдим , - Сулаймон Раҳматилланинг қаршисига қўққайиб туриб олди , - шунинг учун сениям бир қувонтирай деб индамагандим- да .

Раҳматилланинг бир зумда чехраси ёришди :

- Яна алдамаяпсанми ? Мен уйланмаган бўлсам , қандоқ қилиб сенга куёвжўра бўламан?

- Икковимизнинг қадди - бастимиз бир хилми ? Бир хил ! - Сулаймон шоша- пиша тушунтира кетди , - бир хил костюм - шим кийиб олсак , қолипдек туради . Кўрганлар "ухх, куёв билан жўрасига гап йўқ экан- у !" дейишади. Қолаверса уйинг ҳам яқин. Бир қадамгина."Ҳов ?!" деб чақирсам дарров етиб келишинг бор. Ундан кейин куёвжўра уйланган бўлиши керак деган қоидани ким, қаерга ёзиб қўйибди?! Майли булар ҳақида яна бафуржа гаплашиб олармиз, - Сулаймон шундай деб гап ўзанини бошқа тарафга бурди , - ҳозир мен ҳам бир пиёла иссиқ чой

ичиб олай , мен ҳам одамман ахир, қорним ҳам сизларникига ўхшаб очади ...

Гуруҳдагилар зумда Ҳилолага қарашди :

- Қани келинпошша, бир чойдан қўйсангиз бўлармиди ?!

Бироқ Барно дугонасини ҳижолат қилмаслик учун чаққонлик қилди . У Сулаймонга чой қуйиб узатар экан нигоҳларида "Эркалигингизни тўйдан кейин қиласиз- да энди, куёвбола?!" деган маъно зоҳир эди.

* * *

Хаш- паш дегунча бир ой муддат ўтиб тўй куни ҳам етиб келди.

Сулаймон ўз йўлига мамнун , аммо Мастура опа ва айниқса Мирсаид ака териларига сиғмай хурсанд эдилар . Хурсанд бўлмай бўладими , ахир улар бу кунни барча ота- оналар сингари неча йиллардан буён муштоқ бўлиб кутишган эди. Тўйгача бўлган барча маросимлар кўнгилдагидек ўтиб, ва ниҳоят энг асосий тадбир никоҳ базми бошланишига бир баҳя қолганда , Мастура опанинг телефони жиринглади... □□□□аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

10- ҚИСМ

Ҳамон хонадонидида келин ва куёвнинг бошига тутилиши керак бўлган палакни қўйган жойидан топа олмай хуноби ошган Мастура опа эри тарафдан қилинган қўнғироққа йиғламоқдан бери бўлиб уланди :

- Алло...

- Эй , эсинг жойидами сен аёлнинг ? Шу пайтгача қаерда юрибсан ?

- Дадаси , келин-куёв тўйхонадан чиқиб уйга қайтар маҳал бошларига тутиладиган духоба палак йўқ. Боягина ўзим назардан четда қолмасин деб ҳовлидаги ишқомнинг темирига илиб қўйгандим . Кийиниб чиққунимча йўқ бўлиб қолибди. Ярим соатдан бери қидирамиз,- Мастура опанинг диққати ошиб кетганидан овози бўғилиб қолгандек бўлди, - Икромжон, Гулруҳ, Мастубалар ҳам ҳамма ёқни тит - питини чиқариб ташлашди. ...

- Ҳе ўша палагингдан ўргилдим, тез бу ерга етиб кел. Қуда тараф аёлларини келганига қанча замон бўлди ?! Хуш келибсизлар дейдиган одам йўқ . Бу ёқда сенинг амма - ҳолаларинг ҳам бир тўп бўлиб туришибди . Уялганимдан ўзимни олиб қочиб юрибман.

- Дадаси , ҳовлиқманг. Ҳамма тўйда ҳам шунақа бўлади. Тўй кечки олтида бошланади- ю , ҳали ярим соат вақт бор.

- Сени келгунингча қанча вақт ўтади яна ? Бўл тез, ҳализамон келин - куёв ҳам келиб қолади. Она бўлиб кутиб олмасанг , бир умрлик армон бўлади. Келавергин-чи , сен айтган ўша палакни бир иложини шу ерда қилармиз, - деди Мирсаид ака аёлини тез келишга қистаб .

- Хўп , дадаси , биз аллақачон йўлга тушдик ...

Палакни Маҳина амма саранжомлик қилиб ўзи билан бирга олволган экан. Мастура опа келиши билан унинг кеч қолиш сабабини билгач , хандон отиб кулди :

- "Памить"им қурсин, келинпошша, палакни олганимни айтдим деб ўйлабман.

У опа жавобга лаб жуфтлаган эди ҳам-ки , ташқаридан карнай - сурнайнинг шодон "Ғат-Ғата-Ғу"си эшитилди .

Мастура опанинг атрофида қариндош аёллар саф тортиб туриб олиди :

- Қудалар кириб келишяпти...

Қудалар билан кўришиб бўлишгач , ташқаридан "Келин-куёв ҳам тўйхонага келганмиш" деган хабар келди, аммо уларнинг асосий залга кириши нима учундир кечикди.

- Бунча қолиб кетишди булар ? -Маҳина амманинг диққати ошиб сўради.

- Ташқи залда муллакам келин - куёвни етаклаб ёши улуғларга салом қилдириб юрганмишлар , - деди Мастура опанинг кичик овсини Покиза жилмайиб , - қайноталик тахтига эгаллашга киришдилар шекилли.

- Ундоқ бўлса майли , - укасининг қилиб юрган ишларига дарровда кўнақолди Маҳина амма, - бу кунларни қанча кутди-я барака топгур укам , ҳозир нима қилса ҳам ярашади унга.

Тўй шуниси билан қизиқ. Сулаймон Ҳилолани етаклаб Мастура опанинг ёнига келганда , келин янга Ҳилоланинг юзидаги тўрни хиёл кўтарди. Шунда тўйхонадаги йиғилганлар бирдан "ввоооҳҳҳ" деб юбордилар. Сабаби Ҳилола Мастура опага икки томчи сувдек жуда ўхшаб кетган эди.

Ҳилола Мастура опага яқинлашиб уч бор салом қилди.

Мастура опа уни "Кўп яшанг , қизим" дея қучоғига олганда барча бирдан қарсак чалиб юборди. Мастура опанинг кўзларидан тинмай севинч ёшлари оқар эди.

Тўйда ҳаммадан ҳам университетнинг тўртинчи босқич физика факультети талабалари яйрашди. Айниқса куёвга жўра бўлган Раҳматилла ва Салим давранинг ўртасига тушиб чир айланиб ўйнайвериш , тўйга бошқача файз киритиб юбордилар.

Тўй эгалари югур- югур , чоп- чоп , сўрашиш - исташиш билан никоҳ базмининг қандай тугаб қолганлигини билмай ҳам қолдилар.

Ваниҳоят ёр - ёр садолари остида Сулаймон Ҳилолани ўз уйларига бошлади.

Келин - куёвдан аввал етиб келган ёши улуғ мезбон аёллар уларни дуо-и фотиҳа ва турли туман сочқилар билан кутиб олдилар .

@Xazon_Rezgi. / 28 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Қолган маросимларни ўтказиш энди аёлларнинг зиммасига ўтганди. Улар "Келин салом", "Юз кўрди", "Туғди , туғди" , "Алла , болам"каби маросимларни шу кечанинг ўзидаёқ ўтказиб ,қуда тарафнинг меҳмон бўлиб келган бир гуруҳ аёлларини кузатиб қўйишгунча, вақт ярим тундан ошиб қолган эди.

Ҳилоланинг ёнида эса икки нафар янга аёл қолишди.

Мастура опа икки кундан буён тик оёқда юравериб обдон ҳолдан тойган бўлса ҳам , кайфияти кўтаринки, руҳи энгил эди. У ошхонага чиқиб ўз кўнглидагича энди у ёқ, бу ёқни саранжомлай деганда сингиси Мастуба келиб қўлидаги сочиқни тортиб олди :

- Қани опа , марш уйга ! Бирпас уйга кириб чўзилиб олинг. Ичкари уйдаги аёлларнинг ҳам барчалари бошларини ёстиққа қўйиб пинакка кетганларига аллазамон бўлди . Сиз ҳам бироз дам олиб куч тўплаб олинг , эртага яна бир дунё иш бор. Ошхонани эса ўзим саранжом-саришта қилиб қўяман.

- Сира уйқум келмаяпти-да,- изоҳ берган бўлди Мастура.

- Ухламасангиз ҳам бироз ётинг, қувватингиз тикланади. Ўзи кейинги кунларда керагидан ҳам ортиқ уриниб юбордингиз , - сўзлари шу ерга келганда Мастубанинг овози титради,- сизга ўзи ортиқча зўриқиш мумкин эмасди , опа. Ҳали дарддан тўлиғича фориғ бўлмаган бўлсангиз ...

Мастура ўзига жони ачиб термулиб турган сингисига ширингина эътироз билдирган бўлди:

- Мастуба ... Мендан ҳавотир олаверма. Мана эди ёлғиз эмасман. Аллоҳга шукр , қизлик ҳам бўлдим. Насиб қилса ҳадемай уйимиз набираларнинг бағир- буғири билан тўлиб тошади. Ана ўшанда шу кунларни кулишиб эслаймиз. Нега дейсанми ? Чунки дардимдан асар ҳам қолмаган бўлади.

Майли мен бориб ётсам, ётақолай . Сен ҳам бу ишларни қўй. Дамингни ол. Эрталаб бир бошдан саранжомлаймиз . Сахарда келин билан қолган янгаларга ширчой тайёрлашимиз керак , яна каймоқ , ширинликлар деганларидек.

- Ҳавотир олманг , опа . Бу ишларни Зоҳида опам бир пастда есть қиб ташлайдилар , - Мастуба опасини хотиржам қилиб ичкарига кузатди,- яхши дам олинг...

* * *

Тонг сахарда Мастубанинг ўзи опасини секин шивирлаб чақириб уйғотди :

- Мастура опааа... Ҳов Мастура опа ...

Мастура опа уйқули кўзларини аранг очиб овоз берди :

- Ҳозиир ...

У дарҳол ётоқхона ёнидаги ювиниш хонасига бош суқиб , юз- қўлини апил- тапил чайди- ю , ташқарига юзланди :

- Ҳа Мастуба , тинчликми? Ҳали хаммаёқ қопқоронғи- ку , нимага чақирдинг?!

- Опа , келинингизни мазаси бўлмаётганмиш , янгалари зир югуриб дори қидиришяпти . Шунга ...

- Вой шўрим ?! - Мастура опа зумда бўшашди, - нега мазаси бўлмайди? Кеча соппа- соғ эди- ку?!

- Ассалому алайкум , қуда хола , - Мастубанинг орқасидан , - келиннинг холаси кўриниш берди , - узр қизимиз кечаси билан қорнини қучоқлаб чангак бўлиб чиқди...

[] аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

11- ҚИСМ

- Кўричак бўлиб қолмадимикан? Шифохонага олиб боришимиз керакмикан ?

Мастура опанинг куюнчаклик билан берган саволига Ҳилоланинг холаси Иқбол опа босиқ оҳангда жавоб қайтарди :

- Ўзининг айтишича , кеча кун бўйи ҳеч нарса емаган экан. "Бирор нарса еб олсанг бўлмасмиди ?" деб уришсам , "Холажон, томоғимдан ўтмаса нима қилай?!" деди. Хуллас , тўйхонада ҳам айтарли таом тотимабди. Бу ерга келгач , кўнгли тилаб бир бокал кола ичибди. Оч қоринга тушган ичимлик эса туни билан тобини қочириб қўйибди.

Мастура опа лабини тишлади. Бироз ўйланиб туриб аёлга деди :

- Ҳозир битта но-шпа таблеткасини бериб кўрайлик. Шакар чой билан нон едирсакмикан? Сизлар Ҳилоладан бохабар бўлиб турсанглар , мен озроқ илик шўрва соламан. Пишганда оз- оз сувидан ичирамиз . Худо хоҳласа яхши бўлиб қоладилар . Ошқозон озроқ қийналиб қолибдида. Агар оғриқ босилмаса, унда шифохонага ўтиб келамиз...

- Барака топинг- ей, қуда хола. Келинингиз нақд ўтимни ёрди-я? Туни билан ота- онасига нима дейман деб юрак ҳовучлаб чиқибман- а ? -келин янганинг юзи зумда ёришди,- илоҳим Ҳилола хонадонингизга келин эмас, қиз бўлиб кириб келгани рост бўлсин .

Мастура опа унга жавобан "омин" дея жилмайган бўлди ва дори олиб чиқишини айтиб хонасига қайтди.

Чошгоҳга яқин Мастуба Ҳилоланинг яхши бўлиб қолганлиги хабарини айтиб опасининг кўнглини тинчлантирди.

Эртаси куни эса қуда тарафдан Ҳилоланинг опалари бир тоғора қовурдоқ , бир сумка патир ва яна аллақандай сарпо - суруқларни олиб йўқлаб келишди. Меҳмонларнинг иззати ўз ўрнига қўйиб кутиб олинди. Мастура опанинг ёнида қайинэгачиси Маҳина опа , опа -синглиси Зоҳида опа ва Мастубалар , шунингдек овсинлари ҳамда уларнинг қиз - келинлари ҳизматда шай бўлиб туриб беришди.

Келиннинг опачалари ва келин янгалари чиройли иззат , икром қилиб кутиб олингандан сўнг, кетар чоғларида Ҳилолани етаклаб чиқиб Мастура опага топширишди :

- Мана қуда хола , қизимиз, синглимиз - бугундан бошлаб сизнинг қизингиз . Билмаганларини ўргатиб, билганларини сайқаллаб юриш буёғига ўзингизга тан.

Орага Маҳина амма гап қўшди :

- Сизлар сира ҳавотир олманглар. Мастураой ёмонини яшириб , яхшисини оширадиган қайнона ойижон бўладилар , ин шаа Аллоҳ.

- Илойим , илойим , - дея уни сўзларини қўллаб - қувватлаганча барча йиғилганлар дуога қўл очишди , Иқбол хола эса чиройли дуо ила уларни сўзларини давом эттирди , - илоҳи омин , келаси йил шу уйларда чақалоқ йиғилари эшитилсин. Бизларга ҳам "Алла , болам" лаб бешикларни олиб келиш насиби рўзи айласин . Амин... Аллоҳу акбар...

@Xazon_Rezgi /30 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Шу куни пешин ва асрнинг оралиғи бўлган пайтда барча меҳмонлар тарқалишиб, ҳовлида қайнона - келиннинг ўзлари қолишди.

Мирсаид ака тушликдан сўнг қўл остидаги дўконлардан хабар олишга кетган, Сулаймон эса кўча бошидаги чойхонада улфатлари ташкиллаштирган ўтиришда эди.

Мастура опа савол назари билан "Нима иш қилай ? " деган каби жимгина қараб турган Ҳилолага ўзига яқинроқ келишга буюрди.

- Бери келинг... Қизим ... Бугун овқат қилмаймиз. Музлаткичда турли таомлар бор. Эрталабки қовурдоқдан ҳам бир товоқчада турибди.

Ўшаларни чиройли қилиб кечки соат олти яримга иситиб дастурхонга тортасиз. Унгача кўча ва ҳовлиларни бирров қараб қўйсангиз бўлди .

Айтганча , эртага эрталабдан Сулаймон икковингиз ўқишга кетасизлар- а ? Ўрганиб олгунингизча нонушта тайёрлашга қарашиб юборарман. Аммо айтиб қўяй. Сизга сахарлаб туриб сув сепишолмайман. Махалладаги аёллар гап қилиб юборишади. Лекин Сулаймонга қарашиб юборишини тайинлайман. Сиз ҳам уни шунга ўргатаверинг.

Бу ишлар ҳам бир ёмғир ёғиб ,совуқ тушгунча- да. Ундан кейин биров таъна ҳам қилмай қўяди. Демак , мени тушундингиз- а , болам ?!

Ҳилола қимтиниб "Ҳа" дея бош силкиди.

- Унда менга руҳсат . Номозларим ҳам йиғилиб қолди,- Мастура опа ўз хонасига йўл олди , ярим йўлга борганда нимадир ёдига тушиб ортига ўгирилди , - Ҳилола, қорнингиз оч бўлса ёки кўнглингиз ниманидир тусаб қолса, ўша егуликдан беҳижолат олиб чой ичиб олаверинг. Уялиб ўтирманг . Ахир бўш қоп тик турмайди. Бўпти-ми, қизим ?!

Бу сафар Ҳилола овоз чиқариб жавоб берди:

- Хўп бўлади ... Хўп бўлади , ойижон...

* * *

Кечга яқин Мирсаид ака ласеттисини сигналини етти махаллага эшиттириб дарвоза тагида шовқин солиб тўхтатди .

- Кўзим илиниб қолибди , тўйнинг чарчоқлари энди билиняпти шекилли , - деди Мастура опа бошига рўмолини чала ярим ўраб югургилаб чиқаркан, ҳовлида куймаланишиб юрган Ҳилолага

, - газдаги човгум қайнаб турганмиди ?

- Йўў... Йўўўқ , ҳали чой қўйганим йўқ эди,- деди Ҳилола талмовсираниб , - ўзингиз кечки овқат олти яримда деганингиз учун ...

- Додангиз ишдан келишлари билан қайноқ чой тутиш одатим бор эди. Мен эшикни очгунча сиз бир чойнаккина чой қўйиб юборинг.

Кейин ҳовлига чиқиб уларни салом бериб кутиб олинг, хўпми ?

- Хўп бўлади , - Ҳилола шундай деб ошхонага чопқиллади.

Мирсаид ака дарвоза очилавермагач , машина сигналини асабга тегадиган қилиб атайдан рулдан кўл узмай чала бошлади .

Мастура опа дарвозани очгач , Мирсаид ака уйда янги келин борми-йўқми демай ўшқириб берди :

- "Юки енгил эшак ётоғон бўлади" деганлари рост экан. Нега эшикни вақтида очмайсанлар ? Тинчликми , ё ...

- Кўзим илиниб қолибди - а, дадаси .

- Номозшомдаям ухлайдими , хотин ? Келин қани ?

Шу пайт Ҳилола бошига ҳаррир ёпинчиғини ёпганча ҳовли юзида кўриниш берди:

- Ассалому алайкум , додажон. Ишга яхши бориб келдингизми ?

- Ваалейкум ассалом,- деди Мирсаид ака бирдан шаҳтидан тушиб , - раҳмат , яхши бориб келдим ишга .

Мирсаид ака шундай деб ўз хонасига йўл олди . Кийимларини алиштириб кичик меҳмонхонага ўтар экан, янги келиннинг дастурхоннинг чиройли қилиб безатиб қўйганини кўриб авзойи янада очилди.

- Мастура , ҳов Мастура , - дея чақирди у аёлини ва Мастура опа хонага кириб келгач дастурхонга ишора қилди, - менга қара , мана бўларкан- у оила бошлиғини чиройли кутиб олса.

Мастура опа эрига индамади, у Ҳилола дамлаб келган чойни қайтариб қуяр экан, эшик ортидаги келинига сўз қотди :

- Ўзингиз ҳам келинг , Ҳилола.

Ҳилола остонада аста бўй кўрсатди:

- Бирор нарса керакми ? Таомларни олиб келаверайми, додажон?

- Майли , олиб келаверинг , - деди Мирсаид ака ва Ҳилола ташқарига чиқиб кетгач , Мастура опага юзланди , - менга қара , эй ! Нимага бу келининг мени "додажон" деб чолларни

чақиргандек чақиряпти ? Нима кўзига шунчалик қари бўлиб кўриняпманми ? Ҳеч бўлмаса сал ёшроқ одамга муомала қилгандек "Адажон"ми , "Дадажон"ми ёки шунчаки жон қўшимчасини қўшмай оддийгина "дада" деб чақириб қўяверсин.

@Xazon_Rezgi /31 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Эрингнинг танбеҳига Мастура опа жилмайиб жавоб қайтарди :

- Дадаси - ей , "додажон" деса нима бўлибди ? Келин янгалари "Қайнотангни шунақа деб чақиргин, ҳурматлироқ бўлади" деб тайинлашган шекилли . Қолаверса кўринишингиздан виқорли ва салобатли кўринасиз.

"Додажон" деса арзимабсизми ? Илоҳим кейинги йиллар набирали бўлиб , исми жисмига мос равишда ўктамгина "Додажон" бўлиб юриш насиб қилсин. Ҳилола ўзини дадасини "Адажон" деб чақираркан. Сизни янада бир поғона баландга чиқариб "Додажон" деб ўзича қайноталик ҳурматингизни жойига қўяётгандир- да ?! Шундаям сизга бунақа мурожаат қилиши ёқмас , унда ҳозир келганда мени "фалон" деб чақиринг деб ўзингизга ёққанини айтарсиз.

- "Додажон" бўлсам додажондирман-де , шунчаки сени "ойижон" деб чақирганига мени анча қаритиб юборди деб ўйлабман-да,- деди Мирсаид ака дарров ён босиб .

- Дадаси-ей, бир нималарни ўйлаб топасиз-а? Ахир келин мени истаган тақдиридаям "Бувижон" деб чақиролмайди- ю? Мени набираларимиз шунақа деб чақирешлари мумкин холос. Аммо ўшандаям сиз "Додажон" бўлиб қолаверасиз . Балки "Буважон" бўларсиз ? ! Ҳоҳласангиз албатта.

- Ўша кунлар келаверсин-чи , ҳаётнинг ўзи кўрсатади барчасини , - деди Мирсаид ака аёлига ,- қани чойингдан қуй.

Ҳилоланинг янгалари бежизга Мирсаид акани бундай чақирувга муносиб деб топмаган эдилар. Сабаби у ўз ёшига нисбатан бироз катта кўринар эди. Аслида Мастура опа билан ўрталаридаги ёш чегарасининг ўзи тўққиз йил бўлган бу жуфтлик , кейинги йилларда кўриниши жиҳатдан ҳам анча фарқланиб қолган эдилар . Барига Мастура опанинг охириги йилларда боши касалдан чиқмай анча дардманд бўлиб қолганлигида эди. Мирсаид ака эр сифатида аёлининг касалига қуйиб ўзини анча олдириб қўйганди.

У дастлабки уйланган кезлари аёлини суяб олмаган бўлса- да , онаси дараклаб топган қиз , эндиликда шу жуфти- ҳалолига нисбатан йилдан- йилга меҳри товланган , бирга умр кечиришган сари муҳаббат қўйган , худди ана ўша муҳаббати кундан - кунга зиёда бўлиб бораверган эди.

Мирсаид акаларнинг оиласида уч ўғил, бир қиз вояга етган эди. Унинг ягона опаси бўлмиш Маҳина опа барча келинлар ичида Мастура опани ўзгача яхши кўрарди. Ота - онасидан кейин Мастура опанинг яхшилиги сабаб , у айнан феъли анчагина торроқ ва тажанг бўлишига қарамай укаси Мирсаидга қаттиқ суяниб қолган эди. У доим бошқа келинларига Мастура опани мақтаб "Мастураой - эршунослик фанлари доктори" , мен умрим давомида рўзғор тутиш, эрга ҳизмат қилиш , "хўп бўлади" дейишда унга тенг келадиган аёлни учратмаганман. Кўпчилик зукко аёллар эрининг яримта гапидан унинг нима демоқчилигини билса , Мастураой укам хаёл қилганиданоқ, кўнглидаги ўқиб оладиган даражада салоҳиятли аёл . Мен уни заковотда кўпинча Амир Темур бобомизнинг аёллари Сароймулкхонимга ўхшатаман. Донолар айтиб ўтишгандек "Кўҳна Шарқнинг аёллари қўлларини кўксига қўйиб, бош эгишлари ортидан мудом ёлиб бўлганлар" деб .

Мен Мастураойнинг укамнинг бирор сўзига қарши чиққанини сираям кўрган эмасман. Унинг эрига айтадиган гапи доим "Сизники тўғри" . Аммо бир айланиб қарасам, ҳамisha Мастураойнинг айтгани- айтган , дегани деган бўлиб чиқар экан.

Бу нарсани нима деб номланади биласизларми ? - дерди Маҳина опа суҳбатдошларига , - бу нарсанинг номи "Аёллик илми". Ана шунақа гаплар ..."

Шу каби Мастура опа ҳозир ҳам Мирсаид акани оғир -босиқлик билан ҳовридан тушириб кўйганди .

Ҳилола патнисга иссиққина қовурдоқ солинган ликобларни териб олиб кирганда Мирсаид ака аллақачон ўзини келини томонидан "Додажон" деб чақирилишига тайёрлаб улгурган эди...

* * *

Эртаси куни тонг сахардан уйғонган Мастура опа "Ҳилола уйғонгунча чой кўйиб турарман" деб ошхонага кирди. Бироқ чой қайнаб , дастурхон тузалди ҳам-ки, келин бўлмишдан дарак бўлмади. Мастура опа ахири ёшларни уйғотмаса ўқишга кеч қолишларига кўзи етиб, ҳовли бўйлаб юриб борганча уларнинг ётоқхона деразасини чертди :

- Сулаймон , Ҳилола ... Ўқишга кеч қоласизлар ҳозир ...

Ҳов турдинларми ?

Ичкаридан Сулаймоннинг "Ҳаа" деган уйқули овози эшитилди.

@Xazon_Rezgi. / #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа ўғлининг овозини эшитиб кўнгли тинчиди ва "Келин ўзини ноқулай сезмасин" деб ташқарига йўл олди . Ҳилола кеча кўчага сувни кечроқ қалин қилиб сепган экан. Ҳали нами кетмабди.

"Ҳа яхши , - деб ўйлади Мастура опа , - бугун кўчага қарамаса ҳам тоза экан, Сулаймон билан Ҳилола чойларини бемалол ичиб кетишса ҳам бўларкан. Мен ҳам дадасини уйғотай . Аскарият вақтларда бомдодни ўқиб масжиддан қайтганларида ухلامасдилар. Аммо бугун ухлаб қолибдилар . Тўйнинг чарчоғи энди чиқаяпти шекилли . Бомдоддан кейин ухлаб қолсалар туришлари бироз қийин бўлади" .

Мастура опа шуларни ўйлаб энди изига бурилган эди-ки , ўзи томонга келаётган эрига кўзи тушди.

- Ассалому алайкум , дадаси, уйғондингизми ?

- Ваалейкум ассалом. Бу ёқда нима қилиб юрибсан ? Келин қани ? - Мирсаид ака одати бўйича эрта сахардан ўзини кимлигини эслатиб кўйиш мақсадида пўнғиллади .

- Келин кўчаларни саранжомлаб , ошхонада чой тайёрлашга киришганлар шекилли . Мендан ийманмасин деб буёққа ўтгандим, - деди Мастура опа ўзи тўқиган ёлғонига ўзи чиппа- чин ишониб , - юрақолинг менимча чой ҳам тайёр бўлиб қолгандир.

- Ҳмм , - деди Мирсаид ака аёлининг сўзларига кўнган бўлиб , - майли юр-чи ?

Эр- хотин ичкарига киришгач , Ҳилола уларни қўли кўксида салом бериб кутиб олди :

- Ассалому алайкум , додажон. Ассалому алайкум , ойижон. Яхши ётиб турдинглари ? Мен ...

Мастура опа эрининг ортидан дарҳол лаб тишлаб ишора қилди.

Мирсаид ака алик олиб ўрнига ўтираётганда у :

- Қизим , бир зумда чойни ҳам тайёрлабсиз. Барака топинг. Сулаймонни ҳам чақиринг, тез нонушта қилиб олинглари , тагин ўқишдан кеч қолиб юрманглари .

Тўрттовлари "Бисмиллаҳ"ни айтиб нонуштага ўтиришганда , Мирсаид ака қимтиниб тузукроқ чой ича олмайган Ҳилолага танбеҳ берди:

- Келин , нима овқатланиш бу ? Бунақада икки кунда масалангиз ҳал бўлиб қолади- ю ? Агар биздан уялаётган бўлсангиз чойни хонангизда ичинг.

Ҳилоланинг кўзлари катта-катта очилди :

- Йўғ-ей, додажон , яхши еб-ичяпман- ку. Ўзи эрталабдан унча кўп нарса емас эдим- да,- деди қайнотасининг кўзларига тик боқолмай ерга қараганча

- Қизим, унақа одатларингиз энди қизлик уйингизда қолсин. Бундан бу ёғига бизни уйдаги тартибларга кўникасиз. Шундай қилиб ёнингиздаги ликобчани бўшатмагунча туриш йўқ,- деди Мирсаид ака жиддий оҳангда.

- Ҳилола , биринчи пара домла Туйғуновни дарсилиги ёдингдами? Ўзидан кеч қолганларни аудиторияга киргизмайди а ? Так што тез - тез чойингни ич !

Қайнотаси ва Сулаймоннинг сўзларидан кейин Ҳилола овқатланишга тутинди- ю , аммо ярмигача ҳам ея олмай Мирсаид акага ўтинчли боқди :

- Буларни бир марталик пластик идишларга солиб олсам майлими? Ўқишда еярман . Ростини ҳозир сира ея олмайман.

Мирсаид ака қараса бўлмайдиган , Ҳилолани ортиқ қийнагиси келмади.

- Пластик идишда бу таомлар уриниб қолади. Ундан кўра ошхонадан янги таом олиб ерсизлар ,
- у шундай деб қўлини дуога очди,- қани омин, тинчлик - хотиржамлик , омонлик бўлсин.
Ўқишга яхши бориб келинглари. Сулаймон , машинани секинроқ ҳайда.

Ҳилола фотиҳа қилиб ўрнидан туриб бўлгач , чиқиб кета олмай иккиланди :

- Мен дастурхонни йиғиштириб олсам ...

У шундай деб қайнотасидан жавоб кутгандек боши қуйи эгди .

- Сиз ўқишдан кеч қолманг , қизим , - деди Мирсаид ака , - дастурхонни ойижонингиз йиғиштириб олади. Бугунги нонуштани қандоқ тайёрлаган бўлса , дастурхонниям шунақа қилиб йиғиштириб олади ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

12- ҚИСМ

Мирсаид ака келинининг дув қизариб кетган юзига қараб, хотиржам жавоб қайтарди :

- Мен ойишонингизни қўли теккан ҳар бир буюм ёки таомни яхши танийман. Масалан , унинг ўзи ҳар тонг нонушта вақтида бир неча йиллардан бери менга ўзим ёқтирадиган оч сарик рангдаги сочиқ тутишига аҳамият бермас, аммо бу мен учун жуда катта ўрганиш бўлиб қолган, гўё- ки "Дадаси, барча ишлар жойида" қабилдаги ахборот берган каби. Мабодо биргина шу сочиқнинг ранги ўзгарди-ми , демак уйда ва рўзғорда ҳам қандайдир ўзгариш бор . Мен дарров ана шу ўзгариш тўғрисидаги саволга жавоб қидира бошлайман.

Бу битта сочиқ мисолидаги тушунтириш эди. Дастурхонда эса ойингизни номини "сотиб" турган яна қанча буюм ва егуликлар бор. Мисол учун биринчи чойни ойингиз дамлаган. Иккинчисини сиз. Тўғри иккинчи чойнакдаги чойни сиз дамлаганингизни кўриб турдим, аммо гап бунда эмас.

Гап шунда-ки , Мастура дамлаган чой ёқутдек товланади. Сиз дамлаган чой эса ранги анча вақт туриб ҳам келишгани йўқ.

Қизим , ҳозир сизни вақтингизни кўп ололмайман. Фақат бир нарсани айтаман, халос. Доимо ёдингизда тутинг. Бу уйда ҳар бир ишни санъат даражасида қойиллатиб бажарадиган аёл яшайди. У ойишонингиз . Энг ёмони , - Мирсаид ака шу сўзларни фахр аралаш жилмайиб гапирди , - мана шу ойишонингиз туфайли мен жуда талабчан бўлиб қолганман. Сабаби у менга ҳар доим энг афзал нарсаларни раво кўрган. Мен эса шунга ўрганиб , сал бундайроқ нарсаларга рози бўлмай қолганман.

Энди ўқишга боришингиз мумкин...

- Додажон ... - Ҳилола кўзларини ердан ола олмай оҳиста овозда гапирди , - мен ҳам ойишонимларга ўхшашга ҳаракат қиламан. Қўлимдан келганча ...

- Аллоҳ хоҳласа ...- Мирсаид ака гапни қисқа қилди .

- Майли , яхши ўтиринглар . Биз кундузги соат уч -уч яримларга яқин келиб қолармиз, - Ҳилола шундай деб эшик олдида кутиб турган Сулаймонга эргашди .

- Дадасиии ...- деди Мастура опа гинали овозда , - сира мураса қилай демайсиз- а ? Келин бечорани бирам уялтирдингиз, бирам мулзам қилдингиз. Нақд ер ёрилмади-ю , ерга кириб кетмади шўрлик . Ҳозир шу гапларни жойимиди ?

- Жойи эди , хотин, жойи эди. Уялган бўлса жуда яхши- да , келаси сафар шу хатони такрорламайди. Ундан кейин сени қанақа аёл эканлигингни билиб қўйсин дедим . Кимга келин бўлганлигини озроқ фаҳмлашини истадим. Қайнотаси ҳам ҳар нарсага кўниб кетаверадиган одам эмаслигини , ўзига яраша фаҳм- фаросати , ғурури борлигини ҳис қилсин дедим. Ҳалол ош , нон ейиш фақат лаззат олиб келишини англасин дедим. Ҳозир индамаганимда , "Озми , кўпми хато қилиб қўйсам тарафимни оладиган қайнонам бор" деб ўзини жуда эркин қўйиб юбориши мумкин эди .

- Дадаси- ей, бир марта чой тайёрламаслик давлат аҳамиятига молик муаммо эмас- ку, шунчалик танбеҳ берсангиз. Келин ҳам бировнинг боласи , кўзининг оқ-у қораси , вақти- соати

билан турмушнинг ўзи уни аста- секин пиширади . Биринчи хафтадан ўзингиздан зада қилиб қўйманг, жооон дадаси?!

Мирсаид аканинг қошлари чимирилди :

- Тавба , тўғри гапни айтишга ҳаққим йўқми ? Келин зоти рост гапга зада бўлиб кетаверса , турмуши турмуш бўларкан- ми? "Кўнгли оғримасин , хаёли бузилмасин" деб сал нарсага авайлайверсак , эртага бурнидан ошириб бирорта гап гапиролмай қоламиз- ку унда ? Қолаверса мен уни уришмаган, сўкмаган бўлсам . Шунчаки , озроқ тушунча бердим халос . Ёки шунга ҳам ҳаққим йўқми менинг ?

- Нимага ҳаққингиз бўлмасин , дадаси? Албатта ҳаққингиз бор ! Ахир бу оиланинг бошлиғи сизсиз- ку?! - Мастура опа дарҳол эрига ён босди, - мен фақат "Келин ҳозир ўзга боғдан кўчириб бизнинг боғга ўтказилган бир ниҳол каби. Ўзини тутиб , ерга илдиз отиб олиши учун бир мунча муддат керак бўлади" деган гапни сизга тушунтираётган эдим халос. Бор гап шу ...

@Xazon_Rezgi /34 #КўНГИЛ_ИФОРИ

- Мастииир , менга қолса ёмон бўлсин дейман-ми ? Ўзингни шунақа вақтингни бир эслагин- а ?! Ўша вақтларда лоақал газ бўлмаганди- ку , хонадонимиз-да? Кўмир ташиб печка ёқардик , овқатларни ўчоқда пиширар эдинг, камига сигир ҳам соғгансан .

Сен ўшанда ...

Бирор марта "уф" демагансан .

Ҳозирги келинларга эса ... Эй майли кўй ...

- Насиб қилса Ҳилола унақа ёмон келин бўлмайди . Ҳали бироз ёш ва нозикроқ- да. Аммо вақт ўтиши билан измимизга тушиб кетади, - Мастура опа шундай деб мавзуга хулоса ясаган бўлди ва гап измини бошқа тарафга бурди , - бугун ишга бормайсизми , дадаси ?

-Бормасам бўлмайди. Тўй баҳона анча ҳисоб - китобли ишлар йиғилиб қолган , - у шундай деб аёлига саволомуз боқди , - нима учун ишга бориш , бормаслигимни сўраяпсан , ўзи ? Ёки у- бу нарса керакмиди ?

Мастура опа жилмайди:

- Йўғ-ей , ҳамма нарса бор. Шунчаки уйда қолсангиз тушликка озроқ суюқ овқат солсаммикан дегандим. Танингиз яйраб ичардингиз- да . Ношукрчилик бўлмасин- у , кейинги кунларда тинмай қуюқ овқат еявериш ошқозон ҳам бироз қийналиб қолгандек бўлди.

- Онаси , сен таом пишириб мени кутар экансан, албатта келганим бўлсин, - Мирсаид ака юзига фотиҳа тортиб дастурхонидан турар экан , аёлига тегишди , - Маскопдан нима обкелай ?

Мастура опа ёшлик йилларида қўйилган машҳур "Қутлуғ қон" видеофильмидаги сўзларни эшитиб қулиб юборди .

- Ўзингиз соғ - саломат келсангиз бўлгани . Бошқа ҳамма нарса бор. Фақат ...

- Нима фақат ? - остонага етай деб қолган Мирсаид ака ўгирилиб сўради.

- Жоон , дадасии , илтимос кўчадан келганда ваҳима билан сигнал чашиб келманг . Махалладаги аёллардан жуда уяляпман. Ахир чўлда эмас,аҳоли зич яшайдиган жойда яшаймиз . Бировга ёқади , бировга йўқ ...

- Мени бировлар билан ишим бўлмаяптими, бировларнинг ҳам мен билан ишлари бўлмасин , хўпми ? - Мирсаид ака остонада туриб қолди, - шу сигнал чалганимни кимга нима оғирлиги тушяпти ?

- Кеча бироз кўпроқ "бип- бип"латганингизга қўшни аёллар менга худди ола қарагандек бўлишди- да. Ҳозир сиз қайнота , мен қайнона унвонига эришган бўлсак ? Ростини ҳам уят бўлади- да , дадаси ...

- Менинг ҳеч қандай уят билан ишим йўқ. Машина меники , дарвозанинг олди мени , дарвозани очадиган аёл эса жуфти- ҳалолим. Одамлар ҳам ўзини эпласин...

Мирсаид аканинг лов этиб жаҳли чиқиб кетди . Бироқ Мастура опа унга қарши лом- лим демай айбдордек турганлиги учун тезда ғазабдан тушди.

- Мастиир... - деди у оғир хўрсиниб , - биласанми мен сигнални атайдан шунақа қилиб чаламан. Одат бўлиб қолган. Нима учунлигини айтмайми ? Сабаби мен сигнал чалсам сен уйдан бамисли офтобдек бўлиб югургилаб чиқиб келиб мени кутиб оласан. Мен айнан сен дарвозани очиб кутиб олишингга шунчалар мастман- кии... Сен бўлганинг учун рўзфорим файзли , ишим унумли , кунларим тотли , лаҳзаларим ҳаловатли...

Сен бемор бўлиб касалхоналарда хафталаб қолиб кетганингда мен уйга шунчалар хувиллаб қайтар эдим- ки , ҳар бир хона гўёки "ютаман" дерди. Кўпинча дарвоза олдига келганда қўлим машина сигналига етган вақтда беихтиёр бўшашиб кетардим. Кутиб олгувчим уйда бўлмаганлиги учун шунчалик кўнглим шунчалик вайрон бўлар эди- кии...
Энди айт- чи ? Сенга таънали назар билан боққанлар мени кўнглимдан ўтганини билишадими ?
Нима учун кўчадан "тўпалон" қилиб келганим сабабини англай оладиларми ?

Мастиир , нима дейсан шунга ?!

Мастуранинг кўзларида ёш ҳалқаланди :

- Сизга бир гап гапириб бўларкан-ми ? Ҳеч нарса демайман.

Аммо Аллоҳимга айтарим бор...

Мени сизга керакли ва азиз қилиб , юлдузимни иссиқ кўрсатгани учун "Ўзингга беҳисоб шукр" дейман.

Майли дадаси , ишга яхши бориб келинг...

Мастура эрини ишга кузатиб қўяр экан юрагида бир нарсага қарор қилиб қўйди :

@Xazon_Rezgi / 35 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

"Энди дадасини ишдан келишларини эшик ортида туриб кутиб оламан. Майли қўни-

қўшниларни сигнал овози беҳаловат- у , безор қилмай қўяқолсин. Мен эса дадаси мени кутиб олганимда тотийдиган ҳузурдан бебаҳра бўлмасликларини истайман. Ахир бу мен учун ҳам бахт- ку . Бу дунёда кимгадир керак эканлигини билиш бу - бахт !

Аммо ўзинг ҳам суйган инсон учун бутун дунёси эканлигини билиш ...

Бу қандай туйғу экан- а? Таърифига бутунлай тил ожиз бўлган ?! Бахтдан ҳам улуғроқ бу туйғу нима деб аталар экан?

Шукримкан?

Ҳаловатмикан?

Йўқ, буларнинг бариси биттада нима деб аталаркин? Нима деб аталса ҳам худди ўша туйғу мен ҳозир англаб турган ўша туйғу бўларди..."

Мастура опа дарвозани зичлаб ёпар экан , юзи ҳозир ўзи номини топа билмаган ўша туйғу сабаб лов- лов ёнар эди...

* * *

- Сулаймон ака , - деди Ҳилола Назарбекдан чиқиб катта йўлга тушиб олишгач,- жуда хунук иш бўлди-да. Додажоннинг ёнларида ер ёрилмади- ю , нақд унга кириб кетмадим .

- Қўй кўпам сиқилаверма , дадам ўзлари шунақа бироз шарттакироқлар. Доим ҳақиқат тарафдорилар . Ҳақиқат учун ҳеч кимни аяб ўтирмайдилар, ўша инсон ким бўлишидан қатъий назар "Ҳоҳ ўл, ҳоҳ қол" ... Дадамнинг принциплари шунақа, - деди Сулаймон Ҳилолага тушунча берган бўлиб , - аммо қилган айбингни қайта такрорламасанг , сира қайтиб юзингга солмайдилар . Жавоб !

- Аммо-чи , синчковликларига роса қойил қолдим. Битта сочиқ орқали дастурхонни ойижон тузаганларини айтиб ўтирсалар- а ? - деди Ҳилола ҳайратини яшира олмай .

- Социқмиш- а ? Сен дадамларни ҳали яхши билмайсан- да , улар тағинам бугун ўқишга кеч қолмаслигимиз учун кўп гапирмайдилар ,- деди Сулаймон ўзича керилган бўлиб ,- дадамлар ўша дастурхонда неча хил нарса , яъни буюм ёки егулик турса , шунча хил исбот топиб берадилар . Буям майли ошхонанинг остонасини ҳатламай пиширилаётган таомнинг ҳидидан тузи паст ёки баландлигини , қайси масаллиқ кўп ёки кам қўшилганини айта оладилар. Бунисиям ҳолва...

- Сулаймон ака , шу ергача етар. Мен уларга ёқмайманми деб жуда қўрқиб кетяпман,- деди Ҳилола зорланиб ,- одатда кўпчилик келинлар қайнонасидан қўрқувчи эди. Аммо мен додажондан...

- Хилола , дадамлардан қўрқиб қолган сира ҳожат йўқ . Нима улар "Бабайка"мидилар- ки , қўрқасан ? Дадамлар шунчаки барча нарсани ўз ўрнида бўлишини истайдиган тартибли ва талабчан инсонлар. Уларнинг йўл - йўриқларини яхшилаб тушуниб олсанг , олам гулистон. Оламда сендан яхшиси йўқ- да ...

Сулаймон шундай деб Ҳилолани тинчлантирган бўлди . Ҳилоланинг ҳам зумда юзларига қон югургилаб қолди :

- Яхши келин бўлишга ҳаракат қиламан , Сулаймон ака. Албатта ҳаракат қиламан,- у шундай деб ниманидир эслагандек бир зум жимиб қолди , сўнгра эрига навбатдаги саволни берди , - мен ҳозир дарсда қаерда ўтираман? Тушликни ким билан қиламан ? Бошим бирам қотиб қолди-кии...

- Қаерда ўтирардинг ? Қизлар билан ҳар доимги жойингда ўтираверасан- да . Мен ҳам йигитлар билан ўзимни ўрнимда ўтиравераман. Тушлик масаласини вақти келган- да кўрармиз ...

Ҳилоланинг юзи ёришди:

- Қизлардан ажралмаслигим яхши бўлди . Уч кундаёқ уларни соғиндим ...

- Менга қара , улар дарров бизни уйдаги гап- сўзлардан сўрашса, ҳар нимани гапираверма, хўпми ? Ҳозир ҳам, кейинчалик ҳам , тушундинг- а ? Қойил қолдираман деб мақтаниб ҳам ўтирмагин ?! Ҳар ҳолда назар, нафас деган нарсалар бор ...

- Хўп бўлади , Сулаймон ака,- Ҳилола шундай деб эрка оҳангда гапиришга ўтди,- мениям жуда унақа анқовга чиқарманг . Қаерда нима дейишни билсам керак...

- Сени анқов деб ким айтди. Фақат бироз уйқучироқ экансан халос,- тегишди Сулаймон машинани тўхтатар экан , - келдик , уйқучи хоним ?!

Кутилмаганда Ҳилоланинг хўрлиги келиб кетди :

- Шу қилганингизга , қайтиб ярим кечасигача конспектингизни кўчирмайман. Домла Туйғунов билан ҳам орангизга тушиб бўпман. Керак бўлса , дарсингизни ўзингиз қилинг . Между прочим , мен янги келинман. Аввал келинлик вазифаларимни қойиллатиб олай. Шундоғам ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

13- ҚИСМ

сизнинг оғирингизни енгил қиламан деб , бугун додажонни ёнларида юзим шувит бўлди.

Энди бу хатоларни такрорламайман, яъни бу ёғига конспектингизни ёзиб берадиган анойи йўқ ,яъни уйда бўлган вақтим нонушта , тушлик ва кечки овқат учун дастурхонларни ўзим тайёрлайман. Тушунарлидир- а ?

- Вой-ей, Ҳилола , жаҳлинг бурнингни учида турар экан-ми ? Мен сенга нима дедим , ё товба ? Ҳазилни ҳам тушунмайсанми ?

Сулаймон тез - тез юриб Ҳилолага етиб олди :

- Бўлди, сен эмас ўзим уйқучиман . Уйқучи бўлмасам ярим кечасигача конспектимни ёзиб чиққанингни кўрмасмидим ?! Мен сендан кечирим сўрайман Айбимни ювишим учун нима қилишимни истайсан ? Тила тилагингни ?

Ҳилола бирдан тўхтади. У Сулаймонга аразли кўзларини тикиб , қатъий шарт қўйди :

- Ҳар куни мен билан бирга барвақт уйғониб кўча тозалашимга ёрдам берасиз !

Сулаймоннинг юзига зумда табассум югурди :

- Бор мақсадинг шуми эди ҳали ? Оббо айёр- ей ? Ўзингча тилимдан тутдингда- а ? Аммо- чи , мен ваъдамдан қайтмайман . Сен билан албатта тонг сахардан кўчага кўриқчинг сифатида чиққаним бўлсин . Ўзи айтмасанг ҳам шундоқ қилмоқчи эдим, сабаби сени битта ўзингни кўчага ишониб бўладими ?

Ҳилола Сулаймонга ортиқча ҳеч нарса демади , агар яна гап бошласа ораларидаги суҳбат кун бўйи тугамаслигига кўзи етди чоғи астагина :

- Майли , сиз билан кейин гаплашаман , - деди- ю ўзини сал нарида кутиб турган дугоналари томонга йўл олди.

Сулаймон ҳам кўтаринки кайфиятда гуруҳдош йигитлар даврасига қўшилди.

* * *

Сулаймон ва Ҳилолалар ўқишдан айтилган вақтларида қайтишди. Дарвоза ёнига яқинлашганда Ҳилола Сулаймонга савол берди :

- Сиз ҳам ҳозир сигнал берасизми ?

Сулаймон унинг саволига тушунмади:

- Ҳозир ойижон дам олаётган бўлсалар керак. Уларни безовта қилмай уйга секин шовқинсиз қирайлик. Дарвозанинг калити бор-а сизда ?

- Ҳаа , мана калит .

Ҳилола машина ғаладонини турган калитни қўлига олди ва:

- Мен секин эшикни очаман, сиз овоз чиқармасдан машинани йўлакка олиб кирарсиз , - деди- ю , машинадан аста сирғалиб тушди.

Ҳилола ўзи айтганидек овозсиз дарвозани очди , Сулаймон машинани олиб киргач, унга улов эшигини қарсиллатиб ёпмасликни тайинлаб , ўзи ҳам кўча эшикни яна оҳиста ёпди.

- Қорнингиз қанақа ? - сўради Ҳилола ўз хоналарига киришгач , - чой тайёрлаб берайми ?

- Қорним-ми? Қорним юмалоқ , - деди Сулаймон Ҳилолага хазиллашиб,- аммо бироз мизғиб олишга йўқ демасдим.

Ҳилола Сулаймоннинг сўзларига жилмайди :

- Мизғиб олиш ? ! Адашмасам сиз зийрак , мен уйқучи эдим шекилли эди а?

Сулаймон унга "эээ , қўйсенг-чи ?" деди ва ичкари ётоқхонага зипиллади.

Ҳилола унга бошқа индамади. Кўчалик кийимларини уйлик кийимларга алиштириб аста

ҳовлига чиқди.

Мастура опа тушликдан сўнг ошхонани саришталаб қўйган эканлар. Ҳилола стол устида ўзларига атаб сирли кастюлькада олиб қўйилган тефтель шўрвани кўриб ҳайрон бўлди .

" Вой бизгаям овқат олиб қўйибдилар"

Ҳилола янги хонадондагилар ўзини шу оиланинг аъзоси ҳисоблашганидан юраги эриб , кўнгли бузилди.

Томоғига нимадир тиқилди. Кўз ўнгидан доимо ўзига ниманидир илиниб олиб қўядиган ўз онаси ўтди. "Ойижон , - деб ўйлади Ҳилола юраги тўкилиб ,- қизингиз яна бир онага қиз бўлди. Бу онанинг ҳам кўнглини ола билармиканман? Ойижон ва додажон мени келин эмас , астойдил , чин кўнгилдан "қизим" деб чақришармикан..."

Ҳилола шу тарзда хаёл сурганча хамир қоришга тушди. Қорган хамири битта-ўртачадан каттароқ зувала бўлди. У ўша зувалани ҳам иккига бўлиб тиндиришга ўраб қўйди- ю , ўзи хамирнинг ичига солинадиган масаллиқларни арта бошлади.

Ҳилола мўъжазгина қасқоннинг ярмини хоним , ярмини мантига тўлатиб газга қўйган ҳам эдики , ҳовлидан Мастура опанинг қадам товушлари эшитилди .

- Ассалому алайкум , ойижон. Яхши дам олдингизми ?

Ҳилола қайнонасининг истиқболига пешвоз чиқар экан , Мастура опанинг ҳам чехраси ёришиб кетди.

- Ваалейкум ассалом, Ҳилола қизим. Қачон келдинглар ?

@Xazon_Rezgi /37 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Келганларингизни пайкамай ҳам қолибман ? Овқат ҳам пиширдингизми ?

- Дам олаётган бўлсангиз сизни безовта қилмайлик деб шовқинсиз киришга ҳаракат қилдик-да ўзимиз ҳам,- Ҳилола қайнонасига тушунча берган бўлди, - ўғлингиздан нима таомларни яхши кўришингизни сўраб озроқ хоним билан манти тайёрлаётган эдим.

- Умрингиздан барака топинг , қизим. Аммо ўзинглар нимага тефтель шўрвани ичмадинглар ? Кастюльдаги овқат Сулаймон иккингизга қолган эди.

- Ҳали университетда овқатлангандик . Шунга қорнимиз очмади. Буни ,- Ҳилола қайнонаси пиширган таомга ишора қилиб , -кечги дастурхонга иситиб тортаман. Майлими , ойижон ?

- Майли , қизим , майли.

- Мен уйларни бирров тозалаб чиқай ,- Ҳилола ўрнидан қўзғалаётганда Мастура опа уни тўхтатди.

- Хоналарни ўзим чангютгичда тозалаб , артиб - суртиб олдим. Сиз хонангизга кириб бироз дам олинг .

Ҳилоланинг қошлари чимирилгандек бўлди :

- Ойижон, илтимос мени ундай ҳижолат қилманг . Ахир бу хонадонга оғирингизни енгил қилишга келганман- ку. Мени чарчаб қолади деб ташвишланманг. Шу ишларни ўз уйимиздаям бажарганман. Ўзимни ойижонимлар ўқитувчи бўлганликлари сабаб мактабдан чарчаб келадилар деб иложи борича қўлларидан ишларини олишга ҳаракат қилардим. Бу ерда ҳам... ,- Ҳилола қайнонасига кулимсираб қаради, - энди бу ишлар менга тан , хўпми ойижон?! Мен бўлмасам кўча ва ҳовлиларга бир қараб қўяқолай унда ?

Мастура опа келининг изидан мамнун бўлиб қараб қолди.

"Илоҳим охиригача шунақа суюнтирсин, - дея ўйлади у ,- аммо Ҳилола бу ишларни қўлимдан олса ғирт бекорчи бўлиб қоламан-ку ?! Майли бу ҳам маълум муддатгача . Аллоҳ насиб қилиб келиним ҳомиладор бўлса , ундан кейин набира кўрсак , юмушларимиз яна кўпайиб қолади. Ўша кунларни кўришлик насиб этсин . Ин шаа Аллоҳ". Мастура опа ширин жилмайиб ўз хонасига кириб кетди.

Ҳилола кўчани супириб , сув сепиб ичкарига кираётганда ўзи томонга пастаккина стулча кўтариб келаётган қайнонасини кўриб ажабланди.

Келинининг юзидаги савол аломатини кўрган Мастура опа унга изоҳ берган бўлди:

- Ҳадемай додажонингиз келиб қоладилар . "Келганингизда сигнал чалиб қўшниларни безовта қилманг" десам , гапимга сира унамаяптилар . Шунга тоза ҳаводан баҳра олиб , китоб ўқиб уларни дарвозахонада кутиб ўтирмақчиман. Машинамизни овози эшитилиши билан дарвозани очаман.

Ҳилола қайнонасига "Яхши нарса ўйлабсиз , ойижон" деди-ю , аммо ўзича "Шу додажоннинг феъллари бирам оғир ва қайсар экан- ей. Шу сигнални чалмасалар ёки бир марта "бип" деб қўяқолсалар бўлади- ку ! Аммо илтимос қилган сари баттар билганларидан қолмас эканлар . Аллоҳнинг чеварлиги пешоналарига ойижондек дилбар аёлни битиб қўйибди.

Тавба, агар шу додажон Амир Олимхон даврида у билан ака- ука бўлиб туғилганларида борми эди, шу феъллари билан тахт эгаси аниқ улар бўлардилар" - дея ўйланганча ҳовлини саранжомлашга киришди .

Ҳилола ҳовлини саришта қила туриб чой қуймагани ёдига тушди . Қайнотаси ишдан келса кечагидаги каби питирлаб қолмаслик учун ошхонага бориб чой қўйиб келмоқчи бўлди. Аммо ошхонага киргач , қайнонаси аллақачон газ оловини паст қилиб чой қўйиб қўйганини кўргач , енгил тин олди . "Ойижон ҳақиқатдан рўзғор илмининг профессори эканлар. Уни қилинг , буни қилинг демай ўз ҳолларига барча ишни бажариб дарс бериб қўярканлар. Энди улар билан қайси ишни ким биринчи қилишда мусобақа ўйнайман шекилли".

Ҳилола қўлини чайиб сочиққа артди- ю ҳали ҳам тагида олов ёниб турган қасқоннинг қопқоғини очди.

Қопқоқ тагида йиғилган буғ чиқиб кетгач, икки бармоғининг орқа тарафи билан таом пишган ёки пишмаганлигини текшириб кўрди.

Энг устки қаторда турган мантининг хамири қўлга ёпишмади. "Овқат ҳам пишибди "- Ҳилола қасқоннинг тагини ўчирди, таом ўз иссиғида бўкиб ивиб кетмаслиги учун қопқоқни қайта ёпа туриб бир четини қолган иссиқлик чиқиб кетиши учун хиёл очик қолдирди. Сўнгра қўлларини яна бир бор чайиб ҳовлидаги ишларини битириб олиш учун ташқарига чиқди.

Сал ўтмай Мирсаид ака ишдан қайтди. У дарвоза ёнида ўзини кутиб ўтирган аёлини кўриб

аввал

@Xazon_Rezgi /38 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

ажабланди , сўнгра "Ҳа , тинчликми?" дегандек қош қокиб қўйди.

- Ҳилола келиб менга уйда иш қолмади , ишсизликдан зерикиб кетиб сизни кутиб ўтирибман, дадаси,- деди Мастура опа эрига тушунтириш беришни ўзининг вазифаси ҳисоблаб , - ўзингиз хизматга яхши бориб келдингизми ?

- Ҳаа яхши , - деди Мирсаид ака ўзига бўлган эътибордан талтайиб кетганини билдирмасликка ҳаракат қилиб , - кечки менюда хонимми дейман? Бутун ҳовлини иси тутиб кетибди .

- Хоним ҳам , манти ҳам , - деди Мастура опа керилганнамо , - Ҳилола қизим ўқишдан кела сола овқат тайёрлашга киришибди , барака топгур.

Шу пайт келинлик уйи остонасида Ҳилола кўринди :

- Ассалому алайкум , додажон . Ишга яхши бориб келдингизми ?

Мирсаид ака Ҳилоланинг саломига алик олиб ўз хонасига кириб кийимларини алиштириб чиққанда, зинада уйда киядиган шиппаги ўнглаб қўйилгани , ҳозиргина кўчадан кийиб келган туфлиси артиб , оёқ кийимлари турадиган митти жавончага тахланиб кетилганини кўриб , ўзини кузатиб чиққан Мастура опага им қоқди :

"Келинимиз ҳам анойилардан эмас шекилли..."

Эр- хотин кичик меҳмонхонага киришганда чиройли қилиб тузалган дастурхонга кўзлари тушди.

- Бу сафар дастурхонни ҳақиқатдан ҳам келининг тузабди. Унинг ҳам диди чаккимас экан ... - деди Мирсаид ака

"Ёққани рост бўлсин- ей", - ичида тин олди Мастура опа, аммо буни ташига чиқармай эридан сўради , - овқат ҳам пишган , дадаси , сузиб келаверсинми ?

- Майли , хонимни иссиғида еган яхши. Хамир овқат кеч ҳазм бўлади-ю, шунга вақтлироқ есак , еяқолайлик .

Ҳилола чой дамлаб келганда Мастура опа ундан бир йўла овқат сузишни ҳам сўради.

Ҳилола "хўп" дея бош ирғади. Кўп ўтмай эшикда битта патнисга тўртта коса қўндирганча Сулаймон кўринди . У ота-онасига салом бериб , кичиккина косаларга бир пиёладан сал кўпроқ қилиб сузилган тефтель шўрвани хонтахтанинг бир четига қўйди.

- Бу биринчисига экан , - Сулаймон шундай деб аввал дадасига, сўнгра онасига таом тутди , - Ҳилола ҳозир иккинчисини олиб келади.

Ҳилола додажониси айтгандек хоним ва мантини санъат даражасида безатиб олиб кирди.

Овқатдан сўнг Мирсаид ака дастурхонга фотиҳа ўқир экан , Мастура опа келинига "Пиширган

овқатингиз жуда мазали чиқибди, раҳмат" деб миннатдорчилик билдирдириб қўйди. Ҳилола қайнотасидан ҳам мақтов кутган бўлди , бироқ Мирсаид ака келинининг кўнгли учун бир оғиз раҳмат демади.

"Ёмон демаганлари мукофотим шекилли",- дея бир тўхтамга келган бўлди Ҳилола, сўнгра хонадагиларга "Ош бўлсин!" деди- ю , ўзи овқатдан бўшаган юқли идишларни йиғиштириб ошхонага йўл олди.

Сулаймон бир соатлардан сўнг ўз хоналарига кирганида китоб - дафтарлар ёйилиб турган столга бошини қўйганча ухлаб ётган Ҳилолани кўриб ачиниб кетди.

"Келинпошша..." - у шундай дея жилмайганча Ҳилолани аста кўтариб ётоқхонадаги ўрнига ётқизиб чиқди. Ҳилола азбаройи толиққанидан кўзларини ҳам очишга мадори қолмаган эди.

Сулаймон қайтиб чиқиб дарс столига ўтирди. Бир четдан Ҳилоланинг конспектларини ўз дафтарига кўчира бошлади.

Шу тариқа орадан бир хафта ўтди.

- Эртага якшанба , сал кечроқ турсангиз ҳам бўлади , - дея шанба оқшомида келинини огоҳлантирган бўлди Мастура опа, - сиз ҳам бир кун дам олинг . Ўзи ҳавоям айнаиб турибди.

Ҳилола қайнонасига "хўп" дея бош ирғади.

Якшанба тонгида ошхонадан қаттиқ эшитаётган тарс - турс овози Мастура опани сергаклантирди.

"Тинчликмикан ?!"

У ошхонада кирган пайт чой тайёрлаётган Сулаймонни кўриб беихтиёр :

- Чойни сен тайёрлаяпсанми ? Ҳилола қани?- дея сўради юраги нима учундир беҳаловат бўлиб .

- Ассалому алайкум , - деди Сулаймон кўзини ерга тикиб,- Ҳилола уйда.

- Уйда ?! Тушунмадим ? Ўзимизни уйимиздами ? Тинчликми ўзи ? Нима учун юрагимни сиқиб яримта гапирасан ? - Мастура опа алик олишни ҳам унутиб кетма - кет савол қалаштира кетди.

- Ойижон, ҳавотир олманг . Келинингиз шунчаки бехосдан... □□□□ аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

14 - ҚИСМ

оёғини қайиртириб олибди.

- Нима ? Қаерда ? Қандай қайиртириб олади? - Мастура опа ҳуноби ошганча Сулаймондан сўради.

- Қўрқманг , ойижон. Ҳавотир оладиган ери йўқ. Ҳилола боя супураман деб ғира- ширада кўчага чиққан экан. Сув оламан деб бетон ариқчага сирпаниб кетибди. Шунда оёғи сал қалтис

тушибди. Мен боғлаб ...

- Ҳозир уйғоқми ? - Мастура опа ўғлининг жавобини кутмай ҳовлига қараб йўл олди , - юр-чи ?

Мастура опа ичкарига киргач овоз берди :

- Ҳилола , уйғоқмисиз ? Кирсам бўладими ?

Ичкаридан Ҳилоланинг :

- Кираверинг , ойижон, - деган товуши эшитилди.

Мастура опа ичкарига кирганда ётоғида ёстикқа суяниб ўтирган Ҳилолага дуч келди :

- Ассалому алайкум...

- Ваалейкум ассалом, - деди Мастура опа келинининг саломига алик олиб , - нима бўлди , қизим ?

Ҳилола қайнонасининг тўғрисида оёғини чўзилтириб ўтиришга уялди. Уни йиғиштиришга ҳаракат қилиб қимирлатган эди лат еган ўнг оёғи бутун танаси бўйлаб оғриқ тарқатиб юборди шекилли лабини маҳкам тишлаб , нафасини ичига ютиб қимирлай олмай қолди. Пешонасида тер томчилари кўринди. Ҳилоланинг ҳолатини кўрган Мастура опа аҳвол жиддийлигини зумда англади.

- Қимирламанг , - деди у Сулаймон маҳкам қилиб боғлаб қўйган оёқни кўздан кечириб , - вазият жиддийга ўхшаяпти.

- Оёғим ноҳосдан сирғаниб кетди,- бошини эгиб тушунча берган бўлди Ҳилола , - кечиринг...

- Қимирлатмай ўтирсангиз оғримаяти а ? Аммо сал ҳаракат қилсангиз ...

- Жонимни кўзимга кўрсатиб қўяпти , - деди Ҳилола дардли овозда , - бироз шишди ҳам . Энди нима қиламан ?

- Додангиз уйғонсинлар , шифохонага олиб бормасак бўлмайди . Илоҳим синмаган бўлсин- да . Кўнгил хотиржам бўлиши учун ҳам рентген қилдиришимиз керак.

- Бугун уйимиздагилар келишмоқчи эди. Мен бўлсам бу аҳволда ... - деди Ҳилола йиғламоқдан бери бўлиб .

- Хабарим бор , кеча гаплашгандик- ку. Аввал шифохонага борайлик , у ёғини кейин кўрармиз, - Мастура опа шундай деб Сулаймонга юзланди , - сен Ҳилолага ул- бул егулик келтир . Нариги хонада бир пиёла иссиқ чой ичиб олсин. Мен дадангларни уйғотай.

Мастура опа келинининг "Ҳожати йўқ, чой ичмайман" деган сўзларига парво қилмай ташқарига йўл олди . Ҳовлида эндигина уйқудан туриб ўзини қидириб юрган Мирсаид акага дуч келган Мастура опа уни меҳмонхонага бошлади.

Бир пиёла чой устида бўлган воқеаларни гапириб берган Мастура опа эрига савол назари билан тикилди:

- Келинни шифохонага олиб бормасак бўлмайди, дадаси...

Мирсаид ака бор гапни эшитиб тўнғиллади :

- Ойда , йилда бир бозор ,
Униям ёмғир бузар ...

Бир кун "оддих"да дам оламанми деган эдим. Шу атала ичган келининг яна бир балони бошлаб кўйибди-да ... Айтгин , айтгин оёғи синган бўлмасин ...

- Ундай деманг , дадаси. Ҳилола ҳам ўғлингизни изидан келган боламиз. Уни ҳам ажратмай ўз қизимиздек кўришимиз керак.

- Хўп , майли , майли. Ҳилола ҳам бизнинг қизимиз. Шунинг учун ҳар куни битта қилиқ чиқариб ўтиришига руҳсат, - Мирсаид аканинг янада асаби бузилди.

- Ўзига қолса шундай бўлсин дебдими ? Ким ҳам ўз бошига дард чекишни тилаб олади , дадаси ? Келиним бечора бугун уйимлагилар келади деб хурсанд бўлиб учиб , кўниб юрувди . Кўрмайсизми бу фалокатни? Қаерда пойлаб турган экан ?!

- Келининг бир хафта олдин уйидагиларини оч қоринга кола ичиб букчайиб ошқозон оғриқ билан кузатиб кўйганди. Бугун бу аҳволда ўтирган ўрнида кутиб олса . Қудаларинг ҳам "Эссизгина қизим-а , шу хонадонга келди- ю , боши дарддан чиқмай қолди" деб кетишса керак .

@Xazon_Rezgi /40 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

-Унақа дейишмайди, дадаси . Нимага унақа дейишсин , - Мастура опа ўрnidан кўзғала туриб сўради,- Сиз дам олмоқчи бўлсангиз , Ҳилолани Сулаймон иккимиз шифокорга кўрсатиб келаёламиз.

- Бекорларни бештасини айтибсан, хотин. Мен уйда "Ҳилолага нима бўлдийкин?" деб ич-этимни еб ўтираманми ? Келинни ўзим олиб бораман шифокорга. Сўра-чи, тайёрикан ?

* * *

- Келинингизни оёқ рентгени тоза чиқди. Суяги бутун , дарз ҳам кетмаган , синмаган ҳам. Қайрилган пайтда эти узилган. Шунга қаттиққина оғриқ ҳам бор. Мен ёзиб берган дориларни ичиб , суртмаларни суртиб турсалар тез кунларда яхши бўлиб кетади. Ҳозирча уч кун ётоқ режими . Юриш асло мумкин эмас. Тушунарли- а ?

Мирсаид ака навбатчи шифокорнинг сўзларини эшитиб енгил нафас олди : "Ҳайрият , синмабди...".

Сулаймон Ҳилолани етаклаб олиб чиқиб машинага ўтгазгач, Мирсаид ака ҳам Мастура опа билан машинага чиқишди.

Машина бироз юргач , Мирсаид ака йўл четида тўхтаб дорихонадан шифокор ёзиб берган дориларни харид қилиб чиқди. Уни Мастура опага тутқазди- ю , ўзи яна изига қайтиб кетди . Кўп ўтмай ўроғлиқ каттагина елим тоғорача олиб келиб бу сафар кўлидагини Сулаймонга тутқазди.

- Ушла , - деди у ва машинага чиққач Мастура опага изоҳ берди , - қудаларни кутиб олишга норин олақолдим. Ўзинг битта суюқ ташлаб қўйсанг бўлди . Қолган барча нарса бор. Нонни ҳалироқ Сулаймон олиб келар, - Мирсаид ака шундай деб Ҳилолага бир зумга кўз ташлади , - сиз эса шифокор айтганидек энди уч кун ўзингизни асранг . Бугун якшанба. Келди - кетди учун ойисига Сулаймон ёрдам бериб туради. Кейин Маҳина опамни ҳам набиралари Шаҳло билан чақирамиз . Йўқ, яхшиси уларни ўзим сал туриб олиб келаман. Шаҳло келса ҳамма ёқни тиндириб ташлайди.

Мастура опа эрининг сўзиларига бош силкиб тасдиқлаб турди.

Махалла гузарига етганда Мирсаид ака аёлига қаради:

- Менга қара , Мастура. Келинни Аҳмад синиқчига бир кўрсатиб ўтамизми а , нима дейсан ? Нега десанг рентген синганни кўрсатади , чиққанни кўрсатмайди . Келинни тўпиғи чиққан бўлишим мумкин-ку ? Шу Аҳмад синиқчиям-чи, лекинига жуда кўп нарсадан хабардор одам ?

- Майли дадаси , сиз нима десангиз шу , - Мастура опа эрига қаршилик қилмади , - Аҳмад аканинг уйлари йўлнинг юзида- ю, бир кириб ўтиш қийин эмас- ку ?!

- Яхши унда ҳозир бирровга келинимизни кўрсатиб чиқамиз.

Аҳмад ака ҳовлида узум узаётган экан. Бошлашиб келган махалладошларини кўриб , улар билан сўрашиб бўлгач , Ҳилолани тўғридаги ўриндиққа ўтказишларини илтимос қилди.

Мирсаид ака синиқчига ҳалақит бермаслик учун уй эгасининг тўнғич ўғлининг таклифи билан ҳовли бурчагидаги шинғил солиб ётган нок ҳосилини кўришга йўл олди.

- Ҳмм, демак рентгени тоза чиқди денг ?! Аҳмад ака Сулаймон узатган рентген қоғозини бирров кўрган бўлди , сўнгра Ҳилолага деди :

- Қизим қани оёғингизни ўриндиқ устига узатинг, кўрқманг биров кўраман, бўш қўйинг- у шундай деб Сулаймонга кўз қисиб "Маҳкам ушла" дегандек кўз қисиб қўйди.

Аҳмад синиқчи Ҳилоланинг лат еган оёғини бироз силаб туриб , кутилмаганда қаттиқ тортиб қайириб юборди. Ундан эшитилган "қарс" деган овозни Ҳилоланинг атрофидаги барча эшитди.

- Вооой ...

Оғриқ сабабли Ҳилоланинг кўзлари дувиллаб ёшга тўлди.

- Анааа бўлдиини ! Насиб қилса уч кунда яхши бўлиб кетади.

- Нима қилган экан келинимнинг оёқларига, - Мастура опа Ҳилолага ачинганча овози титраб сўради.

- Келинингиз сирпаниб йиқилганда оёқдаги суюқлар ўз ўрнидан кўзғалиб , қайтиб жойига тушган. Аммо асл ҳолатига мос ҳолда ўз ўрнига тушмаган. Энди ҳаммаси яхши бўлади. Бу ёғига докторни ёзиб берган муолажаларини қилаверасизлар .

- Шўрпахта боғланг демайсизми , Аҳмад ака? - деди уларга яқинлашиб келган Мирсаид ака , - ота- боболаримиздан қолган даво усулини тавсия қилмайсизми ?

@Xazon_Rezgi /41 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

- Қўймайсизда сиз ҳам , Мирсаиджон ука?! - кулимсиради Аҳмад синиқчи , - аслини олганда гапингиз юз фоиз тўғри . Мен ҳам шўрпахта демоқчи эдим , бироқ қарасам керакли доридармонларни сотиб олиб қўйибсиз. Шунга индамай қўяқолгандим. Аммо бу муолажаларни алмаштириб қўлласангиз ҳам бўлади. Мисол учун шўрпахтани кечқурунга боғласангиз ҳам яхши бўлади.

- Энг яхшиси ҳам ўзи шу . Шўрпахтадан қўймасин,- Мирсаид ака шундай деб Аҳмад ака билан хайрлашишга тушди , - майли Аҳмад ака , катта раҳмат , у шундай деб чўнтагига қўл сукди- ю , қўлига олган пулни юзига қарамай стол устидаги ликопчанинг тагига бостириб қўйди , - яна бир бор раҳмат.

- Уялтирманг , ука. Бир жойнинг одамимиз , - деди Аҳмад ака Мирсаид аканинг қилмишидан ҳижолат чекиб .

- Иримиди , ака . От билан туя бўлармиди , - Мирсаид ака ташқарига йўл олар экан , - ўтганларда киринг , бу йил беҳимиз ажабтовур солган. Ҳар бири нақд чойнақдек келади.

- Ўўў зўр- у , ундай бўлса албатта бораман. Кечки нокимдан олиб бориб беҳингизга алишиб келганим бўлсин.

- Кутаман , - деди Мирсаид ака , - ҳадемай барча меваларни териб оламиз , бу иссиқлар ҳам ғанимат бўлиб қолди...

У хайрлашиб аллақачон машинасидан жой эгаллаган оила аъзолари томонга йўл олди .

Мирсаид ака уларни дарвоза олдида туширди- ю , ўзи "Маҳина опамларни бир йўла олиб келақолай" деб машинани яна ортига бурди.

Бир соатга қолар-қолмас Мирсаид ака Маҳина опа ва унинг набиралари Шахло ҳамда Шоюсуфларни олиб келди.

Мастура опанинг қайинэгачисига Ҳилола ҳақида гапиришига хожат қолмабди. Эри йўлда барчасини гапириб уни бу савдодан озод қилибди.

Маҳина опа келини билан остонада кўришиб бўлгач , тезда Ҳилоланинг ҳам ҳолидан хабар олиб чиқди.

- Опажон , оввора бўлиб сомса пишириб келибсиз-да,- деди Мастура опа Маҳина опага миннатдор нигоҳларини тикиб , - аммо лекин бирам мазали чиқибди. Меҳмонларни кутишга сабримиз чидамасдан Сулаймон билан биттадан еб олдик.

- Ош бўлсин , Мастураой , - деди чуқур хўрсиниб Маҳина опа , - шу сомсани қандай пиширганимни билмасам денг.

- Тинчликми опа ?- сўради Мастура опа хайрон бўлганча , - Шахлохонниям кайфияти пастроқдек кўринди ?

- Эээ Мастураой , асти сўраманг. Хабарингиз бор , Шоюсуф бу йил мактабга чиқиши керак эди. Аммо уни мактабга олишмади. Биласиз , у чақалоқлигида ўқиға ўралиб жуда қийналиб туғилган эди. Шунга болам бояқиш доим шифокорларнинг назоратида турган.

Кеча қўшним "Набирангизни ақли бироз заиф деб топилганмиши ? Шунинг учун мактабга олишмаган экан- а?" деса бўладими? Ер билан битта бўлиб тўкилдим. Қўшнимга гап уқтириб ўтирмадим- у , аммо эртага мактабга бориб кўтара савдо қилмоқчиман. Бу гап қаердан чиқди, бир тагига етай?!

- Шоюсуфжон қаерда ўзи ? Шахло билан ошхонадами ? - сўради Мастура опа Маҳина опанинг сўзларини хаелчан тинглаганча.

Шоюсуф бу вақтда Ҳилоланинг дарсхонасида ўз ҳолича компьютерни ёқа бошлаган эди. Экрани ёришди. Шоюсуф дарҳол компьютерни видеолар сақланадиган файлига кирди. Дуч келган биринчи видеони очиб уни томоша қила бошлади. Экранда чиройли мусиқа ҳамоҳанглигида катта сув бўйида чопқиллаб юрган қиз тасвири кўринди. Шоюсуф экранга кўзларини ўйчан қадади... □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

15- ҚИСМ

Шоюсуф шу алфозда бироз ўйланиб ўтирди . Сўнг лабларини қимирлаб видеодаги қўшиққа жўр бўлган бўлди. Кўп ўтмай чап қўлини ҳавода айлантириб сурат чизгандек ҳаракатлантира бошлади.

Шоюсуфнинг бу ҳолатини ичкаридаги ойна орқали томоша қилиб ўтирган Ҳилола уни узоқ кузатди.

Шоюсуф видеолавҳа тугаши билан уни бошидан қайта-қайта қўйиб томоша қилар , ҳар сафар қўллари билан сурат чизаётгандек ҳаракатларни такрорлар эди.

Унинг бу машғулотини хонага кирган Сулаймон бўлиб қўйди.

- Шоюсуф, шу ердаяқин , - деди у боланинг жингалак сочларини тутамлаганча , - сени аммам - бувинг қидириб юрибдилар. Сен бу ерда видео кўряпсанми ?

Шоюсуф индамади. Компьютерни аста ўчириб , стулдан тушди. Шу пайт ичкаридан "Юсуфжон" деган овоз эшитилиб Сулаймон ва Шоюсуф ўша тарафга қарашди.

- Юсуфжон, бу ёққа қараворинг ...

Сулаймон ҳайрон бўлиб Шоюсуфни ичкарига етаклаб олиб кирди .

- Сулаймон ака, дарс столимдаги оқ қоғоз ва қаламларимни олиб келиб беринг , илтимос .

Сулаймон Ҳилола буларни нима учун сўраётганини англай олмади , аммо барибир унинг айтганини қилди.

- Сиз аммажонга Юсуфжон мен билан эканлигини айтиб келинг , майлими ? Ҳавотир олмасинлар.

Ҳилола шундай деб ёнидаги трюмо устидаги вазачада турган шокаладдан битта олиб Шоюсуфга узатди :

- Тишларимиз бутунми , Юсуфжон? Шокалад ейишга руҳсат борми ?

Шоюсуф аста "Ҳа" деб бош ирғади ва Ҳилола узатган шокаладни олди , аммо емади.

- Менга қаранг, Юсуфжон , менимча сиз сурат ишлашга қизиқасиз шекилли ? Менгаям бир сурат чизиб берасизми ?

Шунда Шоюсуф хонага киргандан буён илк бор тилга кирди:

- Қизиқаман. Ниманинг расмини чизиб берай ?

- Ўзингизга ёққан бирор расмни чизиб бераверинг.Сиздан эсдалик қилиб хонамга ясатиб қўяман.

- Майли. Хўп.

- Стулингизни трюмога суриб олинг . Ўша ерда чизинг , мен ҳам томоша қилиб ўтираман. Майлими, Юсуфжон ?

Шоюсуф индамади . Аммо Ҳилола айтгандек ишга киришди.

Ҳилола у чизаётган суратни кўриб борган сари ажаблана борди. Аммо болага ҳалақит бермаслик учун нафасини ичига ютганча ўзини тутишга ҳаракат қилиб турар эди.

Шоюсуф ярим соатларда суратни чизиб Ҳилолага тутқазганда , у бир сўз демай қоғозга узоқ тикилиб қолди.

Шоюсуф суратда сал аввал компьютер экрандаги видеода кўрган- ўша соҳил бўйидаги қизни худди жонлидек қилиб тасвирлаб қўйган эди.

- Юсуфжон...Ўйингизда ким шунақа расм чизади? - ҳайрат аралаш беҳолгина сўради Ҳилола боладан

- Ҳеч ким... - бош чайқади Шоюсуф .

- Унда расм чизишни сизга ким ўргатган ?

- Ҳеч ким ...- аввалги жавобини такрорлади Шоюсуф.

- Яна нималарни расмини чизишни яхши кўрасиз ? Ҳайвонларними ? Уйларними? Ёки машиналарними ?

- Динозаврларни , - аста жавоб қайтарди Шоюсуф

- Зўр - куу , ҳозир ҳеч нарсага қарамай туриб динозаврларни расмини чизиб бера оласизми ?

- Ҳа чизиб бера оламан. Фақат бўяшга қаламларингиз кам экан. Жуда унақа чиройли чиқмайди-да.

- Майли боридан фойдаланиб чизаверинг . Ўзим оёққа туриб олсам сизга энг зўр қаламлардан совға қиламан. Келишдик-ми ?

Шоюсуфнинг кўзларида ўт чақнагандек бўлди . У индамай ишга киришди.

Ҳилола Шоюсуф янгитдан чизаётган вараққа қараб борган сари завқи оша борди. Шоюсуф вараққа она-бола динозавр суратини чизар экан , унинг атрофига йирик баргли аллақандай дарахтларни , осмонда учиб бораётган катта - катта қўрқинчли йиртқич қушларни , оғзи тиканга ўхшаб очилиб турган қулочга сиғмас гулларни ҳам ишлай бошлади.

- Кенойи, бўладими ?

Шоюсуф Ҳилолага ҳозиргина чизиб бўлган варақни тутқазганда хонага Сулаймон кириб келди

- Ҳўўўш , биз йўғимизда нима билан бандсизлар ? - деди Сулаймон уларга яқинлашиб .

- Бандлигимизни асти сўраманг , - деди Ҳилола унга жавобан кулимсираб , - сизга битта иш бор

- Иш ? Қанақа иш ?! - ажабланди Сулаймон,- тинчликми ўзи ?

- Тинчлик , ҳавотир олманг . Менга қаранг , бугун кўча бошидаги дўкон ишлайди- а ? Ичида турли ассортиментни кўп дўкон бор- ку ? Ўшани айтяпман?!

@Xazon_Rezgi /43 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Ҳа ишлайди , ҳозир ўша ердан зирavor олиб келдим.

- Унда яна бир бор бориб келишингизга тўғри келади , - деди Ҳилола ва қўлидаги ҳозиргина Шоюсуф чизган суратларни Сулаймонга тутқазди , - буларни кўринг. Мен Юсуфжонга агар "Чиройли расм чизиб берсангиз зўр қалам совға қиламан" дегандим. Тўғри, дастлаб "Оёққа туриб олсам совға қиламан" дегандим , аммо бундай ўйлаб қарасам бу ишни кечиктириш шарт эмас экан . Ахир сиз борсиз- ку ?

- Шоюсуф, ҳақиқатдан ҳам зўр расм чизибсан ?! Кенойинг ҳам ваъдани каттасини бериб юборган экан-у а ? Нима қиламиз энди ? - Сулаймон ўзини ўйланганга солди , аммо кўп ўтмай Шоюсуфнинг елкасидан қучиб ўзига тортди , - юр яхшиси дўконга ўзингни олиб бораман. Ёққан қаламларингни танлайсан, тоға - жиян бўлиб бир айланиб келайлик. Ҳозир аммамга сен билан кетаётганимизни айтамыз-у, йўлга тушамиз.

- Қандоқ яхши , - деди уларга ҳавасланиб боқаркан Ҳилола,- оёғим соғ бўлганда мен ҳам сизлар билан борган бўлардим. Дўкон айланиб шунақа ёзув- чизув буюмлари , айниқса китоб харид қилишни бирам яхши кўраман.

- Сен тузалсанг яна бошқатдан борамиз. Шоюсуф ҳам келаси ҳафта яна келади , - деди Сулаймон , - тўғрими, Шоюсуф, келасан-а ?

Шоюсуф илжайди :

- Ҳмм , - деди секингина , - кеннойимни кўргани яна келаман.

Сулаймон билан Шоюсуф бошлашиб чиқиб кетишгач , бироздан сўнг хонага ҳовлиққанча ҳаяжонда Маҳина опа кириб келди.

- Ҳилола қизим , ҳозир Сулаймон нимадир деди- я менга ? Аммо сўзларига унча тушунмадим?

"Шоюсуфингизни турган битгани талант экан" дейдими- ей? - у шундай деб Ҳилола кўрсатган жойга омонатгина чўкди . Нима гап чиқар экан деб Ҳилоланинг оғзига илинж билан термулди.

- Аммажон , тушуниб бўлибсиз - ку ,- деди Маҳина опага табассум ҳадя қилганча Ҳилола , - буларни қаранг . Набирангиз Юсуфжон буларни чизишга бир соат ҳам вақт сарфламади.

- Шоюсуф аввалдан шунақа расм чизиб туради , аммо бунга ортиқча эътибор бермаганмиз , - деди Ҳилола узатган қоғозларга термулганча Маҳина амма , - умуман бу янгилик эмас- ку , унинг ёшидаги болаларни ҳаммасиям шунақа расм чизади- да...

- Йўқ , аммажон, адашаяпсиз. Сиз бу суратларга бир қаранг . Яхшилаб қаранг , - таъкидлади Ҳилола,- бу ёшда бундай расм чизиш учун бола салкам даҳо бўлиш керак. Нимага дейсизми ? Ҳозир тушунтириб бераман. Мана бу қирғоқдаги қизни суратини кўринг . Мен бу суратга қараганимда ундаги қиз ўзим бўлсам керак деб ўйлаб қолдим. Сабаби мен бу суратга тикилган сарим сувнинг салқинлигини ҳис қилдим , устимдан гўёки ўжар тўлқинлар босиб тушаётгандек туюлди. Худди уч , беш "Д" йўналишдаги ишланмага дуч келгандек бўлдим. Ҳозир жиянингиз келсалар компьютердан худди шу суратни видеосини кўйиб берадилар ва сиз набирангиз видеодаги тасвирни қанчалик маҳорат билан нусхалаганига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Энди бу иккинчи суратни кўринг. Ундаги ўлчамлар мутаносиблиги таҳсинга сазовор . Бу суратга ҳам синчиклаб тикилган инсон бир қатор ютуқларни санаб бера олади. Тафин ҳам биз мутахасис эмасмиз , - Ҳилола шундай деб Маҳина аммага кўнглидагиларни тўкиб - солишдан ўзини тия олмади,- аммажон набирангизни иқтидорли болалар ўқийдиган махсус мактабга беришингиз керак . Йўқса шундай истеъдод учун Аллоҳ ҳузурида сўралишимиз аниқ.

Маҳина опа Ҳилоланинг охириги сўзларидан ҳанг- манг бўлиб қолди :

@Xazon_Rezgi /44 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Ним...Нима ?

Махсус мактаб ?

Иқтидорли болалар учун ? ... - у бир ютиниб ўзининг оғир дардини тан олган каби сўзида давом этди,- ахир бу йил Шоюсуфимни оддий мактабга ҳам ўқишга қабул қилишмади- ю ? "Кейинги йил яхшилаб шуғуллантириб олиб келасиз" деб ?

- Иие нимага ? - ҳайрон бўлди Ҳилола , - нима сабабдан набирангизни мактабга олишмади ? Шундоқ болани- я?

- Махсус комиссиянинг саволларига жавоб беролмаганмиш? Билмадим уйда бинойидек тўтиқушдек сайраб бирдан юзгача санайдиган набирам у ерда ўнгачаям санаб бермаганмиш.

Ҳилола жилмайди :

- Ҳеч бир иш беҳикмат эмас- а , аммажон ?! Биласизми ҳозир бир бўлган воқеа ёдимга тушиб кетди. Ҳинд актёри Амитабх Баччанни биласиз- а ? Шу инсон илк бор фильмларга кастинг топширганда "Кўл- оёғинг узун , рўдапо ва келишимсиз инсон экансан, узр сени ишга ололмаймиз" дейишган экан. Аммо орадан вақт ўтиб уни рад қилганларни ўзи "Қани энди Амитабх жаноблари фильмларимизда лоақал бир кўринишда, бирровга иштирок этсалар эди?! " дея орзулашган экан.

Юсуфжон ҳам насиб қилса ўзини инкор қилганларни уялтирадиган машҳур мусаввир бўлса ажаб эмас. Айтганча аждодингизда рассомлар бўлганми, аммажон ?

- Бизни авлодда рассомлар йўқ , аммо келинимнинг зотида тоғалари катта- катта китобларга расм ишлаган рассомлар деб эшитгандим.

- Ўзимам айтдим- а бу боладан туғма истеъдодни ҳиди келяпти деб , - Ҳилола шундай деди- ю , кейинги сўзларини Маҳина аммага маслаҳатомуз оҳангида давом эта кетди , - аммажон, менинг катта опамнинг турмуш ўртоғлари , яъни катта поччам Одилхон ака нафис санъат шайдолари , иқтидорли болалар учун хусусий мактаб очганлар. У мактабга кириш жуда ҳам мушкул масала. Ўқувчига мактабга қабул қилиш учун қўйилган талаблар ҳаддан ташқари кучли . Аммо кирдингми тамом, битиргандан сўнг олий ўқув юртини нақд деяверасиз. Сабаби у ерда ўқийдиган болалар ўқувчилик давриданоқ Халқаро танловларга тайёрланади. Мактабни тугатмасидан ер юзини деярли ярмини кезиб чиқишади . Хуллас , гапирсам соатлаб гапим тугамайди.

Истасангиз мен Юсуфжонни ўша санъат мактабига қўшимча тарзда қабул қилишлари учун гаплашиб кўришим мумкин. Тўғри мактабга кириш учун бироз кеч қолинди. Бироқ мактаб эгалари учун энг муҳими истеъдод. Шунга бирон йўли топилар.

Шунга нима дейсиз , аммажон ?!

Маҳина опанинг пешонасида реза тер кўринди. Ҳаяжонланганидан оғзи қуриб , тили зўрға калимага келди :

- Жон қизим- а , қани эди бизнинг зотдан ҳам шундай элга таниқли инсонлар чиқса ?! Мен нима дердим ? Жон дейман- да , жон дейман !

- Унда сал туриб уйимиздагилар келишганда , опамларга Юсуфжон чизган суратни кўрсатаман. Опам суратларни ўзлари билан олиб кетиб Одилхон поччамга кўрсатадилар. Менга ишонанинг , аммажон, бу суратларни кўрган поччам Юсуфжонни албатта ўқишга қабул қиладилар .

- Сен , аммамни юракларига ўт ёқиб ишонтириб қўйма , - деди шу пайт хонага кирган Сулаймон , - кейин айтган ишинг ўхшамаса ўзларига келишлари қийин бўлади.

- Сулаймон ака , - деди озорланиб Ҳилола , - бунақа ишларда биласизми нима биринчи ўринда туради ? Билмасангиз билиб олинг ? ! Ҳар бир янги киришилаётган ишнинг бошида энг аввало ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

16- ҚИСМ

"Бисмиллоҳ" билан бирга яхши ният туради. "Яхши ният - ярим давлат" деб бекорга айтилмайди.

Аллоҳ айтар экан:

"Мен инсонларнинг менга нисбатан қилган гумонларидаман. Амаллар гумонларга кўра ажрланади" деб.

Бу дегани биз қандай ният қилсак , ўша ниятни ижобатига эга чиқишимиз тайин. Яхши бўлса яхши, ёмон бўлса ёмон...

- Ҳилола, файласуф бўлиб кетибсан-ми ? - деди Сулаймон аммасининг олдида унга тан бергиси келмай,- унда айт-чи , мен таниган баъзи бир кўнгли тоза одамларнинг нима учун сўраганлари сен айтгандек дарровда ижобат бўлиб кетмаган ? Ўзим кўп эътибор берганман- да , шунга сўраяпман. Кўпчилигининг боши яна синовдан ҳам чиқмайди .

- Сулаймон ака, бунақа масалаларда мендан кўра аммажоним тажрибалилар. Аммо саволни менга аталган экан, майли билганимча жавоб берганим бўлсин.

Аллоҳга дуо билан кўтарилган ҳеч бир қўл қуруқ қайтарилмас экан.

Банданинг дуоси уч тариқа ижобат бўлар экан.

Биринчиси- сўралганлари дарҳол қабул ва ижобат бўлар экан.

Иккинчиси- сўралганлари бироз кечитирилиши мумкин экан, бироқ у ҳам сўровчининг умрининг охиригача ижобат бўлар экан.

Учинчиси эса - охиратда ижобат бўлар экан.

Аҳли донишлар яна шуни айтишади-ки "Инсонлар охиратда дуолари қай тариқа гўзал ижобат бўлишларини билганларида эди (!) , бу дунёда сўраганларининг ҳеч бири раво бўлишини истамаган бўлар эканлар"

- Мен бу сўзлардан ўтказиб бирор нарса дея олмайман,- деди Маҳина амма Сулаймонга , - аммо сўраганимни қабул айла дея Аллоҳга дуо қила оламан. Сенга ҳам маслаҳатим шу . Келинга ҳадеб у , бу деявермай билиб - билиб ишингни қил.

Амманинг охирги сўзлари ҳудди буйруқдек янгради . Сулаймон аммасини ранжитмаслик учун дарровда паст тушди :

- Хўп , аммажон , хўп. Сиз нима десангиз шу. Буни қаранг . Эээ! Бахтимни қаранг, аммажон! Ўзимга ўхшаган физик хотин олдим десам , бунингиз туппа - туззук файласуф ҳам экан ! Анави спектаклда нима дерди ? Хотининг файласуф бўлса додингни кимга айтасан дермиди ? !

- Шунисини билмадим- да , жиянжон. Ёшим салкам олтмишга бориб қолган бўлса , "Ким қачон , қаерда нима деган эди ?!" дейдиган ёшдан аллақачон ўтиб бўлдим ҳисоб,- Маҳина амма шундай деб гапни қисқа қилди , - бўлди шу ерда гапни нуқта қўйиб турайлик, ҳадемай меҳмонлар келиб қолишади .

Маҳина амма ичкаридан чиқар экан , кейинги хонада Шоюсуфга тўқнаш келди :

- Вой мени болажонимга Сулаймон акаси бир дунё қалам , расм дафтар оберибдими ? Акангга раҳмат дедингми , асалим ?!

* * *

Шоюсуф сўзининг устидан чиқди. Бир хафтадан кейин Ҳилола келинойисини кўриш учун бувиси билан уларникига Мирсаид тоғасиникига яна келди.

Бу сафар Шоюсуф Ҳилола учун шунчаки Юсуфжон эмас, балки иқтидорли болалар учун очилган махсус нафис санъат мактаби ўқувчиси эди...

* * *

Хаш - паш дегунча қиш келиб , декабрь ҳам охирлаб қолди. Талабаларга ҳар сафардаги каби янги йил олдидан таътил эълон қилинди.

- Ойижоон , эртага бир норин пиширмаймизми ? - деди Ҳилола Мастура опага эркаланиб , - сиз уринмайсиз , ёнимда уни қил , буни қил десангиз бўлди. Ҳамма ишни ўзим қиламан.

Мастура опа Ҳилолага ажабланиб қаради . Хаёлига келган ўйдан юраги дукурлаб уриб кетди. Ҳилола келин бўлиб тушганидан буён бирон бир нарсани пиширайди деб сира ҳам сўрамаган эди. "Наҳот- ки ?! - кўнгли ёришди Мастура опанинг , - наҳот-ки ўйлаганларим рост бўлиб , Аллоҳ бизни суюнтирса ?"

- Бўпти, қизим , норин бўлса норин-да ! Икки зувала хамир қилсак бир дунё норин бўлади. Додажонингиз ҳам , Сулаймон ҳам норинни жуда яхши кўришади. Айниқса , қайнаб турган сувда пишган хамирини саватга ёйганча ўша ерни ўзида пуф- пуфлаб еб олишнинг гашти бошқача-да ...

- Тинчликми , ниманинг гашти бошқача ? - сўради суҳбатни устига келиб қолган Мирсаид ака.

- Ассалому алайкум,- бир оғиздан Мирсаид акага салом беришди Мастура опа ва Ҳилола. Буёғига гапни Мастура опанинг ўзи давом эттирди , - дадаси , Ҳилола қизим билан "Эртага бир норин пиширсакмикан?!" деб маслаҳат қилаётувдик.

@Xazon_Rezgi /46 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Сен ўзингга қарагин-да , кун яхшигина совуқ . Иссиқ ошхонадан хамирни совутаман деб ташқарига лик- лик йўрғалаб бирор хунар орттириб олмагин яна,- деди Мирсаид ака пўнғиллаб , - оч қориним , тинч қулоғим . Шўрвасини пиширсаларинг тайёр хамир обкеб берақоламан.

- Эрта бўлсин- чи , бир гап бўлар , - деди Мастура опа шахди пасайганча , - аммо барибир ҳам уйда пиширилган норинга етмайди- да, дадаси.

- Ҳеч ҳам хўп демагин , хўпми ? - Мирсаид ака ўз хонасига йўл олар экан , - хўп десанг отдан тушиб қоласан. Одам деганга яхшилик ёқмайди ўзи . Қилма деганни қилса роҳат топади булар .

Мирсаид ака жавраб , жавраб чиқиб кетди.

Мастура опа келинининг ёнида мулзам бўлганча ҳижолатомуз жилмайди :

- Аллоҳнинг берган феълида қизим , додажонингизни гапларига эътибор берманг. Овқатингиз пишиб қолдими ?

Ҳилолага қайнотасининг қайнонасига қилган муомаласи ёмон таъсир қилган эди. Келин бўлиб тушганидан буён илк бор Мастура опага қалтисроқ савол бериб юборди :

- Ойижон , битта нарсага ҳайронман? Нимага шунақа пайтда додажонга бир оғиз эътироз билдирмайсиз? Ноҳақ бўлсалар ҳам ? Мен келин бўлиб тушганимдан буён кўп кузатаман-да . Додажон сизни ҳаддан ташқари чеклаб қўйганлар . Гапимга хафа бўлманг , аммо сизга қараб туриб юрагим кўўп эзилиб кетади- да . Ўз ҳолингизча бирон жойга юбормайдилар . Доим

Ўзлари олиб бориб , ўзлари "Бўл, бўл" деганча дарровда қайтиб олиб келадилар. Кўпинча уйдан чиқаётганингизда "Сенга бунча соат муҳлат " деб турадилар . Опа-сингилларингизникига ҳам бир соат , ярим соатга борасиз . Аммо бизникида ундай эмас. Адажоним ойижонимни анча ўз ҳолларига қўйганлар. Бироқ додажоним сизни уйда ҳам ўз ҳолингизга қўймайдилар . Улар телевизор кўрсалар сиз ҳам уни кўришингиз шарт . Ҳовлида иш қилсалар ҳам доим ёнларига чақириб оладилар.

Ойижон , бу гапларни гапирганимга хафа бўлманг , бироқ бу нарсаларни бироз ҳазм қила олмаяпман. Тўғри эр аёлининг устидан раҳбардир. Бироқ жуда бунчаликмас- да.

Ҳилола сўзларини тугатиб Мастура опага жовдираганча тикилиб қолди.

Бироқ Мастура опа келинининг бу сўзларидан жаҳли чиқиш у ёқда турсин , балки бироз бўлса-да хафа ҳам бўлишни хаёлига келтирмади.

- Ҳилола , - деди у жилмайганча,- қизим... Биласизми , кўпинча эшитганингга эмас , кўрганингга ишон дейишади. Бироқ худди ана ўша кўрганларимиз ҳам бизни кўп ҳолларда эшитганларимиздан кам алдаб қўймас экан.

Мана ҳозир сиз кўрганингиз ва эшитганингизга таяниб хулоса чиқараяпсиз. Сизнинг назарингизда мен гўёки эрки чекланган аёлдек гавдаланаяпман. Аслида эса бу масаланинг моҳияти бутунлай бошқача. Биз ўзи шундай яралганмиз. Хом сут эмган бандалармиз. Кўп ҳолларда кўзимизга бахтсизлик бўлиб кўринган нарсалар аслида биз орзиқиб кутган ўша тенгсиз бахт эканлигини билмаймиз.

Тўғри ... Додажонингиз мени ҳар тарафдан чеклаб , чегаралаб қўйганлари рост. Ўз ҳолимча тўйларга , гап- гаштак, йиғин , хатто жигарларимникигаям бора олмайман. Буни кўриб туриб ҳунобингиз ошади а ? Аммо танганинг иккинчи томони бор . Бу ерда "Нима учун?" деган саволга жавоб топсангиз , барчаси ўз - ўзидан ойдинлашади.

Биласиз . Мен бир неча йиллар дард билан олишдим. Буйрақларим кўп ҳолларда менга панд беришди. Ўша кезлари бу дардим ёнига бошқалари қўшилиб хафталаб , ойлаб тўшакдан туролмаган , касалхонама - касалхона юрган вақтларим кўп бўлган. У кезлари Сулаймон ёш , додажонингиз эса рўзғор ва менинг муолажа ҳаражатларимни қоплаш учун эртадан кечгача тиним билмай ишлардилар.

Кунларнинг бирида мен ёлғиз сал нарида жойлашган поликликага чиқишимга тўғри келди. Бироқ кўчада бирдан кўз ўнгим қоронғулашиб ҳушимни йўқотдим. Мени беҳуш бўлиб ётганимни кўрган инсонлар тезда касалхонага элтишган. У вақтлари ҳозиргидек қўл телефонлари санокли одамларда бўлган. Хуллас , азбаройи тобим бўлмаганидан ўзимга келиб додажонингизга хабар бергунимча кеч тушган.

Мени ердан ҳам , кўкдан ҳам топа олмаган додажонингизни аҳволларини тасаввур қилаверасиз энди.

@Xazon_Rezgi /47 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Бу каби ҳолатлар бир эмас , бир неча марта бўлган. Баъзан тўй- ҳашамларда , баъзан касалхоналарнинг ўзида , баъзан ... Хуллас , кўп ҳолларда беҳуш бўлиб додангизни обдон қўрқитган вақтларим сероб бўлган. Хатто ўшанда менга бирон нарса бўлиб қолса кўчада қолиб кетмай деб сумкамга паспортимни солиб ва уйдаги телефон рақамимизни ёзиб олиб юришни одат қилганман.

Орада бир неча марта катта - кичик операцияларни бошдан кечирдим. Шундай ҳоллар бўлар

эди- ки , кечкурун уйкуга ётишдан аввал ўзимга берадиган охирги саволим "Эртага уйфонармиканман ?! Аллоҳ менга яна бир кун учун , яна бир имкон учун таклифнома берармикан ?!" деган сўзлар бўларди.

Эрталаб уйфонганимда эса умримга яна бир кун қўшиб бергани учун минг - минг шукр қилар эдим.

Бу ҳолатимни додажонингиз жуда яхши билардилар . Шифокорлар кўп ҳолларда ўзимнинг илтимосимга кўра навбатдаги жарроҳлик амалиётидан аввал уларни кўришимга руҳсат беришарди. Мен эса фурсатдан фойдаланиб додажониздан дарров рози- ризочилик сўрардим. Тилларидан "Розиман" деган сўзни эшитмагунимча тинчимаслигимни билган додангиз ахири шу сўзларни айтардилар.

Уларга турмушга чиққанимда бироз қайсар , бироз тажанг бўлган бўлсалар бордир.

Аммо ҳозирги ҳолатларига тушишларига тўла - тўкис менинг ўзим ўзим истамаган ҳолда сабабчиман.

Ҳозирги ҳовлиқмаликлари , сал нарсага ваҳимага тушишлари , кўпинча ўзларини бошқара олмай қолишлари , тезда жаҳллари чиқиб кетиши , ёлғиз ўзимни бирон ерга юборгилари келмасликлари бу менинг "меҳнатим маҳсули". Бу менинг "ижодим" . Додажонингиз кўп йиллар давомида мени йўқотишдан кўрқиб яшадилар. Шу кўрқув уларнинг онгларининг қатқатига сингиб кетган. Аммо мен бундан сира норози эмасман. Хафа эмасман. Менинг беморлик билан синалишим кўзимларимни очди. Мен додажонингиз учун бир бутун дунё эканман. Энди айтинг- чи , ушбу фоний дунёда яшаб ўзинг кимнингдир бир бутун дунёси бўлишинг бу улкан бахт эмасми ?

Мен аёли сал тоби қочганда "Ўзга боғдан саргузашт, ўз тиллари билан айтганда "тасалли" излашга тушган эркакларни кўпини кўрдим, эшитдим. Аёли бошига худди ўзи истаб дард сотиб олгандек , тинимсиз хўрлаб камситганларни учратдим. Неча йиллик ёстикдоши учун бир сўм ҳаражат қилса афти бужмайиб, пешонаси тиришиб, юраги чангак бўлиб қоладиганларни кўпини гувоҳи бўлдим.

Аёли ва фарзандларининг нима еб , нима ичаётганлари билан иши бўлмайдиган "Кўча хандон- уй зиндон - "эркаклар" қанча ?

Аммо додажонингиз каби "Ҳазрати инсонлар" ни ҳам кўпини учратганим рост.

Мен бир аёл сифатида ҳаётимда тан- маҳрами, жуфти - ҳалолликка айнан додажонингиз чекимга тушганликларидан жуда бахтиёрман.

Ҳилола , энди тушундингизми ? Кўрган ва эшитганларимиз бизга нималарни узатиши мумкинлигини ?

Менинг фикримча, инсон инсонни кўнгил кўзи билан танийди. Яна умрим давомида шуни англадим шу бўлди-ки , ҳар бир кўнгилнинг ўз ифори бор экан. Баъзи бир кўнгилларнинг ифори бизни беҳузур қилса , бошқа бир кўнгиллар ўз ифори билан ҳузурлантирар экан. Кўпинча айрим инсонларнинг суҳбатидан қочамиз , ёнларида дақиқа қолгимиз келмайди, баъзилари билан эса соатлаб гаплашиб тўймаймиз. Буларнинг барига бизнинг кўнглимиз "айбдор" . Кўнгил кўнгилни "таниса" - руҳлар "чўмилади" ... Ана шунақа гаплар , қизим...

- Ойижоон ... Сиз ... сиз менинг кўзимни очдингиз ... Мен шу топда додажонни қайта

танигандекман, - Ҳилола ўрнидан дик этиб турди , - уларни қорнилари очиб кетгандир. Овқатни сузай...

* * *

Эртаси куни нонуштадан сўнг қайнона - келин яхши кайфият билан норинни бошлашди.

Дастлаб норинни шўрвасини солишди . Шўрва пишишига яқин унинг сувидан олиб хамир қоришди.

- Хамирни ҳалироқ пиширамиз , майлими ? - деди Мастура опа Ҳилолага .
Ҳилола "хўп" дея бош ирғади. Шунда Мастура опа унинг юзига қараб ҳайрон бўлди :

- Ҳилола , сизга нима бўляпти ? □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

17- ҚИСМ

Нима учун юзларингиз бўртиб кетяпти ?

- Билмасам ойижон , ич- ичимдан совуқ қотиб кетяпман. Яна кўнглим жуда қаттиқ айниб кетяпти.

- Вой совуқ қотаяпган бўлсангиз иситмангиз чиқаяпти шекилли ?

Мастура опа ун юқи қўлини апил- тапил сочиққа артди-ю , Ҳилоланинг пешонасига кафт босди.

- Ҳаа , иситмангиз бор. Энди нима қиламиз ? - Мастура опа шундай деди- ю , Ҳилолага дилидаги саволни бермаса бўлмаслигини ҳис қилди , - менга қаранг , болам ? Фаҳмимча сиз ... Сиз ... Сал бошқачароқ юрибсизми дейман-да ?! Яъни ойингиздан ўтгансиз- ов ?

Ҳилола уялиб ерга боқди :

- Билмасам , ойижон. Икки хафталардан буён кўнглим беҳузур бўлиб , ҳеч нима егим келмай юрганди. Аммо бу сиз ўйлаган нарсами ёки йўқми аниғини билмайман.

Мастура опанинг чеҳраси ёришди.

- Онанинг кўнгли алдамайди- да. Бу зўр янгилик- ку! Мана мени айтди дейсиз , ҳали ҳудди шунақа бўлиб чиқади. Аммо ... - Мастура опанинг юзига бир лаҳзада ташвиш соя солгандек бўлди,- бироқ ҳозир иситмангиз чиққанига нима қиламиз ? Дори ичсангиз бўлармикан ? Сиз дарров хонангизга кириб бирпас чўзилинг. Мен Зоҳида опамга кўнғироқ қиламан. Уларни келинлари Саодатхон аёллар шифокори. Нима маъни чиқса шу Саодатхондан чиқади.

Мастура опа Ҳилолани хонасига киргизиб юборди- ю , ўзи дарҳол телефонига интилди.

Кўп ўтмай у ҳам Ҳилоланинг ортидан келинининг хонасига йўл олди.

- Ҳилола , кирсам мумкинми ? - деди у эшик олдида руҳсат сўраб

- Бемалол. Кираверинг ойижон , - Хилоланинг овози титраб эшитилди.

- Сулаймон қани ? - ҳайрон бўлди Мастура опа , - яқинда ҳовлида юрганди- ку ?! Бир зумда йўқолиб қолади- ей бу бола ?

- Ўғлингиз ...- Ҳилола уялиб ерга қаради , - улар кўнглим беҳузур бўлганига "Боржоми олиб келаман" деб дўконга чиқиб кетгандилар.

- Хмм , - деди Мастура опа дарровда кўнақолиб , - мен ҳам озроқ спирт топиб келдим. Иситмангиз тушиши учун танангизга яхшилаб суртиб ташлаймиз. Кейин Саодатхон айтдиларки , иситмангиз тушавермаса уни туширадиган таблетка қабул қилишингиз мумкин экан.

Кўрсатилган ёрдам натижасида Ҳилоланинг аҳволи анча енгиллашди.

- Сиз бироз дам олинг , мен Сулаймон билан бирга норин хамирини пишириб ташлаймиз- деди Мастура опа Сулаймонга имо қилиб , - юр, болам .

- Мен ўзимни анча яхши ҳис қиляпман, ҳозир ўзим сизга қарашиб ...

Ҳилоланинг гапи оғзида қолди:

- Ҳеч- да ! Сиз ҳозир ётиб тезроқ тузалишга ҳаракат қилинг , икки зувала хамирни пишириш ҳам иш бўлибдими ?!

Гарчи Мастура опа шундай деган бўлса- да ўша хамирни пишириш ҳақиқатдан иш бўлди.

Мастура опа анча толиқиб қолди. У ёғланган хамирни бир четга сурди- ю , ўзи ётоғига кириб, намозини ўқишга ҳам қуввати бўлмай бироз чўзилди.

"Ҳилола ишимни обдон кўлимдан олгани шу бугун билинди- я,- ўйлади у , - тўртта идишни чайиб қўйишга шунчалик ҳолим келмаса- я ?!"

Мастура опа узоқ ёта олмади. "Дадаси келишларига овқат тайёр бўлишига ўрганганлар , ҳеч бўлмаса бир лаган норин тўғраб кўяй. Бу ёқда Ҳилоланинг ҳам қорни очиб кетгандир" . У сим - сим оғриётган белини маҳкам боғлаб ташқарига йўл олди.

Ҳилола шу куни кечга яқин яхши бўлиб ўрнидан турди. Бироқ яна ётар пайти иссиғи қирқ градусдан ҳам ошиб кетди. Камига ичига иссиқ кирсин деб оғзига нимадир солишса ёки ейишга зўрлашса барчасини қайт қилиб ташлайверди.

Ахири бўлмай Сулаймон машинасида бориб Саодатхоннинг ўзини олиб келди.

Саодат Ҳилолани астойдил текшириб елка қисди :

- Бу келингизга менинг соҳам тарафидан унча эътирозим кўринмаяпти. Тўғри, ҳомиладор деб тахмин қиламан . Аммо бу айтганимдек тахмин халос. Қачон-ки , ҳомила ҳақиқатда ривожланиб икки - уч ойлик бўлиб УТТ аппаратида кўринса ана ундагина биз ҳам якуний хулосага кела оламиз. Аммо ҳозир Ҳилолани дарди ... Билмадим. Қани бир, икки кун кўрайлик- чи ?

- Саодатхон келинойи , илтимос яхшилаб кўриб беринг . Ҳилола кечаси билан шунақа қийналиб

чиқадими ? - деди Сулаймон Ҳилолага ачинганча.

@Xazon_Rezgi / 49 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

Ҳар бир кунимизга шукр қилиб яшашга нима етсин , аслида ?! Битта ёмонимиз бор экан , изидан келган яхшига ширин сўзимизни аямай яшаш ҳам бу бахт.

Не - не одамлар сиз ҳозир нолиб турган шу нарсаларга зор ?

- Мен нолияпганим йўқ , хотин. Мен сенга ачиняпман , халос. Кейинги кунларда эртадан кечгача тиниминг бўлмай қолди- ку ?!

Мана кеча . Тайёр хамир олиб келиб берай десам кўнмай ўзларинг норинга унадиларинг. Алал-оқибат уни пишириш ўзингга қолиб кетмади-ми ? Кетди ! Мени билмайди дема ?! Сенга кеча ёки ўтган йили уйланганим йўқ. Салкам ўттиз йиллик хотинимсан ахир ?! Ўзингни ҳам кечаси билан мазанг бўлмай чиққанини мени билмайди дейсанми ? Туни билан биқинингни чангаллаб у ёқдан бу ёққа ўгирилиб уйқингдаям инграб чиқдинг-ку?! - Мирсаид ака хомуш ҳолда хўрсинди, - сен шу аҳволда "ғик" этмайсан- у , келининг бўлса уззукун уйдан чиқмаяпти. Менимча таътили тугагунча шунақа ётиб ейишни режа қилган бўлса керак .

- Астағфируллоҳ, келин ҳақида унақа гумонга борманг , жон дадаси , гумон иймондан айиради-я?! - Мастура опа эрига дарҳол эътироз билдиришга шошилди.

Бироқ эрининг ҳам асаби ростманасига бузилган шекилли аёлига бўш келишни хоҳламади :

- Ҳаа , сенинча нима деб ўйлашим керак эди ? Шунча кун милтиқни ўқидек соппа - соғ юрган келининг таътилга чиқибок бунақа нағма кўрсатса нима дей яна ? Ҳали мени айтди дейсан , таътили тугаши билан ўғлингни олдига тушиб гижинглаган тойдек ўқишига чопади. Қараб тур ! Худди шунақа бўлади.

Шу пайт кутилмаганда Мастура опа беозоргина кулиб юборди .

- Нега куласан ? Мен сенга латифа айтяпманми ? Ёки маймун ўйнатаяпман-ми ? Ҳа ?! - Мирсаид аканинг ҳайрон бўлиб сўради.

- Йўқ , дадаси , шунчаки ўзим . Сиз ҳозир ўзингизга ўзингиз қарши чиқиб гапириб қўйяпсиз. Шу кулгимни қистатди- да. Сал аввал келининг келибди- ки касал деб турувдингиз. Ҳозир эса "Таътилга чиққанга қадар соппа- соғ юрганди" деяпсиз . Гапингизни қайси бири тўғри ?

- Ҳаммаси тўғри ! Сен мендан айб қидиргунча ўзингни бил хўп-ми ? - бирдан Мирсаид аканинг диққати ошиб кетди , - йўқ бу уйда ким қайнона ўзи ? Бу кишим келинларининг бурниларидадан ошириб бир гап айтолмайдилар. Фақат мен ёмон кўриниб келинни йўлга солишим керак?!

- Вой , дадаси , бу нима деганингиз ? Уйимизда қилинмай қолиб кетаётган иш борми ўзи ? Рўзғоримиз катта бўлмаса , иш ҳам шунга яраша-да . Қани қайси иш қолиб кетибди- ки , мен келинга индамадим ?!

- Келининг доим бир дунё овқат қилади. Шу пайтгача камроқ пиширинг деб ўргатсанг бўлади- ку?! - Мирсаид ака тўнғиллади

- Ўтган ҳафтадаги хоним - хасипни айтяпсизми қолиб кетди деб ? Ўзингиз бир кун олдин тўядиган қилиб пиширларинг дегангиз- ку? Шунга сал кўпроқ пиширувдик. Аммо ортиб

қолганини эртаси куни иситиб еганмиз.

- Мастиир , сени танимай қоляпман. Ўқимишли келининг Али десам , Вали деб гап қайтаришни ўргатяптими сенга ?

Мастура жилмайди :

- Йўғ- ей , унақа эмас . Нотўғри хаёлларга борманг . Мен энди ўзгарадиган, ўзгартириладиган ёшда эмасман. Шунчаки ўша бировни боласи сизни , мени , ўғлингизни деб ўзининг иссиқ уйини ташлаб келганини айтяпманда . Битта инсон бошқа хонадонга бориб ўз фарзандидек бўлиб кетиши учун уч йил керак бўлар экан. Аммо мен набиралик бўлсак , бу йиллар шу заҳоти қисқариб кетади деб ўйлаяпман. Тўғрисини айтинг, набирангиз бўлишини истамайсизми ? Мен ширингина қизалоқ набирам бўлишини жудаям истаيمان. Сиз- чи ?

Мирсаид ака дарровда бўшашди :

- Қиздир , ўғилдир умри билан, ота - онаси билан берган бўлсин.

- Амин , дадаси , амин ...

- Мастиир ,- деди Мирсаид ака аёлига меҳр билан тикилиб , - биламан чарчагансан, аммо шу топда сен дамлайдиган битта аччиқ чойдан бўлса йўқ демасдим...

- Аллақачон термосга дамлаб қўйганман , дадаси ...

- Ундай бўлса жуда соз , юр бир чойхўрлик қилайлик...

- Аммо эслаб қўйинг , аччиқ чой уйқуни қочиради .

- Ҳеч- да , менда тескариси ...

* * *

Эртаси куни Ҳилолани шифохонага олиб борган Мастура опа кутилмаганда ... □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

18-ҚИСМ

шифокор- генеколог Гулчеҳра Азизовна Ҳилоланинг дарҳол УТТ текширувига йўллаши билан ҳайрон бўлиб қолди.

- Тинчликми , доктор ? Келинимга иситмаси чиқишига қайсидир касаллик сабаб бўлаяпти дея гумон қилаяпсизми ?

- Опажон, - деди шифокор оғир - вазминлик билан ,- сиз ҳавотир олманг , бу одатий текширув. Биз ҳар доим ишни шундан бошлаймиз. Балки вазиятга қараб бирин- кетин бошқа тахмин қилиб кўришимиз мумкин бўлар.

- Узр , синглим Гулчеҳраҳон. Келинимни яқинда туширганмиз, - шифокорга ҳижолатомуз

тушунча берган бўлди Мастура опа , - шунга бировни боласи деб касал бўлганда ота- онасидан ҳижолат бўларкан-да одам. Мен сизга айтсам қайнона бўлиш ҳам анчайин катта маъсулият экан.

- Қани эди ҳамма қайноналар ҳам сизга ўхшаб куйинчак бўлишса,- шифокор қоғоз тўлдирди туриб гапираркан Мастура опага бир назар ташлаб қўйди , - бироқ сиз асло ташвиш чекманг , насиб қилса ҳаммаси яхши бўлади .

Мастура опага ҳам Ҳилола билан бирга УТТ хонасига киришга руҳсат беришди. УТТ текширувчиси ўзини Зуҳраҳон деб таништирган аёл хуш муомала , лобаргина жувон экан.

- Хўйўшш, "Кайнанашка" , - деди у монитордан кўз узмаган ҳолда кўтаринки кайфиятда Мастура опага кулимсираб гап отиб , - мендан келинингиз ҳомиладор деган хушхабарни кутиб турибсиз, топдим-ми ? Аммо мен сизни қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдириб бу хабарни айта олмайман. Бироқ дарровда кайфиятингиз ҳам тушмасин. Негаки уни ҳомиладор эмас деб ҳам айтолмайман. Қизимиз ҳомиладор бўлиши мумкин. Фақат бу ҳомиладорлик жудаям кичик "срок" , яъни муддатда бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна умидлантириш учун шуни айта оламан- ки , айнан ҳомиладорлик кўп ҳолларда организмда ана шунақа "қўзғалон" бошлаб қолади.

Мен хулосага ҳам худди шундай "Ҳомиладорликка тахмин қилинади" деб ёзиб бераман. "Кизимка"- деди Зуҳраҳон Ҳилолага эркалаган куйи,- қани ёнбошлаб ётинг-чи , бир буйракларингизни ҳам кўриб қўяйлик. Хўйўш ...Хўш. Буйракларимиз ... Буйракларимиз керак ҳажмидан бироз ортиқроқ. Яна туз деганлариям анча бор кўринади.

Зуҳраҳон шундай деб Мастура опани монитор экранига қарашга чақирди :

- Ана кўраяпсиз-ми ? Манави оқ майда "точка- точка"ларни бари туз.

- Бу ... Бу ҳавфли эмасми ? - Мастура опанинг ранги зумда ўчди.

- Йўғей , хавотирга ҳожат йўқ . Бундайлар сон мингта. Озроқ "лечения" оласизлар ва келинингиз кўп ўтмай "Сен кўр, мен кўр" бўлиб кетадилар . Сиз ҳозир гинекологга мен чиқарган хулосани олиб борасиз , улар пешоб ва қон таҳлилига йўлланма берадилар. Шунингдек урологга ҳам учрашишингизни тайинлайдилар .

Сиз хотиржам бўлинг. Барчаси яхши бўлади , - у шундай деб Мастура опага қошини қоқиб қўйди,- насиб қилса кейинги келишингизда набирангиз ҳам аппаратимизда "ажиии" деб кўриниб қолса ажабмас

- Вой тилизга шакар , - деди Мастура опа тўлқинланиб , - илоҳим айтганингиз келсин, Зуҳраҳон.

Бу ёғига худди Зуҳраҳон айтгандек бўлди.

Генеколог Гулчеҳра Азизовна Ҳилолага пешоб ва қон таҳлили топшириши ҳамда уролог кўригидан ўтишга буюрди.

@Xazon_Rezgi /52 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа уролог шифокор ҳузурида ҳам келинингиз ҳомиладорликка тахмин қилинаётганини айтиб , шу ҳолатни эътиборга олишни ўтиниб сўради.

- Албатта эътиборга оламан,- дея уни тинчлантирган бўлди кўкрак чўнтагига "Олий тоифали

шифокор Воис Ҳамроев" деб ёзилган бейжик қистирилган шифокор , - ундай бўлса ҳозирча сизларга бирмунча кучсизроқ дориларни тавсия қилиб кўраман. Аслида ўзимнинг ҳам дарровда кучли - кучли уколларнинг тайинлаш одатим йўқ.

Бироқ шифокор тайинлаган ўша кучсиз деб аталган уколлар Ҳилоланинг аҳволини энгиллаштиради.

Сулаймон онаси ва Ҳилолани уч кун ичида яна уролог Воис Ҳамроев ҳузурига олиб боришга мажбур бўлди.

- Ҳаа , энди муолажа учун бошқа даво танламасак бўлмайди.

- Ука , бу кучли дорилар яна ҳомилага ... - Мастура опа гапини давом эттиролмай чайналди .

- Опажон , биринчидан келинингизга аниқ ҳомиладор деган ташхис қўйилмаган. Иккинчидан уни дард билан юз-юзма ташлаб қўя олмаймиз . Жони оғриб турибди ахир . Танаси қақшаб турса қандай қилиб уни ҳеч нима қилмай ушлаб ўтиришимиз мумкин. Ҳомилага келсак... Айтишади- ку, бақувватидан берса ҳеч гапмас деб. Мен ҳозир барча эҳтимолларни назарда тутиб бошқа укол буюраман.

- Майли , укажон , хўп. Сиз нима десангиз шу . Ўйлаб кўрсам сўзларингизнинг бари тўғри . Ахир давлат сизни шунча йил бекорга ўқитмаган,- деди Мастура опа мўлтираганча , - бу ёқда келиним ҳам қийналиб кетди.

- Опажон , ҳозир мен сизга битта нарсани сўзлаб бераман ҳайрон қоласиз. Энди бу ёғи тиббиёт . Шунга очикдан очик ҳикоя айтаётганим учун узр . Сизга озроқ далда бўлсин, бироз хотиржам бўлинг деб сўзлаб бермоқчиман-да буларни .

Хуллас , менга бир беморим бўлган онахон сўзлаб бергандилар бу ҳикояни. Ўша онахоннинг бир неча фарзандлари бўлган экан. Навбатдаги фарзандларига ҳомиладор бўлганларида қаердандир бир тухмат бўлиб эрлари қамалиб қолибди. Шунда улар "Энди эрим узоқ йилларга қамалиб кетсалар керак, ёлғиз ўзим бир этак болани қандоқ боқаман ?" деб қорниларидаги ҳомиладан қутилишни режа қилибдилар. Бунинг учун жуда қизитилган иссиқ ҳаммомга кирибдилар , ваннани қайноқ сувга тўлдириб уни ичида юраклари гурс- гурс уриб кетгунча бир соатдан ошиқ ўтирибдилар.

Аммо ... Ҳомилага ҳеч нарса қилмабди. Вақти - соати келиб туғилгунча эрлари ҳам оқланиб ёнларига қайтибдилар. Улар менга "Воисжон болам, яхшиям шу боламини Худонинг асрагани. Ҳозир шу кенжа ўғлим топармон- тутармон бўлиб вояга етиб мен билан хўжайинимни Ҳажларга юборди. Шу болам туфайли еганимиз олдимизда , емаганимиз кетимизда . Аммо- чи , қорнимдалигида мажбурлигимдан унга қилган ноҳақлигимдан ҳалиям юрагим эзилади , ўзигаям буларни айтиб берганман. Болам бояқиш эса бу ҳикояни эшитиб мени кучоқлаб қўлида кўтариб ҳовлида чир- чир айлантурса денг. Нуқул "Ойижон , аввалоси Худо , қолаверса сиз борлигингиз учун мен ҳам шу ёруғ олам юзини кўрдим , энг муҳими шу, қолганлари эса шунчаки бўлиб ўтиши керак бўлган ишлар" дейди.

Мастура опанинг чиройи очилди. Шифокорга қайта - қайта раҳмат айтиб, у янгитдан ёзиб тутқазган дорилар рўйхатини олиб Ҳилола билан бирга йўлга тушишди.

Улар йўлдан керакли дори- дармонларни сотиб олиб уйга қайтганларида , узоқдан дарвозалари тагида турган Мирсаид акани кўриб ҳайрон қолишди. Одатда Мирсаид ака бундай вақтда ишда бўларди.

Сулаймон ўзи бошқараётган спарк машинасида отаси томонга яқинлашиб қолганда , Мирсаид аканинг ёлғиз эмаслигини кўриб қувониб кетди. Ахир отасининг ёнида ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

18-ҚИСМ

машиналари юкхонасидан майда-чуйда нарсаларни Ақромжон туширишга кўмаклашиб турар эди.

- Ойижон , - деди Сулаймон Мастура опага шодон овозда , - қочқоқ ўғлингиз келибди.

Мастура опа ўз хаёллари билан андармон бўлиб келаётган экан чоғи Сулаймоннинг сўзларига дастлаб тушунмади :

- Ҳаа ? Нима ?! Бирон нарса дедингми ?

Сулаймон кўзи билан дарвозалари олдига ишора қилди :

- Бир қаранг ...

Мастура опа у тарафга қараб аввалига бироз талмовсиради , назарида "Тушимми ё ўнгим?!" дея ўзига савол берган бўлди , аммо тез орада юзи ёришди :

- Вой ўлмасам ?! Ақромжонми ?!

Қадди - бастлари сумбатдай йигит бўлиб қолибди-ю ?! Онагинанг ўргилсин . Бирам соғингандим. Ўзим ҳам айтяптувдима нега эрталабдан ўнг кўзим учаяпти деб ?!

Сулаймон машинасини дарвозалари олдига тўхтатиб , ундан деярли сакраб тушди:

- Ёппирай , тўхта ўзимни бир чимчилаволай?! Нечук биз ғарибларни йўқлаб қолибсиз , Ақромбойвачча ?!

У шундай деб Ақромга отилди. Икковлари бир- бирларини қучоқлаб , кўтаришиб бир - икки айлантеришиб ерга қўйишди.

- Сулаймон тоғни олдига бормагандан кейин, тоғ Сулаймоннинг олдига келар экан , - Ақромжон шундай деб садафдек тишларини ялтиратиб кулди .

- Ўўў тоғ жаноблари , қойил қойил , - кулди Сулаймон, - ўзимам айтувдим ишонган тоғим ким экан деб ? Сен экансан-да ?!

Бу вақтда Мастура опа машинадан тушиб улгурган эди:

- Ақромжонимдан ўргилай , - деди у қучоғини очиб йигитчанинг томонга талпинар экан,- бормисан, болам ?! Кўзларим йўлингда нақд тешилди- я ?!

- Ассалому алайкум, ая , - деди Ақром Мастура опанинг бағрига сингиб , - бир қошиқ қонимдан кечинг , вақтида ҳол сўраб келолмадим.

- Индамаса кўчада қишлайдигансизлар , қани уйга,- деди Мирсаид ака, сўнгра Мастура опага таънали боқди , - Ақромжонни соғинганинг шуми? Меҳмоннинг ҳурмати қани? Бундоқ чой- пой

қўйинглар аввал .

- Ота , мен меҳмон эмасман- ку,- ҳижолат бўлиб гапирди Ақром, кичик ўғлингизман ахир .

- Ўғилликка ўғлимизсан , аммо ҳозир узоқ йўлдан келдинг. Қани юринглар.

Шу пайт бир четда ийманиб турган Ҳилолани кўрган Ақром унга ҳам қўлини кўксига қўйиб салом берди :

- Келинойиммилар булар? Ассалому алайкум, келинойи?!

Ҳилола ёши ўзидан каттароқ кўринган йигитнинг саломидан дув қизариб кетди . Ўзини ноқулай сезиб шоша - пиша :

- Ассалому алайкум , - дея олди халос.

- Ваалейкум ассалом, яхшимисиз ? Янги уйларга ўрганиб қолдингизми, келинойи ?

Ҳилола индамай "ҳа" дегандек бош силкиди. Қайнонасидан кўмак сўрагандай у тарафга қаради.

Мастура опа дарҳол вазиятни қўлга олиб Ақромжонни иккинчи бор уйга таклиф қилди :

- Ақромжон, келганинг бирам яхши бўлди-ки , - деди у жилмайиб , - юр бир дийдорингга тўй .

* * *

Мастура опа Ақромжонни меҳмонхонага киргизиб ўзи хонасида кийимларини алиштираётганда Мирсаид ака ундан Ҳилоланинг соғлиғини сўради :

- Бу сафар нима гап топиб келдинг , хотин ?! Нима учун келинингни иссиғи тушмаётган экан ?

@Xazon_Rezgi /54 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа осойишта жавоб қайтарди :

- Ҳаммаси жойида, дадаси . Аниқроғи энди жойида бўладиган . Ўтган сафар ўзим шифокордан "Тағин келинимиз ҳомиладор бўлса ножўя таъсири бўлмасин" дея енгилроқ дорилардан укол ёзиб беришларини сўрагандим. Ўша уколлар яхши таъсир қилмабди. Бугун кучлироғига алиштиришди .

- Гўдак-чи ? Унга нима бўларкан бу аҳволда ?! - Мирсаид аканинг зумда диққати ошди.

- Шифокор барчасини ҳисобга олди , дадаси. Ташвиш чекманг . Ундан кейин айтишади-ку "Ташлаганга тош тегмайди" деб.

- Нимага ўша ҳисобни аввал бошда олмади ўша шифокор ?! Сенларни қайта- қайта оввора қилмасдан ?!

Мастура опа чуқур хўрсинди. Қараса эри ўша шифокор билан бориб кўтара савдо қилишдан

тоймайдиган.

- Дадаси- ей , ҳозиргина тушунтирдим- у , енгил дори ёзгин деб уни ҳоли-жонига ўзим қўймаганлигимни. Нима қилай ? Мен ҳам ўша дорилар эм бўлар деб ўйлабман-да .

- Ҳмм , ҳар галгидек ҳол қўйганман дегин ?! Ўзи битта жойга борсанг ...

- Айтганингизман, дадаси , ҳол қўйувчиман , кўндим. Энди кўнглингиз тинчидими ?- Мастура опа бу мавзунни тугатгиси , аниқроғи Ақромжоннинг дийдорига тезроқ тўйгиси келарди , - юрақолинг , Ақромжонингиз кутиб қолади .

* * *

Ақромжон Мирсаид аканинг қўлига ишга келганда энди мўйлаби сабза урган ўспирин йигитча эди. Мирсаид ака уни шу яшаб турган уйларини қураётган вақтда ўзи харид учун борган темир - терсак бозорида арава итариб одамларга сув, шарбат сотаётган вақтида илк бора учратиб қолган эди. Ўшанда навбатдаги харидини қилиб чиқаётган вақтда чўллаб туриб Ақромжондан бир баклажка муздек минерал сув сотиб олгани ёдида. Уйга қайтиб келганда ортидан қурилиш материалларини ортиб келган юк машинаси билан ҳисоб - китоб қилай деса ҳамёни жойида йўқ. Ҳаммадан ҳам улар орасидаги уч юз долларнинг қўшиб йўқолгани таъбини анчагина хира қилганини ҳали-ҳануз яхши эслайди. Охири "Куйгандан нима фойда ?! Ё, Аллоҳ ! Топиб олган одам муҳтож бўлсин- у, йўқолган пулларим бир кунига ярасин " дея ғойибона ўша пуллардан кечиб юборди.

Орадан уч кун ўтиб харид учун яна ўша бозорга боришга тўғри келди .

Бу сафар ҳам харидини амалга ошириб қайтаётиб ўша рангпаргина сув сотувчи болага дуч келди. Мирсаид акага кўзи тушган боланинг кўзлари яшнаб кетди. Муздеккина сувлар ортилган аравасини жадаллаб унинг ёнига келганда , Мирсаид ака бу сафар энди унинг кўнгли учун сув сотиб олмоқчи бўлди. Аммо бола унга эътибор бермай аравасининг тагидан полиэтилен пакетга ўралган ўзининг ҳамёнини олиб узатганда ҳанг- манг бўлиб қолди.

- Амакижон , сизни қайта учратганим бирам яхши бўлди-ки , бугун елкамдаги тоғдан қутиладиган бўлдим.

У ҳамёни узатиб дарровда ортига бурилди. Мирсаид ака унга етиб олиб "суюнчи" сифатида эллик минг олишга аранг кўндирди.

Уйга келиб бўлган воқеани Мастура опага гапириб берган Мирсаид ака кутилмаганда аёлидан :

- Дадаси , бу пуллар сизга харом , - деган сўзларни эшитиб ҳайрон бўлди . □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

19- ҚИСМ

- Ҳаа тинчликми ? ! - деди Мирсаид ака аёлининг дабдурустдан айтган сўзларидан ҳайрон бўлар экан.

- Дадаси , ахир ўзингиз "Топиб олган муҳтож бўлсин- у, йўқолган пулларим бир корига ярасин" демаганмидингиз ?

Мана Аллоҳ сизнинг лафзингизни текшириш учун пулни қўлингизга қайтариб келтириб қўйди. Эгасиям тайин. Йигитчанинг айна ўқийдиган ёшида арава тортиб юриши муҳтожлигидан дарак эмасми ? Хуллас , ҳозир кафтингизда турган пуллар ўз қарорингиз билан аллақачон ўша йигитчанинг ҳалолига айланиб бўлган.

Агар Аллоҳдан ҳаё қилсангиз бу...

- Бўлди , уларни эгасига қайтараман,- Мирсаид ака зумда бир қарорга келди , - истасанг мен билан юр. Сениям бир бозор айлантириб келай.

Мирсаид аканинг аёлини ўзига ҳамроҳ қилишдан мақсади бошқа эди.

У аёли Мастурадек териб- териб, жой- жойида гапира олмас эди. Мирсаид ака сув сотувчи ўша ўспирин топиб олган пулларини олишни мабодо рад этса шўппайиб қайтиб келишдан бошқа иложи йўқлигини тахмин қилган эди.

Ўзини Акромжон деб таништирган йигитчани қайта учратиш қийин иш бўлмади. Бироқ вазиятни тушунтириб пулни беришган вақт уни олишга кўндириш ҳақиқатдан ҳам мушкул бўлди . Гап орасида Акромжоннинг яқин атрофдаги маҳаллада яшашини билиб олган Мастура уни уйларига бориш учун руҳсат сўради. Қаршисидаги дилбаргина аёлнинг таклифини рад этолмаган Акромжон елкасини қисганча уларга йўл бошлади .

Акромжоннинг онаси Ҳафиза опа ҳам ўғли сингари камсуқумгина аёл экан. Одмигина хонадонда онаси, Акромжон ва синглиси Ҳамида яшашар экан. Кейинчалик орадан вақт ўтиб ҳар икки оила яқин бўлиб кетишганларида шуни билдилар-ки, Акромжоннинг дадаси бошқа бегона аёлга илакишиб гулдек оиласини тақдир измига ташлаб кетган экан.

Ҳафиза опанинг оиласи билан танишганларидан бир ой ўтар - ўтмас, Мирсаид ака Мастура опа билан яна улар хонадонларида пайдо бўлишди . Бу сафар улар ўзларининг нисобга етган пулларида ажратган закот ҳамда унга қўшимча равишда бир таклиф билан ташриф буюришган эди.

Ҳафиза опа эр-хотиннинг Акромжон бўш вақтларида қизиб ланғиллаб ётган бозорда сув сотиб эмас , балки салқингина дўконларида савдо билан шуғулланиш ҳақидаги таклифига ўйланиб туриб , ийманибгина кўнди.

Ўша кезлари Мирсаид аканинг қўл остида тўртта катта-кичик дўконлар юритилар эди.

Акромжон ўспиринлик йиллариданоқ анча уқувли шогирд эканлигини кўрсата билган эди. Орадан йиллар ўтиб Мирсаид аканинг дўконлари сони ўнтадан ошиб кетган вақтда Акромжон уларнинг барчасини юритадиган иш бошқарувчи бўлиб танилган эди. Бу йиллар ичида у синглисини ота ўрнида ота бўлиб узатди. Уч йил аввал эса туйқусдан энди рўшнолик кўраман деган онасидан ажралиб қолди. Онасидан ажралган Акромжон ҳувиллаган уйига сиғмай қолди. Ўша йилининг ўзида Россиядаги тадбиркорликка ўқитадиган аллақайси институтга масофавий имтиҳон топширди- ю , омади чопиб талабага айланди.

@Xazon_Rezgi. /56 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Қути ичида чиройли кўзчалар билан безатилган биллак занжири турар эди.

- Вой- бў, бунчаям чиройли бўлмаса , - деди Мастура опа Сулаймон унга узатган занжирни кўздан кечири туриб , - болам ўзинг талаба бўлсанг , шунча совға - саломга пул сарфлаб ўзингни қийнаб қўйибсан.

- Ая , ўқишдан бўш пайтимда у ердаям ишлайман. Пулларим анча тўпланиб қолган. Кейин ёлғиз бошимга қанчайм ҳаражат қилардим?! Қолаверса битта - ю , битта акам бўлса. Буни келинойимга беринг . Мен синглим Ҳамидагаям худди шунақа занжир олдим.

- Раҳмат , болам. Барака топ . Аллоҳим бирингга минг, мингингга туман берсин. Ундан кейин Сулаймон аканг ҳам совғангга яхши кунларингга яхшиликлар билан жавоб қайтарсин.

Шу пайт эшик очилиб Ҳилола чойнакда иссиқ чой олиб кирди.
У чойнакни столга қўяр экан Мастура опа уни ёнига чақирди:

- Қизим , бу занжирни аканг тўй совғаси сифатида сенга олиб келибди .

Ҳилола қизарибгина совғани олди ва Акромжонга аранг:

- Катта раҳмат , мулла ака . Пулингиз кўп бўлсин ,- деди.

- Ота , ая ,- деди Акромжон,- менга энди руҳсат берасизлар . Аэропортдан тўғри сизларникига келган эдим. Энди уйга ўтиб ... - шу сўзларни айта туриб унинг овози титради , - мозорбошига бориб онамни йўқлай . Кейин Ҳамиданикига ҳам бориб келишим керак. Болалари кўз ўнгимдан бир- бир ўтиб кетяпти. Синглим ҳам сизларга ўхшаб келишимдан беҳабар эди. Бир сюрприз қилай.

Мирсаид ака Акромжонга ноилож руҳсат берди :

- Ҳозирчаликка майли , ўғлим. Аммо кечга қайтиш шарти билан.

- Ота , эртага шунақа пайтларда қайтаман. Барча қариндош, таниш - билиш , синфдошларимни бир-бир кўраман- у , кейин сизнинг ихтиёрингиздаман. Руҳсат берасизми, ота?

Мирсаид ака "Маъқул"дея бош ирғаб , қўлини дуога очди.

* * *

Одатда янги йил байрамими байрам ўрнида кўрмайдиган Мирсаид ака бу сафар Акромжоннинг шарофати билан ёйилиб ўтирди. Акромжон ҳақиқатдан ҳам унинг кўнглидан мустаҳкам жой олган эди.

Боз устига Ҳилола кеча ва бугун олган осма уколлар таъсирида анча жонланиб қолганди. Аммо Мастура опанинг назаридан бир нарса қочмаётган эди. У ҳам бўлса келини Ҳилоланинг ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

20- ҚИСМ

деярли ҳеч нарса емаётгани эди. Ҳайрон бўлган Мастура опа Ҳилола ошхонадалигини пойлаб ортидан борди:

- Ҳилола , - деди у алоҳида назокат билан , - бундай разм солиб қарасам , кечадан буён ҳеч нарса емаяпсиз. Биз ўзимиз , яна Акромжон билан бўлиб сизга ортиқча эътибор бермадик чоғи. Аммо кечаги ва бугунги уколлардан кейин иситмангиз чиқмади, қадам олишингиз анча енгил.

Аҳволингиз яхши томонга ўзгарди- ю ... Нимагадир ҳеч нарса емаяпсиз?! Ё менга шундай туюлдимми ? Ошхонада у , бу нарса чимдиб еб оляпсизми деб хаёл қилай, кўнглим жойига тушсин десам авваллари сира бунақанги ҳолатга дуч келмаганман. Есангиз майлику-я , қайтага ҳурсанд бўлардим.

Ҳилола дув қизариб ерга қаради :

- Емаяпман , ойижон , - деди у кўзларини мўлтиллаётганча аранг,- тўғрироғи егим келмаяпти. Ўзимни зўрлаб бирон нарсани оғзимга солсам, ўқчиб ...

Мастура опанинг юзи ёришиб кетди :

- Вой ўзим ўргилай , келинимдан. Мен айтган эдим- а ... Ҳалиям айтаман ўша гапни. Сиз аниқ ҳомиладор бўлсангиз керак, - у шундай деб ўйланиб қолди, - аммо ... Аммо бўш қоп тик турмайди. Агар уйда бор егуликларни таъбингиз тортмаётган бўлса , унда ... Унда кўз ўнгингиздан лип - лип ўтаётган нимадир бўлса ўша нарсани номини айтинг. Шу дардингизни давоси бўлади. Раҳматлик қайнонам "Кўнглингиз тилаган нарсани тўйиб есангиз , таксикоз тез таркайди" дердилар .

Сиз ҳам қайсидир егуликни жудаям егингиз келяптими ? Шундай бўлса асло тортинманг . Аллоҳга шукр , ҳозир юртимизда топилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Яқинда додажонингиз билан супермаркетга бориб оғзим ланг очилиб қолди. У ерда сотилаётган мева- чеваларни кўпини умрим давомида энди кўришим . Ҳаа...

Ҳилола , бемалол , сиз ҳам егингиз келганини айтарсиз , хўп ?- Мастура опа кейинги сўзларини кўнглида давом эттирди : "Бошиқоронғи келинга ниманидир харид қилиб , оғзига тутишнинг ҳам гашти ўзгача. Бунда хатто ўша нарсани ўзинг егандан ҳам аъло завқни туйишинг аниқ бўлса керак".

Ҳилола кўзлари билан ер чизди. Мастура опа унинг дилидагини айта олмай ҳижолат тортаётганини фаҳмлади :

- Ҳилола , сиз мени "Ойижоним ниманидир егим келганини қараб туриб билиб оладилар" деб ўйлаяпсизми ? ! Мен бу даражада кишининг фикрини ўқийдиган зехнлимасман. Хуллас , бу ишни ўзингиз қилишингиз керак, яъни кўнглингиз тусаган нарса номини айтишни назарда тутаяпман- да.

- Ойижоооон ... Битта дона ...

- Ҳааа ?!

- Бир донагина... шафтоли топишнинг иложи бўлармикан- а ? Биитта бўлса етарди.

Мастура опанинг чехраси ёришди:

- Иложсиз нарсанинг ўзи йўқ . Фақат ҳозир янги йил киришига озгина дақиқа қолди . Барча дўкон, супермаркетлар ёпилди ҳисоб. Энди эрталабгача сабр қилиб турасиз. Унгача шафтоли шарбати ичиб турунг. Жуда ўрнига тушмаса-да , аммо ҳар қалай тафтингизни босиб туради.

Эртасига Мастура опа ҳар тонгдаги каби бугун ҳам эрта сахардан туриб олган Мирсаид акани тезлашга тушди:

- Жооон дадасии, бизга шафтоли топиб келмасангиз бўлмайди. Ҳилолангизни кўнгли шафтоли тусаб ҳеч нарса емаяпти. Жооон ...

- Хотин , туриб - туриб сенга ҳайрон қоламан. Ўзингни калланг билан ўйлаб гапиряпсанми шу гапларни ?! Бир ёқда ҳали сўфи бетини ювмаган ғира - шира бўлса ?! Жиллақурса тонг ёришсин ? Шунга кўнарсан, марҳамат қилиб ?! Иккинчи тарафдан кеча барча савдо шаҳобчалари бор имкониятини ишга солиб меҳнат қилди . Бугун йилнинг энг биринчи куни , биринчи чисода кўпчилик дўконлар ишламайди. Қолаверса шу бугун одамларнинг ўзидаям дўконга боришга рағбат йўқ.

- Майли , дадаси . Кун ёришгунча кутамиз . Бироқ кўчаларни бир айланиб , қайсидир дўконларда савдо бўлаётганини текшириш аҳдидан қайтганим йўқ . Энг катта супермаркетлар ишласа керак. Бизнесга фалон пул тиккан тижоратчилар учун бир кун ҳам жуда катта йўқотиш бўлиши аниқ. Ахир ...

- Ахир ?! Қанақа ахир ?! Ўша бизнесменларинг бугунни , нафақат бугунни балки бутун январь ойини ҳисоб- китобини янги йилдан аввалги бир ҳафталик савдода аллазамон жой- жойига қўйиб бўлишган. Бекорга катта тижоратчи бўлишмаган- да улар ?!

@Xazon_Rezgi / 59 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа бўшашди :

- Ҳеч бўлмаса бозорлар- чи ? Қайсидир бозорлар ишласа керак?!

Мирсаид аканинг тоқати- тоқ бўлди :

- Хўп , ҳозир йўлга тушаман ! " Мирсаид қачон шафтоли қидириб келаркан ?!" деб йўлимга кўз тикиб ўтирган бозорчини албатта қидириб топганим бўлсин ?!

- Майли , дадаси . Бутун бошли Тошкентда икки дона шафтоли топилмаса нимаям дердим ?

Мастура опанинг хомуш чеҳрасига қараб Мирсаид ака чидаб туролмади :

- Менга қара , нега ўзинг учун лоақал бирон марта бир нарса сўрамагансан?! Эринг бўлиб "Фалон нарса егим келди" деган гапингни эшитмаганман. Келин яримта нарса сўраганда эса индамасам оламини бошингга йиғиб уввос солиш пайидансан ?

Мастура опа маҳзунгина жилмайди :

- Дадаси ? Нима учун сиздан бирор нарса сўрамаганман ?! Сабабини айтайми ? Чунки мени кўнглим нимани тусаса бу ҳали нима эканлигини англаб улгурмасимдан сиз кўчадан қучоғингизни ўша нарсага тўлдириб кириб келардингиз. Мен рости жуда ҳайрон қолардим. Бу қандай бўлиши мумкин деб ?! Қизик- да ўзиям. Олма егим келса олма , нок егим келса нок , тўй оши егим келса тўй оши ўзидан-ўзи ҳозир- у нозир бўларди. Сиз эса шу нарсаларни бирам егим келди- ки, асти чидай олмадим. Бутун фикри хаёлим шу егуликларда бўлди-я ? Аммо сенсиз бир тишлам ҳам тишлагим йўқ дердингиз.

Кейинчалик ўйлаб бир тўхтама келдим . Фикри ожизимча , буларни барини Аллоҳ кўнглингизга солиб қўйган. Ахир Аллоҳга осон.

Аёлининг сўзларидан Мирсаид ака ҳам ҳовуридан тушди:

- Унда Сулаймонинг келин учун нега ҳаракат қилмайди ? Ёки ҳис келиннинг кўнгли тусаганини ҳис қилмаяптими ?!

- У ҳам сиздек бўлгунча ҳис қиладиган бўлиб қолар , дадаси . Қолаверса улар билан бизнинг фарқимиз жудаям катта. Болаларимиз айтарли қийинчилик кўрмай ўсишди. Аввало шунисига шукр. Сиз билан мен эса бу даражага етишгунча хазилакам кунларни кўрганимиз йўқ... Ҳа майли ...

- Бўпти, тонг ҳам ёришди. Бориб шафтоли қидириб келай. Ёшлигимда бир эртақ бўларди. Ўшанда бир етим қиз қишнинг қаҳратон чилласида ўгай онаси томонидан ялпиз териб келишга жўнатиларди. Бу дейман эртақлар ҳам ҳаётдан олинар экан- да ?!

- Дадаси-ей ?! Норози бўлмай "Алҳамдулиллаҳ" десангиз- чи ?

- Йўғей , ҳечам норозимасман . Шу кунларни кўрганимизга , кўрсатганига шукр ... Алҳамдулиллаҳ онаси , алҳамдулиллаҳ...

Мастура опа эри билан шафтоли қидириб бирга бора олмади. Уйларидаги суюкли меҳмон Ақромжонни ташлаб кетишга кўзи қиймади. Ақромжоннинг эртага Россияга қайтиб кетиши маълум бўлгач , Мастура опа унинг дийдорига янада кўпроқ тўйиб олишни ният қилган эди.

Мирсаид аканинг шу чиқиб кетганича уч соат деганда ҳам дараги бўлмади. Мастура опа энди ҳуноб бўла бошлаганда ундан кўнғироқ бўлиб қолди. Одатда Мастура опа эри рулдалигида сира кўнғироқ қилмас, йўлда уни чалғитиб қўймай деб қанчалик хавотир олмасин ўзини босишга ҳаракат қилар эди. Аёлининг бу одатини яхши билган Мирсаид ака лозим кўрганда илож топди дегунча ўзи кўнғироқ қилишга интиларди

- Ассалому алайкум, дадаси , -Мастура опа салом берди-ю, эрининг азмойишини кутиб орага бошқа сўз қўшмай жим бўлди. Ўзи суҳбатдош учун "Ассалом"дан ҳам чиройли кириш сўзи бўлмаса керак. Мирсаид ака аёлининг бир кунда ўн қайталаб салом бериш одатига кўниккан эди. Мастура опага эса эрининг кўздан сал нари бўлиши "Ассалому алайкум, дадаси" сига баҳона .

Мирсаид ака ҳам ҳузурланиб алик олишдан эринмайди. Бироқ бу сафар у алик олишни унутгандай:

- Мастир , шафтолини қанақасини олишни айтмабсан- ку , тукли шафтоли керакмиди ёки туксиз луччакданми ?

Мастура опа билди- ки , эри шафтолини топибди . Топганда ҳам танлаш имкони билан топибди.

- Билмасам дадасиини, бу ҳақда сўрамаган эканман, - деди қувонганидан бўшашиб Мастура опа , - битта унақасидан , битта бунақасидан олиб келақолинг ...

- Майли , хўп , - гапни қисқа қилди Мирсаид ака аёлига , сўнгра унинг ёнидаги сотувчига гапирган гапи эшитилди , - менга ҳар хилидан чиройли қилиб териб берасиз ...

@Xazon_Rezgi /60 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака кун чошгоҳдан ошганида уйга кириб келди. Гарчи унинг кўринишидан чарчагани

билиниб турса-да кайфияти жуда кўтаринки эди.

Мирсаид ака дарвозахонага машинасини олиб кирди ва ўтирган жойида машинадан тушмай қўлидаги пакетни ўзини кутиб олган аёлига узатди.

- Мастир , анқонинг уруғиям бунчалик камёбмасдир? Дўконма - дўкон юриб ўпкам тешилиб кетаёзди. Бутун Тошкентни айландим десам лоф бўлмас . Макросиям қолмади , Корзинкасиям . Қаерга кирсам битта жавоб, тўғрироғи савол : "Кеча қаерда эдингиз ?"

Бозорларни айтмайсанми ? Чиқмаган жондан умид деб унисидан бунисига боравердим, боравердим. Ахири Олой бозоридаги битта амаки мушкулимни осон қилди. У мени дардимни эшитди-ю, "Ҳақиқатда топиб бермасак бўлмас экан" деб , айлантириб - айлантириб битта "Камера хранения"дан олиб берди. Ишонсанг топганимда кўзимларимдан ўт чакнаб кетди. Хурсандчилигимдан- да , - у шундай деб пакетга ишора қилди , - бу ерда ўн дона. Ҳар хилидан танлаб олдим. Иккитасими, тўрттасиними ўзингга олиб қол. Маниям хотиним январда бир шафтоли есин. Кейинчалик мақтаниб юрай мен ҳам . Қолганини келинингга бер . Етар ?!

Мастура опа жилмайди :

- Дадаси , сизни "Менга шафтоли олиб бердилар" деб емасам ҳам мақтанавераман. Буни ўзи кўрганданоқ егандек бўлдим,- у шундай деб машинадан тушган эрига қўлидаги шафтолиларни яна қайта тутқазди , - буларни яхшиси келинингизга ўзингиз беринг .

Мастура опа шундай дея туриб эри бу таклифга эътироз билдиришини тахмин қилганча дарров ҳужумга шшилди :

- Шундай қилинг , дадаси . Келинлар ҳам қайноталар ўзларни отадан кам яхши кўрмаслигини билиб қўйишлари керак.

Мирсаид ака Мастура опанинг охири гапидан кейин унга қаршилиқ қилмади.
У келинининг хонасига яқинлашиб овоз берди :

- Келин , ҳой келин ?!

Ҳилола ҳаялламай остонада кўринди :

- Лаббай додажон. Ассалому алайкум.

Мирсаид ака қўлидаги пакетни келинига намоишкорона узатди :

- Қанақасини егингиз келганини билмаганим учун ҳар хилидан олақолдим.

Ҳилола қайнотаси тутган пакетни олди- ю , уялиб кетди .

Аранг :

- Раҳмат, додажон,- дея олди халос .

Мирсаид ака ўз хоналарига намоишкорона қадам босиб кирар экан, изма -из келган аёлига бир мақтангиси келди :

- Мастииир ... Мана шу ҳозирги "Раҳмат, додажон"нинг нархи-чи бир миллион сўм бўлди.

Мастура опа эрининг устидаги куртказини ечишга ёрдамлашар экан унга жавобан:

- Умрингиз узок бўлсин , дадаси ... Эркак кишининг хонадони учун қилган ҳаражатининг савоби жудаям улуғ бўлиши шаксиз. Илоҳим кармонингиз пулга, савоб ҳамёнингиз эзгу амалларга тўлиқ бўлаверсин...- деди у мамнунлик билан

Тушлиқдан кейин Ҳилола ўз ота- онасини кўриб келишга қайнота- қайнонасидан ижозат сўради.

Эрталабги хариди туфайли эшитган миннатдорчилиги таъсирида ҳали ҳам еттинчи осмонда юрган Мирсаид ака ўзи руҳсат бергач ўғли билан бошлашиб чиқиб кетаётган келинини тўхтатди :

- Келин , қудамгиларга мени номимдан алоҳида салом дейиш ёдингиздан чиқмасин , - у Ҳилоланинг "Хўп, бўлади , додажон" деганини эшитганда яна бир бор бошини "руҳсат" деган маънода силкитар экан, келини икки қадам юрар - юрмас муҳим нимадир ёдига тушиб қолгандек уни қайта тўхтатди , - ҳа айтганча келин анави ... #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Мен ҳозир иситма туширадиган безарар укол қилиб кетаман. Ҳилолаҳон эрталабгача тинч ухлайдилар. Агар эрталабдан яна тоби бўлмаса , дарҳол поликлиникага олиб бориб мутахасисга кўрсатасиз.

Дарҳақиқат Ҳилола эрталабдан аҳволи ўнгланиб уйғонди. Оилалагилар уни туззук бўлиб қолганидан мамнун бўлиб поликлиникага олиб бормаи кўяқолдилар.

Аммо яна тунги соат ўнларга бориб Ҳилоланинг тоби кечагидан ҳам ёмон аҳволга тушиб қочиб қолди.

Сулаймон яна Саодатхонни безовта қилишга мажбур бўлди.

- Эртага зудлик билан таҳлил топширишингиз керак. Ҳилолаҳонни ортиқ ушлаб ўтирмаслигимиз керак. Белларида оғриқ кузатилмоқда экан, айнан ана шундан кўнглим ҳижил ва хавотирман. Кўнгил айнаши биз ўйлаган нарсадан бўлмаслиги ҳам мумкин .

Гарчи Мастура опа Саодатхонга "хўп" деган бўлса ҳам ташқарига чиққач , ўз хавотирини яшира олмади :

- Саодатхон , Ҳилолани қандай касалликда гумон қиляпсиз ? Тушунтириброқ айтинг ?

- Холажон , мен таҳлилларсиз бирон нарса дея олмайман. Бироқ келинингиз буйрагини шамоллатиб кўйганга ҳам ўхшаяпти. Тахминим шундай.

- Вой менгина ўлай ?! Вой шўрим ?! - Мастура опанинг кайфияти зумда бузилди , - бу уйда битта буйрак оғриғи етарли эди- ю ? Қайнона- келининг тупроғи бир жойдан олинади деганлари рост шекилли ?! Қизим бояқиш нима қилади энди ?

- Холажон , дарровда ваҳимага берилманг- да унақа ? Ҳозир тиббиёт сизнинг касал бўлган даврингиздан қаанча илгарилаб кетган ?! Касалликда зумда ташхис кўйиб , зумда даволаб ҳам юбориляпти. Сизни ҳовлиқтирмоқчи эмасман- у , баъзи ҳолларда танадаги маълум бир ўзгаришлар мана шундай реакция бериши ҳам мумкин .

- Тушунмадим , - талмовсираб сўради Мастура опа , - яна қанақа ўзгаришлар ?

- Мисол учун Ҳилолаҳон сиз айтгандек ҳомиладор бўлишлари ҳам мумкин, - босиқ ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилди Саодатхон,- организм ўзида янги ҳаётни дунёга тақдим этар экан , албатта бу ўзидан - ўзи бўлиб қолмайди . Барча аёлларнинг танаси бу ўзгаришни турлича қабул қилади. Хуллас ...

- Ҳаа , деярли тушундим,- деди Мастура опа кўнгли жойига тушган бўлиб , - эртага эрта билан Ҳилолани ўзим текширувга олиб борганим бўлсин. Сизниям оввора қилиб қўйдик- да , катта раҳмат.

- Вазифамиз шу- ку , Холажон. Қўлимдан келган ишга бемалол,- деди Саодатхон йўлга отланар экан,- агар эртага Ҳилолаҳон кўриқдан ўтгандан кейин томчи дори ёки уколлар буюришса беҳижолат тортинмай ўзимни чақираверинг.

- Сизни маслаҳатга олиб келувдик , айланай. Шифокор ўз номи билан шифокор- да. Укол қилишга қўли енгил , дилбаргина кўшни ҳамшира келин бор. Ҳадеб сизни безовта қилишга ҳам озгина бет керак, шундоқ ҳам кун бўйи тик оёқдасиз .

- Йўғей , ёрдамим керак бўлса сира ҳижолат бўлманг,- дарҳол эътирозга шошилди Саодатхон ва юқорида айтганларини такрорлади, - тортинмай чақиртираверинг, хўпми ?! Сулаймонжон зумда олиб келиб , олиб бориб қўйяптилар- ку. Менинг ҳеч қийналаётган жойим йўқ ...

Мастура опа Саодатхонни кузатиб қайтганда Ҳилола ухлаб қолган эди.

"Ҳайрият , иситмаси тушибди шекилли , осойишта ухляпти" - Мастура опа шундай деб ўйлаганча ўзининг ётоғига йўл олди.

- Ҳа , Саодат келин нима деди , - деди Мирсаид ака ўқиб турган китобини четга суриб , - қани бир бошдан гапир-чи ?

Мастура опа Саодатхон билан бўлган суҳбатни бир бошдан Мирсаид акага сўзлаб берди.

- Келин олганда "Худо хоҳласа" дейиш керак экан- да , хотин. Биз эса шундай дейишни унутибмиз , - деди Мирсаид ака Мастура опа гапини тугатгач ўйланганча .

- Нима учун ундай деяпсиз, дадаси ?! - ҳайрон бўлиб жовдиради Мастура опа.

- Нимага бўларди ? Келин келса кўлингдан ишингни олади , сен ҳам бундай қайноналардек оёқ узатиб яшарсан дегандим. Аммо бу келининг келгандан буён касал .Қачон қараса касал. Бўш қолди дегунча касал . Роҳат кўриши керак бўлган қайнона эса унинг ҳизматида ҳозир- у нозир. "Нима ейсиз, келинжон? Нима ичасиз , келинхон ?!" деб атрофида парвона . Пошшахонга пахта қўйиш билан оввора .

- Вой дадаси - ей ?! Шу кунларни кўрсатганига, шу кунларга етказганига шуқр.

@Xazon_Rezgi /50 #КўНГИЛ_ИФОРИ

Мана уч йилдир- ки , у Россияда таълим олиб келмоқда.

Сулаймондан бир ёш кичик бўлган Ақромжон Мирсаид ака уни ишга қабул қилган йилдан буён у билан ака - укадек чиқишиб кетган эди. У Мирсаид акаларникига кўп бора келар , гоҳида Сулаймоннинг хонасида тунаб қолиб , эрталабгача суҳбатлашиб , бахслашиб чиқар эдилар.

Мастура опа ҳам кўнглида заррача кири бўлмаган Ақромжонни оналик меҳри билан суюб қолган эди.

Ақромжон чет давлатга ўқишга кетгандан буён ёзги таътил вақтида бир ойга она юртга қайтар , бу ердаги кунларининг асосий қисми шу хонадонда ўтар эди.

У ўқиши сабаб Сулаймоннинг тўйига кела олмаган эди. Аммо бу йил одатига ҳилоф равишда қишки таътилда бир ҳафта бўлса ҳам қадрдон хонадонига келишни кўнглига туккан эди.

Ҳилола Ақромжон ҳақида бирда, ярим эшитган бўлса-да , унинг ушбу келинлик оиласи аъзолари учун бу қадар суюкли эканлигини ҳис қилмаган эди . Бугун хонадон аҳлларининг бу йигитга қилган муомаласини кўриб , ўзи ҳам меҳмоннинг ҳурматини чиройли қилиб жойига қўйиш кераклигини фаҳмлаб улгурган эди.

Мирсаид ака билан Мастура опа меҳмонхонага бошлашиб киришганда Сулаймон ва Ақромжон қизғин суҳбатни бошлаб юборишган , Ҳилола бўлса меҳмоннинг иззатини жойига қўйиш мақсадида шундоқ ҳам тўкин дастурхонни янада тўлдириб юборган эди.

Ота- онасидек бўлиб қолган Мирсаид ака билан Мастура опа хонага бошлашиб киришгач, Ақромжон уларнинг ҳурматига қўлини кўксига қўйганча қайта ўрнидан кўзғалди .

- Ўтиравер , болам,- деди Мирсаид ака унга меҳрли кўзларини тикиб .
Шуниси ажабланарли эди- ки , барча жойда ўзининг қаттиққўл табиатини кўз- кўзлашни яхши кўрадиган Мирсаид ака Ақромжонга келганда сира бундай қила олмасди. У гоҳида бунинг сабаби нимада эканлигига ҳам ўзи ҳайрон бўлар , кўпинча эса барини йигитнинг ўксик кўнгли билан боғлар эди.

- Отажон , бардам - бақувват, яхши юрибсизми ? - сўрашган бўлди Ақромжон Мирсаид ака билан , - сиз- чи ая ?! Туззукмисиз ?

Ақромжон сўраша туриб ўрнидан кўзғалди ва сал аввал хона бурчагига қўйиб қўйган каттагина портфелини бориб олиб келди.

Ақромжон портфелини очиб чиройли қилиб қадоқланган бир буюм чиқариб қаршисида ўтирган Мирсаид акага узатди :

- Отажон , бу сизга . Туянинг юнгидан тўқилган белбоғ-бандаж. Чўзилиб кетмайди. Бу йилги қиш Ўзбекистонда ҳам Россияниқидан қолишмаяпти экан. Шунга бағрингизни иссиққина тутар деб шуни олгандим,- Ақромжон кейинги ўралган пакетни очаркан бу сафар ўрнидан туриб қўлидаги рўмолни Мастура опанинг елкасига ташлади , - аямга эса эчки юнгидан тўқилган иссиқ рўмол. Елкангиздан қўйманг , ая.

Мирсаид ака билан Мастура опа Ақромжонни узоқ дуо қилишди.

Дуодан сўнг Сулаймон Ақромжонга тегишди :

- Менга-чи ? Мозорбости қилиб бирор нарса обкелмадингми ? Ёлғизгина аканг бўламан- а, номард ? Акалик ҳурматим шуми ?

Ақромжон ҳам бўш келмади :

- Ака ! Ўзи яқинда уйланган бўлсангиз ?! Куёвлик сарпосидаги кийимларни ҳали бир- икки йил киярсиз?! Шундаймасми ?

- Шундайликка шундайку-я , сен совға қилган нарсанинг қадри бошқача эди- да...,-Сулаймон шундай дея ёлғондакам хўрсинди.

- Вой - бў ака, дарровда лаб бурманг- да. Сизни унутиб бўлармиди ?! Сизга ҳам совғам бор . Тўғрироғи келинойимга тўй совғаси.

Ақромжон портфелидан бу сафар ялтироқ, энсиз , аммо узунлиги бир қарич бўлган қути чиқарди :

- Ака, буни келинойимга бериб қўясиз.

Сулаймон қутини Ақромжоннинг қўлидан олиб оҳиста очди.

@Xazon_Rezgi / 57 □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

21- ҚИСМ

шафтолидан сумкангизга солиб олинг. Кўнглингиз тусаганда ейсиз.

Ҳилола қайнотасининг таъкидидан уялиб кетди. Аммо унинг ҳурмати юзасидан ростига кўчди:

- Иккитасини сумкамга солиб олгандим, додажон.

- Ҳаа ундоқ бўлса яхши,- деди Мирсаид ака талтайганнамо , - бўпти энди борақолинглар.

Эрининг ўзини тутишидан Мастура опа бироз ажабланди . Бир кўнгли "Дадаси , ҳа деса олиб берган шафтолингизни пеш қилаверманг , бу миннатга кириб қолмасин яна" демоқчи бўлди-ю , аммо эрининг кайфиятини бузгиси келмади. "Бу ҳақда мавриди келганда бошқача мисол билан секин тушунтирарман,- деб ўйлади Мастура опа , - қолаверса бугунги қилган ишлари ҳақиқатдан ҳам ҳар қанча керилишга арзийди- да".

Фикрларини хаёлан мушоҳада торозисига солиб олган Мастура опа эрига қайноқ чой қўйиб узатар экан :

- Дадаси , бировнинг кўнглини олиш барибир бошқача а ? - деди , - ўзгани бахтли қилган инсон ундан ҳам кўра ўзини кўпроқ бахтли ҳис қилади . Қаранг , келинингизга кўнгли тусаганини тутганингиздан буён димоғингиз қанчалик чоғ. Ҳали-чи , набирангиз туғилиб қўлингизга олсангиз кўрасиз бахтнинг ширин таъми қандай тенгсиз бўлишини .

- Болаларингни ўқиши бошлангандан кейин Сулаймонга чиройли қилиб тайинлагин, - деди Мирсаид ака чойдан хўплар экан,- келинга яхшилаб қарасин. Кўча - куйда кўнгли нимани тусаса олиб берсин. Айтишади- ку , "Еган егандек бўлади " деб. Менга соғлом набира керак.

- Хўп бўлади , дадаси . Сиз нима десангиз шу- да . Илойим умрингиздан барака топинг.

- Мастиир ... Ақромжон нариги хонада ухлаб қолган экан. Ўзиям эрталабгача телевизор кўриб

чиқди,- Мирсаид ака шундай деб аёлига маслаҳатомуз боқди , - уйғонса бир коса суюқ овқат тутсанг яхши бўларди- да. Шунга ҳаракат қилсанми деётган жойим эди.

- Дадаси , Ҳилолангиз аллазамон товуқ шўрва солиб қўйган. У "Кечадан буён уйдагиларга кучли овқат тутавериб ошқозонларини зўриктириб юбордик. Айниқса додажон бунақа вазиятда тез толиқиб қоладилар . Шунга озроқ суюқ овқат ичиб танлари бир яйрасин" деганди.

- Мастиир ... - деди илжайиб Мирсаид ака,- бу дейман келининг ҳам худди ўзинг бўла бошлабди а ? Қойил - ей ?!

Аёл кишининг аёллиги нимада билсанми ?! Билмасанг билиб ол . Аёл кишининг аёллиги фаҳми - фаросатида ! Аммо Сулаймоннинг бахти бор экан. Пешонасига яхши қиз учради. Мен ҳов ўша бошида ўғлинг "Ўзим билан бирга ўқийдиган қизни ёқтираман , уйлансам ҳам , уйланмасам ҳам фақат шунга уйланаман" деганда шу келинингни жуда ёмон қиз деб тасаввур қилгандим. Назаримда у кўча- кўйда ҳар йигитга қошини қоқиб , кўзини сузадиган энгилтабиат қиз бўлиб гавдаланганди.

Аммо минг шукр- ки , бахтимизга келиндан тоълеимиз ёруғ чиқди.

- Илоҳим икковлари қўшгани билан қўша қаришсин. Биз эса роҳатларини кўрайлик, дадаси.

- Амин , онаси , амин , - Мирсаид ака аёлининг дуосига қўшила туриб ҳовлида қораси кўриниб қолган Ақромжонга кўзи тушиб қолди ва гап ўзанини бошқа тарафга бурди , - кенжатойинг уйғонди, онаси . Товуқ шўрвадан хабар олавер энди. Танзимиз яйраб бир шўрва ичайлик.

Мастура опа "Хўп бўлади- да , дадаси" деганча мамнун қиёфада чаққонлик билан ўрнидан кўзғалди...

- Бай, бай - деди хўриллатганча шўрвани симирар экан Мирсаид ака, - энди еган овқатим ичимга тушгандек бўлди.

- Ая , - деб Мирсаид акага қўшилди Ақромжон, - ростини айтсам сизлардан энди кўнглим мутлақо хотиржам бўлди . Келинойим яхшигина пазанда эканлар. Бунақа қўли ширин келиннинг табиати ҳам шунга яраша гўзал бўлиши керак.

@Xazon_Rezgi /62 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ўзи "Келин билан қайнонанинг тупроғи бир жойдан олинади" дейишади- ку. Шу гапнинг ростлигини исботини кўриб турибман.

Мастура опа Ақромжоннинг сўзларига табассум билан жавоб қайтарди:

- Болам , - деди у ҳавасмандлик билан , - энди сени навбатинг . Хўп десанг , мен секин - аста сенга ҳам келин қидиришга тушаман. Ёзги келишингда гижбадаванг тўйингни ўтказардик- да , бу ерда бир - икки hafta туриб кейин янги келин билан бирга сизларни Россияга кузатиб қўярдик. Агар Аллоҳ бераридан қисмай ўқишинг битгунча келин ҳомиладор бўлса , уни юртга қайтариб олиб келиб ўзимиз кўз- кулоқ бўлиб турардик. Шунга нима дейсан ?! Балки кўз остинга олган бирорта ёқтирган қизинг бордир?!

- Йўғ- ей , ая . Ҳали ҳеч кимни кўз остинга олганим йўқ . Ўқишимдаги қизларнинг барчаси рус ва бошқа миллат қизлари . Қолаверса уларнинг ҳеч қайсиси мени танлашмайди . Менга эса шу ўзимизнинг қизлар маъқул. Лекин ҳозир битирадиган бир - иккита лойиҳаларим бор. Шулар

битсин , кейин уйланаман. Ўшанда сиз қайси қизни муносиб кўрсангиз ўшанга уйланаман, ая. Мана акамга ҳам зўр танлов қилгансизлар- ку.

- Аканг Ҳилола келинойингни ўзи топган. Бу бизнимас унинг танлови . Мен ва отанг фақат оқ фотиҳа берганмиз халос , - деди Мастура опа Акромжонга изоҳ берган бўлиб.

- Энг муҳими ҳам шу-да, ая . "Ёмғир билан ер кўкарар , дуо билан эл кўкарар" деганларидек , буларнинг барчаси сизларнинг дуоларингиз шарофати.

- Ўғлим , - дея вазмин оҳангда суҳбатга қўшилди Мирсаид ака, - биласан, ўқишга кетишингдан аввал қўлимга тутқазиб кетган пулларингга битта дўкон юрғазиб қўйганман. Ҳозир уни айланмаси яхшигина мақтовга сазовор бўлиб қолган. Хўп десанг , шу пулларингни бир қисмини олиб уйингни таъмирлатсам . Мен ҳам кейинги вақтларда барча ишларни шогирдларга топшириб анча бекорчи бўлиб қолганман. Шунга бироз чалғирмидим деяпман-да. Тағин "Отам пулларимга кўз олайтириб қолибдилар" деган нотўғри хаёлларга бормагин. Яна масаланинг иккинчи томони ўз пулларимдан таъмирга ишлатсам ғуруринг дарровда ўқ ейишини ҳам биламан.

- Ота ... - дея ютинди Акромжон,- очиғи бу таклифингиздан бошим осмонга етди. Аввало мени ўйлаганингиз учун катта раҳмат . Бироқ мен... у ҳовлини шундай сақлашни ният қилгандим. У ҳовлининг ҳар бурчагидан раҳматлик онамнинг ифорлари келиб туради. Таъмир туфайли бу ифдордан ажралиб қолишни истамайман...

Акромжон шундай деб лаблари титраганча ерга қаради.

Зум ўтмай Мирсаид аканинг ҳам товуши ғиппа бўғилди:

- Мен нодонни кечир , болам. Қариб миям суюлиб қоляпти шекилли . Кейинги вақтларда кўп нарсаларни шунақа бош- кетини ўйламасдан ...

- Ота , одам ўз боласидан ҳам узр сўрайдими ?! - Акромжон шундай деб бирдан юзи ёришди , - бундай қилсак-чи , ота ? Ўша онам ўтган ҳовлининг бир девор ёнидаги қўшнимиз ўз хонадонини сотаётган экан. У хонадон ҳам худди бизникига ўхшаб пастаккина . Ўша жойни нархлаб олсак , янги уй қуришимиз мумкин. Орада сиз ҳам ўзингиз айтгандек машғул бўлардингиз. Агар дўкондан келадиган фойда етмаса , мен Россиядан пул жўнатаман. У ерда ҳам анча - мунча йиғиб қўйган жамғармам бор.

- Эээ, бўлди . Гап йўқ . Мана бу ўғил бола гап бўлди , - Мирсаид аканинг зумда кайфияти кўтарилди,- ўша хонадонни эртагаёқ бориб нархлаб олганим бўлсин. Эрталаб сени аэропортга кузатиб қўяман- у , сўнг тўғри махаллангга ўтаман.

- Ота , фақат битта шарт билан . Ўзингизни уринтириб қўймайсиз .

-Хўп , болам , хўп.

#Орадан_икки_ой_ўтди

Шанба куни ўқишдан қайтган Ҳилола хонасига кирди-ю , шу бўйи қайтиб чиқмади. Сулаймон синфдошлари билан эрта сахардан Чимёнга дам олишга чиқиб кетган эди.

Ҳа деса келинидан хабар бўлавермагач , Мастура опани хавотир босди:

- Ҳилола , ҳов Ҳилола , - дея унинг эшигини тақиллатди ахири Мастура опа юраги алланечук гурсиллаб урганча , - болам , туззукмисиз ?

Ичкаридан Ҳилоланинг ожизгина инграгани эшитилди :

- Ойижооон ... □□□□ аввалги қисмлар

#КҮНГИЛ_ИФОРИ

17- ҚИСМ

Нима учун юзларингиз бўртиб кетяпти ?

- Билмасам ойижон , ич- ичимдан совуқ қотиб кетяпман. Яна кўнглим жуда қаттиқ айниб кетяпти.

- Вой совуқ қотаяпган бўлсангиз иситмангиз чиқаяпти шекилли ?

Мастура опа ун юқи қўлини апил- тапил сочиққа артди-ю , Ҳилоланинг пешонасига кафт босди.

- Ҳаа , иситмангиз бор. Энди нима қиламиз ? - Мастура опа шундай деди- ю , Ҳилолага дилидаги саволни бермаса бўлмаслигини ҳис қилди , - менга қаранг , болам ? Фаҳмимча сиз ... Сиз ... Сал бошқачароқ юрибсизми дейман-да ?! Яъни ойингиздан ўтгансиз- ов ?

Ҳилола уялиб ерга боқди :

- Билмасам , ойижон. Икки хафталардан буён кўнглим беҳузур бўлиб , ҳеч нима егим келмай юрганди. Аммо бу сиз ўйлаган нарсами ёки йўқми аниғини билмайман.

Мастура опанинг чеҳраси ёришди.

- Онанинг кўнгли алдамайди- да. Бу зўр янгилик- ку! Мана мени айтди дейсиз , ҳали ҳудди шунақа бўлиб чиқади. Аммо ... - Мастура опанинг юзига бир лаҳзада ташвиш соя солгандек бўлди,- бироқ ҳозир иситмангиз чиққанига нима қиламиз ? Дори ичсангиз бўлармикан ? Сиз дарров хонангизга кириб бирпас чўзилинг. Мен Зоҳида опамга кўнғироқ қиламан. Уларни келинлари Саодатхон аёллар шифокори. Нима маъни чиқса шу Саодатхондан чиқади.

Мастура опа Ҳилолани хонасига киргизиб юборди- ю , ўзи дарҳол телефонига интилди.

Кўп ўтмай у ҳам Ҳилоланинг ортидан келинининг хонасига йўл олди.

- Ҳилола , кирсам мумкинми ? - деди у эшик олдида руҳсат сўраб

- Бемалол. Кираверинг ойижон , - Ҳилоланинг овози титраб эшитилди.

- Сулаймон қани ? - ҳайрон бўлди Мастура опа , - яқинда ҳовлида юрганди- ку ?! Бир зумда йўқолиб қолади- ей бу бола ?

- Ўғлингиз ...- Ҳилола уялиб ерга қаради , - улар кўнглим беҳузур бўлганига "Боржоми олиб келаман" деб дўконга чиқиб кетгандилар.

- Хмм , - деди Мастура опа дарровда кўнақолиб , - мен ҳам озроқ спирт топиб келдим.

Иситмангиз тушиши учун танангизга яхшилаб суртиб ташлаймиз. Кейин Саодатхон айтдиларки , иситмангиз тушавермаса уни туширадиган таблетка қабул қилишингиз мумкин экан.

Кўрсатилган ёрдам натижасида Ҳилоланинг аҳволи анча енгиллашди.

- Сиз бироз дам олинг , мен Сулаймон билан бирга норин хамирини пишириб ташлаймиз- деди Мастура опа Сулаймонга имо қилиб , - юр, болам .

- Мен ўзимни анча яхши ҳис қиляпман, ҳозир ўзим сизга қарашиб ...

Ҳилоланинг гапи оғзида қолди:

- Ҳеч- да ! Сиз ҳозир ётиб тезроқ тузалишга ҳаракат қилинг , икки зувала хамирни пишириш ҳам иш бўлибдими ?!

Гарчи Мастура опа шундай деган бўлса- да ўша хамирни пишириш ҳақиқатдан иш бўлди.

Мастура опа анча толиқиб қолди. У ёғланган хамирни бир четга сурди- ю , ўзи ётоғига кириб, намозини ўқишга ҳам қуввати бўлмай бироз чўзилди.

"Ҳилола ишимни обдон қўлимдан олгани шу бугун билинди- я,- ўйлади у , - тўртта идишни чайиб қўйишга шунчалик ҳолим келмаса- я ?!"

Мастура опа узоқ ёта олмади. "Дадаси келишларига овқат тайёр бўлишига ўрганганлар , ҳеч бўлмаса бир лаган норин тўғраб қўяй. Бу ёқда Ҳилоланинг ҳам қорни очиб кетгандир" . У сим - сим оғриётган белини маҳкам боғлаб ташқарига йўл олди.

Ҳилола шу куни кечга яқин яхши бўлиб ўрнидан турди. Бироқ яна ётар пайти иссиғи қирқ градусдан ҳам ошиб кетди. Камига ичига иссиқ кирсин деб оғзига нимадир солишса ёки ейишга зўрлашса барчасини қайт қилиб ташлайверди.

Ахири бўлмай Сулаймон машинасида бориб Саодатхоннинг ўзини олиб келди.

Саодат Ҳилолани астойдил текшириб елка қисди :

- Бу келинингизга менинг соҳам тарафидан унча эътирозим кўринмаяпти. Тўғри, ҳомиладор деб таҳмин қиламан . Аммо бу айтганимдек таҳмин халос. Қачон-ки , ҳомила ҳақиқатда ривожланиб икки - уч ойлик бўлиб УТТ аппаратида кўринса ана ундагина биз ҳам якуний хулосага кела оламиз. Аммо ҳозир Ҳилолани дарди ... Билмадим. Қани бир, икки кун кўрайлик-чи ?

- Саодатхон келинойи , илтимос яхшилаб кўриб беринг . Ҳилола кечаси билан шунақа қийналиб чиқадими ? - деди Сулаймон Ҳилолага ачинганча.

@Xazon_Rezgi / 49 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Мен ҳозир иситма туширадиган безарар укол қилиб кетаман. Ҳилолахон эрталабгача тинч ухлайдилар. Агар эрталабдан яна тоби бўлмаса , дарҳол поликлиникага олиб бориб мутахасисга кўрсатасиз.

Дарҳақиқат Ҳилола эрталабдан аҳволи ўнглиниб уйғонди. Оилалагилар уни туззук бўлиб қолганидан мамнун бўлиб поликлиникага олиб бормаи қўяқолдилар.

Аммо яна тунги соат ўнларга бориб Ҳилоланинг тоби кечагидан ҳам ёмон аҳволга тушиб қочиб қолди.

Сулаймон яна Саодатхонни безовта қилишга мажбур бўлди.

- Эртага зудлик билан таҳлил топширишингиз керак. Ҳилолаҳонни ортиқ ушлаб ўтирмаслигимиз керак. Белларида оғриқ кузатилмоқда экан, айнан ана шундан кўнглим ҳижил ва хавотирман. Кўнгил айнаши биз ўйлаган нарсадан бўлмаслиги ҳам мумкин .

Гарчи Мастура опа Саодатхонга "хўп" деган бўлса ҳам ташқарига чиққач , ўз хавотирини яшира олмади :

- Саодатхон , Ҳилолани қандай касалликда гумон қиляпсиз ? Тушунтириброқ айтинг ?

- Холажон , мен таҳлилларсиз бирон нарса дея олмайман. Бироқ келинингиз буйрагини шамоллатиб қўйганга ҳам ўхшаяпти. Тахминим шундай.

- Вой менгина ўлай ?! Вой шўрим ?! - Мастура опанинг кайфияти зумда бузилди , - бу уйда битта буйрак оғриғи етарли эди- ю ? Қайнона- келининг тупроғи бир жойдан олинади деганлари рост шекилли ?! Қизим бояқиш нима қилади энди ?

- Холажон , дарровда ваҳимага берилманг- да унақа ? Ҳозир тиббиёт сизнинг касал бўлган даврингиздан кааанча илгарилаб кетган ?! Касалликда зумда ташхис қўйиб , зумда даволаб ҳам юбориляпти. Сизни ҳовлиқтирмоқчи эмасман- у , баъзи ҳолларда танадаги маълум бир ўзгаришлар мана шундай реакция бериши ҳам мумкин .

- Тушунмадим , - талмовсираб сўради Мастура опа , - яна қанақа ўзгаришлар ?

- Мисол учун Ҳилолаҳон сиз айтгандек ҳомиладор бўлишлари ҳам мумкин, - босиқ ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилди Саодатхон,- организм ўзида янги ҳаётни дунёга тақдим этар экан , албатта бу ўзидан - ўзи бўлиб қолмайди . Барча аёлларнинг танаси бу ўзгаришни турлича қабул қилади. Хуллас ...

- Ҳаа , деярли тушундим,- деди Мастура опа кўнгли жойига тушган бўлиб , - эртага эрта билан Ҳилолани ўзим текширувга олиб борганим бўлсин. Сизниям оввора қилиб қўйдик- да , катта раҳмат.

- Вазифамиз шу- ку , Холажон. Қўлимдан келган ишга бемалол,- деди Саодатхон йўлга отланар экан,- агар эртага Ҳилолаҳон кўриқдан ўтгандан кейин томчи дори ёки уколлар буюришса беҳижолат тортинмай ўзимни чақираверинг.

- Сизни маслаҳатга олиб келувдик , айланай. Шифокор ўз номи билан шифокор- да. Укол қилишга қўли енгил , дилбаргина қўшни ҳамшира келин бор. Ҳадеб сизни безовта қилишга ҳам озгина бет керак, шундоқ ҳам кун бўйи тик оёқдасиз .

- Йўғей , ёрдамим керак бўлса сира ҳижолат бўлманг,- дарҳол эътирозга шошилди Саодатхон ва юқорида айтганларини такрорлади, - тортинмай чақиртираверинг, хўпми ?! Сулаймонжон зумда олиб келиб , олиб бориб қўйяптилар- ку. Менинг ҳеч қийналаётган жойим йўқ ...

Мастура опа Саодатхонни кузатиб қайтганда Ҳилола ухлаб қолган эди.

"Ҳайрият , иситмаси тушибди шекилли , осойишта ухлапти" - Мастура опа шундай деб ўйлаганча ўзининг ётоғига йўл олди.

- Ҳа , Саодат келин нима деди , - деди Мирсаид ака ўқиб турган китобини четга суриб , - қани бир бошдан гапир-чи ?

Мастура опа Саодатхон билан бўлган суҳбатни бир бошдан Мирсаид акага сўзлаб берди.

- Келин олганда "Худо хоҳласа" дейиш керак экан- да , хотин. Биз эса шундай дейишни унутибмиз , - деди Мирсаид ака Мастура опа гапини тугатгач ўйланганча .

- Нима учун ундай деяпсиз, дадаси ?! - ҳайрон бўлиб жовдиради Мастура опа.

- Нимага бўларди ? Келин келса қўлингдан ишингни олади , сен ҳам бундай қайноналардек оёқ узатиб яшарсан дегандим. Аммо бу келининг келгандан буён касал .Қачон қараса касал. Бўш қолди дегунча касал . Роҳат кўриши керак бўлган қайнона эса унинг ҳизматида ҳозир- у нозир. "Нима ейсиз, келинжон? Нима ичасиз , келинхон ?!" деб атрофида парвона . Пошшахонга пахта қўйиш билан оввора .

- Вой дадаси - ей ?! Шу кунларни кўрсатганига, шу кунларга етказганига шукр.

@Xazon_Rezgi /50 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳар бир кунимизга шукр қилиб яшашга нима етсин , аслида ?! Битта ёмонимиз бор экан , изидан келган яхшига ширин сўзимизни аямай яшаш ҳам бу бахт. Не - не одамлар сиз ҳозир нолиб турган шу нарсаларга зор ?

- Мен нолияпганим йўқ , хотин. Мен сенга ачинапман , халос. Кейинги кунларда эртадан кечгача тиниминг бўлмай қолди- ку ?!

Мана кеча . Тайёр хамир олиб келиб берай десам кўнмай ўзларинг норинга уннадиларинг. Алал-оқибат уни пишириш ўзингга қолиб кетмади-ми ? Кетди ! Мени билмайди дема ?! Сенга кеча ёки ўтган йили ўйланганим йўқ. Салкам ўттиз йиллик хотинимсан ахир ?! Ўзингни ҳам кечаси билан мазанг бўлмай чиққанини мени билмайди дейсанми ? Туни билан биқинингни чангаллаб у ёқдан бу ёққа ўгирилиб уйқингдаям инграб чиқдинг-ку?! - Мирсаид ака хомуш ҳолда хўрсинди, - сен шу аҳволда "ғиқ" этмайсан- у , келининг бўлса уззукун уйдан чиқмаяпти. Менимча таътили тугагунча шунақа ётиб ейишни режа қилган бўлса керак .

- Астағфируллоҳ, келин ҳақида унақа гумонга борманг , жон дадаси , гумон иймондан айиради-я?! - Мастура опа эрига дарҳол эътироз билдиришга шошилди.

Бироқ эрининг ҳам асаби ростманасига бузилган шекилли аёлига бўш келишни хоҳламади :

- Ҳаа , сенинча нима деб ўйлашим керак эди ? Шунча кун милтиқни ўқидек соппа - соғ юрган келининг таътилга чиқибоқ бунақа нағма кўрсатса нима дей яна ? Ҳали мени айтди дейсан , таътили тугаши билан ўғлингни олдига тушиб гижинглаган тойдек ўқишига чопади. Қараб тур ! Худди шунақа бўлади.

Шу пайт кутилмаганда Мастура опа беозоргина кулиб юборди .

- Нега куласан ? Мен сенга латифа айтяпманми ? Ёки маймун ўйнатаяпман-ми ? Ҳа ?! - Мирсаид аканинг ҳайрон бўлиб сўради.

- Йўқ , дадаси , шунчаки ўзим . Сиз ҳозир ўзингизга ўзингиз қарши чиқиб гапириб қўйяпсиз . Шу кулгимни қистатди- да . Сал аввал келининг келибди- ки касал деб турувдингиз . Ҳозир эса "Таътилга чиққанга қадар соппа- соғ юрганди" деяпсиз . Гапингизни қайси бири тўғри ?

- Ҳаммаси тўғри ! Сен мендан айб қидиргунча ўзингни бил хўп-ми ? - бирдан Мирсаид аканинг диққати ошиб кетди , - йўқ бу уйда ким қайнона ўзи ? Бу кишим келинларининг бурниларидан ошириб бир гап айтолмайдилар . Фақат мен ёмон кўриниб келинни йўлга солишим керак?!

- Вой , дадаси , бу нима деганингиз ? Уйимизда қилинмай қолиб кетаётган иш борми ўзи ? Рўзғоримиз катта бўлмаса , иш ҳам шунга яраша-да . Қани қайси иш қолиб кетибди- ки , мен келинга индамадим ?!

- Келининг доим бир дунё овқат қилади . Шу пайтгача камроқ пиширинг деб ўргатсанг бўлади-ку?! - Мирсаид ака тўнғиллади

- Ўтган ҳафтадаги хоним - хасипни айтяпсизми қолиб кетди деб ? Ўзингиз бир кун олдин тўядиган қилиб пиширларинг деганингиз- ку? Шунга сал кўпроқ пиширувдик . Аммо ортиб қолганини эртаси куни иситиб еганмиз .

- Мастиир , сени танимамай қоляпман . Ўқимишли келининг Али десам , Вали деб гап қайтаришни ўргатяптими сенга ?

Мастура жилмайди :

- Йўғ- ей , унақа эмас . Нотўғри хаёлларга борманг . Мен энди ўзгарадиган , ўзгартириладиган ёшда эмасман . Шунчаки ўша бировни боласи сизни , мени , ўғлингизни деб ўзининг иссиқ уйини ташлаб келганини айтяпманда . Битта инсон бошқа хонадонга бориб ўз фарзандидек бўлиб кетиши учун уч йил керак бўлар экан . Аммо мен набиралик бўлсак , бу йиллар шу заҳоти қисқариб кетади деб ўйлаяпман . Тўғрисини айтинг , набиранингиз бўлишини истамайсизми ? Мен ширингина қизалоқ набирам бўлишини жудаям истаيمان . Сиз- чи ?

Мирсаид ака дарровда бўшашди :

- Қиздир , ўғилдир умри билан , ота - онаси билан берган бўлсин .

- Амин , дадаси , амин ...

- Мастиир , - деди Мирсаид ака аёлига меҳр билан тикилиб , - биламан чарчагансан , аммо шу топда сен дамлайдиган битта аччиқ чойдан бўлса йўқ демасдим...

- Аллақачон термосга дамлаб қўйганман , дадаси ...

- Ундай бўлса жуда соз , юр бир чойхўрлик қилайлик...

- Аммо эслаб қўйинг , аччиқ чой уйқуни қочиради .

- Ҳеч- да , менда тескариси ...

* * *

Эртаси куни Ҳилолани шифохонага олиб борган Мастура опа кутилмаганда ... аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

18-ҚИСМ

шифокор- генеколог Гулчеҳра Азизовна Ҳилоланинг дарҳол УТТ текширувига йўллаши билан ҳайрон бўлиб қолди.

- Тинчликми , доктор ? Келинимга иситмаси чиқишига қайсидир касаллик сабаб бўлаяпти дея гумон қилаяпсизми ?

- Опажон, - деди шифокор оғир - вазминлик билан , - сиз ҳавотир олманг , бу одатий текширув. Биз ҳар доим ишни шундан бошлаймиз. Балки вазиятга қараб бирин- кетин бошқа тахмин қилиб кўришимиз мумкин бўлар.

- Узр , синглим Гулчеҳраҳон. Келинимни яқинда туширганмиз, - шифокорга ҳижолатомуз тушунча берган бўлди Мастура опа , - шунга бировни боласи деб касал бўлганда ота- онасидан ҳижолат бўларкан-да одам. Мен сизга айтсам қайнона бўлиш ҳам анчайин катта маъсулият экан.

- Қани эди ҳамма қайноналар ҳам сизга ўхшаб куйинчак бўлишса,- шифокор қоғоз тўлдирди туриб гапираркан Мастура опага бир назар ташлаб қўйди , - бироқ сиз асло ташвиш чекманг , насиб қилса ҳаммаси яхши бўлади .

Мастура опага ҳам Ҳилола билан бирга УТТ хонасига киришга руҳсат беришди. УТТ текширувчиси ўзини Зуҳраҳон деб таништирган аёл хуш муомала , лобаргина жувон экан.

- Ҳўўўшш, "Кайнанашка" , - деди у монитордан кўз узмаган ҳолда кўтаринки кайфиятда Мастура опага кулимсираб гап отиб , - мендан келинингиз ҳомиладор деган хушхабарни кутиб турибсиз, топдим-ми ? Аммо мен сизни қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдириб бу хабарни айта олмайман. Бироқ дарровда кайфиятингиз ҳам тушмасин. Негаки уни ҳомиладор эмас деб ҳам айтолмайман. Қизимиз ҳомиладор бўлиши мумкин. Фақат бу ҳомиладорлик жудаям кичик "срок" , яъни муддатда бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна умидлантириш учун шуни айта оламан- ки , айнан ҳомиладорлик кўп ҳолларда организмда ана шунақа "кўзғалон" бошлаб қолади.

Мен хулосага ҳам худди шундай "Ҳомиладорликка тахмин қилинади" деб ёзиб бераман. "Кизимка"- деди Зуҳраҳон Ҳилолага эркалаган куйи,- қани ёнбошлаб ётинг-чи , бир буйракларингизни ҳам кўриб қўяйлик. Ҳўўўш ...Хўш. Буйракларимиз ... Буйракларимиз керак ҳажмидан биров ортиқроқ. Яна туз деганлариям анча бор кўринади.

Зуҳраҳон шундай деб Мастура опани монитор экранига қарашга чақирди :

- Ана кўраяпсиз-ми ? Манави оқ майда "точка- точка"ларни бари туз.

- Бу ... Бу ҳавфли эмасми ? - Мастура опанинг ранги зумда ўчди.

- Йўғей , ҳавотирга ҳожат йўқ . Бундайлар сон мингта. Озроқ "лечения" оласизлар ва

келинингиз кўп ўтмай "Сен кўр, мен кўр" бўлиб кетадилар . Сиз ҳозир гинекологга мен чиқарган хулосани олиб борасиз , улар пешоб ва қон таҳлилига йўлланма берадилар. Шунингдек урологга ҳам учрашишингизни тайинлайдилар .

Сиз хотиржам бўлинг. Барчаси яхши бўлади , - у шундай деб Мастура опага қошини қоқиб қўйди,- насиб қилса кейинги келишингизда набирангиз ҳам аппаратимизда "ажиии" деб кўриниб қолса ажабмас

- Вой тилизга шакар , - деди Мастура опа тўлқинланиб , - илоҳим айтганингиз келсин, Зухраҳон.

Бу ёғига худди Зухраҳон айтгандек бўлди.

Генеколог Гулчеҳра Азизовна Ҳилолага пешоб ва қон таҳлили топшириши ҳамда уролог кўригидан ўтишга буюрди.

@Xazon_Rezgi /52 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа уролог шифокор ҳузурда ҳам келинингиз ҳомиладорликка тахмин қилинаётганини айтиб , шу ҳолатни эътиборга олишни ўтиниб сўради.

- Албатта эътиборга оламан,- дея уни тинчлантирган бўлди кўкрак чўнтагига "Олий тоифали шифокор Воис Ҳамроев" деб ёзилган бейжик қистирилган шифокор , - ундай бўлса ҳозирча сизларга бирмунча кучсизроқ дориларни тавсия қилиб кўраман. Аслида ўзимнинг ҳам дарровда кучли - кучли уколларнинг тайинлаш одатим йўқ.

Бироқ шифокор тайинлаган ўша кучсиз деб аталган уколлар Ҳилоланинг аҳволини енгиллаштиради.

Сулаймон онаси ва Ҳилолани уч кун ичида яна уролог Воис Ҳамроев ҳузурга олиб боришга мажбур бўлди.

- Ҳаа , энди муолажа учун бошқа даво танламасак бўлмайди.

- Ука , бу кучли дорилар яна ҳомилага ... - Мастура опа гапини давом эттиролмай чайналди .

- Опажон , биринчидан келинингизга аниқ ҳомиладор деган ташхис қўйилмаган. Иккинчидан уни дард билан юз-юзма ташлаб қўя олмаймиз . Жони оғриб турибди ахир . Танаси қақшаб турса қандай қилиб уни ҳеч нима қилмай ушлаб ўтиришимиз мумкин. Ҳомилага келсак... Айтишади- ку, бақувватидан берса ҳеч гапмас деб. Мен ҳозир барча эҳтимолларни назарда тутиб бошқа укол буюраман.

- Майли , укажон , хўп. Сиз нима десангиз шу . Ўйлаб кўрсам сўзларингизнинг бари тўғри . Ахир давлат сизни шунча йил бекорга ўқитмаган,- деди Мастура опа мўлтираганча , - бу ёқда келиним ҳам қийналиб кетди.

- Опажон , ҳозир мен сизга битта нарсани сўзлаб бераман хайрон қоласиз. Энди бу ёғи тиббиёт . Шунга очиқдан очиқ ҳикоя айтаётганим учун узр . Сизга озроқ далда бўлсин, бироз хотиржам бўлинг деб сўзлаб бермоқчиман-да буларни .

Хуллас , менга бир беморим бўлган онахон сўзлаб бергандилар бу ҳикояни. Ўша онахоннинг бир неча фарзандлари бўлган экан. Навбатдаги фарзандларига ҳомиладор бўлганларида қаердандир бир тухмат бўлиб эрлари қамалиб қолибди. Шунда улар "Энди эрим узоқ йилларга

қамалиб кетсалар керак, ёлғиз ўзим бир этак болани қандоқ боқаман ?" деб қорниларидаги ҳомиладан қутилишни режа қилибдилар. Бунинг учун жуда қизитилган иссиқ ҳаммомга кирибдилар , ваннани қайноқ сувга тўлдириб уни ичида юраклари гурс- гурс уриб кетгунча бир соатдан ошиқ ўтирибдилар.

Аммо ... Ҳомилага ҳеч нарса қилмабди. Вақти - соати келиб туғилгунча эрлари ҳам оқланиб ёнларига қайтибдилар. Улар менга "Воисжон болам, яхшиям шу боламини Худонинг асрагани. Ҳозир шу кенжа ўғлим топармон- тутармон бўлиб вояга етиб мен билан хўжайинимни Ҳажларга юборди. Шу болам туфайли еганимиз олдимизда , емаганимиз кетимизда . Аммо- чи , қорнимдалигида мажбурлигимдан унга қилган ноҳақлигимдан ҳалиям юрагим эзилади , ўзигаям буларни айтиб берганман. Болам бояқиш эса бу ҳикояни эшитиб мени кучоқлаб қўлида кўтариб ҳовлида чир- чир айлантурса денг. Нуқул "Ойижон , аввалоси Худо , қолаверса сиз борлигингиз учун мен ҳам шу ёруғ олам юзини кўрдим , энг муҳими шу, қолганлари эса шунчаки бўлиб ўтиши керак бўлган ишлар" дейди.

Мастура опанинг чиройи очилди. Шифокорга қайта - қайта раҳмат айтиб, у янгитдан ёзиб тутқазган дорилар рўйхатини олиб Ҳилола билан бирга йўлга тушишди.

Улар йўлдан керакли дори- дармонларни сотиб олиб уйга қайтганларида , узоқдан дарвозалари тагида турган Мирсаид акани кўриб ҳайрон қолишди. Одатда Мирсаид ака бундай вақтда ишда бўларди.

Сулаймон ўзи бошқараётган спарк машинасида отаси томонга яқинлашиб қолганда , Мирсаид аканинг ёлғиз эмаслигини кўриб қувониб кетди. Ахир отасининг ёнида ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

18-ҚИСМ

машиналари юкхонасидан майда-чуйда нарсаларни Ақромжон туширишга кўмаклашиб турар эди.

- Ойижон , - деди Сулаймон Мастура опага шодон овозда , - қочқоқ ўғлингиз келибди.

Мастура опа ўз хаёллари билан андармон бўлиб келаётган экан чоғи Сулаймоннинг сўзларига дастлаб тушунмади :

- Ҳаа ? Нима ?! Бирон нарса дедингми ?

Сулаймон кўзи билан дарвозалари олдига ишора қилди :

- Бир қаранг ...

Мастура опа у тарафга қараб аввалига бироз талмовсиради , назарида "Тушимми ё ўнгим?!" дея ўзига савол берган бўлди , аммо тез орада юзи ёришди :

- Вой ўлмасам ?! Ақромжонми ?!

Қадди - бастлари сумбатдай йигит бўлиб қолибди-ю ?! Онагинанг ўргилсин . Бирам соғингандим. Ўзим ҳам айтяптувдима нега эрталабдан ўнг кўзим учаяпти деб ?!

Сулаймон машинасини дарвозалари олдига тўхтатиб , ундан деярли сакраб тушди:

- Ёппирай , тўхта ўзимни бир чимчилаволай?! Нечук биз ғарибларни йўқлаб қолибсиз ,

Ақромбойвачча ?!

У шундай деб Ақромга отилди. Икковлари бир- бирларини қучоқлаб , кўтаришиб бир - икки айлантеришиб ерга қўйишди.

- Сулаймон тоғни олдиға бормагандан кейин, тоғ Сулаймоннинг олдиға келар экан , - Ақромжон шундай деб садафдек тишларини ялтиратиб кулди .

- Ўўу тоғ жаноблари , қойил қойил , - кулди Сулаймон, - ўзимам айтувдим ишонган тоғим ким экан деб ? Сен экансан-да ?!

Бу вақтда Мастура опа машинадан тушиб улгурган эди:

- Ақромжонимдан ўргилай , - деди у қучоғини очиб йигитчанинг томонга талпинар экан,- бормисан, болам ?! Кўзларим йўлингда нақд тешилди- я ?!

- Ассалому алайкум, ая , - деди Ақром Мастура опанинг бағрига сингиб , - бир қошиқ қонимдан кечинг , вақтида ҳол сўраб келолмадим.

- Индамаса кўчада қишлайдигансизлар , қани уйга,- деди Мирсаид ака, сўнгра Мастура опага таънали боқди , - Ақромжонни соғинганинг шуми? Меҳмоннинг ҳурмати қани? Бундоқ чой- пой қўйинглар аввал .

- Ота , мен меҳмон эмасман- ку,- ҳижолат бўлиб гапирди Ақром, кичик ўғлингизман ахир .

- Ўғилликка ўғлимизсан , аммо ҳозир узоқ йўлдан келдинг. Қани юринглар.

Шу пайт бир четда ийманиб турган Ҳилолани кўрган Ақром унга ҳам қўлини кўксига қўйиб салом берди :

- Келинойиммилар булар? Ассалому алайкум, келинойи?!

Ҳилола ёши ўзидан каттароқ кўринган йигитнинг саломидан дув қизариб кетди . Ўзини ноқулай сезиб шоша - пиша :

- Ассалому алайкум , - дея олди халос.

- Ваалейкум ассалом, яхшимисиз ? Янги уйларга ўрганиб қолдингизми, келинойи ?

Ҳилола индамай "ҳа" дегандек бош силкиди. Қайнонасидан кўмак сўрагандай у тарафга қаради.

Мастура опа дарҳол вазиятни қўлга олиб Ақромжонни иккинчи бор уйга таклиф қилди :

- Ақромжон, келганинг бирам яхши бўлди-ки , - деди у жилмайиб , - юр бир дийдорингга тўяй .

* * *

Мастура опа Ақромжонни меҳмонхонага киргизиб ўзи хонасида кийимларини алиштираётганда Мирсаид ака ундан Ҳилоланинг соғлиғини сўради :

- Бу сафар нима гап топиб келдинг , хотин ?! Нима учун келинингни иссиғи тушмаётган экан ?

@Xazon_Rezgi /54 #КҰНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа осойишта жавоб қайтарди :

- Ҳаммаси жойида, дадаси . Аниқроғи энди жойида бўладиган . Ўтган сафар ўзим шифокордан "Тағин келинимиз ҳомиладор бўлса ножўя таъсири бўлмасин" дея енгилроқ дорилардан укол ёзиб беришларини сўрагандим. Ўша уколлар яхши таъсир қилмабди. Бугун кучлироғига алиштиришди .

- Гўдак-чи ? Унга нима бўларкан бу аҳволда ?! - Мирсаид аканинг зумда диққати ошди.

- Шифокор барчасини ҳисобга олди , дадаси. Ташвиш чекманг . Ундан кейин айтишади-ку "Ташлаганга тош тегмайди" деб.

- Нимага ўша ҳисобни аввал бошда олмади ўша шифокор ?! Сенларни қайта- қайта оввора қилмасдан ?!

Мастура опа чуқур хўрсинди. Қараса эри ўша шифокор билан бориб кўтара савдо қилишдан тоймайдиган.

- Дадаси- ей , ҳозиргина тушунтирдим- у , енгил дори ёзгин деб уни ҳоли-жонига ўзим қўймаганлигимни. Нима қилай ? Мен ҳам ўша дорилар эм бўлар деб ўйлабман-да .

- Ҳмм , ҳар галгидек ҳол қўйганман дегин ?! Ўзи битта жойга борсанг ...

- Айтганингизман, дадаси , ҳол қўйувчиман , кўндим. Энди кўнглингиз тинчидими ?- Мастура опа бу мавзунини тугатгиси , аниқроғи Ақромжоннинг дийдорига тезроқ тўйгиси келарди, - юрақолинг, Ақромжонингиз кутиб қолади .

* * *

Ақромжон Мирсаид аканинг қўлига ишга келганда энди мўйлаби сабза урган ўспирин йигитча эди. Мирсаид ака уни шу яшаб турган уйларини қураётган вақтда ўзи харид учун борган темир - терсак бозорида арава итариб одамларга сув, шарбат сотаётган вақтида илк бора учратиб қолган эди. Ўшанда навбатдаги харидини қилиб чиқаётган вақтда чўллаб туриб Ақромжондан бир баклажка муздек минерал сув сотиб олгани ёдида. Уйга қайтиб келганда ортидан қурилиш материалларини ортиб келган юк машинаси билан ҳисоб - китоб қилай деса ҳамёни жойида йўқ. Ҳаммадан ҳам улар орасидаги уч юз долларнинг қўшиб йўқолгани таъбини анчагина хира қилганини ҳали-ҳануз яхши эслайди. Охири "Куйгандан нима фойда ?! Ё, Аллоҳ ! Топиб олган одам муҳтож бўлсин- у, йўқолган пулларим бир кунига ярасин " дея ғойибона ўша пуллардан кечиб юборди.

Орадан уч кун ўтиб харид учун яна ўша бозорга боришга тўғри келди .

Бу сафар ҳам харидини амалга ошириб қайтаётиб ўша рангпаргина сув сотувчи болага дуч келди. Мирсаид акага кўзи тушган боланинг кўзлари яшнаб кетди. Муздеккина сувлар ортилган аравасини жадаллаб унинг ёнига келганда , Мирсаид ака бу сафар энди унинг кўнгли учун сув сотиб олмоқчи бўлди. Аммо бола унга эътибор бермай аравасининг тагидан полиэтилен пакетга ўралган ўзининг ҳамёнини олиб узатганда ҳанг- манг бўлиб қолди.

- Амакижон , сизни қайта учратганим бирам яхши бўлди-ки , бугун елкамдаги тоғдан

қутиладиган бўлдим.

У ҳамённи узатиб дарровда ортига бурилди. Мирсаид ака унга етиб олиб "суюнчи" сифатида эллик минг олишга аранг кўндирди.

Уйга келиб бўлган воқеани Мастура опага гапириб берган Мирсаид ака кутилмаганда аёлидан :

- Дадаси , бу пуллар сизга харом , - деган сўзларни эшитиб ҳайрон бўлди . □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

19- ҚИСМ

- Ҳаа тинчликми ? ! - деди Мирсаид ака аёлининг дабдурустдан айтган сўзларидан ҳайрон бўлар экан.

- Дадаси , ахир ўзингиз "Топиб олган муҳтож бўлсин- у, йўқолган пулларим бир корига ярасин" демаганмидингиз ?

Мана Аллоҳ сизнинг лафзингизни текшириш учун пулни қўлингизга қайтариб келтириб қўйди. Эгасиям тайин. Йигитчанинг айни ўқийдиган ёшида арава тортиб юриши муҳтожлигидан дарак эмасми ? Хуллас , ҳозир кафтингизда турган пуллар ўз қарорингиз билан аллақачон ўша йигитчанинг ҳалолига айланиб бўлган.

Агар Аллоҳдан ҳаё қилсангиз бу...

- Бўлди , уларни эгасига қайтараман,- Мирсаид ака зумда бир қарорга келди , - истасанг мен билан юр. Сеням бир бозор айлантириб келай.

Мирсаид аканинг аёлини ўзига ҳамроҳ қилишдан мақсади бошқа эди.

У аёли Мастурадек териб- териб, жой- жойида гапира олмас эди. Мирсаид ака сув сотувчи ўша ўспирин топиб олган пулларини олишни мабодо рад этса шўппайиб қайтиб келишдан бошқа иложи йўқлигини тахмин қилган эди.

Ўзини Акромжон деб таништирган йигитчани қайта учратиш қийин иш бўлмади. Бироқ вазиятни тушунтириб пулни беришган вақт уни олишга кўндириш ҳақиқатдан ҳам мушкул бўлди . Гап орасида Акромжоннинг яқин атрофдаги махаллада яшашини билиб олган Мастура уни уйларига бориш учун руҳсат сўради. Қаршисидаги дилбаргина аёлнинг таклифини рад этолмаган Акромжон елкасини қисганча уларга йўл бошлади .

Акромжоннинг онаси Ҳафиза опа ҳам ўғли сингари камсуқумгина аёл экан. Одмигина хонадонда онаси, Акромжон ва синглиси Ҳамида яшашар экан. Кейинчалик орадан вақт ўтиб ҳар икки оила яқин бўлиб кетишганларида шуни билдилар-ки, Акромжоннинг дадаси бошқа бегона аёлга илакишиб гулдек оиласини тақдир измига ташлаб кетган экан.

Ҳафиза опанинг оиласи билан танишганларидан бир ой ўтар - ўтмас, Мирсаид ака Мастура опа билан яна улар хонадонларида пайдо бўлишди . Бу сафар улар ўзларининг нисобга етган пулларидан ажратган закот ҳамда унга қўшимча равишда бир таклиф билан ташриф буюришган эди.

Ҳафиза опа эр-хотиннинг Акромжон бўш вақтларида қизиб ланфиллаб ётган бозорда сув сотиб эмас , балки салқингина дўконларида савдо билан шуғулланиш ҳақидаги таклифига ўйланиб туриб , ийманибгина кўнди.

Ўша кезлари Мирсаид аканинг қўл остида тўртта катта-кичик дўконлар юритилар эди. Ақромжон ўспиринлик йиллариданоқ анча укувли шогирд эканлигини кўрсата билган эди. Орадан йиллар ўтиб Мирсаид аканинг дўконлари сони ўнтадан ошиб кетган вақтда Ақромжон уларнинг барчасини юритадиган иш бошқарувчи бўлиб танилган эди. Бу йиллар ичида у синглисини ота ўрнида ота бўлиб узатди. Уч йил аввал эса туйқусдан энди рўшнолик кўраман деган онасидан ажралиб қолди. Онасидан ажралган Ақромжон ҳувиллаган уйига сиғмай қолди. Ўша йилининг ўзида Россиядаги тадбиркорликка ўқитадиган аллақайси институтга масофавий имтиҳон топширди- ю , омади чопиб талабага айланди.

@Xazon_Rezgi. /56 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мана уч йилдир- ки , у Россияда таълим олиб келмоқда.

Сулаймондан бир ёш кичик бўлган Ақромжон Мирсаид ака уни ишга қабул қилган йилдан буён у билан ака - укадек чиқишиб кетган эди. У Мирсаид акаларникига кўп бора келар , гоҳида Сулаймоннинг хонасида тунаб қолиб , эрталабгача суҳбатлашиб , бахслашиб чиқар эдилар. Мастура опа ҳам кўнглида заррача кири бўлмаган Ақромжонни оналик меҳри билан суюб қолган эди.

Ақромжон чет давлатга ўқишга кетгандан буён ёзги таътил вақтида бир ойга она юртга қайтар , бу ердаги кунларининг асосий қисми шу хонадонда ўтар эди.

У ўқиши сабаб Сулаймоннинг тўйига кела олмаган эди. Аммо бу йил одатига ҳилоф равишда қишки таътилда бир ҳафта бўлса ҳам қадрдон хонадонига келишни кўнглига туккан эди.

Ҳилола Ақромжон ҳақида бирда, ярим эшитган бўлса-да , унинг ушбу келинлик оиласи аъзолари учун бу қадар суюкли эканлигини ҳис қилмаган эди . Бугун хонадон аҳлларининг бу йигитга қилган муомаласини кўриб , ўзи ҳам меҳмоннинг ҳурматини чиройли қилиб жойига қўйиш кераклигини фаҳмлаб улгурган эди.

Мирсаид ака билан Мастура опа меҳмонхонага бошлашиб киришганда Сулаймон ва Ақромжон қизғин суҳбатни бошлаб юборишган , Ҳилола бўлса меҳмоннинг иззатини жойига қўйиш мақсадида шундоқ ҳам тўкин дастурхонни янада тўлдириб юборган эди.

Ота- онасидек бўлиб қолган Мирсаид ака билан Мастура опа хонага бошлашиб киришгач, Ақромжон уларнинг ҳурматига қўлини кўксига қўйганча қайта ўрнидан қўзғалди .

- Ўтиравер , болам,- деди Мирсаид ака унга меҳрли кўзларини тикиб .
Шуниси ажабланарли эди- ки , барча жойда ўзининг қаттиққўл табиатини кўз- кўзлашни яхши кўрадиган Мирсаид ака Ақромжонга келганда сира бундай қила олмасди. У гоҳида бунинг сабаби нимада эканлигига ҳам ўзи ҳайрон бўлар , кўпинча эса барини йигитнинг ўксик кўнгли билан боғлар эди.

- Отажон , бардам - бақувват, яхши юрибсизми ? - сўрашган бўлди Ақромжон Мирсаид ака билан , - сиз- чи ая ?! Туззукмисиз ?

Ақромжон сўраша туриб ўрнидан қўзғалди ва сал аввал хона бурчагига қўйиб қўйган каттагина портфелини бориб олиб келди.

Ақромжон портфелини очиб чиройли қилиб қадоқланган бир буюм чиқариб қаршида ўтирган Мирсаид акага узатди :

- Отажон , бу сизга . Туянинг юнгидан тўқилган белбоғ-бандаж. Чўзилиб кетмайди. Бу йилги киш Ўзбекистонда ҳам Россияникидан қолишмаяпти экан. Шунга бағрингизни иссиққина тутар деб шуни олгандим,- Акромжон кейинги ўралган пакетни очаркан бу сафар ўрнидан туриб қўлидаги рўмолни Мастура опанинг елкасига ташлади , - аямга эса эчки юнгидан тўқилган иссиқ рўмол. Елкангиздан қўйманг , ая.

Мирсаид ака билан Мастура опа Акромжонни узоқ дуо қилишди.

Дуодан сўнг Сулаймон Акромжонга тегишди :

- Менга-чи ? Мозорбости қилиб бирор нарса обкелмадингми ? Ёлғизгина аканг бўламан- а, номард ? Акалик ҳурматим шуми ?

Акромжон ҳам бўш келмади :

- Ака ! Ўзи яқинда уйланган бўлсангиз ?! Куёвлик сарпосидаги кийимларни ҳали бир- икки йил киярсиз?! Шундаймасми ?

- Шундайликка шундайку-я , сен совға қилган нарсанинг қадри бошқача эди- да...,-Сулаймон шундай дея ёлғондакам хўрсинди.

- Вой - бў ака, дарровда лаб бурманг- да. Сизни унутиб бўлармиди ?! Сизга ҳам совғам бор . Тўғрироғи келинойимга тўй совғаси.

Акромжон портфелидан бу сафар ялтироқ, энсиз , аммо узунлиги бир қарич бўлган қути чиқарди :

- Ака, буни келинойимга бериб қўясиз.

Сулаймон қутини Акромжоннинг қўлидан олиб оҳиста очди.

@Xazon_Rezgi / 57 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Қути ичида чиройли кўзчалар билан безатилган билак занжири турар эди.

- Вой- бў, бунчаям чиройли бўлмаса , - деди Мастура опа Сулаймон унга узатган занжирни кўздан кечира туриб , - болам ўзинг талаба бўлсанг , шунча совға - саломга пул сарфлаб ўзингни қийнаб қўйибсан.

- Ая , ўқишдан бўш пайтимда у ердаям ишлайман. Пулларим анча тўпланиб қолган. Кейин ёлғиз бошимга қанчаям ҳаражат қилардим?! Қолаверса битта - ю , битта акам бўлса. Буни келинойимга беринг . Мен синглим Ҳамидагаям худди шунақа занжир олдим.

- Раҳмат , болам. Барака топ . Аллоҳим бирингга минг, мингингга туман берсин. Ундан кейин Сулаймон аканг ҳам совғангга яхши кунларингда яхшиликлар билан жавоб қайтарсин.

Шу пайт эшик очилиб Ҳилола чойнакда иссиқ чой олиб кирди.
У чойнакни столга қўяр экан Мастура опа уни ёнига чақирди:

- Қизим , бу занжирни аканг тўй совғаси сифатида сенга олиб келибди .

Ҳилола қизарибгина совғани олди ва Ақромжонга аранг:

- Катта раҳмат , мулла ака . Пулингиз кўп бўлсин , - деди.

- Ота , ая , - деди Ақромжон,- менга энди руҳсат берасизлар . Аэропортдан тўғри сизларникига келган эдим. Энди уйга ўтиб ... - шу сўзларни айта туриб унинг овози титради , - мазорбошига бориб онамни йўқлай . Кейин Ҳамиданикига ҳам бориб келишим керак. Болалари кўз ўнгимдан бир- бир ўтиб кетяпти. Синглим ҳам сизларга ўхшаб келишимдан беҳабар эди. Бир сюрприз қилай.

Мирсаид ака Ақромжонга ноилож руҳсат берди :

- Ҳозирчаликка майли , ўғлим. Аммо кечга қайтиш шарти билан.

- Ота , эртага шунақа пайтларда қайтаман. Барча қариндош, таниш - билиш , синфдошларимни бир-бир кўраман- у , кейин сизнинг ихтиёрингиздан. Руҳсат берасизми, ота?

Мирсаид ака "Маъқул"дея бош ирғаб , қўлини дуога очди.

* * *

Одатда янги йил байрамни байрам ўрнида кўрмайдиган Мирсаид ака бу сафар Ақромжоннинг шарофати билан ёйилиб ўтирди. Ақромжон ҳақиқатдан ҳам унинг кўнглидан мустаҳкам жой олган эди.

Боз устига Ҳилола кеча ва бугун олган осма уколлар таъсирида анча жонланиб қолганди. Аммо Мастура опанинг назаридан бир нарса қочмаётган эди. У ҳам бўлса келини Ҳилоланинг ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

20- ҚИСМ

деярли ҳеч нарса емаётгани эди. Ҳайрон бўлган Мастура опа Ҳилола ошхонадалигини пойлаб ортидан борди:

- Ҳилола , - деди у алоҳида назокат билан , - бундай разм солиб қарасам , кечадан буён ҳеч нарса емаяпсиз. Биз ўзимиз , яна Ақромжон билан бўлиб сизга ортиқча эътибор бермадик чоғи. Аммо кечаги ва бугунги уколлардан кейин иситмангиз чиқмади, қадам олишингиз анча енгил. Аҳволингиз яхши томонга ўзгарди- ю ... Нимагадир ҳеч нарса емаяпсиз?! Ё менга шундай туюлдими ? Ошхонада у , бу нарса чимдиб еб оляпсизми деб хаёл қилай, кўнглим жойига тушсин десам авваллари сира бунақанги ҳолатга дуч келмаганман. Есангиз майлику-я , қайтага ҳурсанд бўлардим.

Ҳилола дув қизариб ерга қаради :

- Емаяпман , ойижон , - деди у кўзларини мўлтиллаганча аранг,- тўғрироғи егим келмаяпти. Ўзимни зўрлаб бирон нарсани оғзимга солсам, ўқчиб ...

Мастура опанинг юзи ёришиб кетди :

- Вой ўзим ўргилай , келинимдан. Мен айтган эдим- а ... Ҳалиям айтаман ўша гапни. Сиз аниқ ҳомиладор бўлсангиз керак , - у шундай деб ўйланиб қолди , - аммо ... Аммо бўш қоп тик турмайди. Агар уйда бор егуликларни таъбингиз тортмаётган бўлса , унда ... Унда кўз ўнгингиздан лип - лип ўтаётган нимадир бўлса ўша нарсани номини айтинг. Шу дардингизни давоси бўлади. Раҳматлик қайнонам "Кўнглингиз тилаган нарсани тўйиб есангиз , таксикоз тез таркайди" дердилар .

Сиз ҳам қайсидир егуликни жудаям егингиз келяптими ? Шундай бўлса асло тортинманг . Аллоҳга шукр , ҳозир юртимизда топилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Яқинда додажонингиз билан супермаркетга бориб оғзим ланг очилиб қолди. У ерда сотилаётган мева- чеваларни кўпини умрим давомида энди кўришим . Ҳаа...

Ҳилола , бемалол , сиз ҳам егингиз келганини айтарсиз , хўп ?- Мастура опа кейинги сўзларини кўнглида давом эттирди : "Бошиқоронғи келинга ниманидир харид қилиб , оғзига тутишнинг ҳам гашти ўзгача. Бунда хатто ўша нарсани ўзинг егандан ҳам аъло завқни туйишинг аниқ бўлса керак".

Ҳилола кўзлари билан ер чизди. Мастура опа унинг дилидагини айта олмай ҳижолат тортаётганини фаҳмлади :

- Ҳилола , сиз мени "Ойижоним ниманидир егим келганини қараб туриб билиб оладилар" деб ўйлаяпсизми ? ! Мен бу даражада кишининг фикрини ўқийдиган зеҳнлимасман. Хуллас , бу ишни ўзингиз қилишингиз керак , яъни кўнглингиз тусаган нарса номини айтишни назарда тутаяпман- да.

- Ойижоооон ... Битта дона ...

- Ҳааа ?!

- Бир донагина... шафтоли топишнинг иложи бўлармикан- а ? Биитта бўлса етарди.

Мастура опанинг чеҳраси ёришди:

- Иложсиз нарсанинг ўзи йўқ . Фақат ҳозир янги йил киришига озгина дақиқа қолди . Барча дўкон , супермаркетлар ёпилди ҳисоб. Энди эрталабгача сабр қилиб турасиз. Унгача шафтоли шарбати ичиб турунг. Жуда ўрнига тушмаса-да , аммо ҳар қалай тафтингизни босиб туради.

Эртасига Мастура опа ҳар тонгдаги каби бугун ҳам эрта сахардан туриб олган Мирсаид акани тезлашга тушди:

- Жооон дадасиии , бизга шафтоли топиб келмасангиз бўлмайди. Ҳилолангизни кўнгли шафтоли тусаб ҳеч нарса емаяпти. Жооон ...

- Хотин , туриб - туриб сенга ҳайрон қоламан. Ўзингни калланг билан ўйлаб гапиряпсанми шу гапларни ?! Бир ёқда ҳали сўфи бетини ювмаган ғира - шира бўлса ?! Жиллақурса тонг ёришсин ? Шунга кўнарсан , марҳамат қилиб ?! Иккинчи тарафдан кеча барча савдо шаҳобчалари бор имкониятини ишга солиб меҳнат қилди . Бугун йилнинг энг биринчи куни , биринчи чисода кўпчилик дўконлар ишламайди. Қолаверса шу бугун одамларнинг ўзидаям дўконга боришга рағбат йўқ.

- Майли , дадаси . Кун ёришгунча кутамиз . Бироқ кўчаларни бир айланиб , қайсидир дўконларда савдо бўлаётганини текшириш аҳдидан қайтганим йўқ . Энг катта супермаркетлар ишласа керак. Бизнесга фалон пул тиккан тижоратчилар учун бир кун ҳам жуда катта йўқотиш

бўлиши аниқ. Ахир ...

- Ахир ?! Қанақа ахир ?! Ўша бизнесменларинг бугунни , нафақат бугунни балки бутун январь ойини ҳисоб- китобини янги йилдан аввалги бир хафталик савдода аллазамон жой- жойига қўйиб бўлишган. Бекорга катта тижоратчи бўлишмаган- да улар ?!

@Xazon_Rezgi / 59 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа бўшашди :

- Ҳеч бўлмаса бозорлар- чи ? Қайсидир бозорлар ишласа керак?!

Мирсаид аканинг тоқати- тоқ бўлди :

- Хўп , ҳозир йўлга тушаман ! " Мирсаид қачон шафтоли қидириб келаркан ?!" деб йўлимга кўз тикиб ўтирган бозорчини албатта қидириб топганим бўлсин ?!

- Майли , дадаси . Бутун бошли Тошкентда икки дона шафтоли топилмаса нимаям дердим ?

Мастура опанинг хомуш чеҳрасига қараб Мирсаид ака чидаб туrolмади :

- Менга қара , нега ўзинг учун лоақал бирон марта бир нарса сўрамагансан?! Эринг бўлиб "Фалон нарса егим келди" деган гапингни эшитмаганман. Келин яримта нарса сўраганда эса индамасам оламни бошингга йиғиб уввос солиш пайдансан ?

Мастура опа маҳзунгина жилмайди :

- Дадаси ? Нима учун сиздан бирор нарса сўрамаганман ?! Сабабини айтайми ? Чунки мени кўнглим нимани тусаса бу ҳали нима эканлигини англаб улгурмасимдан сиз кўчадан қучоғингизни ўша нарсага тўлдириб кириб келардингиз. Мен рости жуда ҳайрон қолардим. Бу қандай бўлиши мумкин деб ?! Қизиқ- да ўзиям. Олма егим келса олма , нок егим келса нок , тўй оши егим келса тўй оши ўзидан-ўзи ҳозир- у нозир бўларди. Сиз эса шу нарсаларни бирам егим келди- ки, асти чидай олмадим. Бутун фикри хаёлим шу егуликларда бўлди-я ? Аммо сенсиз бир тишлам ҳам тишлагим йўқ дердингиз.

Кейинчалик ўйлаб бир тўхтама келдим . Фикри ожизимча , буларни барини Аллоҳ кўнглингизга солиб қўйган. Ахир Аллоҳга осон.

Аёлининг сўзларидан Мирсаид ака ҳам ҳовуридан тушди:

- Унда Сулаймонинг келин учун нега ҳаракат қилмайди ? Ёки ҳис келиннинг кўнгли тусаганини ҳис қилмаяптими ?!

- У ҳам сиздек бўлгунча ҳис қиладиган бўлиб қолар , дадаси . Қолаверса улар билан бизнинг фарқимиз жудаям катта. Болаларимиз айтарли қийинчилик кўрмай ўсишди. Аввало шунисига шукр. Сиз билан мен эса бу даражага етишгунча хазилакам кунларни кўрганимиз йўқ... Ҳа майли ...

- Бўпти, тонг ҳам ёришди. Бориб шафтоли қидириб келай. Ёшлигимда бир эртак бўларди. Ўшанда бир етим қиз қишнинг қаҳратон чилласида ўгай онаси томонидан ялпиз териб келишга

жўнатиларди. Бу дейман эртақлар ҳам ҳаётдан олинар экан- да ?!

- Дадаси-ей ?! Норози бўлмай "Алҳамдулиллаҳ" десангиз- чи ?

- Йўғей , ҳечам норозимасман . Шу кунларни кўрганимизга , кўрсатганига шуқр ...
Алҳамдулиллаҳ онаси , алҳамдулиллаҳ...

Мастура опа эри билан шафтоли қидириб бирга бора олмади. Уйларидаги суюкли меҳмон Ақромжонни ташлаб кетишга кўзи қиймади. Ақромжоннинг эртага Россияга қайтиб кетиши маълум бўлгач , Мастура опа унинг дийдорига янада кўпроқ тўйиб олишни ният қилган эди.

Мирсаид аканинг шу чиқиб кетганича уч соат деганда ҳам дараги бўлмади. Мастура опа энди ҳуноб бўла бошлаганда ундан кўнғироқ бўлиб қолди. Одатда Мастура опа эри рудалигида сира кўнғироқ қилмас , йўлда уни чалғитиб қўймай деб қанчалик хавотир олмасин ўзини босишга ҳаракат қилар эди. Аёлининг бу одатини яхши билган Мирсаид ака лозим кўрганда илож топди дегунча ўзи кўнғироқ қилишга интиларди

- Ассалому алайкум, дадаси , -Мастура опа салом берди-ю, эрининг азмойишини кутиб орага бошқа сўз қўшмай жим бўлди. Ўзи суҳбатдош учун "Ассалом"дан ҳам чиройли кириш сўзи бўлмаса керак. Мирсаид ака аёлининг бир кунда ўн қайталаб салом бериш одатига кўниккан эди. Мастура опага эса эрининг кўздан сал нари бўлиши "Ассалому алайкум, дадаси" сига баҳона .

Мирсаид ака ҳам ҳузурланиб алик олишдан эринмайди. Бироқ бу сафар у алик олишни унутгандай:

- Мастир , шафтолини қанақасини олишни айтмабсан- ку , тукли шафтоли керакмиди ёки туксиз луччакданми ?

Мастура опа билди- ки , эри шафтолини топибди . Топганда ҳам танлаш имкони билан топибди.

- Билмасам дадасиини , бу ҳақда сўрамаган эканман , - деди қувонганидан бўшашиб Мастура опа , - битта унақасидан , битта бунақасидан олиб келақолинг ...

- Майли , хўп , - гапни қисқа қилди Мирсаид ака аёлига , сўнгра унинг ёнидаги сотувчига гапирган гапи эшитилди , - менга ҳар хилидан чиройли қилиб териб берасиз ...

@Xazon_Rezgi /60 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака кун чошгоҳдан ошганида уйга кириб келди. Гарчи унинг кўринишидан чарчагани билиниб турса-да кайфияти жуда кўтаринки эди.

Мирсаид ака дарвозахонага машинасини олиб кирди ва ўтирган жойида машинадан тушмай қўлидаги пакетни ўзини кутиб олган аёлига узатди.

- Мастир , анқонинг уруғиям бунчалик камёбмасдир? Дўконма - дўкон юриб ўпкам тешилиб кетаёзди. Бутун Тошкентни айландим десам лоф бўлмас . Макросиям қолмади , Корзинкасиям . Қаерга кирсам битта жавоб , тўғрироғи савол : "Кеча қаерда эдингиз ?"

Бозорларни айтмайсанми ? Чиқмаган жондан умид деб унисидан бунисига боравердим , боравердим. Ахири Олой бозоридаги битта амаки мушкулимни осон қилди. У мени дардимни эшитди-ю , "Ҳақиқатда топиб бермасак бўлмас экан" деб , айлантириб - айлантириб битта "Камера хранения"дан олиб берди. Ишонсанг топганимда кўзимларимдан ўт чақнаб кетди.

Хурсандчилигимдан- да , - у шундай деб пакетга ишора қилди , - бу ерда ўн дона. Ҳар хилидан танлаб олдим. Иккитасими, тўрттасиними ўзинга олиб қол. Маниям хотиним январда бир шафтоли есин. Кейинчалик мақтаниб юрай мен ҳам . Қолганини келинингга бер . Етар ?!

Мастура опа жилмайди :

- Дадаси , сизни "Менга шафтоли олиб бердилар" деб емасам ҳам мақтанавераман. Буни ўзи кўрганданоқ егандек бўлдим,- у шундай деб машинадан тушган эрига қўлидаги шафтолиларни яна қайта тутқазди , - буларни яхшиси келинингизга ўзингиз беринг.

Мастура опа шундай дея туриб эри бу таклифга эътироз билдиришини тахмин қилганча дарров ҳужумга шошилди :

- Шундай қилинг , дадаси . Келинлар ҳам қайноталар ўзларни отадан кам яхши кўрмаслигини билиб қўйишлари керак.

Мирсаид ака Мастура опанинг охири гапидан кейин унга қаршилиқ қилмади.
У келинининг хонасига яқинлашиб овоз берди :

- Келин , ҳой келин ?!

Ҳилола ҳаялламай остонада кўринди :

- Лаббай додажон. Ассалому алайкум.

Мирсаид ака қўлидаги пакетни келинига намоишкорона узатди :

- Қанақасини егингиз келганини билмаганим учун ҳар хилидан олақолдим.

Ҳилола қайнотаси тутган пакетни олди- ю , уялиб кетди .

Аранг :

- Раҳмат, додажон,- дея олди халос .

Мирсаид ака ўз хоналарига намоишкорона қадам босиб кирар экан, изма -из келган аёлига бир мақтангиси келди :

- Мастииир ... Мана шу ҳозирги "Раҳмат, додажон"нинг нархи-чи бир миллион сўм бўлди.

Мастура опа эрининг устидаги курткасини ечишга ёрдамлашар экан унга жавобан:

- Умрингиз узоқ бўлсин , дадаси ... Эркак кишининг хонадони учун қилган ҳаражатининг савоби жудаям улуғ бўлиши шаксиз. Илоҳим кармонингиз пулга, савоб ҳамёнингиз эзгу амалларга тўлиқ бўлаверсин...- деди у мамнунлик билан

Тушлиқдан кейин Ҳилола ўз ота- онасини кўриб келишга қайнота- қайнонасидан ижозат сўради.

Эрталабги хариди туфайли эшитган миннатдорчилиги таъсирида ҳали ҳам еттинчи осмонда юрган Мирсаид ака ўзи руҳсат бергач ўғли билан бошлашиб чиқиб кетаётган келинини тўхтатди :

- Келин , қудамгиларга мени номимдан алоҳида салом дейиш ёдингиздан чиқмасин ,- у Ҳилоланинг "Хўп, бўлади , додажон" деганини эшитганда яна бир бор бошини "руҳсат" деган маънода силкитар экан, келини икки қадам юрар - юрмас муҳим нимадир ёдига тушиб қолгандек уни қайта тўхтатди ,- ҳа айтганча келин анави ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

21- ҚИСМ

шафтолидан сумкангизга солиб олинг. Кўнглингиз тусаганда ейсиз.

Ҳилола қайнотасининг таъкидидан уялиб кетди. Аммо унинг ҳурмати юзасидан ростига кўчди:

- Иккитасини сумкамга солиб олгандим, додажон.

- Ҳаа ундоқ бўлса яхши,- деди Мирсаид ака талтайганнамо ,- бўпти энди борақолинглар.

Эрининг ўзини тутишидан Мастура опа бироз ажабланди . Бир кўнгли "Дадаси , ҳа деса олиб берган шафтолингизни пеш қилаверманг , бу миннатга кириб қолмасин яна" демоқчи бўлди-ю , аммо эрининг кайфиятини бузгиси келмади. "Бу ҳақда мавриди келганда бошқача мисол билан секин тушунтирарман,- деб ўйлади Мастура опа , - қолаверса бугунги қилган ишлари ҳақиқатдан ҳам ҳар қанча керилишга арзийди- да".

Фикрларини хаёлан мушоҳада торозисига солиб олган Мастура опа эрига қайноқ чой қўйиб узатар экан :

- Дадаси , бировнинг кўнглини олиш барибир бошқача а ? - деди ,- ўзгани бахтли қилган инсон ундан ҳам кўра ўзини кўпроқ бахтли ҳис қилади . Қаранг , келинингизга кўнгли тусганини тутганингиздан буён димоғингиз қанчалик чоғ. Ҳали-чи , набирангиз туғилиб қўлингизга олсангиз кўрасиз бахтнинг ширин таъми қандай тенгсиз бўлишини .

- Болаларингни ўқиши бошлангандан кейин Сулаймонга чиройли қилиб тайинлагин , - деди Мирсаид ака чойдан хўплар экан,- келинга яхшилаб қарасин. Кўча - куйда кўнгли нимани тусаса олиб берсин. Айтишади- ку , "Еган егандек бўлади " деб. Менга соғлом набира керак.

- Хўп бўлади , дадаси . Сиз нима десангиз шу- да . Илойим умрингиздан барака топинг.

- Мастиир ... Ақромжон нариги хонада ухлаб қолган экан. Ўзиям эрталабгача телевизор кўриб чиқди,- Мирсаид ака шундай деб аёлига маслаҳатомуз боқди ,- уйғонса бир коса суюқ овқат тутсанг яхши бўларди- да. Шунга ҳаракат қилсанми деётган жойим эди.

- Дадаси , Ҳилолангиз аллазамон товуқ шўрва солиб қўйган. У "Кечадан буён уйдагиларга кучли овқат тутавериб ошқозонларини зўриқтириб юбордик. Айниқса додажон бунақа вазиятда тез толиқиб қоладилар . Шунга озроқ суюқ овқат ичиб танлари бир яйрасин" деганди.

- Мастиир ... - деди илжайиб Мирсаид ака,- бу дейман келининг ҳам худди ўзинг бўла бошлабди а ? Қойил - ей ?!

Аёл кишининг аёллиги нимада биласанми ?! Билмасанг билиб ол . Аёл кишининг аёллиги фаҳми - фаросатида ! Аммо Сулаймоннинг бахти бор экан. Пешонасига яхши қиз учради. Мен ҳов ўша бошида ўғлинг "Ўзим билан бирга ўқийдиган қизни ёқтираман , уйлансам ҳам , уйланмасам ҳам фақат шунга уйланаман" деганда шу келинингни жуда ёмон қиз деб тасаввур

қилгандим. Назаримда у кўча- кўйда ҳар йигитга қошини қоқиб , кўзини сузадиган энгилтабиат қиз бўлиб гавдаланганди.

Аммо минг шукр- ки , бахтимизга келиндан тоълеимиз ёруғ чиқди.

- Илоҳим икковлари кўшгани билан кўша қаришсин. Биз эса роҳатларини кўрайлик, дадаси.

- Амин , онаси , амин , - Мирсаид ака аёлининг дуосига кўшила туриб ҳовлида қораси кўриниб қолган Акромжонга кўзи тушиб қолди ва гап ўзанини бошқа тарафга бурди , - кенжатоинг уйғонди, онаси . Товуқ шўрвадан хабар олавер энди. Танзимиз яйраб бир шўрва ичайлик.

Мастура опа "Хўп бўлади- да , дадаси" деганча мамнун қиёфада чаққонлик билан ўрнидан кўзғалди...

- Бай, бай - деди хўриллатганча шўрвани симирар экан Мирсаид ака, - энди еган овқатим ичимга тушгандек бўлди.

- Ая , - деб Мирсаид акага кўшилди Акромжон, - ростини айтсам сизлардан энди кўнглим мутлақо хотиржам бўлди . Келинойим яхшигина пазанда эканлар. Бунақа кўли ширин келиннинг табиати ҳам шунга яраша гўзал бўлиши керак.

@Xazon_Rezgi /62 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ўзи "Келин билан қайнонанинг тупроғи бир жойдан олинади" дейишади- ку. Шу гапнинг ростлигини исботини кўриб турибман.

Мастура опа Акромжоннинг сўзларига табассум билан жавоб қайтарди:

- Болам , - деди у ҳавасмандлик билан , - энди сени навбатинг . Хўп десанг , мен секин - аста сенга ҳам келин қидиришга тушаман. Ёзги келишингда гижбадаванг тўйингни ўтказардик- да , бу ерда бир - икки хафта туриб кейин янги келин билан бирга сизларни Россияга кузатиб кўярдик. Агар Аллоҳ бераридан қисмай ўқишинг битгунча келин ҳомиладор бўлса , уни юртга қайтариб олиб келиб ўзимиз кўз- қулоқ бўлиб турардик. Шунга нима дейсан ?! Балки кўз остинга олган бирорта ёқтирган қизинг бордир?!

- Йўғ- ей , ая . Ҳали ҳеч кимни кўз остимга олганим йўқ . Ўқишимдаги қизларнинг барчаси рус ва бошқа миллат қизлари . Қолаверса уларнинг ҳеч қайсиси мени танлашмайдиам . Менга эса шу ўзимизнинг қизлар маъқул. Лекин ҳозир битирадиган бир - иккита лойиҳаларим бор. Шулар битсин , кейин уйланаман. Ўшанда сиз қайси қизни муносиб кўрсангиз ўшанга уйланаман, ая. Мана акамга ҳам зўр танлов қилгансизлар- ку.

- Аканг Ҳилола келинойингни ўзи топган. Бу бизнимас унинг танлови . Мен ва отанг фақат оқ фотиҳа берганмиз халос , - деди Мастура опа Акромжонга изоҳ берган бўлиб.

- Энг муҳими ҳам шу-да, ая . "Ёмғир билан ер кўкарар , дуо билан эл кўкарар" деганларидек , буларнинг барчаси сизларнинг дуоларингиз шарофати.

- Ўғлим , - дея вазмин оҳангда суҳбатга кўшилди Мирсаид ака, - биласан, ўқишга кетишингдан аввал кўлимга тутқазиб кетган пулларингга битта дўкон юрғазиб қўйганман. Ҳозир уни айланмаси яхшигина мақтовга сазовор бўлиб қолган. Хўп десанг , шу пулларингни бир қисмини олиб уйингни таъмирлатсам . Мен ҳам кейинги вақтларда барча ишларни

шогирдларга топшириб анча бекорчи бўлиб қолганман. Шунга бироз чалғирмидим деяпман-да. Тағин "Отам пулларимга кўз олайтириб қолибдилар" деган нотўғри хаёлларга бормагин. Яна масаланинг иккинчи томони ўз пулларимдан таъмирга ишлатсам ғуруринг дарровда ўқ ейишини ҳам биламан.

- Ота ... - дея ютинди Акромжон,- очиғи бу таклифингиздан бошим осмонга етди. Аввало мени ўйлаганингиз учун катта раҳмат . Бироқ мен... у ҳовлини шундай сақлашни ният қилгандим. У ҳовлининг ҳар бурчагидан раҳматлик онамнинг ифорлари келиб туради. Таъмир туфайли бу ифордан ажралиб қолишни истамайман...

Акромжон шундай деб лаблари титраганча ерга қаради.

Зум ўтмай Мирсаид аканинг ҳам товуши ғиппа бўғилди:

- Мен нодонни кечир , болам. Қариб миям суюлиб қоляпти шекилли . Кейинги вақтларда кўп нарсаларни шунақа бош- кетини ўйламасдан ...

- Ота , одам ўз боласидан ҳам узр сўрайдими ?! - Акромжон шундай деб бирдан юзи ёришди , - бундай қилсак-чи , ота ? Ўша онам ўтган ҳовлининг бир девор ёнидаги қўшнимиз ўз хонадонини сотаётган экан. У хонадон ҳам худди бизникига ўхшаб пастаккина . Ўша жойни нархлаб олсак , янги уй қуришимиз мумкин. Орада сиз ҳам ўзингиз айтгандек машғул бўлардингиз. Агар дўкондан келадиган фойда етмаса , мен Россиядан пул жўнатаман. У ерда ҳам анча - мунча йиғиб қўйган жамғармам бор.

- Эээ, бўлди . Гап йўқ . Мана бу ўғил бола гап бўлди , - Мирсаид аканинг зумда кайфияти кўтарилди,- ўша хонадонни эртагаёқ бориб нархлаб олганим бўлсин. Эрталаб сени аэропортга кузатиб қўяман- у , сўнг тўғри махаллангга ўтаман.

- Ота , фақат битта шарт билан . Ўзингизни уринтириб қўймайсиз .

-Хўп , болам , хўп.

#Орадан_икки_ой_ўтди

Шанба куни ўқишдан қайтган Ҳилола хонасига кирди-ю , шу бўйи қайтиб чиқмади. Сулаймон синфдошлари билан эрта сахардан Чимёнга дам олишга чиқиб кетган эди.

Ҳа деса келинидан хабар бўлавермагач , Мастура опани хавотир босди:

- Ҳилола , ҳов Ҳилола , - дея унинг эшигини тақиллатди ахири Мастура опа юраги алланечук гурсиллаб урганча , - болам , туззукмисиз ?

Ичкаридан Ҳилоланинг ожизгина инграгани эшитилди :

- Ойижооон ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

22- ҚИСМ

Мастура опа жонҳолатда ичкарига қандай югуриб кирганини ўзи биламай қолди.

Кирса Ҳилола ранги докадек оқариб кетганча ёстикдан бошини кўтара олмай бемажол ётар

эди:

- Қизим , нима бўлди ? Тобингиз қочдими ? Қаерингиз оғрияпти ?! - шошилганча пайдар- пай савол ёғдирди Мастура опа

- Билмасам , киндигимни атрофи биров бураб чимчилагандек қаттиқ оғрияпти,- ожизгина жавоб қайтарди Ҳилола,- оғриқ тўсатдан бошланди.

- Энди нима қиламиз ? Аксига олиб на додангиз , на Сулаймон уйда йўқ ? - Мастура опа шундай дея келинига мунғайиб тикилди - менга қаранг , оғриғингиз қуруқ оғриқми ? Мабодо қон- пон кетмаяптими ?

Ҳилоланинг кўзларида ёш филтиллади :

- Кетяпти , ойижон ...

Мастура опа чуқур ух тортди :

- Бугун шанба ўзимизни поликлиникада ҳам иш вақти тугаб бўлди . Бўлмаса тиббиёт картангизни олиб касалхонага йўлланма олармидик ?- бирдан Мастура опанинг ёдига опасининг доя келини тушиб қолди, - ҳа-я , айтганча Саодатхонга қўнғироқ қилай-чи ?

Мастура опа вазиятни тушунтириши билан Саодатхон гапни қисқа қилди :

- Холажон, кийиниб тайёр бўлиб туринглар, ҳозир тез ёрдам машинаси боради.

Қайнона- келини Саодатхоннинг ўзи кутиб олди. У Ҳилолани тезда УТТ хонасига етаклади :

- Келинингизнинг ҳомиласи аллақачон тушиб бўлган,- деди текширивчи шифокор уни аппаратда кўздан кечирар экан, - мана боладон топ- тоза . У ерда ҳомиладан ҳеч қандай из ҳам қолмапти.

Мастура опа "Вой шўрим" дея шивирлаб лабини тишлади. Узала тушиб ётган Ҳилоланинг шахло кўзлари лим- лим ёшга тўлди.

- Аммо шукр қилсангиз бўлади . Жараён ёмон оқибатларсиз ўтибди. Аёллик аъзосида ортиқча қон қолиб кетмаган.

- Синглим , нима учун бундай бўлди ? Мана келиним ўтган hafta қатор текширувлардан ўтганда барчаси жойида деган хулоса берилган эди- ю ? Келиним оғир кўтармаган , йиқилиб тушган бўлмасалар ?! Ахир қандай қилиб ўзидан- ўзи ...

- Холажон, шифокорлар ҳам худо эмас . Улар ҳам худди ўзларидек инсон яратган аппарат берган маълумотга қараб хулоса ясаб беришади халос. Аммо ўша ўтган сафарги хулосада ҳам ҳомила ойлик ҳисобга кўра анча кичиклиги таъкидланган. Бунда ҳомила кўтарилган санада адашилгандир- да деган тўхтамга келинган . Аммо энди ...

- Саодатхон, илтимос оддийроқ тушунтиринг . Хаёлларимни тўплай ололмаяпман.

- Холажон , нима десам экан ? Агар ҳомила нормал ривожланмаса ёки ўсишдан тўхтаса, организмнинг ўзи ундан қутилишга аҳд қилади . Ҳилолаҳоннинг мисоли ҳам худди ана

шундай.

Аммо айтиб қўяй . Кўпинча бундай ҳолларда организм янада тезроқ қайта ҳомиладор бўлишга ҳаракат қилади. Ва таассуфки , айна аввалги ҳомиладан айрилган вақтда организмнинг ўзи ҳомиладан қутилиш пайига тушади. Бу ҳодисани халқ тилида кўпинча "боладон ўйноқилиги" ҳам дейишади.

- Бундан хабарим бор ,- деди Мастура опа ,- табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб дейишади. Мен ҳам Сулаймонимни кўлимга олгунимча анча машаққат чеккан эдим. Ўшанда тиббиёт бу даражада ривожланган эмас эди. Раҳматли қайнонам ўша кезлари "Болани чала ташлайдиган аёл бузоқни чала туғадиган сигирни гўштини ейиши керак, шунда соғлом фарзандни дунёга келтиради" деган гапни эшитиб қолиб фермама- ферма юриб шунақа сигир қидирганларини ҳамон эслайман. Бояқиш ҳокисоргина аёл эдилар. У вақтнинг инсонларнинг ўзи барчалари шунақа содда, далиғули бўлишган.

- Топганмилар шунақа гўштни ? - қизиқсиниб сўради УТТ текширувчиси бўлган аёл .

- Ҳаа олиб келганлар . Аммо ўша гўшт ҳақиқатдан ҳам чала туғадиган сигирнинг гўшти бўлганми ёки биров "Кел шу аёл келини учун жуда куйиб кетди" деб ёлғондан учраган гўштни қўлларига алдаб тутқазиб юборганми , буниси энди бизга қоронғу. Ўшанда икки килога яқин гўшдан ёлғиз ўзим учун шўрва пишириб севина - севина оғзимга тутганларини ҳамон эслайман. Мен ҳам уларни бу тадбирларига ишонмасам ҳам тутган таомларини ихлос билан ичаётгандек тутардим ўзимни .

@Xazon_Rezgi /64 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Энг қизиғи айнан ўшанда тўрт маротаба кўлим билан тутмаган ҳомидаларимдан кейин мана шу ўғлим Сулаймон соғ- саломат дунёга келганди. Муштипаргина қайнонам "Ана бувиларимиз бир нарсани билишган- ки таъкидлашади . Бу набирам аввалоси Худо , қолаверса ўша шифобахш шўрваннинг ҳосияти билан туғилди" деб роса қувонгандилар.

- Сиз уларга индамаганмисиз ? Яъни "Жуда бунчаликмасдир, ойи, бу ёқда шифокорлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади" демаганмидингиз ?

- Бундай дейиш хаёлимнинг етти кўчасига ҳам келмаган,- хазин жилмайди Мастура опа ,- ойимни ўйласам ўша кезлари қоқ саратоннинг мияни қайнатадиган жазирамасида лаблари қуруқшаб, иссиқдан пўст бойлаб айтилган гўштни топиб келганларини эслайман. Улар менга "шифобахш гўшт"ни топиб келганларини мақтанаман деганларида куйиб кетганларидан овозлари хириллаб, товушлари чиқмай ҳам қолганди .

Мастура опа шундай деб бирдан ўзига келгандек бўлди .

- Саодатхон , энди Ҳилолам ...

- Ҳилолага ҳеч нарса қилмайди . Ҳозир тинчлантирувчи ва оғриқсизлантирувчи укол қилиб қўяман. Бугунча қимирламай ётсинлар. Бир , икки кунда ўзларига келиб қоладилар . Насиб қилса кўрмагандек бўлиб кетадилар. Аммо организм бир муддат яхшилаб дам олиши керак. Тахминан беш , олти ойгача ҳомиладор бўлишдан сақланишлари керак. Сиз ўзингиз келингизни ҳафта оралатиб олиб келсангиз , мен уларни яна бир бор текшираман ва керакли дори - дармонларни тайинлайман.

- Икковингизга ҳам раҳмат. Биз энди бора қолайлик,- деди Мастура опа .

- Холажон , менинг ҳам иш вақтим тугади . Сизларни ўзим уйингизга ташлаб қўяман,- деди Саодатхон , - ҳозир халатимни алиштириб келай.

- Саодатхон , машина ҳайдаётганингизни билмаган эканмиз , - деди йўлда Мастура опа , - қойил- ей ҳамма ишга улгурасиз- а ?

-Келин бўлмасимдан аввал машина ҳайдар эдим . Кейинчалик жиянингиз рашк қилиб ҳайдатмай қўйгандилар. Энди эса ишдан ортиб болаларни мактабга , боғчага олиб боришга бир ўзлари улгуролмай қолдилар. Шу сабаб бир тараф, қолаверса рашклари анча босилиб қолдими, ҳайдовчиликка қайтадан руҳсат тегди.

- Ҳаа шундай денг. Аёл кишининг ҳар ишда пешқадам бўлгани яхши. Мени фикримча-чи , бола тарбиясида аёл киши асосий ўринни эгаллайди. Эркак киши ҳар не қилса ҳам кўчанинг одами . Энг биринчи вазифаси топиб - тутиб келиб , оилани таъминлаш. Баъзи ҳолларда "Йўқ бундай эмас, нотўғри гапиряпсиз" деб қарши чиқишса-да , аммо бу гаплар барибир ўринли. Машҳур ибора бор- ку, "Ҳар қайси муваффақиятга эришган эркакнинг ортида буюк аёл туради" деган. Мана асл ҳақиқат. Топиб айтилган пурмаъно сўзлар. Аммо мен бу сўзларни фақат аёллар даврасида гапираман.

Дадасининг ёнларида эса...

"Бахтимга яхшиям сиз борсиз , дадаси..."

Бу ҳам ҳақиқат.

Ҳақиқат бўлганда ҳам энг олий ҳақиқат. Ҳаа !

- Холажон, поччам сизларни эшик ёнида кутиб турибдилар,- кўзи билан ишора қилди Саодатхон .

- Вооой , менгина ўлай. Уларни огоҳлантириш ёдимдан чиққан экан- у. Тоза тажанг бўлгандирлар.

- Энди додажоннинг кўзларига қандоқ қарайман ? - деди шу чоққача лом- лим демай келаётган Ҳилола , - уларнинг роса жаҳллари чиқадиган бўлди . Менинг шу ҳомиламни деб қанча елиб - югургандилар. Ҳар куни "Келинингни кўнгли нима тусаяпти?!" деб бир сўратмасалар ўзларини хотиржам ҳис қилмасдилар.

- Қизиқсиз- а, болам ?! Сизга қолса шундай бўлсин дебсизми?! Мен ўзим барчасини уларга ётиғи билан тушунтираман.

Асабийлашгандан чакка томирлари ўйнаб кетган Мирсаид ака Саодатхон ва ранги қум оқариб кетган Ҳилолага кўзи тушиб ўзини босишга ҳаракат қилди. Ортиқча савол беришдан тийилиб , аёлларнинг саломига алик олди.

Саодатхон машинадан тушиб қўлини кўксига қўйиб Мирсаид ака билан сўрашди , аммо унинг уйга кириш таклифига узр сўраб йўлга тушди.

- Қизим , сиз хонангизга кириб бироз чўзилинг. Борақолинг ...

Мастура опа Ҳилолани хонасига киритиб юборди- ю , ўзи эрига ишора қилди :

- Юринг ...

@Xazon_Rezgi /65 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака ўз хоналарига киргач ахири ёрилди :

- Сенга минг марта айтганман , телефон деган матоҳ хавотир олиб қўнғироқ қилинганда жавоб бериш учун ишлатилади деб. Эрининг ажалидан беш кун олдин ўлдириш учунмас .

- Узр , дадаси... Айб менда . Мен жуда қўрқиб кетдим. Шунга телефон ҳам уйда қолиб кетибди,- Мастура опа диванга ҳорғин чўкди.

- Қани бир бошдан гапир- чи ? Тинчликми ? Келинингни ҳам ранги-рўйи бир аҳволда эди ?

- Дадаси ... Келинингиз ... У ...

- Нима келиним ?! Нима у ?! Мунча юракни сиқдинг, хотин ?! Гапирсанг гапир чўзилмай ...

- Ҳилолангизни ҳомиласи нобуд бўлиб қолди. Шифокорларнинг айтишича бола ўсмай қолганлиги учун шундай бўлган эмиш.

Мирсаид ака аёлининг ёнига оғир чўкди. Анча вақт индамади. Сўнгра босиқ овозда аста гапира бошлади :

- Мастиир ... Бандаси пешонага ёзганидан ортиғини кўрмайди. Аллоҳнинг иродаси шу экан . Ўзи берди , ўзи олибди. Насиб қилса , фарзандларимизни ёнвери болаларга тўла бўлади ҳали.

- Шўрлик келиним дардининг ўзи бир тараф- у нукул "Додажоннинг кўзларига қандай қарайман энди ? Мени деб қанча елиб югургандилар" деб кўзларини жовдиратиб юрагимни чок- чокидан ситиб юборди,- деди Мастура опа хаёлчан.

Мирсаид ака хўрсинди :

- Нимага жовдирайди? Мендан "Энди гап эшитаман" деб қўрқяптими ёки ? ! Мен ким бўлибман ? Биргина тирноқ ясай олмайдиган бир нотавон бўлсам. Ҳаммамиз ҳам шундаймиз. Сен уни тинчлантириб қўй . Энди соғлиғини ўйласин. Насиб қилса кейингиларини "Маҳкамидан берсин" деб дуо қиламиз. Сулаймон қайтганда ҳам шу гапларни яхшилаб қулоғига қўйиб қўй. Келинни ўкситиб ёки уришиб ўтирмасин.

Кўнгли анча таскин топган Мастура опа Ҳилолага атаб атала пиширди. Ундан бир коса сузди ва келининг хонасига олиб кириб қўярда-қўямай охиригача ичишга қистади. Бу орада Чимёндан қайтган Сулаймонга ҳам бор гапни ётиғи билан тушунтирди.

* * *

Мирсаид ака хуфтонни ўқиб масжиддан қайтганда Мастура опанинг ўрнида ғужанак бўлиб ухлаб қолганлигининг устидан чиқди :

"Бояқиш , - деди у аёлининг устига чойшаб тортиб қўяр экан ,- бугунги бўлиб ўтган воқеалар обдон юрагига юк бўлган кўринади. Шундаям бир оғиз "Вой жоним, толиқдим" демайди-я ?!

Мирсаид ака хона чироғини аста ўчириб, ўзи ҳам ўринга чўзилди.

Алла - паллагача кўзига уйқу келмади. Ўғлига , келинига юраги туздек ачишди. "Бечоралар не орзу- ҳаваслар билан бу гўдакни дунёга келишини кутишгандир,- ўйлади у , - айниқса Мастирга қийин бўлди..."

Мирсаид ака ўйлай - ўйлай хаёллар оғушида қачон кўзи илинганини пайқамай қолди.

Мирсаид ака ванча ухлади номаълум. Бир вақт кулоғига жуда ҳам паст овоздаги пиқ- пиқ йиғи овози эшитилди. Ўксиниб - ўксиниб йиғлаётган ...Мастура опа эди...

Мирсаид аканинг уйқули кўзлари зумда бодраб очилди:

- Мастииир ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

23- ҚИСМ

Мастииир... Нима бўлди ? У ер , бу еринг оғрияптими ? Нега йиғлаяпсан ?

Мирсаид ака қаддини кўтариб аёли тарафга энгашди.

Мастура опа ҳиқ - ҳиқ қилиб йиғлашда давом этди. Мирсаид ака қоронғида аёлини сочларини силади. Қўллари сидирилиб аёлининг йиғидан жиққа хўл бўлиб кетган юзларига тегди . У ўрnidан сапчиб туриб чироқни ёқди.

Мирсаид ака ётоқ ёнида турган тумбанинг тортмасини очиб ичига аёлининг ўзи дазмоллаб тартиб билан тахлаб қўйган эркаклар дастрўмолидан биттасини олди- ю , Мастура опанинг юзини аста артди. Сўнгра тумба устидаги чойнақдан пиёлага чой қўйиб унга тутди:

- Ич ...

Мастура опа энтикиб - энтикиб пиёладаги чойдан қисқа ютумлар билан хўплади. Чойни аранг ичиб бўлгач , яна лаблари қийшайиб йиғига шайлана бошлади .

- Онаси ...

Мастура опа ўзини босиш учун чуқур хўрсина бошлади :

- Сизни ҳам уйқингизни бузиб қўйдим-а , дадаси ... Илтимос , мени кечиринг ...

- Мастииир , - Мирсаид аканинг ҳам товуши ғиппа бўғилди , - сен дунёга келмаган ўша гўдак учун йиғлаяпсан- а ...Охири ... Охири юрагингдаги вулқон портладими ? ...

- Мен ... Мен ...- ҳиқиллаб гапира бошлади Мастура опа , - мен ўзимни аллақачон буви деб ҳисоблаб бўлган эканман, дадаси... Уйда ёлғиз қолган кезларим хаёлан ўзимни набирамни гоҳ бешигини тебратаётган , гоҳ унга ширин аллалар айтиб бераётган , гоҳ сиз билан уни хиёбон айлантираётган , гоҳ кўлидан етаклаб мактабга олиб бораётгандек ҳис қилардим ... Бугун эса ... Бугун эса бари ...

Мастура опа дардли ух тортди :

- Оғир бўлди , дадаси ... Юрагимга жуда катта тугун тушди. Биламан, буларнинг бари Аллоҳнинг иродаси , бироқ нима қилай мен ҳам бир ожиз бандаман...

Биласизми ...

Биласизми , ҳаммасидан ҳам кўзлари милт- милт ёшга тўлган Ҳилолангизга таскин бериш жонимга жазо бўлди. Бояқиш жудаям оғир - вазмин-да . Юрагидан ўтгани юрагида қолади. Боласидан айрилганини билганидан сўнг куйганидан ранги бир зумда синиқиб кетди. Аммо бир оғиз "Их" демади . Билдим-ки, бояқишнинг юраги тешилди . Мен шу топда қанча қийналяпман. Кўриб турибсиз ... Унингиз ҳам ҳозир йиғламаяпти деб ўйлайсизми? Унсиз , унсиз дод солаётгандир . Сукут билан дунёни бошига кўтараётгандир ... Дадаси ... Биламан эркак бўлиш жуда қийин ...

Бироқ аёл бўлиш , нозик вужудга ўзи истамаган дардларни ортмоқлаб кўтариб юриш , яна шу дард сабр қилиш ...
Мен буларни сўз билан тасвирлаб беролмайман.

Биз кўпинча ўзимизни қийнаётган муаммоларни сизларга айтмаймиз .

Айта олмаймиз .

Айтмасликка мажбурмиз ...

Негаки кўча - куйда уйдаги муаммолар билан фикрингиз чалғишини истамаймиз. Асаб томирларингиз чирт этиб узилмасин деймиз. Сизга бир нарса бўлса , ўзимизни ҳеч қачон қайтиб кечира олмаслигимизни биламиз.

Шу сабаб энг осонини кўзлаймиз.

Тунлар дардимизни ёстиқ кўтаради.
Тонгда эса қуёшнинг илк нурлари билан баробар табассум ила уйғонамиз.

Мен ҳам эрталаб ўрнимдан туришим ва ўзимни ҳеч нарса бўлмагандек тутишим керак . Ҳилола ва Сулаймонга бир томчи эмас , ярим томчи кўз ёшимни кўрсатмаслигим керак. Ва буни уддалашим аниқ ... Аммо бу сиз ўйлагандек осон иш эмас ... Ҳечам осон иш эмас ...

Мастура опанинг кўзларидан яна ёш юмалади :

- Яна мана шу сўзларим , ярим кечада сизнинг ҳаловатингизни бузганим учун эртага қанчалар пушаймон бўлишимни биласизми ?

- Мاستиир ... Бўлиб ўтган ишларда ҳеч биримизни айбимиз йўқ . Илтимос , ўзингни қийнайверма. Мен сиқилсам фақат сени ўртанганингни кўрганим учун сиқиламан. Ўзи кейинги вақтларда Акромжоннинг қурилиши билан овора бўлиб сенга етарлича вақт ажратмай ҳам қўйдим . Бу мени айбим. Аммо барини тўғрилаймиз . Келининг сал ўзига келиб олсин , ҳаммамиз бир ҳаво алиштириб келамиз.

- Дадаси ...Инсон баъзан шунақа кўнгил хоҳишига бош эгиб қоларкан. Мендек ёмон аёл эса хожасининг тинчини ярим кечада бузиб , камига гуноҳкор ҳам бўлиб қоларкан.

- Ундай дема , онаси... Ахир сен Аллоҳ ҳалол қилиб берган маҳрамимсан. Менга ёрилмасанг кимга айтасан дилингдаги тўпланиб қолган

@Xazon_Rezgi /67 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

сўзларни ?!

- Чиндан хафамасмисиз, дадаси ? - Мастура опанинг кулгучларига ҳазин табассум инди , у эридан "Ҳаа" деган жавобни эшитиб деди - мени сизга муносиб кўрган Аллоҳга минг шукр .

- Мастииир , боя иккита аёлни метрога ташлаб қўйгандим. Қарасам , ўрта ёшли аёллар . Йўл бўйида совуқда дилдирашиб туришган экан раҳмим келиб машинамни тўхтадим. Улар машинага чиққач ўзаро секин суҳбатлашиб кетишди. Истамасам ҳам сўзларига кулоқ тутишга мажбур бўлдим. Улардан бири бир воқеани айтиб берганда дод деворай дедим. У шеригига шундай деди:

- Насима опа , бир гап айтайми ? - деди у севинганча , - кеча мен жаннати бўлдим.

- Ииее , Дилнура , нималар деяпсиз ? Бунақа сўзларни эҳтиёт бўлиб гапириш керак.

- Аввал бўлган воқеани эшитинг,- деди биринчи аёл,- Биласиз оддийгина яшаймиз. Ейиш, ичишимиз ҳам шунга яраша. Кейинги икки ҳафтада шунақаям кабоб егим келди- ки, асти қўяверасиз. Ахири бўлмади. Дадасига айтдим. "Маош олсангиз тўрттагина қийма кабоб олиб келинг , кўз ўнгимдан жуда ўтиб кетди" дедим.

Улар ҳам айтганимни қилиб тўртта эмас , ўнта кабоб сотиб олибдилар . Болалар билан барчамизга иккитадан. Ўғилларим мактабда эди. Мен чой қайнатиб келгунимча дадаси ўзларига тегишлисини еб кўчага чиқиб кетибдилар. Шу пайт кенжатоим мактабдан келиб қолди. Стол устидаги бурда нонларни кўриб мен ва дадасини таомланиб бўлган деб ўйлади. Акалари ва ўзига ажратилган кабобни кўрди. Менга тегишли кабоб ҳам ўша ерда турганди. Шу кенжамни ҳар доим авайлайман. Нозикроқда . Шунга нимадир келтирсак , унга кўпроқ илинардик. У стол устидаги тўртта кабобни ўзига деб ўйлаб иштаҳа билан ея бошлади. Мен ўғлимга ўзим емаганимни айта олмадим. Аммо кабобни емас- да , дилимда шунақанги ҳузур туйдим-ки ...

Нега дейсизми ?

Бир куни Оиша онамиз жаноби Расулимиз (САВ) дан :

- Жаннати инсон қандай бўлади , Ё Расулуллоҳ ? - деб сўрабдилар.

Шунда Пайғамбаримиз (САВ) :

- Анави тарафга қара,- дебдилар .

Ойша онамиз бир оч - наҳор она ва унинг икки қизига кўзлари тушибди. Ўша вақтда у аёлга иккита хурмо берилибди . Аёл эса ўша хурмодан ўзи учун бир тишлам ҳам тишламай икки қизига едирибди.

Бу ҳолатнинг гувоҳи бўлган Оиша онамиз :

- Ўз нафсидан қолиб келиб фарзандларига егулик тутган она чин жаннати эканлигини шунда билдим , - деган эканлар

- Ма шаа Аллоҳ , - деди Мастура опа эридан бу ҳикояни эшитиб, - менга қолса аёл сўзининг маъносини чидам, сабр , тоқат , меҳр деб ифодалар эдим...

- Фикрингда жон бор , онаси ...- Мирсаид ака шундай дея туриб тумба устидаги телефонини олиб вақтни кўрган бўлди,- Мастиир , энди турайлик , бомдодга ҳам оз қолибди.

* * *

Тонг отиши билан Сулаймон онасини йўқлаб қолди :

- Ойижон , бизнинг хонага бир кириб чиқасизми ? Ҳилоланинг сизда гапи бор экан.

Сулаймоннинг сўзлари Мастура опани сергак торттирди :

- Тинчликми , ўғлим ? ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

24 - ҚИСМ

Сулаймон бошини эгди:

- Ўзидан сўрарсиз ...

Мастура опа ортиқ сўз айтмай ўғли ва келинининг хонасига йўл олди.

- Ассалому алайкум, ойижон...

Бир кунда Ҳилоланинг кўзларининг тагига тугун тушиб , оч яшил рангда кўкариб кетибди. Синиққан чехраси янада гезариб кетибди. Кўз жияклари, лаблари оч пуштидан ҳам очроқ тусга кирибди.

- Ваалейкум ассалом, қизим . Тинчликми ? - сўради Мастура опа келинига ташвишли тикилиб , - менга нимадир демоқчимидингиз ?

- Ойижон ... - Ҳилола ҳаёнинг зўридан гапини айта олмай лабини тишлади. Кўнглини очикдан-очик тўкиб сола олмай бўғриқиб кетди.

-Қизим... Мен онаман . Бунақанги вазиятларда оналар энг биринчи сирдош бўлишади. Қолаверса аёлман. Аёл дардини аёл тушунмаса ким тушунади ?! Сезаяпман , ниманидир айта олмай қийналяпсиз ? Ёки Сулаймон билан орангиздан гап қочдимми ?

- Йўўўқ , - бошини аста чайқади Ҳилола , - ундай эмас...

- Унда эшитаман...

- Ойижон ... Кўлларимни қимирлатсам оғриб кетяпти , яна ...

- Яна ?! ... - Мастура опа келинига диққат билан тикилди.

- Яна ... Мен... Менга ... Менга сут келибди,- Ҳилола қайнонасига бор гапни айтгунча пешонасини реза- реза тер қоплади.

- Сут ?

-Ҳаа ,- деди Ҳилола мўлтираганча.

Мастура опа бир чайқалди-ю ўзини бир амаллаб ушлади:

"Оҳ, болажоним- а ,- дея ўйлади у дард билан , - туғилмаган гўдагингга шунчалар куйибсан-да ?! Тананг бор кучи билан қўзғалон бошлаган кўринади? "Кўринг , менда оналик қила олишим учун барча имкон бор ?!" демоқчи шекилли бу билан"

Мастура опа бу сўзларни сиртига чиқармади , ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб гапира кетди:

- Қизим , бу табиий ҳолат . Қўрқиб , ҳавотир оладиган , ваҳимага тушадиган нарса эмас. Кўпчилик аёлларда шунақа бўлади ўзи. Сиз фақат ўзингизни авайлаб , шамоллаб қолишдан асрасангиз бўлди. Келган сут аста-секинлик билан ортига қайтади. Ҳали бунинг ҳисобига иситмангиз чиқиши ҳам мумкин. Мен яна Саодатхонга қўнғироқ қилиб кўрарман. Майли болам , сиз ҳеч нарсанинг ўйламанг . Мен ҳозир қайноққина чой дамлайман. Ичингизга бир пиёла иссиқ кирсин...

Мастура опа келинининг хонасидан чиқар экан бирдан боши чир айланди , кўзи қоронғилашди . У зина панжарасини ушлаб қолишга аранг улгурди.

Шу алфозда бироз турди . Чуқур - чуқур нафас олди. Сал тетиклашгандек бўлди. Ўзини синаб кўриш учун озгина қадам ташлаб кўрди. Боши биринчи сафаргидек қаттиқ айланмади. Шунда ҳам ўзига ишонмай секин - аста қадам босиб ошхонагача етиб борди.

- Сулаймоон ... Болам... Ҳилолага бир чойнак чой дамлаб олиб киргин. Новвот чой қилиб ичсин ... Нон , печенье , қанд- курс ҳам олиб ...

- Ойижон , рангингиз оппоқ оқариб кетибди. Сизга нимадир бўляпдими ?

Сулаймон ташвишланиб онасининг пешонасига қўлини қўйиб иситмасини ўлчаган бўлди.

- Ташвиш чекма, болам. Қон босимим озроқ ошди шекилли. Ҳали дориларимни ичганим йўқ эди.

- Ойижон ... Сиз ҳам ётоғингизга кириб дориларингизни ичиб бироз чўзилинг. Кейинги кунларда анча толиқиб қолдингиз. Дамингизни олинг. Тушликка ўзим озроқ қайнатма шўрва солиб қўяман.

Мастура опанинг эътироз билдиришга ҳоли йўқ эди. У ўғлининг сўзига "хўп" деди- ю , хонасига йўл олди.

"Яхши иш бўлмади ,- ўйлади у ,- у ёқда Ҳилоланинг тоби йўқ, бу ерда эса менинг"

Мастура опа дориларини қабул қилгач , ўрнига оҳиста чўзилди. Кўзи илинди.

- Мастииир ... Мастииир ...

Мастура опа эрининг секин чақирган овозидан уйғониб кетди :

- Хаа , дадаси ...

- Шўрва пишибди. Озроқ ичиб олгин.

Мирсаид ака кўча бошидаги дўконга чиқиб кетган эди. Қайтиб келганда аёлнинг ухлаб қолганлигини кўриб , уни уйғотишга кўзи қиймаган эди.
Ҳозир эса овқат пишганлиги учун аёлини уйғотишга қарор қилди.

- Вой , қаттиқ ухлаб қолибман,- деди Мастура опа ҳижолат чекиб , - мен ҳозир.

Сулаймон пиширган шўрвани барчалари мақтаб - мақтаб ичишди. Ҳилола ҳам "Ётсам ланж бўлиб кетяпман" дея хонасидан чиққан экан, тушлиқдан сўнг дастурхонни ўзи йиғиштиришга тутинди.

@Xazon_Rezgi /69 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа тушлиқдан сўнг яна хонасига йўл олди. Унинг боши ҳамон айланар , борган сари танаси беҳол бўлиб борар эди.

- Мастииир ... Анчадан буён Камолиддин докторга учраганинг йўқ , - деди изма - из хонага кирган Мирсаид ака , - кейинги кунларда анча беҳол бўлиб қолдинг.

- Яхшиман , дадаси , эътибор берманг , - аранг шивирлади Мастура опа,- фақат кечаги воқеалар анча толиқтириб қўйди- да.

- Йўқ бунақаси кетмайди,- деди Мирсаид ака ўжарлик билан , - эртагаёқ тиббий кўрикка борамиз. Камолиддин ўшанда айтган эди- ю "Беҳафсала бўлманг , ҳеч қаерингиз безовта қилмаса ҳам ҳар уч ойда бир кўриниб кетинг" деб.

- Майли , дадаси,- Мастура опа эрига эътироз билдирмади . У бошини ёстиққа қўяр экан , қовоқлари зил бўлиб юмилиб кетаётганлигини ҳис қилар эди , - сиз нима десангиз шу ...

* * *

Камолиддин Улуғович бу сафар Мастура опани кўп текшириб ўтирмади. Унинг тили , кўз милкларини тезда кўздан кечирди-ю , дарров "Аппаратга тушиб келасиз" деб гапни қисқа қилганча йўлланма ёзиб берди.

Мирсаид ака Камолиддин шифокор аёлини текширтириб келиш учун берган манзил номини ўқиб хуши бошидан учди.

- Республика Онкология касалликлари маркази...

Мирсаид ака Мастура опани даҳлизга кузатиб чиқди- ю , ўзи "Мен ҳозир" деганча изига қайтди. У қўлидаги қоғозни ҳавода силкитиб Камолиддин Улуғовичга савол беришдан ўзини тия олмади :

- Доктор бу ...- Мирсаид аканинг овози бўғилди . Гапани давомини айта олмай энтикди .

- Мирсаид ака ... Мен ҳозир сизни ундай , бундай деб қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи эмасман,- деди шифокор жиддий қиёфада , - минг афсуски ... Аямнинг касаллари жиддийга ўхшаяпти. Аниқ ташхисни профессор Нишонов қўйиб берадилар , бироқ

Мирсаид ака чуқур хўрсинди. Бор кучини муштига тўплади . Қани энди ҳеч ким бўлмаса- ю , иложини топиб хумордан чиққунча бирор нарсаними , буюмними фарқи йўқ , жони оғригунча , оғриқ азобига чидай олмай қолгунча урса .
Унинг ўрнига тилидан бошқа савол кўчди :

- У... Мастура қанча яшайди ? Операция қилдирсак- чи ?

- Сиз Ортиқ Нишоновга учрашиб келинг. Қолган гапларни кейин гаплашамиз. Улар ҳам фақатгина текшириб жим қараб турмайдилар . Керакли маслаҳатларини аямайдилар. Ахир инсон ҳаёти шундоқ ўз ҳолига ташлаб қўйиладиган масала эмас. Ҳотиржам бўлишга ҳаракат қилинг. Қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

Мирсаид ака шифокорнинг қабулидан ўлимга ҳукм қилинган маҳбус ҳолатида чиқди. Бироқ йўлақда Мастурани кўриши билан уни очиқ чеҳра билан қўлтиқлаб олди :

- Кетдик , хоним. Бугун тўлиқ сизнинг ихтиёрингиздан.

Мастура опа Мирсаид ака олиб келган касалхонага кўзи тушиб эрига бир қаради. Аммо савол бермади.

- Мастиир ... Ҳайрон бўляпсан- а ? Бу ерга нима учун келдик деб ? Мен ўзим Камолиддиндан илтимос қилдим . Энг зўр текширадиган жойга йўлланма бергин дедим. Бу ернинг номи сал ...нима десам экан? Ҳаҳ номи сал совуқроғ- у , аммо роса зўр текширишар экан. Ташхис зўр қўйилгандан кейин Камолиддин дориларни зўрини ёзиб берар экан. Қарабсан- ки , бизнинг хоним нақд ўн ёшга ёшарадилар...

Мастура опа эрига индамади , аммо кўнгли ниманидир сезгандек "шув" этиб кетди. У ўзини ҳеч нарса фаҳламаганга солиб индамай текширувлардан ўтиб чиқди.

- Дадаси , - деди у охирги текширувдан ўтиб бўлгач , - шунақаям қорним очиб кетди - ки , ҳамма нарса кўзимга овқат бўлиб кўриняпти. Бирор жойга бориб овқатланайлик. Бўлмаса нақд уволимга қоласиз .

Мирсаид ака "Хўп" деди- ю , машинасини рулини ўзи яхши кўрадиган кафега қараб бурди.

Эртасига текширув жавобларини олишга атайдан ёлғиз ўзи келган Мирсаид акага уни профессор Нишонов кутаётганлигини айтишди.

Мирсаид ака журъатсизлик билан Нишоновнинг кабинет эшигини чертди.

@Xazon_Rezgi /70 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Кираверинг , эшик очиқ.

Профессор Нишонов очиққина инсон экан. У такаллуф билан ўрнидан туриб Мирсаид акани

кутиб олди.

- Мен Миржалолова Мастуранинг турмуш ўртоғи Мирсаид бўламан.

Нишонов "Танишганимдан ҳурсандман" деган маънода бош ирғади.

- Кеча аёлим таҳлил топширган эди. Сизга учрашимни сўраган экансиз,- деди Мирсаид ака ўртадаги жимликни бузиб профессорга умидвор тикилганча .

- Хааа , - деди Нишонов стол устидаги аллақандай қоғозларни титганча. Бу қоғозлар афтидан Мастура опанинг таҳлил натижалари эди,- шундай сизни сўраттирган эдим.

- Қулоғим сизда , профессор,- деди Мирсаид ака бор илинжини овозига йиққанча , - таҳлил натижалари ...

- Мирсаид ака , - деди Нишонов гарчи ёши ундан улуғ бўлса-да мулозамат юзасидан "ака"лаганча , - гапнинг индаллоси ... Гапнинг индаллоси икковимиз ҳам кап - катта кишилармиз. Шу ёшга етгунча етарлича савдоларни кўриб қўйганимиз рост. Ўйлайман-ки , ҳозир сизга айтадиган сўзларни эшитишда ўзингизда тоқат топа оласиз. Мен вақтингизни олмоқчи эмасман. Хуллас ... Аёлингизни аҳволи оғир. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики у кишининг ўнг буйрақларида саратон касаллиги авж олган. Чап буйрақлари ҳам ...

Нишонов оғир хўрсинди.

Мирсаид ака шарт ўрнидан туриб кетди :

- Доктор , бу қандай қилиб ? Нима аҳвол шу даражада ўнгланиб бўлмас босқичдами ? Ахир ҳозир Ҳиндистон , Исроилда трансплантация амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Шундай эмасми ?

Мен ...

Мен ўзимга етарли давлатманд одамман. Сиз ҳозир десангиз ҳозироқ операция учун етарли ҳаражатларни тахт қилишим мумкин . Фақат илтимос , аёлим ... яшасин...

Мирсаид аканинг кўзларида ёш ғилтиллади.

- Ака...- деди Ортиқ Нишонов ҳамдард овозда , - гап шунда-ки мен сизга бор гапни ҳали айтиб улгурганимча йўқ. Муаммо аёлингизнинг буйрақларидагина эмас, балки ... Яна ...

- Яна ? Бундан ортиқ қандай яна бўлиши мумкин ? - Мирсаид ака бошини кафтлари орасига чангаллаганча сўради.

-Саратон тугунлари опамизнинг бош мияларида ҳам аниқланган. Қанчалик оғир бўлмасин тўғриси айтман. Бу ҳолатда жарроҳлик аралашуви ножоиз. Беморимизни ортиқча кийнаганимиз қолади, халос...

- Қанча ? - ҳиссиз сўради Мирсаид ака , - аёлим яна қанча яшайди ? Менга очиғини айтаверинг. Ҳолбуки, шунча гапни гапирдингиз , буни ҳам яширишга ҳожат йўқ энди. □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

25 - ҚИСМ

Нишонов қулочини кенг ёйди:

- Билмадим . Бирон нарса дейишга ожизман. Барчанинг умри, вақти - соати Тангри Таоло томонидан ўлчаб, белгилаб қўйилган. Бу ғайб илми . Инсон ғайб илмини ечишга ожизлик қилади.

- Профессор ... Ҳозир бу таҳлит маълумотлар миямга киради десангиз қаттиқ янглишасиз. Сиз яхшиси гапни айлантирмай саволимга аниқ жавоб берсангиз.

- Узоғи тўрт ой,- деди Нишонов Мирсаид акага қаттиқ тикилиб , - аёлингизнинг ирода кучига қараб бу муддат қисқариши ёки яна бирозга узайиши мумкин.

- Яхши ... - Мирсаид ака кайфиятсиз ўрнидан қўзғалди , - омон бўлинг ...

У таҳлил натижаларини олиб ташқарига йўл олар экан, Нишонов уни тўхтатди :

- Мирсаид ака . Бироз шошманг.

Мирсаид ака ажабланганча таққа тўхтади. Қошларини керганча "Ҳаа ?!" деган маънода профессорга юзланди .

- Илтимос , келинойимга бу кўринишда кўринмасангиз. Бу уларни руҳан синдириб қўяди.

- Хўп ...

Мирсаид ака оғир бош ирғаганча кабинет эшиги тутқичига қўл узатди , аммо тезда фикридан қайтиб профессор Нишоновга бошқатдан бақамти келди :

- Ростини айтинг. Илтимос . Бир эслаб кўринг. Иш тажрибангизда худди шундай ҳолатдан соғайиб кетган бирорта беморга дуч келганмисиз ?

Нишонов унга кўзларини катта - катта очиб тикилганча ўйланиб қолди :

- Бир вақтлар устозим аъзо- и баданини саратон тўқсон фоиз чирмаб олган беморнинг тузалиб кетганлиги ҳақида гапириб бергандилар. Тасдиғини топмаган маълумотга кўра ҳалиги инсонни бақа шўрва ичиб тузалган дейишган экан. Аммо бу ...

- Демак , тузалган ?! Халқ табобатига мурожаат қилган- у , тузалган. Мен ўзим ҳам ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобида кўршапалакнинг ёғлиқ гўшти турли хил ўсмаларни ўсишдан тўхташига сабаб бўлиши ҳақида ўқиганларимни элас- элас хотирляпман. Яна кўлвор илон ҳам шундай касалликларда жуда қўл келишини эшитганман.

- Мирсаид ака, вақт ўтказмай келинойимни касалхонамизга ётқизишингиз керак. Биз кимё муолажасини бошлашимиз керак. Бу ...

- Яхши , - деди ҳамон ўз хаёллари таъсирида Мирсаид ака , - мен тез орада аёлим билан бирга қайтаман...

Мирсаид ака машинасига ўтиргач , бирдан кайфияти тушиб кетди. Бояги шаҳдамлигидан асар

ҳам қолмади. У машинасини эски шаҳарнинг кимсасиз тор кўчасига ҳайдаб борди. Атрофда ҳеч зоғ кўринмагач, машинасини тўхтатиб рулга бошини қўйди . Икки кундан буён юрагини ёқиб келаётган олов бўғзидан аччиқ ингроқ бўлиб пуркалди :

- Мастиир...

Бу ёғига сенсиз қандоқ яшайман , онаси ...

Мирсаид ака шу алфозда қанча ўтирганини билмади .

- Биродар , бирор ёрдам керакмасми ? - деган овоз унинг хушини ўзига келтирди , - юрагингиз безовта қиялпими ?

Мирсаид ака машина ойнаси орқали ўзи тенги бир эркакни кўриб сергакланди. Эркак залғалдоқ рангдаги нимча кийган бўлиб , қўлидаги супургига дастасига ўқловни эслатадиган узун ёғоч бойлаб олган эди. Мирсаид ака базўр "Йў-ўқ" деган маънода бош чайқади.

-Мана буни тилингиз тагига ташланг. Зумда кўзингиз мошдек очилади.

@Xazon_Rezgi /72 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Эркак қўярда - қўймай Мирсаид аканинг оғзигв тугмадекка дори солди.

Атрофни чўл ялпизнинг ўткир ҳиди тутиб кетди. Мирсаид аканинг оғзи зумда музлади. Кўп ўтмай тонги субҳидам вақтида бўлгани каби енгил нафас ола бошлади.

У ўзига ёрдам кўрсатган эркакга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб атрофга аланглади. Афтидан эркак шу кўчадаги ишхоналарнинг бирига кириб кетган шекилли қораси кўринмади.

Мирсаид ака ўзига сал жон киргач , машинасини ўт олдирди. У ўйлаб қўйган режасини амалга ошириши учун Чилонзорга қараб йўл олди.

Мирсаид ака метро яқинидаги нусха кўчириш, сканерлаш , расм чиқариш хизмати шаҳобчасига кирганда бахтига у ерда оператор йигитдан бошқа ҳеч кимни учратмади.

- Ассалому алайкум, амаки. Келинг хизмат ? - дея салом берди йигит Мирсаид аканинг ҳурмати юзасидан ўтирган жойида бир қимирлаб қўйганча .

Мирсаид ака ортиқча такаллуфга берилмай йигитнинг столи устига аёлининг таҳлил натижаларини тап этиб ташлади :

- Мана шундаги таҳлил натижаларини аппаратингга солиб ўзгартиб берсанг.

Йигит у ташлаган қоғозларни зумда кўздан кечирди- ю , дарров қайтиб мижознинг қўлига қайтариш пайдан бўлди :

- Минг бор узр , амаки . Мен ... Умуман бизнинг фирма ҳужжатларни қалбакилаштира олмади. Бунда қилган тақдирда қонун олдида жавоб берамиз .

- Менга қара , хов укам ! Бу сен айтган нарса эмас. Бунинг номи биргина беморнинг ҳаётига нур , умид бериш деганидир. Менимча бу ҳеч қандай жиноятга кирмаса керак ?

Йигит "ноиложман" деган маънода қўлларини кенг ёйди.

Энди Мирсаид аканинг асаби ростманасига бузилди :

- Менга қара , ўв ! Оғзингга сиққанини сўра ва ишни битир ! Акс ҳолда ...

Шу пайт хона тўридаги яшил қалин парда сурилиб ичкаридан йигирма беш ёшлардаги сочлари ёйилган , шим кийган қиз чиқиб кетди ?!

- Тинчликми , Рафа? Нима тўпалон?

Рафа таҳлил натижаларини қиз тарафга сурди :

- Анжи , амаки натижаларни ўзгартириб чиқариб беришимни сўраяптилар. Мен уларга бу иш қонунга ҳилофлигини ҳеч уқтира олмаяпман.

- Ассалому алайкум,- деди қиз Мирсаид акага салом бериш энди ёдига тушгандек , - қани бир кўрайлик-чи , нимани ўзгартириш керак экан ?!

Анжи "ҳужжат"ни кўздан кечириб ранги зумда оқарди . Кўп ўйлаб ўтирмай ингичка лаблари билинар - билинмас титраганча сўради.

- Бу киши ?! - деди у Мирсаид акага савол назари билан тикилиб

- Аёлим бўлади , - бўшашганча қулт этиб тупугини ютди Мирсаид ака.

Анжи кўп тайсалламади ::

- Мен билан юринг , - деди у яшил пардани қўли билан суриб , - қаерига нима деб ёзишни айтиб турасиз...

Ичкарида ҳам худди Рафа иш килаётган каби аппаратлар кўп экан.

Анжи зумда бош варақни сканерлади :

- Энди айтинг , нима деб ёзай ? - деди Анжи Мирсаид акага ҳайрихоҳ назар ташлаб

- Қон босими юқори де , кўпроқ дам олишинг керак , витаминларни кети узилмасин де.

Анжи Мирсаид акага эътироз билдирмади . У клавиатурани қарсиллатиб ёза кетди.

- Мана бўлди , - деди қиз ваниҳоят ўзини орқага ташлаб , - хатто аслини ёзган шифокор ҳам энди бу ҳужжатни танимайди.

- Раҳмат , - деди Мирсаид ака унга миннатдорчилик билан , - мендан қанча бўлди , қизим ?!

- Саккиз минг,- деди Анжи монитордан кўзини узмай.

Мирсаид ака чўнтагини кавлаб пул чиқарди ва стол устига қўйди , - раҳмат , - деди у хонани тарк этар экан.

Анжи унга индамади . Унинг хаёли Мастура опада эди:

"Бояқиш аёл , - ўйлади армон билан , - худди онамга ўхшаб эллик етти ёшда экан..."

Хонага кирган Рафа Анжининг нега кайфияти тушиб кетганини тахмин қилди. Мирсаид ака унинг бундан икки ой аввал саратондан оламдан ўтган онасини ёдига солиб юборганди.

- Анжи , амаки юз минг сўм ташлаб кетибдилар . Қайтим берганмидинг ?

Анжи Рафанинг саволини уқмади. Унга талмовсираб қаради. Бироздан сўнг эса ўзига ўзи гапиргандек Рафага танбеҳ берган бўлди:

- Елкангдагини номи бош, азизим Рафа. Ора- сира вазиятга қараб ишлатиб турсанг ёмон бўлмайди. Ҳа деса қонунни рўқач қиласан. Ўша қонун ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

26- ҚИСМ

ҳам инсонлар учун ўйлаб топилган.

Ҳа майли,- деди Анжи Рафага хўрсинганча жиддий овозда , - ўйлайман-ки, иккинчи марта яна шунақа вазиятга тушсанг нима қилиш кераклигини яхши биласан.

* * *

Мирсаид ака дарвозалари ёнига яқинлашганда ўзини кутиб турган Мастура опага кўзи тушиб юраги увишди.

"Эҳ, Мастиир , Мастиир,- дея ўйлади Мирсаид ака ўксинганча, - сенсиз қандай яшайман, онаси?!"

У машинасини секинлатиб уйлари яқинига етиб борганда Мастура опа дарвоза табақаларини очиб бўлган эди.

- Сенга минг марта айтяпман, ўзингни уринтирма деб ?! Мени дарвоза ёнида кутиб туришинг шарт эмас, - Мирсаид аканинг овозида норозилик , куйиниш, меҳр - бари бирдек қоришиқ эди,- ахир кун анча салқин бўлса.

Мастура опа синиққина жилмайди. У дарвозани ёпиб уйга йўл олаётган эрига эргашар экан кўнглидагиларни айтиб қолишга шошилди:

- Бироз кеч қолдингиз , дадаси . Шунга ҳавотир олдим. Кейин "Мен ҳам бирга борсам бўларкан" деб ўзимни ўзим койидим. Ҳа айтганча , таҳлил натижалари қандай чиқибди ?

Мирсаид ака аёлидан киши билмас шу саволни кутиб турган эди. Ўзини сипо тутганча яқинда "ўзгартириб" келган таҳлил натижаларини узатди.

- Мана кўр- чи . Шифокор "Айтарли ҳеч гап йўқ . Барчаси жойида, аммо қон босим билан ўйнашиб бўлмайди, бироз дам олиб, ўзларини парвариш қилишлари керак" дегани учун ортиқча титкилаб ўқиб ўтирмадим.

Мастура опа эри узатган қоғозни қўлида бирров айлантриб кўрган бўлди. Ундаги таҳлил ва кўрсатмаларга кўз югуртирди. Аммо эрининг ўзини тутишидан у ҳам хотиржам тортди ва айна дамда ўзини қизиқтираётган мавзу юзасидан сўз очди :

- Қорнингиз қалай , дадаси ? Сиз яхши кўрадиган котлетдан пишириб қўйгандим...

Мирсаид ака унга жавобан :

- Ҳозир кийимларимни алиштириб чиқай , сен эса овқатингни сузавер, - деб ичкарига кириб кетди.

Мирсаид ака кўчалик кийимларини кийимилгичга илар экан оғир хўрсинди:

"Қани эди,- дея ўйлади у изтироб билан , - қани эди барини бошидан бошлашни иложи бўлса. Ҳаётимиз бутунлай бошқача бўлар эди. Бутунлай бошқача ..."

Мирсаид ака ҳақиқий аҳволни Мастура опадан яширгани билан Сулаймон ва Ҳилолани огоҳлантириб қўйиш шартлигини биларди.

Аммо қачон ва қандай қилиб ? Ана шу савол Мирсаид аканинг юрагини ўярди.

У ўйлай - ўйлай охири бунинг-да иложини топди. Сулаймон ва Ҳилолалар ўқишдан келишгач, ўғлини "Юр устахонага бориб машинални кўрсатиб келайлик. Икки кундан буён ўт олдирганимда бошқачароқ овоз чиқяпти" деб ўғлини олд ўриндиққа ўтказди- ю , ҳовлини бирга тарк этди.

Сулаймон илгарилари отаси сира бундай таклиф билан ўзига ҳамроҳ қилмаганлиги учун бироз ажабланди. Аммо ортиқча бир сўз дейишдан ўзини тийиб унга эргашди.

@Xazon_Rezgi /74 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака ўғли билан махалла гузарига чиққач , машинасини тўхтатди. Аммо бу ерда орасирада танишлар кўзга чалина бошлагач , машинасини қайтадан ўт олдирди. У эди суҳбат учун ҳилватроқ бўлган жойни танлади.

- Ўғлим ...- Мирсаид ака гапни нимадан бошлашни билмай анча жим қолди . Сулаймон ҳам отаси ҳозир қандайдир муҳим гапни айтишга қийналаётганлигини фаҳмлаб унга ортиқча савол бермай ўз ҳолига қўйди.

-Сулаймон ... Фаҳмлаб турибсан- ки , сени бу ерга бежизга олиб келмадим. Хуллас ... Сулаймон бу сафар юраги орқага тортганча гапни бошлашга бошлаб , сўнгра жим бўлиб қолган отасига савол беришдан ўзини тия олмади :

- Дада, тинчликми ? ! Бор гапни яширмай айтаверинг ?! Нима қайсидир дўконингиз касодга учрадими?

- Кошки эди шундай бўлса, болам , - Мирсаид аканинг бўғзидан олов отилгандек бўлди.

- Унда нима гап ? !

Мирсаид ака машинанинг ғаладонига боя ўзи яшириб қўйган Мастура опага тегишли таҳлил

натижаларини асл нусхасиги олиб ўғлининг тиззасига ташлади :

- Мана ...

Сулаймон таҳлил натижаларини қўлига олди. Бир марта ўқиди. Ранги қув ўчди. Сўнгра иккинчи марта овоз чиқариб ўқиди.

- Дада ...- деди у ингрок овозда , - докторлар нима дейишяпти ?!

Мирсаид ака вазият нечоғлик жиддийлигини ўғлига билдириб қўйишни ўзининг вазифаси деб ҳисобладими ёки кўнглини зил қилиб босиб ётган юқдан хиёл бўлса- да қутилишни истадими , яна бир тарафи Сулаймоннинг ёлғиз ўғил сифатида барини билишга ҳақли деб қарор қилдими лабларидан беихтиёр :

- Улар онангни узоғи тўрт ойлик умри қолган дейишмоқда , - деган сўзлар учди.

Сулаймон беихтиёр "оҳ" уриб юборди. У бир тарафдан онасининг дардига қаттиқ куйган бўлса , иккинчи тарафдан бир вақтнинг ўзида дадаси , ўзи ва Ҳилоланинг бошларига тушган бу синовга дош бера олишлари мумкинлигини ақлига сиғдира олмаётган эди.

- Мен ойингни "Сенга ҳеч нарса қилмаган" деб деб алдадим . "Шунчаки қон босиминг бироз кўтарилган" дедим. Очиғини айтишга юрагим дов бермади . Аммо билмадим бу алдовим қачонгача иш берар экан,- деди Мирсаид ака ўксик овозда , - мана бу ёғига сен ҳам бор гапдан хабардорсан. Шунга кўра иш қиларсан. Ўғлим , кўряпсан-ки ойинг ҳам узилишга маҳкум япроқдек ғанимат бўлиб қолди. Орамиздаги бўлиб ўтган барча гаплардан келинни ўзинг хабардор қиларсан. Икковингдан битта илтимос. Чехраларинг доимо кулиб турсин. Мен ойингни умрини охирги ойларини тинч- хотиржам ўтказишини истаيمان.

- Дада , дарровда таслим бўлманг. Ахир Айтишади- ку , умид энг охирида ўлади деб , - Сулаймон бу сафар тезда отасига эътирозга шошилди .

- Мен шундоғам таслим бўлмоқчимасман , - Мирсаид аканинг овози қатъият билан янгради. Фақат сенларнинг ўзларингни йўқотиб қўймасликларингни таъкидлаяпман халос. Ўзим эса бугундан ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

27-ҚИСМ

суриштирув ишларини бошлаб юбордим. Таниш- билишлардан илтимос қилдим. Ойингни даволаниши учун балки чет элга олиб бориш керакдир. Улар "Даволай оламиз" дейишса бўлгани, мен охирги нарсамизгача бўлса ҳам сотаман, фақат устимдаги энгил- бошим билан қолсам қолай , аммо бу йўлдан қайтмайман.

- Дада, - деди Сулаймон отасини қўллаб- қувватловчи овозда , - биз сиз билан . Ҳамиша ва ҳамма вақт . Мен ҳам интернетдан шу касалликга даво топиш чорасини қидириб кўраман .

- Сулаймон ўғлим,- деди Мирсаид ака ёлбориш оҳангида,- илтимос , келинга тайинласанг . Бу ҳақда унинг уйидагилар билишмасин, майлими ?

Бу гап овоза бўлиб кетишини истамайман. Биласан, қайнотанг ойингни синглим деган . Шу хабарни эшитгач жим ўтира олмаслиги аниқ . Агар уйимиз келди - кетди бўлиб кетса , ойингни

кўнглига гумон тушади, шубҳа оралайди. Бу эса ўз навбатида ишончига путур етишига сабаб бўлади. Буни асло истамаган бўлардим.

- Сизни тушундим ,дада . Барчаси сиз айтгандек бўлади.

- Энди уйга қайтдик . Аммо ўзингни ушла . Келинга бор гапларни кечқурун айтарсан. Аёл киши бундай сўзларни эшитгач ўзига келиши қийин бўлади.

- Хўп бўлади , дада. Сиз нима десангиз шу.

* * *

Бари кутилмаганда бошланди. Мастура опанинг дарди уч кунга қолмай хуруж қилиб қолди.

Бир куни ярим кечаси уйғонган Мирсаид ака қўли билан пайпаслаб ёнида ёстиқдоши йўқлигини билиб ҳайрон бўлди.

Мастура опанинг ўзини бундай тутадиган одати йўқ эди. Мирсаид аканинг кўнглига дарровда шубҳа оралади . У тезлик билан ўрnidан туриб ташқарига отилди. Остонадан ташқарида эса оёғи бир нарсага урилиб мункиб кетди. Кўчадан тушиб турган хира ёруғда аёлининг беҳуш ётганлигини кўрган Мирсаид аканинг хуши бошидан учди :

- Мастиииир ...

Мастура опа остонада беҳуш бўлиб анча вақт ётганлиги учун музлаб қолган эди.

Дадасининг чинқириғига Сулаймон ва Ҳилолалар дарровда югуриб чиқдилар. Ота - ўғил Мастура опани ичкарига кўтариб олиб киргунларича , Ҳилола дарровда тез ёрдамга кўнғироқ қилди.

Етиб келган тез ёрдам Мастура опага зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатди ва касалхонага олиб бориб ётқизишни маслаҳатини берди.

Эртаси куни аёлини Камолиддин Улуғовичга олиб борган Мирсаид аканинг ундан Мастура опани касалхонага олиб бориб ётқизишдан ўзга иложи йўқлигини эшитди.

Дарҳақиқат, Мирсаид аканинг аёлини касалхонага ётқизишдан бошқа иложи қолмаганди.

Мастура опа ўзи таҳлил топширган Республика Онкология касалликлари тиббиёт бирлашмасида ётиб даволана бошлади. Уни шахсан профессор Ортиқ Нишоновнинг ўзи даволай бошлади.

Профессор Нишонов Мирсаид аканинг илтимоси билан Мастура опанинг дардини унинг ўзига "касалликнинг тезда тузалувчи жудаям енгил формаси" эканлигини таъкидлаб қулоғига қуя бошлади. Аслида эса аҳвол ўйлагандан анча жиддий эканлигини наинки шифокор, балки Мирсаид аканинг ўзи ҳам яхши англаб турар эди.

Шифокор назоратида ойма - ой кимё муолажаларини олган Мастура опа шу тариқа уч ойни ўтказди.

Бу орада Мирсаид ака аёлининг дардини "Тузатиб бераман" деган бирорта шифокор ва

давлатни ҳеч қаердан дараклаб топа олмади. Барча ёзган хатларига келган жавоблар мазмунан деярли бир хил эди: "Хурматли Миржалолов Мирсаид!. Ўйлаймизки аёлингиз Миржалолова Мастуранинг дарди саратоннинг сўнгги босқичига қадар авж олиб кетганлиги сабаб ..."

Мирсаид ака жавоб хатларини давомини ўқий олмайди. Бу хатлар гўёки унга ўлим хабаридек совуқ бўлиб туюлади. Зада кўнгли гўё барчасига ана шу шифокорлар ва уларнинг ёзган хатлари айбдордек интернет орқали келган хатларни таг- туги билан ўчириб ташлаб хумордан чиқмоқчи бўлади. Аммо қани масала шунинг билан ҳал бўлиб қўяқолса .

Сулаймон ҳам айнан шу интернетдан ақалли кичкинагина умид бўлсада уйғота олувчи мужда топа олмагач қаттиқ тушкунликка тушиб қолди. Қийин - қийин Ҳилолага энг қийини бўлди.

@Xazon_Rezgi /76 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа барини нозик аёллик кўнгли билан яхши тушуниб турарди. Энг қийини унинг ўзига бўлди. Дарди - ку бир тараф , аммо энг оғриқли нуқтаси ўзини ҳеч нима бўлмагандек тутиш , яқинларига очик чеҳра билан муомала қилиш , улар ва ўзини бор гапдан хабардор бўлган ҳолда гўёки барчаси яхшидек роль ўйнаш- буларнинг бари Мастура опани ҳолдан тойдириб қўйди.

Учинчи бор касалхонага ётқизилгандан сўнг профессор Нишонов Мирсаид акани алоҳида йўқлади .

- Мирсаид ака,- деди у одати бўйича қаршисида ўтирган ўзидан бирмунча ёш , лекин кейинги кунларда анча қариб қолган эркакга назар ташлаб , - мени тўғри тушунасиз энди. Бу ёғи оз қолди. Биз қўлимиздан келган барча чорани кўрдик. Аёлингиз оғриқдан азобланмаслиги учун барча дори-дармонларни етказиб турдик. Бироқ улар вақтинча оғриқ қолдиради халос. Аммо касалликнинг ривожланиш жараёни кетаверади . Токи ...

Нишонов гапининг давомини айтолмай ерга қаради .

- Сизга раҳмат ,- деди Мирсаид ака кутилмаганда шифокорни ҳайрон қолдириб осойишталик билан,- борингизга шукур , профессор. Бир шифокор бўлса, бир фидокор бўлса сизчалик бўлади. Кўрмадим эмас, кўрдим. Аёлимнинг дардини енгиллатиш учун қўлингиздан келган барча ишларни қилдингиз. Бир зум бўлса-да хотиржамликка берилганингиз йўқ. Сиздан қарздорман. Илойим яхши тўйларингизда ҳизматда бўлай,- Мирсаид ака шундай деб кўкрак чўнтагидан ташриф қоғози олиб профессорга узатди,- биласиз менинг қўл остимда бир неча дўконларим бор . Агар сизга нимадир керак бўлиб қолса қўлдан келганча ...

- Мирсаид ака ,мени хафа қияпсиз . Мен ахир ўз вазифамни бажардим халос. Қолаверса ...

- Ортиқ ака ,- деди Мирсаид ака унинг оғзидан гапини олиб , - мен кейинги кунларда битта нарсага амин бўлдим . Бойлик , давлат ҳар доим ҳам бахтдан нишона эмас экан. Ҳақиқий бахт кўп ҳолатларда бу ўзинг суйган инсонинг билан бир бурда нонни баҳам кўриб қўша қариш экан. Аслида бу сўзларни сизга айтиш ҳам шарт эмас эди. Ахир сиз мен шу ёшга кириб ҳис қилган нарсани касбингиз сабаб кунда ҳис қилиб келгансиз ва келмоқдасиз .

Маили , вақтингизни олмай. Сизга яна бир бор катта раҳмат.

- Мирсаид ака, қачон бирор маслаҳат керак бўлса тортинмай кўнғироқ қилаверинг . Тонг бўладими, ярим кечами ҳижолат бўлмай, хўпми ?

Мирсаид ака "хўп" дегандек бош ирғади...

Мирсаид ака Нишонунинг ҳузуридан чиққунига қадар Мастура опани кетишга тайёрлаб қўйишибди.

Мирсаид ака ҳамшира етовидаги аёли ўтқазилган аравагани ўзи итариб машинаси ёнига олиб келди. Уни олд ўриндиққа олиб келиб эшикни очди-ю , аёлини маҳкам қучиб у ерга авайлаб ўтказди .

Аёлини кўтарганда димоғига "гуп" этиб дориларнинг ҳиди урилди. Бу ҳид Мастура опанинг сочлар- у териларига сингиб кетган эди. Мирсаид ака уни ўриндиққа жойлаштира туриб , ўзининг бўйнидан ожизгина қучиб олган аёлининг қулоқлари остиларини бурни билан чуқур ҳидлади . Ундан ўзининг доимий ўрганган ифори аввалги Мастурасининг бўйини- митти дала чечаклари ҳидини туйгиси келганди. Афсуски , бу ачимтир дори ҳиди аёлнинг бутун танасини ишғол қилиб бўлганди.

Мирсаид ака қалбан "дод" солганча қаддини кўтарди. Сўнгра ўзи билан изма - из келган ҳамшира ёдига тушиб ортига бурилди. Унинг қўлидаги халталарни олиб юкхонага жойлагач , ҳамшира ҳозиргина бўшаган аравагани етаклаб йўлга тушди. Мирсаид ака ўзига ҳамроҳ бўлиб келган аёлнинг ажин босиб кетган юзларига қараб , ёшидан аввал қариган бу аёлнинг бир дарди бор деб ўйлади.

У чўнтагига қўл суқди- ю , бир даста юз минталикни олиб аравачага ташлади.

Йўлга тушган ҳамшира аввалига ҳеч нарсага тушунмай Мирсаид акага бақрайиб қараб қолди . Сўнгра нима бўлганлигини фаҳмлаб пулларни эгасига қайтариб бериш учун шоша - пиша тера бошлади.

- Синглим, бу эҳсон. Чин кўнгилдан. Сиз олмасангиз бошқа бировга ҳам берардим. Аммо Аллоҳ нима учундир сизга беришни кўнглимга солди. Балки бежизгамасдир. Шу сабаб қўлимни қайтарманг ва ...- шу ерга етганда Мирсаид аканинг овози титраб эшитилди,- аёлимни дуо қилиб қўйинг. Илтимос...

Аёл ўзини қўлга олгунча Мирсаид ака машинасига ўтирди- ю ,

@Xazon_Rezgi /77 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

тезда кўздан йўқолди.

Аёл ...ҳақиқатдан муҳтож эди. Унинг эри ўтган йили устачилик қилаётган вақтда станокда бир қўлидан тирсагигача айрилган , тўртта ейман- ичаман деб турган ўфилчаларининг энг каттаси бугун ўн икки - мучал ёшига кираётган куни эди. Аёл ўғли учун биргина торт сотиб олишга ҳам пул орттира олмай дили вайрон бўлиб турган чоғда ...

Аёл беморнинг эри ташлаб кетган пулни шоша - пиша санади. Пул икки миллион етти юз минг чиқди. Аёлнинг кўзларидан дувиллаб ёш чиқиб кетди . У аравагани итариб кетар экан тинмай "Сахий эркак ва унинг аёлининг мушкули осон бўлсин, Аллоҳ ўзи ёрлақасин" дея дуо қилиб борар эди...

* * *

Мирсаид ака йўлда борар экан бирдан хаёлига Ҳилолага қўнғироқ қилиш фикри келди. У машинасини бир четга тўхтади ва келининг сақланган рақамини терди.

- Қизим , - деди Мирсаид ака унинг саломига алик олгач,- биз ойижонингиз билан касалхонадан чиқиб уйга қайяпмиз. Илтимос , дарсингиз тугаши билан сизлар ҳам тезда уйга қайтсангиз.

- Додажон, биз ўглингиз билан уйдамыз. Ойижонни кўриб келишга отланаётгандик. Маҳина аммажоним ҳам келгандилар.

- Ундай бўлса яхши . Биз ўн дақиқаларда уйда бўламиз. Рўзғорга бирор нарса керак бўлса айтинг .

-Ҳамма нарса етарли , додажон.

- Яхши ...

- Бугун болалар ўқишга боришмабдими ? - беҳолгина шивирлади Мастура.

- Ҳозир сессия вақти- ку, шунга бугун бўш бўлишган шекилли. Мен ҳам ўқишга боришларини сўрамай йўлга чиққандим.

- Яхши ...

- Мастииир ... Келин бугун уйда экан . Кўнглинг тусаган овқатни айтсанг пишириб беради,- деди Мирсаид ака нима дейишни билмай йўлдан кўзини узмаган ҳолда.

- Унингизни ҳам обдон силласи қуригандир дадаси . Бу ёқда ўқиши, бир тарафда уй- рўзғор юмушлари , бир тарафда мени касалим ... -гапира туриб Мастура опанинг оғзи қуриб қолди.

Буни пайқаган Мирсаид ака аёлининг оғзидан сўзини олди:

- Келининг айтсанг айтмасанг нима овқат қилай деб сўрайди- ку , барибир. Шунга кўнглинг тусаганини айт деяпман. Аллоҳга шукр тоълеимизга келин чаққонгина чиққан. Бундай ишлар унга чўт эмас . Ўзи аслида "Қайнона - келиннинг тупроғи бир ердан олинади" деган гаплар рост экан. Асрор қудам ҳам ҳар кўрганда "Шу қизим ёшлигидан Мастурага ўхшар эди, ишқилиб юмушлари билан кўнглингдан чиқяптими " деганлари деган. Мен ҳам "Келинимизни кимга ўхшашини айтяпсиз- ку , саволингизни жавобиям аслида шу" дейман ҳар сафар . Сен ҳам раҳматли онамларнинг худди ўзларидексан.

- Ҳали улардек бўлолганимча йўқ эди,- ўксик овозда тан олди Мастура опа , - улардек бўлолмасам ҳам керак.

- Бу нима деганинг , онаси ... Албатта бўласан. Насиб қилади шундай кунлар. Мана мени айтди дейсан. Иииее , ана уни қара , - Мирсаид ака кўзлари билан яқинлашиб қолаёзган уйлари тарафга ишора қилди , - сенга нима дегандим ?! Кичкина Мастир ...

Мастура опа эри ишора қилган тарафга қараб аввалига унинг қочиримига тушунмади , кейин бор гапнинг маъносига етиб жилмайди :

- Ўзингга шукр . □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

28 - ҚИСМ

Мастура опанинг бундай дейишига бир сабаб бор эди. Айти дамда Ҳилола ҳам худди ўзи каби дарвозани очиб , Мирсаид аканинг уйга қайтишини кутиб турар эди.

Мирсаид ака машинани ичкарига олиб киргач, Сулаймон ҳам келин билан бирга ўзларини кутиб турганлигини кўрди.

Ҳилола ва Сулаймон дарровда ота- оналарига салом беришди . Ҳилола Мастура опа ўтирган тарафга яқинлашиб у билан ўриндикда ўтирган вақтида сўраша кетди, аммо Мастура опанинг юзларидаги чарчоқ аломатларини кўргач , уни машинадан тушириб олишлари учун йўл бўшатди. Бу сафар Мастура опани Сулаймон кўтариб олди. У Мирсаид аканинг ҳай- ҳайлашига қарамай аста - секин қадам босиб онасини ичкари уйга олиб кетди .

Мастура опага кичик меҳмонхонадаги диванга жой ҳозирлаб қўйишган экан. Сулаймон онасини авайлаб оппоқ чойшаб тўшалган ўринга жойлаштирар экан, меҳрибончилик билан унинг пешонасига ёйилиб қолган сочларини қўллари билан тараган бўлди.

- Ойижон , шу хонани салқингина деб жой қилгандик. Зериксангиз телевизор ҳам кўриб ётишингиз мумкин,- деди Ҳилола қайнонасининг бошидаги ёстиқни тўғрилар экан.

- Чар..чаб қол...ма...дин...гизми ? - Мастура опанинг овози аранг эшилди. Сулаймон "Йўўқ" деган ҳам эдики уни ташқаридан дадаси чақириб қолди. У "Ҳозир келаман" деганча ташқарига йўл олди . Ҳилола қайнонасининг тутилиб гапиришидан унинг оғзи қуриб қолганлигини тезда фаҳмлади . Дарровда суюқ қилиб дамланган иллиққина чойдан ярим пиёла қўйиб унга ичира кетди.

- Яна ...- деди Мастура опа пиёладаги чойни ичиб тугатгач .

Ҳилола иккинчи қайта пиёладаги чойни қўйиб қайнонасига ичира кетди.

- Маҳина ... амман...гиз қани..лар ?!

- Мен шу ердан , Мастураой, дея эшикдан қораси кўринди Маҳина амманинг , - чой ичиб турганингиз учун кутиб тургандим.

Ҳилола ҳам Маҳина аммага йўл бериб , ўзи эрининг ортидан ташқарига чиқиб кетди. Маҳина амма ичкарига кириб , Мастура опа билан кўришди :

- Туф, туф .. Кўз тегмасин анча яхши бўлиб қолибсиз . Юзингизга ҳам қизил югурибди.

- Опажон , - ётган жойида жилмайишга ҳаракат қилди Мастура опа, у салқин уйга киргани учунми ёки тўйиб чой ичгани учунми гапирганда энди тили тутилмаётган эди, - ётишимга қаранг. Бундоқ келин бўлиб сизни кутиб олишга ҳам ярамасам.

Мастура опанинг кўзларида ёш айлангандек бўлди.

- Ўзимни андишалик келинимдан айланай,- деди Маҳина опа Мастура опа ётқизилган диван ёнидаги кўрпачага чўкка тушиб , - ўзим ўргилай. Шунда йил ҳизматимизни қилдингиз . Худо

хоҳласа ҳали тузалиб кетсангиз яна ҳизматимизни қилиш қочмайди. Бизга ҳам сизнинг соғлиғингиз керак. Қолаверса , Ҳилолангиз худди ўзингиз бўлган, ҳеч бир юмушни ўзидан орттирмаяпти. Сиз эса хотиржам ётиб тузалиш ҳаракатини қилаверинг, хўпми ? !

- Хўп опагон, хўп. Ўзим ҳам бир неча ойлاردан буён ётавериб диққанафас бўлиб кетдим. Кўряпсиз ўрнимдан туриб қадам босишга ҳам қувватим қолмади. Овқат ейман десам ... Кўлларим қалтираб қошиқ тутолмай қоляпман. Ишонсангиз шу кийдирилган тунги кўйлақларим ҳам танамга зилдек юк бўлиб босиб қўйяпти... Аммо укангизга буларни айтиб куйган юракларини куйдиргим йўқ... Биласизми опа ?! Уларга доим чиройли ва ўша суюкли Мастура бўлиб кўрингим келади.

Маҳина опа Мастура опага қараб юраги эзилди :

- Мастураой ...- деди у келинига меҳр билан тикилиб , - бир гап айтайми ? Тўғриси айтсам бирам гўзаллашиб кетибсиз- ки, мен сизга айтсам аввалги ҳолингиздан кўра ҳозир ўн чандон дилбарсиз .

Мастура опа қайнэгачисига синиққина табассум қилди :

- Раҳмат опагон , яхшиям сиз борсиз . Майли- да энди бир , икки оғиз ёлғон билан бўлса- да кўнгил кўтаришни жойига қўясиз.

- Вой мангина ўлай,- деди Маҳина опа аразлаганнома оҳангда лаб буриб,- нега ёлғон айтар эканман. Менинг гапларимни бари ҳар қачон ҳам ҳақ рост эканлиги ёдингиздан чиқдимми ?! Йўйўйўқ , сиз ҳақиқатдан ҳам гўзаллашиб кетгансиз . Қошларингизни ҳар доимгидан ҳам қорароқ , хумор кўзларингиз бир боқдимми ўзига мафтун қилмай қўймайди.

@Xazon_Rezgi. /79 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Салкам олтмишга яқинлашибсиз- у , юзингизда на бир ажин, сочингизда на бир оқ бор ... Сиз гўзал бўлмай ким гўзал бўлсин яна ?

Маҳина опа айна дамларда Мастура опанинг ҳақиқатдан ҳам нечоғлик гўзал бўлиб кетганлигини тан ола туриб бирдан юраги орзиқиб орқага тортиб кетди.

"Мастураой ҳақиқатдан ҳам ҳам чиройли бўлиб кетибди,- деб ўйлади у , - нафасимни шамол учирсин- у , аммо бунинг охири яхшиликка эмасов. Қадимгилар инсон ўлимидан аввал шунақа чирой очиб, бениҳоя дилбар бўлиб кетса "Бу инсон тупроққа етиляпти" жуда қаттиқ қўрқишган экан. Бу ёқда укам Мирсаид ҳам аёли ҳақида "Буёғига умид йўқ эмиш , шифокорлар ҳаракатингизни қилаверинг дейишди" деб кўзи ғилтиллаб турибди"

Маҳина опанинг хаёлини Мастура опанинг инграган овози бузди :

- Имми ...- Мастура опа ётган жойида бесаранжом бўлиб қолди.

- Мастураой, бирон нарса керакми ? - унга энгашиб сўради Маҳина амма.

- Тураман, - деди Мастура опа деярли шивирлаб , - ҳожатга боргим келяпти ... Сулаймон мени ташқарига олиб чиқсин.

Маҳина опа "Ҳозир" деб ўрнидан турди- ю , эшикдан нарига имлади :

- Сулаймон , болам , бу ёққа бир қараворгин.

Сулаймон ҳаялламай етиб келди.

- Ҳаа , аммажон ?!

- Ойинг ташқарига чиқаман деяптилар .

Сулаймон дарҳол ортига ўгирилди :

- Ҳилола , бояги айтганим қани ?!

Ҳилола зипиллаб келиб эшик ортида устига мато ташлаб қўйилган қўчма елим тувакни кўрсатди :

- Шу ерда ...

- Ойижоним ...

Сулаймон гапини бошламаёқ Ҳилола елим тувакни хонага олиб кирди. Уни Мастура опа ётган жойнинг оёқ тарафига қўйди ва Мастура опанинг бағрига кирди:

- Келинг, ойижон ...

- Тўхта битта ўзингни кучинг етмайди , ойижонимни йиқитиб юборма яна ...

Сулаймон ўзи илдам келиб Ҳилолани четга суриб , онасини ўзи даст кўтарди.

У тувакни ёнига яқинлашганда Ҳилола чаққонлик билан қайнонасининг кийимларини тўғрилаб ўтиришга ёрдам бериб юборди .

Мастура опа ўтирган ўрнида мувозанатни тутолмай чайқала бошлади. Бу ҳолатни кўрган Ҳилола унинг елкасидан қучиб олди.

Мастура опа бироз шу қўйи ўтирди ва секин шивирлади :

- Тураман ...

Сулаймон онасини Ҳилола ёрдамида яна ўрнига қайтариб ётқизди.

Ҳилола тувакни ташқарига олиб чиқиб кетди ва кўп ўтмай қўлида кичиккина елим обдастада сув ва тоғорача кўтариб кирди .

У қайнонасининг ётган жойида юз- қўлларини ювиб қўйди.

- Раҳмат қизим , илойим қилган меҳнатингиз роҳат бўлсин . Мендан қайтмаса Худодан қайтсин , - Мастура опа шу сўзларни айтиб бўлгунча чарчаб қолган эди.

Ҳилола унинг ёстиғини яна бир бор тўғрилаб:

- Шундоқ ётиш қулайми , ойижон. Унда яхши . Мен ҳозир тушлик олиб келаман, - деди жилмайиб .

Ҳилола тушликка манти пиширган экан. Оила аъзоларига сузган мантисини нариги хонага олиб кириб бергач , ўзи битта ликопчадаги тўртта дона мантини олиб қайнонасининг ёнига ўтирди. У Мастура опанинг ёқаси олдига кичиккина сочиқ ташлаб унга қошиқ ёрдамида мантини узиб - узиб едиришга тушди.

- Қани ойижон?! Оғзимизни очамиз. Ҳоп-пааа ?!
У Мастура опанинг оғзига манти бўлагини солиб :

- Қалай мазалими ? Энди озгина қатикдан ичамиз а ?! - дея гап қистириб қўярди.

Мастура опа икки дона манти еди. Учинчисига навбат келганда бош чайқади :

- Емайман ...

- Ойижон пиширган овқатим сизга ёқмадими ? Илтимос яна бир дона енг ...

Мастура опа келинининг илтижоли сўровини қайтара олмади . Бироқ учинчи мантини еб бўлиши билан барча еган- ичганини қайт қилиб юборди.

Ҳилола эпчиллик билан унинг оғзига бояги сочиқни тутиб қолди. Аммо ўзининг қисташи туфайли шу аҳволга тушган қайнонасига юраги туздек ачиб кетди .

Мастура опанинг қаттиқ ўхчиган овозини эшитган Сулаймон кўзлари ола- кула бўлиб хонага бостириб кирди. У Ҳилоланинг қўлидаги сочиқни кўриб важоҳат билан пишқирганча унга савол берди :

- Онамга нима қилдинг ?! □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

29 - ҚИСМ

- Мен ... Мен ҳеч нарса ...қилганим йўқ ...- деди йиғламоқдан бери бўлиб Ҳилола,- шунчаки манти едиришгандим...

- Кўриниб турибди ҳеч нарса қилмаганинг . Мантини қошиқда зўрлаб тиқиб ўқчитиб юборгансан, оқибатда ...

- Иммм ... Боламм ... Бўлди қил. Ҳилола ҳеч бир айб иш қилгани йўқ ... Фақат ошқозонимнинг ўзини овқат қабул қилгиси йўқ ... - Мастура опа қайт қилиб янада ҳолсизланиб қолганди, шу сабаб энтикиб - энтикиб гапирарди,- Ҳилола , қизим менга газсиз сув беринг , илтимос. Кўнглим жудаям беҳузур бўлиб кетяпти.

Ҳилола дик этиб ўрнидан туриб ошхонадан Мастура опа айтган сувдан олиб келиб ичирди

- Раҳмат , қизим. Сувдек сероб бўлинг , - Мастура опа ўзини яна ёстикқа ташлади.

- Ойижон кўп дори ичаверганларидан ошқозонлари зада бўлиб кетибди. Қайт қилганларида ҳам нуқул ям - яшил бўлиб кетган сафро ташладилар. Мени буйрагим оғриганда шифокор заҳарни кесади деб йогурт ва турли шарбатлар буюрганди, - Ҳилола шундай деб Мастура опага юзланди ,- ойижон , сизга ҳам йогурт олиб келайликми !?

Мастура опа йогурт нималигини эсламоқчи бўлди ва келини қўли билан ҳавода кичиккина тўртбурчак шаклни чизиб "Мана бунақа идишдаги-чи ?" дея кўрсатгач ёдига тушди:

- Мевали қатиқми ? Майли олиб келақолсин ...

Сулаймон онасининг йогурт ичишга розилигини билиб "Мен ҳозир" деганча кўчага отилди. Кўп ўтмай кўлида бир халта турли - туман меваларни сурати туширилган йогуртларни кўтариб кириб келди. Ҳилола эрининг кўлидан йогуртли пакетни олар экан , уларни кўли билан пайпаслаб ушлаб кўра бошлади :

- Бироз муздек экан. Мен ҳозир , - Ҳилола ўрамдаги йогуртларни биттасини "қарс" этиб қолганларидан ажратиб олди - ю , ошхонага бориб идиши билан қайноқ сувга ботириб илита бошлади. Йогурт зумда илиди.

Ҳилола илиган йогуртни қайнонаси ётган хонага олиб кириб унга ичира бошлади.

Йогурт Мастура онанинг оғзига мазали унади. У хатто йогурт тугагач идишга "Дарровда тугадими ?!" дегандек кўз ташлаб кўйди.

Ҳилола ойижонисига йогурт ёққанини билиб ўзидан хафа бўлди :

"Эссизгина иккита идишни бирйўла илтиб келсам бўларкан"

- Ойижон , яна йогурт илтиб келайми ?

Мастура опа ўзини ёстиққа беҳол ташлади :

- Кейин... кейинроқ ...Ҳозир сув беринг.

Ҳилола Мастура опага аста - секин сув ичириб кўйди.

Мастура опа сувни ичиб бўлгач , Ҳилолага оҳиста ишора қилди :

- Қизим, раҳмат . Ўзингиз ҳам тушлик қилиб олинг. Мен бироз мизғийман.

Сулаймон онасининг ёнига янада яқинроқ сурилди :

- Ҳилола , сен боравер. Ойижонимга ўзим қарайман .

Сулаймон эҳтиёткор ҳаракатлар билан онасининг оёқларини уқалай бошлади...

Ҳилола кўнгли тилар - тиламас , Мастура опага қарай-қарай хонани тарк этди.

У овқатланадиган хонага кирганда ҳомуш ҳолда бош эгиб ўтирган Мирсаид ака ва пиқ- пиқ йиғлаётган Маҳина аммага дуч келди :

- Келинг , қизим , - деди Маҳина опа йиғи тошиб келаётган кўзларини кенг енгига артар экан,- ўтиринг. Озроқ ичингизга иссиқ кирсин. Биз қарияларга эътибор берманг. Сиз катта - катта енг. Ҳали куч керак бўлади. Касал касал эмас , унга қараган касал .

Маҳина опа ўзини тутта олмай яна йиғлай бошлади .

- Аммажоон , - дея жовдиради Ҳилола,- тинчликми ?! Нима учун йиғлаяпсиз ?!

- Болам , - деди Маҳина опа , - қариганимда бошимда шу савдо ҳам бор эканми ?! Оҳ , бунга чидаш қанчалар қийин экан- а ?! Жигарингдан аъло бўлиб кетган яқин инсонинг етдим деганда йиқилса , оғзи ошга етганда боши тошга ... Ээээххх... Тағин ҳам одамизод кўтар экан бу дардларни . Агар шу дардларни барини филга йиғиштириб ортилса борми , бели қарс этиб узилиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ҳеч гап эмасди !

- Аммажооон , мен барибир ҳеч нарсага тушунмадим,- кўзлари олазак боқди Ҳилоланинг.

- Қизим , шифокорларнинг айтишича ойижонингизни санокли кунлари қолганмиш ...

@Xazon_Rezgi /81 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

Улар Мастураойга сўнгги бора жавоб беришибди. Бундан буён "Кўнглига қаранглар, оғзига ёққан таомни тутинглар , сўнгги кунларини меҳрингизни ҳис қилиб яшашга имкон яратиб беринглар" дейишибди.

Ҳилола бирданига мунғайиб , чўкиб қолди .

Аранг :

- Ойижооон , - деб шивирлай олди халос . У ўрnidан базўр турди , қайнотаси ва Маҳина аммага бир- бир нигоҳ ташлади , - мен бироз ёлғиз қолмоқчиман. Рухсатингиз билан ...

Ҳилола ўрnidан турар экан , бир гандираклагандек бўлди. Аммо тезда ўзини тутишга ҳаракат қилиб хонани тарк этди :

- Буниям иштаҳасини бўғдим, - чорасизликдан оҳ урди Маҳина амма, - бир зум тилимни тийиб турганимда овқатини еб олган бўларди.

- Опа , ўзингизни кўпам қийнайверманг , - деди Мирсаид ака унга , - айбламанг ҳам. Барибир Мастурани бу аҳволда кўриб томоғидан овқат ўтмас эди.

- Мен намозимни ўқиб олайда , кейин чиқиб ошхонангни бироз йиғиштириб қўяй. Ҳилолагаям жабр бўлди. Бировнинг кўздек боласи . Ҳали келинлик оҳори кетмасдан барчамизни бошимизга тушган савдони биз билан баробар қаршилашга мажбур бўляпти . Ошхонани саранжомлаб бўлиб қозонга озроқ қайнатма соламан. Мастураойга сувидан ичирамиз . Ҳарна қувват . Сен ҳам пешинни ўқиб аёлингни ёнига кирарсан...

- Хўп , опа ...

Маҳина амма кичик даҳлиз орқали кейинги хонага йўл олди.

* * *

Ҳилола ётоқхонасига киргач , гўё шундай қилса бутун аламларидан фориғ бўладигандек ўзини диванга зарб билан отди. Бор кучини ўнг қўлига тўплаб ёнидаги ёстиқни муштлади.

Йўўўқ. ... Алами зиёда бўлса бўлди-ки , аммо қилча бўлса-да аримади. Сўнгра ўзи ҳозир муштлаган ёстиқни олиб оғзига маҳкам босди. Бор овози билан телбаларча чинқирди. Овози ёстиқни ҳатлаб хонага тарқалмади. Бу Ҳилола учун айна муддао бўлди. Шу ҳунарни яна икки , уч марта такрорлади. Танасидаги руҳий зўриқишлари бир тараф , кейинги вақтлардаги

сурункали чарчоқ бир тараф , эрта сахардан то ҳозирга қадар бир тишлам нон ҳам татимагани бир тараф бўлиб Ҳилола сулайиб қолди.

У ҳозиргина овозини чиқармасликка ёрдам берган ёстиқни маҳкам қучоқлаганча паст овозда эзилиб йиғлай бошлади :

- Ойижооон ... Меҳрибоним Сизсиз бу уй, бу оила аъзолари ғариб - у қашшоқ бўлиб қоламиз- ку ? Сиз хонадонимизнинг тафтисиз- ку, бетафт қандай яшаймиз , онажон ... Айтнинг ... Бизни ташлаб кетишга қандай кўзингиз қияди?! Ахир барчамизни бирдек суюб , бирдек ардоқлардингиз- ку ?! Сизсиз бу уйнинг эркакларини мен ҳеч қанақасига эплай олмайман, Ойижооон...

Улар ҳар бир босган қадамимдан сизни излайверишади, қидираверишади. Шу тариқа мени ҳам ўзларини ҳам абгор қилишади. Ахир касалхонада ётганингизда буларнинг барига гувоҳ бўлдим- ку.... Буниси ҳам майли. Аммо сизсиз кўнглимиз ўқсиб , синиб, мажруҳ бўлиб қолиши аниқ ...

Ойижон ... Мен Аллоҳдан сизга умр сўрайман. Агар мумкин бўлса менинг йилларимнинг энг сараларини олсин- у , сизга ақалли ўн йилгина умр қўшиб берсин ... Ахир бу дунёда ўзингиз энг орзиқиб кутган набира қучиш бахтини ҳали тотиганингиз йўқ. Ношуд келинингиз шунинг ҳам уддасидан чиқа олмади.

Ё Аллоҳ, илтимосим , илтижоим Ойижоним яна бироз яшасинлар ...

Шу вақт эшик очилди . Хонага Сулаймон кириб келди. У бир кун ичида бутунлай ўзгарган, гўёки алмаштириб қўйилгандек эди :

- Ҳа йиғлаяпсан ?! Онам ҳали тирик , тушундингми ? Куппа - кундузи уйга биқиниб олиб кўзингни сийдигини оқизишингга бало борми ?! Билсанг тирикка йиғламайди. Уларни парвариш қилиш керак . Ёдингдан чиққан бўлса ёдингга солиб қўяй ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

30 - ҚИСМ

- Сен шу уйга келганингдан буён неча маротаба оғриган бўлсанг , ойижоним хонанинг тўрига кириб ўтириб олмаганлар . Эртадан кеч парвонанг бўлиб оғзингга нима ёқишини сўраб едириб , ичирганлар. Хаттоки оғринмай пайпоғинггача олиб чиқиб, кир машинага солмай ўз қўлларидан ювиб тозаллаганлар . Тузалишинг учун сени маликалардек ётқазиб қўйиб, ўзлари бир чўридек хизматингни қилганлар.

Энди ўзингга қара . Йиғлаб ўтирибсан. Айт-чи , бу олхўридек қизарган кўзларинг билан онамга қандай кўринмоқчисан ? Улар сенинг юзингдан ўзларига аталган ҳукмни ўқий олмайдиган даражадаги содда аёл эмаслар .

Бу қилиғингдан сенга , менга бир сўз демайдилар , аммо ичларидан нечта томир чирт-чирт узилмайди дейсан.

Ҳилола Сулаймоннинг сўзларини эшитиб борган сари ҳайратга туша бошлади :

"Қачон ? - дея таажжубланиб ўзига- ўзи савол бера бошлади Хилола,- қачон Сулаймон акам бунчалик улғайиб улгурдилар ?!

Э воҳ , бу дард деганлари инсонни шунчалааар тез жиддийлаштириб улгурса-я?!"

Сулаймон эса кўнглидагиларини тўкиб - сочишда давом этарди :

- Энди эса иккинчи қилган хатоингни кўр?! Нима учун тушлик қилмадинг?! Ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кучли бўлишимиз керак демаганмидим сенга? Емасанг, ичмасанг қайси куч билан ойижонимга қарамоқчисан?! Бўш қоп тик турарканми?! Биламан, иштаҳанг ғиппа бўлган. Бироқ ҳозир ўзингга қулоқ соладиган вақт эмас. Есанг қўлингдан иш келади. Емасанг йўқ. Дадам ваниҳоят барча қариндошларни бор гапдан хабардор қилишга қарор қилдилар. Энди ҳар куни уйимизни одам босади. Ўзи шу вақтгача аранг ҳолаларим ва амакимларнинг аёлларидан сабр қилишни сўраб тургандик. Энди эса эшигимизни барча учун кенг очар эканмиз, - Сулаймон шу сўзларни айтаётганда овози титрай бошлади, - дадам Ойижоним сўнги кунларини ўзлари суйган ва севикли бўлган кишилар даврасида ўтказишларини, дийдор қиёматга қолмасликни истамоқдалар ...

- Сулаймон акааа... - Ҳилоланинг кўз ёшлари тинган, овози далил эди, - мени кечиринг. Иккинчи йиғлаб сизнинг кўнглингизни бузмайман. Мени кўзларим очилди. Билсам шу чоққача мен ўзимни ўйлаётган эканман. Худбинлик қилаётган эканман. Энди эса бари бошқача бўлади.

Ҳилола ўрнидан шаҳдамлик билан турди :

- Мен ҳозир ошхонага бориб тушлигимни еб оламан. Сўнгра очиқ ва ёруғ юз билан ойижонни ёнларига кираман.

Бироқ билиб кўйинг - ки, мен барибир курашаман. Сира ортга чекинмайман. Ойижоннинг шу ҳаётда яшаб қолишлари учун курашаман.

Ҳилола хонани тарк этар экан Сулаймон унинг ортидан аста шивирлади :

- Ажаб, бизни билмаганлар айнан Ҳилолани онамнинг чин фарзандлари деб ўйлайди. Тавба, инсон инсонга шунчалар ҳам ўхшайдими? Ҳилола ойижонимни худди ўзлари- я. Юриш - туриши, ўзини тутиши, ҳатто сермулаҳазакорлиги. Қайнона- Роҳила ойим ҳам кўпинча "Мастура аммасининг қизи Ҳилола" деб бот- бот таъкидлар эканлар. Айтганча, дадамлар Асрор дадамга хабар бергандирлар. Биламан, қайнотам бу хабарни эшитишлари билан елдек учиб келадилар. Ахир улар учун Ойижоним бутун бир дунё эканликлари рост. Биламан Асрор адамлар биздан кўп хафа бўлишлари аниқ. Ахир ойижонимнинг дардларини уч ой овоза қилмадик, беркитдик. Хатто касалхонада ётганларини ҳам яширдик. Балки бу орқали катта хато қилгандирмиз. Ким билсин. Биз ҳам ойижонимнинг яхши бўлиб кетишларидан умидвор эдик- да. Чўкадиган инсон хасга ҳам ёпишар экан. Биз ҳам кимнинг оғзидан нима гап чиқса, ўша гапга бор умидимиз билан ёпишдик. Бироқ ...

Бироқ алал - оқибат Аллоҳнинг айтгани бўлар экан ...

Илгарилари "Чорасизлик инсонни ҳар кўчага бошлайди" деган фикрга тиш- тирноғим билан қарши чиқар эдим. Ҳар муаммодан чиқувчи бир йўл бор дердим. Аммо ҳозирда кўриб турибман- ки ...

Иее, анави дарвозадан кириб келаётган қайнотам - Асрор адамилар?! Демак, дадам биринчи уларга хабар берибдилар- да. Бояқиш қайнотам университетдаги ишларини ҳам ташлаб, бу ёққа югурганлар чоғи ... Чиқай- чи ...

Сулаймон хонасидан тезгина чиқиб, қайнотасининг истиқболига шошилди.

@Xazon_Rezgi /83 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

- Ассалому алайкум , ада,- Сулаймон одатга кўра қайнотасига салом бера туриб қарши олди .

Асрор Файзуллаев саломга алик олар экан Сулаймоннинг қўлига оғиргина сават тутқазди. Сават бозорнинг олди сархил мевалари билан тўла эди.

Асрор Файзуллаев Сулаймонга ортиқча гапирмади :

- Қаерда ? Онаш синглим қаерда ?!

Сулаймон қайнотасига вазиятни тушунтирмоқчи бўлиб ялинчоқ овозда :

- Ада , биласизми ... - деган эди- ки , Асрор Файзуллаев унга маъноли тикилди. Унинг тагдор қарашларида гўёки "Ҳавотир олманг, баридан хабарим бор" деган маъно мужассам эди.

- Ўғлим ... Биламан...

- Ойижоним бу хонадалар ...

Сулаймон узун зина бўйлаб қатор жойлашган хоналарнинг бирини эшигига қўл чўзди.

Мастура уйғоқ экан. Ёнида терс ўтирган Мирсаид ака Асрор акани кўргунча Мастура опа меҳмонни биринчи кўриб улгурди .

- Вооой, акааммм , акааммм келдилар, - Мастура опа гўёки ёш болага айланиб қолган эди. Унинг айни дамдаги қувончини худдики дунёнинг жамики хазинасининг калити тутқазилган киши қувончидан ҳам ортиқроғига тенглаштириш тўғридек эди.

- Ассалому алайкум , қудажон , - Асрор Файзуллаев тўғри Мирсаид аканинг ёнига бостириб бориб қўшқўллаб кўришди. Сўнгра Мастура ётган диван ёнига тиззалади.

Мастура опа ҳаё юзасидан акаси ёнида узала тушиб ётишга уялди . Унинг бесаранжом бўлиб қолганлигини сезган Мирсаид ака ва Сулаймон ётган ёстиғига ёстиқ қўшиб суянтириб ўтиргизиб қўйишди.

- Ўзимнинг синглимга нима қилди ?! - чексиз меҳр билан ҳол сўраган бўлди Асрор Файзуллаев, - онаш ...

- Акааа ...эркалик ...- деди Мастура опа ўзини йиғидан аранг ушлаб , - қарасам барча бекорчи . Бир менга қаранглар деб ...

- Мен ҳам сени тоза соғинибман. Негадир кўз ўнгимдан лип - лип ўтавердинг. Боя бир кўнглим ҳол сўрай деб Қудамга кўнғироқ қилсам , "Шундай - шундай, синглингизни яна муолажа оладиган вақти келиб қолганди, шунга бироз касалхонада ётиб чиқди , бугун яхши бўлиб қолгани учун уйга жавоб беришди" дедилар,- Асрор ака шундай деб кулимсиради,- келишга баҳона тополмай турган эдим , қуш бўлиб учдим. Аммо уйга қайтганда Роҳиладан бир гап эшитишим бор . Уни хабардор қилмай келганимни айтаман-да.

- Ака , яхши қилибсиз келиб. Айтганча Ҳилола келганингиздан хабар топдимми ? - деди Мастура опа қўзғалган бўлиб

- Йўқ ҳали. Сулаймонжон билан тўғри бу ёққа кирдик.

- Сулаймон Ҳилолани чақир . "Аданг келдилар" дегин , бир ҳурсанд бўлсин , - деди Мастура опа пойгакда жовдираб турган ўғлига имлаб .

-Хўп ойижон , - Сулаймон тезда хонани тарк этди.

Кўп ўтмай остонада чойнак ва пиёла кўтарган Ҳилола кўринди.

- Ассалому алайкум, адажон,- у қўлидагиларни хонтахтага қўяр экан , ўзи келиб адаси билан кўришди, - яхши келдингизми ? Ойижоним яхшимилар ? Укаларим?!

- Барчамиз яхшимиз қизим. Ўзинг яхшимисан?! Куёв боламини кўрдим . Яхши эканлар.

- Раҳмат адажон , ҳаммаси жойида, -Ҳилола шундай деб Мастура опага юзланди , - ойижон , қорнингиз ҳам очиб кетгандир- а ? Шўрвамиз тайёр бўлиб қолди , ҳозир олиб келаман.

- Ҳозир ичмайман , - бош силкиди Мастура опа , - овқат егим келмаяпти.

- Ҳеч-да !- дарров Мастура опага қаршилиқ қилди Асрор ака , - овқатингни сузиб кел . Қани мен бир кўрай синглиминг овқат ейишини . Ўзи бу қиз ёшлигидан чимтамоқ эди. Энди қудамнинг даврларида тоза эрка бўлган кўринади . Ҳа айтганча , - Асрор ака ошхонага йўл олган Ҳилолага гап қотди , - сувини битта косага яримлатиб сузиб кел . Донини иккинчи косага солиб кел .

- Хўп бўлади, адажон

Мирсаид ака Ҳилола олиб келган чойни қайтариб қўйиб қудасига тутди :

- Олинг қуда .

Асрор ака қудаси узатган чойни битта хўплаб қўлида ушлаб тураркан :

- Бай, бай, бай. Аммо лекин очиғини айтсам айбга буюрмайсизлар . Тўғриси шу хонадонни чойи бирам мазали-ки. Бир куни Роҳилага айтдим: "Хотин , нима учун қизингни уйига борсам чой ичиб тўймиман , нима дейсан сабаби нимада экан- а ?!" десам у астагина "Сиз яна нимани кутган эдингиз , у хонадонда бир эмас, иккита кўнгил ардоғингиздаги аёл яшашса ,

@Xazon_Rezgi /84 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

бундай суюкли аёлларнинг қўли теккан ҳар қандай таом ва ичимлик шубҳасиз ўзлари каби суюмли бўлади" дейди.

Қаранг , ўқитувчи-да шунга ҳам бир зумда жавоб топди- қўйди.

Мирсаид ака Асрор аканинг ташрифидан анча енгил тортган эди. Акаси билан дийдорлашув аёлига ажиб енгиллик ато этгани учун ҳозир ундан жуда миннатдор эди.

Ҳилола патнисга тўрт коса шўрва сузиб келди . Иккитаси адасини талаби билан суви бошқа , дони бошқа қилиб Мастура опага атай сузилган эди.

Ҳилола қайнонасига аталган таомни унинг ёнидаги тумбага қўяр экан , додажониси ва ўз адасига аталган шўрваларга ишора қилди :

- Додажон , нариги хонага чиқасизларми ?!

- Иии нариги хонада нима қиламиз ?!- деди ҳозиржавоблик билан Асрор ака , - синглим қаерда бўлса биз ҳам шу ердамиз. Бизга сузган таомингни шу ерга қўявер.

У шундай деб синглиси тарафга сурилди :

- Қани қошиқ , сочиқ ва илиқ сув. Мен ўзим синглимни бир таомлантирай.

Асрор ака шундай деб шўрванинг сувидан бир қошиқ ичиб кўрди :

- Ўўў Мастура , бирам ширин шўрва бўлибди-ки . Қани оғзингни оч . Ҳа сувига озроқ нон тўғрайми ?

Мастура жилмайиб "ҳаа" деб бош силкиди.

Асрор ака шўрвага майда қилиб озроқ нон тўғради. Уни сувидан Мастура опага тутар экан жилмайиб сўз қотди :

- Синглим , ёдингдами ?! Ёшлигимда томоғим оғриб касал бўлиб қолганимда бир куни шўрва пишириб ичиргандинг. Ҳайронман ўшанда уйдагилар қаерда экан ?! Аввалига иссиқ туширадиган дори ичиргандинг. Сўнгра синглимиз Мастубани етаклаб бир коса шўрва олиб чиққандинг. Ростини айтсам ўша шўрвани мазасини қайтиб ҳеч қаердан топмадим. Мукамал санъат асари эди ўша таом. Ўзиям ичига думбул бўлган жўхори ҳам , яна каттагина ям- яшил семеринка олма ҳам , ҳатто қовоққача солинган эди. Вах уни таъмини ... Кейинчалик шунақа овқат пишираман деб кўп уриндим, Роҳилага бир неча бор тайёрлатиб кўрдим , аммо бизнинг тайёрлаганларимиз сен пиширган ўша шўрванинг яқинига ҳам йўламади.

- Акааа... Ўша вақтда ёш бўлганмиз ...- деди Мастура опа ҳазингина ўйга чўмиб , - органимимиз ҳам ҳозиргидан бошқача бўлган. Айниқса , таъм сезгимиз. Ҳозир эса ... Шунинг учун сиз ўша таъмни топа олмагансиз...

- Ҳеч- да , - эътироз билдирди Асрор ака , - сен пиширсанг топа олган бўлардим,- у шундай деб Мирсаид акага ўгирилди , - қуда, Мастура сизга ҳам шунақа таом пишириб берганми ?! Аммо лекин синглим ёшлиқдан тенгги йўқ пазанда бўлган.

- У бошқа ерларда учрамайдиган кўп таомларни пишириб берган , ичида бир- биридан антиқалари ҳам сероб, аммо сиз айтган шўрвани ...

- Ҳеч қиси йўқ , Мастура оёққа туриши билан шахсан ўзим бозор қилиб келаман. Ўша шўрвани синглимга пиширтирамиз . Кейин айтасиз "Эҳ! Бу йиллар давомида қанча нарсани йўқотибман- а ?!" деб , - Асрор ака шундай деб бўшаган косани четга қўйди,- биз шўрвани сувини ичиб бўлдик , энди озроқ донидан еймиз ...

Мастурани реза тер қоплаган эди . У бош чайқади :

- Еёлмайман .

Асрор ака бир зум унга тикилди. Мастуранинг ҳақиқатда ея олмаслигига ишонди чоғи ортиқ қистамади.

- Майли синглим . Бир паст туриб ерсан , - Асрор ака шундагина хона бурчагидаги Ҳилолани "пайқаган" бўлди,- ийи она қизим , бу нима туриш?! Менга қара қизим , "Ёш келса ишга" деган гап бор. Мен синглимга озроқ хўл мева олиб келгандим. Ҳозир ошхонага боргин-да битта олма билан битта бананни қирғичдан чиқариб аралаштириб олиб кел. Мевалар ошқозондаги дорилар заҳрини кесади. Борақол қизим. Унгача мен ўзимни шўрвамни ичиб оламан.

Ҳилола "хўп бўлади" деб чиқиб кетгач Асрор ака қудасига ишора қилди :

- Кудда овқатни ичмабсиз- ку ? Қани олинг . Мевали пюре келгунча улгуришимиз керак. Айтганча бу шўрвани ким пиширган? Аммо Ҳилола эмаслиги аниқ .

- Маҳина опам пиширгандилар , - деди Мирсаид ака аста .

- Опам ҳам шу ердамилар ? Қандай яхши , - деди Асрор ака , - аммо нега кўринмаяптилар?!

Улар нариги хонада эдилар . Кўзлари илиндими дейман,- деди Мирсаид ака .

@Xazon_Rezgi /85 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Майли , жонлари соғ бўлсин. Уларнинг шу ердаликларини эшитиб кўнглим анча хотиржам бўлди . Аёл киши барибир ҳам аёл киши-да. Бир- бирларини яримта қарашларидан тушуниб олишади. Айтишади- ку, "Қуш тилини қуш тушунади" деб .

Икки эркак шундай суҳбатлаша туриб шўрвани тезда ичиб олишди.

Ҳилола қирғичдан чиқарилган меваларни олиб келиб Мастура опага ўзи едириб қўймоқчи бўлганда Асрор ака ундан қўлидаги ликопчани сўраб олди.

- Қани бу ёққа узат- чи қизим,- у шундай деб қизига кўз қисиб қўйди , - бугун қайнона ва келинлар куни эмас. Бугун ака ва сингил куни . Шундайми Мастура?! - Асрор ака синглисига меҳр билан тикилди , - синглим , қадалиб ўтиравериб белинг ҳам оғриб кетди- а ? Шуни еб олсанг , бошингдаги ёстиқларни пасайтираман. Келишдик- а ?

Мастура Асрор аканинг қўлидаги мевалардан тайёрланган пьурени индамай еди.

Унга қараб туриб Мирсаид аканинг кўнгли бузилди :

"Мастииир бояқиш , акасини тоза соғинган экан... - ўйлади у,- Уни кўриши билан юппоқ юзларига бир зумда қон югурса- я ... Қудам ўзи билан Мастурага энг бебаҳо бойлик - ёшлигини олиб келди-да ўзиям. Қудам ҳам олиб келган бебаҳо совғаси каби ўзи ҳам асл инсон. Топилмас инсон...."

Асрор ака синглисини таомлантириб бўлгач , озроқ сув ичирди. Сўнгра унинг ортига тиргак учун қўйилган ортиқча ёстиқларни бирма - бир олиб ташлади. Мастура опани қулай ҳолда ётишига кўмаклашди.

У энди Мирсаид ака билан бироз у ёқ , бу ёқдан паст овозда суҳбатлаша бошлади. Сездиди- ки , Мастура опани уйқу элитяпти . Кўп ўтмай ҳақиқатдан ҳам Мастура опанинг кўзи илинди .

Асрор ака Мирсаид акага боши билан имо қилди :

"Юринг , ташқарига чиқайлик"

Улар овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб ташқарига чиқишди.

Мирсаид ака қудаси билан ёлғиз қолганда, отасининг рўпарасида икки олиб гап эшитишга тайёр ўқувчидек, ер чизиб қолди .

Асрор ака бир оғиз савол сўради :

- Қачон ? !

Мирсаид ака уни тўғри тушунди:

- Уч ойга яқинлашди ...

Асрор ака яна сўради :

- Қанча ?!

Мирсаид аканинг лаблари титради :

- Бир ойга бормайди дейишди ...

- Нега ?! Нега ?! Нега ?!

Бу сафар Асрор аканинг саволи қайта - қайта, уч бора такрорланди .

- Ўзи истамасди. Ўзи ... - овози ғиппа бўғилди Мирсаид аканинг , - "Менга ачиниш назари билан қарашса ўзимга бўлган ишончим йўқолади" деди у ...

Асрор ака чуқур хўрсинди.

- Рост ... Бу менинг синглимнинг сўзлари ...

Бироқ ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

31 - ҚИСМ

Биз ҳам унинг дардидан вақтлироқ бохабар бўлганимизда бир четда турмай ҳаракатимизни қилган бўлар эдик.

- Асроржон... Ишонинг шу уч ой ичида Мастуранинг дардига шифо истаб мурожаат қилмаган донғи чиққан бирорта тиббиёт маскани қолмади. Табобати ривожланган қатор давлатларнинг номдор академиг- у профессорларига хат ёздик , аммо ...

Асрор Файзуллаев Мирсаид аканинг чеҳрасига қараб, унинг шу уч ой ичида аёлининг дардида нечоғлик эзилиб тамом бўлаётганини сезиб бошқа ортиқча гап қилмади. Билди-ки, қаршисида турган инсоннинг минг ерига игна санчса бир томчи қон чиқадиғанмас. Яна шунга аниқ иқрор бўлдики синглиси Мастура ўзи учун сингил сифатида нечоғлик ардоқли бўлса , бу инсон учун жуфти - ҳалол ва фарзандининг онаси сифатида беназирдир.

Асрор ака Мирсаид аканинг ҳозир ўзидан- да кўра бахтсиз эканлигини қалбан ҳис қилиб турарди . Ахир шунча йиллик ёстиқдоши кўз ўнгида қуриб - қовжираса- ю , унинг қўлидан

томошабин бўлиб туришдан бошқа иш келмаса. Қўли тўла пул бўлса- ю , бу пулларга дунёларни сотиб олиш имкони бўла туриб , биргина дардга малҳам топа олмаса ... Бундан ортиқ азоб бормикан... Бундан ортиқ чекилажак изтироб қайда бор экан...

- Куда , агар бирор ёрдам керак бўлса ... -Асрор ака яхши биларди Мирсаид аканинг пулга муҳтожлиги йўқлигини , бироқ шундай бўлса-да, дилидагини ташига чиқарди.

- Раҳмат Асроржон... Биз ҳозир бир кафт дуо ва илоҳий мўъжизага зормиз халос.

- Биласизми ? - бирдан жонланди Асрор ака , - мен уйда ўн чоғли хўроз боқиб қўйганман, барчаси тоза ем ва пўчоқ еб ўсишган. Ҳеч қандай дориланган маҳсулот бермаганман. Ҳозир уйга бориб иккитасини саранжомлайман. Сўнг майдалаб тузлаб , зиралаб қўяман. Кечга ё эрталаб ўғлим ташлаб кетади. Шундан бульон пишириб берсангиз анча қувват бўлади. Ундан кейин малина ва смородина меваларимиз анча ранг олиб қолган. Етилганларини узиб жўнатаман. Бир журналда ўқигандим. Янги ҳужайраларни барпо бўлишида шу икки меванинг олдига тушадигани йўқ экан. Хатто- ки, қайнатилса ҳам шифобахшлик ҳусусияти грамм камаймас экан.

- Ассалому алайкум , қудажон яхшимисиз ?

Асрор ака ярим ўгирилиб ўзига салом берган Маҳина аммани кўриб юзи ёришди . Дарҳол елка тутиб саломга салом билан жавоб қайтарди :

- Ассалому алайкум, опажон ?! Ўзингиз яхшимисиз ? ! Ўғилларингиз , келин, набиралар соғ - саломат юришибдими ?!

- Раҳмат , қудажон , - Маҳина опа меҳмонни дарҳол ичкарига таклиф қилди , - нега остонада турибсиз , қудажон ?! Мирсаид , меҳмонни ичкарига олмайсанми ?!

- Мени келганимга бир соатча вақт бўлди. Синглимни дийдорига ҳам тўйдим. Чойлашдик, овқат едик. Ҳозир Мастура ухлаб қолди. Шунга менинг ҳам йўлга отланиб турган жойим эди.

- Шундай денг , узр ўзим билан ўзим андармон бўлиб қолибман,- Маҳина амма афсусланганнамо ерга қаради.

- Узрга ҳожат йўқ , опажон. Сиз пиширган шўрвани мақтаб - мақтаб ичиб олдик. Умрингиздан барака топинг. Синглим сиздек инсонларнинг қўлида эканлигидан кўнглим хотиржам. Борингизга минг шукр ...

Асрор ака қўлини кўксига қўйди :

- Мирсаид ака , энди менга руҳсат ...

У ошхонадан шошилиб чиққан Ҳилолани бағрига босди :

- Қизим ... Додажонингни , аммажонингни дуоларини ол. Синглимга эса ...- Асрор ака култ этиб ютинди , - синглимга эса ўз онангдан аъло қарагин. Унутма ! Мастура сен менга қандай қадрли бўлсанг , сендан-да суюкли қалб ардоғим. Сени қизим бўлганинг учун яхши кўраман. Биргина шу сабаб учун суяман. Аммо синглимни суюшимнинг минглаб сабаби бор. Буни ҳеч қачон унутма. Сен - юрагимни бир парчасисан. Токи юрагимнинг бир парчаси сингилжонимни ёнида

экан... мен ҳамиша ҳаётдан таскин топиб яшай оламан. Бу дегани нима биласанми?! Мен нафас ола оламан дегани ... Тушундинг- а , жон болам ?!

Ҳилола ортиқча бир сўз айтолмади, фақатгина "Ҳаа" дея бош силкиди ...

* * *

Кечга бориб Мирсаид аканинг хонадони гавжумлашиб кетди.

Мирсаид ака тарафидан ҳам , Мастура опа тарафидан ҳам қариндошлар барча ишларини йиғиштириб Мастура опани

@xazon_rezgi /87 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

қўришга кела бошлашди. Гарчи улар меҳмонхонада ўзаро тушкун кайфиятда диллашсалар- да , Мастура опани ёнига киришганда унинг дардидан сўз очмай , ҳангома қилишга интилар эдилар.

Мирсаид аканинг зукко акаси Мирсобит ака вазиятни тезда ўз қўлига олди , У меҳмонхонада эркакларнинг ўзлари қолганда шарт мақсадга кўчди :

- Бунақаси кетмайди , жигарлар. Бунақа тўп- тўп, гала- гала бўлиб келсак бу хонадоннинг ҳам , келинимизнинг ҳам тинчини бузиб қўямиз . Энди гап бундай. Мисол учун тоқ сонли числода бизни авлод , жуфт сонли числода келинимизнинг қариндошлари буларни йўқласак. Ўшандаям навбат билан . Икки кишидан бўлибми ? Ора- сирада узатилган жиянлар , ёшларимиз ҳам келиб туришади. Бу ёқда махалла- кўй , қўни - қўшни , куда - анда деганларидек. Ахир келинимиз анов-манов аёл эмас. Неча йиллар қанчадан-қанча инсонларни дуосини олганлар.

Мирсаид аканинг укаси Мираъзам уни фикрини қўллаб қувватлади :

- Акааа... Гапларингиз бари жўялик. Мен фикрингизга юз фоиз қўшиламан. Ўзимга қолса келинойимни истиқболларига ҳам куни югурардим, бироқ бундай вақтда ақл билан иш қилишимиз керак.

Майли бугун келинойимнинг опалари ва сингиллари ёнларида ётиб қолақолишсин. Эртага биз яна қайта келамиз.

Бу қоида фақат битта инсон Маҳина опамга тегишлимас. Улар қачон келиб қачон кетишни ўзлари ҳал қиладилар.

- Тўғри , опам бизга она ўрнида она бўлиб қолганлар. Ундан кейин келинимизни ўз сингилларидек кўрадилар , - Мираъзамнинг сўзига қўшилган бўлди Мирсобит ака ҳам.

Мастура опанинг ака - укалари ҳам куда тарафнинг сўзларига эътироз билдиришмади.

Мастура опанинг ёнида опаси Зоҳида ва сингиси Мастубалар қоладиган бўлишди.

- Опамдан дори ҳиди келиб кетяпти . Уларни бир чўмилтириб олмаймизми ? - деди Мастуба барча тарқалгач.

- Яхши бўларди , - уни қувватлади Зоҳида опа , - аммо нариги хонадаги душга қандай олиб

кирамиз?! Уч аёл қолган бўлсак ҳам , барчамиз бир- биримиздан ўтар даражада ачиган хамирдекмиз. Мен ўт пуфагимни олдирганимдан буён ҳали ўзимга келганим йўқ. Сен ҳам бўш қолсанг белимлайсан.

- Мен Сулаймон акамни чақириб келаман,- суҳбатга қўшилди Ҳилола,- ойижонимни ўзимиз чўмилтирамиз . Фақат бировинглар ёнимизда далда бериб турсанглар бўлди.

Зоҳида опа билан Мастуба опа бир- бирларига маънодор кўз уриштириб олишди .

- Опам Сулаймоннинг ...

- Сулаймон акам ойижоннинг ўз ўғиллари- ку, бегона эмас...

Ҳилола шу сўзларни айтиб зумда Сулаймонни чақириб келди . Сулаймон ортиқча бир сўз демай Мастура опани шартта кўтариб душхонага олиб кириб кетди. Ҳилола қайнонасига ёғоч стул тайёрлаб қўйган экан. Сулаймон онасини стулга ўтқазиб ўзи уни ушлаб турди. Ҳилола эса ойижонисини енгил тунги пижамасининг устидан сув қуйиб чўмилтира бошлади . Мастура опа зумда чарчаб қолди. Шу сабаб Ҳилола тезда ишини битиришга ҳаракат қилди .

- Сулаймон ака , кўзингизни юмиб тулинг . Ювинтиришни охириги лаҳзаларида Ҳилола қайнонасининг хўл кийимларини ечиб , чайинтирди ва Мастуба ҳола тайёрлаб турган бўй баравар сочикқа ўради.

- Сулаймон ака, бўлди . Ойижон толиқиб қолдилар. Энди ётоқларига олиб чиқамиз.

Сулаймон Мастура опани қайтиб жойига ётқизди ва секин хонадан чиқиб кетди. Ҳилола ойижонисининг сочларини артиб , сўнгра яна бошқа қуруқ сочикқа ўради. Сўнгра сал аввал тумба устига тайёрлаб кетган нимтатир новвот чойнинг устига термосдан қайноқ чой қуйди ва қайнонасига ичирди:

- Ойижон , сиз шундай ётинг. Мен сочингизни фен билан қуришиб қўяман. Ундан кейин бошқа тунги кўйлак киямиз , хўп ?

Мастура опа Ҳилолага меҳр билан қаради . Индамади . У ўзини келинининг қўлига буткул топширган эди.

Ҳилола фенни ишга тушириб Мастура опанинг кимё муолажасидан сўнг анчагина сийраклашиб қолган сочларини тезда қуришиб олди. Сочларни иккига айириб йиғиштириб ётганда ботмайдиган қилиб икки тарафига ажратди .

Шундан сўнг:

- Ҳолажон , ойижонимга тунги кўйлакларини кийинтириб олайлик,- деди Ҳилола Мастуба ҳолага .

Икки аёл Мастура опани авайлаб кийинтиришди. Охирида ойижонисининг бошига енгил дуррача ўраган Ҳилола жилмайди :

@Xazon_Rezgi /88 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Бўлди , ойижон. Қушдек енгил бўлдингиз.

Хонадаги аёллар Ҳилоланинг ҳатти- ҳаракатига қараб анграйиб қолган эдилар .

- Қизим , - дея савол беришдан барибир ўзини тия олмади Зоҳида ҳола , - аввалам касал қараганмисиз ?

Ҳилола аввалига унинг саволидан келиб чиқадиган маънога тушунмаган бўлди , сўнгра бирдан юзи ёришди.

- Йўйўқ , ўзимнинг ойижоним бувимларга қараганларида мен ёрдамлашиб турардим.

- Умрингиздан барака топинг , қизим,- хонадаги уч аёл Ҳилолани бирлари олиб , бирлари қўйиб алқаб дуо қила кетишди.

- Ҳилола , қорним очиб кетди , - бу орада ўртага гап қўшди Мастура опа

Ҳилола зумда сергакланди:

- Ҳозир ойижон. Холажоним боя дўлма олиб келгандилар- у , ҳозир зумда илтиб келаман.

Ҳилола Мастура опанинг ёнидаги ишлатилган сочиқларни йиғиштириб ўзи билан олиб чиқиб кетди.

Орадан кўп вақт ўтмай битта ликопчада буғи чиқиб турган таомни олиб келди .

- Ойижон , аввал дориларингизни ичиб оламиз , майлими ?

Ҳилола тумба тортмасидаги рўйхатга қараб қайнонасига дориларини ичирди.

- Опа , овқатингизни мен едириб қўяйми ? ! - сўради анча нафасини ростлаб олган Мастуба опа

Мастура опа бош чайқади . Кўзи билан Ҳилолага ишора қилди :

- Ҳилола едирсин ...

Ҳилола қайнонасини эркалаб , ширин сўзлар билан овқатини едириб қўйди.

Сўнгра юкли идишларни олиб.чиқиб кетди. Аммо тезда ортига қайтиб душхонани ҳам артиб - тозалаб , тушган кирларни бўғча қилиб йиғиштириб чиқиб кетди.

- Ҳааа , - деди унинг ортидан боядан бери гапга қўшилмай индамай ўтирган Маҳина опа,- шуни айтишади- да "Ўнтадан буюрадими ёки биттадан буюрадими" деб . Мастураойнинг пешонаси келиндан ярақлаган чиқди.

- Нимасини айтасиз , опа , - деди Зоҳида опа уни қувватлаб , - қадимгилар "Ўғлинг кофир бўлсаям , келининг мусулмон бўлсин " деб бекорга айтиб кетишмаганда.

- Кун бўйи тиними бўлмади , бояқишни . Ҳозир келиб "Ўрин солиб бераман" демасидан ўзим сизларга бир хизмат қилайин- а ?! - Маҳина опа ўрnidан қўзғалди

- Йўғеей опа , жаа ўрин сололмайдиган даражада эмасмиз.

Зоҳида ва Мастуба опалар бирдан қўзғалишди.

Аёллар энди ўрин солиб бўлиб чўзилишган ҳам эди- ки , остонада Ҳилола кўринди. У бир кўлида каттагина овалсимон ликопда тўғралган мевалар , иккинчисида Мастура опага шу меваларнинг қирғичдан чиқарилганини ушлаб олган эди.

- Вой узр ,- деди у ийманиб ,- сизларга мева олиб келган эдим.
Ойижонимгаям.

- Умрингиздан барака топинг , қизим. Овора бўлибсизда , бурчакдаги хонтахтага кўйинг

Ҳилола Мастуба холанинг сўзларига жавобан:

- Овораси бор эканми , ҳолажон. Еб олинглар . Бўлмаса қорайиб қолади ,- деди- ю ўзи кайнонасининг бошига эгилиб аста шивирлади :

- Ойижооон , банан еймиз- а ?!

* * *

Эртаси куни сахарда Ҳилола кўча эшикни супириб бўлиб энди уйга кирмоқчи эди , узоқдан адасининг таниш асфальтранг нексиасига кўзи тушди ...

- Тинчликмикан?! - ўйлади Ҳилола бир зумда хаёллари ҳар тарафга бошлаб ,- адамлар эрта сахардан бизникига қай сабаб билан келяптилар экан ?! □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

32- ҚИСМ

Асрор Файзуллаев кўп ўтмай Ҳилоланинг ёнгинасида машинасини тўхтатди.

- Ассалому алайкум, адажон,- Ҳилола кўлидаги челакни чеккага кўйиб адасига пешвоз чиқди.

- Ваалейкум ассалом , қизим. Додажонинг уйдямидилар ?

- Ҳаа , - деди Ҳилола ҳайрон бўлиб .

- Секин чақириб чиққин. Мен ҳозир эрта сахардан сизларникига кириб ҳаммаёқни тўс- тўс қилмай,- деди Асрор ака қизини шошилтириб , - илтимос қизим , тезлашақол .

Ҳилола зумда Мирсаид акани чақириб чиқди. Бахтига қайнотаси дарвозахонада машинасини ойнасини артишга тараддудланаётган экан.

- Ассалому алайкум, Мирсаид ака. Узр эрта сахардан безовта қилдим.

- Ваалейкум ассалом, куда . Қани уйга , - Мирсаид ака қудасини уйга таклиф қилар экан.

- Йўқ , аёлим билан бафуржа келамиз . Ҳозир ...- Асрор аканинг юзини ҳижолатомуз ифода эгаллади ,- айбга буюрмайсиз . Мен ...

- Айтаверинг , - қудасига далда берган бўлди Мирсаид ака.

Асрор ака машинасининг юкхонасини очди. У ердан беморларни солиб итариб юрадиган аравача чиқарди.

- Бу аравачани ўтган йили оёғим синганда тез ёрдамда ишлайдиган қайним олиб келиб берганди. Ўша вақтда роса кунимга яраган. Шунга ўйланиб қолдим. Мастура ҳам эрта- ю кеч битта хонада шифтга термулиб ётавериб юраги зиқ бўлиб кетса керак. Шунга ора- орада ҳовлини , орқа тарафдаги боғни айлантирасизларми деб ўйлагандим. Тағин кўнглингиз оғримасин...

- Қуда , нега кўнглимиз оғриркан? Буни олиб келиб заб иш қилибсиз . Мастурани бу аравачада ўзим айлантирганим бўлсин ...

Асрор аканинг чеҳраси ёришди:

- Мен ҳам шуни ўйлагандим- да, Мирсаид ака , - у чаққонлик билан юкхонани ёпди ва бу сафар машина салонидан полиэтилен пакетга ўралган ўрамни олди , - бу кечаги ваъдам . Хўроз гўшти ва мевалар .

У келтирганларини бу сафар Ҳилолага тутқазди ва қўлини кўксига қўйди :

- Энди менга руҳсат .

- Уйга кирмайсизми ? - мулозамат қилди Мирсаид ака,- Мастура ҳам уйғоқ.

- Шунинг учун кирмаяпман- да. Кирсам қолиб кетишим аниқ . Бугун бир йигитимизнинг диссертация ҳимояси бор эди. Ўшани ўтказиб , кейин кечга аёл қудангиз билан бирга келамиз .

- Яхши унда кечга албатта кутамиз .

Мирсаид ака Ҳилола билан Асрор Файзуллаевни кузатиб бўлгач ичкарига йўл олди.

- Келин , - деди у дарвозахонада , - Сулаймон билан нонушта қилиб олинг. Ўқишга оч-наҳор кетманг.

- Хўп бўлади , додажон. Мен суюқроқ қилиб "манний бўтқа" пишириб қўйгандим. Ойижонимларга едириб қўяй кейин...

- Бўтқани олиб келиб берсангиз бўлгани. Ойингизни ўзим овқатлантираман. Келди - кетдилар билан бўлиб уни ёнига ҳам киролмай қолдим . Сиз холаларингиз ва аммангизни меҳмонхонага нонуштага чақирсангиз. У - бу нарса дейишса , "Додам ойимни ёнларида бирпас ўтирмоқчи эканлар" деб очикчасига айтаверинг.

Ҳилола ерга қаради :

- Хўп бўлади , додажон...

* * *

- Ассалому алайкум, дадаси , - эрини кўриб Мастура опанинг юзи ёришиб кетди, - яхши ётиб турдингизми ?! Нонушта қилиб олдингизми ?!

- Ваалейкум ассалом, онаси . Нонушта қилганим қачооонлар эди. Ўзинг яхшимисан ?! Ҳеч қаеринг безовта қилмаяптими ?

Мирсаид ака аёлининг ёнига аста чўкди , унга меҳр билан тикилди .

- Ўзига шукр, яхшиман,- синиққина жилмайди Мастура опа.

Шу пайт Ҳилола хонага пастнисда нонушта кўтариб кирди. Унда кичик косада манний ёрмали бўтқаси, ликопчада булочка ва унинг ёнида патир нон бор эди.

- Ойижон , нонуштангизни олиб келдим. Яна ул, бул нарса керак бўлса айтинг.

Ҳилола сал аввал кириб Мастура опанинг юз - қўлларини чайинтириб кетган эди.

- Бошқа нарса керакмас , қизим,- деди Мастура опа, - сиз ўқишингиздан кеч қолманг. Холаларингиз тушликкача шу ерда бўлишади. Бемалол чалғимай ўқишга бориб келаверинг.

- Хўп бўлади , ойижон .

- Аввал яхшилаб нонушта қилиб олинг- а.

- Хўп бўлади , ойижон.

Ҳилола сассиз қадамлар билан хонани тарк этди.

Мирсаид ака аёлининг томоғи тагига кичиккина сочиқ ташлади :

- Энди навбат паҳлавонлар бўтқасига ...

@Xazon_Rezgi /90 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

У кичиккина қошиқчада дастлаб ўзи бўтқани тобини текшириб кўриш учун татиб кўрди :

- Мастииир , қани оғзингни оч. Жудаям мазали бўтқа чиқибди.

Мирсаид ака аёлига қошиқчалаб бўтқа едира бошлади. Мастура опа ундан кўзини олмай аста - секин овқатлана бошлади.

- Озроқ булочка ейсанми ?! - орада сўради Мирсаид ака

Мастура опа бош чайқади.

- Сув беринг ...

Мирсаид ака унга ярим пиёла илиқ сув ичирди.

- Булочка емасанг , бўтқангни охиригача еб қўясан.

Мастура опа ётган жойида кулимсиради :

- Дадасиии , таҳдидми бу ?!

Мирсаид ака чуқур хўрсинди, аёлига кўзларини тўлдириб қаради :

- Мастиир

- Ҳооов ...

- Сени жудаям соғинибман... Туни билан ўрнинг хувиллаб чиқди. Касалхонада ётганинда- ку майли, бошқа гап эди. Аммо бир уйда бўла тури айро яшаш ... Бу нима дегани ахир ... Қариндошларга бугун айтмоқчиман. Ётоққа келишинглар шарт эмас деб ...

Мастура опа лом - лим демади. Ўзига яқин турган эрининг кафтига юз босди. Кўзидан дувиллаб ёш қуйилди ...

- Мастиир... Қўй юрагимни эзма ...- Мирсаид ака аста аёлининг кўз ёшларини артди,- Биласанми нима?! Тонг сахардан аканг Асроржон келиб кетдилар.

- Акам?! - жонланди Мастура опа , - лекин улар уйга кирмадилар- ку?!

- Кирсам кетгим келмай қолади , бир йўла аёлим билан кечга келамиз дедилар .

- Ҳааа ,- деди Мастура опа , - аммо барибир ҳеч нарсага тушунмадим, акам нимага келдилар- у , нимага кетдилар ?!

- Биласанми , Мастура ...

Шу пайт эшик оҳиста чертилди . Остонада Сулаймон билан Ҳилола кўринишди.

- Ойижон , додажон биз университетга кетаётган эдик . Шунни айтиб кетайлик деб киргандик. Сулаймон ва Ҳилола навбати билан Мастура опани енгилгина ўпдилар ва ота- онасининг дуосини олиб хонани тарк этишди.

- Нима деятувдим?! - деди фарзандларига фикри чалғиган Мирсаид ака, - ҳа ! Асроржон ҳақида гапираётувдим - а ?

Мастура аканг сени ўтказиб ҳовлиларни айлантириб юришимиз учун аравача олиб келибдилар . Аканг "Бу аравачадан ўтган йили оёғим синганда ўзим фойдаланганман. Синглимни ҳам эрталабки ва кечки салқинда биров - биров айлантисангиз оз бўлса-да , кўнгил чигаллари ёзиларди" деди. Кейин сенга атаб хўроз гўшти ва резавор мевалар келтирибди .

Мастура ётган жойида Мирсаид аканинг сўзларига қулоқ тутар экан , юзида ажиб жилва ўйнай бошлаганди...

- Мастиир , онаси ... Тушликка ўзим бир ўнг қўлимни ўйнатиб , чап қўлимни сайратиб бирор таом пиширсам дегандим. Айт , кўнглинг нимани тусаяпти ? ! Нима овқат пишириб берай?!

- Сиз пиширган таомларнинг барчаси бири- биридан тотли, дадаси . Менга фарқи йўқ , нима пиширсангиз ҳам танламайман .

- Кеча аканг ёшлиқда пиширган шўрванг ҳақида гапириб , бир оғзимни сувини келтирганди. Бугун шўрва пишириш навбати мандан .
Ҳозир аёллар хонага қайтишса , мен ошхонага йўл оламан .

@Xazon_Rezgi /91 #КҰНГИЛ_ИФОРИ

Кўп ўтмай у ўзи айтганидек ошхонага йўл олди.

Мирсаид ака узоқ ўйлаб ўтирмай музлаткичнинг эшигини очди. У ердаги саранжом қилиб, хил-хилига ажратилган маҳсулотларга қараб пича ўйланди. Сўнг улардан кераклисини ажратиб кўлидаги бўш идишга сола бошлади.

Мирсаид ака энг аввал сабзавотларни арчиб , тозалаб олди. Сўнгра иккита оғзи ёпиқ қопқоқли елим контейнердаги гўштларни саралаб олди. Ёғлиқ тўшли қўй қовурғалари ва эрталаб Асрор ака олиб келган товук гўштининг бўлиқ ерларидан ажратиб олиб , аввалига оқиб турган сувда чайиб олди . Сўнгра таги чуқурроқ идишга солиб тузини ростлади. Сўнгра унга яхшилаб янчилган қора мурч ва зира сепди.

Тайёр бўлган гўшни каттагина сопол кўзачага бир қатор қилиб чиройли териб чиқди ва унинг устидан тўртта қайроқи картошка , иккита кичикроқ қизил сабзини бутунлигича ҳамда майда қилиб тўғралган пиёз , яшил ва қизил булғор қалампери , памилдори , саримсоқ пиёз ва кўкатларни бирма - бир солди. Боя музлаткични очганда бир стакан ивителинган нўхатга кўзи тушган эди. Уни ҳам илиқ сувда чайиб ташлаб масаллиқларнинг устидан айлангириб сепиб чиқди. Сўнгра човгумда қайнаб турган сувни қўйиб кўзачанинг қопқоғини зичлаб ёпди. Уни аввалдан қиздириб қўйилган газ оташхонасига жойлаб , кўл соатига қаради. Соат миллари эрталабки саккизни кўрсатаётган эди. "Ўн бир, ўн иккиларда шўрва- жарқобимиз тайёр бўлади , - ўйлади Мирсаид ака , - ўша вақтда тузини яна бир ростлаб олсам бўлгани"

Дарҳақиқат , айтилган вақтда шўрва хил - хил бўлиб пишди.

У Мастура опа ва меҳмон аёлларга жуда манзур бўлди.

Она ҳар қандай ҳолатда ҳам она экан-да. Хатто беморлик тўшагида ҳам юраги "болам" деб урар экан.

- Дадаси, таомингиз бирам мазали бўлибди- ки , - деди Мастура опа ва секингина сўради,- Сулаймон билан Ҳилолага ҳам қолдимми ?

- Хотиржам ётавер , онаси , уларга ҳам қолди,- аёлини зумда тинчлантирди Мирсаид ака.

Аёлларнинг энг ёши Мастуба опа идиш-товоқларни йиғиштириб ювиб олгач, опа- сингиллар эртага келар бўлиб йўлга отланишди.

Улар хайрлашиб чиқиб кетишгач, Маҳина амма нариги хонага чиқди. Хонада яна эр- у хотин ёлғиз қолишди .

- Дадаси , мен туфайли сизнинг ҳам тоза тинчингиз бузилди- я,- деди Мастура опа эрининг чаккаларига оқ ораган сочларига меҳр билан тикилганча.

- Нега ундай дейсан , Мастиир . Одам бор жойга одам келади. Шулар бизга далда бўлиб туришибди,- Мирсаид ака Мастура нима учун бундай деяётганига бирдан тушуниб қолди , - ҳаа-я , сен ўз уйимизда сенсизликда қолиб кетаётганимга ишора қиляяпсан- а ?!

Аммо бугун кечагининг ҳам хиссаси чиқди. Қара , яна ёлғизмиз . Маҳина опам нариги хонада бироз мизғийдилар.

Истайсанми сени ҳовлига олиб чиқиб Асроржон олиб келган аравада бироз айлантираман.

Мастура хаёлчан сўзлаган бўлди :

- Бирам кенгликларни соғиндим- ей , дадаси ... Кенг сайхонликка чиқсам- у қуёшни чиқиши кутиб олсам ... Ёки оловдай қизариб боришини кузатсам ...

Яна ... - ўпкаси тўлди Мастура опанинг , - яна кузни соғиндим...

Оромбахш кузни ...

Барглари олтиндек товланган хиёбонда ёки боғда бир - бир қадам босиб юрсам ... Чирт узилган барглар гўёки мени қучмоқчидек бошим узра шовуллаб тўкилса ...

Соғиндим ...

Бирам соғиндим ...

Ўша хазон ...

Кузни соғиндим ...

Зарҳал барглар қилганда изҳор,

Кўнглимдаги ҳисни соғиндим...

Соғиндим мен ...

Жуда соғиндим ...

Ҳайрат тўла кўзни соғиндим...

Шўхлигимдан қолган хотира

Сув бўйида изни соғиндим...

Соғинчларим беҳад ва бисъёр ,

Топилмас не юзни соғиндим...

Ҳамда таъми буткул бўлакча ,

Ошни , нонни , тузни соғиндим...

Соғиндим- ей , афзал соғиндим...

Такрор айтай кузни соғиндим...

Йиллар аро алишди умр,

Ёшлигимни, ўзни соғиндим...

Соғиндим мен...

Рости соғиндим...

Ўша боғлар ...

Кузни соғиндим ...

Хазонрезги сўйлаган эртак,

Кўнглимдаги ҳисни соғиндим ...

Маъсум ёшлик ...

Ўзни соғиндим...

Жуда соғинибман, дадаси . Ҳеч қачон кузни бугунгичалик соғинмаган бўлсам керак...

- Мастииир ...- деди титроқ овозда Мирсаид ака , - истайсанми , қўл бўйига олиб бораман.

@Xazon_Rezgi /92 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Гарчи ҳозир сен суйган куз фасли бўлмаса- да , аммо айна дамларда сувбўйлари жуда оромбахш ...

Мастура опа зумда жонлади :

- Дадасии , бу мумкинми ?!

- Қизиқсан- а , онаси , нега мумкин бўлмасин ?! Биз бирон нарса учун кимдандир руҳсат сўрайдиган ёшдан аллақачон ўтганмиз . Фақат сал туриб йўлга тушамиз , сабаби ҳозир кўчалар ланғиллаб қайнаб ётибди. Биласан , ёзнинг чилласи киришдан аввал ҳаво шунақа бир қизиб олмаса ҳисобмас .

Сен ҳозир дамингни олиб ол . Ҳадемай болаларимиз ҳам ўқишдан келиб қолишади. Ўшанда ҳайё- хууут деб кетворамиз ...

- Хўп бўлади , дадаси . Келинг ўзингиз ҳам бироз чўзилинг. Икки кундан буён тинимингиз бўлмади. Айтганча , шўрва учун яна бир бор алоҳида раҳмат.

- Арзийсан , онаси ... Шошмай тур ўзим бир ишга тушсам борми , шунақа овқатларни тайёрлайман- ки , бир ҳафтага қолмай оёққа туриб чопқиллаб кетасан,- Мирсаид ака сўнгги сўзларини орзиқиш ила чексиз умид билан айтди- ки , айна дамда ўз сўзларига ўзи чин дилдан ишонгиси келиб кетди.

- Насиб , дадаси , насиб ,- Мастура опа эрига шу жавобни айтди-ю , бироқ ич - ичидан зил кетди , - "кошки эди шундай бўлганда , афсус- ки ...". У хаёлларининг давомини ўйлагиси келмади.

Кечки соат тўртларга яқин Сулаймон ва Ҳилола ўқишдан қайтишди.

Ҳилола Мастура опадан бирга кўлга бориш таклифини эшитгач , қайнонасига оғир ботмайдиган қилиб рад жавоби беришга зумда баҳона тўқиди :

- Ойижон , эртадан қолдирмай топширишимиз керак бўлган топшириқларимиз бор эди . Руҳсат берсангиз ...

Аслида Ҳилола ойижониси ва додажонисининг айланишга бемалол , хотиржам бориб келишларини кўзлаган эди. "Улар уйда йўқ вақтлари ойижон ётган хонани яхшилаб шамоллатиб , тозалаб оламан. Ҳали кечки овқат масаласи ҳам бор" дея ўйлади Ҳилола қайнонасининг кийимини эҳтиёт бўлиб алиштирар экан.

Маҳина амма ҳам айланиш таклифини кескин рад этди. "Эр- у хотиннинг ўртасида менга нима бор ?!"деб ўйлади у ўзича ва укасига "Бироз қон босимим ошдим дейман, ҳозир дори ичдим . Шунга кўзларим юмилиб кетяпти" дея ёлғонлади.

Мастура опани машинага Сулаймон кўтариб олиб ўтқазиб қўйди. Мирсаид ака эса ўриндиқни ярим ётқизиб аёлига қулайлик яратган бўлди .

Мирсаид ака машинасини энди ўт олдирган ҳам эди- ки , Ҳилола пакетга ўралган алланима олиб чиқиб машинанинг орқа ўриндиғига қўйди.

- Бу сизларга ...

Мирсаид ака полиэтилен ўрамдаги егулик эканлигини тахмин қилиб келинига "Раҳмат , келин" деганча гапни қисқа қила қолди.

Машина аста ўрнидан қўзғалди. Мирсаид ака Назарбекнинг асосий йўли бўйлаб шаҳарга қарама- қарши йўналишда бўлган тарафга ичкарилади. Орадан ўн беш дақиқалар ўтиб машина ойнаси бўйлаб лип- лип ўтаётган манзаралар дала манзараларига алиша борди.

Орадан ярим соат ўтар- ўтмас, уларнинг кўз ўнгида митти зарғалдоқ дала чечаклари билан бурканган ажиб гўзаллик намоён бўлди . Мирсаид ака азим тут дарахтининг соясини мўъжаллаб бориб машинасини тўхтатди.

У машинадан тушгач, орқага ўтиб юкхона ёнида бироз куймаланди. У кўп ўтмай Мастура опанинг қаршисида эрталаб Асрор ака ташлаб кетган аравача билан ҳозир бўлди. Мирсаид ака машинанинг Мастура опа ўтирган тараф эшигини очди ва аёлини авайлаб аравачага олиб ўтказди.

Мирсаид ака аравачани терс тарафга айлантирганда Мастура опанинг кўз ўнгида ажиб кўл манзараси мавжланди .

- Бунчаларам гўзал бўлмаса ... - деди Мастура опа атрофга боқиб кўнглидаги хислари тўлиб-тошганча ярим шивир овозда , - буюк мусаввирнинг бетакрор ижод намунаси .. □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

33- ҚИСМ

- Ёқдимми ? Ҳақиқатдан жуда гўзал манзара а , онаси ?

- Жуда ... - кўксини тўлдириб нафас олди Мастура опа, - ҳавони тозаллигини айтинг ...

- Боя келининг нимадир тутқазганди , қарай-чи ? - Мирсаид машинасига бориб Ҳилола бериб юборган ўрамни очди. Унда каттагина пластик идишда сархил мевалар , сал кичикроғида Мирсаид ака тушликда пиширган шўрванинг япроқлаб кесилган гўштлари , чиройли бўлаклаб ўралган нон, иккита бежиримгина стаканча , битта баклажгада газсиз сув , иккинчисида эса компот солиб бериб юборилган эди. Пластик идишчиларни тагида рўмолдек келадиган дастурхонча , иккита сочиқча, санчқи ва кичиккина қаламтарош бор эди.

- Мастиир , сенга неча марта айтганман билмадим- у , аммо ҳозир яна айтмасам бўлмайди . Шу келининг худди ўзинг чиқди. Негадир ўзига тан олиб айтишга ҳаёми ёки ғуруримми йўл қўймайди- ю , аммо бу келиннинг турган - битгани ғиж- ғиж фаросат . Қара кетамиз деганимга ярим соат бўлмай шунча нарсани тайёрлаб, жойлаб улгурибди. Меваларни артиб , бўлаклаш учун қаламтарошгача солибди.

Мастура опа жилмайди:

- Озроқ сув қуйиб беринг.

Мирсаид ака аёлига сув ичирди . Сўнгра унинг аравачасини сал наридаги ўриндикнинг ёнига итариб борди. Ўзи ўриндикқа ўтириб олгач дастурхончани уни бир четига солиб , тузади. Мастура опага турли хил мевалардан артиб бера бошлади.

- Ўзингиз ҳам енг.

Мастура опа эрига меҳр билан боқди.

- Хўп ...

Улар шу алфозда табиат гўзаллигидан анча вақт баҳра олиб ўтиришди.

Бир вақт Мастура опа кўлнинг сувига тикилганча ўйчан сўзлай кетди:

- Дадаси ... Мендан шу топда "Мастура , менга турмушга чиқиб ўтказган умрингдан розимисан , шу чоққача қадар ҳам рози бўлганмидинг ?!" десангиз , мен ҳеч иккиланмай "Ҳа !" деб жавоб берган бўлардим.

Ҳа , дадаси ... Мен сиздан розиман . Сиз билан никоҳимиз ўқилиб , тақдирим тақдирингизга боғланган кундан буён ўтказган ҳар бир куним , дақиқам, лаҳзаларим учун розиман. Мени сизга раво кўрган Аллоҳимга минг бора ҳамд бўлсин. Сиз билан биргаликда қанчадан-қанча яхши кунларни ҳам , ёмон кунларни ҳам кўрганимиз бор. Тақдир йўлларида жон томирларимизга туташ не- не азиз ва асл инсонларимизни тупроққа бердик. Ана ўшандай оғир кунларда ... сизнинг борлигингиз юрагимга малҳам , қаддимни қайтадан тик тутишга далда бўла олди.

Дадаси...

- Мастииир , қўй шунақа гапларни ... Яхши гаплардан гаплашайлик ...- Мирсаид ака паст овозда пўнғиллади, - шу сўзларни ўрними ҳозир ...

- Дадаси ... Рухсат беринг ... Рухсат беринг кўнглимдагиларни гапириб олсай . Фақат шу сафар ... Фақат шу топда ... Кейин сўз бераман, доим сизнинг айтганингиз бўлади ...

Мирсаид ака индамади. Аммо ўпкаси тўлганча оғир-оғир нафас олиб кўлга тикилганча аёлига жим қулоқ солди. Бу Мастура опанинг илтимосига унинг "Ҳаа" деган жавоби эди.

- Миннатдорман , дадаси ...- Мастура опа эрининг "сўзсиз руҳсати"ни дарровда тушунди, - биласизми ? Мен ҳозир сизга айтадиган гапларимни илгари ҳеч қачон айтмаганман. Ўйлайманки , бундан кейин ҳам айтмасам керак. Бироқ айни дамда кўнглим "Мастура , менинг қатимга яширинган , ўзинггагина маълум бўлган дил сўзларингни айт , айтиб қол . Токи бу сўзлар аталган инсон - жуфти - ҳалолинг ўзига нисбатан нималарни ҳис қилганингни билсин . У буларни билишга ҳақли" демоқда.

Энди эса ўша - айтмоқчи бўлганим асосий гапим... Бу...буни гап ҳам деб бўлмайди. Менимча "Кўнгил изҳори" дейиш тўғрироқ бўлса керак...

Дадаси ...

Мен ...

Мен умрим давомида сизни бир аёл бир эркакни қанчалар суйиши, ардоқлаши мумкин бўлса шунчалар суйдим ... ардоқладим. Ва бу суйишнинг энг олий чегараси бўлди. Ундан орттириб суйиш ҳам , ардоқлаш ҳам мумкин бўлганда эди , ўша сарҳадни ҳам ишғол этган бўлардим. Мен сизни бошқаларга ҳеч солиштирган эмасман. Биласизми нимага ? Чунки бундай қилишим учун уларга назар ташлашим керак бўларди. Аммо мен буни истамадим. Биласизми нима учун

? ! Сабаби кўнглим сиз билан тўлиб бўлган эди , унда бошқаларга жой қолмаган эди. Шу тариқа сиз кўнглимнинг яккасига

@Xazon_Rezgi /94 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

айланиб бўлган эдингиз

Тўғри ...

Ҳаётимда алоҳида ўрин эгаллаган бошқа эркаклар бор, бўлган, ҳозир ҳам мавжуд. Улар қавми - қариндошларим, жигарларим . Отам .. Акаларим... Укам ... Кўзимнинг қароси - Сулаймон ... Туғишгандек аъло тутинган Асрор акам

Бироқ уларни сиз билан солиштиришнинг ўзи хатолик. Бу инсонлар Аллоҳ томонидан менга берилган инъом...

Сиз эса мен учун тайин қилинган мукофотсиз ...

Дадаси ...

Мен ...

Мен сиздан рози эканлигимни айтдим.

Айтингчи ... Сиз ҳам ... Мендан розимисиз ?! Айтишларича ҳеч бир аёл то эри ундан рози бўлмагунча жаннатга кирмас эмиш ...

Мен кўўўп ўйлайман... Сизни рози қилолдиммикан?! Мен ҳам жаннатдан умид қила олармиканман ...

Сиз ҳозирги гапларимни эшитиб кўнглингиз бузилмасин. Мастура дард чекканлиги учун ҳаракатга тушди деб ўйламанг... Йўқ асло бундай эмас... Инсоннинг тақлири шундай- ки , бу дунёга қачон келиш ва қачон кетмоғи унинг ихтиёридан ташқаридаги ҳолат... Балки икки соат умрим қолгандир. Балки яна йигирма йил яшарман. Буни билмайман. Билганим шу- ки , имкон бўлганда кўнглимни хотиржам қилсам дейман. Саволларимга жавоб олсам дейман ... Яна ...

- Мастура ... Жуда кўп гапириб юбординг. Томоғинг қирила бошлади, - Мирсаид ака аёлининг сўзларини бўлди

- Дадасии , илтимооос саволимга жавоб беринг ... Мендан розимисиз ...

- Сендан розиман. Сендан мингдан минг розиман , - чуқур тин олди Мирсаид ака,- умримга , тақдиримга , йилларим, кунларимга энг чиройли рангларни қўшганлигинг , ҳаёт йўлинг мен билан боғланган кундан бошлаб ўзинг эмас , менинг учун яшаганинг учун розиман. Кулсам кулганинг , йиғласам йиғлаганинг учун розиман, онаси. Қозонингда пишган таомни энг сарасини менга атаганинг учун , либосларимни ювганингда эрлик ҳурматим сабаб бошқа ҳеч қандай кирларни қўшиб ювганинг учун, кўчадан ҳар бир келишимни байрам ҳисоблаб дарвозани ним қия очиб ўзинг ташқарига кўринмай мени интизор кутганинг учун ... Сендан рози бўлмай кимдан рози бўлай , онаси ?

Кимдан рози бўлай онаси ?!

Тилга олинмаган қай ишларинг қолиб кетди?! Умуман сен кунда бажарган юмушларни санаб саноғига етиб бўлармикан ўзи?!

Ишга бир марта кийган кийимимни кунда ювиб, дазмолламасдан иккинчи марта кийдирмаганлигингни айтайми? Ич кийимлар ўз йўлига, хатто пайпоғимгача ҳар куни дазмол босганларингни айтишим керакдир?!

Биласан.

Мен гапга устамасман. Шунинг учун яхшиси барчасини бир сўз билан айта қоламан. Сен ўз жуфтини худди шаҳаншоҳлардек эҳтиром қилган аёлсан! Бу билан нимага эришганингни ўзинг биласанми?! Сен бу билан жуфтингни ўзингдан бошқа ҳеч бир аёлни аёл сифатида тан олмаслигига эришгансан!

Ҳудди шундай!

Бу дунёга аёл назарини қидириб қарайдиган бўлсам, унда сендан бошқа ҳеч кимни кўрмайман ва айта оламан-ки, Мастура Мирсаиднинг бутун дунёси...

Доимо шундай бўлган.

Доимо шундай бўлиб қолади... Мен бошқа аёлларни таҳлил қилиб кўрмаганман. Бунга ҳожат ҳам қолдирмагансан аслида. Аммо ўз аёлимни бутун умр давомида қайта - қайта ўқилса-да ҳеч қачон зериктириб қўймайдиган, аксинча тобора севимли бўлиб борадиган китобга киёслайман.

Сен янги келинчаклик даврингдаям, оналик мақомини олганингда ҳам, хаттоки қайнона лавозимига эришганингда ҳам, мени ҳайратга солишдан чарчамадинг.

Мен бирон марта сенинг "уфф" деганингни эслай олмайман. Сен кундузлари атрофга ором бахш этувчи кўёш нурисан, тунлари мўъжизакор ҳилолнинг фусункор жилваси, эрта тонгда субҳидамнинг ҳеч бир нарсага таққослаб бўлмас сирли ифори...

Айт, Мастура...

Яна нима дей?!

Нима десам сенга бўлган садоқатим, вафоим, меҳрим, муҳаббатим мен айтган сўзларда акс эта оларкин?!

Розиман...

Мен бир эр сифатида ўз аёлим - сендан розиман...

Сенинг кўнглингда заррача шубҳа, гумон қолмасин.

Шу топда Аллоҳ гувоҳлигида айтаман - мен сендан розиман, онаси... Мингдан минг розиман. Шу савол ҳар икки дунёда сўралган чоғда ҳам жавобим битта - розиман!

@Xazon_Rezgi / 95 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака Мастура опанинг кўзларидан юмалаган ёшни қўллари билан артиб олди:

- Фақат сен йиғлама... Юлдуз билан ҳусн талашган бу юзларга фақат кулги ярашади

Мастура опа жилмайди :

- Тағин бу кишим гапга уста эмасмишлар, - деди у эрка овозда , - Уста бўлмаганингиз шу бўлса ...

Улар уйга қайтишганда дарвозалари ёнидаги Асрор аканинг машинасини кўриб бир - бирларига кўз ташлашди :

"Вооой, ўзимиз билан бўлиб буткул ёдимиздан чиқарибмиз"

Мирсаид ака очиқ дарвозадан машинани аста олиб кирганда ошхона ёнида сўзлашиб турган Асрор ака ва Сулаймонга кўзи тушди.

Сулаймон илдамлик билан келиб онаси машинадан кўтариб тушириб олди.

- Ассалому алайкум , ака , - деди Мастура опа ўғлининг кучоғида акасига салом бера туриб суюнчилади , - қудангиз сиз олиб келган аравада шаҳар ташқарисида "катайса" қилдириб келдилар .

Асрор ака унинг саломига алик олиб , ҳушнуд жилмайди :

- Сен учун ҳурсандман , синглим. Мана кечга яна бир сюрпризим тайёр ...

Асрор ака эркак қудаси билан кўришиб Сулаймон онасини олиб кириб кетаётган хонага эргашди.

- Қанақа сюрприз , ака? Ёмон мазахўрак бўлиб қолдим.

- Мен атайдан сизларникига барвақт келиб , ўз қўлларим билан ош дамляяпман.

Сулаймон онасини ўрнига ўтқизди. Ортига ёстиқларни тахлаб суянтириб қўйди. Мастура опа келини уйни чангютгичда обдон тозалаб , ҳавосини алиштирганини , ўзининг чойшабларни ҳам янгилаганини , хатто бурчакдаги гулдонга райҳон барглари аралаш атиргулдан гулдаста тузиб солганини кўриб уни янада яхши кўриб кетди.

Қуда аёл Роҳилахон нариги хонада Маҳина амма билан гурунглашиб ўтиришган экан. Мастура опанинг келганини билиб тезда бу хонага чиқиб келишди. Қудалар сўрашиб- исташиб бўлишгач , Асрор ака ўрнидан қўзғалди :

- Мен энди ошни дамлайин- а ?

Мирсаид ака ва Сулаймон унга эргашишди. Ҳилола ҳам адасига гуруч ювиб бериш учун хонадан чиқди.

- Мастура опа , кўз тегмасин кўринишингиз яхши , - деди Роҳилахон, - худо ҳоҳласа ҳадемай оёққа туриб кетасиз.

Аёллар бир муддат у ёқ, бу ёқдан суҳбатлашдилар . Роҳилахон гап орасида сўраб қолди :

- Опажон , ишқилиб қизи Ҳилола хизматлари билан кўнглингиздан чиқяптими ?! Агар бирор ишидан кўнглингиз тўлмаса , бемалол очиқ - ойдин гапираверинг. Ҳалиям озгина ёшлиги бор-

да.

Мастура опанинг ўрнига Маҳина амма жавобга шошилди :

- Бир келин бўлса Ҳилоладай бўлар, айланай. Айтсам ишонмайсиз , мен кўпинча икки болали келинимга ҳам Ҳилола қизимни намуна қилиб кўрсатаман. Ана шундан билиб олаверасиз қизингизнинг бу хонадондаги ўрнини.

Кўп ўтмай эркаклар ошни сузиб кириб келишди. Асрор аканинг қўлида мўъжазгина ликобча турар эди:

- Хоним ойим Мастураойнинг хизматида яна каминани камтарин қулингиз Асроржон , - у шундай деб қолганларга юзланди , - сизлар бемалол ошни олаверасизлар. Менинг одатим ошни илиқ ҳолда ейман. Унгача синглимни овқатлантириб оламан.

Роҳилахон эрининг сўзларини "Тўғри айтаяптилар"дея тасдиқлагач, қолганлар "бисмиллоҳ" билан ошга қўл узатдилар .

- Қани хоним ойим , бир оғзингизни очинг- чи ?! - Асрор ака синглисининг ҳузурида талтайиб мақтанди,- бир ош пиширдим , бир ош пиширдим . Ҳар бир гуручи ўзи ўрмалаб оғзингга кириб кетади. Гўшти ҳам хил- хил пишибди. Чайнаб овора бўлмайсан. - у шундай деб меҳр билан боқди , - қалай ?! Маззами ?! Энди салатдан бир қошиқ...

Меҳмонлар алла - паллагача қолиб кетишди...

* * *

Мирсаид ака ўзиникиларни огоҳлантириб қўйган экан: бугун уларни "безовта" қилишмади.

Кўшни ҳамшира Мастура опага кечки уколларини қилиб кетгач , Мирсаид ака баланд овозда эълон қилди :

- Бугун шу хонада ётаман...

Маҳина опа унга оғиз жуфтлаб алланима демоқчи бўлди-ю , фикридан қайтди . Унинг ўрнига сокин овозда

- Мен ҳам , - деди халос .

Аммо ярим кечага бориб Сулаймоннинг телефони ноҳос жиринглади . Ҳилола дарҳол уйғонди. Ҳавотир олиб дарров телефонга ёпишди : Кўнғироқ қилаётган инсон Мирсаид ака экан:

- Алло, додажон ?

- Келин, тез. Тезроқ !

Муаллиф: Хазонрезги □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

34 - ҚИСМ

Хонангизда спирт бўлса олиб чиқинг! Ойингизни иситмаси жуда баланд ...

Ҳилола телефонни қаерга ташлаганини ҳам фаҳламади. Сулаймоннинг уйку аралаш "Нима гап?" дея берган саволига қисқача "Ойижоним" деди- ю , трюймо тагига турган спиртли баклажкани олиб югурди. Хонадан чиқаётгандагина тунги кўйлақдалиги ёдига тушиб , ортига тез қайтди.

Ҳилола хонага ўқдек отилиб кирганда Мастура опа ҳеч нарсани ҳис- қилмай беҳуш ётарди. Мирсаид ака уни ҳали оёғи , ҳали қўлларини уқалар , нукул "Жон онаси, кўзингни оч" дерди. Маҳина амма эса бир четда йиғлаганча аллақандай дуоларни ўқир эди.

Ҳилола дарҳол Мастура опанинг устини очиб ташлади.

- Додажон , сурилиб туринг , - қатъий овозда буюрди у ва изма - из келган Сулаймонга спиртни тутқазиб буюрди , - қўлимга қўйинг !

Сулаймон титраб - қақшаб Ҳилоланинг ҳовучига тўлдириб спирт қуйди.

Ҳилола Мастура опанинг кўкси ва елкалари билан спиртлаб ташлади , сўнгра Сулаймон билан ёнбошлатиб орқа кураклари билан яна спиртлади. Орада аёлнинг озиб тизза суюклари бўртиб қолган оёқларини ҳам авайлаб спиртлади. Охирида бош тарафига ўтиб бошидаги рўмолини аста ечди ва спиртли нам қўллари билан ойижонисининг пешонасини уқалади , сочларини бармоқлари билан тараб у ерларга ҳам спирт етказиш пайдан бўлди. У қўлларини яна намлаб Мастура опанинг томирлари ўйнаб лўқ- лўқ қилиб турган чаккалари ва пешонасини боса бошлади .

- Сулаймон ака , тумбанинг тортмасида ишлатилмаган система турибди . Илтимос , ўшани қадоғини очиб резина шлангини сал узунроқ қилиб кесиб олинг. Ошхонадан баклажккага илиқ сув солиб , ичига шлангни солиб келинг.

Сулаймон Ҳилоланинг айтганини бекаму кўст бажаргач , Ҳилола ингичка шлангни Мастура опанинг лабларини қўллари билан йириб очиб аста оғзига солди :

- Ойижооон , жооон ойижон ... - дея шивирлади Ҳилола қайнонасининг қулоғига энгашиб , - мени эшитяпсиз -а ? Илтимос , шланг орқали сувни шимиб ичишга ҳаракат қилинг . Бироз тетиклашасиз .

Ҳилола шу кўйи юзларини Мастура опанинг юзларига босди :

- Илтимооос ...

Мастура опа аранг инграган бўлди. Бироқ кўзини очишга мажоли етмади . Кўп ўтмай шланг сал қимирлаган бўлди. Сув Мастура опа томонга қараб жила бошлади. Ҳилола дарҳол эрининг қўлидан баклажкани олиб Мастура опага ёрдам бериш мақсадида сал баландроқ кўтарди.

Шу аснода эрига имо қилди :

- Шундай ушлаб туринг.

Ҳилола бўшаши билан ташқарига отилди . Кўп ўтмай қўлида қўлида худди шундай баклажкадаги оч сариқ суюқлик билан қайтиб келди .

У чаққонлик билан шлангни иккинчи баклажкага солиб , яна Мастура опага эгилди :

- Ойижон , бу сафар иситма тушурадиган кукун дори тайёрладим. Илтимос , охиригача ичинг . Ич- ичингиздан терлаб , иссиғингиз тушади. У шундай деб қайнонасини бошини яна оҳиста боса бошлади.

Довдираганча серрайиб ўтириб қолган қайнотасига келин бўлгандан буён илк бора тиш ёрди :

- Додажон , ойижонни оёқларини озроқ спирт билан уқалаб туроласизми ? Оёқлари олов бўлиб ёнапти. Роса қақшаётган бўлса керак.

Мирсаид ака муъте боладек Ҳилоланинг айтганларини сўзсиз бажара бошлади.

Мастура опа иккинчи баклажкадаги дорини ичиб бўлгач , Ҳилола тоза сувдан яна озроқ ичирди. Қайнонаси бироз қимирлаши билан дарров тушунди :

" Бошқа сув ичмас эканлар"

Ҳилола Сулаймонга баклажкларни йиғиштириб олиб чиқишни сўради. Ўзи қайнонасининг жавонда тахлолиғ турган юмшоқ ич кийимини ва тоза чойшаб олиб келиб ёнига чўкди. Чўзилганча Мастура опанинг пешонасига лаб босди.

- Додажон , бўлди. Иситмалари тушди. Тер чиқа бошлади. Ҳадемай сувдек бўлиб терлайдилар . Ўшанда кийимларини алиштириб олсак , шу бўйи тонггача ухлайдилар .

Мирсаид ака келинининг сўзларидан аёлининг атрофини бўшатиб қўйишни сўраётганини тушунди.

Аста ўрндан туриб нариги бурчакка бориб омонат ўтирди.

@Xazon_Rezgi / 97 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола таъкидлагандек кўп ўтмай Мастура опа дона- дона терлай бошлади. Ҳилола унинг сочлари ва пешоналарини юмшоқ дока билан артиб қўя бошлади. Устига эса енгил чойшаб ташлади. Шу алфозда ўн беш - йигирма дақиқача ўтгач Ҳилола остонада ўтирган эрини чақирди.

- Сулаймон ака ёрдамлашворинг.

Улар Мастура опанинг эҳтиёткорлик билан кийимларини алиштириб олдилар . Сўнгра тердан жиққа хўл бўлиб кетган чойшаб ва ёстиқ жилдларини ҳам .

- Сулаймон ака . Бояги иситма тушурадиган дори пешоб ҳайдайди. Ойижонни ...

Сулаймон барини тушунди. У Ҳилола ёрдамида ҳолсизлик ва уйқу сабаб кўзларини оча олмаётган ойисини эҳтиёткорлик билан тувакка ўтказди ва йиқилиб тушмаслиги учун маҳкам кучди.

Сулаймон ойижонисини қайта ўринга ётқизгач , Ҳилола унинг устига юпқа чойшаб тортди.

- Сулаймон ака , сиз энди бориб ухланг. Мен яна бироз шу ерда бўламан

Сулаймон унга савол назари билан боққан эди , Ҳилола гапни калта қилди :

- Эртага ўқишга бормайман.

Сулаймон индамай чиқиб кетди.

Сулаймон чиқиб кетгач Ҳилоланинг кўзи Маҳина аммага тушди. У ғужанак бўлганча жимгина тилини ютиб ўтирар эди.

- Аммажон , сиз туззукмисиз ? Қон босимингиз ошган кўринади.

Ҳилола зумда амманинг қон босимини ўлчади.

- Бирозгина ошган . Аммо жуда ваҳима қиладиган даражада эмас.

Ҳилола Маҳина амманинг кафтига яримта дори тутди.

- Буни ичиб олинг .

Амма дорини ичиб олгач бу сафар каттароқ дори берди.

- Бунисини тилингизнинг тагига ташлаб шимиб ётасиз .

Ҳилола қайнотасига бурилди :

- Додажон , бемалол чўзилиб ётиб олинг . Ойижоним тинчланиб уйқуга кетдилар . Ҳавотир олманг .

Ҳилола шундай деб чироқни ўчирди. Қоронғида эшик бир очилиб ёпилди . Мирсаид ака келинини чиқиб кетди дея гумон қилиб оёқларини чўзди.

Бомдодга айтилган азон овозидан кўзини очган Мирсаид ака ҳовлига отланди- ю , ғира - ширада Мастуранинг оёқларини кучганча ўтирган кўйи кўзи илинган Ҳилолага кўзи тушиб ҳайратда қотди. У аста йўталиб келинини уйғотмоқчи бўлди-ю , аммо тезда бу фикридан қайтди :

- Ҳозир уйғонса ошхонага чиқиб ғимир- ғимирини бошлайди. Ундан кўра бироз бўлса-да ором олсин ...

Мирсаид ака овоз чиқармасликка тиришиб хонани тарк этди...

* * *

Эртаси куни Мастура опа ҳар кунгидан бошқачароқ уйғонди. Гўёки у Мастура опа эмас , бошқа аёл билан алиштириб қўйилгандек эди.

У эрта сахардан Ҳилолани шошилтириб юборди.

- Ҳилола , қорним жуда очқаб кетди. Илтимос , тезроқ нонушта тайёрлаб беринг .

Ҳилола , оғзим тахир бўлиб кетди . Йогурт илидимми?

Ҳилола, шўрвани дони пишмаган бўлса ҳам сувидан олиб келинг.Кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти ?

Ҳилола, Маҳина аммангиздан сўраб уларникига ўхшатиб атала пишириб беринг.

Ҳилола , Мастубага қўнғироқ қилинг, йўлга тушмаган бўлса Фарҳод бозорининг бурчагидаги "бозор хонимдан" тўртта олиб келсин.

Ҳилола шу куни ошхона ва қайнонаси ётган хонанинг ўртасида югур- югур қилавериш оёғи чалишди. Бироқ шунга қарамай кайфияти жуда чоғ эди :

"Ойижоним иштаҳага киряптилар, бу яхшиликдан дарак, насиб қилса тез кунларда соғайиб кетадилар"- дея ўйлади у

Бироқ Ҳилоладан фарқли равишда Мастура опа таом сўраган ва иштаҳа билан еган сари Маҳина амманинг кайфияти тушиб борар эди.

Маҳина амма кечга бориб ёрилди. У атала учун қўй ёғини жазлай туриб хўрсинди:

- Бошланди...

- Нима бошланди , аммажон ?! - Ҳилола аммасининг хўрсанд бўлиш ўрнига тушкунликка тушаётгангишини ҳазм қила олмай сўради

- Қадимгилар "Ёришиб ёққан ҳаводан қўрқ!" дейишган. Мастураойнинг ҳам бу даражада иштаҳага кириши яхшилик аломати эмас.

- Воой , нега ?! - бўшашди Ҳилола , - ахир еганлари яхши эмасми ?! Тезроқ куч тўплаб дармонга кирадилар.

- Айтишларича куни битаётган инсон бу дунёдаги пешонасига ёзилган ризқини иложи борича тезроқ еб олишга шошилар экан. Шу сабаб у атрофдагиларни ҳам шошилтирар экан. Гапларим рост бўлса кўрасиз, Мастураой қачонлардир ўзи севиб еган кўча таомларини ҳам сўрай бошлайдилар. Раҳматли чолимдаям шунақа бўлганди.

@Xazon_Rezgi /98 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Ҳилола , атала пишмадими ?- зинада туриб баланд овозда сўради Сулаймон, - Ойижоним "Сўраганим қачонлар эди- у?!" деяптилар.

- Ҳозир, ҳозир тайёр бўлиб қолди , - деди Ҳилола шошилганча ...

- Тезлаштир...

Мастура опа кечки пайт ҳовлига олиб чиқишларини сўради. У аравачада ўтирар экан Сулаймонга ҳам илтимос , ҳам дўқ аралаш гапини ўтказишга ҳаракат қилди:

-Хонадаги диванни ертўлага олиб чиқиб ташла . Менга ерга жой солиб беришсин. Ерда ётгим келяпти.

Сулаймон "Нима дейсиз?!" дегандек аммасига қаради. Аммаси ҳам унга "Ойижонинг нима деса шуни қил!" дея ишора қилди.

Сулаймон қўшнининг ўғлини чақириб келиб , кенггина диванни йиғиштириб ертўлага олиб тушиб қўйди.

Ҳилола бу сафар яна иккита кўрпани ўртасидан букиб солиб қайнонасининг ўрнини қалингина қилиб солиб берди.

- Ана энди яхши,- деди Мастура опа ўзини олиб кириб янги тўшалган ўринга ётқизишгач , - кўнглимдагидек жой бўлибди.

Бугун Мастура опанинг ёнида Мастуба ҳола ва кичик овсини қолишганди.

Маҳина амма "Уйимдан хабар олиб келай" деб кеч бўлганда йўлга отланиб қолди. Уни Мирсаид аканинг ўзи уйи - Себзорга ташлаб келди.

Ҳилола кечки таомни қайнонасига едириб бўлганда, Мастура опа яхши эди. У дориларини ичиб , уколларини олиб бўлгач, келинига шафтоли егиси келаётганини айтганда, Ҳилола зумда унинг айтганларини муҳайё қилди.

Барчаси яхши , барчаси кўнгилдагидек эди.

Тун ярмига бориб , Мастура опанинг яна иситмаси кечадаги каби баланд бўлиб кетди.

Бу сафар ҳам Ҳилола аёллар билан Мастура опанинг иситмасини тушириш учун тонг отгунча тик оёқда юриб чиқишди.

Тонг отганда Мирсаид ака профессор Нишоновга кўнғироқ қилишга мажбур бўлди. У аёли Мастуранинг икки кундан буён танасида бўлаётган ўзгаришлардан, ўз - ўзидан иситмаси чиқиб кетаётганлигидан хабардор қилганда , профессор Нишонов унга дорилар таркибига яна янгиларини қўшимча сифатида қўшишни тавсия қилди.

Муолажалардан сўнг учинчи куни Мастура опанинг иситмаси чиққан бўлса- да , у қадар юқори бўлиб кетмади.

Ҳилолани ҳайрон қолдирган нарса Мастура опа эртаси тонгда ўзини худди Маҳина опа айтгандек тута бошлагани эди.

- Сулаймон Сулаймон қани ? ... - Мастура опа эрта сахардан ўғлини сўраганда , барча ҳайрон қолди , сабаби унинг бунақа пайтда ўғлини безовта қиладиган одати йўқ эди , - менга Сулаймонни чақириб беринглар ...

Ҳилола тезда Сулаймонни чақириб , ўзи ошхонага чойдан хабар олиш учун кетди.

У чой дамлаб қайтаётганда Сулаймон машинасини ўт олдириб кўчага чиқиб кетаётган эди. Ҳилола аввалига ҳайрон бўлди , аммо хонадагиларга индамади. "Она бўлгандан кейин ўғлида иши бўлади- да" дея ўзининг қизиқувчанлигини босишга ҳаракат қилди.

Ҳилола қайнонасига нонушта қилдириб бўлгач , Сулаймоннинг нима учун кетганлиги маълум бўлди . У қўлида елим халтага қадоқланган иссиққина нарсани Ҳилолага тутар экан , ўзи шошилгани каби аёлини ҳам шошилтирди :

- Бўл тез , Ойижоним буни ... □□□□ аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

35- ҚИСМ

иссиғида еб олсинлар .

- Сулаймон ака, бу нима?! - хайрон бўлиб сўради Ҳилола.

- Ҳасип. Ойижоним эрталаб "Чор- судаги Доно опа тайёрлаганга ўхшаган ҳасипдан бир тишлам бўлса қанийди" дегандилар. Буни ўша аёлнинг қизидан олдим.

- Ҳаа яхши, - деди Ҳилола ўйланиб, - аммо уларга яқиндагина манний бўтқаси едиргандим. Ҳозирча қоринлари тўқ. Ундан кейин ширин бўтқа устидан ёғлиқ таом едирсак, кўнгиллари беҳузур бўлиши мумкин.

- Унда сал туриб едириб қўярсан.

- Ҳўп ...

- Ҳилола, биласан-а синфдошим Диёрнинг сингисини узатишяпти. Куёвлар келишига озроқ қарашиб юборишимни сўрагани. Бироз қарашиб юборай, тезроқ қайтишга ҳаракат қиламан. Бугун якшанбада ўзимизнинг уйда ҳам келди - кетди кўп бўлса керак.

- Майли, яхши бориб келинг.

Ҳилола ошхонага бориб ўралган ҳасипни очиб ичидаги буғларини чиқариб қайтадан ўраб қўйди. Таом анчагина экан.

Ҳилола кун чошгоҳга яқинлашганда илиб қолган таомни қайта иситиб ойижонисига олиб кирмоқчи бўлганда дарвозадан кириб келган Маҳина амmani кўриб юзи ёришди. Ҳилола сўнгги кунларда аммага жуда суяниб қолганлиги шу топда ич- ичидан ҳис қилди.

- Уйимда ҳам ўтиролмайд қолибман. Юрагим тошиб кетаверди, - деди Маҳина амма ўзининг истиқболига чопиб чиққан Ҳилола билан кўришар экан, - Мастураой яхшимилар?

- Бугун анча яхшилар. Иситмалари ҳам унчалик чиқмади.

Маҳина амма келини ётган хонага йўл олди. Ҳилола эса ошхонага қайтиб қайноққина бўлиб исиган ҳасипни ойижониси ва Маҳина аммага алоҳида ликопчаларга сузиб улар ўтирган хонага олиб кирди. У Маҳина аммага чой қўйиб узатди ва таомга манзират қилди.

- Олинг, аммажон. Мен ойижонимга едириб қўяй.

Ҳилола ерда ётган Мастура опани бошини баландроқ қилиб олгач, ёнига кичикроқ дастурхонча тўшади.

- Ойижон, Сулаймон акам сиз сўраган ҳасипни олиб келибдилар ...

Мастура ҳасипни яхши кўриб ҳаммасини охиригача еди.

Ҳилоланинг "Яна олиб келайми?" деган саволига эса "йўқ" дея бош чайқади.

Сулаймон туш пайти уйга қайтди. У келибоқ онасининг ҳузурига йўл олди. Бу вақтда Маҳина амма пешин намозини ўқиб олиш учун қўшни хонага чиқиб кетганди.

Ҳилола ҳовлида ювилган кирларни дорга илиб турган вақт ичкаридан Сулаймон ғазабга тўлиб чиқиб келди.

- Менга қара, вей,- деди у Ҳилолага ғазаб билан , - соат неччи бўлди ?!

Ҳилола эрининг тўсатдан нега бунчалик жаҳли чиққанига ҳайрон бўлди:

- Билмасам , бир бўлиб қолгандир , - деди у бўшашганча .

- Билмасам? Билмайсанми ?! Нимани биласан ўзинг ?! - Сулаймон борган сари авжига чиқа бошлади.

- Сулаймон ака , тушунтириброқ айтинг , нимадир гуноҳ қилдимми ?

- Бу кишим яна тушунмаганмишлар ? Мен сенга нима дегандим ?! Ойижонимга ҳасип едириб қўй деб кетганмидим ?! Нега шу пайтгача бермадинг ?! Нега касал Онамни маҳтал қилиб қўйдинг ?! Ёки меҳрибончилигинг киши кўзигами ?!

- Сулаймон ака , сиз кетгандан кейин бир соатлар ўтганда едириб қўйганман. Яқинда яна овқатлантирдим.

- Мени онам алдамасалар керак ?! Уларни ёлғончига чиқаряпсанми ?! Бор қури , ўзим ҳам онамга қарай оламан.

Сулаймон Ҳилолага қулоқ солмай ошхонага кириб кетди. Жаҳл билан микротўлқинли печда ҳасипни иситди. Уни ликобчага сузиб онаси ётган хонага йўл олди .

Ҳилола изма - из унга эргашди. Аммо хонага киришга ботина олмай , остонада туриб қолди.

- Мана ойижон , сиз айтган ҳасипни олиб келдим . Келинг , ўзим едириб қўяман.

Сулаймон ҳасипдан кичик бир бўлагини олиб Онасининг оғзига солмоқчи эди , Мастура опа уни кўриб афтини буриштирди :

- Емайман . Яқинда едим- ку буни .

Сулаймон онасининг сўзларига ҳанг- манг бўлиб қолди.

- Ойижон , ахир ҳозир ўзингиз Ҳилола сизга ҳасип едириб қўйдими деб сўрасам "йўқ" дедингиз- у ?!

Мастура опа қатъий бош чайқади :

- Емайман, буни еганман... Обчиқиб кет , ҳиди кўнглимни айнитяпти.

- Сулаймон , буёққа қараб юбор .

Сулаймон зинадан туриб ўзини чақирган Маҳина амманинг ҳузурига каловланиб чиқди :

@Xazon_Rezgi /100 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Ассалому алайкум, аммажон.

- Ваалайкум ассалом, - Маҳина амма алик олганча Сулаймонни тирсагидан ушлаб четга тортди,- болам , сен сал аввал келинни ножўя хафа қилдинг. Сени жанжалингни деб

намозимни қандай ўқиганимни ҳам билмай қолдим.

Хуллас , гап шу. Ҳилола сен олиб келган ҳасипни Мастураойга аллазамон едириб бўлганди. Мен ҳам сени дуо қилиб бир ликопка еб олгандим ўшанда.

- Амма ... - Сулаймоннинг кўзлари катта - катта очилди,- унда Ойижоним нима учун ...

- Сулаймон... Бу гапларни гапириш мен учун жуда оғир . Бироқ эшитиш сенгаям осон эмас. Сен бир нарсани ёдингда тут. Онанг - бемор ! Дард билан олишяпти. Бу дегани кун- у тун , йигирма тўрт соат дард исканжасида дегани . Ундан кейин унинг бошида ўсимта борлигини унутма. Менимча айнан шунинг учун Ойижонинг гапларида адашиб , чалғий бошлади. Кўряпсан - ки, баъзи ўринларда хотираси панд бермоқда. Мен буни анчадан буён пайқай бошлагандим. Бугун эса бу чекланиш яққолроқ кўзга чалинди. Буёғига сен ва менинг қўлимдан келгани дуо ва сабр.

Сенга шуларни айтмоқчи эдим,- Маҳина опа ичкарига йўл олар экан Сулаймонга эслатиб қўйишни унутмади, - айтганча келиндан кечирим сўрашни унутмассан...

Сулаймон шундагина Ҳилоланинг ёнларидан йўқ бўлиб қолганлигига аҳамият берди.

У оғир қадамлар билан ўз хонасига йўл олди. Тахмин қилганидек Ҳилола ётоқхонадаги диванда ҳайкалдек қотиб ўтирар , хатто кўзларидан сидирилиб тушгани ёшларга ҳам эътибор бермас эди.

Сулаймон унинг ёнига оғир чўқди. Ҳилола қилт этмади. Сулаймон унинг елкасидан қучди:

- Кечир ... Билмабман... Ўйлабманки...

Ҳилола эрининг елкасига аста бош қўйди. Хўрсинди :

- Сизда айб йўқ. Сиз ҳам ҳозир мен каби айбсиз айбдорсиз.

Сулаймон ўзини йиғлаб юборишдан аранг тийиб , пўнг овозда сўзлай кетди:

- Бу дунёда ўрнини ҳеч ким боса олиши мумкин бўлмаган инсонинг кўз ўнгингда шамдек эриб борса ... буни тан олиб турсанг- у , аммо қўлингдан бир иш келмаса ... Оғир экан. Жудаям оғир экан...

Эҳҳҳ...

Ҳилола чидай олмаяпман... Чидаб бўлмаяпти... Қани шу топда қаршимда "Тила тилагингни ?!" дейдиган бирон кимса чиқса эди ...

- Сулаймон ака... - деди Ҳилола изтироб билан ,- биласизми ... Айтишларича Аллоҳ ҳеч бир бандасига ўз тоатидан ортиқ синовни раво кўрмас экан ...

Мен кейинги кунларда кўп ўйлаяпман...

Менинг тоатим шунчалик улканми ?!

Ростини айтаман... Мен адо бўлаяпман... Мен бу синовга сабр қила олмаяпман... Ҳолим келмаяпти . Кучим етмаяпти . Мен Аллоҳимга кунда йиғлаяпман... "Аллоҳим , ойижонимни бу аҳволда кўриш мен учун жуда... , жуда ..., жудаям оғирлик қияпти ... Мен ҳам улар билан

бирга аста - аста тугаяпман... Мен буларни кўтара оладиган даражада кучли эмасман, Аллоҳим ..." демоқдаман... - Ҳилола ўксиниб - ўртаниб йиғлай бошлади, - Сулаймон ака, мен англадимки , инсон бошқа бир инсонни "она" деб қабул қилиши учун албатта ундан туғилиши шарт эмас экан.

Сиз балки ҳайрон бўларсиз. Ишонмасиз. "Ўз онаси бор , бу гаплар шунчаки йўлига айтилаяпти" дерсиз. Тўғри ҳаётимда ўз онамнинг ўрнилари бор , бироқ ойижоннинг ҳам ҳудди ана шундай тенг қийматли алоҳида ўрнилари бор . Ойижон бу ўринга шу чоққача ҳеч бир инсонда учратмаганим кўнгилларидаги бир олам меҳр сабаб эришганлар.

Йўқ адашибман. Ойижоннинг бу дунёда ўхшашлари бор . Биласизми ким ? Улар менинг ўз адамлар. Икковларининг дунёқарашлари ҳам гўёки бирдек. Мен бу оилага келин бўлиб келиб , тез чиқишиб кетишим учун айнан ана шу ўхшашлик сабаб бўлди. Ва мен бир кашфиётни ўзим учун кашф этдим. Инсонда жамланадиган барча туйғулар бу она сути орқали берилар экан ва бир умрга у билан бирга қолар экан. Балки шу сабаб ҳам "Сут билан кирган, жон билан чиқади" деган ибора яралган бўлса керак. Улар бир онанинг сутини , яъни сизнинг бувингизнинг сутидан озиқланиб катта бўлишган ахир.

Айнан ана шунинг учун ҳам мен балки ўз онамдан кўра кўпроқ ойижонимга ўхшарман.

@Xazon_Rezgi /101 #КўНГИЛ_ИФОРИ

Сулаймон ака , сиздан бир илтимос. Ҳеч қачон , эшитяпсизми , ҳеч қачон мен ҳақимда шубҳага борманг. Айниқса ... Айниқса ойижон ҳусусларида ... Бу нарсани ўзим учун сўраётганим йўқ. Мен сизнинг ноўрин шубҳа , гумон сабаб азобланишингизни сира истамайман. Агар сиз мenden тарикчалик бўлса-да шубҳа қилсангиз , биргина гугурт бутун дунёга ўт қўйиши мумкин бўлгани каби мен ҳам шугина шубҳангиздан қовжираб адо бўламан.

Рост ...

Ишонинг ...

Сулаймон Ҳилолани елкасидан қаттиқроқ қучди. Шунда унинг кейинги кунларда жуда озиб кетганлигини , елка суякларида деярли эт қолмагани , ўзи ҳам бир ҳовуч суяк бўлиб қолганлигини ҳис қилди . Сулаймон буни ҳис қилиши билан қаттиқ даҳшатга тушди :

"Шу кетишда Ҳилола ҳам бирон дардга чалиниб қолса нима қиламан? Ойижоним , дадам - барчамиз нима қиламиз унда ?!- деб ўйлади у , - ахир Ҳилола эмасми, айти дамларда барчамизни дардимизга бирдек малҳам бўлаётган?! Ахир Ҳилола эмасми , оилада айнан ойижонимнинг ўрниларида барча нарсага бош - қош бўлаётган?! Ойижонимнинг ҳам юракларига дармон бўлаётган, дадамнинг ҳам кўнглига мадор бўлаётган?! Барча келган - кетгучиларнинг бирдек кутиб , эплаштираётган?!- Сулаймон ўйлаб қараса бу оиланинг энг оғир юки , ташвиши Ҳилоланинг ана шу нозик елкаларига тушиб қолибди,- ахир Ҳилола ҳали йигирма бир ёшга ҳам киргани йўқ- қу?! Бу тенги қизларнинг кўпчилиги ота- онасининг бағрида ноз-эркалигини қилиб юрган бир вақтда , Ҳилола..."

- Ҳилола, - деди Сулаймон овози товланиб,- ўзинг овқатланиб олдингми ? Рангингни қара ? Бўздек оқариб кетибди . Илтимос , мени ҳавотирсиз , бемалол юрсин десанг , ўзингни эҳтиёт қил. Биламан, кўпинча ўзингга яхши қарамайсан . Аммо ҳозир Ойижоним учун ҳам биз соғ бўлишимиз , ҳизматларида бардам- бақувват туришимиз керак. Сен ҳозир бориб бафуржа овқатланиб ол. Унгача Ойижонимга ўзим қараб тураман.

- Яхши. Хўп,- Ҳилола шундай дея Сулаймонга сўроқ ифодаси билан қаради :

- Сулаймон ака, мен бир нарсани ўйлагандим. Рухсат берсангиз кечалари ойижоннинг ёнларидаги хонада тунасам. Уларнинг ёнларида фақат аёллар ётган куни мен ҳам ўша ерда ётардим. Кўряпсиз , кўпинча додажон айниқса кечалари улардан ажралгилари келмаяпти. Додажон бор пайтларида бир эшик нарида ётардим. Барибир бу хонада ухлагандек бўлмаяпман. Хаёлимда худди ойижон мени чақиргандек бўлаверадилар. Кечалари ўрнимдан туриб хабар олишга чиқсам сизни безовта қилиб қўяяпман. Шунга ...

- Ҳилола , кўнглимдагидек нарсани ўйлабсан. Ўша хонага икковимиз бирга кўчиб ўтамиз. Ортиқча нарса керакмас. Иккита кўрпача ва чойшаб ётарли. Ўртадаги эшик очиқ турса , ойижонимни нафасларигача эшитилиб туради. Сен аввал овқатланиб ол , кейин бу масалани ўзим ҳал қилганим бўлсин.

Ҳилола "хўп" деб ўрнимдан турди .

- Айтганча , Ҳилола , дадам кўринмайдилар ?

- Улар ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

36- ҚИСМ

- Додажоннинг Янгийўлда яшайдиган курсдош дўстлари давлат мукофоти олибдилар. Шунга курсдошлар йиғилишибди, аммо додажоннинг ўша жойда ҳам хаёллари ойижонимда. Уларни сўраб икки мартаба кўнғироқ қилдилар.

Додажонга улар ўзларини ҳозир яхши ҳис қилаётганларини айтиб хотиржам қилдим.

- Яхши . Борақол ...

Тушдан кейин Мастура опанинг ёнидаги қўшни хонадаги жой тайёр бўлди.

Бугун якшанба бўлганлиги учун келди - кетди кўп бўлди. Мирсаид аканинг ҳам, Мастура опанинг ҳам яқин жигарлари бирин- кетин беморни йўқлаб келиб , ҳол- аҳвол сўраб кетишди. Асрор ака

Роҳилахон опани олиб кечки овқат вақтига улгуриб келди. Улар туш вақти кўнғироқ қилиб "Кечга таом пиширманглар" дея огоҳлантириб қўйишганди. Роҳилахон опа хуштаъм манти пишириб, қасқони билан келтиришибди .

Асрор ака бу сафар ҳам синглисининг ёнидаги жойни ҳеч кимга бермади . Ҳилолага мантидан мўлроқ суздириб келиб , битта синглисига едирди , битта ўзи еди, битта синглисига едирди , битта ўзи еди.

Мастура опа бугун ҳар қачонгидан ҳам бахтиёр кўринарди. У тинмай жилмаяр , бўш қолди дегунча "Аллоҳ, ўзингга шукр, минг шукр" дер эди .

Асрор акалар тунги соат ўнларда кетишди.

Ҳилола Мирсаид аканинг аёлининг ёнидан жилгиси йўқлигини кўриб, бугун шу ерда тунамоқчилигини фаҳмлади . Мирсаид ака, Маҳина аммага жой тўшаб бергач , уларга хайрли тун тилаб ўзи Сулаймон билан қўшни хонага йўл олди .

Ҳилола қаттиқ ухлаб қолган экан. Бир вақт аллакимнинг ҳаяжонланиб , тўлиб - тошиб гапираётганидан уйғониб кетди.

Гапираётган , тўғрироғи тушида алахсираётган Мастура опа эди:

- Дадаси , дадажониси, қаранг Сулаймонжонингиз юряпти . Ширинлигини қаранг буни . Бу ёққа келманг. Ўша ерда туриб чақиринг , "Кел буёққа" денг. Мен ерга қўйиб юбораман . Ўшанда кўрасиз, унинг юраётганини. Ана , ана кўрдингми? Биз- чи, биз ўғлингиз билан иккимиз кун бўйи сизни жуда кутдик . Бугун қош қорайиши бирам қийин бўлди-эй...

Мастура опа жим бўлиб қолди.

Аммо орадан бир мунча вақт ўтиши билан яна тилга кирди :

- Сулаймоним , асал болам, яхши болалар ўртоғидан ҳеч нарса қизманмаслиги керак. Дунёдаги энг яхши инсон ким, биласанми?! Ўзининг энг яхши кўрган нарсасини муҳтож бировга эҳсон қилган инсон. Сен ҳам шундай бўлсанг, мен ва дадангга фаришталар доим энг яхши боланинг ота - онасига деб устимиздан тинмай раҳмат ёғдириб туришади. Тушундинг- а , ўғлим...

Ҳилола ўрнидан туриб эшикка яқинлашди. У ним қоронғи хонада Мастура опанинг ётган ўрнида кўзлари юмуқ ҳолда тинмай гапираётганини , Маҳина амма укаси Мирсаид акага суяниб ўтирганча оғзини рўмоли билан беркитиб пиқ- пиқ йиғлаётганини , додажонисининг ўзи ҳам опасига қўшилиб кўз ёшларини тия олмаётганлигини кўрди.

Маҳина опа укасининг елкасидан бошини кўтариши билан Мирсаид ака аёлининг ёнига сурилди . Унинг ўнг қўлини ушлаб силай бошлади.

Мастура опа сўзлашда давом этарди.

- Дадаси , келинг ўғлингиз шу фанга қизиқаркан . Қўйиб беринг , физик бўлса бўлақолсин. Шунча дўконимни ким бошқаради деб ҳадеб ўзингизни сиқаверманг. Унинг ҳам бир чораси топилар . Вақти келганда "Ўғлимизнинг орзуси физик бўлиш эди , ўша вақтда кўнглига қарамагандик" деб афсус чекишдан ёмони йўқ дадаси . Мен Сизга ишонаман. Ахир сизда бор кўнгил ҳеч кимда йўқ . Сизнинг кўнглингиз тоза. Соф. Илтимос, шу кўнглингизга яна бир бор қулоқ солинг. Сулаймонга , жон- у жаҳонимга физик бўлишига руҳсат беринг. Берақолинг , жон дадаси.

Ҳилола ортида Сулаймоннинг қисқа - қисқа нафас олаётганини ҳис қилди . Афтидан у ҳам товушсиз йиғлаётган эди.

Ҳилола эшикка суянди . У Сулаймонни овутишга ҳаракат қилмади. Зеро бунга мажоли ҳам қолмаган эди.

@Xazon_Rezgii /103 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опа жимиб қолди , аммо кўп ўтмай яна ҳокисорлик билан гапира бошлади:

- Инсон бир марталик яшайдиган умрида ўзи суйган овқатини ичиши керак. Дадаси , Сулаймон танлаган , дил берган қизни кига совчиликка боришга рози бўлганингиз қандоқ яхши бўлди-я ... Сизни бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ яхши кўрдим. Рост . Ишонмайсизми?! Нима учун десангиз Сиз бугун ўғлимизнинг кўнгли билан ҳисоблашдиз. Иккимизнинг дилбандимиз Сулаймонимизнинг кўнгли билан. Мен сиз билан фахрланаман , дадаси, фахрланаман. Мана мени айтди дейсиз улар ҳам бизга ўхшаб бахтли бўладилар.

Мастура опанинг сўзларида ажиб бир эркалик сезила бошлади :

- Асрор ака. Акажон ...

Бу тақдир бўлса , мен тақдиримдан мингдан - минг розиман. Қаранг , қаерларидир сизга ўхшаб кетадиган ўғлим сизни ўзингизни топиб берганини кўринг . У қизингизни бекорга севиб қолмаган. Нимага дейсизми ? Ҳилолангиз ички дунёси билан ўғлимга ўхшаб кетса керак. Йўқ ! Бу аниқ. Асло шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Бугун мен жуда бахтиёрман. Сиз билан бирга ёшлигимни топгандек бўлдим

Акажон ... "Сен тандирда ёпиб пишириб берган ялпиз сомсангга ҳеч кимникини тенглаштира олмадим?!" дедингиз- а ?!

Мен ҳам ака сифатида берган меҳрингизни бошқа ҳеч бир кимсадан топа олган эмасман.

Бу йил баҳор келишини жуда интиқ бўлиб кутаман. Нима учунлигини айтайми ?! Сизга тандирда ялпиз сомса ёпиб бериш учун . Ва ўша ялпиз сомсани еяётган вақтингиздаги юзингиздаги ҳушнудликни кўриш учун... Ака , акажон ... Бугун бахтдан бошим бирам кўп айланди- ей ... Осмонларда учдим, акажон. Бари сиз туфайли...

Ҳеч кимни Мастура опанинг сўзларини бўлишга журъати етмасди. У эса борган сари равон-равон сўзларди.

- Маҳина опа ... Сиз келган кун уйимиз тўлиб кетишини ўзингизга ҳам тан олиб айтганман- а ?! Бунга айтиб ҳеч чарчамайман... Сиз худди ойижонимнинг ўзлари бўлдингиз. Меҳри дарё , қалби уммон ойижонимнинг жуда соғинаман. Соғинганимда эса таскинни сиздан излайман. Менга ўз опам ва синглим қанчалик азиз бўлишса , сиз ҳам шундай азизсиз. Кўпинча опам ва синглимга айтолмаган юрак сирларимни сизга ишонганман опажон...

Шу ерга келганда Маҳина амма чидай олмади:

- Мастураой , гўзал келиним , жонимнинг ороми, - у овоз чиқариб баралла йиғлай бошлади.

Мастура опа ётган жойида безовталаниб қолди . Хумор кўзлари чарақлаб очилди .

- Опажон , тинчликми ? Нимага йиғлаяпсизлар ?! - унинг яқиндагина алаҳсираб нималар деганини билмаслиги ўзини тутишидан кўриниб турарди.

- Ўзим шундай , - деди Маҳина опа бирдан сергак тортиб , - биқиним бирдан тортишиб оғриб қолди. Шунга укамга эркаланиб йиғлаётган эдим.

- Токчада оғриқ қолдирадиган дори бўлиши керак , - деди инграганча Мастурат опа , - ҳозирча ўшандан ичиб туригиз , эртага укангиз шифокорга олиб бориб келадилар .

- Ҳа шундай қиламан,- деди Мирсаид ака гапни калта қилиб , аёлини ортиқ безовта бўлишини истамай, - тонг отиши билан опамни докторга кўрсатиб келаман. Сен эса ҳеч нарса йўламай ҳордиқ ол , онаси .

- Эртага бошқача кун бўлади,- беихтиёр жилмайди Мастура опа, - неча йиллардан бери интиқ бўлиб кутилган кун. Дадаси, эртага қандай кунлиги ёдингиздадир- а ? □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

37- ҚИСМ

Мирсаид ака каловланди. Аёлига нима деб жавоб беришни билмай тили тутилди. Уни мушкул вазиятдан Мастура опанинг ўзи қутқарди. У беҳолгина бўлиб хансираб сўзлай кетди:

- Эртага фарзандларимиз диплом ҳимоя қилишади. Жоним болаларим университетни битиришади.

Дадаси ... Шу кунларга ҳам етиб келдик- а?!... Ўзига шукр ...

Дадаси ... Эрталаб болаларимиз ҳимояга отланишганда чин дилдан дуо қилиб кузатинг, хўпми?!

Ота дуоси - мустажоб ... Қорақўзларим бу дунёда улар учун ижобати кундек равшан инсоннинг дуосини ўзларига ҳамроҳ қилиб кетишсин. Майлими?!

- Хўп, хўп Мастура . Икковимиз бирга дуо қиламиз . Сен ҳозир ўзингни уринтирма. Толиқиб қолма . Бироз ором ол. Тонг отсин, фарзандларимизга ҳаммамиз оқ йўл тилаймиз.

Мастура жилмайишга ҳаракат қилди. Ҳоли келмади. Лабларининг бурчи билан хиёл кулимсираган бўлди. Беҳолгина кўзларини юмди.

Ҳилола ортига ўгирилди. Ҳамон ҳиқиллаб ўтирган Сулаймонга қўли билан ишора қилди : "Ётинг..."

Ҳилоланинг ўзи ҳам ўрнига чўзилди. Унинг фикрлари бутунлай чалкашиб кетган эди. У шу топда хаёллари қаердан бошланиб , қаерда тугаётганлигини ҳам билмас эди...

Тонгда Мастура опанинг айтганидек бўлди.

Барчалари Сулаймон ва Ҳилолани диплом ҳимоясига чиройли дуо билан кузатиб қўйишди.

* * *

Университет бугун ҳар қачонгидан- да файзли кўринарди. Битирувчиларининг кўнглида ҳимоя олдидан бироз ҳадик бўлса-да , аммо шу билан бирга қувонч , шодлик , катта ҳаёт остонасидаги доимий ҳамроҳ- орзу ,умид ва ҳаваслар билан тўлиб тошган эди.

Бу ҳислар бу йилги битирувчиларнинг фақат икки нафарини четлаб ўтгандек эди гўё ...

Мақсад , интилишлари бир ўқув масканига етаклаган, ўқишнинг бошида бошқа талабалар қаторида билимга ташна , бора - бора бу ўқишга ҳавасмандлик ёнида дилларидан гўзал муҳаббат ўрин эгаллаган, чиройли ахлоқ доирасида униб - ўсган муҳаббатлари вақти келиб ўз мевасини бериб турмуш қурган, бири ота , бири она бўламан дея бахтдан энтиккан вақтлари меҳр қўйиб улгурган мурғакларидан айрилган, ҳозир эса ... дард билан олишиб шамдек сўниб бораётган мушфиқаларининг дуоси билан бугунги ҳимояга гўёки соялари келган икки ёш - Сулаймон ва Ҳилоланинг дилида фақат бир сўз чарх урарди:

- Ойижоним ...

Ҳилола ҳимояга энг биринчи бўлиб кирди. Ёшларнинг бошларига тушган синовдан хабардор бўлган устозлари уни ортиқча қийнашмади, зеро Ҳилола тўрт йиллик ўқиши даврида теран билими барчага бирдек манзур бўлиб улгурган ҳам эди.

Ҳилола ҳимоядан чиқар экан , бир четда мунғайиб турган Сулаймоннинг ёнига борди :

- Сулаймон ака, сиз курсдошлар билан охиригача қолинг. Кейин нималар бўлганини менга ҳам айтиб берасиз. Раҳбаримизга икковимиз учун сиз қолишингизни айтиб қўйдим. "Хўп" деб рози бўлдилар. Мен эса ҳозир такси ушлаб уйга қайтаман. Кўрдингиз ойижон туни билан яхши ухлаганлари йўқ, ҳавотир олаяпман Ёнларига борай ...

Сулаймон бош ирғади. Ҳилола коридорда тизилишиб турган курсдошлари билан тезгина хайрлашди- ю , ташқарига отилди.

У факультет биносидан чиқар экан эшик олдида адасига дуч келди :

- Қизим , мен сен ва Сулаймондан хабар олгани келаётган эдим. Бугун ҳаётингизда муҳим кун бўлганлиги учун ...

Ҳилола адасини кўриб тўлқинланиб кетди :

- Ассалому алайкум, адажон...

- Нима бўлди , қизим ?! Шошилиб қаерга кетаяпсан? - сўради Асрор Файзуллаев алик олгач

- Адажон , мен ҳимоядан ўтиб бўлдим. Куёвингиз ҳали кирганлари йўқ. Ҳозир уйга қайтмоқчи эдим.

- Тинчликми, болам?! - Асрор Файзуллаев бир зумда ташвишга тушди , - Мастура яхшими ?!

- Улар туни билан алаҳсираб чиқдилар. Қаттиқ толиқиб қолдилар. Шунга кўнглим алағда бўлиб...

- Юр , уйингга ўзим олиб бориб қўяман.

Асрор ака гапни калта қилди, Ҳилола билан бошлашиб кўчага чиқди.

- Қизим , - деди Асрор ака машинани бошқариб борар экан, йўлдан кўзини узмай , - биламан, жудаям қийналиб кетдинг.

Аммо шуни билиб қўйким, мен опаларингдан ҳам кўра сен билан энг кўп фахрланаман .

@Xazon_Rezgi / 105 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Нега десанг, сен менинг бир вақтлар Аллоҳдан сўраган дуоимини ижобат қилгувчи фариштамсан.

Қизларим орасида сараланган нажоткор фариштам. Дуо ижобатини раво айблагувчи қалб ардоғим. Мен нима учун бундай деяпман ?! Бунинг тарихи узун.

Биласан. Сендан катта опангнинг исми Мастура . Бу қайнона ойижонингни шарафига қўйилганлигини бот- бот такрорлаганман. Нима учун Мастура ? Ахир улар уч қиз бўлишган - Зоҳида , Мастура , Мастуба. Бироқ айнан Мастурагина уларнинг ичида олам ичра алоҳида олам эди.

Хабаринг бор , энг кичик амакинг туғилганда бувинг дардга чалиниб ётиб қолган эдилар. Ўшанда Азамат амакингга мана шу Ойижонинг муштумдек боши билан қараганди. Ойимларга ўзи овқат едириб , ўзи сув ичириб қўярди. Ойимлар ҳам нуқул "Мастура , менга Мастура қарасин" деб унинг мактабдан келишига илҳақ бўлиб ўтирардилар .

Бир куни улар йиғлаб - йиғлаб дуо қилдилар. "Ё Аллоҳ ! Мастурадан шу қадар меҳр кўрдим- кии, ундан шунчалар қарздор бўлиб кетдим- кии , илоҳим бу дунёда мени ёки зурриётларимни

унинг яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтаришга қодир қил".

Ҳилола , жоним қизим. Аллоҳ , Раҳматли ойимларни дуоларини қабул қилган кўринади. Мастуранинг яхшилигига яхшилик қилиш учун бувингларни зурриётлари орасида сен танланибсан. Биз алоҳида меҳр билан исмини танлаган Мастура опанг ҳам эмас, сен танланибсан.

Биламан. Бугун ҳаётингдаги энг унилас кунлардан бири бўлиши керак эди. Курсдошларинг каби сен ҳам бу кунни ўзгача шавқ билан нишонлашинг, ҳимоя тугагач курсдошларинг билан бирорта кафе ёки ресторанда хурсандлик қилишга ҳаққинг бор эди. Бироқ бунинг ўрнига дард билан олишаётган мунис бир аёлнинг жонига малҳам бўлишга кетмоқдасан. Зиммангдаги вазифа жуда мушкул эканлигини биламан. Синглим бир бор "оҳ" урганда сен ўн бор тўкилишингни ҳис қиламан. Бироқ сен Мастурамнинг ёнида эканлигинг учун ҳам мен анча хотиржамман. Сабаби қизим, яъни сени қандайлигингни биламан.

Шу туфайли яна бир бор такрорлайман: мен сен билан жуда фахрланаман, қизим. Сенга ҳозирги айтадиган сўзларимни такрорлашни ҳожати бўлмаса-да, айтаман.

Бу дунёда ёруғ юз , тоза виждон, пок қалб билан яшашга ҳеч нарса етмайди.

Асрор ака машинасини бир четга тўхтатди. У йўл юзидаги кафедан қип- қизариб хил - хил пишган қийма кабоблардан ўн чоғлисини харид қилиб , иккита ёпган ноннинг орасига бостиртириб олди. Сиркаланган пиёздан алоҳида халтачага солдирди.

Улар Ҳилолаларникига келишганда Маҳина амма ошхонада куймаланиб юрар эди. У Ҳилолани диплом ҳимоясини топшириши билан дарров уйга қайтганини эшитиши билан севиниб кетди :

- Яхши бўлди-ей, битта ўзим бошимни қаерга уришни билмай тургандим.

Мастура опанинг ухлаб ётганини эшитиб Асрор ака "Бошқа вақт келаман" дея ортига қайтди.

- Аммажон , ўзим қиламан ишларни. Адамлар атайин селлиқкина кабоб олгандилар . Иссиғида еб олинг. Ойижон уйғонсалар уларга ҳам едириб қўяман.

Маҳина амма ух тортиб ошхонадаги ўриндиққа чўқди.

- Ҳилола , Мастураой овқатдан қола бошлади. Сизларга бугун ўзим нонушта қилдираман дегандим- а ,аммо бир тишлам нон ҳам едира олмадим . Чайнаганини юта олмаяпти. Томоғига тиқилиб қоляпти. Гўштли нарсалар ҳақида- ку , эшитишни ҳам истамаяпти. Қизим , Ойижонинг борган сари ...

- Йўқ аммажон , ундай деманг. Мен ўзим уларни овқатлантираман. Емайман десалар ялинаман, ёлвораман, аммо кўндираман. Сиз бафуржа овқатланиб олинг . Мен ойижонимдан хабар олай, - Ҳилола иккита қийма кабобни ликопчага солди-ю , Мастура опанинг ёнига йўл олди.

Эшик очилиши билан Мастура опа кўзларини очди :

- Қизим , келдингизми ? Ишингиз битдимми? Сулаймон қани ?!

Ҳилола қайнонасининг ёнидаги кўрпачага тиззалади :

- Ассалому алайкум , ойижон. Мен диплом ишимни энг биринчи ҳимоя қилиб бўлдим ва уйга қайтдим. Ўғлингиз кечроқ келадилар . Мени адамлар олиб келиб қўйдилар. Сизни ухлаётганингизни билиб , "Кечроқ келаман" деб кетдилар. Ойижон , адамлар сиз яхши кўрган қийма кабобдан олиб , ўзим едириб қўйишимни сўрадилар.

- Егим йўқ ...- бош чайқади Мастура опа, - гўштни кўрсатманг.

@Xazon_Rezgi / 106 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Ойижоон , адамлар бу кабобни олганларидаги юз ифодаларини бир кўрсангиз эди,- деди Ҳилола , -улар сингиллари учун дунёнинг энг олди таомини сотиб олган каби бахтиёр эдилар. Илтимос , жон ойижон ея қолинг ...

- Юта олмаяпман ... - Мастура опа Ҳилолага ялинч қиёфада тикилди.

Ҳилоланинг юраги чок - чокидан сўкилди. У кўзларини қаерга олиб қочишни билолмай қолди. Аммо тезда ўзини қўлга олди :

- Келинг ойижон. Мен кабобни бир тишладан узиб оғзингизга соламан. Сиз эса таъми кетгунча шимасиз. Сўнгра қўлимдаги халтачага туфлаб ташлайсиз. Шу тариқа оғзингизга маза киради. Озроқ бўлса- да танангизга мадор бўлади. Эсингиздами , мен касал бўлиб ҳеч нарса егим келмаганда шунақа қилгандингиз. Ўшанда "Қизим, қатик тўкилса юқи қолади, ҳеч бўлмаса шунақа қилиб қувват тўплашга уриниб кўринг" дегансиз. Ўшанда айтганингиздек қилиб , анча ўзимга келгандим. Келинг ойижон , оғзингизни очинг-, Ҳилола кабобдан бир тишлам узиб Мастура опанинг оғизига солди ва жилмайди,- ана қаранг, бу қийин эмас . Адамлар ҳам йўлда роса тайинладилар , синглимга ўзинг едириб қўйгин деб .

Ҳилола икки дона қийма кабобни шу тариқа Мастура опага "едирган" бўлди . Хонага кирган Маҳина опа келиннинг бу тутган йўлини кўриб ҳанг- манг бўлиб қолди :

" Бу келин эмас - хазина,- дея ўйлади у , - ҳозир ўрнида бошқаси бўлганда емаяптилар деб шўлтиллаб ўтирган бўларди"

Ҳилола ора-орада Мастура опага чой хўплатиб , лабларини меҳрибончилик билан артиб қўярди.

- Ойижон , кечга нима овқат қилиб берай ? Кўнглингиз яна қандай таомни тусаяпти ?!- сўради Ҳилола унинг атрофини йиғиштира туриб .

- Гўшт солмай , шундоқ пиезнинг ўзини доғлаб атала пишириб беринг,- деди Мастура опа ва яна такрорлади , - гўшт солманг .

- Хўп бўлади, - деди Ҳилола Мастура опага ортиқча эътироз билдирмай,- сиз нима десангиз шу ...

Маҳина амма кечга бориб Ҳилоланинг заковатига яна бир бор тан берди.

Ҳилола ёғлик қўй гўштини яхшилаб жазлаб пиёз қўшиб тилларангга киргунча қизартирди ва устидан ун солиб яна қовурди. Қовуриш маромига етгач сув қуйиб етилгунча қайнатди .

- Болам , Мастураой гўштсиз дегандилар . Сиз бўлсангиз... Бу овқатингизни кўриши билан рад қиладилар .

- Аммажон , танларига озроқ қувват бўлсин деяпман-да. Сузганимда гўштини олиб ташлайман. Гўшти кўринмайди , аммо қуввати таомда қолади.

- Бунча гўштни қандай терасиз. Орасида барибир битта- яримта қолиб кетиши аниқ.

Ҳилола "ҳозир кўрасиз" дегандек майин ва ҳазин кулимсиради. Маҳина амма уни атала сузаётганида топағонлигига қойил қолди.

Ҳилола элакка ўхшаш сузғични косага қўйиб устидан пишган атала қўйди. Сузилган аталани чўмич билан аста айлантирди. Унли суюқ масса косага ўтди . Таомдаги гўшт ва пиёзлар сузғичда қолди.

- Аммажон , мана гўштсиз атала тайёр . Сизга эса гўштлисидан сузиб бераман...

Мастура опа аталанинг охиригача ичди.

- Жуда мазали чиқибди , - деди у косага назар ташлар экан,- айтганимни қилиб гўшт солмаганингиз яхши бўлибди. Озроқ оқ ёғ қўшибсиз- а ? Аммо кўнглимга тегмади. Умрингиздан барака топинг , қизим.

- Ош бўлсин , ойижон.

- Бугун кўринишинг анча яхши , онаси ...

Аёллар Мирсаид аканинг хонага кирганини пайқамай қолишибди. Унинг ортидан катта гулдаста кўтарган Сулаймон кўринди.

- Ассалому алайкум, ойижон,- у онасининг ёнига тиз чўкиб гулдастани унинг тиззасига қўйди ва авайлаб қучди,- табриклаганингиз мумкин, ойижон. Дуоларингиз шарофати билан мен ва Ҳилола университетни имтиёзли тугатдик.

Мастура опанинг кўзларидан севинч ёшлари қуйилди . Қуруқшаган лаблари билан "Аллоҳ , ўзингга шукр , кўрсатган кунингга шукр" деди бахтиёрлик билан. Сўнгра атрофга қаради :

- Ҳилолам қани ?! Уни ҳам табриклай.

- Шу ердан , ойижон,- Ҳилола Мастура опанинг ёнига чўқди ва Сулаймон каби уни қучиб юзларидан ўпди .

Мастура опа фарзандларини дуо қилиш учун имо қилди . Ҳилола унинг қўлларини дуога кўтариш учун ушлаб ростлади. У ойижонисининг қўлларини ушлар экан, юраги орқага тортиб кетди.

@Xazon_Rezgi /107 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура опанинг қўлларида жон аломатлари қолмаган , сал бўлса- да қимирлаш учун ҳам умуман идора қила олмаётган эди:

- Болаларим, тупроқ олсангиз олтин бўлсин . Олтин бошингиз омон бўлсин. Бу эришган ютуқларингиз энг олийларининг дебочаси бўлсин. Омин. Аммажониси , дадаси сизлар ҳам дуо қилинглар.

Аввал Маҳина амма , сўнгра Мирсаид ака овозлари титраганча Сулаймон ва Ҳилолани дуо қилдилар.

Улар дуо қилиб бўлишлари билан остонадан :

- Энди бизнинг навбатимиз , - деган Асрор аканинг ўктам овози эшитилди. Унинг ёнида Роҳилахон опа жилмайиб турарди.

- Акажон ... Шу топда кўз ўнгимдан бирам ўтиб тургандингиз- ки , - Мастура опанинг синиқ чехрасига зумда қон югурди , - қаранг , фарзандларимиз бугун юзимизни ёруғ қилишди, ишончимизни оқлашди.

Қудалар сўрашиб- исташиб , дуо қилиб бўлишгач , Мирсаид ака Ҳилолага юзланди:

- Келин , озроқ аччиқ- чучук қилиб юборинг. Бугун ўзгача кун бўлганлиги учун чойхонага ош буюртириб қўйгандим.

Мастура опа ош келгач уни ейишни қатъий рад қилди.

- Егим йўқ. Зўрламанг. Бояги аталангиздан қолган бўлса ўшандан берақолинг.

Бу сафар уни ош ейишга хатто Асрор ака ҳам кўндира олмади...

* * *

Бугунги кеча Мастура опа кечагидан ҳам кўпроқ алаҳсиради :

"Онажоним... Онажоним ... Сизга юмшоққина кўйлак олиб келдим . Ғир - ғир ҳаво ўтказадиганидан. Аммо олиб қўйманг. Кийиб олинг, хўпми?! Мен шунақа кўйлақдан иккита олиб келдим. Ҳа , албатта . Куёвингиз ўзлари танлашиб юбордилар. Пулини ҳам ўзлари тўладилар. Айтдилар- ки , дуо қилсангиз бўлди экан. Қайнона ойижонимгаям худди шунақасидан олдик. Уларга кеча кийдириб келгандик...

Мастура опа бугун гапни гапга улаб тинмай гапирарди .

Ақромжоним , болагинам. Бўйларингдан ўзим ўргилай. Илоҳим аканг Сулаймонга ўхшаб яхши оиланинг азиз ва арзанда куёви бўлгин.

Тўйингда даврани тўрини ҳеч кимга бермайман"

- Ақромжон жума куни келар экан. Сахарда. "Имтиҳонларимни топшириб бўлишим билан елдек учаман" деб ёзибди, - деди Сулаймон Ҳилолага муҳим хабарни етказганча.

Мастура опа бирдан жим бўлиб қолди. Уни ухлаган деб гумон қилиб барчалари ўринга чўзилдилар.

Орадан ярим соатларча чамаси вақт ўтди. Сулаймон ва Ҳилоланинг кўзлари энди илинган экан.

Шу пайт тун оромини бузиб Мастура опанинг тиниқ ҳитоби эшитилди :

- Ла илаҳа Иллаллоҳ ...

Ҳилола дастлаб Мастура опанинг нима деганини англай олмади . Аммо кўп ўтмай Мастура опанинг кўнгил тубидан ҳайқириққа ўхшаб кетадиган сўзлар қайта учди:

- Ла илаха Иллаллох ...

Ҳилола бу овозни эшитиб боя онаси Роҳилахон опанинг ўзини четга тортиб айтган сўзларини эслади. Эслади-ю тушкунликка тушиб, овозини чиқармай йиғлай бошлади. Роҳилахон қизи
□□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

38- ҚИСМ

- Қизим , - деган эди шикаста овозда , - Ойижонингларни ҳам кунлари битиб қолган кўринади. Сен ... Сен ўзингни қўлга ол. Бу савдо ҳар бир банданинг бошида бор. Мабодо улар сенинг ёнингда омонатларини тлпширсалар , чўчиб нетиб ўтирмагин...

Ҳилола онасига дарровда қарши чиқди :

- Йўқ , асло ундай деманг , ойижон . Ниятни яхши қилайлик. Кўряпсиз- ку, ойижонни ўзлари ҳам бошқача бўляпганларини . Бу тузалишларидан дарак. Қаранг, ранглари тозаланиб , тиниқ бўлиб қолди. Озганларида осилиб қолган терилари ҳам тортилиб таранглашди. Кеча сочларини тараб , ўриб қўйганимда уларнинг янада узайиб қалинлашганлигини кўрдим. Юзларини айтинг. Тўлин ойдек тўлди.

- Қизим , - оғир хўрсинди Роҳилахон, - айнан ана шу сен санаб ўтган аломат- белгиларни мен ҳам кўрдим. Шундан хулоса ясаб улар охириги кунларини яшаяптилар деяпман. Аданглар ҳам бу борада ҳақиқатга тик боққилари йўқ. Улар ҳам тинмай сингиллари учун дуо қиляптилар.

Бироқ ...

Ғишт қолипдан кўчган кўринади .

Мен сал аввал Ойижонингни оёқларини босиб қўяётганимда , болдирларини оч сариқ рангда тўлишиб , тўрлаб кетганини кўрдим.

Қовун пишиб етилса , дум беришдан аввал худди шундай тўрлаб сарғаяди . Инсон ҳам шундай.

Сен Ойижонингни кўп бора таомлантиряпсан. Эътибор бердингми , йўқми улар "гуллай" бошлабдилар. Тиллари , лабларининг атрофида майда - майда , палахса - палахса оқ доғларнинг пайдо бўлишига "инсоннинг гуллаши" дейилади ва бу унинг бу дунёдан насибаси кўп қолмаганлигини англатади.

- Ойижоон ...

* * *

Мастура опа туни бўйи ҳеч кимни ухлатмади. У гоҳ алахсираб гапирар , гоҳ эса хонадагиларга нималарнидир илтимос қилиб тиндирмас эди.

- Оёқларим , - оғир хансиради Мастура опа , - қақшаб кетяпти , қаттиқ..., қаттиқ босинглар...

Тўшагим ботиб кетяпти , бошқа ёнбошимга ағдариб қўйинглар ...

Энди кўйлагимнинг чоклари ботяпти . Бошқаси йўқми ...

Ҳилола ... Ҳилолажоним...

- Лаббай , ойижон,- Ҳилола Мастура опанинг елкаларини силаганча унинг бошига энгашди ,- шу ерда ёнингиздаман.

- Тонг отмадими...

- Йўқ ойижон , ҳали тонг отмади.

- Қизим... Сиздан бир .. бир илти...мосим бор ...

- Эшитяпман, ойижон . Айтаверинг , - Ҳилоланинг овози титрай бошлади

- Қизим ... қиз...им ... Тонг отса ...мени ...чўмил...тириб қўя оласиз ...ми ?!

- Хўп бўлади , ойижон ... Сизни ўзим чўмилтириб , энг чиройли ойижон қилиб қўяман ... Сочларингизни тараб , иккита қилиб ўраман ... Қулоқларингиз остига аммажоним совға қилган, сиз яхши кўрган, Мадинадан келтирилган мушк- анбардан суртиб қўяман.

- Ҳааа - Мастура опа Ҳилоланинг сўзларидан кўнгли тўлди. Кўзларида нур жилваланди.

- Дадаси ... Дадаси ...

- Ҳаа , онаси . Сув берайми ?

Мирсаид ака аёлини бошини бағрига олди.

- Йўйў ... Менга ... Гапиринг... Сизни ... Сизни сўзлар...ингиз...ни , овоз...зингиз ...ни соғ...финдиим ...

- Хўйўп , онаси ... Истасанг тонггача гапираман. Истасанг бир умр гапираман... Истасанг бўлди . Ёдингдами ... Уч йил аввал сен бир шеър ёзгандинг... Мен эса уни ўзингга қайта - қайта ўқиб бергандим ...

- Яна ... Яна ўқинг ... дадаси ...

@Xazon_Rezgi. / 109 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака аста шеър ўқий бошлади :

Кўп нарса керакмас асли аёлга
Бир оғиз ширин сўз дунёларга тенг.
Юрагин тўлдириб ширин хаёлга ,
Керагидан керагимсан денг...

Гулим ўзингдирсан , гулзорим ўзинг,
Тор бу кулбам сен-ла нурли, ёруғ, кенг,
Жонимга малҳамдир ҳар битта сўзинг,

Керагидан керагимсан денг...

Хаста бўлиб қолса , маҳзун тортса гар,
"Соғ бўл, жоним" - дея ғамларини енг,
Сенинг борлигингдан олам мунаввар,
Керагидан керагимсан денг...

Қуёшим ўзингсан , ўзингсан ойим,
Кўксим узра урган юрагимсан денг,
Сени менга берган Қодир Худоим,
Керагидан керагимсан денг...

Кўп нарса керакмас асли аёлга,
Бир ширин калом бор дунёларга тенг,
Айлантириб гўзал , танҳо дилдорга,
Керагидан керагимсан денг ...

Доим айтинг...

Доим айтинг...

Мирсаид ака жим бўлиб қолди . Кўз ёшларини қўли билан сидириб артганча шеърни яна
кайтадан ўқий бошлади :

Қуёшим ўзингсан , ўзингсан ойим,
Кўксим узра урган юрагимсан сен,
Сени менга берган Қодир Худоим,
Керагидан керагимсан сен...

Онаси ...

Сен керагидан керагимсан.

Сенинг борлигингдан олам мунаввар ...

Ҳар битта сўзинг жонимга малҳамдир...

Танҳо дилдорим фақат ўзингсан...

Мастура опа эрингнинг қучоғида ухлаб қолди . У ора - сирада "Имм" дея ожизгина инграрди ...

Орадан ярим соатча вақт ўтгач, Мастура опа кўзларини очмаган ҳолда шивирлади :

"Агар... эри "рози...ман" дема...са аёл жан...нат...га кир...мас э...кан ...

Мирсаид аканинг кўзлари чарақлаб очилди .

У аёлига бўғиқ овозда қўнглини ёрди :

- Мен сендан розиман ... Мингдан - минг розиман... Мастурам ...

Хонага жимлик чўқди.

Маҳина амма ҳазин овозда "Ёсин"ни тиловат қила бошлади.

Бўзарганча тонг ёришиб келарди...

* * *

Мастура опа тонгда тийрак бўлиб уйғонди. У атрофга синчиклаб назар ташлади. Ёнида ғужанак бўлиб ётганча кўзи илинган Сулаймонга кўзи тушди :

- Ўўўғлиммм ...

Сулаймон уйқули кўзларини дарровда очди.

- Ойижоон...

- Болам , бооо.. шингга ёстиқ қўўў...йиб ёёттт...

- Сиз билан ётгим келяпти , ойижон ...

- Кееелл...

Сулаймон онаси ётган ёстиққа бошини қўйди.

У индамай ётар , кўнгли бузилганча Онасининг гул ифори келиб турган сочларини тўйиб - тўйиб ҳидлашга ҳаракат қилар эди...

Мирсаид ака бугун ҳеч қаерга чиқмади. Ҳилола Мастура опанинг илтимосини эслатиб уни ювинтиришга ваъда берганини айтганда, Мирсаид аканинг ўзи Мастура опани кўтариб ювинтириш хонасига олиб кириб берди. Бу сафар ювиниш хонасида Мастура опанинг истагига кўра у билан Ҳилоланинг ўзлари қолишди. Мастура опа ўтиришга қийналганлиги учун Ҳилола уни полга қалин қилиб тўшалган одеалга ётқизиб чўмилтирди. Бу сафар улар хонада узоқ қолиб кетишди. Мирсаид ака хавотир олганидан икки бора эшикни чертди :

- Келин , ювинтириб бўлдингизми ?!

Аммо Мастура опа Ҳилола ўзини кўпроқ ва кўпроқ ювинтиришини истар эди.

Ҳилола Ойижонисини ўзи истаганидек ювинтириб қўйди. Орада қўл ва оёқ тирноқларигача чиройли қилиб калталади.

... Мастура опа толиқиб қолгач , Ҳилолага устидан охирги сувни қуйишни сўради.

Мирсаид ака бу сафар тоза чойшабга ўралган аёлини кўтариб чиқар экан, аёлига кўзи тушиб ҳайратда қолди.

У ўз аёлини ҳеч қачон бу даражада ҳушсурат аҳволда кўрмаган эди. Аслида Мастура опа табиатан гўзал аёл эди. Аммо ҳозир унинг ҳуснига боққан инсон кўзларини ололмай қолар эди. Танимаган инсонга унинг ёши эллик еттида дейилса , ишонмаслиги табиий эди.

Мирсаид ака аёлини ўринга ётқизгач ўзи ташқарига чиқиб турди. Опаси ва Ҳилола Мастура опани кийинтириб қўйишгач яна хонага қайтди. У қўлида тароқ ушлаб қайнонасининг сочларини тарашга киришмоқчи бўлган Ҳилолага юзланди:

- Тароқни менга беринг.

Ҳилола қайнотасига эътироз билдирмади. Тароқни унга тутқазганча ўзи индамай хонадан чиқди.

@Xazon_Rezgi /110 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Мастура ... Сен салкам қирқ йилдан буён менга гирдикапалак бўлганинг ҳаққи , бугун мен ўзим сени хизматингда бўламан... Опа , - деди Мирсаид ака сал нарида ўтирган Маҳина аммага қараб , - хато тарасам айтиб турасиз.

Маҳина амма индамай бош силкиди.

Мирсаид ака аёлининг сочларини авайлаб тарай бошлади . Мастура опа эри сочларини тараётган маҳал бутун умридан рози аёл каби тинч ва осойишта ётарди.

Уни шу ётишда ҳудди ботишга шайланаётган қуёшга ўхшатиш мумкин эди...

Мастура опа сешанба туни билан оламдан ўтган ота -она ва яқинларини чорлаб , уларга эрқаланиш билан алаҳсираб чиқди.

У ора - орада сув ичар эди халос . Сулаймон "Ойижоним яхши кўрар эдилар , балки шуни есалар керак" дея катта йўлнинг юзидаги кафедан атайин махсус тайёрланадиган ҳалим ва буғда пиширилган "тушонка" таомини олиб келди.

Мастура опа ҳалимни кўрибоқ юзини четга бурди.

- Егим йўқ...

Ҳилола бу сафар нечоғлик ялиниб , ёлвормасин "тушонка"нинг сувидан икки қошиқ ҳам ичмади.

Ҳилола Ойижонисининг бу аҳволини кўриб чидаб турар олмади. Ваннахонага кириб сувни очиб қўйди- ю , тўйиб - тўйиб , ўксиб- ўксиб йиғлади.

Бирмунча вақт ўтгач ўзини босиб олган Ҳилола алланималарни ўйлади- ю , яна Ойижониси ётган хонага кирди. Хонада Сулаймоннинг ўзи онасининг қўл - оёқларини уқалаб ўтирар эди.

Ҳилола унинг ёнига чўқди. Ўргилиб ётган Мастура опани елкалари, куракларини аста силай бошлади ва шу аснода ўзига ўзи гапиргандек сўзлай кетди :

- Ойижоон ... Шу хонадонга келганимда ҳаётни севувчи , ҳар кунига бир мазмун берувчи , атрофидагиларга чексиз меҳр улашувчи инсон- сизни учратиб "Инсон шунчалик ҳам яхши бўлиши мумкинми ?!" дея ҳайрон бўлганман. Бора - бора сиздан ўрганишим керак бўлган фазилатларнинг шу қадар кўплигини кўриб ҳайратга тушдим. Кейин эса сизга тақлид қилиб яшай бошладим. Сизнинг борлигингиз туфайли бу хонадоннинг мен учун қучоқлари иссиқ бўлди . Бетоб бўлиб ётганимда ҳам, ётоғимда ўз онамни эмас , сизни , сизни қадамларингизни

интизор кутиб ётардим. Билардим- ки , хонамга сизнинг қиёфангизда нажот кириб келарди. Хаттоки фарзандимни йўқотганимда ҳам , бу чидаш мумкин бўлмаган дардга сизнинг бағрингизда таскин топдим. Ўзимда кураш учун куч топа олдим.

Ойижон... Энди навбат сизга...

Қаранг ... Сизнинг даво топиб кетишингиз учун қанча инсон курашяпти ... Соғайиб кетишингиз учун кафтлари дуодан бўшамаяпти. Амакижон , тоғажонлар , кенойижон , жиянларингиз, аммажоним... Муллакам бир кунда ўн маротабалаб қўнғироқ қиладилар . Додажон эса "онаси" лаб ўзларини қўярга жой топа олмаяптилар . Адамларни айтайми ?! Улар менга ота сифатида эмас , сизнинг акангиз сифатида қатъий талаб қўйганлар : "Синглим тузалиши шарт !" деб.

Мен- чи ?!

Мен сизни суйган шунча инсонга нима деб жавоб бераман ?! Ойижонимга бир пиёла овқат ҳам едира олмаган ношудман дейманми ?

Айтинг , ойижон...

Мен нима қилай...

Сиз ўзингиз ҳаракат қилмасангиз менинг қўлимдан ҳеч нарса келмаяпти. Ҳеч нарса...

Илтимоос , менга ўргатганингиз каби ўзингизда ҳам курашиш учун куч топинг. Бизларни ўйланг. Додажонни , ўғлингизни , мени - барчамизни ...

Мастура опа индамай оғир ва бир текис нафас олганча жим ётарди. Ҳилола индамай қолгач , лабларидан кутилган сўзлар учди:

- Ов...ов...қат ейман..

Ҳилоланинг тош қотган томирлари бўйлаб жон югургандек бўлди :

- Ўғлингиз олиб келган шўрванинг сувини ичасизми , ойижон ?!

Мастура опа бош ирғади :

- Ҳаа ... Ўш ...ўш...шани...

Ҳилола Сулаймонга Ойижонисини ўтқизишни илтимос қилди . Ўзи ҳали ҳам дастурхонда илиқдан иссиқ бўлиб турган таомнинг сувини пиёлага қуйиб келтирди.

У ойижонисининг бўйни аралаш кўксига ихчам сочиқча ташлади ва таомни унинг оғизига тутди.

Мастура опа Ҳилола тутган таомни ярмидан кўпини қийналиб бўлса- да, симириб ичди. Ҳилола ойижонисига таом ичира олганидан жуда бахтиёр эди...

Аmmo унинг бу бахтиёрлиги узоққа бормади. Мастура опа ... □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

39- ҚИСМ

пиёлани яримлата туриб бирдан ўқчиб юборди. Яқиндагина ичган шўрваси оғзи - бурнидан фаввора бўлиб отилди.

Сулаймон ва Ҳилола шошилиб қолишди . Оналарини бошини ерга энгаштиришди. Ҳилола эҳтиёткорлик билан Мастура опанинг юз, бўйин, қўлларини артди. Унинг бардоши тугаган, Ойижонисини қийнаб қўйгани учун изиллаб йиғлар ва тинмай "Мени кечиринг , мени кечиринг , ойижон" дея титраб - қақшарди.

- Бўлди қил , Ҳилола,- овози қаттиқроқ чиқди Сулаймоннинг , - ундан кўра ойижонимга тоза кийим олиб кел , алиштирмасак бўлмайди.

Мастура опа нимадир дегандек бўлиб ёўлдиради , аммо сўзларини англаб бўлмади. Сулаймоннинг ўзи муштдеккина бўлиб қолган онасини қўйлагини алиштирди . Сўнг онасига ярим пиёла тоза сув тутди. Мастура опа сувни охиригача ичди. Уни жойига ётқизганларида Сулаймонга қараб пичирлаган бўлди :

- Ойижон , нима деяпсиз ? - Сулаймон онасининг бошига энгашди, қулоғини унинг лабларига тутди:

- Ҳил..о...лани ур...риш...ма ... У ҳам мен ...га яхш...и.. бўл...син...де...ганн...д...и...

Сулаймон титраб кетди. Бўғзини аламли олов куйдирди :

"Ойижоним-а...- ўйлади у,- Ўзлари қай аҳволда- ю , яна Ҳилолани уришма эмиш"

- Хўп Ойижон, келинингизни уришмайман. Хўп...- онасини тинчлантирган бўлди Сулаймон,- сизнинг сўзингиз мен учун ҳамиша қонун.

Асрга яқин Мирсаид қўлида бир ўрам дори билан кириб келди . Ҳилола йўлакда қайнотасига дуч келди . Мирсаид ака қўлидаги дорига ишора қилиб Ҳилолага тушунча берди :

- Келин , мен ҳозир профессор Нишонунинг қабулидан келяпман. Уларга Мастуранинг уч кундан буён тиниб ором олмаганлигини айтгандим, шу дорини бердилар . "Ҳозирдан яримта ичираверинг, жонилари тинчиб ором оладилар" дедилар Нишонун.
Юринг , дорини ичириб қўяйлик.

Улар бошлашиб Мастура опа ётган хонага киришди.

Мирсаид ака аёлини бошини кўтариб дори ичишга кўмаклашиб юборди. Ҳилола эса мошдек келадиган дорини иккига бўлиб Мастура опанинг оғзига солиб , устидан сув ичирди. Кўп ўтмай Мастура опа тинчланиб бир текис нафас ола бошлади. Ҳилола ва Мирсаид ака бир - бирларига маъноли қараб қўйишди.

Мирсаид ака аёлининг осойишта уйқуга кетганидан кўнгли тўлиб, Ҳилолага маслаҳат тариқасида сўз очди :

- Ортиқ аканинг айтишлари бўйича Мастура шу ухлаганча тонгда уйғонар экан. Келин, сиз ҳам неча кундан буён тик оёқдасиз. Боя музлаткичга қарасам ичи хилма- хил таомлар билан тўлиб кетибди. Кечки овқатга ўша таомларни иситиб берарсиз. Ҳозир эса ўз хонангизга кириб бироз дам олинг. Борақолинг...

Ҳилола қайнотасига эътироз билдирмади . Кейинги кунлардаги бўлиб ўтган ҳодисалар уни ҳақиқатдан ҳам обдон ҳолдан тойдирган эди.

@Xazon_Rezgi /112 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака рост айтган экан. Мастура опа ҳақиқатдан ҳам туни билан бирон марта қилт этиб уйғонмасдан ухлади.

Бир неча хафта , айниқса кейинги кунларда Мастура опа билан қаттиқ андармон бўлиб қолган оила аъзолари учун бу ҳолат ғайри табиий туюларди. Барчалари навбат ва навбат Мастура опанинг ёнида гирдикапалак бўлишганлиги учун , унинг тинчиб ухлаб ётганига бир нарсасини йўқотиб қўйган инсондек каловланиб қолган эдилар.

Уй эгалари бемор ҳолида ҳам Мастура опанинг бутун оила аъзолари учун ҳеч бир кимсага тенглаштириб бўлмас беназир инсон эканлигини , хонадоннинг юраги ва файзи эканлигини ўзлари учун қайта кашф этдилар. Шу куни атроф - борлиқ гўёки ҳувиллаб қолгандек бўлди.

Тонгда Мастура опанинг уйғонгунича тезда нонушта қилиб олишни режалаштирган оила аъзолари , ўзлари таомланиб бўлганларидан сўнг ҳам унинг ухлаб ётганига ажабландилар.

Мастура опа кун чошгоҳга етганида ҳам уйғонмагач , Мирсаид ака хавотирга тушиб профессорга қўнғироқ қилиб вазиятни тушунтирди.

- Хавотир олманг , - уларни тинчлантирди Нишонов , - шу вақтгача уйғонмаган бўлсалар , яна кечгача ухлайдилар.

Уй сув қуйгандек жим- жит бўлиб қолган эди. Қариндош - уруғлар ҳам телефон орқали Мастура опанинг профессор шахсан ўзи берган дорисини ичиб ухлаб ором олаётганлигини эшитиб оила аъзоларини ортиқча безовта қилишмади.

Ҳилола тушликкача кир ювди. Ўртада Мирсаид аканинг "Ойингиз уйғонса ичишига суюққина овқат бўлса яхши бўларди" деганлиги учун бир қозон қилиб адаси Асрор ака кетини узмай ташлаб кетаётган хўроз гўштидан қайнатма солиб қўйди.

Тушга бориб Маҳина амманинг юраги эзилиб кетди. "Мастураой кеча асрдан сал ўтиб уйқуга кетгандилар. Шу чоққача на чой , на овқат ичдилар. Бироз бўлса-да, ул- бул нарса едириб ичирайлик" деди ва "Мастураой, Мастураой, озроқ овқат еб олинг" дея уни уйғотишга ҳаракат қилди.

Мастура опа кўзларини аранг йириб очди. Уйқули кўзлари билан овқат емаслигини шивирлаб айтди. Маҳина амма шунда ҳам зўрлаб ярим пиёла ширини нимтатир бўлган новвот чой тутди. Мастура опа ўша чойдан ҳам бир , икки хўплади , ортиқ ичмайман деганча бошини ёстиққа ташлади ва қайта уйқуга кетди...

Кун асрдан ошгач бу сафар Ҳилоланинг кўнглига ғулғула тушди.

- Ойижон емай , ичмай қақраб кетдилар- ку , - деди Сулаймонга,- ҳар куни бу вақтгача неча маротаба чой тутардим. Сулаймон ака кунни иссиқлигини қаранг. Ҳаво ёндиряпти. Келинг , ойижонга Маҳина аммажонга ўхшаб ярим уйқуда бўлсалар ҳам чой ичириб қўяйлик. Балки шўрвани сувидан ҳам ичиришни эвидан чиқармиз.

Сулаймонга Ҳилоланинг таклифи жўяли туюлди ва унинг айтганларига кўнди.

Улар ҳам Маҳина аммага ўхшаб Мастура опани амал - тақал қилиб чала - ярим уйғота олдилар. Аранг кўзларини очган Мастура опа ўзига чой тутган Ҳилолага бир нималар дегандек бўлди . Ҳилола унинг сўзларига тушунмади :

- А ? - деди Ҳилола унинг бошига эгилиб .

- Би ...иир паа...ас ух...лааай...- деди Мастура опа ялинчоқ овозда.

Сулаймон ва Ҳилоланинг юраклари эзилиб кетди. Оналарини авайлаб ўрниларига ётқиздилар...

Мастура опа шом вақтида ҳам уйфонмагач , Мирсаид ака яна Нишоновга кўнғироқ қилди...

- Кеч соат йигирма иккиларда уйфондилар энди,- деди Нишонов

Мирсаид ака ортиқча гап- сўзларсиз тармоқдан узилди.

Кечки соат йигирма бирларда Мастура опага ҳар доим шу вақтда укол қиладиган ҳамшира Нафиса чиқиб унинг ҳалиям уйфонмаганлигини кўриб таажжубланди .

Нафиса Мастура опанинг қон босимини ўлчагач юзида бошқача ифода пайдо бўлди.

- Келинойимларнинг қон босимлари баланд юрарди. Ҳозир эса жуда паст , - деди у иккинчи қайта қон босимни ўлчар экан, пульслари сезилар - сезилмас уряпти.

Ҳилола ёшли кўзларини Нафисага тикди :

- Ойижоним оч қолиб кетдилар . Икки кундан буён ичларига деярли иссиқ кирмади. Чой ҳам ичгандек бўлмадилар. Улар жуда сувсаб кетдилар, - Ҳилола шундай деб Нафисага илтижоли боқди , - Нафиса опа , нима дейсиз ойижонга шприцда шўрвани сувини , чойни ичирсам бўлмасмикан?! Ҳарна ичларига бир нима кирган бўларди-да .

@Xazon_Rezgi /113 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Нафиса ўзини орқага ташлади :

- Йўўўқ , буни маслаҳат беролмайман. Борди-ю , юборган суюқлигингиз у кишининг нафас йўллариغا кетиб қолса- чи?- у узоқ ўйламай бошқа маслаҳат берди , - сиз яхшиси Саодатхон опамни уйга чақиринг. Ҳар нима бўлганда ҳам шифокорлар. Доим келганларида энг яхши маслаҳатлар улардан чиқаётгани- ку ? !

Ҳилола дарҳол Сулаймонга қаради. Сулаймон бу қарашнинг маъносига тушуниб ўрнидан чаққонлик билан туриб , ташқарига отилди.

- Келин , ойингизнинг оёқлари музлаб қолибди , - деди аёлининг оёқлари ёнига тиз чўккан Мирсаид ака уни уқалар экан , - бир жойда ҳаракатсиз ётиб қон яхши айланмай қолган кўринади , илтимос иккита бўш баклажкага қайноқ сув бураб келинг , оёқлари остига қўйиб ўраймиз, шояд қон айланиб кетса.

Ҳилола Ойижонисининг оёқларига кўз ташлаб қўрқиб кетди. Мастура опанинг оёқлари

тиззасигача олачалпоқ бўлиб кўкариб кетган эди.

Ҳилола дарровда Мирсаид аканинг айтганларини бажо келтирди.

Мирсаид ака ўзи айтгандек қилиб Мастура опанинг оёқларини иситиб ўради.

Маҳина опа эса елкалари силкинганча мук тушиб унинг қўлларини силаб ўтирар эди.

Бу орада Саодатхон келиб қолди. Саодатхон келиши билан Мастура опага назар ташлади- ю , атрофдагиларга салом беришни ҳам унутиб, уларга эътибор бермай беморнинг қон босимини ўлчашга киришди. Аммо кўзлаган натижани олмади шекилли , ўрнидан туриб Мастура опанинг чап тарафига айланиб ўтди. Бу тараф қўлининг ҳам босимини ўлчади ва атрофдагиларга умидсиз каради :

- Пульс тушиб кетган. Ҳеч нарса аниқлашнинг иложи бўлмаяпти.

Шу вақт Ҳилола гандираклаганча ўрнидан турди , у хонтахта устида турган пиёладаги сувни қўлига олди . Сал нарида турган дори қутидан қадоқда турган пахтадан узиб олди :

- Ойижоним сувсаб кетдилар , - деди у ўзига ўзи гапириб , - кун бўйи ярим пиёла ҳам сув ичганлари йўқ. Ойижоним сувсаб кетдилар , Ойижоним чанқаб кетдилар...

Ҳилола атрофга маъносиз тикилди. Айна дамда хонадагилар ҳам унга эътибор берадиган аҳволда эмасдилар .

- Тез ёрдам ! Тез ёрдам чақирайлик !

Мирсаид аканинг гапини Саодатхон шарт кесди :

- Почча, ҳаммаси шундоғам маълум бўлиб кўриниб турибди- ю ... Қўйинг . Қийнаманг... Илтимос ...

Мирсаид ака ўрнидан чайқалганча турди. У аёлининг оёқ томонидан аста ўнг тараф ёнига келиб ўтирди. Бу орада ҳаракатсиз ётган Мастура опа овоз чиқариб калта- калта нафас ола бошлади. Унинг кўкси темирчининг босқонидек тез- тез кўтарилиб туша бошлади.

Ранги бўздек оқариб кетган Мирсаид ака барчага "Жим , овоз чиқарманг! " деди жуда секин , аммо эшитиларли қилиб , сўнг Мастура опанинг елкаси , қўлларини силай бошлади . У тинмай калима қайтара бошлади :

- Ла илаҳа Иллаллоҳ, Муҳаммадур Росуллуллоҳ ...
Ла илаҳа Иллаллоҳ, Муҳаммадур Росуллуллоҳ...

Шу пайт Ҳилола турган жойида ўқ еган каби сапчиб тушди.

У қайнотасининг ёнига такаллуфсиз чўкди. Қўлидаги пиёладаги сувни ёнига қўйиб пахтани уни ташлади. Ўзи эса авайлаб энтикиб нафас олаётган Мастура опани бошини чап қўли билан аста кўтариб қучоғига олди .

Мастура опанинг нафас олиши секинлаша бошлади.

- Ойижон , ойиии ... - секин шивирлади Ҳилола Мастура опанинг юзига юзини босгудек бўлиб , - ойиии...,

- Ҳаааҳ...- Мастура опанинг кўзлари чарақлаб очилди , нигоҳларида тарифлаб бўлмас ифода билан Ҳилолага тикилди

Ҳилола эса сўзида давом этди :

- Биз ...барчамиз сиздан розимиз , сиз ҳам биздан рози бўлинг, ойижооон...
Ҳилола ўнг қўли билан пайпаслаб сув шимиб тўйинган пахтани олди . Уни ойижонисининг лабларига яқинлаштириб сувини томизди. Лаблар тамшаниб сувни шимди . Бунни кўрган Ҳилола пахтани кўпроқ сиқди. Бу сафар Мастура опанинг оғзи сал кенгроқ очилди. Пахтадан оққан сувни барини ичди ... Ва шундан сўнг оғиз бор ҳажмида кенг очилди ...

Мастура опанинг кўксидан гўёки ҳовур сизиб чиққандек бўлди.

- Кҳуууууукххх.....

Мастура опанинг ярим очиқ қолган кўзларидаги шуъла аста - секинлик билан сўна бошлади...

- Ойииии... - ингради Ҳилола чексиз дард билан ..

□□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

40- ҚИСМ

-Онасиини , - деди Мирсаид ака ҳам умидсиз оҳангда , - онасиини...

Шу пайт Ҳилола бирдан сергакланди :

- Саодатхон опа , қаранг ! Ойижонни бўйниларидаги йўфон томир ҳали ҳам уряпти. Қўлларидагиси ҳам ! Юракларини уқалайми ? Кўп киноларда шундай қилиб ҳаётга қайтаришади - ку ? ! Майлими шундай қилсам?! - Ҳилола дувиллаб йиғлаганча гапирарди .

Саодатхон бош чайқади :

- Ойна борми ?!

Ҳилоланинг қулоқларига гап кирмади. У Мастура опанинг бўйин томирларига бармоғини босганча "Ана , ана , томир уряпти" дея тинмай кўз ёш тўкарди.

Маҳина амма ҳам юм- юм йиғлаганча ўрнидан туриб ювиниш хонасидан думалоқ ойнани топиб келди.

Саодатхон ойнани сочиқ билан яхшилаб артди ва Мастура опанинг бурун ва лабларига бирмунча вақт тутиб турди. Сўнгра уни олиб хазина қидирган каби синчиклаб тикилди.

- Холажоним энди орамизда йўқлар. Аллоҳ жойларини жаннатлардан ато қилсин , - деди Саодатхон ва Маҳина аммага юзланди,- аммажон , бу ёғига ўзингиз бош - қош бўлмасангиз бўлмайди.

Маҳина амма дастлаб Саодатхоннинг нима демоқчилигини англамади. Бироздан сўнг эса барчасига тушунди. У нариги хонага кириб , у ерда турган сандиқнинг устидаги кўрпачаларни тап-тап ерга тушира бошлади. Кўп ўтмай кўлида кичикроқ бир тугунча билан қайтиб чиқди.

Маҳина амма тугунчадан оппоқ рўмол ва аллақандай матоларни чиқарди . У Саодатхон билан оқ рўмолни чиройли қилиб буклаб , Мастура опанинг энгагини боғлашди. Сўнгра оёқларини ростлаб энсизроқ оқ мато билан икки бошмалдоғини бир- бирига кўшиб боғлашди.

Мастура опанинг ярим очиқ қолган кўзларини Маҳина амма "Мендан рози бўлинг, келинжон" дея силаб, силаб юндириб қўйди.

Сулаймон онаси оғирлашиб қолганда Зоҳида холасини олиб келишга кетган экан. Уйга қайтиши билан онасини даҳани боғлиқ ҳолда кўрди- ю, ўкириб йиғлаб юборди. У онасини ёнидан жой олди , энгашганча юз- кўзларидан тинмай ўпар ва изиллаб йиғлар эди.

- Ҳай болам , ўзингни тут,- деди эри билан етиб келган Мирсобит амакисининг аёли Комила келинойи ўртанганча,- жаноза ўқилмагунча ойинг ҳаммасини эшитиб ётадилар, йиғлаб унинг ҳам руҳига азоб берма. Ундан кейин маййитга кўз ёшинг томса , умрбод тушингга кирмайди деган гап бор.

- Келинойи ... - деди Сулаймон ўқиб - ўқиб , - Мен бу гапга ишонмайман. Ахир ҳамма билмаса ҳам сиз яхши биласиз-ку, ойижонимларни қанақа эканликларини. Улар мени ташлаб кетадиган она эмасдилар. Улар тушларимга кирмай қўядиган она эмаслар ... Мен "Ойижоон" десам бааас. Ойижоним ... Албатта , албатта ёнимга келадилар. Дийдорларига муштоқлигимни билсалар бас ... Қанча йиғлаганим, кўз ёшларимнинг неча томчиси юзларига томганининг фарқи йўқ улар учун ... Мен ишонаман... Ойижоним мени йиғлаганим учун айбситмайдилар ...ҳечам айбситмайдилар ... Мен бутун ўрни бошимга кўтариб уввос солаётганим йўқ- ку ахир . Мен ҳам Аллоҳнинг бир ожиз бандасиман. Бу вақтда қандай йиғламай туриш мумкин ... Ахир дунёдаги энг азиз инсонимдан айрилдим...

Орадан ярим соат ўтмай ҳовлини одам босиб кетди.

Барча дил- дилидан ўртаниб йиғлар эди.

Айниқса Асрор аканинг нолаларига чидаб бўлмади. У Мастура опанинг бошида ўтириб аччиқ - аччиқ кўз ёш тўқканча видолашар экан , кўнглидаги сўзларини сўнгги бор синглисига айтиб қолишга интиларди:

- Онаш синглим... Жоним синглим... Кўз қувончим... Акасини етим ака қилиб ташлаб кетган чиройлигим... Тақдирдан қочиб кетолмаган эрка кийгим. Дардларингга дармон бўла олмаган ношуд акангни кечир , азизам. Энди онамнинг исларини қайдан излайман?! Кўнглимнинг хуш ифорини қаердан топаман?! Жонимга таскин қидирганда кимнинг истиқболига чопаман? Ўзи сени неча йилда топган эдим. Дийдорингга тўя олмай кўксимни муштлаб қолавераманми ? Энди ширин дийдоринг қиёматга қолдимми ?

Асрор ака Мастура опанинг кўзларини силади , сўнг уни силаган ўзи кафтларини ўпди.

- Марҳуманинг сўнгги иззатини қилиб чиройли ўрин тўшаб ўша жойга олайлик,- деди барча Мукаррам келинойи дея мурожаат қилаётган ёши улуғ аёл , - бу синглимизнинг ўз хонадонида кечираётган

@Xazon_Rezgi / 115 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

сўнгги туни. Уни чиройли дуолар билан икром қилайлик.

Асрор ака бу аёлни танимади, аммо махалланинг канвойи , илмли аёлларидан бири эканлигини юракдан ҳис қилди.

У индамай ўрнидан туриб , аёлларга ўз вазифаларини бажаришлари учун жой бўшатди.

Аёллар хонанинг ўртасига қиблага тўғри қилиб пахталари кўпчиб турган оҳорли кўрпалардан уchtасини уч буклаб устма- уст ўрин солишди. Устидан янги оҳор чойшаб тўшашди. Бош тарафига ҳам жилдланган ёстиқ қўйишди. Сўнгра Сулаймон ва жиянлар ёрдамида Мастура опанинг бош тарафини қиблага тўғрилаб уни ҳозиргина солинган ўринга ётқизишди. Марҳуманинг қўлларини икки тарафига силаб текислаб қўйишди.

Унинг устидан яна янги оппоқ чойшаб ташлашди. Мастура опа шу ётишда жуда хушрўй бўлиб кетган эди . Ўратилган оппоқ майин доқа рўмол остидан ҳали оқ ораламаган жингалак сочлари мўралаб турар , биров атайдан ёғ суртиб ялтиратган каби қоп- қора бўлиб кетган ўсиқ қошлари ҳимо билан керилган каби , сочларининг такрори мисол жингала қуюқ киприклари оппоқ атиргул гулбаргидек нозик юзларига кенг соя ташлаган , бетоблик чоғларида ранги

кетиб қолган лабларига қайтадан ақиқдек ранг кириб жилваланар эди.

Синглисининг бошига келган Зоҳида опа йиғлай - йиғлай, уни қайта - қайта ўпарди :

- Сингилжоним , сен шунчалар чиройлимидинг , сен шунчалар ҳам дилбармидинг ?!

Синглиси Мастуба опа эса бу тарафда афғон чекарди :

- Ал - Мусаввир сифатли Аллоҳ ўзи суйган бандаларини даргоҳига шундай хушрўй қиёфада олар экан. Илоҳим қабрингиз жаннат боғларидан бир боғча бўлсин , опажон...

- Мархума эртага жума намозига чиқариладиган бўлди.

Қариндошлар махалла оқсоқолидан бу хабарни эшитиб сергакландилар :

- Жума ...

Улар ўз изтироблари билан бўлиб кунни ҳам унутишган экан. Жума сўзи барчаларининг ёнган кўкракларига субҳидам эпкинидек ором бахш этди.

- Энди бўлди , барчангиз ўтиринг , - деди Мукаррам опа Ҳозир йиғидан эмас, дуодан фойда. Йиғи ўзингиз учун , дуо эса исми жисмига мос Мастура синглимиз учун . Ҳар ким қодир бўлганча дуо қилсин... Мендан сўнг такрорланг...

Тонг отиши билан кўча юзи, ҳовли мархуманинг ҳурмати учун ташриф буюрган одамларга тўлиб кетди. Издихомнинг кўплигидан махалла фаоллари кенгашиб аёлларни ҳовли ва уйдаги хоналарга , эркакларни эса кўчага жой қилиб жойлаштиришга келишдилар.

Аmmo бу таҳлит тартибни сақлаш жуда қийин бўлди . Келган инсон бор- ки , "онам"лаб , "опам"лаб , "синглим"лаган куйи Мастура опани сўнгги бор кўриб қолишга интилар , у ётган хонага киришга муштоқ бўлар эди.

Ҳилола илк бора қаттиқ таажжубланди. "Ойижон кейинги йилларда деярли уйдан чиқмаган бўлсалар , бунча инсоннинг кўнглидан қандай жой олиб улгурган эканлар ?!"

- Мастураой ойижонингиз анча йиллар махаллада аввал котибалик , сўнгра аёллар маслаҳатчиси бўлиб ишлаганлар , - деди Маҳина амма Ҳилоланинг кўнглидагиларни ўқиб тургандек , - у туфайли қанча оилалар ажралишдан сақланиб қолган , қанча ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топган. Яна қанчалари... Эээҳх... Барчасини айтиб ҳам , етиб ҳам бўлмайди. Инсон зотининг хотирасидан булар чиқади деб ўйлайсизми ? Айниқса ўзига беғараз, дилдан яхшилик қилган инсон оламдан ўтганда сўнгги бор розилик сўраш , шу билан ўзининг ўша инсон олдидаги охирги бурчини, охирги ҳаққини бажариш илинжида келганлар булар .

Соат тўққизларда ғассол аёл келди. У келиши билан Мастура опа ётган жой билан ёнма- ён жойлашган хонада ғала- ғовур, чувур- чувур кучайиб кетди. Аёллар мархумани покловчи ғассол аёлга қарашиш учун навбат талашардилар.

- Мен кираман, мен кираман... Мен... Мен ҳам савоб умидидаман. Мени опамлардан қарзим катта.

Ғассол аёл бундай вазиятларни кўравериш пишиб кетган экан. Қаттиқ турмаса иш

пишмаслигига кўзи етди . Шу сабаб кўшни хонага чиқиб шарт гапирди :

@Xazon_Rezgi / 116 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Марҳумани сўнгги йўлга кузатиш учун поклаш - кириб кўриш билан битадиган жараён эмас. Менга иш берадиган аёллар керак. Бели чидамайдиганмас. Учта аёл бўлса етади. Барчалари комил таҳоратли бўлишсин. Тушундигиз- а ? Ўзаро келишиб , ким киришини айтмасизлар Айтганча , марҳуманинг қизлари биринчи навбатда кириши керак эди. Аммо қизлари йўқ экан. Шу сабаб ёлғиз келинлари биринчи навбатда кирадилар. Айтиб қўяй, бу марҳуманинг сўнгги илтимослари ҳам бўлган экан. Келинимиз қанилар ?

Ҳассол аёл ўртага чиққан Ҳилолани жуда ёш ва бунинг устига тол ҳивичдек нозиклигини кўриб ҳайратда қотди. Аммо унга қарши бир оғиз сўз айтмади.

Ҳилола унга қайта салом берди .

- Ваалейкум ассалом , қизим. Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин. Марҳума опамиз сизни алоҳида айтиб кетганларига қараганда , улар учун жуда қадрли бўлганингиз кўриниб турибди.

- Менга ҳам руҳсат беринг. Опоғойимни сувларини ўзим ташиб берай. Хўп денг , хўп деяқолинг , - дея зор -зор йиғлади кўшни келин Малоҳат , - агар улар орага тушмаганларида мен ҳозир қаршингизда турмаган ва уч нафар фарзанднинг онаси бўлмаган бўлардим . Менинг у кишидан қарзим жуда кўп , илтимос...

Ҳассол аёл Муҳаббатнинг бу сафар "ўткирлиги" ўтмади.

Йиғи - сиғи , ёлвориш билан Мастура опанинг сўнгги ҳизматини қиладиган аёллар сони етти нафарга етди.

Ҳассол аёл Мукаррам опадан сўради :

- Билмайсизми , Мастура опа Малоҳатга қандай яхшилик қилган эканлар ?!

- Бир вақтлар, аниқроғи ўн бир йил аввал Мастурахоннинг кўшнисининг ўғли Раҳматжон билан Малоҳат бир - бирларига кўнгил кўйишган эди. Раҳматжоннинг онаси ўғлининг кўнгли учун қизниқига совчиликка борган, аммо қиз тараф ўз қизларини буларга беришга унамаган. Сабаби Раҳматжонлар ўзбек, Малоҳатнинг оиласидагилар эса қозоқ бўлишган. Қозоқларни биласиз . Жуда ғурурли ва урф- одатларини маҳкам ушлайдиган халқ бўлишади. Малоҳатнинг уйидагилар ҳам "Қизимизни берсак, фақат ўзимизнинг қозоққа берамиз" дейишади.

Бу қатъий рад жавобидан икки ёш жуда қаттиқ тушкунликка тушадилар. Раҳматжон эса бор чорани бу ерлардан бош олиб бошқа юртга кетишда деб билади.

Йигитнинг изиллаб йиғлаб турган онасидан бор гапларни эшитган Мастурахон ўша кунгидеك ланғиллаган қоқ пешинда уч махалла наридаги Малоҳатларниқига яёв борганлар.

Ўзларини кутиб олиб дастурхонга таклиф қилган хонадон эгаларига шундай сўзларни топиб - топиб гапирган эканлар- киини ...

- Сизлар ким бўлибсизлар- ки , Аллоҳ илоҳий муҳаббат неъматини билан сийлаган кўнгилларга

айирмакашлик қиласизлар?! Муҳаббат - Аллоҳдан. Агар бу муҳаббат эмас, шунчаки кўнгил хуши бўлган-да, бу ерга келмасдим. Нима фарзандингизнинг сиз ўйлаган нарсага фаҳми етмасмиди?! Етган албатта! Сизларнинг қарши бўлишингизни аввал бошдан билган. Аммо асл муҳаббати ҳар қандай шароитда ҳам ўз сўзини айта олади, билиб қўйинг. Сиз бўлса "Сен - ўзбек, мен - қозок" деб ўтирибсиз. Аммо биз бир яхлит мусулмонмиз. Миллатларимиз орасида никоҳ мумкин эмас деб ҳеч қаерга ёзиб қўйилмаган. Марҳамат, шундай ёзилган жойи бўлса кўрсатинг, тан бериб ортга қайтай.

Мастураой ўша куни тик оёқда анча гапларни гапирибдилар. Охири хонадон эгаси уларни тўхтатибди:

- Бир пиёла чойимизни ичмасангиз сизга қиз йўқ ...

Кўп ўтмай ёшларнинг тўйи бўлди. Ва барча Раҳматжоннинг дидига қойил қолди. Малоҳат маҳалланинг олди келини бўлди. Бу яқин атрофда Малоҳатчалик қайнона- қайнотасининг дуосини олган келин топилмаса керак. Буларнинг бари Мастураҳоннинг шижоати билан бўлган эди.

Фассол аёл Мукаррам опага ажабланиб қараб қўйди:

- Ҳаа, сиз бу воқеаларни шундай айтиб бердингизки, бари кўз ўнгимдан кинотасмадек ўтди. Малоҳатнинг қайнонаси ҳам шу ердамилар?! - сўради у

- Ҳа шу ерда, - деди Мукаррам опа, - қаршингизда. Малоҳат менинг бешта қиздан кейин туғилган ёлғиз ўғлим Раҳматжоннинг аёли.

Мукаррам опа атрофдагиларга ишора қилди:

@Xazon_Rezgi /117 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Мастура опани поклаш учун навбат талашаётганларнинг барчасининг худди бизники каби ўз ҳикояси бор.

- Опа, Аямизни қачон сувга оламиз?! - сўради аёллардан бири, - соат ўнга яқинлашаяпти. Улгурмай қолмайлик.

- Уларни барвақт ювинтириб қўйсак, кечроқ келганлар хайрлашайлик деб тихирлик қилишлари мумкин. Шунинг учун уларни чин уйларига олиб чиқиб кетадиган вақтга тайёр қилиб берамиз. Қолаверса, яна бир ўғилларининг Россиядан етиб келиши кутилаётган экан. Биз уларни сувга олгунимизга қадар улгуриб келсалар яхши бўларди.

Фассол аёл шундай деб эшикка яқин ўтирган аёлларга буюрди:

- Илтимос, яна бир марта эркакларни чақиринглар, охири марта видолашиб олишсин ... Поклаганимиздан сўнг, юзлари қайтиб очилмайди...- у шундай деб аёлларга юзланди, - сизлар эса эркакларнинг келишига йўлни бўшатиб қўйинглар ...

Орадан кўп вақт ўтмай кўчадан яқин қариндош, жигар бўлган эркак- у, йигитлар тўп- тўп бўлиб Мастура опа ётган хонага кириб унинг атрофида гир айлана бўлиб тизилиб ўтиришди. Сизмаганлар яна иккинчи қаторни ҳосил қилиб ўтиришди. Қолганлар эса навбатларини кутиб тик қолишди. Сулаймон Мирсаид акани суяб олиб кирди. Мирсаид ака бир кечада шилиниб тушибди. Қўллари тинмай қалтирарди. Бир томонда Мирсаид ака, бир тарафда Асрор ака ўз

Мастураларининг бошида паст ва бўғиқ овозда чирқираб йиғлаб фарёд чекишар эди. Шу пайт ховли тарафдан раста бўлиб қолган овоздаги йигит фарёди эшитилди:

- Сўнгги дамига улгурмаганим , онаааам...

Бу Акромжон эди. У хонага кириши билан ўзини Мирсаид аканинг бағрига отди :

- Ота , мен яна етим бўлиб қолдимми ?! Бағрим тўлди деб қувонганимда юрагим яна қовжирадими ?

У Мирсаид акадан ўзини олиб Мастура опанинг бошига энгашди. Юзларидан тинмай ўпар ва йиғлаб - йиғлаб сўзларди:

- Тўйингнинг тўрида тураман деган ваъдангиз қани , аяжооон ?! Уйлаганингда даврандан чиқмай ўйнайман деган сўзларингизга нега вафо қилмадингиз , аяжооон ?! Мени ташлаб кетишга кўзингиз қандоқ қийди , аяяя ?! Дийдор қиёматга қолдимми , жоним аям ?! Кўзларингизни йўлларимга интизор қилган мен аблахни кечиринг ... Мен ўзимни қандай кечираман энди , аяяяя?

Шу пайт Акромжоннинг кўзи рўпарасида ўтирган Сулаймонга тушди :

- Акаааа , жон Акааа?! Буларнинг бари туш денг . Мени чимчилаб уйғотиб юборинг...

Шу вақт ғассол аёл Муҳаббатни овози янгради :

- Вақт бўлди ! Мархуманинг сўнгги иззатини қилайлик...

Акромжон Мастура опани маҳкам қучди :

- Менинг аям мархума эмаааас ... Мархума эмааас...

Шу пайт Сулаймон Акромжоннинг билагини маҳкам қисди :

- Акром ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

41- ҚИСМ

Акромжон ука ... Ойижоним бизнинг олдимиздаги ўз фарзларини бажариб бўлдилар. Энди ... Энди фарзларини бажариш навбати бизники ...

Юр , ташқарига чиқайлик. Ойижоним Аллоҳнинг ҳузурига фариштадек пок боришлари учун йўл берайлик. Ўзи шундоғам сени кўп ...кутдик...

Акромжон Сулаймонга дардли қараб турарди. Акасининг сўзлари унга қаттиқ таъсир қилди. Акасига "хўп" дея бош эгди.

У охирги мартаба Мастура опани маҳкам қучди . Юзидан ўпар экан, ожиз шивирлади:

- Ая...Аяжооон . Борар манзилингиз Фирдавс жаннати боғлари бўлсин.

Аяжоон... У ердаги туққан онамга салом денг ... Уларга "Ақромжонингиз менинг ҳам болам бўлган" денг. Аяжоон , мен Аллоҳимдан ҳар куни дуо қилиб сўрайман. Ҳар иккингишни бир жаннат аҳлидан қилсин ...

- Бўлди , болааам... - Асрор ака Аркомжоннинг бошига эгилди . Унинг қўлтиғидан кўтарди,- сен билан менинг дардимиз бир экан- у, аммо сингилжоним айтилган вақтдан кеч қолиши мумкин эмас.

Асрор ака Ақромжонни етаклаб хонадан чиқар экан, қуйилиб келаётган кўз ёшларини тўхтата олмас эди :

" Сингилжоним, яна қанча инсоннинг дардига дармон бўлгансан ?! Мен синглим деб бўзласам , бу йигит "аяжон" деб чирқираса ?! "Опажон" деб кўксини муштлаётганилар қанча ?! Айт , синглим ?! Ўзинг учун ҳам яшаганмидинг, мунисам?!"

Бу пайтда нариги хонадаги аёлларнинг шивир - шивири кучайди :

- Тавба , бу йигит Мастура опанинг ҳудди ўзи- ку ? Ростдан тутинган ўғлими ? ! Адашмаяпсизларми ?! Аллақаерлари Сулаймонга , аллақаерлари Мирсаид акага ҳам ўхшар экан ?!

- Эээ айланай , "Туққан эмас , боққан она" деб шунга айтишади- да . Ақромжон Сулаймон билан бир ўринда ётиб катта бўлган экан. Мирсаид ака уни уйга олиб келганда ўн икки ёшларда бўлган. У вақтда ўз онаси тирик бўлган. Орадан кўп ўтмай у аёл жонини эгасига топширган экан. Ақромжоннинг сингилиси ҳам бор экан. Аммо ҳозир туғуқхонада экан. Мастура опанинг ўтганини у қизга билдиришмабди.

- Бу йигитнинг томирларида қон эмас меҳр оқар экан- да ?! Шу сабаб ўзига меҳр берган инсонларга ўхшаб кетган экан...

Эркалар Мастура опа билан хайрлашаётган вақтда Роҳилахон опа Ҳилолани ошхонага тортди.

У ерда Ҳилоланинг опаси Нигора чой тайёрлаб турган экан.

- Қизим , бир бурда нон тишлагин. Кечадан буён ичингга битта ушоқ ҳам киргани йўқ.

- Егим йўқ , ойижон,- Ҳилоланинг томоғи қирилиб , товуши бўғилиб қолганди. Овози базўр эшитилди.

- Болам , рангингни қара . Куйиб кетганидан оппоқ юзларинг қоп- қорайиб кетибди. Кийимингдан елка суякларинг қирра - қирра бўлиб бўртиб ётибди.

- Егим йўқ,- қайта такрорлади Ҳилола

@Xazon_Rezgi /119 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Қизим , бу нарсани сен учун сўраётганим йўқ. Ҳозир Ойижонингни поклаш учун кирасан. У ерда ўзингни маҳкам ушлашинг, шаҳдам тутишинг керак. Энг охириги имконинг қадар уларнинг сўнги хизматларини қилиб қолишинг керак. Мендан буни аданглар илтимос қилиб айттириб юбордилар. Улар шуни таъкидладилар- ки , сен аввало адангларнинг - сингилларига , қайнотангнинг -тан- маҳрамига , жуфтингнинг - онасига ва ниҳоят ўзингнинг - ойижонингга бу

дунёда жисм- у танинг билан қилишинг мумкин бўлган энг охирги ҳизматингни сидқидилдан адо қилар экансан.

Роҳила опа Ҳилолани ойнанинг олдидан четга тортди :

- Кел қизим , белингни маҳкам қилиб бойлаб қўяй.

У шундай деб Ҳилоланинг белини ҳалитдан бери қўлида ушлаб турган майин ва катта дока рўмол билан кўйлагининг ичидан сириб бойлаб қўйди.

- Буни охиригача ичасан, - Нигора синглисига қайноқ новвот чой тутди.

Нигора Ҳилолани ўтқазиб гали билан чой хўплатиб , озроқдан ширинлик едира бошлади.

Ҳилола опасининг қўлидан таомланар экан, кўзларидан дув - дув ёш тўкилар , ора- сирада нафаси тикилиб энтикиб қоларди...

- Эркаклар ичкаридан чиқа бошлашди. Энди борақол ...

Роҳила опа қизини кўзида ёш билан кузатиб қолди :

- Оҳ , болам- а... Бундай келин бўлиб ,келинликнинг гаштини ҳам сура олмадинг- а...
Тоълеингга шўрликкина Ойижонинг тирик юрсалар нима эди- я ?! Буви бўлиш бахти ҳам насиб қилмаган опажоним- а ?!

Роҳилахон опа шундай деб бирдан сергакланди :

- Аллоҳим , қадаринг шу бўлса биз ожиз бандаларинг қандоқ ҳам қаршилик қила олардик?! - деди у шикаста овозда шивирлаб , - Билиб - билмай исён қилиб ўйлаган фикрларим учун ўзинг кечир . Мастура опамни жаннат аҳлингдан қилгин. Қиёматда аршнинг соясида тургувчи бандаларинг сафида бўлишларини раво кўр... Пайғамбаримиз Саллолоху Алайҳи Вассалламнинг қўлларидан кавсар сувларини шодланиб ичмоқликни насиб айла! Амин Аллоҳу акбар !

Ҳассол аёл Мастура опани сувга олганда ҳайратдан кўзлари катта - катта очилди :

- Ё Аллоҳ ! - дея хитоб қилди у , - Ўзингсанг ҳар нега Қодир!

У атрофида тизилиб турган аёлларга кўп гапиришни истамади, гапни қисқа қилди :

- Онажонимдан жаннат ифори келмоқда...

У барча аёлларга иш тақсимлаб берди . Ҳилолага эса ўзининг ўнг тарафидан жой берди :

- Сиз сув қуйиб турасиз...

Ҳассол аёл Мастура опани барча қоидаларга амал қилиб поклади. Ишининг охирида Маҳина опа киришда қўлига тутқазган ярим литрлик баклажкадаги сувни олди. У баклажкани оғзини очиб Ҳилолага тутди.

- Ойижонингизга жон бераётганларида охирги сувни томизиш сиздан бўлган экан. Энди зам-

замни ҳам сиз беринг.

Ғассол аёл Мастура опанинг пастки жағини аста ўзига тортди :

- Онажон ... Зам- замдан ичиб олинг ... Сўнги манзилга кетаётганингизда ер юзидаги энг гўзал мўъжизавий неъмат ҳамроҳингиз бўлсин ...

Мастура опанинг оғзи аста очилди . Ҳилола Ойижонисининг оғзига зам- зам қуйди.

- Бўлди...

Ғассол аёл қолган зам-замни челақда атайин қолдирган сувга қўшди. Сўнгра ўша сувни марҳуманинг юз- кўзидан қўли билан сочма қилиб сепган бўлди.

- Қани энди хайрлашиб қолинг .

Хонадаги аёллар Мастура опага "Мендан рози бўлинг, сиздан мингдан минг розимиз" дея хайрлашиб , кафанлашга киришдилар . Ҳилоланинг эса гапираман дея тили тутилди. У ўзини матонатли тутишга минг уринса- да , бунга бардоши етмас эди.

- Ойижон , сиздан кечирим сўрайман,- деди Ҳилола юраги тутдек тўкилганча , - сизни охири кунларда кўп қийнаб қўйдим. "Овқат енг" дея сизга кўп азоб бериб қўйдим. Сиз эса менинг кўнглимга қараб , жонингиз анча қийналди.

Мен сизга яхши бўлсин деган эдим. Таомлансангиз қувватга кирасиз, сўнгра соғаясиз деб ўйлабман. Мени кечиринг , Ойижон... Мендан рози бўлинг , ойижон...

@Xazon_Rezgi / 120 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Қизим , бу кечирим сўрайдиган иш эмас. Бунга ўз вазифасини сидқидилдан бажариш дейилади. Аллоҳим барча аёлларга сиздек оқила келин берсин,- деди ғассол аёл,- мен шу касбимнинг ортидан қанчадан - қанча воқеаларга гувоҳ бўлдим. Қанчадан- қанча инсонларга сўнги либосини бичиб кийдирдим. Қанча ёмонни кўрдим. Қанча яхшини кўрдим . Барчасидан бир ибрат , хулоса олдим. Мен боя Ойижонингизни сувга олаётиб ҳайрон бўлганимни сездингиз- а ? Одатда бундай ҳайратим, ҳайроналигим сабабини кўпда ташимга чиқармайдиган инсонман.

Аммо бу сафар айтаман. Сиз қайнрангизни касал ётган ҳолларида бутун жисмларини гулдек ораста тутибсиз, бу дегани бир келин, бир қиз сифатида ўз вазифангизни сидқидилдан бажарибсиз. Қилган меҳнатларингизга сиз ҳам рози бўлинг. Аллоҳ сиздан рози бўлсин... - ғассол аёл шундай дея пешонасидаги терни артди , - энди эшикларни очамиз. Онажонимизнинг кетиш соатлари етди .

Онажон ... Сўнги манзилингизга хуш боринг!

У ер саодат манзилингиз бўлсин. Аллоҳим "бандам" дея, Росулимиз Саллолоҳу Алайҳи Вассаллам "умматим" дея ёрлақасинлар. Хур қизларга ҳамроҳ бўлинг. Бу дунёда тотган заҳматларингиз у дунёда бошингиздан ҳидоят, шафоъат , офият нурлари бўлиб ёғилсин...

Аёллар йўл бўшатдилар ... Хонадаги поклашда ишлатилган анжомлар тезда олиб чиқиб кетилди.

Марҳума эркаклар олиб кирган тобутга солинди.

Кўп ўтмай тобутни кўтардилар . Тобутнинг энг бошида Сулаймон ва Ақромжон оналарига елка тутишган эди.

Тобут уйдан чиқиб кетаётганда оломон бир гувранди. Ҳилоланинг назарида бутун ҳовли ва уйлар ўз ўрнидан бир силтаниб, кўтарилиб тушгандек бўлди . Ҳилола яшил духоба ёпилган тобутнинг ортидан югургиси келди аммо оёқлари ўзига бўйсунмай тош қотганди.

Ҳилола оломон ортидан кўлларини умидсиз чўзди...

Зумда ...

Ер, осмон , одамлар ... Барчаси бир чирпирак бўлди-ю ...

-Келин ҳушини йўқотди !

- Сув беринглар !

- Сув сепайлик...Олиб келинг...

- Пиёз ҳидлатайлик...

- Фойдаси бўлмапти...

- Оғзига ҳам солиб кўринг- чи...

Ҳилола бу гапларнинг барини эшитиб ётар , аммо зил босган қовоқларини йириб кўзини оча олмас, танасини ҳаракатлантира олмас эди.

Тўпалонда кимдир уни оғзини пиёзга тўлдириб қўйибди. Ҳилоланинг нафаси бўғилди.

"Бу одамлар ҳозир мени ўлдириб қўйишади , - ўйлади Ҳилола , - Ойижоним қаерда эканлар ?!"

Шу пайт унинг жонига Малоҳат оро кирди.

- Ҳилоланинг атрофига қалашиб туриб олибсизлар! - деди у аёлларни нари суриб , - ҳаво ўтсин бу ерга ҳам . Нарироқ туринглар . У шундай деб Ҳилоланинг бошига энгашди,- кимнинг иши бу ?! Кўнглини афдариб оғзига пиёз тўлдириб қўйиш?! Тавба қилдим- эй ?!

Малоҳат Ҳилоланинг оғзини йириб очиб пиёз бўлақларини бирма- бир чиқариб ташлади .

Шу вақт Саодатхоннинг овози эшитилди.

- Йўл беринглар ...

Ҳилола димоғини ёргудек бўлган нашатир спирт ҳидидан ўзига келди :

- Иммм...

- Ҳайрият-ей ана энди ўзига келди,- деди кимдир.

Кўп ўтмай Ҳилола ўзини ётоғида кўрди . Уни у ерга бир амаллаб суяб олиб киргандек бўлдилар

Остонада Нигора кўринди:

- Синглим...

Ташқаридан шикаста овозда ўқилган қуръон тиловати эшитилар эди...

Ҳилола орадан қанча вақт ўтганини фарқламади.

Бир вақт қулоғига "Эркаклар қайтишди" деган овоз чалинди. Ҳилола тўр парда ортидан Сулаймонни гандираклаганча зинага келиб ўтирганини кўрди. Унинг дўпписи, елкалари , кўйлагининг қўл қисмининг у ер , бу ери майин тупроққа беланиб турар эди.

- Ойижонни Сулаймон акам қабрга қўйибдилар , - ўйлади Ҳилола хўрсинганча.

У шу ҳақда ўйлаган заҳоти бир таниқли инсоннинг машҳур сўзлари ёдига тушди:

- Хайр , тупроққа айланган онам ...

Салом , онамга айланган тупроқ ... □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

42- ҚИСМ

Ҳилола тирсакларига таяниб аранг бошини кўтарди. Бир амаллаб ўрнидан турди . Тўрдаги кийим жавонни очиб Сулаймоннинг ёзлик енгил кўйлак - шимидан саралаб олди ва чайқалганча ташқарига йўл олди:

- Сулаймон ака , - дея эрини оҳиста чақирди у, - ювиниб кийимларингизни алиштириб олинг. Унгача сизга чой тайёрлаб тураман.

- Акромжонга ҳам кийим бер ... У ҳам кийим алиштириши керак ...

Ҳилола эридан "нимага ?!" деб сўрамади. Саволларсиз "Хўп бўлади" дея бош ирғади.

Ҳилола кўп ўйлаб ўтирмай Акромжонга Сулаймоннинг бирор марта ҳам кийилмаган оҳорлик кўйлак- шимини олиб чиқди. Акромжон Сулаймондан ҳийла баланд эди.

"Мулла акамга лойиқ келиши керак" дея ўйлади Ҳилола танлаган кийимларини чамалаб ва уларни ўзини кутиб турган эрига олиб чиқиб берди :

- Булар мулла акамларга ...

Сулаймон Ҳилола узатган кийимларга бир кўз ташлади- ю кўнгли тўлди шекилли:

- Яхши , - деди ва оғир қадамлар билан нари кетди.

- Ҳилола , нега турдинг ? - деди қўлида бир коса мошхўрда кўтариб олган Нигора,- суюқ овқат ичарсан деб шундан келтирақолдим. Истасанг ош ҳам олиб келаман. Юр хонангга.

- Опа , мен яхшиман. Ҳавотир олманг. Эркаклар келишибди , шунга додажонга бир коса иссиқ

овқат тутай дегандим ...

- Додажонингларни аллақачон ичкарига олдик, аммо овқат ичира олмаяпмиз,- деди Нигора, - бундай вақтда одамдан овқат ўтади дейсанми ?!

- Мендаям шу... - деди Ҳилола , - бироқ додажонни овқат ичишга адамлар кўндириб берсалар яхши бўларди.

- Адажонимлар мазор бошида қолибдилар . Сингилларининг қабрлари бошида "Ёсин", "Мулк" сураларини қайта- қайта ўқияпганмишлар... Куёв билан додажонингни эса таъзия билдиришга келганларни кутиб олишга уйга кўндириб жўнатибдилар.

Адамлар менимча кун ботгунча қайтмасалар керак

Ҳозир укамдан мазорбошига ҳам майда- чуйда егулик чиқартириб юбордик. Гўрков амаки ва ёрдамчилари , қабристон қоровули , адамлар - барчаларини ҳисобга олдик.

"Адамларни ўзларини овқатланишга ўша амакилар кўндирсалар яхши бўларди"- ўйлади Ҳилола ўзи эса опасидан сўради:

- Додажонни ёнларида ким бор ?

- Эркаклар алмашиб туришибди . Бу ерга келаётганимда кичик амакинг ва амманг ўтирган эдилар .

- Буни менга беринг,- Ҳилола опасининг қўлидан косани олиб кичик меҳмонхонага йўл олди .

У ерда Мирсаид ака бошини қўйи солинтирганча жим ўтирар, Маҳина амма эса йиғлайвериб томоғи бўғилиб кетганлиги учун гапирмасдан тасбеҳ ўгириб ўтирар эди. Афтидан у ҳам укасини таомланишга кўндира олмаганлигидан ҳафсаласи пир бўлган эди.

- Ассалому алайкум , додажон... - Ҳилола паст товушда салом бериб қўлидаги косани Мирсаид аканинг тўғрисига аста қўйди,- илтимос буни ичиб олинг...

Мирсаид ака келинининг саломига бош ирғаб алик олди , аммо косани қўли билан нарироққа итариб қўйди.

- Додажон , илтимос шу овқатни ичинг , - менинг ойижонимга берган ваъдамни бузилишига сабабчи бўлманг .

Мирсаид аканинг қошлари чимирилди. Ҳилолага "Қандай ваъда эди у?!" дегандек ер остидан қаради

@Xazon_Rezgi /122 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Мен ойижонимга , - дея оҳиста гапира кетди Ҳилола дастурхон попугини ўйнаб , - уларнинг илтимосларига кўра ваъда бергандим. Ойижонимлар "Вақти келиб оламдан ўтсам , додажонингизга худди ўз адажонингизга қараган каби самимий муносабатда бўлинг. Тонгда , тушлиқда , кечки овқат пайтида бир пиёла иссиқ чойни дариф тутманг. Бир коса мазали овқат ва ширин муомалани чин дилдан икром қилинг. Мени қабрда тинч ётсин десангиз уларни ҳамisha хурматларини жойига қўйинг. Мендан кейин ўзларини етимлардек ҳис қилиб елкалари

қисилмасин , мунғайиб қолмасинлар" дегандилар .

Додажон, тўғри дунёнинг неча минг аёли қаршингизга келиб сидқидилдан ҳизматингизни қилган тақдирда ҳам , ойижон ўз қўллари билан дамлаб тутқазган бир пиёла чойга арзитмаслигингизни биламан.

Аммо ...

Улар дунёдан ўтар чоғда ҳам ўзларини ўйламадилар , барчамизнинг ғамимизни едилар. Биз ҳам ҳозир ойижоннинг юзлари учун кўнгил сўраб йўқлаб келганларни ҳурматини жойига қўйишимиз керак. Бунинг учун эса куч керак.

Ҳилола шуларни айтиб жим бўлиб қолди . Сўнгра додажонисига саволли боқди :

- Таом илиб қолди шекилли. Қайноққина қилиб иситиб келайми ? !

Мирсаид ака "Йўқ" дея бош чайқади. У индамай қўлига қошиқни олди ва косага солди. У мошхўрдани ютиниб - ютиниб ичар экан, Ҳилолага савол берди :

- Ўзингизни овқатингиз қани ?

- Ҳозир олиб келаман, додажон...

Ҳилола ўрнидан туриб ташқарига йўл олди.

* * *

Мастура опа оламдан ўтганининг учинчи куни Мирсаид акаларнинг уйида марҳуманинг "кир ювди" маросимига тўпланишди.

Якшанба куни бўлганлиги боис барча қариндош- уруғлар бир ерга жам бўлишди.

Дастурхонга дуо- и фотиҳа қилинган , аёллар Мастура опа ҳаётининг сўнгги кунларида ишлатган кийим - кечак , ёстиқ жилд ва чойшабларни ювишга киришдилар. Ҳилола ойижониси оламдан ўтган вақтда эгнида бўлган либосларини алоҳида ажратиб қўйган эди. Ўша вақтда либосларда бирмунча сел доғлари қолган эди . Ҳилола бу кўйлақларни ўзи ювмоқчи бўлиб қўлида бир қоқиб текислади. Аммо кўйлақ ва лозимда тугмадек доғни учратмасдан ҳайрон бўлди.

Ҳилола кўзларига ишонмади.

Ахир ўша куни ўз кўзлари билан кўйлақнинг этагида кичик косанинг оғзи катталигида пайдо бўлган доғни кўрган эди.

Аммо шу топда кўйлақ, лозим унинг қўлида топ- тоза , бирор гарддан ҳоли , камига хуш ифорли бўлиб турар эди. Ҳилола ҳеч нарсага тушунмади. Ўйлаб ўйининг поёнига етолмади. Унинг хаёлларини Маҳина амманинг келини катта келини Ақида келинойи бузди. Ақида келинойи Ҳилоланинг қўлида турган кўйлақ ва лозимни бошқа кирлар билан қўшиб ташқарига олиб чиқиб кетди.

У бошлиқ тўрт аёл кирларни қўлда ювиб , саришталашди.

Аср намозидан сўнг Маҳина амма барча қариндош аёл ва эркаклардан бир жойга тўпланишларини сўради.

У барча йиғилганда пайтда уларни Мастура опа сўнги кунларини яшаган хонага бошлади .

- Энди гап бундоқ , - деди Маҳина амма йиғилганларга бир- бир кўз ташлаб , - мен ҳозир Мастураойнинг охирги тилагини бажармоқчиман.

Маҳина амма ёнида турган тугунни ёнига тортди.

Уни очган эди ичидан бир дафтар чиқди ва турли ҳажмдаги ўроғлик нарсалар чиқди.

Маҳина амма кўзойнагини очиб дафтарни ўқий бошлади.

- Бу дафтар очилган , унинг ўқиётган инсон мен эмас эканман, демак бу фоний дунёни тарк этибман.

Мастура бу дафтарга нималарни ёзган экан деб ўйлаётгандирсиз- а ?

Аввало , сўзим боши:

Ассалому алайкум...

Бу дунё омонат дунё.

Йиғлаб унга келган ҳар бир банда яхши биладики , бир кун хотимамиз албатта яна кетиш бўлади.

Дунё дунё бўлгандан буён унга устун бўлган кимсани ҳеч ким кўрган эмас.

Мен буларни нима учун ёзмоқдаман?!

Билмадим бу сўзларни юзма- юз айтиб кўнглингизни бузгим келмаган бўлса керак. Дафтарга қалбимдагиларни хотиржам ёза олганимдандир балки.

Мен ўзимга тегишли буюмлардан арзирларини ҳадя сифатида сизларга қолдиряпман. Сандиғимда алоҳида қадоқлаб номингизни ёзиб қўйдим.

У ерда тилла тақинчоқларим ҳам бор. Уларни ҳам кўнглингизни қолдирмаган ва оғритмаган ҳолда тақсимлашга ҳаракат қилдим.

@Xazon_Rezgi /123 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Шу ўринда исмини алоҳида таъкидлашни истаган бир инсоним бор эди. У инсон Зоҳида опамнинг келинлари Саодатхон . Мен улар учун зумрад кўзли узугимни ажратдим. Саодатхоннинг мен ва уйимиздагилар учун хизмати катта бўлди. Кўнглимда бир хуш ниятим бор эди. Вақти келиб Ҳилола қизим ҳомиладор бўлса , Саодатхоннинг қўлида кўзи ёришини , ўша вақтда шу узукни Саодатхонга ўз қўлларим билан тақиб қўйишни орзулаган эдим. Саодатхон! Менга қилган хизматларингиздан рози бўлинг. Мен ҳам сиздан розиман. Орзуим эса бир кун амалга ошишини кўнглим сезиб турибди "

Мастура опа шу таҳлит барча қариндош -уруғларга ўз изҳорларини ёзиб чиққан экан. Маҳина амма дафтарни ўқиб толиқиб қолганда , Ақида уни давом эттириб ўқий кетди .

Дафтарда номи ёзилмаган таниш аёл қолмаган экан. Мастура опа қудаси Роҳилахонга ахлоқ, одоби гўзал қизни тарбиялагани учун алоҳида миннатдорчилик билдирган ва ўзи учун Ҳаждан ҳадя сифатида келтирилган севимли Қуръон китобини муносиб кўрибди.

Аёллар учун ёзилган дил номанинг охирида Ҳилоланинг исми ёдланган эди.

- Асал қизим , жонимнинг малҳами, Ҳилолам. Сиз менинг Аллоҳдан сўраган гўзал дуоларимнинг бетакрор ижобатисиз. Мен Аллоҳдан ўғлим учун оқила жуфт сўрагандим. У менга келин билан бирга бир йўла фаҳм- у фаросатда тенгсиз қиз ато этди. Ўзига беадад шукр. Сиз уйимга қадам босган кундан кўнгиш кошонам нурга буркалди. Кунларим камалак рангини олди. Қисқа вақтда сирдошим, дилдошимга айландингиз. Бошим ёстиққа теккан кунларда дардимга энг ширин малҳам бўлдингиз. Сизнинг мен учун қилган хизматларингизни қайтара олишга кўзим етмайди. Қўлимдан келгани биргина дуо. Дилдан қилинган самимий дуо эса мустажобдир.

Болам... Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин . Доимо ўзининг суюкли бандалари қаторида қилсин. Инсонларни ҳамиша сиздан манфаат кўрадиган , шу сабаб туфайли тўпланадиган савобларингиз уммон томчиларидек беадад бўладиган қилсин.

Қизим... Онамдан қолган бир жуфт тилла билагузукнинг бири сизники.

Иккинчисини эса Акримжонимнинг бўлажак умр йўлдошига "Ойижоним"дан дея ўз қўлларингиз билан тақиб қўйинг. Мен Аллоҳдан бу ўғлимга ҳам сиздек муносиб жуфт учрашини сўраб дуо қиламан.

Болажоним... Сизни жуда, жуда суйдим. Бир инсон иккинчисини қай даражада суя олса ўша даражада суйдим. Мендан рози бўлинг... Мен дунёдан ўтар эканман, хонадонимда сиз борлигингиз учун хотиржам кўз юмаман.

Сизни Аллоҳ суйсин мени суйганим...

Мастура опа дафтарнинг давомидаги саҳифаларга маҳрам эркаклар учун дил изҳорларини ёзиб қолдирган экан.

Биринчи ёзув Асрор ака номига ёзилишдан бошланибди :

- Ака...

Мендан "Дунёдаги энг бефараз, бетаъма севги кимники?!" деб сўрасалар сўзсиз "Аканинг сингилга нисбатан бўлган севгиси" дея жавоб берар эдим.

Умр турфа хил бахтлар таъмининг тотиш билан гўзалдир ...

Улар орасидаги энг бетакрори сизнинг менга туҳфа қилган "Меҳр" исмли бахт таъмидир.

Акааа... Сизни неча йиллар ўтиб топдим- у , кўнглимдаги армон тугунлари бир-бир ечилди , юрагимдаги кемтик ўз- ўзидан битди. Сизнинг ҳузурингизда ўн беш ёшлик вақтимда ҳис қилган беғубор хисларни туйдим.

Ака ... Сиз Аллоҳнинг менга берган мукофотисиз...

Билмадим нега бундай?! Аммо ўз ака - укаларимга айтолмаган дардларимни , кўрсата олмаган кўз ёшларимни , бўлишгим келган хурсандчилигимни энг аввало сизга ҳавола қилганман...

Бунга сизнинг доимо менинг қувонч , ташвишларим билан энг биринчи бўлиб ҳисоблашганингиз сабаб бўлса не эҳтимол.

Ака ... Акажоон ... Сиздан менинг қарзим кўп . Биламан, уларни тўлай олишга кўзим етмайди. Менга қилганларингиз ажрини Аллоҳим раво айласин.

Магар сингилнинг ака учун сўраган дуоиси ижобат бўлса , менинг жойим дуо сўраган сингиллар сафининг энг биринчи қаторида бўлса керак...

Ака ...

Сиз менга инъом этган энг буюк ҳадя бу - ... □□□□ аввалги_қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

43- ҚИСМ

Ҳилола.

Рост айтаман. "Қиз ўстирганман" дея бемалол фахрланаверинг,ака.

Мен авваллари "Уч қизни ўстириб , вояга етказиб , чиройли тарбиялаган ота - она жаннатга тушади" деган гапни эшитсам , ҳайрон қолар эдим. "Ўғил ўстириш захмати ундан кам эмас- ку" дея ажабланиб ўйлар эдим. Сўнгра "Буларнинг бари ота- она шунча йил бағрида камол топтирган инжу- дурдонасини ўзга қўлларга юрагининг ҳар томирини чирт- чирт узиб топширгани сабаб ҳисобда тутиб айтилган бўлса керак " деган хулосага келгандим.

Йўқ...

Ундай эмас экан...

У сўзларни мағзига кейинроқ тушундим . Ҳилолани келин қилгач...

Уч нафар солиҳа қизни тарбиялаган ота- она ўша қизлари сабаб яна шунча хонадонни обод бўлиши, гуллаб - яшнашига сабабчи бўлар эканлар. Шу уч оқила қизларнинг гўзал амалларидан неча ўнлаб инсонлар ҳузур , ҳаловат туяр ва булар эвазига берилган мукофот дилдан чиққан сара дуо бўлар экан. Дуолар қабулининг бошида эса уларни тарбиялаган ота- онаси туриши табиий ҳолдир.

Албатта бу менинг шахсий мулоҳазаларим ...

Ака ..

Биласизми ...

Мен шу ёшга кириб турли сифат ва исмлар билан ардоқландим. "Гўзал қизим", "Эрка келиним", "Ойижон", "Онаси" , "Холажон" ...

Менинг учун энг азизи, ардоқлиси қайсилигини айтайми, ака ?

Билишни ҳоҳлайсизми ?

Бу сизнинг остонамдан йўқлаб келганингизда "Онаш синглим" дейишингиз эди.

Ҳам она , ҳам сингил. Бир вақтнинг ўзида икки азиз аёл...

Айтишадик , синглиси бор аканинг онаси ҳеч қачон оламдан ўтмас эмиш...

Сиз ҳам менда ўз волидангизни кўришингизни ҳис қилар эдим.

Бу сўзларни битганим учун ўз акаларим, укам мени кечиришар деган умиддаман . Уларнинг ҳам ҳар бирларига алоҳида хат битдим... Уларнинг ҳам ҳаётимдаги ўрнлари беқиёс ...

Аммо сизга мактуб битаётиб кўнглимдаги сизга айтмоқчи бўлган сўнги сўзларни ёзаётганимни ўйласам...

Йиғлагим келяпти ака...

Елкангизга бош қўйиб йиғласам ... Сиздан уфуриб турган ёшлигим исини ҳидлаб , тўйиб - тўйиб йиғласам...

Ҳозир кўнглим "Аканг сендан сўнг онасиз , онаш сингилсиз етим бўлиб қолади" деяпти . Сизни кўнглингизни ярим қилиб , дилингизни ўқситган мушфиқ синглингизни кечиринг , ака...

Бу кўнгли деганлари жуда ғалати нарса экан- да ... Сал нарсага осмонга парвоз қилиб , сал нарсага чил- чил синиб кетгувчи мўрт бўлар экан.

Ёки фақат менда шундаймикан- а , ака ?!

Биласизми , мени кўрдингиз келаётганда , шу мақсадда йўлга тушганингизни , йўл - йўлакай мен суйган нарсаларни харид қилаётганингизни , кўчамиз бошида қайрилишингиз , юзларингиз яшнаб хонадонимизга келаётганларингиз бариси кўз ўнгимдан бирма - бир лип- лип ўтарди.

Санай бошлардим:

Бир , икки , уч ...

"Бўлди акам келдилар" дейишим билан офтобдек чарақлаб остонада кўринар эдингиз.

Ака... Билсангиз ҳаётимнинг сиз билан боғлиқ энг гўзал лаҳзалари ана ўша онлар эди ...

Бу сўзларни нима учун ёзяман ... Сиз ака сифатида ўз кўнгли кечинмаларингизни доимо ошкора айтиб келгансиз. Менинг эса юракдаги сўзларни айтиш навбатим шу топ келган кўринади...

Ака ...

Мени вақтим битган , паймонам тўлганга ўхшайди. Начора тақдир ҳукмига қандай қаршилиқ қила олар эдим...

Аммо ...

Дунёдан ўтсам юрак- бағри шилиниб , чексиз андуҳ чекувчилар сафининг бошида

тургувчилардан бири сиз бўлишингизни биламан.

Илтимосим , бундай йўл тутманг , жон ака ...

Ака , гарчи жисмим бу дунёни тарк этса- да , синглингиз қалбан ҳамиша ёнингизда.

Гоҳида юрагингиз тўлиб кетган вақт юзингизни шамол ширин сийпалаб овутса , билинг- ки мен ўшаман...

Гоҳида қувонч сизни ўз оғушига олса , тегрангизда бахт ўз ифорини таратса , қалбингиз ҳеч қачон туймаган ҳаловатни туйсангиз, билинг- ки мен сизга жуда яқинман...

Қабрим зиёратига борсангиз- у , пойингизда митти чечак тебранса , билинг-ки менинг сизга йўлланган соғинч саломим бу ...

Ака ...

@Xazon_Rezgi /125 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Сиздан бир илтимосим бор эди...
Илтимос айбситманг ...

Беморлигим аён бўлган кундан"Ака" десам кўнглим нуқул шуни тусайверади...

Акажон ...

Мен дунёни тарк этсам, қабрим устини тўлдириб ..., тўлдириб бинафша эксангиз...

Бинафша мен ҳаётда билган энг беғубор гул...

Илк ғунчалари қор тагидан мунис жилмайиб кўнгил олар ...

Муаттар ҳидлари димоғни хуш сийпалар... Қишин - ёзин кўркама яшиллигини йўқотмас...

Бу гул гўёки сиз ва менинг муносабатларимиз рамзидек...

Соф ва бетаъма...

Излаган сари минг битта устунлиги чиқиб келаверади бу гулнинг...

Ака ...

Мен бошқалардан сўрай олмаганим , аёллик ҳаёим йўл бермаган ушбу тилагимни сиздан сўрай оламан.

Қабрим устига бинафша эксангиз....

Шояд исмим каби мастура бўлган бу чечак барчага сизнинг Мастурангизни ёдга солса ...

Жон-у жаҳоним , акам...

Сиздан бир ўтинчим ҳам бор. Бу тилак , сўров эмас... Ўтинч , яъни ёлвориш...

Илтимосим , мандан сўнг жуфтимни ёлғизлатиб қўйманг. Биламан, Ҳилоламиз сабаб улар билан борди-келдингиз узилмайди.

Бироқ менинг бу дунёда тақдир қилган инсонимга синглингизни эри, мандан қолган омонат сифатида муомалада бўлсангиз. Менимча шунда улар билан янада яқинроқ бўласиз...

Синглингизни тан - маҳрам сифатида мукаррам кўрган бу инсон сизнинг меҳрингиздан мен каби баҳра олсалар не бахт бўлар эди...

Акажон ...

Агар менга "Асрор аканга муҳаббатингни бор овозда ҳайқириб изҳор қил, биз овозингга сен истаган даражада овоз қўшамиз" десалар "Акааа , мен сизни шунчалик яхши кўраман!" деб ҳайқирган бўлардим-ки овозим муаззам сайёрамизни ўз ўқидан силжитиб юборган бўлар эди ...

Ака...

Сиздан тилак , ўтинч сўрадим...

Буниси энди талаб .

Талаб бўлганда ҳам энг қатъий талаб:

- Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Барча учун... Умидвор оналар , кўзи тўрт бўлиб йўл кутган опалар, сингиллар, меҳрга ташна қизлар учун...

Сиз ҳаётда ўғил , ака, ука , ота қандай бўлиши кераклигидан дарс бергувчи комил, ҳазрати инсонсиз ...

Ўзингизни эҳтиёт қилинг !

Чунки сиз бор экансиз мен ҳам мавжудман...

Юрагингизда масрур куй бўлиб яшайман...

Ака...

Айтинг

Нега нуқта қўйгим келмаяпти ...

Ака деб хат бошласам гапларим сира тўхтамайди ... Бирини айтсам , бири қолиб кетгудек юраккинам ўртанади, ўртанаверади ...

Аmmo...

Кейинги кунларда қўлларим кўп ивишяпти , билиб турибман-ки, улардан жон қочяпти. Мен ёзиб улгуришга ҳаракат қиляпман...

Акааа... Акажоон...

Сизни яхши кўраман...

Жудаям ...

Осмоннинг охири қадар...

Уфқнинг чегарасигача ...

Кўёшнинг ҳар шуъласи ададича ...

Акажон... Жаннат умидидаги синглингизнинг олий тилаги сиз билан Фирдавс боғларида қайта дийдорлашмоқ ...

Ўшанда бари бениҳоя бўлади...

Ўшанда ҳеч қачон ажралишмаймиз ...

Ҳозир учун эса ...

Тилим ҳеч бормайди хайр демоққа ...

Афсус , юрак интиҳо яқин демоқда ...

Қабримга, жон акам, экинги бинафша,

Ва хотирам сақланг ёдда ҳамиша ...

Мен ўша қалбингиз, дилман, кўнгилман

Сизнинг Мاستурангиз - мунис сингилман...

Беҳишт боғларида кўришгунча , хайр ...

Мастурангиз..."

Ақида келиноий мактубдан бошини кўтарганда йиғидан кўзлари қизариб кетганди. У ҳиқиллаганча деди :

- Мастура опам бу хатни ёзгунча жуда кўп йиғлабдилар... Саҳифалар кўз ёшидан доғ- доғ бўлиб кетибди...

Шу пайт Асрор аканинг :

- Синглим, - деган овози ҳирқироқ овози эшитилди , - мен ... □□□□ аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

44- ҚИСМ

мен бирор сўз демакка ожизман... Аммо мендан сўраганларингни барини ижобат этаман.

Менга бу дунёда акалик бахтини берган, синглим...

Токи ақлим хушимда, тилим ва дилим вазифадорлигига ҳиёнат қилмас экан , сен учун чириойли дуо қилишдан чарчамайман...

Сўраганларинг эса ...

Аллоҳ умр берса , илтимосларингни бажаришга қодир қилса албатта бажараман...

Сингилжоним ...

Асрор ака чидай олмади . Ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлганда Ҳилола уни чақириб тўхтатди :

- Адажон ...

Асрор ака ялт этиб қизига ўгирилди .

Ҳилола қўлида ушлаб турган тугунчани кўтарганча адасига яқинлашди.

- Ойижоним бу тугунчани сизга бериб қўйишимни сўрагандилар...

Асрор ака тугунчани қўлига олди . Хонадагилар ўзига қизиқиш билан қараб тургани учун уни оҳиста очди.

Тугунчадан оппоқ майин матодан чиройли ишлов бериб тикилган дўппи , ятак- иштон ва қўлда бежирим қилиб ясалган тасбеҳ чиқди.

Тагида бир энлик хат қолдирилган экан.

Асрор ака уни олиб овоз чиқариб ўқий бошлади :

"Акамга ...

Акажон ...

Сиз учун дуодаман...

Вақтики келиб Ўзингиз орзу қилганингиздек муборак ҳаж сафарига борасиз... У ерда барча амалларни гўзал адо айлаб қайтганингиз , "ҳожи ота" мақомини олганингиз чоғ шу либосни мени ёдлаб киярсиз. Мен бу либосларни энг самимий ва хуш ниятлар билан Ҳилолани бизга келин қилиб беришга рози бўлган кунингиздан бошлаб тика бошлагандим . Туғилган кунингизга совға қилмоқчи эдим. Чин дилдан қабул қилинг. Бу либосларнинг бир сатр чокига кўзим нури ила сингиллик меҳримни жойлаганим рост , ака...

Онаш синглингиз Мастура ...

Асрор ака либосларни олиб ҳидлади, кўзига суртди ва ... елкалари силкинганча хўнграб баралла йиғлаб юборди ...

Унга Роҳилахон опа қўшилди ...

У йиғлай туриб оҳ урди :

- Бугун ... Бугун адасининг туғилган кунлари эди...

- Менга узр , - деди Асрор ака бўғиқ овозда. У ўрнидан аста кўзғалди , - руҳсатингиз билан...

Асрор ака синглиси ўзига қолдирган ҳадя ўралган тугунни бағрига босиб ғуссаларни ҳамроҳ қилганча хонани тарк этди.

- Навбатдаги мактуб Сулаймонники экан?! - деди томоғини қириб Ақида келинойи , - ўқийми ?

- Ўқинг , - дейишди бир овоздан йиғилганлар ...

- Сен ўқийқол , - дафтарни қизи Шаҳлога узатди Ақида келинойи , - мени юрагим тугаб бўлди...

Шаҳло индамай дафтарни олди ва дона - дона қилиб ўқий бошлади :

- Сулаймон, болам...

Кўзимнинг нури ...

Сенга нима деб мактуб ёзишга ўйланиб қолдим. Ахир кўнглимдаги бор туйғуларим барини кафтдек биласан.

Ўғлим...

Баъзи ҳолларда сукут айтилган сўзлардан ҳам кўпини англатар экан. Сабаби сукут дегани чексизликни ўз ичига олади.

Менда эса сенга нисбатан бари чексиз . Меҳрим, муҳаббатим , садоқатим, ... бариси ...

Сен балки "Ойижоним ўз ҳисларини қаердан ўлчаётсанг ола қолдилар? " дерсан ?!

Биламан- да ...

Ахир бу меъзон барча оналарнинг фарзандларига нисбатан ҳис қилган туйғуларининг ўлчови бўлса ...

@Xazon_Rezgi /127 #КўНГИЛ_ИФОРИ

Ўғлим ...

Сенга нималар дейишим мумкин ?! Қайси сўзларни эшитсанг кўнглинг таскин топади ?!

Авалло шуни билки , мен бахтли аёлман. Сабаби ортимдан қолгувчи нурли изим - сен борсан. Мен бир ўзим Аллоҳ даргоҳига кетсам- да, кимларнинг юрагида , кўнгил ошиёнида бўлак- бўлак бўлиб яшаб қоламан. Энг кўпи эса сенда. Ахир томирларингдаги оқётган тириклик суви бўлмиш қон, сочларимдан соч , рухсоримдан рухсор , табассумимдан табассум - буларнинг катта қисми мендан сенга мерос сифатида кўчган.

Болагинам...

Сенга "Ундай бўл, бундай бўл" деб айтмайман. Сен андоза олиб яшашингга энг ҳақли инсон - ёнгинангда...

Булар - дадангдирлар...

Сен дадангларга ўхшаб яшасанг - бўлди.

Унутма!

Ҳаётингни бошқариши мумкин бўлган энг қиммат маслаҳатим шудир , болам ...

Мени хотирлаганингда эса ушбу қалб сўзларим ёдингда турсин :

Болагинам ...

Вақти келиб бу дунёдан ўтар бўлсам,

Илтимосим ...

Онамга деб Қуръон ўқи...

Кимдир сендан қандайлигим сўраса гар,

Гулга ошиқ эди деган эртак тўқи...

Яна айтгин ...

Меҳрибоним бардошлари тоғдан метин ,

Сукут билан қабул қилган синовларни

Ва тан олгин...

тутдекгина тўкилган деб,

Ғийбатидан , озоридан бировларни

Сўрасалар ...

Кимдир эслаб , ёдлаганда айт бемалол,

Маҳзунгина куй эди де менинг онам

Бир инсондек яшади- ю, ўтди ҳалол ,

Оддийгина аёл эди дегин, болам...

Кўринг дегин ...

Кафтимларимга санчилганда якка тикан,

Қадалган де юрагига ҳанжар бўлиб .

Мен бир бор оҳ урганимда онажоним ,

Юз бора рост кетган эди дегин ўлиб...

Айтавергин ...

Бемалол айт , ҳаёт экан устоз асли ,

Онам фақат шогирд бўлиб яшаб ўтди

Тўрт фаслим бир , чиройлигим кўнгил фасли ,

Кўнгил бўлиб келган эди , шундай кетди...

Нуридийдам...

Унутма-ки , топганларим шу битиклар

Дилингга гоҳ маъюслик, гоҳ қувонч солар

Кетганимда даргоҳига...

мерос каби

Ёдим бўлиб хотирангда шулар қолар ...

Кўзим нури ...

Вақти келиб бу дунёдан ўтар бўлсам,

Бир ўтинчим ...

Онамга деб Қуръон ўқи...

Гулга ошиқ эканлигим аслида рост ..

"Дилга малҳам" эди деган ёлғон тўқи...

Шахло охирги мисрани такрор ўқиди :

"Дилга малҳам" эди деган ёлғон тўқи..

- Бу ёлғон эмас, балки айна ҳақиқат , - деди Маҳина амма барчага бир - бир боқиб , - илойим жойларингиз жаннатдан бўлсин , келинжон,- у шундай деб Шахлога ишора қилди, - давом эт болам .

Шахло хатнинг давомини ўқиди:

- Сулаймон. Ҳилолани, Ҳилолангни ардоқла . Сев. Бир умрлик муҳаббат бер . Токи муҳаббатингга энг сазовор бўлган аёл , яъни жуфтинг , унинг тафтида ҳаётдан рози ва сармаст бўлиб яшасин.

Ҳудди мен каби ...

Болам мен сенга ўзингни қолдиряпман. Бу ҳаётимдаги энг бебаҳо неъмат...

Доимо соғ бўлгин , кўзим қароси ...

Сени бениҳоя севгувчи онанг ...

@Xazon_Rezgi /128 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Менимча , ўқилмаган фақат бир мактуб қолди,- деди Маҳина амма Шахло навбатдаги мактубни ўқиб тугатгач , - бу укам Мирсаидга аталган мактуб . Ука , сенга аталган мактубни ҳам ўқишимизга қарши эмасмисан?!

Мирсаид ака "Йўқ" деган маънода бош чайқади .

Маҳина амма дафтарни набирасининг қўлидан сўраб олди ва кўз ойнагини ўз манзилига қўндирганча Мастура опанинг жуфтига атаб ёзган мактубини очиб ўқий бошлади:

"Дадасига ...

Дадаси ...

Бу мен Мастурангиз ...

Ҳа энди ёнингизда йўқ бўлган, чақирсангиз "лаббай" дея жавоб қайтара олмайдиган, бомдодга соат созломайдиган, "Дадасига" дея таомларни энтикиб тайёрлай олмайдиган, кийим - бошингизни меҳр исмли кукунда юволмайдиган, муҳаббат номли оташда дазмол уролмайдиган...

Дадаси ...

Мени кечиринг...

"Мени ташлаб кетмагин" деган амрингизни бажара олмаганим учун ...

Бу иш кўлимдан келмаганлиги учун ...

На қилай... Мен ҳам бир ожиз йўловчиман... Сиз билан бирга юражак йўлларим шу ергача экан... Мен сизнинг тан маҳрамингизман ва шу билан бирга Аллоҳнинг иродасини бажарувчи бир қулман. Аллоҳнинг қули...

Сизга тақдиримни боғлаш ҳам аслида Аллоҳнинг иродаси бўлган. Жуда гўзал ва хайрли . Барчаси учун Аллоҳимга минг шукр дейман. Минг шукр ... Чексиз шукр ...

Дадаси... Охирги кунларда сизга кўнгилдагиларимни жуда кўп бора гапирдим . Аммо ҳозир ёзишга киришганимда сўзларим шукрим каби чегарасизлигини англаб ҳавотирга тушдим...

Буларнинг барини ёзиб улгура олмасам керак ...

Аввало бариси учун раҳмат ...

Бу дунёда борлигингиз , қатор йиллар Мастурангизга ёрлигингиз , оилам, фарзандим дея барчасига бўлган тайёрлигингиз учун раҳмат.

Мени осмондаги ойдан , тонгдаги насимдан , тоғдаги акс- садодан , боғлардаги виқордан қизғанганингиз , асраб , авайлаганингиз учун раҳмат .

Доимо еярга ноним , ичарга чойим , киярга либосим, кўнглим суйган гўшам - уйим, ардоқли жойим ҳозир бўлганлиги учун раҳмат.

Ҳеч қачон эртанинг ташвишида қошларимга тугун тушмагани учун раҳмат...

Оддийгина бир аёл бўлсам- да сўзларим сиз учун қадрли ва доимо эътиборга лойиқ кўрилгани учун раҳмат ...

Аллоҳ берган синовларда, йиллар давомида елкама- елка турганингиз учун раҳмат .

Қатор фарзандларимиздан айрилганимизда бирон марта таъна қилмаганингиз , айбламаганингиз, жонимга малҳам бўлиб дардимларимни бўлишганингиз учун раҳмат ...

Ўғлимизни ўзингиз каби мард , танти , шижоатли қилиб камол топтирганингиз учун раҳмат...

Барча ишларингизни бир четга йиғиштириб қўйиб дардманд аёлингизни беқиёс севги ила парвариш қилганингиз учун раҳмат ...

Бариси учун ташаккур ...

Мен юрагимдаги миннатдорчилик туйғуларини барини қоғозга солай дейман, бироқ бунга қувватим , имконим , вақтим етмайди...

Аммо ...

Сизга бўлган хисларимни битта сўзга сиғдира олар эканман...

Мен сиздан РОЗИМАН , дадаси ...

Дадаси ...

Сизга айтолмаган бир , икки мулоҳазам бор эди.

Биринчиси , илтимос мен дунёдан ўтганимдан кейин ортиқча сарф- ҳаражат қилиб ўзингизни ва бошқаларни уринтирманг .

Аза - уч кун ...

Таъзиям тугаганидан сўнг кўнглингиз мени ёдлаб эҳсон қилишни тусаса , буни донолик билан амалга оширсангиз.

Тўғри , ўзингизга яраша, ярашиқли давлатмандсиз. Ҳалолдан топган дастмоянгиз ҳалолингиз бўлсин , дадаси . Менинг хотирамни йўқлаш мақсадида ажратган сармоянгизни эса савоб ўчоғлари бўлмиш мактаб , касалхона , масжидга берсангиз...

Менга бу тақдим этилган , улашилган эҳсонларингизнинг савоби давомий тегиб туришини таъкидлашимга ҳожат йўқ, дадаси ...

@Xazon_Rezgi /129 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Дадаси ...

Сизга айтишга истиҳола қилган иккинчи гапим ... Мендан сўнг ўзингизни ёлғизликка ҳукм қилманг.

Сиз маҳкумликка лойиқ инсон эмассиз ...Мен шу вақтга қадар сизнинг вафоингизга заррача шубҳа қилмаганман. Менга тақдим этилган ана шу вафо эвазига айтай, сиз энг яхшисига муносибсиз ...

Яна ...

Мени қабрида тинч ётсин десангиз солиҳа бир аёл топиб уйланинг... Бошқа бир аёл сизнинг ғамингни еб , ташвишингизни бирга бўлишса, ҳизматингизда қоим бўлса менинг-да руҳим ҳам таскин топган бўларди.

Дадаси , сизга ҳам бир нарса қолдирдим. Ётоқхонамиздаги тумба тортмасида бир дафтар турибди. Мен чарм муқовали ўша дафтарга бутун кўнглимни жойлаганман.

Демакким, сизга қолгани кўнглим ..

Соҳиби ҳамиша ўзингиз бўлган кўнглим...

Бу дунёда азиз ҳамроҳим , жуфтим,
Қалам титраётир ёзмоққа видо...
Ўттиз уч ёш бўлиб , жаннат боғида ,
Кўришмоқ умидим , бегим,
Алвидо ...

(Инсон ўттиз уч ёшда ўз ҳаётининг авж камолот палласини яшар экан. Энг соғлом , энг хушрўй, энг ақлли ...

Муқаддас китобларда ҳам жаннатга киргувчиларнинг ёши ўттиз уч ёшда бўлишлиги нақл қилинган.

Менинг олий дуоим Аллоҳимдан сиз билан жаннатда дийдорлашишни сўраб қилинган дуодир...

Дуоим мустажоб бўлса сизнинг чин Мастурангиз бўла олишимга шубҳам йўқ ...)

Жуфти - ҳалолингиз Мастура ...

* * *

Орадан бир ҳафта ўтганда Маҳина амма бор "бисоти"ни йиғиштирди.

- Энди менга руҳсат , - деди у Мирсаид акага , - уйимга борай.

- Опа , шу ерда қолақолинг , - деди Мирсаид ака унга ёлворгудек илтижоли боқиб , - сиз кетсангиз уйимиз ҳувиллаб қолади.

- Ука , кетмасам бўлмайди. Қолаверса токайгача бу ерда қолардим. Барибир ҳар нарсанинг чегараси , поёни бор. Келинларим ҳам ... - Маҳина амма аста хўрсинди , - келинларим ҳам Мастураой ўтганидан кейин "Ойижон , сиз ҳам бизга кераксиз, қачон уйга қайтасиз?!" деб ҳол-у жонимга қўйишмаяпти, - деди у ортиқча эътирозга ўрин қолдирмай.

Маҳина амма аср намозидан сўнг узун дуо қилди .

Сўнг дастурхон атрофида ўтирган жигарларига маслаҳатомуз боқди :

- Уйга қайтишимдан аввал мазорбошига чиқиб келсак дегандим...

Сулаймон ўз спаркида дадаси , аммаси ва Ҳилолани олиб мазорбошига келган вақтда куннинг тоби қайтган , саратон қуёшининг нурлари кишига озор бермайдиган даражада тафт улашар эди.

Мирсаид ака, Маҳина амма , Сулаймон ва Ҳилолалар икки тарафида чиройли шакл берилган арчалар қад ростлаган қабристон йўлаги бўйлаб унинг очиқ саҳнига чиқишган маҳал , қабристон бўйлаб эсган нозик шабада улар димоғига аллақандай хуш ифор олиб келди.

Улар таниш айна дамда хаёллари ёдлай олмаган бу ифор нимага тегишли эканлигини билмай бироз довдирашди.

Кўп ўтмай Мастура опа дафн қилинган чап тарафдаги йўлакка бурилишди ва

Мастура опанинг қабрида чаман бўлиб очилган камалак ранги мисол ранго ранг очилган бинафшалар силкинганча келгувчиларга салом йўллар эди...

Маҳина амма ҳайратдан ўзини тута олмади :

- Субҳаналлоҳ... Шу вақтда- бинафша ? Ёзнинг қоқ чилласида бу не синоат ?! ...

Ойижонисининг қабри бошида тиз чўккан Ҳилоланинг шу топда хаёлидан бошқа нарса кечар эди :

" Қабрим узра силкинган чечак менинг сизга берган саломим..."

Ҳилоланинг шахло кўзлари жиққа ёшга тўлди :

- Ассалому алайкум , ойижон □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

45- ҚИСМ

* * *

Орадан икки хафта ўтгач , Ақромжон ҳам ортга - Россияга қайтадиган бўлди.

Ақромжонни аэропортга ортиқча гап-сўзларсиз кузатиб қўйишди.

Энди Мирсаид аканинг хонадониди чинакамига жим- жит маҳзунлик маликага айланганди.

Кейинги ойлардаги қалб эврилишлари , руҳий зиклик, аввал Мастура опанинг бошидаги , сўнгра таъзия билан боғлиқ чоп- чоп, югур -югурлар хонадон аъзоларининг обдон силлаларини қуритган, ҳолдан тойдирган эди .

Мирсаид ака ўз қобиғига ўралиб олганди.

У беш вақт намозини вақтида адо этар , қолган вақтлари ётоқхонасидан чиқмай қўйганди. Ҳилола қайнотасини нонушта ёки бошқа вақтлардаги таомланишларга Сулаймон орқали базўр чақиртириб чиқар , кўпинча чорлови жавобсиз қолар, дастурхон бошига келганда ҳолларда ҳам кўпинча унга аталган таомга қошиқ урилмай қолиб кетарди.

Ҳилола бу хусусда ҳавотирланиб икки марта Маҳина аммага қўнғироқ қилган бўлди.

Маҳина амманинг жавоби эса ҳар иккисида бир хил бўлди :

"Майли , ўз ҳолига қўяқолинг. Укамнинг ҳали дарди янги, яраси эт олгунча бироз вақт бермасак бўлмас..."

Сулаймон ҳам хаёлпаршонликда Мирсаид акадан қолишмаётган эди.

Гўёки бу оиладаги умид , орзу , бахт , файз ва тафт Мастура опа билан бирга кетгандек эди...

"Маҳзун кунлар бошланди,
онамдан кейин...
Маъюс кўзим ёшланди,
онамдан кейин..."

Лаззат йўқ куйда, созда
Фақат ғам бор овозда ,
Совқотаман аёзда ,
Онамдан кейин ...

Бир телба бўлиб қолдим ,
Онамдан кейин ...
Бағримни юлиб қолдим,

Онамдан кейин ... "

Сулаймон дардли нолалари чексиз мунгга қоришиқ бу қўшиқни кун бўйи эшитгани эшитган эди...

Ҳилола Сулаймонни чалғитиш мақсадида магистратура масаласини ўртага ташлаган чоғ у хафсаласиз қўл силтади :

- Э қўйсанг- чи ...

Сулаймон ҳам дадаси каби уйда ўзига атаб алоҳида юмуш топиб олган эди. У Онасининг сурати муҳрланган расм альбоми ва дискларни тинмай томоша қилгани қилган эди.

Бир куни ўзининг никоҳ тўйидаги даврага оналар таклиф қилинган , уларга гул тутилган саҳнани кўра туриб сира ийманмасдан йиғисига эрк бериб юборди :

- Онажоним , берганим бор-йўғи бир даста гул бўлганмиди ? Мен гумроҳ ўзимни пойингизга отмайманми ? Оёқ изларингизни кўзимга суртиб , тўйиб - тўйиб ўпмайманми ?!

Эндиги қисматим бир умр бошимни тошга уриб жавобсиз йиғлашми ?

Қийин қийин Ҳилолага қийин бўлди . Икки аламзада эркак орасида унинг юрак - бағри хун бўлиб кетди.

Елкасига бирданига тушган шунча юк охири Ҳилоланинг ҳам оёғидан чалди. У ётиб қолди.

Ҳилола ётиб қолиши билан Мирсаид ака қаддини кўтарди.

Келинининг тоби қочганидан хабардор бўлиши билан Мирсаид ака Сулаймонни дарровда бозорга зинфиллатди:

- Югур. Яхшилаб бозорлик қилиб кел. Янги резавор мевалардан, кўкатлар , сўйилган молнинг тилидан олиб кел. Келинни яхшилаб парвариш қилмасак бўлмайди. У бизга ота- онасининг омонати, уларга нима деймиз ?! Қолаверса , Мастура бўлганда келинни шунақа аҳволга туширтириб қўярмиди?!

Ҳилола кечга бориб , бир амаллаб шўрва солай деб қаддини кўтариб ошхонага чиққанида қозон бошидаги қайнотасини кўриб ҳайрон бўлди.

- Туззукмисиз , келин ? - сўради Мирсаид ака меҳрибон овозда,- мана овқат ҳам пишай деб қолди.

Ҳилола додажонисини юмушга қўйганидан ҳижолат тортди :

- Узр додажон , бироз тобим бўлмади. Сизлар ҳам кун бўйи иссиқ овқатсиз қолиб кетдинглар, кечиринг.

- Ҳижолат бўлманг, ҳаммаси жойида,- деди Мирсаид ака унга далда берган бўлиб , - ҳадемай овқатни ҳам сузаман.

- Додажон , таомни ўзим сузақоламан, сиз уйга кираверинг.

- Ҳеч- да , - деди Мирсаид ака хиёл жилмайиб , - меҳр қўшиб пиширган овқатимни ўзим сузаман- да. Сиз эса ичкарига кириб бирпас дам олиб ўтира туринг.

@Xazon_Rezgi / 131 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака овқатдан кейин ҳам Ҳилолани дастурхоннинг йиғар- терарига унатмади:

- Қўяверинг келин. Бир кун- минг кун бўлибдими ? Дастурхонни Сулаймоннинг ўзи йиғиштириб олади.

- Йўғеей , додажон, мен ўзим.

Мирсаид ака ҳижолат бўлиб жовдираб турган Ҳилоланинг сўзини оғзидан олди :

- Ҳеч қанақа йўғейга ҳожат йўқ !

Сулаймон сизга уйлангунча идишларни ювиб турарди , айтиш мумкин-ки чиннидек, топ- тоза қилиб юварди. Ҳозир ҳам ҳеч қиси йўқ, озроқ ҳаракат қилса қони ҳам юришади.

Ҳилола бугун додажонисининг кайфияти яхшилигига суюнди , уни бузгиси келмай ортиқча гап қилмади:

- Хўп бўлади, додажон, - деди у рози овозда.

Кечқурун ёлғиз қолишганда Ҳилола ўзини қизиқтирган мавзудан гап очди :

- Сулаймон ака, буёғига шундай юраверамизми ?

Сулаймон телефони хотирасини титиб ўтирар эди . Кўзини унинг экранидан олмаган ҳолда Ҳилолага сўз котди :

- Тушунмадим, бу билан нима демоқчисан?

- Бакалаврни тугатганимизни айтяпман-да ?! Орзуимиз таълимнинг кейинги босқичи магистратурада ўқиш эмасмиди ? Менимча ҳужжатларни тайёрлашимиз керак?!

- Орзуимиз ?! - Сулаймон шундай дея жиддийлашди . У телефонини диван ёнидаги тумбага қўяр экан Ҳилолага маъноли боқди , - тўғри орзуимиз шунақа эди . Эээди! Афсуски энди ундай эмас. Ҳар ҳолда менда ?!

- Нега ? - Ҳилола беихтиёр шундай деди- ю , Сулаймоннинг сўзидаги шаъмани тушуниб бирдан лаб тишлади

- Нега ?! - захарханда кулди Сулаймон, - негаки энди кўп нарса ўзгарди. Яна саволлар борми ?!

Ҳилола хўрсинди :

- Мен бундай деб уйламайман , Сулаймон ака, тўғри кўп нарсалар ўзгарди. Шунчалар ўзгарди-ки , ортга қайтмас бўлиб ўзгарди. Шу билан бирга уларга боғлиқ бўла туриб ўзгармайдиган нарсалар ҳам борлигини ёдда тутинг. Шулардан бири ойижоннинг орзулари ... Улар сизнинг таълимнинг сўнгги боқичигача давом эттиришингиз ва етук мутахассис бўлишингизни истагандилар. Шу билан бирга менинг ҳам.

Мен Ойижонни орзулари ерда қолиб кетишини истамайман.

Ёдингиздами?! Ҳаётларининг сўнгги кунларида дард билан олишиб алаҳсираб ётганларида ҳам шу ҳақда такрор- такрор гапириб ётгандилар.

Бу масаланинг бир тарафи .

Энди иккинчи тарафини айтсам. Додажон ҳам худди Ойижон сингари сиз ва менинг ютуқларимизни кўришга ҳақлилар. Бунга нима дейсиз?!

Шунда ҳам "Йўқ , магистратурада кейин ўқийман" десангиз , унда нима иш қилмоқчисиз ? Қачонгача шунақа қилиб уйда ўтирмоқчисиз ?

Биламанки , додажонга тегишли дўконлар бошқарувини қўлга олиш ниятингиз ҳам йўқ. Сабаб ҳам очик ва ойдин. Ҳар қандай савдо -сотик сизни қизиқтирмайдиган соҳа.

Қолаверса айнан шу йўналишда ўқийдиган муллакамлар, кейинги йил ўқишни тамомлаб барча дўконлар юритувини ўз қўлларига олмоқчи эканлар.

Шу ерга етганда Сулаймон Ҳилоланинг сўзларини бўлди :

- Мен бир қарорга келдим... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

46- ҚИСМ

Ҳилола ялт этиб Сулаймонга қаради:

- Эртага магистратурага кириш учун икковимизнинг керакли ҳужжатларимизни тайёрлаймиз. Сўнг эса барчасини кириш имтиҳонларини топшириш учун қабул комиссиясига топшираемиз.

Ҳилола Сулаймоннинг қарорини эшитиб ўзида йўқ севиниб кетди.

- Вооой , - деди у севинчини яшириб ўтирмай, - жуда яхши бўларди- да. Бир ёзувчи айтган экан "Ушалса , ушалмаса орзулик бўлиб яшаш яхши экан" деб . Сиз билан менинг орзуимиз эса насиб этса албатта ушалади,- Ҳилола шундай дея туриб ўйга чўмди,- Сулаймон ака, ўтилган мавзуларни бироз такрорлаб олишимиз керак. Яна имтиҳонда уялиб қолмайлик.

Сулаймон Ҳилолага индамади. Бу унинг аёлининг сўзларига кўнганлигини билдирар эди.

Энди Ҳилола ва Сулаймоннинг бўш вақтлари магистратурага кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш билан ўта бошлади.

Ниҳоят кутилган кун келди. Имтиҳон жавоблари ҳар иккаларининг ҳам магистратура босқичининг талабаси бўлганликларини кўрсатиб турарди.

Ўша куни Мирсаид ака фарзандларини яна бир давон ошганликлари билан қутлаб ўз қўллари билан ош дамлашга киришди. Ошнинг зирвагини солиб қўйишгач барчалари мазор бошига чиқиб келишди.

Мастура опанинг қабри устидаги бинафшалар ранго - ранг тусда чаман бўлиб кетибди.

Уларга қарай туриб Ҳилола хўрсинди :

"Адамлар кунда келаётибдилар шекилли. Келолмаган кунлари қабристон қоровулига обдон тайинлаганликлари аниқ" ...

Кечга бориб Мирсаид аканинг хонадонида одам гавжумлашди.

Асрор ака ва Роҳилахон опаларнинг келишлари маълум бўлгач , Сулаймоннинг ўзи ғизиллаб бориб Маҳина аммани олиб келди.

Меҳмонлар анчагача қолиб кетишди.

Меҳмонлар кетишгач Сулаймон Ҳилолага дастурхонни йиғиштириб , идиш- товоқларни саранжомлашга қарашар экан , ҳалитдан буён айтаман деб айтолмай турган гапи ёдига тушди.

- Айтганча , Ҳилола. Кун бўйи шунча айтаман деб , нуқул бошқа гапга айланишиб кетдим- а ?!
Суюнчи бер ?!

- Тинчликми , Сулаймон ака?! Суюнчи сиздан айлансин . Бугун жуда яхши кун бўлди-я , қаранг. Биз яна иккинчи карра талаба бўлдик. Камига сиз суюнчи сўраб турибсиз , - жилмайди Ҳилола.

- Гапни айланторма, суюнчи берасанми , йўқми ?! - тихирлик қилди Сулаймон

- Хўп яхши . Суюнчига банан- музқаймоқли коктейл тайёрлаб бераман. Бўладими ?!

- Бўлади , - деди Сулаймон кўнгли тўлганча , - энди асосий гапни эшит . Раҳматилла бор- ку , курсдошимиз ?! Бир haftaдан кейин тўйи экан. Боя телефон қилиб айтди. Бир - икки кунда уйингларга бориб таклифнома ташлайман деди.

- Вооой , зўр бўлибди . Бахтли бўлсин. Раҳматилла кўнгли тоза , беғубор йигит.

- Давомини эшитсанг янада ҳайрон қоласан. Хуллас Раҳматилла биздан бир курс пастда ўқийдиган Гулноза деган қизга уйланаётган экан. Эсладингми ?!

Ҳилола қошини чимириб ўйланиб қолди:

- Анови ҳинд қизларига ўхшаб кетадиган сочлари узуун , кўзлари катта - катта, қорачадан келган қизмасмиди Гулноза ?!

- Худди ўзи !

- Эээ , у қиз анча узоқда яшамасмиди ?!

- Жуда унчалик узоқданмас. Хумсонлик. Умуман айтганда Хумсон ҳам ҳозир бир қадамдек бўлиб қолган.

@Xazon_Rezgi /133 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Тўғри айтасиз , - дарров эрининг сўзларига кўнақолди Ҳилола , - ўйлашимча бир- бирларига

кўнгил беришган шекилли ?!

- Ҳа - да ! Нима деб ўйловдинг? Битта университет, битта факультет , яна... Хуллас тасодифлар тасодифан бўлмайди.

- Майли , бахтли бўлишсин. Ахир бу дунёда барчанинг бахтли бўлишга ҳаққи бор .

- Туриб - туриб физик эмас , файласуф хоним бўлиб кетасан- да,- деди Сулаймон Ҳилолага эркаланган бўлиб қараб ,- хуллас бу ёғи тўй. Раҳматилла барча курсдошларни тўплаётган экан, икковимизни ҳам никоҳ оқшомига таклиф қилди.

Ҳилола бирдан жиддий тортди.

- Сулаймон ака, сиз бораверинг. Мен ...

- Нима сен ?

- Мен боролмайман. Ахир ойижонимларни тупроққа берганимизга икки ой ҳам бўлмади. Тўғри , аза уч кун. Бироқ тўй-ҳашам кўнглимга сиғмаяпти.

- Ўша вақт келаверсин-чи ?! Ўзинг ҳам уйда ўтиравериб рангинг синиқиб кетди, Ҳилола,- Сулаймон аёлига меҳр билан тикиларкан,- аммо кўнгилга сиғмаслик ҳақидаги гапларинг ҳам бир ҳисобда тўғри . Боя Раҳматилла менга куёвжўра бўлишни таклиф қилганди , мен ҳам худди сенинг сўзларингни айтгандим Энди куёвжўра деганиям ҳурсандчиликнинг авж марказида бўлади- да. Шунга таклифини ётиғи билан рад этиб , ортидан "Бошқа нима ҳизмат бўлса бажонидил" дедим.

Шунда Раҳматилла "Келавер- чи, ўртоқ, видеочини ҳам олиб юришга машина керак эди" деб қолди.

- Яхши , дўстингизни корига шундоқ кунда ярамасангиз қачон ярайсиз ? - деди Ҳилола доно вазир каби мулоҳазали кўринишда , сўнгра кулимсиради,- мумкин бўлса сал сурилсангиз бананни олардим.

- Нега ? - ҳайрон бўлди Сулаймон.

- Ии, бананли коктейл ёддан чиқдимми ? Мен суюнчига тайёрлаб беришим керак бўлган?!

- Ҳаа уми ?! Жуда шарт эмас. Эртага тайёрласанг ҳам бўлади,- деди Сулаймон Ҳилолага ён берган бўлиб .

- Тўғрисини айтсам боя еган ошимиз роса юрагимни ёндиряпти. Келинг , коктейлни тайёрлайқолай, сизга шерик бўламан.

- Ҳооо, ўзимни ўйлаяпман дегин? - деди Сулаймон завқланиб , сўнг ёлғондакам аразлади, - мен бўлсам хотиним мени ҳурсанд қилиш учун ҳаракат қиляпти деган хомхаёлга борибман .

- Энг биринчи додажонни ўйладим. Ўтган кунги коктейлни ичиб "Туни билан тинч ухладим" дегандилар.

- Ундай бўлса яхши , - деди Сулаймон ҳурсанд бўлиб кетганча, - тезроқ тайёрлай қол,

дадамларга ўзим олиб кириб берганим бўлсин...

* * *

- Келин , Сулаймон ҳали ҳам келмадимми ? - сўради Мирсаид ака , қўлидаги пишиб етилган анжир тўла челақни бир четга қўяр экан.

Ҳилола бош чайқади :

- Йў-ўқ , додажон , курсдошлари билан қолиб кетдилар шекилли. Бугун оғайнилари уйлари, дарвозахоналарини гул ва матолар билан безатиб кейин қайтмоқчи эдилар .

- Бугунданми?
Тўй индинга эмасмиди ?

- Эртага куёвни акасининг ўғлига суннат тўйи қилишаркан. Шунга ош беришаркан. Индинга эса келинникига ошга боришаркан, кейин кечаси никоҳ базми бўларкан. Келиннинг уйи сал узоқда бўлгани учун ўғил тўй бир кун аввал ўтказиларкан.

- Ҳаа , ундай бўлса бўпти,- деди Мирсаид ака , сўнг челақдаги анжирларга ишора қилди , - орқа боғдаги анжир бирам пишибди- ки , нақд ҳолва бўлиб кетибди. У ерда яна икки челақ тўлатиб қўйганман.

Ҳилоланинг анжирга қараб оғзининг суви келиб кетди , аммо қайнотасининг ёнида челақка қўл узатишга ийманди.

- Бизга бир челаги етиб ортади а, келин ? Еганча енглар . Яна мураббо ҳам пишириб оларсиз. Танишлар қишда дориликка кўп сўрашади. Қайнаган сутга қўшиб ичилса шамоллаш ва йўталга жуда яхши фойда беради. Ҳар сафар Ақромжон келганда ҳам унга уч - тўрт банка бериб юборардик. Униям ҳисобга олиб қўйинг.

Бир челагини эса қўшни Малоҳат келинникига чиқариб юборамиз. Уларни боласи кўп. Ундан кейин дунёда "Қўшни ҳаққи" деган нарсалар бор , - Мирсаид ака бироз тин олиб гапини давом эттирди,- агар Сулаймон барвақтроқ келса учинчи челақдаги анжирни уйингизга ташлаб келардинглар.

Ҳилола қайнотасига дилидагиларни билдиришдан ўзини тия олмади :

- Аммажонга ҳам беришимиз керак эди , додажон , бир келганларида анжир жони-дилим дегандилар.

@Xazon_Rezgi. /134 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Ҳали ҳосил кўп. Кейинги теримни уларга терамиз. Аммангиз, акамлар ва укамга.

- Ҳўп бўлади, додажон,- деди Ҳилола рози оҳангда.

Мирсаид ака челақни олиб ошхонага йўл олди . У челақни ошхонага қўйиб чиқиб кетиши билан ундан ўзи ҳалитдан кўз уза олмаётган Ҳилола анжирдан тўрттасини шоша - пиша олиб жўмракнинг тагига тутди.

Сулаймон уйга кечга қолмай қайтди. У Ҳилоладан дадасининг таклифини эшитгач дарров қайта йўлга отланди.

- Юрақол , анжир тез айнийдиган мева . Уйингга ташлаб келақолайлик. Эртагача ушлаб ўтирмасдан. Кечга овқат қилиб бўлганмидинг ?

- Ҳаа , чучвара тугиб қўйганман.

- Бўпти ана , борамиз- у қайтамиз. Келишинг билан чучварани шўрвага солиб юборасан. Бирпасда пишади , тўғрими ?

Ҳилола "Ҳаа " дея бош силкиди ва йўлга отланар экан Сулаймонга деди :

- Додажонга кетаётганимизни айтиб чиқақолинг. Ҳали келганингизни ҳам билганлари йўқ

Сулаймон кичик меҳмонхонага йўл олди.

* * *

Ҳилола ота - онасининг бир пиёла чой ичиб кетиш таклифига қатъий эътироз билдирди :

- Кейин ўтирадиган бўлиб бафуржа келаман. Ҳозир додажон уйда ёлғиз бир ўзлари қолдилар . Ундан кейин овқатни кеч есалар , туни билан ошқозонлари оғриб чиқади.

- Борақол , қизим , - деди Асрор ака қизининг сўзларини эшитгач , - сени бу ерда ушлаб қолишга ҳаққимиз йўқ . Аввалоси уйингдан тин. Қолаверса додажонингни дуосини ол . Улар барчамизга Ойижонингни омонати бўладилар ...

* * *

Ҳилола ошхонани саранжомлаб ичкарига кирганда Сулаймонни хонада кўрмай ҳайрон бўлди .

"Ташқарига чиққандирлар- да" - дея ўйлади Ҳилола ва ўзи севган китобини қайта қўлига олди:

Маргарет Митчелл - "Шамолларда қолган ҳисларим"

У китобдаги воқеалар оламига буткул фарқ бўлиб хонага Сулаймоннинг кириб келганини ҳам пайқамай қолди .

- Ростини айтсам , шу Скарлетт Охарага табиатан жуда ўхшайсан.

Ҳилола китобдан бош кўтарди ва Сулаймоннинг қўлидаги атиргулга кўзи тушди :

- Вуууй чиройлигини , - деди у кўзлари чақнаб , - қаердан олдингиз ?!

Сулаймон қўлида тутиб турган бўлиқ гулли , хуш ифорли қизил баҳмалранг атиргулни Ҳилолага тутди:

- Голландия атиргули бу . Сувга солиб қўйсанг бир хил температурали хонада икки ой ҳам сўлимас экан ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

47- ҚИСМ

- Қаранг , бир зумда хона бошни айлантйрвчи хуш ифорга тўлиб кетди- я ? , - деди Ҳилола гулни авайлаб тумба устига қўяркан, - мен ҳозир гул вазага сув солиб келай.

Ҳилола кўп вақт ўтмай айтганини бажо қилиб хонага сув солинган гул вазасини келтирди. Атиргулни унга жойлаштира туриб Сулаймонга миннатдор боқди :

- Катта раҳмат , Сулаймон ака. Бирам ҳурсанд бўлдим- ки ,асти қўяверасиз.

Сулаймон ётоққа ёнбошлади . У Ҳилолага бу гулнинг тарихи ҳақида гапириб беришни жуда истаётганлиги юз- кўзидан кўриниб турар эди.

Ҳилола ундаги ҳоҳишни фаҳмлаб "Қулоғим сизда" деган каби ишора қилди.

- Бундан уч кун аввал Раҳматжон акамни Чилонзор метросининг ёнидаги бекатда кўриб қолиб , машинада уйга ола келгандим. Ўшанда қўлларида мана шунақанги атиргуллардан уч дона бор эди. Билсам бу гулларни Малоҳат келинойимнинг туғилган кунларига олиб келаётган эканлар. Яна қаердан дегин ? Ўзлари таъмирлаётган бир машҳур ёзувчининг куёвини уйдан. Ўша куёв бўлмиш катта тадбиркор экан. Давлати ҳам шунга яраша бўлса керак-да.

Ҳовлисининг бир бурчагида охирги технологиялар асосида ойнаванд гулхона барпо эттирган ва унга дунёнинг турли бурчагидан келтирилган ғаройиб гул ва бошқа манзарали ўсимликлар ўтказдирган экан. Хуллас , Раҳматжон акам ўша куни қўлларидаги гулларга "оғзимнинг суви келгани"ни пайқаб , уйнинг хўжайинидан бугун сен учун яна битта гул сўраб олибдилар. Бу сафар "синглим"га дебдилар. Шунда уй эгаси "Аёлингга уч дона олгандинг , синглингга эса нима учун биттагина гул олиб , раҳмат деб кетаяпсан ?!" деб сўрабди.

Раҳматжон акам нима дейишни билмай қолибдилар ва кўп ўйлаб ўтирмай шундай жавоб берибдилар : "Синглим ҳам ҳам гулларни жуда яхши кўради. Очиғи мен нархи, донаси фалон пул турадиган қиммат гулингизни кунда қайчилаб кетаверишга ҳижолат бўляпман. Бугун синглимнинг туғилган куни эмас . Насиб қилса унинг туғилган кунига шунақа атиргуллардан бир сават тутганим бўлсин. Аммо тўғриси айтман. Ана шу бир дона атиргулнинг ўзи ҳам унинг учун бутун дунё гулзоридаги барча гуллардан афзал , сабаби унга бу гулни мен, яъни акаси совға қиляпман" - дебдилар.

- Сулаймон ака , мен барибир бу атиргулни сиздан деб қабул қиламан, - деди Ҳилола ширин жилмайиб , - тўғри Раҳматжон ака уни синглимга деб сўраб олиб келибдилар , бунинг учун улардан ҳам миннатдорман, бироқ улар бу ишни мендан кўра кўпроқ сиз учун қилганлар. Ахир ҳозир ўзингиз айтдингиз- ку , мен Раҳматжон акамнинг қўлларидаги гулларга ҳавасланиб қарагандим деб. Бу ҳавасингиз эса мени ўйлаб юзага келганлигига шубҳам йўқ. Сизга катта , каттакон раҳмат.

- Арзигайсиз , хоним , - деди Сулаймон ўзининг қилган ишидан ўзи завққа тўлиб , - энди чироқни ўчирсанг ҳам бўлади. Эрталаб Раҳматилланинг жиянини ошига барвақт бориб ҳизматида бўлишим керак. Агар телефонни будильниги жиринглаганда ҳам уйғонавермасам ўзинг уйғотиб юборарсан.

- Ҳўп бўлади , Сулаймон ака

Ҳилола хона чироғини ўчирди.

Сулаймон телефон будильнигининг овози эмас , балки Ҳилоланинг ғимир- ғимир юришидан уйғониб кетди.

- Ҳилола , вақт бўлдими ? Соат неччи бўлди ? - сўради у ёстиқдан бошини кўтармай
- Энди икки ярим бўляпти. Ҳотиржам ухлайверинг , вақт бўлганда ўзим уйғотиб юбораман.

Ҳилоланинг сўзларидан Сулаймоннинг ухлаш ўрнига қайтан уйқуси очилди :

- Шу вақтда ухламай нима қилиб юрибсан ўзинг ? Тинчликми ?
- Тинчлик , тинчлик. Бироз ошқозоним безовта қиляпти . Боя яхши кўриб анжир егандим. Шу ёқмади шекилли.

Сулаймон ётган жойидан қаддини кўтарди :

- Анжир ?! Кетидан чучвара едик. Иккови тоза ўпишиб кўришибди шекилли ?!
- Сулаймон акааа ... - ожизгина ингради Ҳилола
- Ҳаа ?
- Кулдирманг , ўзи ҳозир минерал сув ичиб сал ўзимга келгандим
- Узр , Ҳилола. Йигитлар билан ўзаро гаплашадиган хазилларимиздан айтворибман. Аммо барибир маъноси тўғрида. Майли уни-бунни қўй. Ўзинг яхшимисан ҳозир ?!
- Ҳаа , анча яхшиман.
- Ҳеч нарса керакмасми ? Ё дори олиб келайми ?

@Xazon_Rezgi /136 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Ҳеч нарса керакмас. Дорилар орасидан додажоннинг овқат ҳазм қилдирадиган дориларидан ҳам биттасини ичиб олдим . Шу топда анча яхши бўлиб қолдим.
- Унда ётиб бироз дамингни олақол.
- Ҳозир ухласам сизни уйғотишга ҳам тура олмасам керак деб кўрқаман.
- Сен бемалол ухлайвер. Мен ўзим кетаман. Қолаверса уйқум ҳам ўчиб кетди.
- Ҳўп , унда ухлаганим бўлсин,- деди Ҳилола миннатдор оҳангда , - ўзи кўзларим юмилиб кетаётганди.

У ёстиққа бошини қўяр экан , сокин овозда Сулаймонга шивирлади :

- Айтганча , ошга кийиб борадиган кийимларингизни даҳлиздаги стулнинг суянчиғига ташлаб қўйганман...

* * *

Сулаймон тонг ёришмай кетганча шомга яқин кириб келди. У кеч қолиши мумкинлигини кундузи телефон қилиб айтиб огоҳлантирган бўлса-да , Ҳилола барибир ҳавотир олди

- Келдизми- я ? Ва ниҳоят ... - деди у Сулаймон уйга қайтгач , - ҳайрият қўйиб юборишдими ?

Сулаймон Ҳилоланинг илгари сира учратмаган бу таҳлит муомаласидан ажабланди :

- Ҳа , тинчликми ? ! Ё бирор гап бўлди ? - деди у синчков оҳангда.

- Бирор гап бўлсагина барвақт келармидингиз ? - деди Ҳилола ҳамон ҳуноби ошиб , - аммо айтиб қўяй . Ҳеч гап бўлгани йўқ. Шунчаки ...

- Нима шунчаки ? - Сулаймоннинг ҳамон хайронлиги ортиб

- Шунчаки негадир бугун уйлар ўз- ўзидан хувиллаб кетди. Куннинг ўтиши бирам қийин бўлди . Яна ...

- Эээ , бир оғиз сўз билан "Сизни соғиндим" деб қўяқолсанг бўлади- ку. Гапни ҳов тоғдан олиб келмай, - енгил тортди Сулаймон , сўнг юзини Ҳилоланинг юзига яқинлаштириб тегажоғлик қилди , - шундай қилиб мени соғиндингми ?

- Айтмайман! - деди Ҳилола унга чап бериб ташқарига йўл олар экан,- бироқ шуни айтишим мумкин-ки додажон ҳам кун бўйи сизни қайта - қайта сўрадилар. Тез чиқиб кўнгилларини хотиржам қилиб қўйинг- чи ?

Сулаймон кулимсираганча Ҳилолага эргашди.

- Ассалому алайкум, дада ?! Яхши ўтирибсизми ?! - Сулаймон телевизор кўриб ўтирган дадасига салом берар экан , узр сўраш оҳангида қўшиб қўйди , - кечиринг, бироз ушланиб қолдим . Тўйнинг майда - чуйда ишлари ҳеч тугамас экан.

Мирсаид ака Сулаймоннинг саломига оҳиста алик олди:

- Ваалейкум ассалом, болам . Келдингми ?! Яхши бориб келган бўлсанг бўпти . Фақат шу келин бугун анча безовта бўлди. Ўзидан сўрасам "Анжир еганимга ошқозоним безовта бўлди" деди. Тўғриси айтсам менга шу анжир еганим ёқмади. Ҳазми бироз оғирлик қилдими ё бўлмаса бошқа бир сабаб бўлди , билмадим. Хуллас келавермаганингдан кейин гузар бошига бориб келин икковимизга боржоми олиб келдим.

Аммо барибир сен келиннинг соғлиғига беҳафсала бўлма . Ўзи жуда чимхўр. Бу дегани иммунитет паст дегани. Менга қолса ўқишларинг бошлангунча бирров докторга кўрсатиб , озроқ муолажа олдиранг яхши бўларди.

- Ҳўп дада, мен уни эртагаёқ поликлиникага олиб чиқиб келаман,- деди Сулаймон дадасини тинчлантириб.

- Эртага?! Эртага яна тўйга кетасан шекилли ?! - сўради Мирсаид ака ўрнида ярим қўзғалиб

- У ерга ўн , ўн яримларда борсам бўлади , унгача Ҳилолани шифокорга кўрсатишга бемалол улгураман.

- Ундай бўлса яхши , - Мирсаид ака шундай деб ташқарига ишора қилди , - қара-чи келиннинг овқати пишдимикан? Боржом ичганим учун қорним пиёзнинг пўсти бўлиб кетди...

- Хўп дада ...

Сулаймон ташқарига йўл олди.

@Xazon_Rezgi /137 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Сулаймон ётоқхонага кирганда Ҳилола кеча ўзи олиб келган атиргулнинг ёнида унга тикилиб хаёл суриб ўтирганини кўриб ажабланди :

- Бугун бошқачароқмисан , Ҳилола ?! Бу вақтда китоб ўқиб ўтирар эдинг , шуни айтаяпгандим ?!

- Сулаймон ака ?! Нега гўзал нарсаларнинг умри қисқа бўлади ?!

Ҳилола бутунлай бошқа мавзудан гап очганига Сулаймон таажжубланди:

- Агар шу атиргулни айтаётган бўлсанг , у камида икки ой туради , ҳавотир олма. Бу борада бу гул ўз оиладошларининг вакиллари орасида анча бахтлиман десаям бўлаверади, у ҳам гўзал, ҳам узоқ умр кўради.

- Қанча ? Икки ойми? Шуми узоқ умр кўриши ? - Ҳилола лабини алам билан бурди.

- Нима бу сенга камми ? Сен учун бу гул қанча сўлимаслиги керак ?

Йўқ , умуман олганда сенга бир нима бўлгани аниқ ! Ана энди ростини айт , нима бўлганини ? - Сулаймон қизишиб кетганди.

Ҳилола тиззаларини қучиб хўрсинди :

- Билмасам . Ўзим ҳам ҳайронман,- у оғир тин олар экан, - нима учундир шу гулнинг сира ҳам сўлмаслиги, қовжираслигини истаяпман. Уни жуда қизғаняпман.

- Истасанг бўлди , - деди Сулаймон, - шу ҳам муаммоми ? Бу гул сўлиса гербарий қилиб оласан, мен эса унинг ўрнига янги ҳудди шунақасини совға қиламан. Келишдикми ? Қани энди бир жилмай-чи?! - Ҳилола жилмайди, Сулаймон сўзида давом этди,- мана бу бошқа гап. Шу жилмайишингга борман-да. Кулсанг чехрангда юлдузлар рақс туша бошлайди , сабаби сен нозик ойим - нозиккина парируҳсор Ҳилоламсан.

* * *

- Шу таҳлилларни топширсангиз бўлди . Жавобига эса эртага келасиз , - деди тонгда Ҳилолани кўриқдан ўтказган шифокор Лидия Феодоровна Сулаймонга,- аммо ҳозир таҳлил натижаларисиз ҳам айтишим мумкин бўлган бир гап - аёлингизнинг гемоглобини кам , қон босими эса паст. Мен сизга қуйидаги озиқ - овқат маҳсулотлари жадвалиини бераман, у ерда бир ҳафталик овқат рационини айнан Ҳилоланинг ҳолатидаги каби аёлларимиз учун мувофиқлаштириб тузилиб , тавсия қилинган. Шунга кўра овқатланиш менюси ва режимини йўлга қўйиб олсангиз , соғлиғингизга яхшигина фойда қилган бўласиз. Қолган гапларни таҳлил натижалари чиққач гаплашамиз. Келишдик- ми ?

- Сизга катта раҳмат , - Сулаймон шифокорга миннатдорчилик билдириб бўлгач, Ҳилолани ташқарига бошлади.

Улар уйга жимгина қайтишди.

- Ҳилола , биласанми шу тўйга сира боргим келмаяпти ? Негадир оёғим тортмаяпти ...- деди Сулаймон дарвозалари ёнига етиб машинасини тўхтатгач , - агар ваъдам бўлмаганда ...

- Ҳааа , бормасангиз кутишади , - деди Ҳилола ўйчанлик билан.

- Аммо сени сира ташлаб кетгим йўқ . Ўз - ўзидан кўнглимни қаттиқ ҳавотир чулғаб оляпти...

- Қизиқсиз - а , Сулаймон ака?! Мени бўри ермиди ? Жимгина уйда ўтираман. Қайтишингизга сиз яхши кўрган ширинликни пишириб қўяман.

- Майли , ундай бўлса куёв навкардан келишим билан уйга келиб кетаман,- деди Сулаймон Ҳилола меҳр билан боқиб , - балки никоҳ оқшомига бормаслик қарорингдан қайтарсан?! Бирга бориб келардик ?! Курсдошларимизни ҳам кўриб озроқ ёзилармидинг ?! А ?

- Сулаймон ака, шунақа гап ташлаб ўтираверсангиз , дўстларингизни куттириб қўясиз.

- Нима қилай сени ташлаб кетишга сира кўзим қиймаяпти ...
Мен ҳам кеча атиргулни қизғанганинг каби , сени қизғаниб кетяпман...

- Сулаймон акааа... Кеч қоласиз дедим...

- Хўп , хўп... Ҳа айтганча яна битта гап ! Бу энг мухими . Менга ваъда берасанми ?! - Сулаймон Ҳилоланинг қўлларини кафтларига олиб , кўзларига чанқоқ тикилди , - хўп дейсан- а ?!

- Нима ҳақда ваъда беришим керак ?! □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

48- ҚИСМ

Нимага хўп дейишим керак ?

- Ўзингни эҳтиёт қилишга ?!

- Ўзимни эҳтиёт қилишга ?! - такрорлади Ҳилола ва узоқ ўйланмай жавоб қайтара қолди , - хўп ўзимни эҳтиёт қиламан. Аслида айтганда бу жуда ёқимли таклиф бўлди.

Сулаймон унга муҳаббатга тўла кўзлари билан тикилди :

- Сени жуда яхши кўраман , Ҳилола. Мени десанг ўзингни эҳтиёт қиласан.

Ҳилола жилмайди :

- Энди борақолинг. Соат ҳам ўн бўлай деяпти. Дўстларни кутдириш энг ёмон одат.

Ҳилола машинадан тушиб эшикни ёпар экан, эрига хазиллашиб, эркалангиси келди ва ярим очиқ ойнага эгилди :

- Манга тўйдан "ох" обкелинг, хап?!

- Хап !

Ҳилола биринчи бўлиб ўзи кетмаса, Сулаймоннинг жойидан қимирламаслигини билиб ортга ўгирилди , икки одим қадам босиб яна кўнгли бўлмаё эрига қаради .

-Яхши бориб келинг...

* * *

Ҳилоланинг кўнгли нима учундир зим- зимистон бўлиб кетаётган эди. "Тавба,- дея ўйлади у,- офтоб чарақлаган кунда бу нимаси эди ?! Негадир ҳеч қўлим ишга бормаяпти-я ?! Аммо тушликка бир коса бўлсаям иссиқ овқат солишим керак. Кейинги пайтларда додажоннинг ошқозонлари салга безовта қилаяпти ўзи. Ундан кейин Сулаймон акамга сиз яхши кўрган ширинликни тайёрлайман деб ваъда ҳам бериб қўйганман"

Ҳилола шу хаёллар оғушида кийимларини алиштириб чиқиб ошхонага ўтди. Кеча тайёрлаган анжир мураббо ва жемли банкачаларини ертўлага олиб тушиб жойлаб қайтгач , овқатга уннади. Тушликка озроқ котлет, картошкали пюре ва гуляш пиширди. Орада Сулаймон яхши кўрган бисквитдан тайёрлаб , творогли начинка ва қаймоқли кремда безатди. Начинка орасига духовкада озроқ тоб берилган ёнғоқ маъзидан солишни унутмади . Ширинлик устини эса музлаткичда турган малина мевачалари билан чиройли қилиб безатди.

Ҳилола Мирсаид ака билан бирга тушлик қилиб олишди. Овқат устида у додажонисини ўз соғлиғи юзасидан қизиқтирган саволларга жавоб бериб , хотиржам қилгач , у кишига яқинда пиширган ширинликдан бир ликобча илинди ва ўзи ошхонани саранжомлашга киришди.

Ҳилола барча ишларни якунлаб ётоғига киргач , ўрнига бориб бироз чўзилди, сўнг кўзларни юмиб хаёлга чўмди. Сулаймоннинг эрталабки сўзлари ёдига тушиб жилмайди:
"Сулаймон акам бугун бироз бошқачароқ эдилар а ? Майли шунисига ҳам шукр. Ойижонимизни тупроққа топширганимиздан кейин илк бор бугун юзларида табассум кўрдим шекилли, ўзиям, - Ҳилола хўрсинди , - хаа уларгаям осон бўлгани йўқ у кунлар..."

Ҳилола қўлини чўзиб тумба устидаги телефонини олди. Унинг хотирасидаги оилавий суратларни бирма- бир кўздан кечира бошлади. У анча вақт шу юмуш билан машғул бўлди. Кадрда муҳрланган суратлар Ҳилолани яқин ўтмишга етаклаб кетди.
Ҳилола хаёллар оғушида кўзи юмилганини сезмай қолди...

Кўча эшигининг кўнғироғи жиринглашидан уйғониб кетган Ҳилола дастлаб уйқу аралаш бироз гарангсираб ётди. Кўнғироқ асти тинай демасди.

Ҳилола ўрnidан туриб "Ҳозир" деганча ҳовлидаги сув жўмрагида юзини енгил чайиб дарвозага етгунча ҳам кўнғироқ жиринглайверди.

Ҳилоланинг юраги нохуш бир нарсани сезгандек гурсиллаб уриб кетди.

Эшикни очган Ҳилола Маҳина амма ва Мирсобит амакиларни кўриб ҳайрон қолди. Аранг салом бериб уларнинг докадек оппоқ бўлиб кетган юзларига термулди

- Мирсаид қани ? - Ҳилоладан сўради Мирсобит ака алиқ олишни ҳам унутганча.

- Шу ердан , ака. Тинчликми , нима гап ?! - остонада Мирсаид аканинг қораси кўринди.

- Мирсаид ука, - деди Мирсобит ака укасини бағрига босганча оғир ютиниб , -илтимос ўзингни қўлга ол.

Мирсаид аканинг ранги қув оқариб кетди . У акасини ўзидан итарганча титроқ овозда сўради :

- Тушунтириб айтинг , ака ?! Тинчликми ?

- Ука , - Мирсобит аканинг боши эгилди .

- Мирсаид укажон , Сулаймон...

- Нима Сулаймон ?! - Мирсаид ака опасидан деярли бақириб сўради , - боламга нима бўлди ?

- Ўзингни бос , ҳеч нарса қилмабди. Шунчаки машинасини тоғ йўлида бироз туртиб юборишибди. Ҳозир шошилич тез тиббий ёрдам марказига олиб келаётишганмиш. Мираъзам ўша ерга кетди.

@Xazon_Rezgi / 139 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака шилқ этиб ерга тиззалаб қолди.

- Опа , болам ростдан соғми ... - дея олди у .

Ҳилола дарвозага суюнганча қотиб қолганди :

"Мана нега ?!

Мана нега юрагим зим - зимистон бўлган экан ?!- алам билан ўйлади у , - мана нега Сулаймон акамнинг у ёқларга оёқлари тортмаган экан?!

Мен аҳмоқ "Дўстларингиз кутиб қолишмасин ?!" деб уларни тезлабман- а ? Ишқилиб жонлари соғ бўлса бўлди.

Сулаймон акааа ! Мен ва додажоннинг бахтларига жонингиз соғ бўлсиин !"

Мирсобит ака укасини суяб ҳовлига олиб кирди. Уни кенг саҳндаги каравотга ўтқазар экан, негадир Хилола эмас, Маҳина опадан сув олиб келишни сўради.

Опаси олиб келган муздек сувни ичган Мирсаид ака ожизгина ингради :

- Акааа , тўғриси айтинг , болам омонми ? Мен нега ҳалиям бу ерда турганимизга ҳайронман ?

Ака, юринг боламни олиб кетишган касалхонага борайлик.

- Ука , - оғир тин олди Мирсобит ака , - у ерга борганимиз билан ҳалақит қилишдан бошқасига ярамаймиз. Яхшиси шу ерда дуо қилиб тураемиз.

- Ака, сиз мени тушунмаяпсиз шекилли ? У ерда барчасидан хабардор бўлар эдик.

- Маҳина опа , сиз келинни ичкарига олинг , - деди Мирсобит ака гапни бошқа томонга буриб, сўнг ўзига илтижо билан боқиб турган Мирсаидга қаради,- Мираъзам казо- казо дўстларини

ишга солиб барчасини ўзи амаллайди.

Ҳилола Маҳина опа ўзини етаклаган хонага киргач, унга илтижоли тикилди :

- Жооон аммажон , жиянингизга нима бўлгани ҳақида билганларингизни айтинг.

Мен ...

Мен негадир кўрқиб кетяпман ...

Юрагим қинидан чиқар даражада гурсиллаб уриб кетяпти. Илтимос , адамларга қўнғироқ қилайлик. Улар бизни Сулаймон акам ётган касалхонага олиб борсинлар ...

Маҳина амма Ҳилолани бағрига босди.

- Хўп болам ... Хўп ... Фақат бироз сабр қилайлик. Сулаймон ҳали йўлда экан. Етиб келишига биз ҳам борамиз ...

Маҳина амма Ҳилолани тинчлантирар эди- ю , аммо ўзи дир- дир титрарди.

Кўп ўтмай ҳовлини одам боса бошлади.

Барча Сулаймонга ҳеч нарса қилмаганлигини бот- бот такрорлар эди- ю , аммо негадир рангларида - ранг йўқдай эди.

Ҳилоланинг юрагига борган сари ваҳм оралай бошлади. Ҳавотирлиги кучайиб кетди. У ҳовлига чиқиб тоза ҳаводан нафас олгиси , шу баҳонада додажониси билан кўришгиси келди. Ҳилола шу топда додажонисигина ўзига далда ва таскин бера олишини тусмоллади.

Аммо аёллар уни ҳовлига чиқишига изн беришмади :

- Ҳовли тўла эркак, ҳозир уларнинг ёнига яқин йўлашингиз одобдан эмас ...

Шу аснода борлиққа шом қўна бошлади.

Қайсидир дақиқада Ҳилоланинг қулоғи чим битди. У ўзига нима бўлаётганини англай олмай ҳайрон бўлди . Қулоғи остида Сулаймоннинг шивир эшитилгандек бўлди :

"Ўзингни эҳтиёт қил"

Ҳилола Сулаймонни ахтариб атрофга телбавор тикилди ...

Шу вақт ҳовлидан Мирсаид аканинг ёввойи овозда ўқирган овози эшитилди :

- Отасининг гўрига тушган болеееемм...

Ҳилола аввалига бу овоздан келган маънога тушунмади. Сўнг бирдан шъуурида ожизгина нимадир "йилт" этди. Ана шу йилт этган туйғу барисини Ҳилолага англата олган эди...

" Демак...

Демак !!! "

Ҳилоланинг нафаси бўғилди. Ҳарсиллаб калта - қисқа нафас ола бошлади. Бу орада кўз қорачиқлари кенгайди . Зум ўтмай ёнбошига "гуп" этиб йиқилди.

У бу дунёдан буткул "узилган" эди.

@Xazon_Rezgi /140 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола кўзини очганда ўзини онасининг қучоғида кўрди. У "Ойижоон" деб дод солмоқчи бўлди , аммо овози чиқмади. Унинг лаблари қуруқшаб кетган , қимирлатишга эса мажоли қолмаган эди.

Ҳилоланинг кўзини очганини кўрган Роҳилахон опа уни бағрига янада қаттиқроқ босди :

- Қизим , жон болам ... Менгина куйдирма, менгинани ёндирма ...

У Ҳилоланинг бошини авайлаб кўтарди. Ёнида турган пиёладаги сувни қизининг лабига тутди. Ҳилола дод солиши учун шу сувни ичиши , лаби ва оғзини намлаб олиши кераклигини фаҳмлаб пиёлага энгашди. Лаблар, оғиз , томоқ..., юрак ҳиёнат қилган жойда кўзлар ўз вазифасини унутмабди, вафодорлигича қолибди... Ундан думалаган ёшлар сув ичишга энгашган юздан узилиб пиёладаги сувга томди :

"Чааак" ...

Атрофга тим қоронғилик тушибди. Ҳилола ҳовли ва хоналар эркак- у аёлларга лиқ тўлганлигини кўрди. Барчалари , айниқса аёллар, оғзиларини рўмоллари билан тўсганча паст овозда юм- юм йиғлашар эди.

Ҳилолага келгувчиларни фарқи қолмагандек эди гўё. У онасининг бағридан узилишни хоҳламас, шу топда энди дунёни бус- бутунлигича таний бошлаётган беш ёшдаги қизалоқлик пайтига қайтиб қолишни , ҳозирги ҳаётини буткул унутишни истар эди.

Бир вақт ҳовли тўс - тўс бўлиб қолди. Ташқаридаги "Олиб келишди , олиб келишди" деган шивир- шивир овозлар ичкаригача сизиб кирди. Ҳилола гап нимадалигини тушунди . У бошини қайси куч билан шарт кўтарганини билмади. Табақаси очиқ деразадан бор бўйи билан оқ мато ташланган Сулаймоннинг танаси шифохона замбилида олиб кирилатганига кўзи тушган Ҳилола ўзиникига буткул ўхшамаган овозда чинқириб юборганини ўзи билмай қолди:

- Сулаймон акаааа !

Йўқ !

Ҳилоланинг лаб, оғиз , томоқ , ... юраги унга ҳиёнат қилмаган экан. Улар фақат энг керак фурсатни кутиб туришган экан!

Сулаймонни кўтариб кираётган йигитлар ҳам Ҳилоланинг чинқириғини эшитиб жойларида бир зум довдираб туриб қолдилар ва ҳовлидагиларнинг кўрсатмалари билан яна йўлларида давом этдилар ...

Роҳилахон опа Ҳилолани юзини маҳкам бағрига босди ...

Сулаймонни бундан салкам икки ой аввал онаси Мастура опанинг майити чиқарилган хонага олиб ўтишди.

Худди ўша хона...

Худди ўша жой...

Қиблага бўйлаб солинган пахталари кўпчиб турган уч кўрпадан уч қават қилиб солинган оҳорли тўшак...

Худди ўшандай...

Фақат бу сафар жой эгаси бошқа инсон эди ...

Фақат бу сафар жой эгаси Сулаймон эди ...

Йигирма икки ёшида бу ёруғ дунё билан видо битимига имзо чеккан Сулаймон... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

49 - ҚИСМ

Ховли ва хоналарда "дард қозони" қайнай бошлади ...

Мусибат инсонларни бирлаштиради деганлари рост ...

Кутилмаган ғамдан гангиб қолган ҳалойиқ - қариндош , таниш , билиш , эркак-у аёл ўзининг яқинида турган инсонлардан таскин ахтарар эди...

- Нима бўлибди ўзи ?! Пешинда ҳеч гап йўқ эди-ю ?

- Мен уни эрталаб кўргандим...

- Одамзоднинг ҳоли шу экан- да. Бугун бор , эртага йўқ. Ҳатто бир соатдан кейин нима бўлишингни билмайсан ...

- Эссиз гулдек йигит , ерга битиб кетибди- да...

- Бу шунақа дунё... Омонат ... Барг ёзган ҳар куртак бир кун хазон бўлишга маҳкум...

- Тўғрику-я , аммо бевақт хазон бўлиш аламли, жуда аламли. Тағин ҳам одамзод деганлари филдек бардошли бўларкан.

- Нима дейишяпти ўзи ?! Кимдир бўлган ҳодисанинг аниғини биладими ?!

- Айтишларича , куёвнавкарлар келиннинг уйидан Тошкентга қайтишаётган вақт рўпарадан юк машинаси булар тарафга бостириб келиб қолибди. Бояқиш Сулаймон видеочини олиб юргани учун дўстларидан анча олдинда кетаётган экан. Юк машинасини ўзларининг устларига тўсатдан бостириб ҳайдаётганини кўрган йигит шўрлик рулни қалтис буриб юборган эмиш. Спарк трассада чикиб кетиб йўл чеккадаги чинор дарахтига зарб билан бориб урилибди.

- Юк машинасининг эгаси жинними ? Нега уларнинг устига ҳайдайди? Ё атайдан қилибдими ?!

- Ўша шопирнинг кўзларини йўлда уйқу элитиб қолган экан дейишяпганмиш. Унинг ўзи ҳам сал нарига бориб машинаси билан ағдарилиб кетибди. Шопирни ҳам дунёдан ўтган дейишяпти.

- Дейишяпти , дейишяпти , дейишяпти ?! Аниқ маълумот берувчи бирон кимса борми ўзи ?!

- Сулаймоннинг машинасини олд тарафи қаттиқ пачоқ бўлибди. Видеочи йигитнинг қўли, оёғи ва қовурғалари синибди. Юзлари шилиниб, дўмбира бўлиб шишиб кетибди . Аммо Сулаймоннинг танасини бирон жойи хаттоки тирналмабди ҳам. Шунинг учун уни жони танасини тарк этган бўлса- да , қаттиқ хушидан кетгандир деб ўйлашибди. Машинадан суғириб олишганда бурнидан озгина қон сизиб чиқибди халос.

- Ё тавба! Сал аввал раҳматли Мастура опа шунақа чиройли бўлиб оламдан ўтгандилар . Энди ўғиллари...

- Бурнидан қон кебтими ?

- Ҳаа . Касалхонадан бу ерга олиб келишаётганда ҳам яна шунақа озгина қон чизиқ бўлиб оқиб, лабга етмай тўхтаб қолибди. Ашраф амаки борлар- у , махалла бошида турадиган. Ўшалар: "Бу йигит шаҳид мақомида кетибди, ўлгандан кейин ҳам тўхтамаган қон шундан далолат" деганмишлар...

- Шаҳид мақомида кетганини билмадим- у , аммо асл йигит эди. Қачон қараса икки қўли кўксиди , оғзидан саломи аримасди. Аллоҳ жаннатларидан жой берсин раҳматликка.

- Во дариғо , во дариғ. Эрталаб бор инсон кечга бориб "раҳматлик" номини олса, юрак бурда - бурда бўлиб кетаркан- а ?

- Қийма - қийма , нимта- нимта денг ?!

- . Шундай , шундай ...

- Мирсаид акани айтмайсизми ? Ҳеч кимсани бошига солмасин ! Тугади ота дегани , тугади . Ёнмай кул бўлди, қўйди .

- Айтишади- ку "Отамлатсанг отамлатгин , бўтамлатма" деб .

- Жаноза бомдодга белгиланибди. Мозор бошига гўрковга ёрдамлашишга ўнта йигит чиқиб кетибди . Бари синфдошлари экан. Бари йиғлаб хун - бўкиб кетишибди. Катталар "Бунча одам кўп , қарашгани уч- тўрттанг етасизлар, қолганинг бошқа ишни қилларинг " десалар ҳам , ҳеч бири қолишга кўнмабди.

- Ўзи бўладими бу аҳволга чидашни ? Ҳозир кўчада ҳам ҳалойиқ лиқ- лиқ. Дўппингни отсанг ерга тушмайди. Ўзим ҳам бу ерга зўрға кириб олдим.

- Яхшилик уруғини экиш учун, яхши ном қолдириш учун неча ёшга киргани фарқи йўқ экан- да .

- Мен ҳаммадан ҳам аёлига ачинапман. Нима кўрди шўрлик?! Аввал қайнонаси , энди эри ...

- Раҳматликдан ақалли битта туёқ ҳам қолса майли эди- я ...

- Шуни айтинг...

@Xazon_Rezgi / 142 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Сув , сув олиб келинг ! Илтимос , хонани сал бўшатиб ! Озроқ ҳаво кирсин!

Ичкарида бирдан шовқин бўлиб кетди .

- Тинчликми , нима бўлди ?!

Барчанинг диққати ичкари хонага қаратилди :

- Ҳилола... Келин тарракдек қотиб қолганмиш . Кўзлари очиқ , лекин қўл - оёғи ишламай тош қўғирчоққа айланиб қолибди .

- Бояқиш ... Энди буниси бормиди ?

- Йўл беринг ! Ўтказворинг ! Тез ёрдам келди.

Ҳилолага кетма - кет учта укол қилишгандан сўнг ярим соатларда ўзига келди. Кўзларини пирпиратиб очиб , юмди. Аммо бошида турган онасини танимади . Индамай , лўқ бўлиб ётаверди.

- Болам , куйдирма мени , жон болам , - Роҳилахон опанинг юрак - бағри хун бўлиб кетганди , - сенга куйайми , унга куйайми , кимга куйай ? Шу вақтда аксига олиб аданглар ҳам йўқликларини айтсанг - чи ?! Белорусия ҳов этиб чақирса етиб келадиган жой бўлса экан- ки , уларга хабар берсам. Симпозиумлари шу вақтга тўғри келганини қара болам .
Роҳилахон опа қайғунинг зўридан зумда унниқиб кетганди.

- Опажон , - деди тез ёрдам шифокори Доно опа Роҳила опани четга тортиб , - илтимос , қизингизни тинч , бироз ҳоли қўйинг . У бўлган воқеаларни тан олгиси келмаганидан шундай ҳолатга тушиб қолган. Бошқача айтганда навнихол организм бўлган воқеаларга қарши кураш эълон қилган. Уколлар таъсирида ҳализамон ўзига келиб қолади. Қанча тинч қўйсанглар , шунча тез ўзига келади. Уни шу аҳволда бошқа осийишта хонага олиб чиқа олмаймиз . Аммо бу ердагилар хонани бўшатиб қўйсангиз яхши бўларди,- шифокор шундай деб Роҳилахон опага кўз ташлади , - онаси экансиз , сиз қола қолинг...

- Азиза , бу келинни ҳали Лидия Феодоровнанинг қабулида кўрган эдим чамаси , - деди шифокор анжомларини саранжомлаётган ёрдамчисига,- ўшанда ёнида ...

Шифокор Доно опа бирдан лаб тишлади.

Ёрдамчиси унга "Гапирманг" деган ишорани қилди.

"Эссиз ,- дея ўйлади Доно опа барига тушуниб , - бирам кўркам йигит эди- я. Иккиси худди узукка кўз қўйгандек мос эди...Эссиз..."

Ҳилола шу ётганча уч соатларда тилга кирди :

- Сулаймон акааа ... Сулаймон акамга бораман ...

Бу вақтда тез ёрдам ҳизматчилари кетган , Ҳилоланинг бошида Саодатхон ўрин алишган эди.

- Ҳилола ... - деди у аста ...

- Дийдорларига сўнгги бор тўйиб олишим мумкинми ? - ялинч овозда ингради Ҳилола, - шу билан энди қиёматда кўришамиз. Унга эса неча йил , неча аср...билмадим қанча фурсат керак бўлар экан ?!

Саодатхон Ҳилолага жиддий тикилди. Бу билан унинг аҳволини чамаламоқчи бўлди .

- Яхши , - деди у ваниҳоят бир қарорга келиб , - фақат битта шарт билан. Ўзингизни маҳкам ушлайсиз.

Ҳилола индамади ...

Ҳилолани Саодатхон ва Ақида келиноий икки ёнидан суяб Сулаймон ётган хонага олиб киришди.

Хонадагилар сўзсиз сурилиб Ҳилолага жой беришди. Фақат Мирсаид акагина ўтирган жойидан жилмади.

Ҳилолани Сулаймоннинг бош тарафига Мирсаид аканинг қаршисига олиб бориб ўтирғизишди.

- Сулаймон акааа... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

50- ҚИСМ

Ҳилола гапирай деди-ю , овози чиқмади. У тинмай йиғлар эди. Аммо кўзидаги ёшлари гўёки қуриган кўл каби ўз томчиларини эгасига бермай қўйганди...

Йиғи кўз ёшсиз ...

Кўз ёш ўрнига фақатгина ингроқ ...

"Сулаймон ака ... - хаёлан эрига савол бера бошлади Ҳилола , - нега бундай бўлди ? !

Нега сизни кетишга тезладим ?!

Мен бўлдимми ҳаётингиз зомини ...

Бари шунча қисқа бўлганлиги учун муҳаббатимиз шунча оташинмиди ?

Менга бир саволга жавоб бериб кета оласизми ? ! Энди мен қандай яшай ?! Умримнинг қайси мазмуни учун ҳаракат қилай ?!

Сизсизликда яшашим шартми менинг ?! Қуруқ сурат бўлиб яшашдан не маъно ?!

Ахир юрагим , қалбим , кўнглим сизда эди- ю ?!

Буларнинг ҳам эгаси энди тупроқ бўлди ..."

Ҳилола Сулаймонга айтиб - айтиб йиғлайверди...

На кўзидан ёш чиқди , на тилидан сўз учди...

Аммо дилининг бўлари бўлди. Бўлганча бўлди.

Тирналди...

Титилди ...

Тўкилди ...

- Вақт алламаҳал бўлиб қолди,- деди маҳалла раиси остонада туриб дона- дона гапирганча, - руҳсатингиз билан марҳумни покласак. Сўнги манзилига борар олдидан ҳурматини бажо қилиш фарзимиз. Қиёматда қад ростлаш фурсати етганда хуш рухсорли бўлиб уйғонсин.

Хонадагилар раиснинг сўзидан ҳаракатга тушгандек бўлдилар.

Бироқ Мирсаид ака ва Ҳилолага унинг сўзлари таъсир қилмади. Улар ўтирган жойларида бемажол қилт этмай ўтиравердилар.

Қариндошлар қарашса бўлмайдиган. Мирсобит аканинг ишораси билан Мираъзам ўғли билан Мирсаид аканинг қўлтиғидан олишди . Мирсаид ака уларга қаршилиқ қилмади, аниқроғи қаршилиқ қилишга-да қуввати қолмаган эди.

Саодатхон билан Ақида келинойи ҳам Ҳилолани худди қайнотаси каби олиб чиқиб кетишмоқчи бўлиб кўлидан тутиб турғизишган маҳал у оёғини икки , уч қадам босди- ю уларнинг кўлидан чиқиб кетиб мувозанатни ушлай олмай гурсиллаб ерга йиқилди. Ҳилола эри Сулаймоннинг ёнида бутун бўй - баста билан ҳушсиз ётарди.

Гўёки ...

Бир олманинг икки палласи каби ...

Уларни бу аҳволда кўрган қариндош- уруғларнинг барчалари "дод" дея аюҳаннос солиб юборишди.

Барчани Мукаррам келинойи бир сўз билан тинчитди.

- Сулаймонни дунёга келиши қўлимизда бўлганми эди ?

Ё кетишига қаршилиқ қила оласизми ?

Нима томоша бу ?!

Бу ҳаракатингиз билан уй эгаларининг қон сирқиллаб оқаётган ярасига туз сепманг ! - Мукаррам келинойи шундай дея туриб атрофга аланглади ,- Малоҳат , келинг бу ёққа ! Қарашиб юборинг! Ҳилолани кўтариб олиб чиқамиз.

Ҳилола нариги хонада ўзига келди. Аммо кўп ўтмай Саодатхон қилган тинчлантирувчи укол таъсирида кўзларини бемажол юмди...

Сулаймонни поклашгач, Мирсаид ака учун деб сандиққа ташлаб қўйилган ўлимликка кафанладилар.

-Кўп ҳолларда олиб қўйилган бу дунё ашёлари ўз эгаларига-да вафо қилмас экан , - деди бурчакда ҳамон пиқ- пиқ йиғлаётган Маҳина амма , - руҳимиз жасадимизга шу қадар омонат, дунёнинг эса ўткинчилиги ҳақида сиз- у бизга яна қанақа далил- исбот керак ?!

Бомдод ўқилишига бир соатча вақт қолганда Сулаймонни олиб чиқиб кетишга шай бўлишганди.

- Келин қани ? Охирги марта эрини кўриб қолмайдими ? - аёллар бир зумда шивир - шивир қилишга тушишди.

- Бояқишда яна нима қасдинлар бор ?! Шундоқ ҳам қуруқ устихони қолди шўрликни , ўз ҳолига қўйинлар? - дедилар бир гуруҳ аёллар

- Аммо тобутни кўрса совиши осон бўлади дейишар эди-да , - дедилар яна бошқалари .

- Ким айтибди шу ақлли гапни, ўзи тобутни кўриб совиб олган эканми ?! - деди унинг ёнидагилар

- Нима ёмон бўлсин деяпмизми ?! Бизга қолса тобутда бўлса ҳам кўргани маъқул , шу билан дийдор қиёматгача !

Саодатхон Ҳилолани суяб олиб чиққанда аёлларнинг уни зумда ўчди.

Ҳилола зинадан туриб ҳовлининг нариги тарафидан олиб чиқиб кетилаётган эрининг тобутига қарар экан , базўр шивирлади :

- Мен сиздан розиман , сиз ҳам мендан рози бўлинг...

@Xazon_Rezgi /144 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Саодатхон бояги ҳолатдан кейин анча тажрибали бўлиб қолганди. У Ҳилола яна ҳушини йўқотиши мумкинлигини назарда тутиб уни маҳкам қучиб олган , Малоҳатга ҳам шай бўлиб туришини тайинлаб қўйган эди.

Уларнинг ёнгинасида турган Роҳилахон опанинг қон босими бирдан кўтарилиб кетгач, Нигора ва Мастура қизлари ё онаси, ё сингисининг дардига дармон бўла олмай жон ҳалак бўлиб қолган эдилар.

Тобут елкага олинган заҳоти ҳовлини шитир - шитир овози тутди . Ёзнинг илиқ субҳидамида соҳир табиат Сулаймонни эрка дилбанди ёмғири билан сийлаб кузатиб қўйишни ихтиёр қилган эди.

- Ер- у осмон баробар йиғлади,- деди қўлини ёмғирга тутганча бошини сарак - сарак қиларкан Зоҳида ҳола йиғламсираб , - Мастура сингилжоним, ёлғизгинанг ёнингга шошди- я , ёнингга шошди ...

Саодатхон тобут чиқиб кетгач, Ҳилолани ичкарига етаклади.

Ҳилола унга қаршилик қилмади. У оёқларида базур турар , аъзойи баданини дир- дир қалтироқ босаётган эди. Ҳилолани ичкарига олиб кириб ўринга ётқизишганда қалтироқ қаттиқ кучайган, тишлари тишларига тегиб такиллай бошлаганди.

- Осма укол қуймасак бўлмайди. Тез ... Мен ретцеп ёзиб бераман. Кимдир дорихонага бориб келсин .

- Мен бориб келаман, - деди Ҳилоланинг опаси Нигора , - илтимос онамларга ҳам керакли дорини ёзиб берсангиз, машинада зумда етказиб келаман.

Саодатхон Нигорани кўп куттирмади. Нигора ретцепли қоғозни олиб кўчага ўқдек отилди.

- Унгача Ҳилолани кўл- оёқларини уқалаб турайлик. Кимдир асал ёки новвот чой қилиб келсин. Қуда ҳоламларга эса кўк чой дамлаб келинг .
Саодатхон барчани бирдек ишга солиб юборди.

Нигора етказиб келган томчи дори уланиши билан кўп Ҳилоланинг қовоқлари оғирлаша бошлади.

Ҳилола шу ётганча қанча ухлаганини (агар буни ухлаш деймоқлик жоиз бўлса) ўзи билмади. У дунёдан буткул узилган эди. Унинг руҳи туш аталмиш кемада ўн саккиз минг оламнинг қай бирида сузиб юргани ўзига қоронғи эди. Аниғи эса шу эди- ки , у билан бирга Сулаймон ҳам тушининг ҳамроҳи эди.

Ҳилола ора- орада уйғонди. Бироқ кўзини очмади.Ўзининг уйғонганини атрофдагилар билиб қолишидан чўчиди. У Сулаймонсиз дунёга қайтгиси йўқ эди.

Саодатхон унинг аҳволини яхши тушунгани учун таом ўрнини босадиган қувватдориларни осма укол орқали жўнатишни маъқул деб ҳисоблади.

Шу тариқа бомдодда кўзини юмган Ҳилола асрдан ошганда ҳам кўзини очмади.

@Xazon_Rezgi /145 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

* * *

"Ҳилола ва бош- оёқ оппоқ қийинган, аъзо-и баданидан нафис нур таралиб турган Сулаймон ним қоронғи туманли боғда кетишаётган эмиш. Боғнинг тўрига етай деб қолишганда Сулаймон аёлига ўгирилди:

- Энди кетишим керак,- деди у Ҳилоланинг кўлларидан тутиб.

- Кетманг , илтимос , - ўтиниб ёлворди Ҳилола ...

- Иложим йўқ...- хўрсинди Сулаймон.

- Кетманг ...

Кетманг ...

кетмааанг ...

Ҳилола йўқлик қаърига сингиб кетаётган Сулаймоннинг ортидан алам билан шивирлади ...

Сулаймон борган сари тезлашиб кета туриб оёғини ерга қаттиқ босган бўлди. Шу пайт унинг оппоқ туфлисининг пошнаси отилиб Ҳилоланинг қўлига келиб тушди .

Ҳилола шу топда ундан қолган ёлғиз ёдгор пошнани бағрига босди ва шивирлади :

- Кетмааанг ...

Сизсиз қандоқ яшайман... ?!

Сизсиз қандоқ яшайман... ?! "

* * *

Ҳилоланинг кун бўйи ўрнидан турмаганлигини Саодатхондан эшитган Мирсаид ака сесканиб кетди. У ёшли кўзларини рўмолчасига артиб Саодатхонга ялинч ифодада қаради :

- Келинимни кўрсам бўладими ? Унинг ёнига киришим мумкинмикан ?

Саодатхон бир кунда бор- будидан айрилган қариянинг сўнгги илинжидан айиргиси келмади :

- Албатта почча. Албатта киришингиз мумкин ...

Ҳилола ётган жойида эшик ғирчиллаганини эшитди. Кимларнингдир кириб келганини ҳис қилди , аммо кўзини очмади. Келгувчилардан бири Саодатхон эканлигини овозидан билганди, аммо иккинчиси қайнотаси эканлигини тез орада илғади. У қайнотасининг кийимларини ювиб дазмоллаганда доим ўзи оз- оздан сепиб қўядиган Ҳаждан келтирилган мушк- анбар ҳидини "таниган эди".

Ҳилола энди ҳам ёта олмаслигини , турмаса бўлмаслигини ҳис қилди . У қайнотасининг ёнида оёқларини узатиб ётиш ўзи учун кечирилмас бефаросатлик , оғир таъна эканлигини билар эди.

Ҳилола кўзларини базўр очди. Тирсақларига таяниб турмоқчи бўлди. Қўлига санчиб устидан маҳкамланган осма укол игнаси бунга моънелик қилди.

- Қўзғалма , болам.

Ҳилола шунда ҳам бошини кўтаришга ҳаракат қилди. Аммо уddалай олмади. Қуввати етмади.

- Болам , туззукмисан ?!

Мирсаид ака ўзи англамаган ҳолда Ҳилолани сенсираётган билмас эди. Айни чоғда Ҳилола ҳам буни англайдиган аҳволда эмасди .

Қайнотасининг ҳол сўрашидан Ҳилоланинг кейинги икки кунда пажмурда бўлиб кетган дийдаси янада абгорлашди.

Унинг қовоқлари пир- пир учди. Кўзлари беихтиёр ёшланиб келди. Мижжаларига энг сўнгги исён икки томчи ёш амал- тақал қалқиб чиқди. Қуруқшаган лаблар қайнотасига дил туғёнларини ифода қилишга аранг илож топди:

- Бу дунёда қолгим йўўқ...

Яшагим келмаяпти , додажоон ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

51- ҚИСМ

- Қизим ...

Болам ...

Куйган юрагимни куйдирма , жон болам ... - Мирсаид аканинг кўз ёшлари ғамдан куйиб унниқиб кетган юзларини ювиб туша бошлади , - мен ҳам "Бу кунларни кўргунча ўлганим яхши" деган бўлардим , на қилай-ки Аллоҳдан қўрқаман, болам. Ундан ҳаё қиламан. Ахир унинг ягоналигига, тақдир ўзидан эканлигига иймон келтира туриб , унинг иродасига қандай қарши чиқа олар эдим ?! Берганида суюндим , олганида куйиб кул бўлдим, чорасизликдан адо бўлдим , бироқ бошқа нима келади ночор қўлимдан ?! Айтгин , болам ?! Жон қизим ...

Билсам Яратган эгамнинг фоний дунёсида биз барча инсонлар вазифадор эканмиз . Зиммасидаги вазифамизни , яъни, Аллоҳнинг иродасини бажариш учун келган эканмиз бу ёруғ оламга. Шу аснода кимлардир, бизга кўрингани каби, бевақт дунёдан ўтар экан... Кимдир эса улардан кейин ҳаётда сабот билан яшаб қолишга маҳкум экан... Буларнинг бари эса аслида пешонамизга ёзилган тақдири азал ...

Қизим ... Сен ва мен ҳозир иккинчи тоифадаги инсонлар қаторида қолдик. Билганим шу ... Яна ҳам билгучи Аллоҳ...

Болам , ким , қачон кетади бу ёлғиз ўзига аён ... Сен яна "Бу қария кўзининг оқу- қораси фарзанди дунёдан ўтгани сабаб , мияси айниб нима деяётганини ўзи билмай валдираб ўтирибди" деб ўйлама ... " Ёлғиз жигарпорасини тупроққа топширган отанинг гапими шу?" дея хайрон қолма...

Қаршингдаги сен билганинг додажон эмас ... Балки боридан - йўғидан , умиди , бахтидан бир йўла ажралиб қолган , юраги азиз инсонлари билан аллақачон тупроққа дафн қилинган, бунда қуруқ шакл ва шамойилигина қолган бир кимса...

Бундан буёғига орзуларининг рўёбини ўз ўлимида деб қарор чиқариб қўйган мосуво ...

Фақат ўлими сабаб жаҳонларга алишмас тан - маҳрами, жуфти - ҳалоли Мастураси ва кўзининг оқу- қораси Сулаймонига етиша олишига кўзи етадиган абгор...

Мен яна ўзимни ким деб атай болам ?!

Бу уйда "Бир - бирига умр бўйи тасалли берса-да яраси эт олмас икки бахтиқаро яшайди" деб дод солсам кўнглим таскин топармикан ?

Аmmo ...

Қизим ... Шуни бил-ки, Аллоҳ бирни олса иккини беради деганлари рост.

Мастурам мени тарк этганда сен ва ўғлим икки елкамдан суяб қолган эдинглар ...

Энди эса ...

Сен келин эмас қизим бўлиб қолдинг ...

Биласанми, Сулаймон тоғдан уйга қайтаётганда , яъни ўлимидан ярим соат олдин менга кўнғироқ қилганди.

У :

"Яхши ўтирибсизми , дада ?!

Сизни жуда яхши кўраман.

Ҳилола қизингизга мен йўғимда ўзингиз қараб турарсиз- а ?!" деб сўраганди. Мен унга "Албатта болам , айтмасанг ҳам келинни қизим ўрнида кўраман" дегандим.

Энди билсам... Бу сўзлар васият экан. Ёлғизимнинг васияти ...

Мирсаид аканинг йиғлай - йиғлай қуввати қолмади шекилли , юз- кўзини рўмолчаси билан артганча сўзида давом этди:

- Энди яшашим учун сен - қизим ва бўлажак набирам менга умид учқуни бўлиб қолдинглар чоғи ...

Ҳилола ётган жойида сергакланди.

- Додд... Додажон ... Нималар ... Нималар деяпсиз ?! - деди у кўзлари аланг - жаланг бўлиб

@Xazon_Rezgi /147 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Қизим , Сулаймондан қолган ёлғиз ёдгор набирам ҳақида ...

- Додажон...

Шу пайт суҳбатга Саодатхон аралашди :

- Почча, ҳали Ҳилолаҳон ўзининг ҳомиладор эканлигини билмайдилар .

Ҳилоланинг ётган жойида боши айланиб кетди :

- Мен ?! Ҳо...Ҳомиладор...ман ?!

Ҳилола ўрнидан туришга ҳаракат қилган бўлди. Саодатхон унинг елкасидан қучиб тинчлантирган бўлди :

- Сингилжон ... Ҳаяжонланманг . Биз ҳам бу ҳақда яқинда билдик. Сал аввал Лидия Феодоровна кўшни ҳамширадан таҳлил натижаларини бердиртириб юборибди.

Ҳилола кўзларини беҳол юмди .

Унинг бояги кўрган туши ёдига тушди.

Демак ...

Демак , Сулаймоннинг оёқ кийимидан отилиб қўлига тушган пошнадан мурод фарзанд экан- да ...

Ҳилоланинг хўрлиги келиб кетди. Сулаймон акаси фарзандли бўлишларини қанча орзулаганди- я ?! Нукул "Ҳилола сенга ўхшаган қизчам бўлса қанийди ?!" дер эди. Мастура опа ўтганидан кейин эса "Вақти келиб қизчалик бўлсам , исмини албатта Мастура кўямиз..." деган умидлари бор эди.

"Бахт ва бахтсизлик кўша келади дейишса авваллари ҳайрон бўлардим, - ўйлади Ҳилола , - ўлмаган қул барини кўрар экан. Бироқ... бу ҳолат айрим вазиятларда юракка жуда оғир юк бўлиб тушар экан... Ҳудди менинг ҳолатимга ўхшаб ... Аммо додажон мутлақо рост гапирдилар. Ҳаа ... Бу фарзанд мен ва додажон учун охирги умид учқуни. Илинж учқуни. Яшаб қолиш учун курашга кувват...

Сулаймон ака ...

Демак, мени бутунлай ташлаб кетмабсиз-да ... Демак , фарзандимиз тимсолида қайтиб келишингизга умид қилсам бўларкан...

Ўзингга шукр , Аллоҳим"...

Ҳилола шуларни ўйларкан қайнотаси ҳали ҳам ёнида ўксиганча хомуш ўтиргани ёдига тушди .

- Додажооон ... Ошқозонингиз безовта қилади ... Таомланиб олинг ... Мен ҳозир ўрнимдан тураман...

Аёл шундай ҳилқат-ки, ҳар қандай вазиятда, шароитда ҳам ўз шахсиятига , наслиятига, аслиятига хиёнат қилмайди. Ҳилола ҳам ўзлигига қарши боролмасди. У аҳволи қандайлигидан қатъий назар бир келин , эндиликда қиз сифатида қайнотаси олдидаги вазифадорлигини нутиб кўядиган тоифадаги аёл эмасди.

- Ҳилолахон , поччамлардан ҳавотир олманг,- деди Саодат уни тинслантиришга ҳаракат қилиб , - Ақида опамларнинг ўзлари уларга қараяптилар...

* * *

Банданинг боши - Аллоҳнинг тоши ...

Бошга тушганини кўз кўраверар экан ...

Сулаймоннинг тупроққа беришганининг бешинчи куни Асрор ака сафардан қайтди.

У қизининг уйига келганда Ҳилолани хонасининг зинасида хомуш аҳволда хаёл суриб ўтирганининг устидан чиқди.

Ҳилола ўз хаёлларига шу даражада фарқ бўлганидан отасининг ҳовлига кирганини пайқамасди ҳам .

- Қизим ...

Ҳилола ўша ўтиришда ўтираверди .

- Қизим ...- Асрор ака бу сафар Ҳилолани қаттиқроқ чақирди

Ҳилола ўтирган ўрнида бир сесканди. Ўгирилиб отасини кўрди. Ўридан аста тураётиб кўйлагининг этакларини кўли билан беихтиёр пастга тортди. Сўнг афтодаҳол нигоҳда отасига тикилди.

Қизининг чеҳрасига ўрнашиб қолган чексиз мунг, кўзларидаги алам- у азобларга қоришиқ дард Асрор аканинг юрагини тилка- пора қилиб юборди . У Ҳилолага яқинлашиб уни эҳтиётлаб аста бағрига олди...

- Жоним болааам... Исминг Ҳилола бўлгани билан тақдиринг сабот экан ...

- Адажоооон ...

Сулаймон акам... Улар мени ташлаб ...

Ҳилола ўртаниб - ўртаниб йиғлай бошлади.

- Йиғлама, қизим, йиғлама ... Сени нима деб юпатишимни истайсан, болам ?! Менда сени юпатиш учун сўз бор деб ўйлаяпсанми ?

Қизим ... Сен доим мени барча мушкулларга чора топгувчи идеал инсон деб билгансан. Аммо кўриб турибсан- ки Аллоҳнинг тадбирида отанг ҳам оддий бир банда мақомида кўли қисқа ожиз халос.

Асрор ака узоқ гапирди. Йиғлаётган қизига қўшилиб йиғлашди. Ўзи ҳам Сулаймонлаб бўзлади, ҳам Ҳилоланинг юраги бўшаб олишига қўйиб берди .

Ва ниҳоят Ҳилола ўзини босиб олди :

- Адажон , уйга кириг. Мен чой қўйай .

- Қудам уйдадилар? Кўринмайдилар ?!

Ҳилола бурнини тортди.

- Кўпинча кўчага чиқиб кетяптилар . Менимча қабристонда бўлсалар керак...

@Xazon_Rezgi /148 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Уйда бир ўзинг ёлғиз қолиб кетяпсанми ? - Асрор ака қизига савол назари билан тикилди

- Йўқ, аммажон ҳам шу ерлардалар. Ичкарида бўлсалар керак...

- Хааа , - ўйланиб қолди Асрор ака, - майли уйга кирақолайлик , қуръон тиловат қилиб юборай.

Мирсаид ака уйга кечга яқин бир алфозда қайтди.

Икки эркак куда аллазамонгача диллари эзилиб ўтиришди.

Кетар олдидан Асрор ака Ҳилолани бағрига маҳкам босди.

- Яқинда ойинг билан яна келамиз, болам...

Ҳилола индамади...

Орадан бир хафта вақт ўтганда Асрор аканинг ўзи айтгандек аёли билан эмас, балки бир ўзи қудасиникига келди. Бу вақтда уйда Мирсаид ака ва Ҳилолагина қолишганди. Маҳина амма эса куни кеча "Уйимдан бир хабар олай" деб Себзорга кетган эди.

Қудаларни бир мунча муддат ёлғиз қолдирган Ҳилола ошхонага кириб овқатга уннади.

У масаллиқларни қовуриб энди устига сув қуйган ҳам эди- ки , ичкаридан Мирсаид аканинг "Қизиим" деб чақирган овози эшитилди.

Ҳилола яқинда дамлаган чойини меҳмонхонага олиб кирганда икки қуданинг ўнғайсиз алфозда ўтирганлигига кўзи тушди.

- Додажон , келинг чойингизни янгилаб берай , - деди Ҳилола чойнакни стол устига қўяр экан.

- Чойни қўятур , болам , - деди ердан кўзини узмаган Мирсаид ака , - ўтир .

Ҳилола қайнотасининг бундай муомаласидан ажабланди , эътироз билдирмай стулга омонат чўкди.

- Қизим , - деди бир ютиниб олган Мирсаид ака , - хуллас , хуллас ...Қудам сени олиб кетишга келибдилар ... Бутунлай... Мен ҳам ... Барини ҳар тарафлама ўйлаб кўриб қанчалик юрагим ўртанмасин ... кетишинг энг тўғри йўл деган қарорга келдим ...

Мирсаид ака титраётган қўлларини стол остига яширди.

Ҳилоланинг юзидаги бир туки ҳам қилт этмади.

У кўз остидан қайнотаси ва отасига қараб синчков назар ташлаб жим ўтираверди.

Асрор ака Мирсаид аканинг тилидан бошқа сўз учмагач ўзи тилга кирди :

- Қизим ... Биласан-ки бу ҳолатдаги ..., яъни сенинг ҳолатингдаги аёл киши идда сақлаши керак. Шу десанг сақланажак иддангни давомини ўзимизни уйда сақлашинг маъқул деган қарорга...

- Адажоон ! ...

Ҳилоланинг овозидаги қатъият, шижоатни ҳис қилган Мирсаид ака "ярқ" этиб келинига қаради .

Ҳилола худди шуни кутиб тургандек қайнотасига кесиб - кесиб гапира кетди :

- Додажон , сиз ўртанманг ! Адамжонимлар шу мақсадда уйимиз томон йўлга тушганларидаёқ

билганлар , менинг ҳеч қачон бу уйдан кетмаслигимни !

Нимага дейсизми ?!

Нимага-ки , мен айнан шу инсоннинг тарбиясини олганман, яъни адамларнинг. Ўша тарбиянинг номи эса- одамийлик эди !

Биласиз-ки одамийлик деб аталмиш тарбия китобининг ҳеч қайси бобида "Ёлғиз фарзандидан айрилган Отани ёлғиз ташлаб кетиш мумкин" деб ёзилмаган. Ҳа шундай !

Қолаверса , мени анчадан буён танийсиз - а ?!

Демак, мени табиатан худди адамларга ўхшашимни таниб бўлгансиз. "Отасининг қизи" эса бобонинг бўлажак набирасидан ажратиш даражасидаги бераҳм эмас. Фарзанд тақдирини ҳал қилиш учун ҳаммасидан ҳам эрнинг зоти ҳақли.

Мен адажонимларнинг инсонийлик тарафдан таништирдим. Яна бир гап . Улар бу ерга ўз қизлари олдидаги оталик бурчларини бажариш учун келдилар ва бошларини мағрур кўтарган ҳолда менсиз қайтиб кетдилар. Адажонимлар ушбу воқеликни шундай бўлишини аввал бошдан билганлар. Бошқача бўлган тақдирда эса на мени , на ўзларини кечира олмаган бўлардилар.

Мирсаид ака Ҳилолага ўйчан тикилди, мулоҳазали қиёфада тилга кирди:

- Қизим шундайку-я , бироқ бу уйда мен ва сен иккимизнинг бирга яшашимиз одамлар наздида ... Ахир эл оғизига элак тутиб бўлмайди, - Мирсаид ака уятдан юзлари лов- лов ёнганча гапини тугатолмай ерга қаради...

Шу пайт эшик шарақлаб очилди:

- Сизларни ёлғиз яшайди деб ким айтди ?! Мен- чи ?! Мен ... □□□□аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

52- ҚИСМ

Остонада ҳаяжондан пешонасига тер тепчиган Маҳина амма энтикиб турар эди. Уни кўриб Ҳилоланинг кўнгли бузилди . Ўрнидан шарт туриб аммасининг пинжиги отилди :

- Аммажон ...

Маҳина амма уни қучганча эркакларга юзланди.

- Мен ҳалитдан бери сўзларингизга кулоқ солиб турибман. Индамаганимнинг сабаби "Қани буларнинг гаплари қаергача борар экан?!" деб турганим эди.

Маҳина амма Ҳилолани елкасидан қучганча етаклаб келиб аввал уни жойига ўтказди , сўнг ўзи стулга чўкди .

- Ваалейкум ассалом , - у ҳар иккала эркакнинг саломига битта қилиб алик оларкан сўзида давом этди,- аслида сизнинг хаёлингизга келган нарса мени ўйлантирганига анча бўлди. Уйга

кетишимга ҳам сабаб шу эди . Хуллас уйга бориб бор бисот , тўрва-халтамни йиғиштириб келдим. Ҳилола қизим эсон- омон кутилгунча шу ердан , насиб қилса. У ёғига худо пошшо. Ўлмаган қул бир кунимизни кўраверамиз- да.

- Опа ?! Ахир ... Қандай қилиб ?!

Мирсаид аканинг ҳайратдан тилига тугун тушган эди.

- Ҳа , нима бўпти ?! Нимага ажабланасан ?! - деди Маҳина амма ўктамлик билан , - ҳа- да ! Бошимда эрим бўлса экан- ки , хўжайинчилик қилса. Уйдагиларга "Кетдим" дедим- у , келавердим. Билсанг ука , мен аллақачон бировга ҳисоб берадиган ёшдан ўтдим. Инсонларни айтаяпман-да.

Умримда ҳисобини фақат бир зот - Қодир Аллоҳга бераман халос.

Қолаверса , ўғлим ва келиним кечгача ишда , набираларим ўқишда бўлишади. Битта ўзим бекоргаям домда уззу-кун диққинафас бўлиб ўтираман. Ундан кўра шу ерда бўлсам кўпроқ фойдам тегаркан.

- Опа , келганингиз жуда яхши бўлибди. Сизнинг биргина ташрифингиз барча мушуқларимизни биттада осон қилди-қўйди,- деди Мирсаид ака опасига миннатдор оҳангда , - умрингиздан барака топинг.

- Қизим , сен овқатингга қарайқол , - деди Маҳина амма Ҳилолага . У чиқиб кетгач бошини сарак - сарак қилди , - Ҳилола шу ерда қолсагина юпанч, тасалли топишига ишончим комил. Агар уни уйига жўнатиб юборсак , назарида худдики ундан воз кечгандек бўламиз. Бу йўл билан Ҳилолани руҳан мажруҳ қилиб қўйишимиз ҳеч гапмас ...

- Маҳина опа , - деди шу вақтгача гапга аралашмай ўтирган Асрор ака,- Аллоҳ рози бўлсин сиздан ...

Қизимни сизларга , сизларни эса Аллоҳга топширдим...

* * *

Хазин наволарини сокин чалганча борлиққа куз кириб келди. Ҳаловат мавсуми бўлмиш куз гўёки Ҳилоланинг аланг - оташ бўлиб ёниб ётган юрагининг тафтини олиш илинжида бўлгани каби сентябрнинг илк кунлариданоқ хузурбахш салқин ҳавоси билан кўнгилларга меҳмон бўла бошлади.

Куз ўзинг ушбу ташрифида Мирсаид аканинг оиласидаги кўп нарсаларнинг ўзгарганининг гувоҳи бўлди. Энди хонадонда исми жисмига монанд мастура аёл Мастура опа ва Ҳилоланинг суюклиси Сулаймон бу дунёда йўқ эди.

Ёзнинг қайноқ бағрида хонадон аъзолари бўлмиш қайнота ва келин ўзлари истамаган ҳолда жуфтларини ҳаётларидан бой бериб қўйган эдилар.

Саҳоватли куз ҳар икки жабрдийда, бағри куюк инсонни авайлабгина ўз бағрига олди.

@Xazon_Rezgi /150 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола университетга қатнай бошлади.

Бу вақтга келиб унинг ҳомиласи бир ярим ойликдан ошган эди.

Маҳина амма энди ўзи истаб- истамай амма мавқеидан меҳрибон она мақомига чиқиб қолган эди.

У Ҳилоланинг соғлиғини қатъий назорат қилар , ўз вақтида овқатланиб , ўз вақтида дам олишини тергаб турар эди.

- Қизим, - деди бир куни суҳбат устида Маҳина амма , - сенга бир гап айтаман- да . Бу қадимги оналаримиздан қолган ҳикматли амал. Хуллас , сен ҳомиладорлик даврингда доим покиза , таҳоратли бўлиб юрсанг , тилинг ва дилинг зикрдан тўхтамаса , намозларда қойим бўлсанг , ин ша Аллоҳ солиҳ фарзандни дунёга келтирасан. Биласанми , менинг бир дугонам исломий илмдан хат- саводи чиққан қизни келин қилган эди. Ўша келин фарзандига бошиқоронғи бўлган вақтдан то кўзи ёригунча Қуръони Каримни бир неча маротаба ҳатм қилибди. Катта - кичик суралардан анчасини ёд олибди. Ҳозир у келиннинг дунёга келган қиз фарзанди ўн олти ёшга кирган. Ўша қиз ўн олти ёшида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб қория қиз бўлибди. Қара , эшитган инсоннинг қандоқ ҳаваси келади- я ?! Баҳри дили очилади ...

"Бола бошидан" деган гап бекорга эмас-да. Менга қолса бола тарбияси она қорнидан деяр эдим. Аслида бу сўзлар менга тегишлимас . Мен сенга эслатиб қўяяпман халос . Эшитган чиқарсан. Қаерда фазилатли , комил инсон вояга етибди, бил-ки ўша ерда унга тарбия ҳалолдан берилган. Фарзанд туғилгандан кейин бибисмиллоҳ , бетаҳорат кўкрак тутмаган аёллар миллатнинг асл фидойилари бўлади. Жуда кўпчилик аёллар гўдаги то эмиб бўлгунча "Ёсин" сурасини ўқиб турар эканлар. Билсанг фарзанд айнан шу сура ўқиб бўлингунга қадар қорни бемалол тўяр экан. Танига сут билан бирга олий неъмат - Аллоҳнинг каломи сингар экан.

Ана шунақа гаплар , қизим...

- Аммажон , жудаям чиройли гапларни сўзладингизда,- деди Ҳилола ҳаяжонланиб , - инсонда яшашга умид ва завқ уйғотадиган. Мен ҳам албатта сизнинг айтганларингизга амал қиламан.

- Ҳозир сенга ёшлигимда эшитган бир ҳикоямни айтиб бераман. Уни бизга бир вақтлар муаллимимиз айтиб берган эдилар.

Ҳикоя деймизми, ривоят деймизми - хуллас ушбу айтмоқчи бўлганим буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳақида.

Ибн Сино ҳали тиллари чиқмаган , талпинчоқ гўдак бўлган чоғларида уйларида бир оқсоч ишлаган экан. Бир куни ўша оқсоч кир ювди. Ювилган кирлар орасида беканинг кийимлари ҳам бўлган экан. Оқсоч аёл беканининг кийими ювилган вақтда унинг чўнтагидан тушиб қолган тилло узукни пайқамай қолибди. Кир ювилгач маъзава кир ўрага тўкилганда тилло узук ҳам ялт этиб у билан тушиб қолганлигини гўдак Али фаҳмлаб қолибди. Аммо ҳали тили чиқмаганлиги боис бу ҳақда оқсочга бирор сўз айта олмабди.

Бу ёғига билиб турганингдек узук жанжали бўлган. Оқибатда оқсоч ўғри деб гумонланиб уйдан ҳайдалади.

Орадан маълум муддат ўтгач Алига забон битибди ва оиладагиларга воқеанинг аслида қандай бўлганини айтиб берибди. Кир ўрадан узук топилгач, уй эгалари оқсочдан кечирим сўраб уни уйга қайтаришибди,- Маҳина амма шундай деб Ҳилолага тагдор қаради , - кўрдингми болам ?! Ҳали тили чиқмаган гўдакнинг зеҳни ва хотирасини ? Ин ша Аллоҳ бизнинг набирамиз ҳам буважониси каби профессор бўлади.

- "Аммабувим профессор бўласан дедиларми , бўламан !" дерканда , аммажон , - Ҳилола синиқ жилмайди.

- Ҳа - да ! Насиб қилса шу набирамни қўлларидан тутиб ўзим мактабга олиб бораман...

Майли қизим , юр хуфтонни ўқийлик энди ...

@Xazon_Rezgi / 151 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола Маҳина амма шу хонадонда яшашга қарор қилганини айтган кунидан буён ўзининг меҳмонхонасини икковлари учун хона қилиб олган эди. Амма ва келин шу ерда бирга намоз ўқишар , шу ерда бирга китоб мутолаа қилишар, диллашишар ва тунашар эди.

Аммо ...

Маҳина амма ўта зийрак аёл бўлганлиги учун бир нарсани билар эди. У Ҳилола ўзини ухлаб қолган деб фаҳмлаши билан аста ўрnidан туриб, Сулаймон иккисининг ётоқхонасига овозсиз кириб кетишини, у ерда тўйиб - тўйиб йиғлаб чиқишини яхши биларди . Билар эди- ю , аммо ўзини билмаганга олар эди.

Бир куни Маҳина амма чидай олмади , у аста Ҳилоланинг изидан бориб хонага мўралади. Шунда Маҳина амма тунчироқ ёруғида Сулаймоннинг кўйлагини бағрига босганча ҳидлаб-ҳидлаб овоз чиқармай ўртаниб йиғлаётган келинчакга кўзи тушиб қалби пораланди. Кўп ўтмай Ҳилола тумба ёнидаги пардоз столига ўтириб , тортмадан қалингина дафтар олиб алланималарни ёзишга киришди.

Ҳилола ёзар йиғлар , йиғлар ёзар эди...

У ёза - ёза тўхтади. Сўнг ёнгинасидаги гул вазада турган бир дона атиргулга термулди. Лаблари ненидир шивирлади. Бўйинини чўзиб атиргулни аста ҳидлади .

Ҳилола ўрnidан туриб қайтадан диванга борди ва Сулаймонни кўйлагини бағрига босганча чўзилди. Кўп ўтмай у ғужанак бўлганча ухлаб қолди . Маҳина амма тунги чироқ ёруғида уйқудаги Ҳилоланинг юзидаги соғинч ифодасини кўриб юраги тутдек тўкилди. У Ҳилоланинг уйқусини бузгиси келмай аста эшикдан узоқлашди. Маҳина амма эрталаб бомдодга турганда Ҳилоланинг аллақачон хонанинг жойнамоз тўшаладиган тарафида тонгги зикр билан машғуллигини кўриб билинтирмай хўрсиниб қўйди.

Кундузи Ҳилола ўқишга кетган вақт Маҳина амма ўзидаги ҳавотирни босиш учун ёшларнинг ётоқхонасига қадам босди. Уни Ҳилола кеча тунда йиғлаганча алланималарни ёзган дафтар қизиқтирар эди .

"Қизиқ , Ҳилола у дафтарга нималарни ёздийкан-а ?! - ўйлади Маҳина амма, - ишқилиб Сулаймоннинг айрилиқ азобига чидай олмай ёмон нарсаларни хаёл қилмаяптимики?! Ёш нарса алам , аччиқ устида бир балоларни ўйлаган бўлса- чи ?! Йўғ-ей ?! Туф- туф- туф-! Нафасимни шамол учирсин-ей ?! Ҳилола ундай нарсаларни ўйлаши ... Йўқ , Ҳилола унақа енгил ўйлайдиган қизлардан эмас ! Нима бўлганда ҳам барча саволларга жавоб шу дафтардалиги аниқ ! "

Маҳина амма ўзини қизиқтирган кечаги дафтарни қийналмай топди. Дафтар трюмонинг шундоққина биринчи тортмасига ташлаб қўйилган экан.

У дафтарни кўлига олиб аста уни варақлаб кўз югуртира бошлади.

Дафтар Ҳилоланинг Сулаймонга ёзган мактуб ва шеърларга тўлиб кетганди. Маҳина амма копоққли ручка қистирилган саҳифани очиб Ҳилола куни кеча йиғлаб ёзган сатрларга кўзи тушди .

Уни аста ўқий бошлади:

Кўнглимнинг шўх куйлари тинди,
Соғинчнинг ҳам хафсаласи пир .
Охир чора ...
Сўрайман энди ...
Тушимга кир , тушларимга кир ...

Ҳаловатни балки тотарман ,
Ҳилолдайн хўшрўй ботарман ,
Тонгда қуёш бўлиб отарман,
Тушимга кир , тушларимга кир ...

Ётоғимда атиргул дона
Эслатгучи сени ягона ,
Кечагидек бугун ҳам яна ,
Тушимга кир , тушларимга кир ...

Ўрин бермай асти нолишга ,
Келгин тушда бахтли бўлишга ,
Ва ...
Ва умрбод бирга қолишга ,
Тушимга кир , тушларимга кир ...

Кечагидек бугун ҳам яна ...
Тушимга кир ...
Тушларимга кир ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

53- ҚИСМ

Маҳина амма дафтарни қучганча дардли оҳ тортди :

- Оҳ болам- а , оҳ болам... Мусичаниям ини бузилмасин дейишарди. Сен бу синовларга ёшгина бошинг билан қандоқ дош бера олаяпсан ?! Авжи ўйнаб- куладиган, ҳомиладорликнинг барча ноз -эркаликларини бошингдан кечирадиган айни дамларда мангуга ташлаб кетган жуфтингнинг кўйлагини бағрингга босганча соғинчдан юм- юм кўз ёш тўкаяпсан. Кошки шу билан хуморларинг босилса қани эди ... Эҳ бундан дардларинг ортса ортади- ки , камайиши душвор ...

Аммо ...

Ҳаёт деганлари доим ҳам шундай давом этавермайди ...

Булутлар ортидан бир куни албатта қуёш чиққани каби , бу синовларнинг ҳам ажри ҳамда мукофоти бўлиши аниқ ...

Маҳина амма Ҳилоланинг дафтари аста ўз жойига қўйди- ю , хонани тарк этди.

* * *

Ҳилола ўқишдан қайтгач , кийимларини алиштириб ошхонага чиққан маҳал стол устида ёнма - ён челақчаларда турган икки хил шафтолига кўзи тушиб кўзи тиниб кетди. Аста стол ёнидаги стулга ўтирди . Кўлини чўзиб челақдаги шафтолидан биттасини олиб ҳидлади . Унинг ёнидаги бундан бир неча ойлар аввал илк бор ҳомиладор бўлганда шафтоли егиси келгани , ўшанда Мастура опа набиралик бўлишини эшитиб қувончи ичига сиғмаган ҳолда қайнотасини тезлаб бозорга жўнатгани , Мирсаид ака эса янги йилнинг эртаси куни нақд ярим кун излай- излай фалон пулга шафтоли топиб келгани , Ҳилолага ўз қўли билан жилмайганча керилиб узатгани , ўзининг эса уларни ийманибгина олгани , ичкари хоналарида бўлса Сулаймон акасининг кўзлари бахтдан порлаганча меваларни паллалаб ўз қўллари билан едиргизгани - бариси хотирасидан бирма - бир ўтар экан, ўпкаси тўлиб хўрлиги келиб кетди.

Ҳилола бошига тушган савдоларда айбдор худди шу шафтолилар бўлгани каби уларни егиси келмади .

"Сулаймон ака, ёнимда бўлсангизда қани эди... - ўйлади Ҳилола, - сиздан ҳеч нарса сўрамас, тиламас эдим... Борлигингизни ўзи мен учун бахт эди, - Ҳилола шундай дея ўйлаб яна шафтолиларга боқди, -

боёқиш додажоним. Шу шафтолиларни не умидда олиб келгандирлар?! Улар ҳам қишдаги воқеани эслаганлари аниқ... Ҳойнаҳой , "Аёл киши ҳомиладор бўлса шафтоли егиси келади" деган хулосага келгандирлар балки. Оҳ , соддагинам - отам-ааа...

Бу меваларни сотиб олганларида, уйга келтирганларида мендан- да оғир аҳволга тушган бўлсалар керак,- Ҳилола хомуш хўрсинди , - энди улар ўзларини озгина бўлса-да ҳурсанд ҳис қилишлари учун ҳам бу шафтолиларни жуда егим келгандек кўрсатишим керак. Сал бўлса-да кайфиятлари кўтарилган бўлармиди?!

Ҳилола ўрнидан туриб битта қизил- сариқ луччак шафтолини олди ва уни ювиб катта қилиб тишлади. Жаҳд билан оғзини тўлдириб чайнай бошлади.

- Қизим , шафтоли ёқдимми ?

Ҳилола ярим ўгирилиб ўзига кўнгли тўлиб тикилиб турган Мирсаид акага кўзи тушди .

Ҳилола оғзи тўла шафтоли бўлгани учун шошиб қолди . Шунинг баробаринда уялиб ҳам кетди. У оғзидагиларини қийналиб ютди- да , қайнотасига миннатдор тикилди :

- Жудаям ширин экан, додажон... - Ҳилола шундай дея туриб Мирсаид аканинг кўнглини янада кўтаргиси келганидан ерга қараганча ёлғонлади , - ўзи шунақа шафтоли егим келаётганди.Раҳмат, додажон...

- Бунақа эмас-да қизим , - деди Мирсаид ака оғриниб , - нимадир егин келдимми дарров сўра. Мен уйда бўлмасам , аммажонинг бор. Уларга айтсанг ҳам бўлади.

Мирсаид ака Ҳилолани Сулаймонни қабрга қўйилган кунидан сенсирай бошлаган эди. Гўё шундай қилмаса , кимдир келиб "Ҳилола сизнинг қизингиз эмас" деб даъво қиладигандек,

келинининг қўлидан етаклаб олиб кетиб қоладигандек юраги тошар ва шошар эди.

Ҳилолага ҳам додажонисининг бу қарори жуда маъқул келган эди.

@Xazon_Rezgi /153 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Додажон , - деди Ҳилола бироз ўйланиб тургач Мирсаид акани бугунги кун ҳисобидан яна бир бор кўнглини кўтаргиси ва ўзини керакли деб ҳисоблашини истаб,- кечга балиқ олиб келиб берасизми деб сўрамоқчи эдим. Қовуриб аччиққина соуси билан дастурхонга тортардик.

Ҳилола айна дамда раҳматли ойижониси Мастура опадан ўрганган таълимини ишга солаётган эди . Бир куни Мастура опа Ҳилолага суҳбат орасида шундай маслаҳат берган эди :

"Қизим, биз аёллар вақти - вақти билан эркак кишига ўзининг рўзғорбоши , шу оиланинг энг керакли, етакчи инсони деб ўйлашига йўл қўйиб беришимиз керак. Ўзига ишонган эркак эса аёлини доимо ўз қанотлари остида эъзозлаб яшайди. Ана ўша вақтда улар билан бирга тенгдан ҳис қилишимиз мумкин бўлган туйғунинг номи эса ҳеч бир шубҳасиз бахт деб аталади" деганлари ёдига тушди.

Ҳилоланинг таклифидан Мирсаид аканинг юзига зумда қизиллик югурди.

- Қизим , сен дастурхонни тузайвер. Мен тайёр қовурилган балиқдан олиб келаман. Ўзинг пиширадиган бўлсанг , ҳидига димоғинг тўйиб ғиппа бўғилиб кетасан. Сўнгра егинг келмай қолади,- Мирсаид ака шундай деб йўлга отланди , - болам, мен тезда келаман...

Ҳилола қайнотасини ортидан маҳзунгина тикилиб қолди. Сўнгра чўкка тушганча челақдаги шафтолиларни музлатгичнинг остки контейнерига жойлай бошлади.

- Мирсаиднинг овози келгандек бўлувмиди, болам ?

Ҳилола Маҳина амманинг овозини эшитиб ўтирган жойида ўғирилди :

- Додажон кечги овқатга қовурилган балиқ олиб келишга кетдилар

- Ҳа яхши, - деди Маҳина амма стулга чўқар экан,- сал аввал шафтоли олиб келганди.

- Шафтолилар жуда ширин экан,- деди Ҳилола ўрнидан туриб тўрт дона шафтолини ювиб ликопчага солди ва аммасига келтириб қўяр экан, - олинг , аммажон . Мен ҳам ҳозиргина еб олдим, - деди.

Маҳина амма "бисмиллаҳ" дея шафтолига қўл чўзган ҳам эди-ки, кўча дарвозадан бировнинг "Мирсаид ака , ҳов Мирсаид ака?!" деб чақиргани эшитилди.

Ҳилола ҳайрон бўлиб аммасига қаради. Маҳина амма чақиргувчининг эркак киши эканлигини овозидан билгач Ҳилолага " Ўзим қарайман" деганча ташқарига йўл олди.

Кўп ўтмай ўзи билан икки эркак киши ва бир аёлни бошлашиб келган Маҳина амма деразадан Ҳилолага :

- Қизим , чой қўйиб юбор . Кейинг додангга кўнғироқ қил- чи ? Келиб қолдимикан?! - деди- ю меҳмонларни ичкарига етаклади.

Ҳилола ишни чой қўйишдан бошлади. Сўнгра телефонни энди қўлига олган ҳам эди-ки, дарвозахонада Мирсаид аканинг ўзи кўринди. Мирсаид ака қўлидаги харидини Ҳилолага узатар экан, келинидан уйга кимларнингдир келгани ҳақида хабар топди.

Мирсаид ака қўлларини чайиб меҳмонхонага кириб кетди.

Кўп ўтмай эшикдан қораси кўринган Мирсаид ака Ҳилолани чақирди:

- Қизим, бу ёққа қараб юбор-чи?!

Ҳилола Мирсаид ака ўзини нима сабабдан чақирганига ҳайрон бўлиб қўлига чой дамлаган чойнакни олганча ичкарига йўл олди ...

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

54- ҚИСМ

- Ассалому алайкум

Ҳилола чойнакни стол устига қўйди ва меҳмон аёл билан кўришиш учун айланиб ўтди.

- Қизим, ўтир. Гап бор-деди Мирсаид ака Ҳилолага у сўрашиб бўлгач.

Ҳилола ийманибгина кираверишдаги жойни эгаллади.

Мирсаид ака оғир тин олди:

- Қизим, бу инсонлар сени сўраб келишибди. Махалламиз бошидаги мактабни биласан-а? Ўша ердан.

Мирсаид ака меҳмонларнинг ёши улуғига "Гапиринг, қулоғимиз сизда" дегандек назар ташлади.

- Хуллас, акажон, опажон, - деди ўзини Карим Бердиев деб таништирган инсон, Маҳина амма ва Мирсаид акага қараб, сўнгра Ҳилолага юзланди, - синглим. Бу киши Бунёдjon Аҳмадов, булар Дилнозахон Жамоловна бўладилар.

Гапнинг очиғига кўчсак, сизникига келишимиздан мақсадимиз шу-ки, биз мактабимиз қошида ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказадиган, уларни олий ўқув муассасаларига кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган мўъжазгина марказ ташкил қилган эдик. Ушбу марказга турли институтлардан малакали ўқитувчиларни жалб қилган эдик.

Марказимиз икки йил давомида олиб борган фаолияти даврида тилга тушиб қолди. Албатта ижобий маънода. Тайёрлаган ўқувчиларимизнинг катта фоизи олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилингани ота-оналарда қўшимча машғулотларга бўлган қизиқишни янада оширди.

Энди асосий мақсадга ўтсак.

Биласиз-ки қўшнингиз Малоҳатхон мактабимиз ошхонасида ошпаз бўлиб ишлайдилар. Улардан Ҳилолаxon келинимизнинг физика фани бўйича мутахассис эканликларини эшитгач, катта

бошимизни кичик қилиб остонангизга келдик, сабаби амалда дарс бериб турган физигимиз Анорахон чет элга кетадиган бўлиб қолдилар. Шунга , - Карим Бердиев атрофдагиларга бир-бир назар ташлар экан , - қизимиз Ҳилолахонни бизнинг марказда ишлаш учун таклиф қилиб келган эдик.

Карим аканинг сўзларини эшитган Маҳина амма томоғини қирди :

- Каримжон ука , Малоҳатхон бор гапни айтганмиканлар .. Ҳилолахон ...ҳомиладорлар. Қизим ишга кирган тақдирдаям ўқув йилини якунлаб беролмайдилар.

- Малоҳатхон бизга қизимизни тавсия қилганларида барчасидан воқиф қилган эдилар,- деди Карим Бердиев муштига аста йўталганча , - демак-ки бу ерга барча воқелиқдан хабардор ҳолда ўзимизга ишониб келганмиз. Ҳилолахон бизга олти ой ёрдам қўлини чўзиб турсалар , ана ундан сўнг Анорахоннинг ўзлари жойларига қайтадилар. Айнан шу сабабидан ҳам шаҳардан ўқитувчи изламаган эдик.

- Қизимнинг ўқиши бор , устига устак бу ишга ҳам кирса қийналиб қолади, - деди Мирсаид ака ўйлаганча

- Ота , - деди Мирсаид акага шу пайтгача гапга қўшилмай жим ўтирган Бунёдбек , - ўқиган , билган мутахассис учун бизда таълим бериш қийин иш эмас. Ўқувчиларимизнинг бари илм талабидаги ёшлар. Улар устозларини ортиқча уринтирмайдилар. Бизда асосий мақсад фақат ва фақат билим бериш. Қолаверса синглимизнинг ўзлари ҳам дарс берсалар янада малакалари ошиши аниқ.

@Xazon_Rezgi /155 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Қизим нима деса шу , - деди Мирсаид ака , - "ишлайман" деса ишлайди. "Йўқ ишламайман" деса ҳам унда ўзи билади. Мен учун қизимнинг гапи-гап , сўзи-сўз. Гапир қизим , нима дейсан ?
- кутилмаганда Мирсаид ака қарор қабул қилиш ихтиёрини Ҳилолани ўзига қўйиб берди.

Ҳилола тўсатдан ўзига қилинган бу таклиф олдида довдираб қолди . Додажонисининг "Гапир" деган таъкидидан бир ютинди- ю, кўзлари билан ер чизиб аста сўзга кирди :

- Мен ... Мен боролмасам керак . Машғулотлар кечки вақтда бўлар экан. Ўзи кундузлари ўқишда бўлсам , яна кечки навбатда у ерга кетсам ... Ахир уйда овқат тайёрлаш деганларидек...

Ҳилоланинг сўзларини Маҳина опа шарт кесди:

- Жон қизим . Агар мулоҳазанг фақатгина шу овқат пишириш , идиш ювишдан бўлса бундан ҳам ема. Мен нима қилиб ўтирибман бу ерда ? Ўзи уч киши бўлсак?! Уч коса овқатни пишириш аёл кишига нима деган иш ?! Йўқ чарчайман , қувватим етмайди десанг, унда ўзинг биласан ...

- Майлими гапирсам ?! - сўзлашга руҳсат сўради Дилноза. Атрофдагилар ўзига ҳайрихоҳ назар ташлашгач сўзида давом этди , - Ҳилолахон !

Қаранг- да ? !

Муқаддас китобларимизда ҳам чин дилдан илм бериш комил ибодат билан тенг кўрилган манбаларимиз кўп - а ? Мен ҳозир сиздан минг бор кечирим, узр сўрайман. Дардингизни

янгиламоқчи , тирнамоқчи эмасман. Айтмоқчи бўлганим бошингизга , умуман шу оила бошига тушган синовлардан хабаримиз бор.

Биламан яқинларидан ажраш жуда оғир мусибат . Буни бошидан ўтказган одам билади. Аммо на қилайлик-ки ўлганнинг изидан ўлиб бўлмайди. Бу ҳолда бизнинг энг биринчи вазифамиз яшаш . Яшаганда ҳам ўт бўлиб , олов бўлиб яшашимиз керак. Ёниб-ёндириб яшашимиз керак. Биз ўзимиз қилган гўзал амалларимиз билан ўтганларимиз руҳини шод қилишимиз , уларга ҳам савоб йўллашимиз мумкинлигини назарда тутиб , қарорингизни яна бир бор ўйлаб кўрингсангиз дегандим.

Қаранг- да ?!

Ҳилолаxon...

Агар вақти келиб умрингиз , ҳаётингизда босиб ўтган йўлларингизни бир чўққидан туриб кузата олиш имкони берилса, унда ўзингизни таом тайёрлаётган вақтингизни кузатишингиз ёқимли бўлармиди ёки ўнлаб , юзлаб билимга ташна юракларга билим улашиб , катта ҳаёт остонасига йўллаб қўяётганингизни кўриш ҳузур бахш этган бўлармиди ?

Шунга нима дейсиз ?!

Менга қолса сизга суянч бўлиб турган бу нурюзли , - Дилноза Мирсаид ака билан Маҳина аммага ишора қилди , - кўнгли осмон инсонларнинг ёрдамга чўзган хайрли қўлларини қайтармаган бўлардим.

Яна шуни эътиборга олиб қўйинг- ки, сиз айнан шу йўл билан тўплайдиганган савоб хирмонингизда бу азизларнинг- да бирдек улушлари бўлади ҳамда ўтганларимизнинг ҳам оҳиратларини обод бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз .

Дилноза сўзини тугатиб жим қолди.

Ўртага ноқулай жимлик чўқди.

Жимликни Ҳилоланинг сўзлари бузди :

- Мен ... Мен қачон ишга тушишим мумкин ?! ...

* * *

Карим Бердиев мактаб директори бўлгани билан ўқув маркази ишларини Бунёдбек юритар экан. Бунёдбек педагогика университетининг тарих факультетида катта ўқитувчи лавозимида ишлар ва ўқув марказида ҳам ўқувчиларга қўшимча машғулот олиб борарди.

Ҳилола ҳафтада уч кун марказда дарс бера бошлади.

Ўқиганга , билганга осон экан- да . Устига- устак таълим бераётган фанингни ўқишга бўлган эҳтиёж ўқувчиларда юқори бўлса , ўтилган мавзунини таллашиб - тортишиб ўрганишса, устоз ўз ишини янада завқ билан бажариши аниқ.

Ҳилола бор жон-жаҳди билан ишга киришиб кетди.

Марказда саккиз нафар ўқитувчи дарс беришар эди.

@Xazon_Rezgi /156 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола улар орасида ўзини ишлашга кўнишига сабабчи бўлиб қолган Дилноза билан яхши чиқишиб қолди. Дилноза Ҳилоладан беш ёш катта эди. Унинг эри ҳам ўқитувчи бўлиб кўшни мактабда дарс берар экан. Дилнозанинг ўзи эса она тили ва адабиётдан ҳам мактабда дарс берар, ҳам ўқув марказида кўшимча машғулот олиб борар эди. Ҳилолага унинг ҳар сафар сўз орасида "Қаранг- да ?!" дея гап ташлаб бошлаган суҳбати жуда ёқар эди. Дилноза "Қаранг- да?!" дедими , тамом демак қандайдир ҳайратга солиши аниқ бўлган суҳбат бошланар эди.

Ҳилола энди бир томондан ўқиши , бир томондан ўқув марказидаги машғулотлар билан яхшигина толиқар , уйда ётар вақти боши ёстиққа тегди дегунча кўзи уйқуга кетиб қолар эди. Шунингдек у эндиликда кун бўйи сарфланадиган энергиясини ҳисобини олиб , толиқиб қолмаслик учун яхши еб - ичишга ҳаракат қилар эди. Шу йўсинда Ҳилола анча иштаҳага ҳам кириб қолди.

Аллоҳ - чевар зот.

Гўзал сабрнинг мукофотини берадиган ҳам унинг ўзидир .

Галдаги ҳомиладорлик Ҳилолада ортиқча қийинчиликларсиз кеча бошлади. Ҳилола шифокор назоратига ўтган вақтидан буён бирор марта соғлиғидан шикоят қилмади. Бари ўз ўрнида кўнгилдагидек кетаётган эди.

Эди ...

Айнан эди ...

Орада кичик бир кўнгилсизлик бўлди-ю , Ҳилоланинг юраги яна бир бор парчаланди. Барчасига бирга ишлайдиган ҳамкасблари Мавлуда опанинг ўқув маркази ходимлари учун ўтказилган мажлисда Бунёдбекдан танбеҳ эшитишидан бошланди.

Мавлуда опа ўқувчиларни математика фанидан имтиҳонларга тайёрлар эди

Ойнинг охирида ўқувчилардан олинадиган ва унинг натижаларига кўра фаннинг ўқитилишига нисбат бериладиган тестлар кутилмаганда марказ мутасаддиси Бунёдбекнинг ўзи томонидан огоҳлантирилмай олинди. Натижалар бўйича ўқитилаётган фанлар ичидаги кўрсаткичлар таққосланганда доимо юқори ўрин қайд қилиниб келинаётган математика аввалги мавқеини умуман оқламай қўйганлиги ҳақидаги ҳақиқат денгиз кўпигидек "лоп" этиб юзага чиқиб қолди.

- Мавлуда опа , математика шундай фан-ки уни яхши ўзлаштира олмаган ўқувчи кимё , физика ва хаттоки география , қисман биологияни ҳам ўзлаштиришда ўз-ўзидан ортда қола бошлайди, - деди Бунёдбек мумкин қадар юмшоқроқ оҳангда тушунтиришга ҳаракат қилиб , - ахир математикага бежизга "Фанларнинг қироличаси" деган ном берилган эмас. Шунга кўра айтмоқчи бўлганим сизнинг фанингизни ўзлаштирилиши мени умуман қониқтирмади. Илтимос , мени кечиринг ва тўғри тушунинг. Биз ўқувчиларни жуда катта ваъдалар билан бу даргоҳга таклиф қилганмиз. Биз уларга "Ўқиган етар камолга! " деб минг бора таъкидлаймиз - а ?! Аммо улар камолга етишлари учун нима қилиш керак?! Албатта муносиб ўқитиш керак! Бу энди кимнинг вазифаси ?! Албатта бизнинг !

Ваҳоланки, натижалар бизнинг ваъдаларга мос келмаяпти ва бунда айбдор ҳар галгидек албатта биз - ўқитувчилар,- Бунёдбек бироз сукут сақлади ва орадан кўп ўтмай □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

55- ҚИСМ

Ҳилолага қисқача нигоҳ ташлади ва сўзида давом этди :

- Мана физигимиз. Ишга тушганларига энди иккинчи ой бўлди. Аммо натижалар яхши. Айтиш мумкин- ки, таҳсинга сазовор .

Бунёдбекнинг сўзларидан Мавлуда опанинг ранги ўчиб кетди. У аста ёнидагиларга эшитарли қилиб "Савил. Ҳаммаям Бунёдбекнинг эркатойи бўлсин-да" деди- ю , лаби бурилганча қўлини баланд кўтарди :

- Майлими гапирсам?!

Бунёдбек нутқидан тўхтаб қолди. У Мавлуда опадан бундай кескин ҳаракатни кутмаган эди , аммо шунга қарамай унга гапириш учун имкон берди.

- Марҳамат , эштамиз.

- Ҳозир шаънимга айтилган шунча гапни киприк қоқмай эшитдим. Хўп айбдор бўлсам айбдордирман. Ўзи ҳар доим ўнта яхшилик қилсанг - у , битта айбинг кўринса шу охириги барча ўтганларини ювиб кетаркан. Шу сабаб ҳозир кўнглим оғриди . Энг ёмон алам қилгани мени деярли қизим тенгги шу ... шу қиз билан тенглаштирганингиз бўлди. Ақли ўзида бўлган инсон бу "Физигингиз"ни (Мавлуда опа атай сўнгги сўзга нисбат берганча писанда қилди) ишга келиб тайёр ошни сузиб бериб мақтов эшитганига ҳайрон бўлиши аниқ. Ахир бу натижаларни пойдеворини Анорахон мустаҳкам қилиб қўйиб кетган эди- ку. Хўп энди шу иш адолатданми ? Сиз шунга бир жавоб бера оласизми ?

Бунёдбек Мавлуда опани диққат билан сўзларини бўлма тинглади . Мавлуда опа сўзларини тугатгач у аста тилга кирди:

- Опа ... Сиз ҳозир ўзингизга ўзингиз қарши гапириб қўйдингиз. Сиз айтгандек Ҳилолада ўқиган ўқувчилар Анорахон опанинг натижаларини кўрсатиб берган бўлишсин. Бунгаям кўндик . Шундай бўлган ҳолда нима учун сиз бошидан ўқитиб келган ўқувчиларнинг билимида бўшлиқ пайдо бўлганига нима дейсиз? Математикада устозлар алмашуви бўлмади, демакким барчаси учун ёлғиз ўзингиз жавобгарсиз. Хўш бунга нима дейсиз ?!

Мавлуда опанинг ранги ўчиб кетди.

- Нима бўлганда ҳам ўзбекчиликнинг ҳеч бир қолипига тўғри келмайди бу ҳатти - ҳаракатингиз , - деди у юпқа лаблари пир- пир учганча, - нима бўлганда ҳам мени ... мени шунча одамни ёнида изза қилишингиз ...

- Мавлуда опа , аввалам бор бу иш . Мен шахсий манфаатим учун сизни ўзингиз айтгандек изза қилганим йўқ . Қолаверса биз пуллик фаолият юритамиз. Бу маъсулиятни икки эмас , балки ўн баробар оширар эҳтимол. Кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлса манфаатдорлик шунча ўсади. Қолаверса халқнинг олдида ёруғ юз билан бош кўтариб юришга нима етсин. Сиз бўлсангиз масалани бутунлай бошқа, кераксиз тарафини ков- ков қилиб ўтирибсиз.

Мавлуда опа тинчиш ўрнига баттар тутатди :

- Шунинг айтиши. Мен ана шундай ёмонлигимни ўзим ҳам билмас эканман. Чамамда шу жойим кимгадир керак бўлиб қолганми дейман. Гапни айлантириб ўтирмасдан шарт айтиши- қўйинг қаердаги фоизларни рўқач қилмасдан. Мен ҳам ўз обрўим билан кетаёламан.

Йиғилишда ўтирганлар Мавлуда опанинг бу тахлит муомаласидан ҳанг - манг бўлиб қолгандилар. Аммо Бунёдбек бўш келадиган тоифасидан эмас экан:

- Гапингизни шу жойига беш кетдим , - дея шарт кесди у , - бу борада мутлақо ҳақсиз. Кимдир ишламайман деса зўрлаб ушлаб ўтириш йўқ. Эшик доимо очиқ. Ортиқча гап- сўзларсиз чин дилдан ишлайман дейдиганлар шу ерда қолиши ва ҳар бир арзимаган фоиз учун курашиши мумкин. Кези келса ана шу фоизлар ортида инсон тақдири ҳал қилиниши ҳеч гапмас. Мавлуда опа бу сафар Бунёдбекка ортиқча гап қайтармади. Аммо шу кундан барисига худди Ҳилола айбдордек уни ёмон кўриб қолди.

@Xazon_Rezgi / 158 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мавлуда опанинг адовати кундан кунга кучайиб бора- бора , ахири янги йил арафасида туйқусдан портлади.

Ўшанда декабрнинг охирига ҳафтаси эди.

Ҳилола ўқувчилардан уйга берилган масалаларни сўраб бўлгач, навбатдаги янги масалани ечишни доскада кўрсатиб бераётган чоғ синф хонасининг эшиги тақиллатди.

Кўп ўтмай эшикнинг ўзи очилиб Мавлуда опанинг қораси кўринди :

- Ҳилолаҳон , сизни дарсингизни кўриш учун вазирликдан махсус вакил келибдилар.

Мавлуда опа салом йўқ , алик йўқ ўзи йўл кўрсатиб бошлаб келган инсонни ичкарига киритиб юборди.

Ҳилола шошилиб қолганидан келгувчига аранг салом берди ва ўқувчиларга қаради. Ўқувчилар ҳам барабар салом бериб яна дафтарларига энгашдилар.

Ҳилола келгувчига қандай муомала қилишни ўйлаб кўриб ҳам бўлмай, ўзини Толиб Умарович деб таништирган эркак бамайлихотир синф тўридаги бўш стулга бориб ўтирди.

- Дарсингизни давом эттиришингиз мумкин , - деди у Ҳилолага гўё дунё кўлида бўлган одамдек.

Ҳилола бош ирғади ва машғулоти келган жойидан давом эттирди.

Вазирликдан келган вакил Толиб Умарович Ҳилоланинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай кузатиб ўтирар эди. Ҳилола эса аксинча унга эътибор бермасликка интилиб ҳар доимгидек берилган масаланинг ҳеч бир нуқтасини назардан тутиб тушунтиришга ҳаракат қилар эди. Ҳилола бир масалани уч усулда ечиш йўллари тушунтирди. Охирида эса кириш имтиҳонларида қайси усул тезроқ мақсадга етказиб беришини саралаб деди:

- Институтга кириш тестларини ечаётган вақтда энг содда ва қулай усулни танласангиз вақтдан ютасиз. Шунинг ҳисобига қолган топшириқлар учун янада кўпроқ вақт захираси қолади .

Аммо маслаҳатим ҳар уч ечимни ҳам яхшилаб ўрганиб ҳотирангизда сақланг . Сабаби бу ўзингизга бўлган ишончни шакллантириши шубҳасиз. Мабодо кириш тестида ўзингизни баҳоланишда камчиликка ёки хатога йўл қўйилган деб шубҳага борсангиз ва олган натижалар юзасидан апелляция комиссиясига ариза топширсангиз, ўзингиз ечган масала ечимини ана шундай бир неча йўл билан ҳимоя қила оласиз.

Мен ҳаётда ана шундай воқеалардан бир нечтасини эшитганман. Улар орасида бир абитуриент ишлаган тестини ҳимоя қилган чоғ масалани ўзига хос усулда ечиб кўрсатганда , комиссия аъзолари ҳайратга тушиб қолган эканлар. Нимага дейсизми ? Чунки ўша йигит масалани ечишнинг фанга ҳали умуман маълум бўлмаган мутлақо янги усулини кашф этган экан.

Ҳилола тин олди :

- Мана шунақа гаплар. Демак , давом этамиз ...

Ҳилола дарс ўтар экан битта нарсага ҳайрон бўларди.

Вазирликдан келган "вакил" машғулот тугагунча доскадан, тўғрироғи Ҳилоладан кўз узмай қаққайиб ўтираверди. Салкам уч уч соат дарс ўтган Ҳилола бора- бора унга аҳамият ҳам бермай қўйди. У машғулотга жон - дили билан киришиб кетган эди.

Машғулот тугаб, ўқувчилар хонани тарк этишгач , Ҳилола "меҳмон"га қандай муомала қилишни билмай боши қотди.

- Машғулотимиз тугади , - деди у Толиб Умаровичга.

"Вакил" ўрнидан туриб синф парталарининг олд қаторига келди . Сўнгра биринчи партага қайтиб ўтирди. Муштига йўталди ва Ҳилолага кўзларини хиёл қисиб қаради :

- Дарс тугашини узоқ кутдим , - деди у сокин овозда , - аммо бундан хафа эмасман. Баҳонада сиз ҳақингиздаги яхлит бир тасаввурга эга бўлдим .

- Тушунмадим , - деди Ҳилола ҳайрон бўлганча , - сизга бу нима учун керак ?!

- Ҳилолахон , марҳамат ўтиринг.
Бафуржа гаплашиб олишимиз лозим.

Ҳилола ғалати аҳволга тушди

- Менинг иш вақтим тугади. Уйга боришим керак. Бўлмаса уйдагилар ҳавотир олишади. Ташрифингиз юзасидан суҳбатни мумкин бўлса эртага раҳбаримиз Бунёдбек Аҳмедов ҳузурларида бафуржа муҳокама қилсак .

Толиб Умарович томоқ қирди :

- Бу масала икковимизга тегишли.

Ҳилоланинг узун қошлари керилди :

- Тушунмадим?! - деди у ҳайратини яширмай келгувчидан жавоб кутиб

- Аввал ўтириб олинг . Кейин бафуржа тушунтираман

@Xazon_Rezgi /159 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола вазирлик "вакили" нинг ўжарлигидан ҳуноби ошди , аммо унинг айтганини қилмаса вақтни беҳуда ютқазшига кўзи етди. У ўрнига ўтирар экан , қўлларини қовуштириб эркакга қатъият билан тикилди :

- Қулоғим сизда.

- Ҳилолахон . Мен сизга бироз ўзим ҳақимда гапириб берсам, - Толиб Умарович бир текис оҳангда дона- дона гапира бошлади , - хуллас икки қиз , икки ўғлим бор. Барчаларини уйлаб - жойлаганман. Ўз- ўзларидан тиниб- тинчиб кетишган. Менинг эса алоҳида квартирам бор . Шаҳарнинг қоқ марказида. Ўзимни бемалол эплайман. Овқат пишириш, кир ювишни айтаяпман- да. Аммо ... Мана уч йилдир-ки, сўққабошман. Тақдир экан, аёлим пешонамга сиғмади.

Тўғри турмуш қуриш ҳақида ўйламадим эмас , ўйладим . Бир неча аёллар , турмуши бузилган жувонларни кўрдим, учрашдим. Бироқ ҳеч бирлари билан савдоимиз пишмади. Очиғи таъбим бироз нозикроқ-да , шу сабаб у аёлларнинг ҳеч бири кўнглимга ўтиришмади.

Ҳилола Толиб Умаровичнинг сўзларининг ўзани "қаерга" бурилаётганлигини сезиб асабдан титрай бошлади.

Толиб Умарович эса унга эътибор бермай сўзлашда давом этарди :

- Хуллас яхшиларнинг далолати билан сиз ҳақингизда хабар топдим. Сизнинг ҳаётингизни барча тафсилотларидан хабарим бор. Яширмайман. Сизни бир кўришдаёқ ёктириб қолдим. Шунга сиз ҳам мен билан яхшилаб танишиб, рози бўлсангиз "Икки ёрти- бир бутун" деганларидек , - Толиб Умарович шошилиб гапига қўшимча қилди , - Айтганча сизни ҳомиладор эканлигингиздан хабарим бор. Тақдирларимиз туташса унинг ҳам биз билан яшашига қаршилигим йўқ ...

Ҳилоланинг шу ерга етганда тоқати - тоқ бўлди :

- Сизга битта савол : Нимага фарзандларингиздан лоақал биттаси сиз билан яшашмайди ? Ё сиздек вазирликда ишлайдиган олийнасаб инсон улар билан бир том остида яшашни истамайсизми ?

- Бунинг вазирликка нима алоқаси бор ? - жаҳли чиққан бўлди Толиб Умаровичнинг , - гапларингиздан киноя ҳиди келгандек. Майли саволингиз жавобсиз қолмасин. Биз тушунган инсонлармиз. Шунга ўзаро келишган ҳолда барчамиз ўз ҳолимизча яшаймиз. Бор гап шу .

- Ҳмм шундай денг . Мен ўйлабман- ки ... Ҳа майли нима ўйлаганимни аҳамияти йўқ. Сизга жавобим эса -йўқ !

- Дарровда шошилманг-да . Биттада йўқ деб кейин пушаймон бўлиб юрманг ! - "Меҳмон" нинг нияти астойдил шекилли Ҳилоланинг кетишига йўл бергиси йўқ эди, - бир эркак бўлар менчалик бўлар , хатто туғилмаган гўдагингизни ҳам биз билан яшай қолсин деяпман.

- Мени болам сизга ит ёки мушукмидики яшай қолсин деб ҳиммат кўрсатасиз ?! У шундоқ ҳам ҳеч қачон мендан ажралмайди ! Қолаверса , менинг турмушга чиқиш ниятим йўқ! Сизни менга дараклаган инсон қанақа "фаҳм - фаросатли" инсон экан- ки , отам тенги инсонни йўллабди. Лекин гап бунда эмас. Гап мени турмушга чиқмасликка қарор қилганимда.

- Ёшим эллик олтида . Нима қари деб ўйлаяпсизми мени?!

Ҳилола захарханда кулди :

-Вой узр, билмай гапириб қўйибман. Адамлардан нақд тўрт ёшга кичик экансиз?!...
Мен эса йигирма бир ёшдаман,- Ҳилола шундай деб ўрнидан турди , - узр кетишим керак.
Ҳозир излаб келиб қолишади . Очиғи сиз билан гаплашиб ўтирганимни кўришса диллари ...

Шу пайт эшик очилди :

- Ҳилола, шу ердасиз ? Нега телефонга жавоб бермайсиз?! Ўтакамизни ёрдингиз- ку ?

Ҳилоланинг кўзлари жикқа ёшга тўлди... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

56- ҚИСМ

Дилноза Толиб Умаровичга қарамай сўзида давом этди :

- Вой- бўўў ! Қайнотангизни жаҳллари бунча ёмон! Сиз телефонга жавоб бермаганингизга бошлиққа кўнғироқ қилиб ўдағайлаб берибдилар :

" Келинимни белгиланган вақтдан ортиқча ишлатганинглар учун ҳозир бориб ўқув марказларингни ўзингга қўшиб маҳалладан супуртириб ташлайман" деганмишлар .

Ҳозир Бунёдбек ака ҳам шошилиб марказга келяпганмишлар. Қайнотангиз ҳамма ёқни тўс - тўпалон қилиб ташлабдилар . Юринг. Бирор кор - ҳол бўлмасдан уйингизга кетақолинг.

Ҳилола Дилнозанинг сўзларидан анграйиб қолган эди.

Дилноза эса ўзини ҳеч нима билмаганга олиб ичкарига қадам қўйди :

- Вой , сизни пайқаманимни қаранг , дода! Ассалому алайкум ?!

Толиб Умаровичга Дилнозанинг шу пайтгача айтган гаплари "етарли" бўлиб бўлган эди . У саломга алик олишни ҳам унутиб :

- Мен энди борақолай ,- деди- ю , ранги ўчганча эшикка қараб юра бошлади .

- Дода , сизни қаердадир кўргандекман- а ? - сўради Дилноза унинг ортидан , - адашмасам кул ранг матизда кира қиласиз- а ?! Яна ...

- Узр , шошилиб тургандим ,- Толиб Умарович гапни калта қилиб хонани тарк этди.

- Дилноза опа , ҳеч нарсани тушунмадим ,- деди Ҳилола бўшашиб , - балки барини бир бошдан тушунтириб берарсиз ?!

Дилнозанинг жаҳли чиққанлиги юз - кўзидан шундоқ кўриниб турарди.

- Ифлос , - деди у муштларини тугиб ,- одам деган шунчалик паст кетиши мумкинми ?

- Дилноза опааа ?! Тушунмадим ?! Кимни айтяпсиз ?

- Мавлуда опани ! - шарт кесди Дилноза , - кўнглим сезганди-я писмайволиб индамай юрганидан.

Қаранг- да ?!

Эрталаб булочка пиширгандим. Сиз яхши кўрган булочкадан. Яна термосимда сутли қаҳва дамлаб келгандим . Кетишдан олдин сизни бир меҳмон қилмоқчи эдим. Ўқувчиларингиз чиқиб кетсаям сиздан дарак бўлмагач, ҳайрон бўлдим . Бу ерга кетаётсам Мавлуда опа йўлимдан чиқиб бўлар - бўлмас гаплар билан вақтимни ола бошлади. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин "Тинчликми , мен бу аёл билан офтобда қатиқ ялашмаган бўлсам , бу мулозаматнинг сабаби не ?!" дедим ўзимга- ўзим. Кейин бирдан юрагимга ғулғула тушди. Бир амаллаб ўша ёсумандан қутилиб бу ёққа чопдим. Келсам бу аҳвол. Сухбатингларни бир қисмини эшитдим. Кейин қайнотангиз ҳақидаги пўписани тез ўйлаб топдим-да эшикни очдим. У ёғи ўзингизга маълум.

- Опа , бу кишини Мавлуда опа вазирликда ишлайди деб дарсимга олиб киргандилар.

- Вазирликда ?! Костюм- шим кийиб олган одам вазирликда ишлайверар эканми ? Бу киши Мавлуда опанинг эрининг амакиси бўлади. Таксичилик қилади. Ўтган йили дам олиш учун Кумушконга борганимизда шу кишининг матизиди кетганмиз. Ўласси паст одам. Йўлкирага сўм талашвуриб сил қилиб юборганди.

- Шунақа денг ?! - хўрлиги келди Ҳилоланинг , - демак Мавлуда опа менинг устимдан кулиш мақсадида бошлабдиларда бу ўйинни ?!

- Ёки бўлмаса гап- сўз чиқариш учун ҳам бўлиши мумкин.

@Xazon_Rezgi /161 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

-Инсоннинг айбсиз айбдор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас экан- а ? - хўрсинди Ҳилола , - Мавлуда опа ўша арзимаган тушунмовчилик туфайли мени шунчалик ёмон кўриб қоладилар деб ўйламагандим. Бировга айтсанг зиё тарқатувчи инсон бунақа бўлиши мумкин эмас деб ишонмайди. Ҳақиқатдан ҳам Мавлуда опа билимли аёл , мен буни масала ечиш жараёнида ўқувчиларнинг топшириққа дадил ёндошишларидан баҳо бериб бўлганман. Аммо ...

- Қаранг- да ?!

Бир вақтлар ҳам шайтон фаришталарга дарс берувчи устоз бўлган. Ўзига бино қўйиб, билими билан кибр, манманликка юз тутганнинг жойини кўринг энди . Аллоҳ ҳам кимни нимага халқ қилган бўлса , у инсон ўшандан сўралади. Яъниким , бой инсон бойлигидан, илмли инсон илмидан. Айниқса барчадан-да илмли инсоннинг жавоби оғир келаркан. Илм берилган бўлса- ю , унга амал қилинган бўлмаса - ўша инсоннинг ҳукми қандайлигини чамалайверасиз энди, - Дилноза шундай дея туриб Ҳилолага маслаҳатомуз боқди , - бу масалани шундоқ қолдириб бўлмайди . Эртагаёқ Бунёдбек акага айтиб қўйишимиз керак. Бўлмаса...

- Дилноза опа , - ўтинчли боқди Ҳилола , - келинг шу ишни ўз ҳолича қолдирайлик. Ортиқча гап - сўз болалашини истамайман. Мавлуда опа амакисига тегмаслигимни биларди- ку . У айнан мени маломатга қолдириш учун ўйлаб топган бу томошани. Мен-ку бу таҳлит гаплардан кўрқмайман, парво ҳам қилмайман. Аммо булар додажоннинг қулоқларига етиб уларнинг дилларига озор беришини истамайман. Додажон шундоқ ҳам етарлича озор чеккан бўлганлар.

Менга ишониб ишга чиқариб , сўнг ортимдан келадиган маломатларга дош бериш улар учун энди ортиқча.

Айтганимдек, барчаси ўз ҳолича қолсин. Ўйлайман- ки у киши бу ерга бошқа қайтиб келмайди.

Дилноза опа , юринг. Ҳақиқатдан ҳам кечга қолиб кетдим. Мендан ҳавотир олишаётгандир.

Улар мактабнинг узун коридоридан ўтиб мактаб файесига ўтишгач , асосий эшикдан кириб келаётган Мирсаид акага кўзлари тушиб бир- бирларига маъноли қараб қўйишди.

- Ассалому алайкум ,- Ҳилола ва Дилноза тенгдан салом беришди.

- Ваалейкум ассалом ,- дея алик олган Мирсаид ака кўнглидаги яшириб ўтирмади ,- қизим , кеч қолганингга бирам ҳавотир олдим. Шу десанг шайтон ҳар кўчага етакласа де. Кўча тийғончиқ . Оғироёқ аҳволингга йиқилиб - нетиб бир фалокатга учрадингми деб ўпкам тешилди. Ортиқ кутишга сабрим етмай чопиб келавердим.

- Узр додажон. Сизни ҳавотирга солиб қўйибман, - Ҳилола дарровда узр сўрашга тушди.

- Энди сени мактабга ҳам, ўқишга ҳам ёлғиз юбориш йўқ. Ўзим машинада олиб бориб , келиб юраман. Шуниси тинч,- Мирсаид ака айна вақтида қарорини етказиб олишга интилди.

Ҳилола додажонисига дарров бўйин эгди:

- Хўп бўлади , додажон. Сиз нима десангиз шу ...

- Юрақолинглар , - Мирсаид ака Дилнозага мулозамат қилди,- аввал бизникига борамиз. Хўжайинга кўнғироқ қилиб қўйинг. Опам бир тоғора қилиб қизим яхши кўрган қовоқ сомса пишириб кутиб ўтирибдилар.

- Қовоқ сомса ? Вой бу таклифни ҳечам рад этмасман. Ўтган хафта Ҳилола олиб келган қовоқ сомсаданмикин яна ? Устига аччиққина пиёздоғли қовурилган қийма сепилган ?

- Худди ўшандан...

Уларнинг учовлашиб бошлашиб чиқиб кетганини кўрган Мавлуда опа иккинчи қават зинасида гап пойлаб турган жойида ғижиниб қўйди.

- Эссиз ... Ўхшамади.

@Xazon_Rezgi /162 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака Ҳилолани ишхонасига бежизга келмаган эди. У аср намозини ўқиб бўлгач бироз китоб ўқимоқчи бўлди. Китоб ўқий туриб қовоқлари оғирлашгач, "Шомга ҳали эрта , ухламайман-у озгина оёғимни чўзай" деган хаёлда ётоғига ёнбошлади. Бир муддат хаёл сургач , кўзи кетганини билмай қолди.

Туш кўрибди.

Тушида Сулаймон ғамгин юрганмиш.

- Ҳа болам , нега бундай паришон юрибсан ? Нимадандир хафамисан ? - сўрабди Мирсаид ака
Сулаймон хўрсинибди.

- Дадажон ... - дебди у ва бошқа индамабди.

- Болам , гапир ... Кўнглимни чил - чил қилма...

Сулаймон тилга кирибди :

- Дадажон...Қизингизни ёлғиз қолдирманг . У сизни ҳеч қачон , ҳеч қачон ёлғиз қолдирмагани
каби ...

Қизингизни ёлғиз қолдирманг...

Ёлғиз қолдирманг ...

Сулаймон шундай деб кўздан ғойиб бўлибди.

Мирсаид ака унинг ортидан "Сулаймоооон" деб чақирди- ю , ўз овозидан уйғониб кетди.

Қараса фарқ терга ботиб кетибди. У ўрнидан туриб кийимларини алиштирди, таҳорат олди .
Шомни ўқиди ҳам-ки, кўнгил ғашлиги кетмади. Унинг бор фикри хаёли кўрган тушида бўлиб
қолганли.

"Қизиқ, Сулаймон бу сўзлари билан унга нимадир демоқчи бўлдимикан?!".

Мирсаид ака тушларга ишонмас эди. Аммо аёли ва ўғлингнинг ўлимидан кейин ҳамма
нарсадан бир тасалли ибрат , ҳикмат излайдиган бўлиб қолганди. Айниқса ўз - ўзидан
кўнглига чироқ ёқса ҳам ёришмайдиган ҳижиллик оралагандан кейин , битта жойда ўтира
олмай қолди.

Ҳилола доимги келар вақтидан ярим соат кечикканидан сўнг қулоғи остида Сулаймоннинг
сўзлари қайтадан жаранг соча бошлади:

- Қизингизни ёлғиз қолдирманг

Ахири бир қарорга келган Мирсаид ака шарт отланди- ю , Ҳилоланинг ишхонасига йўл олди.

Шу- шу Мирсаид ака Ҳилолани бир ўзини ёлғиз кўчага чиқармайдиган бўлди ...

* * *

Ҳилола марказда Бунёдбек айтгандек олти ой эмас , Анорахоннинг қайтиб келиши бир ойга
кечиккани сабаб етти ой ишлади.

Анорахон чет элдан қайтгач , Ҳилола уйда қола бошлади. Ҳилолани тиббий назоратга олган
Саодатхоннинг таъкидлашича унинг кўзи ёришига йигирма кунларча муддат қолган эди.

Аммо Маҳина амма Ҳилолага бутунлай бошқа гап айтди :

- Ҳомиладорлик кўзйарадек гап. Пишса бўлди , қачон ёрилиши номаълум. Истаган вақти "лоп" этиб ёрилаверади. Сўраб ўтирмайди . Ҳоҳласин бугун , ҳоҳласа эртага ...

Маҳина амма ўзи бош бўлиб Ҳилоланинг туғруғи учун керак бўладиган барча нарсаларни тахт қилиб қўйди.

Ҳилола уйда қолганидан буён негадир куннинг ўтиши қийин бўлаётган эди. Шу сабаб у ўзига ҳар бир кун учун янгилик қидириб топаётган эди. Бугун ҳам севимли жойи ошхонада ўзини чалғитмоқчи бўлди . У ошхонага кириб энди бир элак унни олиб элаган ҳам эди- ки , тўсатдан уй телефони жиринглаб хаёлларини тўзғитиб юборди.

Ҳилола гўшакни кўтарар экан , йўқлагувчининг рақами нотаниш эканига аҳамият берди.Унинг тармоқдан эшитилган овоздан қўл - оёғи бўшашиб , танидан қувват қочди :

- Алло ... [] аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

57- ҚИСМ

- Алло, алло ?! Ҳилола келинойи , ассалому алайкум. Отам қаердалар ?! Менинг уларда муҳим ишим бор эди. Кўнғироқ қилсам қўл телефонларини кўтармаяптилар.

Кўнғироқ қилаётган Ақромжон эди . Ақромжон Сулаймон оламдан ўтгандан сўнг янги йил арафасида бир бор келиб кетган эди. Таъзия вақти келишини эса Мирсаид ака истамаган эди. Ўшанда "Болам , минг дод деганинг билан аканг қайтиб келмайди. Бир кафт дуони ўша ерда ҳам ўқийверасан энди" дея қатъий қаршилиқ қилган эди.

Ҳилола Ақромжоннинг "Алло , Ҳилола" деб бошланган сўзларини аввалини эшитган вақтдаёқ унинг овозини Сулаймонникига ўхшатган, шу сабаб юраги гурсиллаб урганча , мазаси қочиб қолган эди. У Ақромжоннинг Сулаймон эмаслигини анча вақт фарқламади, тўғрироғи соғинчларга асир кўнгилик ҳақиқатни тан олишни истамади. У ўзига келган вақтида Ақромжонга нима деди , нима қўйди ҳеч нарсани эслолмади.Трубкани қулоғига ҳамон тутиб турар экан Ақромжоннинг хайрлашиб тармоқдан узилганини элас -элас ҳис қилди халос.

Ҳилоланинг ниҳоятда қаттиқ хўрлиги келиб кетган эди. Юраги ҳамон гурс- гурс урар , шу сабабданми ҳомиласи қорнида чир- чир айланаётган каби беҳад безовта қилаётган эди. Ҳилола ошхонага йўл олар экан қорнининг ҳудди таранг қилиб шиширилган ноғорадек қаттиқ бўлиб қолганини сезиб қўрқиб кетди.

У ошхонага бормай аста ортига ўгирилди. Ётоқхонага кириб бироз чўзилмоқчи бўлди. Энди икки қадам босган ҳам эди-ки, ичидан шовиллаб алланарса оқиб тушди. Ҳилола оёқлари остига қарашга ҳам юраги бетламай зина тутқичини маҳкам чангаллади ва ҳавотирга тўла ғайритабиий овоз билан чинқириб юборди :

- Аммажооон ... Аммажоним...

Ҳилоланинг овозига тезда сарпойчанг югуриб чиққан Маҳина амма уни бир кўришда вазиятни баҳолади - қўйди :

- Жоним қизим- а ?! Сув кетиб қолибди- ю ? Кўғоноғинг ёрилиб кетибди ?!

Қўрқувдан ранги қув оқариб кетган Ҳилола қўрқа- писа қалтираб сўради:

- Энди нима бўлади , аммажон ?! Болага ...ҳеч нарса қилмайдими ?! У ҳозиргина гурсиллаб ёмон тепинаётганди ...

- Ҳавотир олма, қизим. Бу ҳолат кўпчилик аёлларда бўлади. Ҳозир туғруқхонага борамиз . Худо ҳоҳласа этагингдан тушгандек эсон - омон қутилиб олганингни билмай ҳам қоласан, - Маҳина амма Ҳилолани аста ичкарига етаклади , - юрақол , кийимларингни алиштириб олайлик. Мирсаид қаерда қолди экан ?!

Мирсаид ака Ҳилола отланиб бўлгунча ҳарсиллаб келиб қолди.

- Қизим , туззукми ? - Мирсаид аканинг савол берар эди- ю , аммо ўзининг рангида ранг қолмаган , қўл- оёғи дир- дир титрар эди.

- Ҳаммаси жойида , ҳавотирга ҳожат йўқ. Ўзингни маҳкам ушла , ука. Ҳилолани етказиб олиб борайлик-чи , насиб қилса ҳадемай бобо бўласан,- уни тинчлантирган бўлди Маҳина амма.

- Ин шаа Аллоҳ.

Мирсаид ака опасининг қўлидаги халталарни олиб тезда машинага жойлади.

Сўнгра Ҳилола ва Маҳина амма машинага ўтиргач , уни оҳиста жилдириб кўчага йўл олди. Ташқарига чиқишгач , машинадан тушиб дарвозаларини қулфлади ва қайтиб ўриндиққа ўтирар экан , Маҳина опага юзланди :

- Қани опа , йўл олдидан битта дуо қилинг .

Маҳина амма вақтни чўзмаслик учун энг асосий дуони дилдан сўради :

- Омин , шу уйимизга чақалоғимизни эсон - омон бағри бутунликда олиб келайлик.

Барчалари юзларига фотиҳа тортишди.

- Ука , шошилмай секин ҳайдайвер - деди Маҳина амма Мирсаид акадаги ҳаяжонни тўғри тушуниб , - бу дард - қутлуғ дард. Ваҳима қиладиган жойи йўқ. Насиб қилса барчаси жойида бўлади,- сўнг маслаҳат тариқасида сўради , - нима қиламиз қудаларга айтамызми ? Ёки бир йўла суюнчи сўраймызми ?

Ҳилола аммасига "айтманглар" дегандек бошини сарак - сарак қилди.

- Бир вақтлар раҳматлик ойим , "Тўлғоқ дардини қанчалик кўп одам билса , туғаётган аёл шунчалик қийналади" дердилар . Ҳа энди буям бир гап- да, аммо уларниям ортиқча ҳавотирга солмаганимиз маъқул. Шунга индамай қўяқоламиз. Ундан кейин "Набира муборак !" деган хабарни эшитиш барибир бошқа-да.

Опасининг гапларига Мирсаид ака эътироз билдирмади. Аслида унинг бор фикри- хаёли Ҳилоланинг эсон - омон қутилиб

@Xazon_Rezgi /164 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

олишида эди.

Ҳилоланинг ўтирган ўрнида аста қимирлаб қўйганини сезган Маҳина амма унинг кўнглидаги ўқиб тургандек хотиржам қилишга интилди :

- Саодатхонга айтдим . Йўлга тушди. Бахтимизга бугун уйда экан,- Маҳина амма шундай деб ўтирган жойида Ҳилоланинг қўлидан аста тутди,- оғриқлар йўқми ?

Ҳилола "Йўқ" дея бош чайқади.

Улар туғруқ мажмуасига етиб келишлари билан Ҳилолани дарҳол ичкарига олиб кириб кетишди.

Маҳина амманинг "Қачон кўзи ёрийди?" деган саволига қабул қилгувчи врач елка қисди:

- Ҳавотир олманг. Барчаси жойида бўлади,- деди у Маҳина аммани хотиржам қилган бўлиб.

- Шундайку-я аммо сув кетиб бола қуруқда қолиб кетди. Бундай ҳолда тўлғоқ жараёнига сал ўзгача ёндашилса керак.

- Аяжон , айтдим- ку асти ҳавотир олманг. Келинингизни шахсан бош врачимиз Гавҳар Шарипова текширувдан ўтказяптилар. Улар ўз касбларининг устасилар.

Бироз кутиб турунг. Текширувнинг хулосаси чиқиши билан дарҳол сизга маълум қиламиз .

Бу орада йўлакда Саодатхон кўринди. У Мирсаид ака ва Маҳина амма билан тезда сўрашган бўлди-ю , тафсилотларга ортиқча берилмай пошналарини тақиллатганча асосий корпусга кириб кетди.

Орадан ярим соат ўтмай ичкаридан чиқиб келган ҳамшира йўлакка қараб овоз берди :

- Миржалолова Ҳилолани кузатиб келганлар борми ? Энг яқинлари ?

- Биз ! Биз Миржалованинг ота - онасимиз ! - Маҳина амма дарҳол ўрнидан турди.

- Мен билан юринглар !

Ҳамшира олдинга ўтиб йўл бошлади . Улар ўн қадам юришгач , чапга бурилишди . Яна беш одимдан сўнг "Бош шифокор - Шарипова Гавҳар" деган табличка илинган эшикка дуч келишди .

Гавҳар Шарипова уларни ўтирган ўридан туриб кутиб олди . У қўли билан Мирсаид ака ва Маҳина опага ўтириш учун жой кўрсатди.

- Мен вақтингизни олмоқчи эмасман, - деди у салом - аликни тезда яқунлаб , - шундоқ ҳам вақтимиз кам. Биласизми , сизларни бу ерга чақиртиришимиздан мақсад ... Хуллас , яқинда қизингиз билан текширув асносида суҳбатлашгандим. Ундан турмуш ўртоғини маслаҳат учун чақиртиришни сўраганимда ... - Гавҳар Шарипова оғир ютинди,- узр ... Баридан хабардор қилган Ҳилола "Ташқарида Отам турибдилар , улар билан гаплашишингиз мумкин" деди. Гапни чўзиб ўтирмайман. Нечоғлик оғир бўлса ҳам айтай. Хуллас , қизингизнинг аҳволи оғир . Ҳомила қуруқда қолиб кетган . Бунинг устига у танага терс жойлашган. Биз зудлик билан жарроҳлик амалиётини қўлламасак бўлмайди. Шунда ҳам улардан бирининг ҳаёти учун

кураша олишимиз мумкин. Ҳозир сиз ёки қизингиз ёки набирангиздан бирини танлаб олишингиз керак ва бу ҳақда тилҳатга қўл қўйиб беришингиз лозим. Шундан сўнг амалиётни бошлаймиз .

Бош шифокорнинг сўзларини эшитар экан Мирсаид ака ноҳосдан ўқ еган каби ўтирган ўрнидан бир сапчиб тушди. Сўнг бошни қўллари билан чангаллаганча ер чизиб қолди.

Маҳина амманинг оппоқ чехраси қизариб бўғриқиб кетган , ҳозир эшитган хабари дилига шу қадар озор етказган эди-ки , тили калимага келмай қолган эди.

- Отаси ...- деди Гавҳар Шарипова,- биз вақт йўқотяпмиз ... Илтимос ...

@Xazon_Rezgi /165 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака бошини кўтарди . Унинг кўзлари асаби бузилганидан бўлса керак қип- қизариб қонталаш бўлиб кетганди. У Гавҳар Шариповага чексиз мунг билан тикилди :

- Қизим ... Мен албатта қизимни танлайман. Ота учун фарзандидан ҳам азиз инсон бўлмаса керак...

Мирсаид ака қолган сўзларини кўнглида айтди : " Ҳилола ёлғизимнинг омонати. Омонатга эса қандоқ хиёнат қила оламан...? "

Гавҳар Шарипова унга ўзи тўлдириб тайёрлаб турган тилҳат қоғозини узатди :

- Илтимос , бунга исм фамилиянгизни ёзиб , имзо чекинг...

Мирсаид ака ўрнидан туриб столга яқинлашиб ручкани олди ва қоғоз устига эгилди.

"Оҳ ота-я, -ўйлади Гавҳар Шарипова , -ота деган фарзандини танламай кимни ҳам танласин?! Ахир куёв минг қилсаям бировнинг боласи бўлган. Қони бошқанинг - жони бошқа" .

Мирсаид ака қоғозга қўл қўйиб шифокорга узатар экан , кабинет эшиги шитоб билан очилди .

- Гавҳар опа , - деди эшикни очган таниш ҳамшира,- сал аввал келган бемор Миржалолованинг кўзи ёриди ! Бари тўсатдан рўй берди ! Уни хатто туғруқ креслосига олишга ҳам улгурмадик. "Қаранг , мен туғяпман !" дебди- ю кушетканинг ўзида кўзи ёрибди. Зарнигор опа билан Саодатхон опалар чақалоқни қабул қилишга аранг улгуриб қолибдилар.

Гавҳар Шарипова ҳамширанинг охирги сўзларини эшитмаёқ югургилаб кетган эди.

Хонада Мирсаид ака билан Маҳина опа ҳанг-у манг бўлганча қолиб кетишганди.

Орадан ярим соатдан мўлроқ вақт ўтгач Гавҳар Шарипова хонага қайтиб келди . Бу сафар унинг чехраси тўла табассум эди.

- Ота , - деди у Мирсаид акага юзланиб,- бир худо деган жойингиз бор экан-да !

Эшитяпсизми ? !

Мўъжиза юз берди , мўъжиза !

Аллоҳ Буюк !

Аллоҳга бари осон ...

Қизингиз паҳлавондек ўғил туғди! Қизингиз ҳам , набирангиз ҳам ҳар иккалалари соғ-у саломат. Энди кўёвингизнинг уйидагиларга ҳам хабар беришингиз мумкин.

"Ўғлингиздан қолган ёдгор эсон-омон дунё юзини кўрди" деб баралла суюнчи сўрашингиз мумкин !

Кўз ёшлари юзларини ювиб тушаётган Маҳина амма ўтирган жойида беҳолгина шивирлади :

- Ўша гўдакнинг асл эгалари бизлармиз. Туғилган набира ўғлимиздан қолган ягона ёдгор тирноқ бўлади .

- Нима ?! - ҳайратланиш навбати Гавҳар Шариповага келганди,- бўлиши мумкин эмас ! Аввало кўнглингизга текканим учун узр- ку , аммо келиндан кўра набира сизлар учун яқинроқ бўлган ҳолда , сиз Ҳилоланинг ҳаётини сақлаб қолишни сўрадингиз . Набирангиз тўғрисида ақалли ёрдам ҳам сўраганингиз йўқ ...

- Бошқача бўлиши мумкинмиди ? - ажабланди Маҳина амма, - ахир ўзингиз иккисидан бирини танлашимизни сўрамадингизми ? ! Ёки бу шунчаки йўлига қилинган расмиятчиликмиди ?!

- Йўғей ?! Ундай эмас. Мен бекорчи бўлсам экан-ки , вақт ўтказишга бу ишларни ўйлаб топган бўлсам. Вазият ҳақиқатдан ҳам жуда жиддий эди. Аммо бирдан ўз- ўзидан бундай ўнганганига рост тўғриси узим ҳам қаттиқ ҳайрон қолдим,- Гавҳар Шарипова шундай дея туриб бирдан юзи ёришди , - менимча мен саволимга жавоб топгандекман. Сизлар ўз манфаатингизни бир четга суриб Аллоҳ учун келинингизни соғ- омонлигини тиладингиз , шу сабаб Аллоҳ ҳам тантилик қилиб ҳар икки жонни кўлингизга бирдек саломат қилиб топширди. Қаранг , мантиқан жуда оддий ва

- Сиз битта нарсада янглишдингиз,- ва ниҳоят тилга кирди Мирсаид ака , - Ҳилола ҳақиқатдан ҳам қизим. У ўғлим дунёни тарк этганда Сулаймонинг ўрнига қолган қизим. Айтиш мумкин бўлса у мен учун ҳатто набирамдан ҳам қадрлироқ ва азизроқ ...- Мирсаид ака шундай дея туриб кўзлари ёшланди, - Ҳилола...

Ҳилола - ўзимнинг қизим... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

58-ҚИСМ

Шу пайт эшик аста тақиллади ва остонада Саодатхон кўринди :

- Мумкинми ?! - деди у ичкарига қадаб босиб , - яна бир бор ассалому алайкум. Набиралар муборак бўлсин, поччажон, аммажон!

Мирсаид ака Саодатхоннинг ҳурмати учун ўрндан турди , Маҳина амма эса унга пешвоз чиқиб бағрига маҳкам босди ва айланиб- ўргилиб кўриша кетди:

- Сизни бизга рўбаро қилган Аллоҳимдан ўзим ўргилай.

Саодатхон Маҳина аммага кўзлари чақнаганча сўзлай кетди:

- Вой аммажон , очигини айтсам ўтим ёрилди. Ҳилолахоннинг аҳволи ҳақиқатдан ҳам оғир эди. Энди буёғига нима бўлар экан деб дир- дир қалтирайман денг. Аммо ишимизни Аллоҳнинг ўзи ўнглади. Бу қандай содир бўлди , умуман англай олмай қолдим. Ҳилоланинг кўзи шунақаям осон ёриди- ки , айтсам ҳайрон қоласиз. Одатда аёллар биринчи туғруқда бунчалар осон кутилмайдилар. Дард чекиш , тўлғоқнинг аччиқ азобини ейиш деган нарсалар умуман кузатилгани йўқ.

-Ҳозир-чи, Ҳилола ҳозир яхшими ? Чақалоғимиз қандай?

- Барчаси аъло даражада. Ҳилола ухляпти. Набирангизни аҳволи ҳам жуда яхши. Ўзи ҳам нақ паҳлавон. Уч ярим килограмм. Қош- кўзлари попуқдек. Қоп- қора сочлари қошигача тушиб ётибди.

- Икки жонни саломат кўрсатган Аллоҳга минг қатла шукр , - Маҳина амма шундай деб қўлини дуога жуфтлади, - қани илоҳи омин Гавхарой қизим сиз ҳам , Саодатхон сиз ҳам умрингиздан барака топинглар. Олтин бошларингиз омон бўлсин, доимо халқимизнинг яхши кунларида ҳизматда туриб , ҳамиша ардоқда бўлиб юраверинглар, - Маҳина амма юзларига фотиҳа тортди, - сўнг шодон жилмайди , - энди бизга руҳсат. Ҳали қудаларимизникига ўтиб суюнчи олиб кўнгилларини хотиржам қилишимиз, сўнг қизимга чиройли атала пишириб яна бу ерга қайтиб келишимиз керак.

* * *

Қудалардан Ҳилоланинг кўзи ёрииб , ўғил кўрганини эшитган Роҳилахон опа суюнганидан ўзини қаерга қўйишни билмай қолди . Бахтларига Асрор ака ҳам ишдан барвақт келиб турган экан. Аёлининг чорлови билан ҳовлига чиқди- ю, хушхабарни эшитиб Мирсаид акани маҳкам бағрига босди . Бир зум шундай турди-ю сўнг қудасидан ажралиб кўз ёшларини билинтирмай аста артиб олишга ҳаракат қилди.

- Кўрсатганига шукр ... Шу кунларни ҳам кўришлик насиб этди- я , ўзига шукр .

У шундай деб аёлига юзланди :

- Онаси бу нима туриш?! Меҳмонларни уйга олмайсанми ?!

Маҳина амма дарров эътирозга шошилди :

- Йўқ , йўқ . Биз уйга кетишимиз керак. Ҳилолага атала пишириб , яна туғруқхонага қайтишимиз керак.

- Сизлар бугун дам олақолинглар, аталани Роҳилани ўзи пиширади,- деди Асрор ака ўктамлик билан , - қани кириб бир пиёла қайноқ чой ичиб кетинглар.

* * *

Уч кундан сўнг Ҳилолага жавоб бериладиган бўлди.

Ҳилола бу ҳақда Маҳина аммага хабар берар экан:

- Аммажон , болага қандай исм танладинглар ? - деб сўради ийманибгина

- Билмасам, - елка қисди Маҳина амма , - укам билан бир нечта исм ҳақида ўйладик-ку, аммо бир қарорга кела олмадик. Ёки ўзинг ёки уйингдагилар бирор исм танлаган бўлсанглар ...

- Йўқ ... Ўйлаганимиз йўқ. Додажонга , сизга маъқул келган исм бизгаям маъқул аммажон...

- Ҳаа , эртага ўн бирларда келиб сени олиб кетамиз. Мени ҳозир Раҳматжон олиб келган. Мирсаид эса "Ишим бор" деб уйда қолганди.

- Яхши унда эртага набирангиз билан сиз айтган вақтларда тайёр бўлиб турамиз.

@Xazon_Rezgi /167 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола эртаси куни ҳамшира киритиб берган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ҳовлиқиб очди-ю , ўғлингнинг исмига кўзи тушгач, кўзларида ёш ҳалқаланди :

- Мирсаидов Сулаймон Сулаймон ўғли.

"Сулаймоним ўзимнинг , - ўйлади Ҳилола кроватчада пишиллаб ухлаётган ва ора-орада лабининг бурчидан табассум қилиб қўяётган ўғлига қараб , - бир вақтлар "Гўдакларни фаришталар кулдиради" дейишарди . Ҳозир даданг фаришта мисол ёнингда парвона бўлиб оромингни қўриқлаётгандир, балки.

Балки ..."

- Мамаша , тезлашинг. Тайёرمىсиз ?! Сизни олиб кетишга бир дунё одам келибди ?!

Ҳилола ортига ўгирилиб ҳамширага ҳайрон боқди :

- Менга ?! Менга бунча одам келиши мумкин эмас. Сиз адашяпсиз ?!

- Ииие, нега адашарканман ?! Миржалолова Ҳилола сизмисиз ахир ?! Менга ишонмасангиз ана ойнадан пастга қаранг бир ?!

Ҳилола унинг айтганини қилиб иккинчи қават ойнасидан пастга қаради :

- Воооой !...

Дарҳақиқат туғруқхона олдидаги майдончада Ҳилоланинг талай қариндошлари қўлларида гулдаста тутганча чиқишини муштоқ бўлиб кутиб туришарди.

Ҳилола уларни хаёлан санай бошлади :

- Нигора опам , Мастура опам , уларни қизлари Нигина , Мубина , Солиҳа, Шоҳида , Маҳина амманнинг набиралари Шаҳлохон , амакижоннинг набира қизлари , вооой , Малоҳат келинойимнинг қизлари Маржонагача келишибди .

Анави катта ўйинчоқ айиқлар ҳам булар биланмикан?! Катталигинии ?!

Мирсаид ака бутун бўлим ходимларининг ҳар бирига алоҳида- алоҳида саватда гул билан бир кутидан шокалад бердиртириб юборибди.

Ҳилола яқинлари қуршовида туғруқхонани тарк этди.

Барчалари "янги меҳмон" билан уйга қайтишганда Маҳина амма қуршовидаги бир гуруҳ аёллар уларни чиройли поёндоз солиб кутиб олишди. Ҳовли шар ва гуллар билан безатилган, кираверишга "Хуш келибсан, Сулаймон !" деган зарҳал ёзув илиб қўйилган эди.

Ҳилола гўдагини бағрига босганча машинадан аста тушиб дарвозахонадан ичкарига йўл олди . У ўзларини кутиб турган аёллар сафининг бошидаги Маҳина аммага қўлидаги гўдакни тутқазмоқчи бўлган ҳам эди- ки, тўсатдан амма ортига ўгирилди :

- Мирсаид ! Мирсаид укажон ! Қаерда қолдинг ?! Кел болажонингни кутиб ол ?! Қизинг ва набирангни кутиб ол , ука !

Мирсаид ака боғ томондан қизаринқираб чиқиб келди.

Ҳилола қайнотасига ийманибгина салом берди :

- Ассалому-алайкум, додажон... Бу сизнинг набирангиз ... Сулаймонингиз ...

Ҳилола қўлидаги гўдакни қайнотасига узатди.

Мирсаид ака жажжи Сулаймонни авайлаб қўлига олди .

Юзидаги ёпинчиғини очиб устига эгилди...

Кўзларини тўлдириб- тўлдириб гўдакка қаради ...

Сўнг уни аста ҳидлади...

Кўзларидан бир томчи ёш сизиб юзига из қолдирганча оқиб тушди...

- Болам ...- деди у аста шивирлаб,- Сулаймонинг ўрнига келган Сулаймоним...

Уйингга хуш келибсан, кўзимнинг қароси ...

- Қизим , - деди Мирсаид ака Ҳилолага лабларини бурчи билан ҳокисор жилмайди , - қара ҳаяжондан саломингга алик олиш ҳам ёдимдан кўтарилибди .

Ваалейкум ассалом , қизим. Илойим набирам иккингишни бошингиз тошдан бўлсин ...

- Додажон , - деди Ҳилола ерга қараганча кўзёшларини аранг ютиб , - сиз ҳам мен ва набирангиз иккимизнинг бахтимизга соғ бўлинг. Барчаси учун сизга раҳмат ... Барчаси учун...

- Қани энди уйга кирамиз ,- деди Маҳина амма , - додаси Сулаймонга бир нималар тайёрлаб қўйибди,- у давомига тантановор эълон қилди,- сюрприз !

Маҳина амма шундай деб Мирсаид акага ишора қилди:

Укажон , ўзинг йўл бошлайқол.
"Бисмиллаҳ"дан бошлаймиз энг аввал ...

Тўпланиб турган аёллар иккига ажралиб Мирсаид акага йўл беришди.

Мирсаид ака Маҳина амма таъкидлагандек "Бисмиллаҳ" дея зинадан кўтарила бошлади.

@Xazon_Rezgi / 168 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака гўдакни бағрига босганча Ҳилоланинг хонаси ёнидаги меҳмонхонага йўл олди.
Ҳилола "Меҳмонлар учун шу хонага жой қилинган бўлса керак" деган хаёлда унга эргашди.

Мирсаид ака хона эшиги ёнига етганда Ҳилолага юзланди :

- Қизим , бу кичкинтойимиз Сулаймонга бобосидан совға. Сенга маъқул бўлади деб умид қиламан. Қани кириб кўр- чи ?!

Мирсаид ака хона эшигини бир қўли билан очиб Ҳилолага "марҳамат" деган ишорани қилди.

Ҳилола таажжубланганча хонага қадам босди ва ҳайратдан ханг-у манг бўлиб қолди.

Мирсаид ака уч кун ичида хонани ҳам таъмирлатган , ҳам набираси учун чиройли қилиб жиҳозлатган эди.

Оч тўтиё ранг билан фон берилган хонада болалар кровати , стол - стули , арғамчиқдан тортиб велесипедгача тартиб билан жойлаштирилган эди. Бир четда эса қалин духоба кўрпача солинган ва унинг ёнида бошига укпар кўндирилган дўппи билан безатилган ясатиғлик бешик турар эди.

- Мен янги бешик сотиб олмадим , - деди Мирсаид ака тўлқинланганча бешикка ишора қилиб , - сабаби уйимизда бешик бор эди . Бу бешик ўғлим Сулаймонни катта қилганди. Анжомларини раҳматли Мастура авайлаб, яхши ният қилиб олиб қўйган эди. Энди унинг эгаси кичкинтойимиз бўлади , - деди Мирсаид ака кўнгли алланечук бўлганча ...

- Додажон , совғалар учун сизга катта раҳмат,- деди Ҳилола қайнотасига миннатдорчилик билдирар экан , - айниқса бешик учун. Бу бешикни мен ҳам худди Ойижонимлардек чиройли қилиб тутганим бўлсин.

- Қудамлар бизнинг бешик тўйи қилишимизгаям ҳожат қолдирмабдилар . Аслида бизнинг ҳам набирамиз учун бир нарсалар қилгимиз бор эди.

Роҳилахон опанинг сўзларидан Мирсаид аканинг юзларига қизиллик югурди :

- Мен ҳам анойи эмасман, куда. Ўйлайсиз- ки бу ишларни ўзимча қилдимми ? Мен Сулаймонимнинг ўсиб , улғайиши учун барча шароитни муҳайё қиламан. Аммо қудам уни ўқитиб ўзларидек физик-профессор қилиб бермасалар ҳисобмас. Болам мактабга бориб физикани ўқигунча , қудам ҳам нафақага чиқиб қўллари бўшаб қолади,- Мирсаид ака шундай дея дилдан жилмайди, - кўрдингизми , куда ?! Шарт қўйишимни қаранг ! Иштаҳам чакки эмас- а ?! Барибир тадбиркорлигимга бораман- да ?!

Роҳила опага Мирсаид аканинг "кайфияти" зумда юқди :

- Албатта, ўқитамиз Сулаймонжонни ! Ўзим ҳам дарс берадиган фанимдан шуғулланаман, насиб қилса . Шулар учун яшаб юрибмиз-да. Аммо бу гапингиз қудангизнинг қулоқларига етиб бориши билан дарровда ҳаракатга тушадилар. Шошмай туринг, набирангизнинг тили физикавий терминлар билан чиқмаса эди ҳали!

- Набирамизни денг , қуда , набирамизни ...

Роҳила опанинг юзларида шукр туйғуси жилваланди :

- Рост ... Албатта , бу бола бизнинг ҳам ширинтойимиз...
Аммо қудангиз роса талтаядиган бўлдилар-да! Ҳализамон ишдан қайтсалар кўрасиз. "Қудам набирамизни физик бўлишига руҳсат бердилар" деб бутун ҳовлини бошларига кўтарадилар .

Шу пайт ташқаридан ғала - ғовур овозлар эшитилди. Ақида келинойи эшиқдан овоз берди :

- Ҳилоланинг ишхонасидагилар табриклашга келишибди. Анча - мунча ўқитувчилар ...

Мирсаид ака кичкина Сулаймонни Маҳина аммага узатди :

- Опа , ошни тезлатишим керакка ўхшаяпти.

* * *

Кечга бориб меҳмонлар тарқалишгач хонадон анча тинчиб қолди. Роҳилахон опа бугун шу ерда қоладиган бўлди.

Кун бўйиги югур- югурдан толиққан Маҳина амма ва Роҳила опа хуфтон номозидан кейин қўшни хонада тезда чўзила қолишди.

Ҳилола эса ўз ётоғида жажжи фарзандига термулганча ётар экан , кичкинтойи билан ўзича суҳбатлашар эди :

- Болажоним ... Сени дадангга ўхшашингни жуда ҳам истайман. Аллоҳдан худди унинг каби асл инсон бўлишингни сўрайман ...

Шу пайт Ҳилоланинг юзига илиқ нафас урилгандек туюлди .

Ҳилола аста шивирлади :

- Сулаймон ака

Шу ердасиз- а ?!

Биз билан биргалигингизни биламан...

Қаранг , мен ва ўғлингиз уйимизга келиб олдик... Ҳамиша сизнинг Ҳилолангиз ва бир парчангиз бўлган жажжи Сулаймонингиз... Иккимиз ... Йўқ биз уч кишимиз ...

Сиз , мен ва ўғлимиз ...

Муаллиф : Хазонрезги □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

59- ҚИСМ

#орадан_тўрт_йил_ўтди

Эшик аста ғийқиллаб очилди.

Ташқаридан тушиб турган нимқоронғи чироқ нури остида кичкинтой Сулаймон товуш чиқармасликка ҳаракат қилиб аста-секин Мирсаид аканинг хонасига кириб келди. У ғира- шира хонада ўзини ухлаганга солиб , аслида эса набирасини кутиб ётган додасининг диванига яқинлашди. У ерда додасининг ухлаган ёки ухламаганини текшириш учун нафасини ютиб жимгина турган Сулаймоннинг қилиғидан яйраб ётган Мирсаид ака босиб жим ётаверди.

Сулаймон додасининг "ухлаб ётганлиги"га амин бўлгач , диванга оҳиста тирмашиб чиқди. Секин бобосининг қучоғига кирди. Ширингина қўлчалари билан унинг соқолларини аста силади . Кейин одатига кўра аста юзларидан майингина беозор ўпди . Мирсаид ака шундаям "уйғонмади". У уйқусираган бўлиб "ҳм, ҳм" деди- ю , ўзи билмагандек набирасини қучиб олди ва "уйқу"да давом этди.

Сулаймон додаси ўзини қучоғига олганидан кейин кўнгли тинчиб, ҳузурланиб ухлаб қолди.

Мирсаид ака шу куйи яна бироз ётди- ю , сўнг тумба устидаги қўл телефонини олиб , Ҳилоланинг рақамига икки марта қисқа гудок ташлаб қўйди. Бу унинг "Сулаймон мен билан , ҳавотир олма" дегани эди.

Деярли ҳар тунда шу ҳолат такрорланса- да , Мирсаид ака Ҳилолани хотиржам қилиб қўйишни канда қилмасди. Кўпинча Ҳилола "Ўғлим , энди додажонинг билан ухлайвер, ҳар кеча хонама-хона юравермай" деса- да Сулаймон бу гапга ҳам кўнмасди.

У онасига жавобан "Ойижон, сиз ва аммабувимсиз қандоқ ухлайман?!" дерди- ю , уларнинг "кўзлари илиниши" билан додасининг хонасига "йўрғалар" эди.

Сулаймоннинг бу қилиқларини кўрган Маҳина амма кулимсирарди :

- Муштумдек бошидан эркак-да бу Сулаймон ?! Ҳаммамизнинг кўнглимизни бирдек ологанини-чи буни ?

Мирсаид ака Сулаймоннинг шарпаси кўриниши билан дарров ўзини ухлаганга солади. Сабаби набираси уйғоқлигини билса эрталабгача савол бериб ўзи ҳам тинмайди, бобосини ҳам тинчитмайди. Бу ҳам майли , Мирсаид ака Сулаймон билан эрталабгача бўлса эрталабгача суҳбатлашаверади , бундан ўзи ҳам бир дунё завқ олади, бироқ шундан кейин набирасини тонгда боғчага уйғотиш амримаҳол.

Мана бир йилдир- ки Ҳилола яна ўқув марказига ишга тушиб кетган. Очикроғи унинг ишга тушишини илтимос қилиб қўйишмади. Бу сафар Анорахон марказдан бутунлай кетишга мажбур бўлибди. Унинг эри чет элда қўшма корхона раҳбари бўлиб тайинлангач , аёли ҳам у билан бирга кетишга қарор қилганди.

Ҳилола ишга тушгач, Сулаймонга уйда бир йилча аммабувиси - Маҳина амма ва бобоси Мирсаид ака қараб туришди. Кичик Сулаймон жуда иқтидорли чиқиб қолди. Унинг анча - мунча саволларига жавоб тополмай қолган Мирсаид аканинг ўзи ахири набирасини суриштира - суриштира махсус шуғуллантириладиган иқтидорли болалар боғчасига берди. Энди Мирсаид ака ҳам ўзини қайтадан ишга киргандек ҳис қилар эди. У эрталаб машинасида набирасини боғчага олиб борар , кечки пайт яна қайтиб олиб келар , орада боғчада тез- тез ўтказиладиган ота- оналар мажлисида , тадбирларида қатнашар эди. У ҳатто Сулаймоннинг туғилган кунида Ақромжон қилган кўнғироғининг сабабчиси бўлган дўсти билан кўришга вақт орттира

олмаётган эди.

Ўша куни кечга яқин Ақромжон Россиядан қайта қўнғироқ қилган, Ҳилоланинг фарзандли бўлганини эшитгач, Мирсаид акага "Мендан суюнчи" дея яна бир хушxabарни етказган эди. У Мирсаид акага ўқиши сабаб Москвадан Қрим шахрига боришга тўғри келганини ва у ерда отасининг болаликдаги қадрдон дўсти Айдер акани кўриб қолгани хабарини етказган эди. Айдер ака Қримнинг энг хушманзара жойларидан бирида ўзига қарашли мўъжазгина меҳмонхона очган ва уни ўзи юритар экан.

Ақромжон сафар чоғида ўша ерга жойлашган, меҳмонхонанинг дам олиш саҳнида тасодифан Айдер ака билан танишиб қолган эди. Аниқроғи Айдер аканинг ўзи Ақромжоннинг кўринишидан ўзбек деб гумон қилиб суҳбат илинжида йўқлаб келган эди. Суҳбат асносида гапдан гап чиқиб, Мирсаид ака Айдер аканинг таниши, таниши бўлганда ҳам энг қадрли ва қимматли болаликдаги дўсти эканлиги аниқланади. "Ер - думалоқ" деганлари шу бўлса керак-да.

@Xazon_Rezgi /170 #КўНГИЛ_ИФОРИ

Оила аъзолари Маҳина аммани санаторияга кузатиб қўйишгач, орадан бир - икки кун ўтмаёқ хонадоннинг уларсиз нечоғлик ҳувиллаб қолганини сезишди.

Ҳилола ишдан уйга эрта қайта олмаслигини ҳисобга олиб кечки таомларни тушликдан тайёрлаб қўйишга ҳаракат қила бошлади.

Маҳина амма кетганининг учинчи куни Ҳилоланинг юмушлари кўпайиб, югур - югурлардан яна қўли бўшамай қолганини кўрган Мирсаид аканинг унга раҳми келди. У:

- Қизим, сен бугун кечки овқатга ҳаракат қилмай қўя қол. Ўзим набирам иккимиз бир нарсаларни ижод қилармиз, - деганча келинини ишга кузатиб юборди.

Аммо, фалокат оёқ остида деганлари рост экан.

Мирсаид ака Ҳилолага берган ваъдасига кўра кечки таомга ош дамламоқчи бўлди. У Сулаймонни боғчадан олиб келадиغان вақт бўлгунча гўшт, пиёз- сабзини яхшилаб қовуриб, ошнинг зирвагини тайёр қилиб, милтиллатиб қайнатиб қўйди. Ҳилола яхши кўргани учун ошга беҳи солишни ҳам унутмади. Зирвакнинг устидан бир кафт зирани қўлида яхшилаб эзиб солди-ю, сўнгра кўнгли тўлиб аср намозини ўқиш учун ичкарига йўл олди. Мирсаид ака намозни ўқиб бўлган ҳам эди-ки, эшикни қўнғироғи жиринглай бошлади.

- Ақооов, ҳов ақооов..

- Ҳозиир, чиқаяпман- деди Мирсаид ака ҳовлига овоз берганча. Бироқ қўнғироқ овози тўхтовсиз жиринглайвергач, Мирсаид ака "Ким бўлди экан- а, бу бесабр инсон" деганча ташқарига шошилди.

Мирсаид ака шошганидан оёғи зинага солинган гиламчанинг попилтириғига илашиб қолганини сезмасдан тезлаб юришда давом этди ва шу сабаб зинадан отилиб тушди. Йиқилиш асносида у тиззасининг кўзидан "қарс" этган овозни эшитди-ю, кучли оғриқдан кўнгли озиб ҳушини йўқотди.

Мирсаид ака шу алфозда қанча вақт ётганини билмади. У сал аввал ўзини чақирган инсон кимлигини ҳам билолмай қолганди Бир пайт телефонининг жиринглаган товуши уни ўзига келтирди. У йиқилганида сал нарига отилиб тушган телефонига қўл чўзди.

Қўнғироқ қилгувчи Ақромжон экан.

-Алло, - деди Мирсаид ака тармоққа улангангач инграмасликка ҳаракат қилиб аранг нафасини

тўплаганча.

- Ассалому алайкум , ота,- деди Акромжон энтикиб , - кечга қовурилган балиқ буюртириб кўйгандим. Овқатга уннаманглар деб кўнғироқ қилаётгандим .

- Болам , қаердасан ? Уйга келмасанг бўлмайди . Мен ... Мен ...

- Отажон , нима гап , тинчликми ? - Акромжоннинг ҳавотирли овози эшитилди

- Мен йиқилиб тушдим . Оёғим лат еди шекилли ... Ўрнимдан туролмаяпман...

- Ҳозир етиб бораман...

Акромжон ўн дақиқаларга қолмай етиб келди. У Мирсаид аканинг муздек бетон устида қолиб кетганини , боз устига ўнг оёғи дарангоз бўлиб шишиб кетганини кўриб , аламдан дод деб юборишига бир баҳя қолди.

Акромжон дарровда Мирсаид аканинг кўлтиғига кирди , уни авайлаганча машинасига олиб бориб ўтказди.

Бу пайтга келиб атрофни куйинди иси тутиб кетганди. Акромжон савол назари билан Мирсаид акага қаради :

- Нимадир куйяптими , ота ?!

Мирсаид ака чуқур ух тортди :

- Ўғлим, ош бошлагандим. Чамамда куйиб кетди- ёв.

Акромжон чаққонлик билан ошхонага йўл олди. Ҳақиқатдан ҳам паловнинг зирваги куйиб таги ярим эн куйиндига айланиб бўлганди.

Акромжон Мирсаид акани шифохонага олиб борар экан, йўл - йўлакай Сулаймонни боғчасидан олиб чиқди.

Тез шошилиш тиббий ёрдам марказида Мирсаид акани зудлик билан қабул қилишди. Шифокорлар унинг тиззасининг кўзидаги терини ништар билан чуқурроқ кесиб ярим ҳовучча чиқадиган қоп- қора қонни оқизиб юборишгач , Мирсаид ака анча енгил тортди . Шундан сўнг Мирсаид акани рентгенга буюришди. Натижа тезда маълум бўлди. Унинг тиззасининг кўзидаги суяги синган экан.

Акромжон Мирсаид аканинг оёғини гипслатиб уйга олиб келгунига қадар қоронғи тушиб қолган эди.

Дарвоза ҳамон қулфлолиғ, Ҳилола ҳали ишдан қайтмаган эди.. □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

60- ҚИСМ

- Ота , келинойим ҳали ишдан қайтмадилар, - деди Акромжон , - мен ҳозир ўзим дарвозани

очаман.

- Бугун унинг ўқув марказида дарси кўп куни. Саккизларда келади , - деди Мирсаид ака, - келиннинг айтиб кетгани . Бугунги гуруҳи мактабда ўқийдиган ўқувчилардан эмас , балки уни турли йилларда битирганлардан ташкил топган экан.

- Майли , улар келгунларича чойимиз ҳам қайнаб қолади. Айтганча , буюрган балиғим ҳам ёдимдан бутунлай чиқиб кетибди. Ҳозир кўнғироқ қиламан. Уйга келтириб беришади.

Ақромжон машинасини ҳовлига олиб киргач Мирсаид аканинг ёнига кирди :

- Қани полвон, - деди у Сулаймонга , - сен олдинга ўтиб чироқни ёқиб юборасан. Бўйинг етадими ўзи ?!

- Ҳмм, етади , - кичкинтой Сулаймон пилдиллаб олдинга ўтди ва зинага чиқиб ҳовлининг чироғини ёқди.

- Энди уйга кирамиз .

Ақромжон Мирсаид акани кичик меҳмонхонага олиб кирди ва авайлаб диванга ўтқазди

- Оғриқ йўқми , ота ? - деб сўради у Мирсаид акадан. Мирсаид ака "йўқ" деб бош чайқагач жилмайди, - мен ҳозир ҳаммасини ташкиллаштириб юбораман. Қорнингиз ҳам роса очиб кетгандир.

- Сенгаям тоза дардисар бўлдим- да , болам . Қариган чоғимда шу ҳам бормиди менга ?

Ақромжон Мирсаид аканинг елкасидан қучди :

- Ундай деманг , ота. Сира ҳижолат бўлманг. Ўзингизга қолса шундай бўлсин дебмидингиз?! Қизиқ ?! Ўзи сизни ким чақирган экан- а ?

- Чақирган одамнинг овозини сув пулини йиғадиган Маткаримникига ўхшатувдим. Ўзи феъли шунақа унинг . Бир ишни бошлайди , охирига етказмайди. Бор кучи ҳиқилдоғида. Яна билмадим ўшами , йўқми ?! Йиқилиб кўнглим озиб ётганимда "Чиқмайдилар шекилли" деб кетиб қолибди-ёв..

- Майли , ўша киши бўлса эрта- индин яна келиб қолар, - Ақромжон шундай дея эшик ҳатлар экан, Сулаймонга ўгирилди , - сен додажонингга қараб тур. Хўпми ?!

Сулаймон "хўп" дея бош силкиди.

Ҳилола ишдан қайтиб келганда Ақромжон кечки овқат учун дастурхонни ҳозирлаб бўлган эди. Мирсаид аканинг аҳволини кўриб Ҳилоланинг кайфияти тушиб кетди.

- Додажон , эртага бориб ўз ҳисобимдан таътилга чиқиб келаман , - деди у Мирсаид акага жовдираб қараганча , - жонингиз роса оғриётгандир- а ?!

- Йўғей , таътилга нима бор ?! Қолаверса ишинг бир чеккага суриб қўйиладиган иш бўлса экан- ки таътил олсанг , - Ҳилоланинг қарорига дарровда қарши чиқди Мирсаид ака , - нима мени уйда бўри ермиди ?!

- Келинойи , мен борман-ку ?! Отамга ўзим қарайман. Ишга ора- орада бир кўриниб келсам бўлди-да.

Мирсаид аканинг илтимоси билан Маҳина амма ва қолган қариндошларга унинг оёғи синганлиги хабарини айтишмади.

- Ака- укамга кейинроқ, икки хафталарда айтармиз , унгача анча яхши бўлиб қоламан,- деди Мирсаид ака,- улар бу хабарни эшитишса келаверишиб мениям , ўзлариниям безовта қилиб юборишади. Опам эса барини уйга қайтганларидан кейин билганлари дуруст. Бемалол дам олсинлар. "Ойда йилда бир бозор - унияем ёмғир бузар" деганларидек опамга дардимни айтиб кайфиятларини бузмай қўяқолайлик.

- Бугун амаким додажонимнинг ёнларида ухласалар , мен ойижоним билан ухлайман , - деди кичкина Сулаймон суҳбатдан қолмай.

Ақромжон шу бугундан бошлаб Мирсаид аканинг ёнида ётиб қола бошлади.

@Xazon_Rezgi /173 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид аканинг оёғи синганидан сўнг Ақромжон уни ўзи кўнгилдагидек чиройли қилиб парваришлай бошлади. У тушликка қадар бир , тушликдан сўнг яна иккинчи бор супермаркет ишларидан хабардор бўлиб келар , қолган вақтларини Мирсаид аканинг ёнида ўтказарди.

Сулаймонни боғчага олиб бориш- келиш вазифаси ҳам ўз- ўзидан Ақромжоннинг зиммасига тушган эди.

Ҳилола эса тушгача ҳаммаёқни тозалаб, тушликка овқат тайёрлар , шундан сўнг ишга кетар эди. Кечки таомни тайёрлашни ҳам Ақромжон қойилмақом уддалар эди.

Шу зайлда бир хафта вақт ўтди.

Бир куни кўнғироқ қилишлари сабаб Мирсаид акани Ҳилолага тайинлаб ишга барвақт отланган Ақромжон кўп фурсат ўтмай ўзи билан ёшлари ўттизлардан ошган эркак ва аёлни бошлаб келиб қолди.

- Келинойи , - дея кираверишдан меҳмонларни Ҳилолага таништирган бўлди Ақромжон, - мен бизнес ишлари юзасидан Қозоғистонга бориб келмасам бўлмайдиган бўлиб қолди . Уч хафталарда қайтаман. Унгача сизга Зокир акам ва Васида келинойимгилар ёрдамлашиб туришади. Ҳавотир олманг , булар синашта одамлар. Бемалол ишонсангиз бўлади. Эшитгандирсиз , балки . Бу акам ва аёллари бизникида бир неча йилдан буён яшаб туришади. Мен йўқ вақтимда ҳам уйимни- уй , жойимни- жой қилиб ўтирган ҳам шулар, - Ақромжон шундай дея Ҳилолага маслаҳатомуз сўз қотди , - келинойи, нима дейсиз ?! Менимча, уларни кираверишдаги хонага жойлаштирак сизга ҳам маъқул бўлар а ?

- Сиз нима десангиз шу, муллака,- Ақромжоннинг таклифига эътироз билдирмади Ҳилола .

Ақромжон кулимсираб бош ирғади ҳамда эр- хотинга ажратилган уйни кўрсатди-ю, ўзи ичкарига Мирсаид ака билан хайрлашгани кириб кетди.

* * *

Ақромжон кетгач, Зокир ака билан Васи́ла опа уч кунга қолмай уйдаги барча баланд-па́стни ўзлаштириб олишди.

Уларнинг ҳар иккаласи Ҳилоланинг қўлини совуқ сувга ҳам уришига ҳожат қолдирмай қўйдилар. Зокир аканинг ўзи бир ҳафтада боғдаги ишларни саранжомлаб ташлади. У Сулаймоннинг боғчага олиб бориш ва келишни ҳам ўз зиммасига олган эди.

Васила опа ҳам эртадан - кечгача ошхонадан чиқмас, куймалангани - куймаланган эди.

Шундай бўлса-да , нима учундир Мирсаид аканинг кундан - кунга шаҳди пасайиб, ранги синиқа бошлади.

Ҳилола додажонисидаги бу ўзгаришни сабабини билолмай борган сари хуноби ошарди.

У калаванинг учини топа олмаётган эди.

"Ахир додажоним вақтида овқатланаётган бўлсалар , дори - дармондан камчилигилари бўлмаса , ётиш - туришлари, енгиллашиб олишидан Зокир ака бохабар бўлиб турган бўлса , унда нима учун кайфиятлари кундан- кунга сўниб бормоқда ?!"- Ҳилола бу таҳлит саволларнинг жавобини Мирсаид аканинг муқим уйда ўтириб қолганидан кўрди ва ахири иложсизликдан адаси - Асрор акага ёрилди.

Асрор ака Ҳилоладан додажонисининг бошига тушган савдони эшитиши билан дарров аёлини олиб учиб - қўниб етиб қудасиникига келди.

У йўл- йўлакай Мирсобит ака ва Мираъзамларга ҳам хабар бериб ўтибди .

Кўп ўтмай Мирсаид аканинг уйини қариндош- уруғлари босиб кетди.

"Одам тафтини одам олади" деганлари нечоғлик рост- да.

Мирсаид аканинг синиққан чеҳрасига тезда қон ҳам югура қолди. Жигарлар Мирсаид акани кўнглига оғир ботмаслик учун вақтида хабар бермагани туфайли маломат қилиб ўтиришмади.

Келган эркаклар бир хонада , аёллар эса иккинчи хонада алламаҳалгача гурунглашдилар.

Асрор ака эса одатига кўра ҳар доимгидек давранинг файзи ва кўрки бўлиб , унга гашт бериб ўтирар эди. Масрур ўтирган жигарлар ва додажонисига қарай туриб Ҳилола бу ишни , яъни қариндош- уруғга хабар беришни аввалроқ амалга оширмаганидан афсусланар эди.

Шу куни Асрор ака кетар чоғида Ҳилолани бир четга тортди ва унинг қулоғига нималарнидир шипшиди.

Адажонисининг сўзларидан кўзлари чақнаб кетган Ҳилолага эса Асрор ака кўрсатгич бармоғини лабига босиб "тшшш" дея кўзини қисди.

- Қизим , сен секин ҳаракатингни қилиб қўй, иш битиши билан додангларга сюрприз қиламиз . Нима дединг ?

- Вой адажон , жуда соз бўлар эди- да ?! - деди Ҳилола Асрор аканинг таклифидан мамнун бўлиб.

@Xazon_Rezgi /174 #КҮНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола додажонисининг кайфияти тушганлигини қариндошларининг соғинганлигига йўйганди. Бироқ қариндош- уруғлар келиб - кетишганинг эртаси куниданоқ унинг чеҳрасига ёйилган тундлик тўрини кўриб яна ҳайрон бўлди.

"Додажон, илгари ҳеч қачон бундай "Ичимдагини топ" қабилида ўз қобиларига бурканиб олмасдилар . Негадир кейинги ҳафталарда бошқача ўзгариб қолдилар. Гап сўрасам аниқ сабабини айтмайдилар. Қизиқ , уларнинг бунчалик тушкун кайфиятга тушишларига нима сабаб бўлаётган экан?! Ё "Ўзимни фарзандим бўлганда одам ёллаб боқтириб қўймасмиди ?!" деб ўйлаб маҳзун бўлаётганмиканлар- а ?! Йўйўқ , бундай фикрлаганларида таътил оламан деганимда жон- жаҳдлари билан қаршилиқ қилмаган бўлардилар" - Ҳилола ўйлаб ўйининг охирига ета олмасди.

Шу таҳлит орадан бир ҳафтага яқин вақт ўтди.

Ваниҳоят Асрор ака айтган сюрприз тайёр бўлди. Асрор ака бу ҳақда қўнғироқ қилиб Ҳилолани огоҳлантирганда у ўқув марказида навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўраётган эди. Ҳилола дарҳол Дилнозага учрашиб ундан бугунги дарси учун руҳсат олди. Дилноза уч соат Ҳилоланинг физика дарсидан навбатдаги чиқиш тестларини олиб турадиган бўлди . Ҳилола дарвозахонадан оҳиста кириб келганда Мирсаид хонасидан унинг нотинч овозини эшитиб беихтиёр қадамини секинлатди.

- Зокиржоон , Зокиржон дейман. Белим ёмон қотиб кетди. Илтимос болам, келиб ўнг тарафимга сал ёнбошлатиб қўйинг. Кейин ... Кейин жудаям сувсаб кетдим...

Зокиржоон. Қаерда қолдингиз?!

Шу вақт хона эшигининг тарақлаб очилгани ва Васида келинойининг ҳунук овозда шанғиллагани эшитилди .

- Бунча бақирдингиз а ? ! Микрофон ютганмисиз нима бало ?!

- Зокиржон қани ?!

- Зокиржонингиз йўқ ! Сизнинг тинимсиз ёншишингиздан безор бўлиб уйдан қочиб кетди Зокиржон.

- Мен ... Мен жуда сувсаб кетдим. Озроқ сув беринг , қизим.

- Уфф , яқинда ичирдим- ку, бунча устига устак сўрайверасиз сув, сув деб , тавба ичингиз қудуқми дейман?!

- Тушликда берган маставангиз бироз шўрроқ экан. Юрагимни ўртаб юборди

- Манг, ичинг. Уволингизга қолмай яна ?!

- Шу сув идишни ёнимга қўйиб кетинг. Ўзим керагида ичиб олаверардим. Сизларни ҳам ҳадеб безовта қилавермайман шунда.

- Отажоон , - кинояли овози эшитилди Васида келинойининг,- ўтган куни сувни ёнингизга

қўйиб кетиб бўларим бўлди. Ўша куни бозор қайтишини ўйламай ичаверибсиз , ичаверибсиз . Зокир акам сизни тўсиб чарчадилар, мен тувак тўкиб безор бўлдим. Ҳали ёдимдан чиққани йўқ. Кеча эса кўнглимни айнитиб...

- Нима қилай энди ?! Сизларга юк бўлмай деб ортиқча овқат ҳам еётганим йўқ. Ундан кейин қараётган бўлсанглар, текинга эмасдир , болам етарлича пул бераётгандир. У куруқ қўядиганлар тоифасидан эмас

- Овқат емаяпман ?! Емаганиз шумиди ҳали ?!

Анави артист латифасини билиб айтган экан- да : "Ўламан, ўламан дейсиз- у , тувакни тўлдиришдан бўшамайсиз"деб. Жонидан ўтган экан-да у бояқишниям.

Энди пул масаласига келсак... Ҳаа нимасини айтасиз , бир ойга икки кишига тўрт юз доллар ?! Шу пулми энди ?! Биз бу пулни ўғлингизни уйини шундоққина қўриқлаб бошқа ҳеч иш бир қилмасдан ўтириб ҳам олаётгандик.

- Шундай денг ?! Яхши сув сўрамаганим бўлсин унда . Бир пиёла сув ичириш шунча машаққат бўлса . Тўрт юз доллар пул бўлмаса . Шунинг орқасидан шунча гап болаласа. Бораверинг, хонангизга кириб дамингизни олақолинг.

Васила келиноийи вайсай - вайсай кета бошлади.

- Ё тавба ? ! Одам деган ҳам шунчалик дардисар бўларканми ?! Йў-ўқ бу киши айнан худонинг қарғишига қолган одам. Лаънат олмаган бўлмаганда ўз фарзанди ўлиб куни етти ёт бегоналарга қолармиди ? ! Ўзиям эмганда онасининг кўксини қаттиқ тишлаган эканми дейман?! Тағин тил демагани икки қарич ?! Менга қарасанг пулини оляпсан- ку дейди- я ?! Без ! Аммо шунча гапдан кейинам келинига миқ этмайди. Униям жонидан тўйдирганини яхши билади бу тирроқ чол!

Ҳилола дарвозахонада ҳозир эшитганлари таъсирида тахта бўлиб қолганди.

У барчасига тушунганди.

Барчасига ... #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Айдер аканинг болалиги Тошкентда ўтган , у Мирсаид ака билан бир синфда ўқиган, оналарининг ҳам қуюққина салом- аликлари бор эди . Мактабни тугатгач Айдер аканинг тоғалари жиянларини Қримга чақириб олган эдилар . Орадан бир неча йил ўтиб , собиқ иттифоқ парчаланиб кетгач ўртадаги муносабатлар ҳам узилиб кетганди .

Ақромжон хабар етказган кундан эътиборан Мирсаид ака дўсти билан қўнғироқлашиб турар , орадан бир йил ўтганда эса Айдер аканинг ўзи Тошкентга - болалиги ўтган жойларга сайр-у саёҳат қилиб келиб - кетган, баҳонада дўстининг уйида бир хафта зиёд меҳмон бўлиб кетган эди.

- Энди навбат сеники , дўстим,- деган эди кетар чоғида Айдер ака хайрлашиш олдидан,- сизларни ўз юртимда Маҳина опам , келининг ва набиранг билан кутаман. Қара лекин, бормасанг ҳисобмас. Мабодо бормасанг илло- билло сени дўстим демайман. Зуб даю !

Мана шу воқеага ҳам салкам икки йил бўляпти , аммо Мирсаид ака ҳали- ҳануз Қримга боролгани йўқ. Айниқса кичкинтой Сулаймоннинг боғчаси билан боғлиқ юмушларни ўзининг зиммасига олганидан буён сайр- у саёҳатни ўйлаш у ёқда турсин , хаттои умид ҳам қилаётгани

йўқ эди. Аслини олганда Мирсаид ака ўзининг бу таҳлит ҳаёт тарзидан рози эди. У бир маромига туша бошлаган сокин кунларидан ҳаловат туя бошлаган эди.

Ақромжоннинг Россиядан қайтиб келиб иш бошлаганига икки ярим йилча бўлиб қолган эди. У ўз ота ҳовлисида умргузаронлик қилар , аммо ҳар куни ишга кетиш олдидан ва қайтиш вақтида Мирсаид ака ва хонадон аҳлларида хабар олишни канда қилмас эди. У айниқса кичкина Сулаймон билан яхши чиқишиб қолган эди. Кечга томон Ақромжоннинг бу ерда керагидан кўпроқ қолиб кетишига ҳам айнан шу Сулаймон сабабчи бўлар эди . Ақромжон билан Сулаймон унинг хонасида анча вақтгача гоҳи бирга ўйин ўйнашар , гоҳи Ақромжон унга эрта китоб ўқиб берар , шу тариқа акасининг ўзига ҳудди бир томчи сувдек ўхшаш бўлиб ортида қолган ягона ёдгори билан вақтни қандай ўтганини билмай қолар эди.

Ақромжон икки ой аввал анча йиллардан буён орзулаб юрган фаолиятини амалга ошира олган эди.

У Мирсаид аканинг руҳсати билан унинг ҳамда ўзининг қўл остидаги ўн олти нафар дўконларни сотувга қўйиб , улардан тушган ва қўлларида йиғилган дастмоя эвазига шаҳар марказида кўркам супермаркетни ишга туширганди. Кейинги кунларда Ақромжоннинг анчайин банд бўлиб қолганлигининг сабаби ҳам ана шунда эди.

Ҳилола ҳам магистратурани муваффақиятли якунлаб олган ва эндиликда ўқув марказида ҳар куни дарс берар эди. Бу вақтга келиб марказнинг овозаси анча узоқларга кетган , ундаги ўқувчилар сони нафақат мактабнинг ўзидан , балки қўшни узоқ-яқин мактаблардан келувчи ўқувчилар сабаб бир неча баробарга ортиб кетган эди. Бунёдбек Аҳмедов асосий иш жойида раҳбарлик лавозимига тайинланиб кетган , унинг ўрнига марказ директори қилиб Дилноза сайланган эди. Мавлуда опа соғлиғидаги бир қатор ўзгаришлар сабаб ишдан бўшашга мажбур бўлганди.

Шу зайлда ҳаёт бир оқимда текис ва аммо шиддат билан ўтаётган эди...

Барчаси Маҳина аммининг ўзи тенги дугоналари билан бир ойга тоғли ҳудудлардан биридаги дам олиш масканига кетишидан бошланди.

@Xazon_Rezgi / 171 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Оила аъзолари Маҳина аммани санаторияга кузатиб қўйишгач, орадан бир - икки кун ўтмаёқ хонадоннинг уларсиз нечоғлик ҳувиллаб қолганини сезишди.

Ҳилола ишдан уйга эрта қайта олмаслигини ҳисобга олиб кечки таомларни тушликдан тайёрлаб қўйишга ҳаракат қила бошлади.

Маҳина амма кетганининг учинчи куни Ҳилоланинг юмушлари кўпайиб , югур - югурлардан яна қўли бўшамай қолганини кўрган Мирсаид аканинг унга раҳми келди . У:

- Қизим , сен бугун кечки овқатга ҳаракат қилмай қўя қол. Ўзим набирам иккимиз бир нарсаларни ижод қилармиз, -деганча келинини ишга кузатиб юборди.

Аммо , фалокат оёқ остида деганлари рост экан.

Мирсаид ака Ҳилолага берган ваъдасига кўра кечки таомга ош дамламоқчи бўлди. У Сулаймонни боғчадан олиб келадиган вақт бўлгунча гўшт, пиёз- сабзини яхшилаб қовуриб, ошнинг зирвагини тайёр қилиб , милтиллатиб қайнатиб қўйди. Ҳилола яхши кўргани учун ошга

беҳи солишни ҳам унутмади. Зирвакнинг устидан бир кафт зирани қўлида яхшилаб эзиб солди-ю , сўнгра кўнгли тўлиб аср намозини ўқиш учун ичкарига йўл олди. Мирсаид ака намозни ўқиб бўлган ҳам эди- ки , эшикни кўнғироғи жиринглай бошлади.

- Ақоов , ҳов ақоов..

- Ҳозиир, чиқаяпман- деди Мирсаид ака ҳовлига овоз берганча. Бироқ кўнғироқ овози тўхтовсиз жиринглайвергач , Мирсаид ака "Ким бўлди экан- а , бу бесабр инсон" деганча ташқарига шошилди.

Мирсаид ака шошганидан оёғи зинага солинган гиламчанинг попилтириғига илашиб қолганини сезмасдан тезлаб юришда давом этди ва шу сабаб зинадан отилиб тушди. Йиқилиш асносида у тиззасининг кўзидан "қарс" этган овозни эшитди- ю , кучли оғриқдан кўнгли озиб ҳушини йўқотди.

Мирсаид ака шу алфозда қанча вақт ётганини билмади. У сал аввал ўзини чақирган инсон кимлигини ҳам билолмай қолганди Бир пайт телефонининг жиринглаган товуши уни ўзига келтирди. У йиқилганида сал нарига отилиб тушган телефонига қўл чўзди.

Кўнғироқ қилгувчи Ақромжон экан.

-Алло , - деди Мирсаид ака тармоққа улангангач инграмасликка ҳаракат қилиб аранг нафасини тўплаганча.

- Ассалому алайкум , ота,- деди Ақромжон энтикиб , - кечга қовурилган балиқ буюртириб кўйгандим. Овқатга уннаманглар деб кўнғироқ қилаётгандим .

- Болам , қаердасан ? Уйга келмасанг бўлмайди . Мен ... Мен ...

- Отажон , нима гап , тинчликми ? - Ақромжоннинг ҳавотирли овози эшитилди

- Мен йиқилиб тушдим . Оёғим лат еди шекилли ... Ўрнимдан турулмаяпман...

- Ҳозир етиб бораман...

Ақромжон ўн дақиқаларга қолмай етиб келди. У Мирсаид аканинг муздек бетон устида қолиб кетганини , боз устига ўнг оёғи дарангоз бўлиб шишиб кетганини кўриб , аламдан дод деб юборишига бир баҳя қолди.

Ақромжон дарровда Мирсаид аканинг қўлтиғига кирди , уни авайлаганча машинасига олиб бориб ўтказди.

Бу пайтга келиб атрофни куйинди иси тутиб кетганди. Ақромжон савол назари билан Мирсаид акага қаради :

- Нимадир куйяптими , ота ?!

Мирсаид ака чуқур уҳ тортди :

- Ўғлим, ош бошлагандим. Чамамда куйиб кетди- ёв.

Ақромжон чаққонлик билан ошхонага йўл олди. Ҳақиқатдан ҳам паловнинг зирваги куйиб таги ярим эн куйиндига айланиб бўлганди.

Ақромжон Мирсаид акани шифохонага олиб борар экан, йўл - йўлакай Сулаймонни боғчасидан олиб чиқди.

Тез шошилич тиббий ёрдам марказида Мирсаид акани зудлик билан қабул қилишди. Шифокорлар унинг тиззасининг кўзидаги терини ништар билан чуқурроқ кесиб ярим ҳовучча чиқадиган қоп- қора қонни оқизиб юборишгач , Мирсаид ака анча енгил тортди . Шундан сўнг Мирсаид акани рентгенга буюришди. Натижа тезда маълум бўлди. Унинг тиззасининг кўзидаги суяги синган экан.

Ақромжон Мирсаид аканинг оёғини гипслатиб уйга олиб келгунига қадар қоронғи тушиб қолган эди.

Дарвоза ҳамон қулфлолиғ, Ҳилола ҳали ишдан қайтмаган эди.. □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

60- ҚИСМ

- Ота , келинойим ҳали ишдан қайтмадилар, - деди Ақромжон , - мен ҳозир ўзим дарвозани очаман.

- Бугун унинг ўқув марказида дарси кўп куни. Саккизларда келади , - деди Мирсаид ака, - келинойинг айтиб кетганди . Бугунги гуруҳи мактабда ўқийдиган ўқувчилардан эмас , балки уни турли йилларда битирганлардан ташкил топган экан.

- Майли , улар келгунларича чойимиз ҳам қайнаб қолади. Айтганча , буюрган балиғим ҳам ёдимдан бутунлай чиқиб кетибди. Ҳозир кўнғироқ қиламан. Уйга келтириб беришади.

Ақромжон машинасини ҳовлига олиб киргач Мирсаид аканинг ёнига кирди :

- Қани полвон, - деди у Сулаймонга , - сен олдинга ўтиб чироқни ёқиб юборасан. Бўйинг етадими ўзи ?!

- Ҳмм, етади , - кичкинтой Сулаймон пилдиллаб олдинга ўтди ва зинага чиқиб ҳовлининг чироғини ёқди.

- Энди уйга кирамиз .

Ақромжон Мирсаид акани кичик меҳмонхонага олиб кирди ва авайлаб диванга ўтқазди

- Оғриқ йўқми , ота ? - деб сўради у Мирсаид акадан. Мирсаид ака "йўқ" деб бош чайқагач жилмайди, - мен ҳозир ҳаммасини ташкиллаштириб юбораман. Қорнингиз ҳам роса очиб кетгандир.

- Сенгаям тоза дардисар бўлдим- да , болам . Қариган чоғимда шу ҳам бормиди менга ?

Ақромжон Мирсаид аканинг елкасидан қучди :

- Ундай деманг , ота. Сира ҳижолат бўлманг. Ўзингизга қолса шундай бўлсин дебмидингиз?! Қизиқ ?! Ўзи сизни ким чақирган экан- а ?

- Чақирган одамнинг овозини сув пулини йиғадиган Маткаримникига ўхшатувдим. Ўзи феъли шунақа унинг . Бир ишни бошлайди , охирига етказмайди. Бор кучи ҳиқилдоғида. Яна билмадим ўшами , йўқми ?! Йиқилиб кўнглим озиб ётганимда "Чиқмайдилар шекилли" деб кетиб қолибди-ёв..

- Майли , ўша киши бўлса эрта- индин яна келиб қолар,- Ақромжон шундай дея эшик ҳатлар экан, Сулаймонга ўгирилди , - сен додажонингга қараб тур. Хўпми ?!

Сулаймон "хўп" дея бош силкиди.

Ҳилола ишдан қайтиб келганда Ақромжон кечки овқат учун дастурхонни ҳозирлаб бўлган эди. Мирсаид аканинг аҳволини кўриб Ҳилоланинг кайфияти тушиб кетди.

- Додажон , эртага бориб ўз ҳисобимдан таътилга чиқиб келаман , - деди у Мирсаид акага жовдираб қараганча , - жонингиз роса оғриётгандир- а ?!

- Йўғей , таътилга нима бор ?! Қолаверса ишинг бир чеккага суриб қўйиладиган иш бўлса экан-ки таътил олсанг , - Ҳилоланинг қарорига дарровда қарши чиқди Мирсаид ака , - нима мени уйда бўри ермиди ?!

- Келинойи , мен борман-ку ?! Отамга ўзим қарайман. Ишга ора- орада бир кўриниб келсам бўлди-да.

Мирсаид аканинг илтимоси билан Маҳина амма ва қолган қариндошларга унинг оёғи синганлиги хабарини айтишмади.

- Ака- укамга кейинроқ, икки ҳафталарда айтармиз , унғача анча яхши бўлиб қоламан,- деди Мирсаид ака,- улар бу хабарни эшитишса келаверишиб мениям , ўзлариниям безовта қилиб юборишади. Опам эса барини уйга қайтганларидан кейин билганлари дуруст. Бемалол дам олсинлар. "Ойда йилда бир бозор - униям ёмғир бузар" деганларидек опамга дардимни айтиб кайфиятларини бузмай қўяқолайлик.

- Бугун амаким додажонимнинг ёнларида ухласалар , мен ойижоним билан ухлайман , - деди кичкина Сулаймон суҳбатдан қолмай.

Ақромжон шу бугундан бошлаб Мирсаид аканинг ёнида ётиб қола бошлади.

@Xazon_Rezgi /173 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид аканинг оёғи синганидан сўнг Ақромжон уни ўзи кўнгилдагидек чиройли қилиб парваришлай бошлади. У тушликка қадар бир , тушликдан сўнг яна иккинчи бор супермаркет ишларидан хабардор бўлиб келар , қолган вақтларини Мирсаид аканинг ёнида ўтказарди.

Сулаймонни боғчага олиб бориш- келиш вазифаси ҳам ўз- ўзидан Ақромжоннинг зиммасига тушган эди.

Ҳилола эса тушгача ҳаммаёқни тозалаб, тушликка овқат тайёрлар , шундан сўнг ишга кетар эди. Кечки таомни тайёрлашни ҳам Ақромжон қойилмақом уддалар эди.

Шу зайлда бир ҳафта вақт ўтди.

Бир куни кўнғироқ қилишлари сабаб Мирсаид акани Ҳилолага тайинлаб ишга барвақт отланган Ақромжон кўп фурсат ўтмай ўзи билан ёшлари ўттизлардан ошган эркак ва аёлни бошлаб келиб қолди.

- Келинои , - дея кираверишдан меҳмонларни Ҳилолага таништирган бўлди Ақромжон, - мен бизнес ишлари юзасидан Қозоғистонга бориб келмасам бўлмайдиган бўлиб қолди . Уч хафталарда қайтаман. Унгача сизга Зокир акам ва Василаделиноийимгилар ёрдамлашиб туришади. Ҳавотир олманг , булар синашта одамлар. Бемалол ишонсангиз бўлади. Эшитгандирсиз , балки . Бу акам ва аёллари бизникида бир неча йилдан буён яшаб туришади. Мен йўқ вақтимда ҳам уйимни- уй , жойимни- жой қилиб ўтирган ҳам шулар, - Ақромжон шундай дея Ҳилолага маслаҳатомуз сўз қотди , - келинои, нима дейсиз ?! Менимча, уларни кираверишдаги хонага жойлаштирсак сизга ҳам маъқул бўлар а ?

- Сиз нима десангиз шу, муллака,- Ақромжоннинг таклифига эътироз билдирмади Ҳилола .

Ақромжон кулимсираб бош ирғади ҳамда эр- хотинга ажратилган уйни кўрсатди-ю, ўзи ичкарига Мирсаид ака билан хайрлашгани кириб кетди.

* * *

Ақромжон кетгач, Зокир ака билан Василаделинои опа уч кунга қолмай уйдаги барча баланд-пастни ўзлаштириб олишди.

Уларнинг ҳар иккаласи Ҳилоланинг қўлини совуқ сувга ҳам уришига ҳожат қолдирмай қўйдилар. Зокир аканинг ўзи бир хафтада боғдаги ишларни саранжомлаб ташлади. У Сулаймоннинг боғчага олиб бориш ва келишни ҳам ўз зиммасига олган эди.

Василаделинои опа ҳам эртадан - кечгача ошхонадан чиқмас, куймалангани - куймаланган эди.

Шундай бўлса-да , нима учундир Мирсаид аканинг кундан - кунга шаҳди пасайиб, ранги синиқа бошлади.

Ҳилола додажонисидаги бу ўзгаришни сабабини билолмай борган сари ҳуноби ошарди.

У калаванинг учини топа олмаётган эди.

"Ахир додажоним вақтида овқатланаётган бўлсалар , дори - дармондан камчилигилари бўлмаса , ётиш - туришлари, енгиллашиб олишидан Зокир ака бохабар бўлиб турган бўлса , унда нима учун кайфиятлари кундан- кунга сўниб бормоқда ?!"- Ҳилола бу таҳлит саволларнинг жавобини Мирсаид аканинг муқим уйда ўтириб қолганидан кўрди ва ахири иложсизликдан адаси - Асрор акага ёрилди.

Асрор ака Ҳилоладан додажонисининг бошига тушган савдони эшитиши билан дарров аёлини олиб учиб - қўниб етиб қудасиникига келди.

У йўл- йўлакай Мирсобит ака ва Мираъзамларга ҳам хабар бериб ўтибди .

Кўп ўтмай Мирсаид аканинг уйини қариндош- уруғлари босиб кетди.

"Одам тафтини одам олади" деганлари нечоғлик рост- да.

Мирсаид аканинг синиққан чехрасига тезда қон ҳам югура қолди. Жигарлар Мирсаид акани

кўнглига оғир ботмаслик учун вақтида хабар бермагани туфайли маломат қилиб ўтиришмади.

Келган эркалар бир хонада , аёллар эса иккинчи хонада алламаҳалгача гурунглашдилар.

Асрор ака эса одатига кўра ҳар доимгидек давранинг файзи ва кўрки бўлиб , унга гашт бериб ўтирар эди. Масрур ўтирган жигарлар ва додажонисига қарай туриб Ҳилола бу ишни , яъни қариндош- уруғга хабар беришни аввалроқ амалга оширмаганидан афсусланар эди.

Шу куни Асрор ака кетар чоғида Ҳилолани бир четга тортди ва унинг қулоғига нималарнидир шипшиди.

Адажонисининг сўзларидан кўзлари чакнаб кетган Ҳилолага эса Асрор ака кўрсатгич бармоғини лабига босиб "тшшш" дея кўзини қисди.

- Қизим , сен секин ҳаракатингни қилиб қўй, иш битиши билан доданларга сюрприз қиламиз . Нима дединг ?

- Вой адажон , жуда соз бўлар эди- да ?! - деди Ҳилола Асрор аканинг таклифидан мамнун бўлиб.

@Xazon_Rezgi /174 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола додажонисининг кайфияти тушганлигини қариндошларининг соғинганлигига йўйганди. Бироқ қариндош- уруғлар келиб - кетишганинг эртаси куниданоқ унинг чехрасига ёйилган тундлик тўрини кўриб яна ҳайрон бўлди.

"Додажон, илгари ҳеч қачон бундай "Ичимдагини топ" қабилида ўз қобиқларига бурканиб олмасдилар . Негадир кейинги ҳафталарда бошқача ўзгариб қолдилар. Гап сўрасам аниқ сабабини айтмайдилар. Қизиқ , уларнинг бунчалик тушкун кайфиятга тушишларига нима сабаб бўлаётган экан?! Ё "Ўзимни фарзандим бўлганда одам ёллаб боқтириб қўймасмиди ?!" деб ўйлаб маҳзун бўлаётганмиканлар- а ?! Йўйўқ , бундай фикрлаганларида таътил оламан деганимда жон- жаҳдлари билан қаршилиқ қилмаган бўлардилар" - Ҳилола ўйлаб ўйининг охирига ета олмасди.

Шу таҳлит орадан бир ҳафтага яқин вақт ўтди.

Ваниҳоят Асрор ака айтган сюрприз тайёр бўлди. Асрор ака бу ҳақда кўнғироқ қилиб Ҳилолани огоҳлантирганда у ўқув марказида навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўраётган эди. Ҳилола дарҳол Дилнозага учрашиб ундан бугунги дарси учун руҳсат олди. Дилноза уч соат Ҳилоланинг физика дарсидан навбатдаги чиқиш тестларини олиб турадиган бўлди .

Ҳилола дарвозахонадан оҳиста кириб келганда Мирсаид хонасидан унинг нотинч овозини эшитиб беихтиёр қадамини секинлатди.

- Зокиржоон , Зокиржон дейман. Белим ёмон қотиб кетди. Илтимос болам, келиб ўнг тарафимга сал ёнбошлатиб қўйинг. Кейин ... Кейин жудаям сувсаб кетдим...

Зокиржоон. Қаерда қолдингиз?!

Шу вақт хона эшигининг тарақлаб очилгани ва Васида келинойининг хунук овозда шанғиллагани эшитилди .

- Бунча бақирдингиз а ? ! Микрофон ютганмисиз нима бало ?!
- Зокиржон қани ?!
- Зокиржонингиз йўқ ! Сизнинг тинимсиз ёншишингиздан безор бўлиб уйдан қочиб кетди Зокиржон.
- Мен ... Мен жуда сувсаб кетдим. Озроқ сув беринг , қизим.
- Уфф , яқинда ичирдим- ку, бунча устига устак сўрайверасиз сув, сув деб , тавба ичингиз кудуқми дейман?!
- Тушликда берган маставангиз бироз шўрроқ экан. Юрагимни ўртаб юборди
- Манг, ичинг. Уволингизга қолмай яна ?!
- Шу сув идишни ёнимга қўйиб кетинг. Ўзим керагида ичиб олаверардим. Сизларни ҳам ҳадеб безовта қилавермайман шунда.
- Отажоон , - кинояли овози эшитилди Васида келинойининг,- ўтган куни сувни ёнингизга қўйиб кетиб бўларим бўлди. Ўша куни бозор қайтишини ўйламай ичаверибсиз , ичаверибсиз . Зокир акам сизни тўсиб чарчадилар, мен тувак тўкиб безор бўлдим. Ҳали ёдимдан чиққани йўқ. Кеча эса кўнглимни айнитиб...
- Нима қилай энди ?! Сизларга юк бўлмай деб ортиқча овқат ҳам еётганим йўқ. Ундан кейин қараётган бўлсанглар, текинга эмасдир , болам етарлича пул бераётгандир. У қуруқ қўядиганлар тоифасидан эмас
- Овқат емаяпман ?! Емаганиз шумиди ҳали ?!
Анави артист латифасини билиб айтган экан- да : "Ўламан, ўламан дейсиз- у , тувакни тўлдиришдан бўшамайсиз" деб. Жонидан ўтган экан-да у бояқишниям.
Энди пул масаласига келсак... Ҳаа нимасини айтасиз , бир ойга икки кишига тўрт юз доллар ?!
Шу пулни энди ?! Биз бу пулни ўғлингизни уйини шундоққина қўриқлаб бошқа ҳеч иш бир қилмасдан ўтириб ҳам олаётгандик.
- Шундай денг ?! Яхши сув сўрамаганим бўлсин унда . Бир пиёла сув ичириш шунча машаққат бўлса . Тўрт юз доллар пул бўлмаса . Шунинг орқасидан шунча гап болаласа. Бораверинг, хонангизга кириб дамнингизни олақолинг.

Васида келинойи вайсай - вайсай кета бошлади.

- Ё тавба ? ! Одам деган ҳам шунчалик дардисар бўларканми ?! Йў-ўқ бу киши айнан худонинг қарғишига қолган одам. Лаънат олмаган бўлмаганда ўз фарзанди ўлиб куни етти ёт бегоналарга қолармиди ? ! Ўзиям эмганда онасининг кўксини қаттиқ тишлаган эканми дейман?! Тағин тил демагани икки қарич ?! Менга қарасанг пулини оляпсан- ку дейди- я ?!
Без ! Аммо шунча гапдан кейинам келинига миқ этмайди. Униям жонидан тўйдирганини яхши билади бу тирроқ чол!

Ҳилола дарвозахонада ҳозир эшитганлари таъсирида тахта бўлиб қолганди.

У барчасига тушунганди.

Барчасига ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

61- ҚИСМ

Ҳилола дарвозахонада бир мунча муддат шу аҳволда турди. Сўнгра бор кучини оёқларига тўплаб қайнотаси ётган хонага йўл олди.

Васила келиноийи хона ичидан очилган эшик орқали даҳлиздан ошхона тарафга ўтиб кетган эди.

Ҳилола остонада туриб юраги ўртанганча хўрсиниб Мирсаид ака ётган диванга назар ташлади.

Мирсаид ака девор тарафга ўгирилиб ётар , унга назар ташлаган одам елкаларининг билинар - билинмас силкиниб туришидан унинг йиғлаб ётганилигини сезиши қийин эмас эди.

Ҳилола оғир қадамлар билан Мирсаид аканинг бошига келди. У аста қайнотасига эгилди ва Мирсаид аканинг елкаларидан аста тутиб ўзига қаратди.

Мирсаид аканинг кўзлари... тўла жиққа ёш эди... Алам кўз ёшлари қирғоқларидан тошиб чиройли кузалган соқолларини хўл қилиб юборган эди...

Мирсаид ака Ҳилоланинг барчасидан воқиф бўлганини қалбан ҳис қилди.

Индамади....

Индай олмади...

У кўз ёшлардан тийилишга ҳаракат қилди. Аммо ўзини қўлга олиши қийин бўлди . Ҳилоланинг қаршисида яна кўзидан ўксик ёши узилганча юзи бўйлаб юмалаб туша бошлади...

Ҳилола лабини маҳкам тишлаб аста диван қаршисига чўккалади.

Бир сўз демай диван ёнидаги тумба тортмасидан нам салфетка олди ва Мирсаид аканинг кўз ёшларини оҳиста авайлаб артди.

Сўнг қайнотасининг боши нозик қўллари билан суяб , унинг тагига яна битта ёстиқ қўйди. Сал нарида турган бандли бокалга тўлдириб илиқ сув қўйди ва Мирсаид акага тутди :

- Ичиб олинг, додажон...

Мирсаид ака аста - секин сув ича бошлади . Бокални яримига етганда тўхтади. Ҳилола уни яна сув ичишга кистади :

- Ичақолинг, додажон...

Мирсаид ака сувни охиригача ичди. Сўнг бошини ёстиққа ташлаб беҳол шивирлади :

- Ўзингга шукр.

Ҳилола Мирсаид акага меҳр аралаш дардли тикилди :

- Додажон...

Нима учун ?!

Мирсаид ака жавоб бермади . Чуқур хўрсинди .

Ҳилола саволини такрорлади :

- Додажон , саволимга жавоб бермадингиз. Бу зўрлик, бу зўрлик, бу камситилишларга чидашингизнинг сабаби нимада ?!

Мирсаид ака дардли товушда тилга кирди :

- Болам , мен кўнглинга озор бергим келмади. Сени ишдан чалғитгим , уйда ўтқизиб қўйгим келмади. Менга бундай муомала қилишаётганини билиб , асабинг бузилишини истамадим. Қолаверса , чақимчи бўлиб кўришиб қадримни ерга ургим келмади.

Мен...

Сенга дардисар бўлиб...

- Додажон !

Ундай демааанг ?!

Дардисар демаааанг ?!

Ундай дея кўрманг , жон додажооон?!

Ҳилола титраб - қақшаб йиғлай бошлади.

Мирсаид ака ҳазин овозда гапини давом эттира бошлади :

- Кўрдингми , болам? Мендан сенга етгани фақат озор-у андуҳ бўлиб қолди... Шунинг учун ҳам ...

Ҳилола ҳийқ этиб ютинди , қўллари билан кўзёшларини артди :

- Додажон...

Айтинг-чи , мени шунчалик яхши кўрасизми ?

Юрагингиз шу қадар кенгми ?

Меҳрингиз шунча дарёми ?!

Унга бунчалик улкан муҳаббатни қандай сиғдира ололдингиз ?

Мен бунчалик фидокорлигингизга арзийманми ўзи ?!

- Ундай дема, болам,- Ҳилолага меҳр билан тикилди Мирсаид ака,- Сен булардан ҳам кўпига арзийсан.

- Вооой , Ҳилолахон, қачон келдингиз ? Бунақа пайтда уйда бўлмас эдингиз-ку ?

Ҳилола ортига ўгирилди . Остонада Васида келинони турар эди . У Ҳилоланинг кўзидаги ғазабни кўриб тили тутилди :

- Мееен ... Меен отамдан хабар олиш учун киргандим ...

Ҳилоланинг кўз ёшлари зумда қуриди. У кесиб-кесиб , дона-дона, дадил-дадил гапира кетди:

- Қачон келдим ?! Қачон келганим сизга қизиқми ?

Хўйш...

Келганимга етарлича вақт бўлди .

Нега бундай деяётганимни айттайми ?! Мен ҳаммасини эшитдим. Сизни таниб олиш учун керакли бўлган барча гапларни.

Ҳилола шундай деб тин олди :

- Энди гап бундай. Ҳозирги гапирадиган гапларимни юрагингизга қўрғошиндек қуйиб олинг. Хуллас , сиз додажонимни эмас , йўқ балки мени қаттиқ ҳақорат қилдингиз.

Ҳақорат бўлгандаям шунақанги қаттиқ ҳақорат қилдингиз- ки...

Ўзи сиз кимсиз- ки , Аллоҳнинг иродасини писанд қилмайдиган ?!

@Xazon_Rezgi /176 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Додажонга яқинларини йўқотганлари тўғрисида таъна қилишга ким ҳуқуқ берди ?!

Сиз ...

Сиз Аллоҳдан қўрқмайдиган инсон экансиз ?!

Сиздакаларни шайтон лашкарининг садоқатли аскарлари дейилса , бу сизга нисбатан юмшоқ айтилган сўз бўлади.

Яна ...

Яна адолатсизлик ҳам бўлади. Сабаби сиз бундан ортиғига лойиқсиз.

Сиз додажонни "Худонинг қарғишига учраган" деддингиз- а ?!

Йўқ , асло ундай эмас ... Мен додажонни Аллоҳнинг энг , энг , энг суюкли бандаси деб биламан.

Бунга аминман.

Нега дейсизми ?

Додажон бошларига шунча савдо тушса ҳам бир оғиз "оҳ!" демадилар . Ҳамиша, ҳар қандай

вазиятда ҳам Аллоҳнинг иродасига бош эгдилар .

Мана ўзингиз ҳам кўряпсиз- ку , сизнинг ит феълингизга қандай сабр қилганликларини. Аслида олганда бу сўзларим итга нисбатан ҳақорат . Чунки ит - вафо ! Сиз эса яхшилиқни билмайдиган- нобакорсиз !

Нобакор бўлмасангиз бир кунда беш маҳал иссиқ овқат билан сийлаган , ўрин- кўрпангизни юмшоқ пар тўшакдан тўшаб берган, хонангизнинг ўзида ташқарига чиқмай ювиниб - тараниш имконини берган инсонга нисбатан шундай муомала қилармидингиз . Тўрт юз доллар сиз учун пул эмас экан. Галдаги ишингизда бундан ортиқ шароит ва тўрт минг доллар тўлашларига тилақдошман. Аммо айтиб қўяй. Сизларни бу ерга олиб келган мулла акам сафардан қайтгач , эр- хотин икковингизга квартира совға қилмоқчи эдилар. Чунки улар сизга ўз юракларини - додажонни ишониб топширгандилар. Бу юракни меҳр ила парваришлаш эвазига сизларга миннатдорчилик билдириш ниятида эдилар. Аммо сиз тузни ичиб тузликқа тупириб бўлдингиз.

- Ҳилолаҳон , сиз ... Сиз мениёл нотўғри тушундингиз. Мен ҳозир барчасини яхшилаб тушунтириб бераман ...

- Нимани тушунтирасан ? А нимани тушунтирасан?! - Ҳилола жазавага тушиб Васида келинойини сенсирай кетди,- додажонимни ҳеч киминг йўқ деб ҳақорат қилганингими ? Оғзим бор деб тилингга келганини сайрайверасанми ? Билиб қўй , бу киши мени отам . Ўз-Отам! Ойижоним ва жуфтимнинг менга омонати ! Ёлғиз ўғлимнинг бобоси ! Мен бугун додажонимнинг кўзларида ёш кўрдим. Сен туфайли . Энди яхшилаб эшит. Додажонимнинг бир томчи кўз ёшлари учун керак бўлса бутун дунёга ўт қўя оладиган даражада шижоатлиман.

Сенга сўнгги гапим !

Ўзинг ва эрингга ярим соат муҳлат : тўрва-халтангни йиғиштирларинг ва кўз ўнгимдан йўқол.

Ҳилола шундай деб сумкасидан беш юз доллар олди ва Васида келинойининг юзига отди :

- Бу пулларни қайтиб кўзимга кўринмасликларинг учун кафолат учун ол ва қури ! Вақт кетди . Бўл тез ! Мен шошиляпман.

- Ҳилолаҳон... Илтимос мени эшитинг!

- Менинг кимлигимни билмайсан шекилли . Ортиқча жаҳлимни чиқарсанг ҳозир милицияга кўнғироқ қилишга мажбур бўламан. Сен ва эрингни талончи деб эълон қилиб юбораман. Аслида сенлар ҳақиқатдан ҳам талончисанлар. Инсонийлик деган туйғуни талон- тарож қиласанлар. Хуллас бу ёғига вақтимни олма.

Ҳилола шунча гап билан эшикнинг ортида Зокир аканинг қулоқ солиб турганини билмаган эди.

Зокир ака Васида келинойи Ҳилола отиб солган пулларни йиғиштириб эшикдан чиқиши билан аёлини қулочкашлаб урди. Васида келинойининг боши эшикка қаттиқ тегди. Кескин зарб туфайли бурнидан шариллаб қора қон келди:

- Ифлос ! Минг марта айтгандим сенга бир кун шу тилинг бошингни ейди деб ?! Кўнглинг жойига тушдими энди?!

- Томошангизни бориб кўчада қўйинглар ! Бугунга шунчаси етарли бўлди. Марш ! - Ҳилола уларнинг ортидан шундай деб бақирди ва кейин Мирсаид аканинг ёнига келиб бошини эгди:

- Додажон ! Қани биров сизни ғиринг деб хафа қилиб кўрсин-чи?! Сулаймон катта бўлгунча ўзим сизга жавоб бераман. Мени бўш - баёв , ожиза деманг . Керак пайтда алвасти ҳам бўла оламан. Биров сизга қарши бир гап айтсин-чи, шу тирноқларим билан юмма тимдалайман. Унга кучим етмаса тишлаб узаман.

Мирсаид ака Ҳилолага жилмайди :

- Қизим . Бир олим киши айтган экан: "Кимнинг битта қизи бўлса , оила дафтарига ўнта ўғлим бор деб ёзиб қўйсин. Гапимга жавоб бераман" деб .

Сен ҳозир ҳақиқатдан ҳам шу гапни тасдиқладинг.

@Xazon_Rezgi / 177 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Биласанми, қизим ?!

Мен ҳақиқатдан ҳам сен айтгандек Аллоҳнинг суюкли бандасиман.

Кўпинча ўйлайман...

Ёдингдами , болам?! Мен сени келин қилишни сираям истамаган эдим. Бироқ менинг эмас, Аллоҳимнинг айтгани бўлди . У эса бандасига нима яхши , нима ёмон эканлигини ўзи билади. Менга сени келин қилиб берди... Ўшандаёқ Аллоҳим барисининг ҳисоби олиб бўлган экан... Агар сен бўлмаганингда билмадим мен бу ҳаёт синовларига қандоқ дош берган бўлардим ?! Сен туфайли...

- Додажон ... Ундай деманг... Мен эмас, балки сиз ҳаётимнинг умид чироғисиз, - Ҳилола шундай деб кулимсиради,- энди эса отланишингиз керак. Ҳозир адажоним сизни олиб кетишга келадилар.

- Нима учун , - ажабланди Мирсаид ака, - тинчликми ? Қаерга?

-Тинчлик , додажон, тинчлик. Адажонимга университетдан Зоминдаги энг яхши санаторияга йўлланма беришибди. Улар сизни ҳам ўзлари билан ҳамроҳ қилиб бирга олиб кетмоқчилар. Адажоним "Қудам ҳам анчадан буён ҳеч қаерга чиққанганлари йўқ , икковимиз бир ҳаво алиштириб келамиз . Баҳонада оёқлариниям кўрсатамиз" дедилар.

- Ииие , бу ёғи қандоқ бўлди? Ахир мен ҳеч нарсага тайёргарлик кўрган бўлмасам,- бўшашиб сўради Мирсаид ака.

- Мен борман-ку, додажон. Сизга керакли кийим- кечакларингизни аллақачон тахт қилиб қўйганман. Адажоним "Ош- овқат, мева- чева керакмас , йўл тўла кафе, йўл тўла чойхона" дедилар.

Сиз ҳозир устки кийим- бошингизни алиштирсангиз бўлди. Мен ҳозир ... - Ҳилола шундай деб ташқарига йўл олди ва йўл - йўлакай изоҳ бера кетди , - мен ва набирангиздан ҳавотир олманг. Сиз қайтгунча ойижонимлар билан яшаб турамиз.

Ҳилола ташқарида тугунларини қўлтиқлаган Зокир ака ва Васида келинойига дуч келди. Васида келинойининг чап қовоғи шишиб , кўкариб кетибди.

Ҳилола уларни кўрмагандек шаҳдам қадамлар билан ҳовлининг нариги тарафига ўтиб кетди. Эр - хотин чиқиб кетгач, кўп ўтмай дарвоза ортидан аввал машина сигнали , сўнгра Асрор аканинг ўктам овози эшитилди.

- Ҳилола- ю ?! Мен келдим ! Қудам тайёрмилар ?!

Ҳилола адасининг истиқболига югуриб чиқди. У Асрор ака билан кўришиб оҳиста маълумот берди.

- Биз тайёрмиз , Адажон. Фақат додажон устки кийимларини кийсалар бўлгани .

- Қани кийимлари , менга кўрсат-чи?!

Асрор ака шаҳдам қадамлар билан ичкарига йўл олди.

Икки қуда Ҳилолани Қаъни маҳалласи -қизлик уйига ташлаб йўлга равона бўлдилар.

Кеч бўлганда Ҳилоланинг телефони жиринглади. Ҳилола телефонни қўлига олиб экрандаги "Мулла акам" деган ёзувга кўзи тушиб , Ақромжоннинг нима мақсадда қўнғироқ қилаётганини англагандек бўлди. Ақромжоннинг илгарилари Мирсаид аканинг рақамига туша олмаган кезларда бир- икки қўнғироқ қилганини айтмаса , Ҳилолага деярли қўнғироқ қилмаган эди .

- Алло , келинойи , ассалому алайкум. Безовта қилмадимми ?! - тармоқдан Ақромжоннинг меҳрибон ва ширали овози эшитилди.

- Ассалому алайкум, муллака ,- саломга салом билан жавоб қайтарди Ҳилола ?! ,- йўқ безовта қилмадингиз.

- Отам , кичкинтойимиз , ўзингиз яхшимисиз ?

- Раҳмат, барчамиз яхшимиз ,- Ҳилола одоб юзасидан Ақромжондан ҳол - аҳвол сўрашга мажбур бўлди ,- ўзингиз яхшимисиз ?!

- Раҳмат , Аллоҳга шукр,- деди Ақромжон ва гапини минг истиҳола билан чайнаиб давом эттирди ,- келинойи, Зокир акаларнинг жавобини бериб юборибсизми ?

Ҳилола оғир ютинди :

- Узр, шундоқ бўлиб қолди .

- Мумкин бўлса сабабини айта оласизми , келинойи ?!

- Улар ... Улар юрагимга пичоқ уришди ...

- Юрагингизга ?! Тушунтириброқ айтинг , илтимос...

- Муллака, менинг бошимга осмонни ағдариб юборишса балки чидарман, аммо додажоннинг кўзларидан бир томчи ёш юмаласа чидай олмайман.

Додажон - менинг юрагимлар!

Уларни хафа қилишга ҳеч қайси инсоннинг ҳаққи йўқ ...Эшитяпсизми?! Ким бўлишидан қатъий назар ...

Ақромжон анча пайт жим бўлиб қолди. Сўнг бир ютиниб тилга кирди :

- Тўғри қилибсиз... Отамнинг кўнгилларига озор беришга ҳақиқатдан ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ... □□□□ аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

62- ҚИСМ

Мирсаид ака Асрор ака билан санаторийдан икки хафталарда қайтиб келишди.Ҳилола тахмин қилганидек, Мирсаид ака оёғининг гипсини олдирган, энди ўзини эҳтиёт қилиш мақсадида ҳассага таяниб аста юра бошлаган эди.

Бу орада Маҳина амма ҳам сафардан келган ва ўз уйида яшаб турган эди.

Рўзғор бошининг қайтиши оила аъзоларини яна ўз уйларида жамул-жам қилди.

Мирсаид аканинг ташрифи муносабати билан ҳовли бир зумда файзга тўлди- қўйди. Уларникига узоқ - яқиндан қариндош- уруғлар оқиб кела бошлашди.

Шу куни Ақромжон ўз қўллари билан кабоб пиширди. Мирсаид аканинг жигар-у ҳамда қудалари алламаҳалгача дастурхон устида суҳбатни қизитишди.

Зокир ва Василалар ҳақида ҳеч ким эсламади , тўғрироғи эслашни хоҳлашмади.

Ҳаёт бир маромига тушгандек эди гўё...

Инсонлар кўнглига ҳаловат бахш этганча, соҳир табиат гўзал хазонрезгини интиқиб кутилган меҳмон сифатида муҳаббат ила оғушига олди.

Ўқув марказида барча ишлар режа асосида кетаётган эди. Бунёдбек Аҳмедов янги лавозимида кўника олмаётган эдими ё бўлмаса пешона тери сингган маскан- ўқув марказидан кўнгил узиши қийин бўлган шекилли, кейинги икки ой ичида бу ерга уч бора келиб-кетди. Бунёдбек учун марказдагилар бири опа , бири ака , бири сингил, яна бирлари ука қаторида азиз бўлиб қолганликлари сабаб ҳар қайсилари билан алоҳида - алоҳида кабинетма- кабинет юриб сўрашиб ўтарди.

Унинг биринчи бор келиши Мирсаид ака санаторияда бўлган вақтига тўғри келганди. Ўшанда Бунёдбек Аҳмедов одамгарчилик юзасидан Ҳилола билан йўли бир бўлганлиги туфайли Сулаймонни боғчадан олиб, сўнг она- болани Катта Қаънидаги уйларига ташлаб қўйганди.

Ҳилоланинг ёдида... Ўша куни ҳамиша жиддий юрадиган Бунёдбек нима учундир ҳам Ҳилола билан ёзилиб гаплашганди.

- Бунёдбек ака , сиз адашмасам Жиззахликсиз-а?! Тошкентда қачондан буён яшайсиз? - деб сўраганди ўшанда Ҳилола.

Бунёдбек йўлдан кўзини узмай ним табассум билан жавоб берганди :

- Абитуриентлик вақтимдан буён. Ўқишга имтиҳон топширишга келдим- у, шу бўйи Тошкентдаман. Аввал бакалаврият , сўнгра магистратура , ундан кейин кафедрада ўқитувчилик. Орада ўқув марказидаги ишлар.

Айтганча , мени у ерга ўзимизнинг Дилнозанинг акаси чақиртирган эди. Бизлар курсдош бўлганмиз.

- Мен ўқувчилардан сизнинг хотирангиз жуда зўрлигини эшитиб ҳайрон бўлганман. Сиз дарс ўтаётиб фикр билдирсангиз ёки цитата келтирсангиз фалон адабиёт , писмадон рақамли саҳифа деб айтиб ўтаркансиз. Битта савол сўрасам майлими ?! Фақат ростини айтсангиз ?! ... Илтимос ...

- Майли сўранг , - деди Бунёдбек

- Айтингчи , сиз бу саҳифа рақамларини, умуман олганда барча фактларни "Кези келса исбот тариқасида ишлатаман" деб атайдан ёд оласизми ёки буларнинг бари беихтиёр шунчаки хотирангизга қуйилиб қоладими ?!

- Иккинчиси ...

- Шундай бўлса ҳақиқатдан таслимман . Аммо бу қадар зўр натижага эришишнинг ўзи бўлмаган бўлса керак ?!

- Эээ буни тарихи узун. Бир куни айтиб бераман.

- Устоз, иложи бўлса ҳозир эшитсам дегандим . Тажрибангизни мен ҳам ўз фаолиятимда қўллаган бўлардим- да. Ўғлимни боғчадан олишимга ҳали бироз вақт бор.

- Майли унда , айтиб берганим бўлсин,- Бунёдбек Аҳмедов ўзининг кобальт машинасини йўл четига олиб тўхтатди ва ҳикоясини бошлади, - бу воқеага анча йиллар бўлди.

У кезлари олтинчи синфда ўқирдим. Ўшанда баҳор эди. Эрталаб сахарги тўртларда қўйларимни боқишга олиб кетаман. Соат тўққизларда уларни қорнини тўйдириб уйга қайтаман. Кейин ювиниб , тараниб чой ичишга ўтираман. Чойдан кейин дарс қилиш ва дам олиб олишимга ҳам етарлича вақт ортиб қоларди.

Хуллас шундай кунларнинг бирида қўйларимни қайтариб олиб келаётганимда улар бир фермернинг буғдойзорига кириб кетиб қолди.

Фермер авзойи бузуқ одам эди. У менинг ялиниб - ёлборишимга қарамади. "Қўйларингни битта- битталаб сўяман!" дея кўнглимни тоза вайрон қилди. Унга ёлвораман, йўлга қарайман . Йўлга қарайман , фермер амакига ёлвораман.

@Xazon_Rezgi /179 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Уйидагилар "Бунёдбек бунчалик ҳаялламасди" деб ҳавотир олиб изимдан келиб қолишар деб умид қиламан.

Қаёқда дейсиз ?!

Нимагадир шунча кеч қолсам ҳам ўша куни менинг ортимдан ҳеч ким келмади.

Ахири соат ўн бирларда фермерни тош кўнгли юмшаб мени уйга қўйиб юборди.

Қўйларимни ҳайдаб келяпман- у , алашимга чидолмай бор овозда баралла йиғлайман.

Уйимизга яқинлашганда кўчада мени кутиб турган отамга кўзим тушди.

У мени хун бўлиб йиғлаётганимни кўриб овулганча гап нимадалигини сўради. Мен бўлган воқеани қисқача айтган бўлдим- у , яна йиғига зўр бердим:

- Мен дарс қилишга улгура олмадим . Тадбир учун ёдлайдиган шеърим бор эди, - дедим хайрон боқиб турган отамга хўнграганча .

Отам уйга кириб чойимни ичиб олишимни буюрдилар. Ўзлари қўйларни қамаш учун оғилхонага ҳайдаб кетдилар.

Мен чойни ичар- ичмас йиғлайвердим. Кейин отам қайси шеъри ёдлашимни сўрадилар- у, қўлимга китобни тутиб томга чиқариб юбордилар:

- Шеърни бор овозинг билан бақариб ўқи ! - дедилар улар пастда туриб .

Мен йиғлаб , бақариб шеърни уч марта ўқидим. Тўртинчи марта ўқиганимда эса уни тўлиқ ёд олиб бўлганлигимни фаҳмлаб қолдим.

Сўнг томдан тушдим- у , отамга шеърни ёдлаб бўлганлигимни айтиб, мактабга чопдим.

Биринчи соат адабиёт дарси эди. Ўқитувчимизга салом бериб , партага ўтирмасдан "Шеърни ёдлаб берсам майлими?" деб сўрадим . Улардан руҳсат тегиши билан шеърни шариллаб ёддан ўқиб бердим. Ўша шеър йигирма олти куплетдан иборат бўлиб , Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидаси эди.

Шундан буён , ниманидир ёд олишни истасам , буни чин дилдан ҳоҳлаган ҳолда уч маротаба ўқийман ва у хотирамга шу тариқа муҳрланиб қолади. Неғалигини эса билмайман. Ўзимча ўшанда қаттиқ йиғлаганим ва болаларча изтироб чекканимдан руҳимда қандайдир хотира билан боғлиқ бўлган туйнук очилган бўлса керак деб ўйлайман.

Бунга бошқача таъриф ҳам бериш мумкин. Бу қобилият менга Аллоҳ томонидан берилган мукофот.

Бор гап шу.

Бунёдбек Аҳмедов сўзларини тугатгач , Ҳилола қўшимча қилди:

- Жуда ажойиб . Қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Демак, шу хотирангиз туфайли ҳам тарихчи бўлган экансиз-да ?!

- Бир тарафдан шундай. Энг асосийси эса тарих ўқитувчимиз шу фанга қизиқишни уйғота олганлар . Улар ҳар битта мавзунини шу қадар завқ билан тушунтирар эдилар- ки, ўзимизни худди ўша тарихий даврларда юргандек ҳис қилардик.

-Ҳаа , - жилмайди Ҳилола , - мен эса физикага дадам сабабли меҳр қўйганман. Ёшлигимда

адамлар физик бўлганликлари учун "Мен бу фанни ҳаммадан яхши ўқишим керак" деб ўйлаганман. Бора- бора физикага ҳақиқатдан ҳам бошқача меҳр қўйганимни англаганман. Менимча бу қондан ўтган бўлса керак.

- Мен учун физика жуда жиддий фан , - деди Бунёдбек Аҳмедов, - яна қандайдир салобатли ҳам. Бу фан билан ҳаётини боғлаган инсонлар эса кўзимга негадир сервиқор ва ҳурматга сазовор бўлиб кўринишади. Аммо мени кечиринг- у , аёл кишини бу фан билан тиллашганига кўпинча ҳайрон қоламан, сабаби мен учун бу фанни ўқитиш , ўргатиш анчайин мушкул иш бўлиб туюлади. Шунга бўлса керак физик аёлларни жудаям матонатли аёллар деб қабул қиламан. Шунингдек кимёгар аёлларни ҳам. Билмадим бу фикрим нечоғлик тўғри . Мен сиздаги жиддийликни кўпинча шунга боғлайман. Аммо айтиб қўяй . Бу менинг шахсий фикрим.

- Йўғей , жуда унчалик эмасдир , - кулимсиради Ҳилола,- масалан мен учун физика у қадар қийин фан эмас. Ким билсин балки бу физикага меҳр қўйганим, қизиққаним , мунтазам шу фан билан шуғулланганим учундир, - Ҳилола шундай деб соатига қаради , - ана шунақа гаплар , устоз. Энди боғчага борсак ҳам бўлаверади.

Шу воқеага ҳам бир ой бўлибди. Ҳилола ўшандан кейин Бунёдбек Аҳмедовни ўқув марказида икки марта учратган бўлса- да ,икковлари бош ирғаб салом- алик қилишдан нарига ўтишмади.

@Xazon_Rezgi /180 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Аммо бугун ...

Дилноза Ҳилоладан бугунги машғулотда ўқувчиларидан тест олиши кераклиги ҳақида суриштириб билиб олди-да , уни ҳузурига чақиртирди.

- Сингилжон , ўқувчиларга тест топшириқларини беринг- да хонамга келинг. Гап бор. Болаларга яқинда ишга олган магистр йигитимиз Рустам қараб туради.

Ҳилола Дилнозани айтганини қилиб унинг хонасига келганда , дугона-раҳбарининг бу суҳбатга анча тайёргарлик кўрганини ҳис қилиб ажабланди.

Дилноза термосга сутли қаҳва дамлаган , стол устида эса иккита ликобчада қошиқчаси билан шокаладли пирожний ейишлари учун маҳтал бўлиб кутиб турарди.

- Келинг, Ҳилола , - уни қуюқ мулозамат билан кутиб олди Дилноза , - келақолинг ...

- Тинчликми , Дилноза опа ? - ҳайратланиб сўради Ҳилола , - бугун байрамми ?!

- Қаранг- да ?!

Нима фақат байрам бўлса қаҳва ичамизми ?! Қолаверса , жуда ҳашаматли дастурхон тузаганим ҳам йўқ- ку ?!

- Қизиқ туюлди- да , дарс пайти мени чақирганингиз , -сўзларига изоҳ берган бўлди Ҳилола,- бунинг устига ширинлик , қаҳва ...

- Нима арзимабмизми ?! - атайдан лабини бурди Дилноза, - бундан ҳам кўпроғига арзиймиз аслида. Жаҳлим чиқса ишдан кейин шартта ресторанга кетворишимиз ҳам мумкин.

- Ҳай- ҳай, бу жаҳлингиздан тушинг, опагон, - кўзлари кулди Ҳилоланинг , - умуман олганда ресторан таклифи ҳам ёмон эмас. Якшанбаларга ташкиллаштирасангиз ишхонадаги аёллар йиғилишиб бир борар эдик.

- Майли , уям бўлиб қолар ,- қўл силкиди Дилноза , сўнгра қаҳвадан қуйиб узатди, - ширинликдан ҳам олинг.

- Дилноза опа, бир гап айтайми ,- деди Ҳилола қаҳва хўпларкан унга синчков назар ташлаб ,- нимадир кўнглингизни ҳижил қияптими ёки ... Хуллас менга нимадир дегингиз келаётганга ўхшаб туюлди- да , опагон. Агар тўғри гумон қилган бўлсам , қулоғим сизда опагон.

Дилноза чуқур хўрсинди.

- Тўғри гумон қилибсиз , Ҳилола . Жуда тўғри гумон қилгансиз. Аммо гап мен ҳақда эмас.

- Тушунмадим ? - кўзлари катта - катта очилди Ҳилоланинг , - гап сиз ҳақда бўлмаса у ҳолда ким ёки нима ҳақда ?!

- Ҳилола , сиз аввал бир саволимга жавоб берсангиз,- Дилноза борган сари жиддийлаша борарди ,- мана сиз билан таниганимизга салкам беш йил бўлди. Ўйлайман-ки, бу муддат бир-биримизга ҳаддимиз сиғиб бирор саволни сўрай олишимиз учун етарли бўлса керак ?! Нима дейсиз ?

- Албатта , - деди Ҳилоланинг хаёлига иш юзасидан ҳар хил ўйлар келиб ,- нима гапингиз бўлса , бемалол сўрайверинг , опагон ?! Қўлимдан келганча жавоб беришга ҳаракат қиламан.

- Демак, сўзларимни кўнглингизга оғир олмайсиз ?! - Дилноза Ҳилолага синчковлик билан тикилди.

Ҳилола бу саволга қандай жавоб қайтаришни билмай бироз жим қолди :

- Опа ...Сиз шундай оҳангда гапираяпсиз- ки , мен ҳалитдан "Қаерда айб иш қилдим экан ?!" дея ўйлай бошладим. Агар фанни ўқитиш жараёнида бирор ...

Дилноза Ҳилоланинг сўзини шарт кесди:

- Йўқ , бу сиз ўйлаган нарса эмас ?!

- Унда нима ахир ?! Опа юрагим ёрилиб кетади ҳозир ...

- Майли. Мен бу ерга сиздан бир нарсани сўрашга чақиргандим ,- Дилноза Ҳилоланинг ўзига индамай тикилиб турганини кўриб ўзини қизиқтирган саволни бериб юборди ,- айтинг- чи , қачонгача шундай юрмоқчисиз ?! Яъни қайта турмуш қурмасдан ?! #КЎНГИЛ_ИФОРИ

63- ҚИСМ

Дилнозанинг саволи ва ўтли нигоҳи Ҳилолани ўз ўрнига михлаб қўйди. Ҳилола бироз индамай жим ўтирди. Сўнг қўлидаги қошиқчани ишга тушириб ликобчадаги пирожнийни тез-тез ея бошлади. Ўртада қаҳвали бокални бир кўтаришда ярмигача ичиб юборди. Сўнгра бурнини бир тортди- ю , яна ейишда давом эта кетди.

Уни кузатиб ўтирган Дилноза ич- ичидан зил кетарди. У ахири чидай олмади :

- Ҳилолаааа...

Ҳилола "ярқ" этиб Дилнозага қаради. Ҳилоланинг нигоҳларида чексиз дард , тубсиз мунг ва энг азоблиси ҳадсиз соғинч муҳрланиб улгургани.

- Мен ... Мен умрим давомида ...- Ҳилола бокалдаги қаҳвага тикила туриб сўзлай кетди , - кўнгил эшигини фақат бир инсон ... Сулаймон акамга очгандим... Фақат у кишидан дил изхорини қабул қилгандим. Фақат у кишигагина қалбимнинг сарҳадларимда эркалик қилишларига руҳсат бергандим.

Ва...

Улардан кейин ...

Бу кўнгил бошқа ҳеч кимни қабул қилмайди , қила олмайди деган қарорга келганман.

Негаки ...

Негаки мен улардан айрилганимдан сўнг бир умрга мажруҳ бўлиб қолдим.

Қалби мажруҳ инсон ҳеч кимни бахтли қилолмайди. Шу сабаб яна бошқа инсон билан танишишни ҳам , уни ҳам , ўзимни ҳам бахтсиз қилгим йўқ...

Мен ёниб - ёниб , қовжираб қолган дилман.

Мен ... Мудом жароҳатидан қон сирқираб томгучи юракман. Унинг ярасига фақат ва фақат Сулаймон акамнинг хотираси ором бергучи пажмурда кўнгил ... Ўша - ўзимман...

Жуфтим ҳаёт бўлган вақтларда ҳаётим камалак рангида эди. Кулгиларимда жаранг , табассумимда қувонч, одимларимда ишонч, кўнглимда хуш ифор бор эди...

Энди- чи...

Энди ўзимда йўқ ҳисларни бошқа бировга қандай тақдим эташим мумкин ? Бу билан ўзимни ҳам, уни ҳам бахтли қила олмаслигим рост. Қолаверса , Сулаймон акамнинг хотираларига ҳиёнат қила олмайман...

Аллоҳга шукр...

Фарзандим бор.

Менга бундан ортиқ яна нима керак ?! Кичик Сулаймоним туфайли кемтик бахтим аста - секин тўлиб бормоқда...

Яна ...

Яна Сулаймон акам доим мен билан қалбан биргалар. Мен тирикман-ки , улар ҳам мавжудлар...

Мен нафас олаяпманми, демак улар ўлмаганлар ... Фақат сал узоқроқ сафарга кетганлар ,

халос ... Бу сафарнинг ҳам вақти келиб ўз ниҳояси бор. Ана ўшанда асти тугамас дийдорга эришамиз ...- Ҳилола шундай деб жилмайишга ҳаракат қилди, бироқ лаблари изтиробдан кийшайиб кетди , - ана шунақа гаплар , опажон ...

Ҳилола сўздан тўхтаганда Дилноза чуқур ўйга толиб қолган эди.

- Ҳилола ... Ҳилолажон... - деди Дилноза ва ниҳоят тилга кириб , - сиз дунё неъматларидан воз кечиш қарорига имзо чекиб қўйманг.

Ким ким- у , аммо айнан сиз бир олам бахтга муносиб аёлсиз. Мени кечиринг- у , ўлганнинг изидан ўлиб бўлмайди. Ҳаёт давом этар экан , биз ҳам яшашда давом этмоғимиз керак. Бу бизнинг инсонийлик бурчимиз. Қолаверса ўғлингизга бир меҳрибон ота керак. Сиз ҳозир ўзингизни ўйлаяпсиз. Бироқ ёлғиз ўғлингизнинг бахти ҳақида қайғураётганингиз йўқ . Ахир унинг ҳам фарзанд сифатида ота меҳридан баҳраманд бўлиб яшашга ҳаққи бор- ку ?! Ҳозирча унга билинмас , фаҳламас , аммо вақти келиб тенгдошларини кузатиб туриб отасига эркалангиси келмасдан , бир умр армонсиз яшаб ўтади деб айта оласизми ?! Айни дақиқада менга дарров эътироз билдиришга уринмоқчи бўлаяпсиз-а ?! "Фарзандимнинг бир эмас , икки бобоси бор , ўғлим ўзига етишмаган меҳрни улардан олаверади" дерсиз эҳтимол .

Аммо бу фикрингизни таги пучлигини, бобонинг ўрни бошқа , отанинг ўрни эса бутунлай бошқа эканлигини ўзингиз ҳам мендан яхши биласиз.

@Xazon_Rezgi /182 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Дилноза опа ?! Умуман олганда нима учун айнан бугун мана шу мавзуни очдингиз? Ўз- ўзидан эмасдир-а , бу суҳбат ?! - Ҳилола Дилнозага савол назари билан боқди,- назаримда менга асосий гапни айта олмаётганга ўхшайсиз ?!

- Жуда зийраксиз-да , Ҳилола ?! Инсоннинг кўнглида нима ғалаёнлар кечаётганини унинг яримта гапидан тушуниб оласиз , қўясиз.

Ҳилола Дилнозага индамай тикилиб тураверди.

Дилноза Ҳилоланинг маъноли қарашидан ўнғайсиз аҳволга тушди. Кўзларини четга олиб қочди.

- Шундай қилиб , менга кимнинг номидан совчи бўлаяпсиз ? Ёки кимнинг илтимоси билан ?!

Ҳилоланинг дангал берган саволидан Дилнозанинг юзларига беихтиёр қизиллик югурди.

- Тўғриси айтсам , бу тўғрисида мендан ҳеч ким илтимос қилгани йўқ. Бироқ шунга қарамай сиз барибир ҳам ҳақсиз . Сабаби , гапнинг ўзани ҳақиқатдан ҳам ҳозирги мавзуга боғланиши бежиз эмас,- Дилноза шундай деб қўлларини қовуштирди , - биласизми , Ҳилола?! Гап шундаки , мен аёлман. Бу дегани аёл кўнгли сезгир ҳилқат дегани. Шунингдек кўр ҳам эмасман. Кўрганларим ва сезгимга таяниб сизга бир яхши инсоннинг бефарқ эмаслигини , бироқ унинг ўзи бу тўғрида тан олиб айта олишга ҳадди сиғмаётганлигини ҳис қилиб турибман.

Ҳилоланинг қошлари чимирилди. Аммо зум ўтмай лабларига кулги тошди :

- Оббо , Дилноза опа-ей ?! Ажойибсиз- да ?! Мен бўлсам ... Айтарли ҳеч гап йўқ экан- у ... Опажон , келинг кимдир ўзини сал бошқароқ тутганига қараб вақтимизни бекорчи

тахминларга сарфлаб ўтирмайлик.

- Ҳилола , кулманг. Мен бир нарсани билмасам гапирмайман,- Дилнозанинг ҳуноби ошгандек бўлди

- Қўйинг, опа. Ундан кейин сиз билан менинг умумий танишларимиз ичида менга оғиз солиши мумкин бўлган инсон йўқлигига юз фоиз аминман. Умид қиламан- ки , мени оилали эркакларга раво кўриб гапирмаётган бўлсангиз керак.

- Ҳа номзодимиз иккимизнинг умумий танишимиз эканлигини тўғри фаҳмладингиз. Аммо у киши ҳозир бу ерда ишлаймайдилар, - Дилноза шундай деб чап кўзини муғомбирона қисди , - мен Бунёдбек Аҳмедовни назарда тутаётгандим ?! Уйлайсиз- ки, у киши бу ерга ўз- ўзидан серкатнов бўлиб қолдимиз?! "Жамоани соғиндим" деган чўпчакка ишонмагандирсиз? Бунёдбек Аҳмедов жамоани соғинганининг ўзидан марказга шунчаки келиб-кетаверадиган даражадаги бекорчи инсонмас ахир.

Ҳилоланинг кўзлари катта - катта очилди:

- Опааа ?!

- Нима опа ?!

- Ахир у киши оила эмасмиди ?!

- Эди ?!

Эди !!

Шу эдигаям икки йил бўлибди. Бунёдбек аканинг аёлидан ажралишганини айтаяпман, - Дилноза шундай деб Аҳмедов тўғрисида батафсил маълумот беришга интилди , - у киши оила аъзоларининг истагига кўра аммасининг қизига уйланган экан. Бироқ ўртада фарзанд бўлмабди. Икки йил аввал аёли "Мен бир марта ота- онаминг истагига кўра сиз билан турмуш қурдим. Саккиз йил сиз билан улар истагани учунгина яшадим . Энди эса ўз хоҳишим билан сиздан ажралишимга ҳеч ким монелик қилолмайди. Сабаби мен ҳам бу дунёга бир бор келганман. Менинг ҳам ўзим истаганимча яшашга ҳаққим бўлса керак ?! дебди. Бу сўзлардан кўринади- ки, жуфтликнинг фарзанд кўришмаганига Бунёдбек ака айбдор бўлса керак.

- Ҳаа , анчайин қайғули ҳикоя экан, - хўрсинди Ҳилола, - севгисиз ҳаёт ҳаёт бўлмаса керак.

- Ҳилола. Бунёдбек Аҳмедов сиз учун энг муносиб номзод. Тўхтанг, сиз менга эътироз билдиришга , "йўқ" демоқликка шошилманг , - Дилноза дарҳол отни қамчилашга киришди , - илтимос мени эшитинг.

Қаранг- да !

- Дилноза опа , шу "қаранг-да!" деган сўзингиздан бирам ҳадиксирайман- да , - Дилнозанинг кўнглига қаттиқ тегмасликка ҳаракат қилиб деди Ҳилола , - "қаранг-да!" дедингизми тамом , сизни ҳеч тўхтатиб бўлмайди. Кейин гап топиб бериш ҳам осон бўлмайди.

Дилноза Ҳилолага меҳр билан тикилди :

- Сингилжон , мен сизни жуда яхши кўраман. Шу сабаб тақдирингизга бефарқ эмасман. Илтимос, бир ўйлаб кўринг. Қадимгилар бекорга "Эрлик аёл - ўт ўтмас кўрғон" дейишмаган. Раҳматли турмуш ўртоғингизни жуда яхши йигитлиги хақида кўп эшитганман. Уни унута олмаслигингиз хақидаги сўзларингизни тўғри қабул қиламан.

@Xazon_Rezgi /183 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Бироқ сиз ҳам битта нарсани тўғри тушунишингизни истардим. Сиз кимсасиз орол ёки дашти-биёбонда эмас , турли гап- сўзларнинг кони бўлмиш кишилик жамиятида яшаяпсиз.

Буни унутманг !

Инсон зоти табиатан ожиз яралган. Бу - минг фаришта бўлсангиз ҳам бир кун уларнинг ғийбатига нишон бўласиз деганидир. Айбингиз эса бор-йўғи ёлғиз ўтишга қарор қилганингиз бўлади.

"Бор бўлсанг- кўролмайди, йўқ бўлсанг- беролмайди" деган иборани менадан яхши билсангиз керак. Тўғри сизнинг мисолингизда аҳвол ҳозир бу даражага етмагандир. Аммо ишонинг , вақти келиб бир кун албатта етиши тайин. Негагини айтайми ? Нега-ки марказимизга аллақачон тўғридан - тўғри ёки орқаваротдан кўлингизни сўраб келганларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Катталар майли-я , хатто ўқувчиларингиз ҳам сизни турмуши бўлмаган қариндош- уруғларига тавсия қила бошлашибди. Мен бу билан уларни қораламоқчи эмасман. Уларнинг нияти соф эканлигига шубҳам йўқ, албатта.

Бироқ аҳвол шундай давом этаверса , сизга етолмаганларнинг қайсидир бири шаънингизга лой чаплаб кетиши мумкин. Сиз эса бунга муносиб эмассиз. Хўп, бу масаланинг бир томони .

Энди иккинчи томонига назар ташласак. Сиз ҳозир қайнотангизнинг даврида бемалол юрибсиз. Сизнинг пок номингизни Мирсаид аканинг обрўси ва ўзига яраша салобати сақлаб турибди. Аммо доим ҳам шундай бўлиб қолаверармикан?! Мени кечиринг- у , қайнотангизни сизга боғлаб бермаган. Вақти келиб, қачонлардир бу дунёда уларсиз қолганингизда бугунги кунда чиқарган қарорингиз учун афсус чекмасмикансиз ?!

Лекин унда кеч бўлади.

Кеч...

- Дилноза опа ... - хаёлчан кўринишда тилга кирди Ҳилола , - айтинг-чи , эрингиз, яъни поччамларни севиб турмушга чиққанмисиз ?!

Дилноза Ҳилоланинг бу саволидан ажабланди , бироқ унинг юзига соя ташлаган маҳзунликка қараб юраги ачишиб кетди ва беихтиёр :

- Ҳаа , - дея жавоб қайтарди.

- Сиз уларни ҳалиям яхши кўрасизми ?!

- Албатта ...

- Кимдир сизга шу топда эрингдан ажраш деса , улардан айро яшашга кўнган бўлармидингиз ?!

- Ҳилола , бу нима деганингиз ?! Албатта , кўнмайман. Ахир бу кўниш мумкин бўлмаган иш-да ...- Дилноза Ҳилоланинг ниятига тушуна олмай ҳайрон бўлди .

- Опа ...

Мен ҳам шундай кўна олмаяпман-да ... Нима қилай ?! Сулаймон акамни бир лаҳза ҳам севишдан тўхтамаган бўлсам... Юрагим уларни йўқ деб қабул қилмаса... Ўз дардим ўзимга етарли бўлиб турган бир вақтда одамларнинг турли - туман муносабатларига қарши туришга куч топа олмаётган бўлсам...

Опа , мен энди йигирма беш ёшга кирдим. Синфдошларим орасида ҳали турмушга чиқмаган қизлар ҳам бор ... Бироқ мен кўпинча "Ҳаётнинг аччиқ- чучугини етарлича кўриб бўлдиммикан ?! Ёки шу ёшимда менга аталган яна қандай синовлар бор экан ?!" дея кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Нима қилсам тўғри бўларкан?!

Бошим жуда қотиб қолди...

Сулаймон акамнинг бой берганим дарди бир тараф, одамларнинг гап - сўзлари яна бир тараф...

Нима учун ўз ҳолимча яшашим мумкин эмас ?!

Аммо Бунёдбек акамнинг аёлларининг шижоатига қойил қолдим. Барчага шартта ўз сўзини ўтказибди - кўйибди.

- Нима қилишингизни айтайми ? - Дилноза гапни шарт кесди , - атрофингиздаги гап- сўзлар урчимасдан шартта эрга тегинг. Кўнглингизга қарши бориб бир кун қийналарсиз , икки кун қийналарсиз , бир ой , боринг- ки бир йил қийналарсиз. Ахири бир кун кўникасиз-да. Қолаверса, ҳаёт бари биз ўйлагандек теп- текис йўл эмас.

Ҳаёт бу - кураш...

Кураш тугаган жойда ҳаёт тугайди.

Сизнинг ҳам қисматингиз шундай ёзилган экан- да ... Сиздеклар кам эмас ...

Биламан, сизнинг бир қарорга кела олмаётганингизнинг яна бир сабаби бор. Сиз Мирсаид акани кўзингиз қиймаяпти. Аммо унутманг . У киши сизни қизим деб тан олганлар. Ахир оталар учун қизларининг бахти муҳим эмасми ?! Ундан кейин у киши сиз турмушга чиқсангиз асло ёлғизланиб қолмайдилар. Уларнинг яна битта ўғиллари бор- ку ! Ақромжон уйланса ҳовлингизга яна битта келин келади ... Шу тариқа ҳаёт давом этаверади.

- Дилноза опа ... Сиз учун шунчалик осон-ми ?!

@Xazon_Rezgi /184 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Майли , Ҳилола. Бу битта суҳбат билан ҳал бўладиган масала эмас . Кўнглингизга ботадиган гап қилган бўлсам , мени маъзур тутинг. Буларни барчаси ўзимга яқин олганимдан , сизни худди ўз синглимдек кўрганимдан.

Илтимос , ҳозирги суҳбатимизни яна бир бор яхшилаб ўйлаб , мушоҳада қилиб кўринг.

Ҳилола Дилнозани хафа қилгиси келмади. Гарчи бу борада аллақачон қатъий қарорга келиб бўлган бўлса- да , опасидек азиз бўлиб қолган бу аёлнинг кўнгли учун "хўп" дея бош ирғади ...

* * *

Мирсаид аканинг тушига Сулаймон кирибди...

Ҳар доимгидек оппоқ кийимда . Ёқасиз , бироқ енг ва этаклари узун кийим экан унинг эгнидаги кийим.

- Сулаймон ...

Сулаймон отасига маъюс тикилар эмиш ...

Оҳ бу қарашлар ...

Нега кўнгилини бунча ўртар экан- а ...

Мирсаид аканинг юраги бирдан орқасига тортиб кетибди :

"Ўғлим нимадандир хафа , демак мен қайсидир ишни хато қилганман ?..."

Беихтиёр ўзини тафтиш қила бошлабди ота шўрлик...

Аmmo шунча ўйласа ҳам айбини топа олмабди.

Бу ҳақда Сулаймондан сўрашга эса юраги дов бермасмиш ...

Ахири Сулаймон тилга кирибди :

- Дада , Ҳилола қизингиз эмасми ?!

- Қизим, болам , - дарҳол жавоб берибди Мирсаид ака

Сулаймон эса фақат битта гапни қайтарар эмиш :

- Дада , Ҳилола қизингиз эмасми ?!

...Ҳилола қизингиз эмасми ?!

...Қизингиз эмасми ?!

... эмасми ?!

Мирсаид ака фарқ терга ботиб уйғониб кетди.

Анча вақтгача ўзига кела олмай беҳол ётди. У ҳозиргина кўрган тушини таъбирини била олмай эзилиб кетди. Шунда унинг ёдига айнан шу тушни кейинги кунларда бир неча маротаба қайта - қайта кўрганлиги тушди.

"Сулаймон нима учун безовта ?! Нима учун Ҳилола ҳақида бот- бот таъкидламоқда ?! Ёки кимдир қизини ранжитяптимикиан ?!

Ёки Ҳилоланинг тоби йўқмикиан ?!

Уни аяб индамай юрганмикиан ...

Нима гап экан- а ...

Мирсаид ака ўйлаб ўйининг охирига ета олмади...

Атрофга қулоқ солди. Жим-жит ... Бағрида кичкинтой Сулаймон ширингина бўлиб ухлаб ётибди.

Мирсаид ака аста ўрнидан туриб ташқарига чиқди ва таҳоратини янгилаб қайтди ...

Икки ракаат таҳажжуд намозини ўқиди. Сўнгра узоқ дуо қилди. Дуосида Аллоҳдан ўтганларга мағфират , қолганларга қалб хотиржамлиги тилади.

У ўрнидан туриб тумба ёнига келди. Боя набираси келинининг хонасидан кўтариб кирган китоб диққатини тортди. Ихчамгина китобни очганча аста варақлади.

Китоб шеърлар китоби экан.

Мирсаид ака лампа ёруғида кўзи тушган шеърни ўқий бошлади.

Ўқиган сари эса ...кўз ёшлари қуйилиб кела бошлади...

Шеър гўёки унинг ўзи ҳақида эди...

Тақдир тухфа қилган ғам,
Адоси йўқ сира ҳам,
Кун, тобора, мустаҳкам,
Чиқарилган ҳукм- ман?!

Қачон тугар бу кетиш,
Нола чекар дилда ишқ,
Не учун сизга етиш,
Ҳуқуқидан маҳрум- ман?!

Ким учун яшамоғим,
Наҳот чўғдан тупроғим,
Бошдан - оёқ, қароғим,
Ўз- ўзимга зулм-ман?!

Ҳилватида йиғловчи,
Юрак -бағрин тиғловчи,
Сайдманми ёки овчи,
Қай бирида муҳим- ман?!

Асирманми шайтонга,

Дастакманми нодонга
Сира олмас аланга,
Кўз ёшловчи тутун- ман?!

Кимлардир шароб тутар,
Кимлар мен деб қон ютар,
Ким эса даъво кутар,
Кимлар учун ҳаким- ман?!

Қани улашсам савоб,
Мискинни қилсам таъвоф,
Бўлсам жилға, бўлсам об,
Лек шаънимда сургун- ман?!

Доим ёрти ҳар куним,
Ярим ойли ҳар туним,
Ким тўлар экан хуним?
Қачон бўлгум бутун- ман?!

Дунё тараф, мен тараф,
Қабулим фақат алаф,
Сўнггида қолган салаф,
Энг охирги бир кун- ман?!

Кўнглим осмон шаҳрида,
Дорус Салом васлида,
Лек кимларнинг наздида,
Ўзлигимдан маҳкум- ман !?

Гуллаб - тугмаган боғим,
Илгимда ҳозир оғум,
Ўз- ўзимда сўроғим ,
Наҳот ўша мазлум - ман?!

Бор айбим итоатми,
Чораси ибодатми,.
Ажрига шафоъатми,
Балки , шунга таслим- ман?!

Қани берингиз жавоб,
Ҳолим айламанг хароб,
Мендайлар кўпми, сероб,
Чин бандами наслим - ман?!

...Қанийди била олсам,
Умид хам қила олсам,
Хаётимга нур солсам,
Бўлсам мўмин, муслим- ман!!! □□□□ **аввалги қисмлар**

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

64- ҚИСМ

Мирсаид ака шу зайлда анча вақт кўнгли эзилганча ўтираверди . Сўнгра туйқусдан ушлаб ўтирган ихчамгина китобчадаги дардли сатрлар муаллифи ким эканлигига қизиқди.

Аммо унда муаллиф номи кўрсатилмаган эди. Фақат устига "Соғинч дафтари" деб ёзиб қўйилган экан...

Соғинч дафтари ...

Мирсаид ака уни айлантира туриб уни аслида китоб эмас , балки компьютерда териблиб китобга ўхшаш шаклга келтириб қўйилганлигини фаҳмлади ва шуурида чақмоқ чалди :

- Ҳилола ! ...

Бу мисралар муаллифи ҳақиқатдан ҳам Ҳилола эди...

- Қизим ... - беихтиёр ингради Мирсаид ака , - сенга нечоғлик оғирлигини билардим .

Аммо ...

Гулдан нозик кўнглинда шунча дард бормиди ?!

Мирсаид ака чуқур- чуқур нафас ола бошлади...

Пешонасидан реза тер қуйила бошлади...

Унинг юраги ғижимлаб қолганди...

"Ҳилола Сулаймоннинг йўқлигидан ҳали ҳануз жуда қаттиқ изтироб чекаётган экан- а, - ўйлади Мирсаид ака,- "Вақт-даво!" дейилган гап мутлақо , мутлақо бефойда экан- да !

Мана менинг ўзим.

Мастурамни бир зум хаёлимдан нари қилолдимми ? Кўзларимни юмдим дегунча унинг "Дадасиини" дея ройиш жилмайиб турган чехраси кўринаверади.

Ҳотирамдан бир дақиқа нари кетса қани ...

Мастурам ...

Мен сени ўрнингни бошқа биров билан алиштира ололмадим. Буни хатто тасаввур ҳам қила билмадим. Шу сабаб сенинг мендан сўраган ягона тилагинг "қайта турмуш" қуриш ҳақидаги васиятингни бажара олмадим ...

Кўлимдан келмади... Мени бу ишга ҳеч ким кўндира олмади.

Мастура...

Азизам ... Мунисам ...

Сенсиз ҳаёт қандай эканлигини биласанми?! Йўқ ... Билмайсан ...

Мен аллақерда ўқигандим.

Дунёдаги энг бой инсон , сониясига миллиардлаб пул топар экан- у , аммо ўзининг битта касалига даъво топа олмабди. Унинг таъм билиш сезгиси ишламас экан. Ўша миллиарддер киши на еган овқатининг , на ичган ичимлигининг таъмини умуман ҳис қилмас экан ...

Шундан хабардор бўлганимдан буён бир савол юрагимни ўртади :

- Бу инсоннинг шунча пул топишидан нима маъно бор экан ? Лоақал оддий бир тишлам таомдан лаззат ҳис қилмаса...

Аммо ўша инсонни ўзимга кўп ўхшатаяпман. Нега десанг менинг ҳам аҳволим худди уникидек...

Сенсиз яшашни айтаяпман- да, Мастура ...

Сенсиз сенсизликда яшашни айтаяпман-да , мунисам ...

Энди бир уйда мендек ёлғиз нотавон қария ва кўнгли чил-чил синган келинчакнинг яшашини тасаввур қилавер. Мен ҳатто кўпда қай биримизга оғирроқ эканлигини ҳам фарқлай олмаяпман.

Мен ... сен билан биргаликда анча йиллар яхши - ёмон кунларни бирга яшадик , фарзандимизни бирга тарбияладик, тўйида бирга оқ фотиҳа бера олдик. Ана шу менинг энг асосий таскин - тасаллим...

Аммо келининг- чи ? У ҳатто ўғлинг билан бир йил ҳам яшай олмади , лоақал фарзандли бўлишлари ҳақида ундан суюнчи ололмади.

Бизникига келин бўлиб келиб нима кўрди шўрлик?! Энг аввал ҳомиласидан айрилди , кейин сендан ... Ўзи яхши кўрган ойижонисидан... Сўнг эса суюкли ёридан...

Бу синовларнинг бари йигирма ёшли навниҳолнинг гарданига тушганини ўйласам тўкилиб - тўкилиб адо бўлиб кетаман- да , Мастурааа...

Мен кейинги кунларда бир нарсани фаҳмлаб қолдим. Мен ўзим учун яшашни буткул йиғиштириб қўйибман. Мен кичкинтой Сулаймон учун, энг асосийси қизим , ҳа , ҳа айнан қизим Ҳилола учун яшаб юрган эканман...

Аммо ...

Нега ?!

Нима учун Сулаймоним безовта ?

Нега у тушларимга тинмай кириб "Дада , Ҳилола қизингиз эмасми ?!" деб қайта- қайта

сўраяпти ...

Бу нимани англатишини билолмаяпман. Ахир қизимнинг кўнглига қараяпман. Имконим даражасида , хатто имконимдан ортиқ ҳам бу ишни уддалашга ҳаракат қилаяпман. Набирамни бегона кўлларга қарам қилиб қўймаслик учун бор чорани кўраяпман. Аммо нима учун Сулаймоним безовта ?!

Билмадим...

Билмадим...

Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди.

Чорасизман ...

Мен жуда қийналиб кетдим , эшитяпсанми , Мастура ?! Қийналиб кетдим ! ...

@Xazon_Rezgi /186 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мастура ...

Бугун қизимизнинг дилидаги сўзларни беихтиёр ўқиб қолдим..

Ишонасанми , у ёзган мисралар мени "дод" солдириб юборди.

Ээээх...

**Қачон тугар бу кетиш,
Нола чекар дилда ишқ,
Не учун сизга етиш,
Ҳуқуқидан маҳрум - ман ?!**

**Ким учун яшамоғим,
Наҳот чўғдан тупроғим,
Бошдан - оёқ , қароғим,
Ўз- ўзимга зулм-ман ?!**

Мирсаид ака сал аввал ўқиган сатрларни яна қайтадан ўқиди.

Оғир хўрсинди... Шу алфозда қанча ўтирганини ўзи билмади.

У муаззиннинг бомдод намозига чақириғи- азон товуши эшитилгандагина бошини кўтариб ташқарига қулоқ тутди ...

Мирсаид ака кун ёришганда ҳам тунда кўрган туши таъсиридан чиқа олмаган эди.

У нонушта вақтида билинтирмайгина келинининг чеҳрасига қисқа нигоҳ ташлади. Назарида Ҳилола сўлғинлашиб , ранги унниқиб кетгандек туюлди.

Мирсаид ака аста уҳ тортди.

У нонуштани тезлаб қилди-да, Сулаймонни олиб боғчага йўл олди.

Мирсаид ака Сулаймонни боғчага ташлаб, қайтишда машинасини махалла гузарида жойлашган масжид ёнида тўхтатди.

Масжидда яқин икки ойдан буён таъмир ишлари кетаётган эди. Таъмирлашга йигирмага яқин усталар жалб қилинган бўлиб бўлиб , улар ўз ишларини сидқидилдан бажаришаётган эди. Усталардан ташқари масжид имоми бошчилигида кўнгилли ёшлар ҳамда Мирсаид ака сингари нуруний кексалар ҳам қўллари бўш бўлган вақтда йиғар - терар, супур-сидир ишларини бажонидил бажаришаётган эди.

Мирсаид ака кечадан буён масжид ҳовлисидаги дарахтларга шакл беришни бошлаб юборган эди. Бугун ҳам кун қизишини пойлаб ўтирмай, ўзини иш билан чалғитмоқчи бўлди.

"Зора шу йўл билан миямга ўрнашиб қолган юракни эзадиган хаёллардан бироз нари бўлсам",- у шундай дея ўйлади- ю , машина юкхонасидан тоққайчи ва қўлига мос тушадиган кичиккина қўл арасини олиб масжид ҳовлисига йўл олди.

Масжиднинг ҳовлиси унинг асосий биноси сингари анчагина катта эди. Усталар аллақачон ишга киришган шекилли ичкаридан тарақ- туруқ ва ғала- ғовур овозлари эшитилиб турар эди .

Мирсаид ака тўғри ўнг қўлдаги боғ тарафга йўл олди. Масжиднинг асосий ҳовлиси чиройли таъмирланиб турли маросим ва ҳайит намозларининг бемалол ўқилиши учун кичик гулзорларни айтмаганда деярли бўш қолдирилган эди. Бироқ ҳовлининг энг тўрида киши баҳри-дилини очадиган кўркам боғча ҳам барпо этилган бўлиб, у ерда асосан бири- бирдан хушманзара ўсимликлар ўтқазилган эди.

Мирсаид аканинг ўзи бу боғга баҳорда чиройли шакл берган эди. У кузга келиб боғчани яна бир қўл кўздан кечиришни ўшандаёқ режа қилиб , масжид имомига ваъда қилиб қўйган эди.

Мирсаид ака мана икки кундир- ки, ўшандаги ваъдасини бажариш пайида эди.

Унинг ёлғиз ўзи у ерда чамаси ярим соатдан кўпроқ вақт ишлади. Кейин аста секин оғайнилари Икром , Қобил , Рўзибой акалар бирин - кетин даврага қўшилишди.

Орада масжид имоми уларнинг ёнидаги ўриндиққа дастурхонча ёзиб, катта термосда чой, тўртта пиёла, иккита ёпган нон ва қанд - курс олиб келиб қўяр экан , шу аснода отахонларнинг ҳар бири билан алоҳида сўрашиб чиқди . Шундан сўнг у масжиднинг ишлари билан туман марказга бориб келиши кераклигини айтиб узр сўради ва қўлини кўксига қўйганча таъвозе билан улардан узоқлашди.

Қариялар бир соатча бир- бирларига гап қотиб, чоғлари келганча ишладилар . Асосий ишни эса Мирсаид ака бажарарди.

- Келинлар , бир пиёладан чой ичиб олайлик ,- деди Қобил ота бир маҳал ,- одам қаригандан кейин сал иш қилса қорни очиб кетаверар эканми , билмадим. Менга қорним очгандек туюлди.

- Сал иш қилса эмас , яхшигина иш қилдик , қаранглар қанча жой чиройли бўлиб очилди- я ? - унга қўшилди Икром ака , - кел Мирсаид , сен ҳам ўтир . Ўзи энг катта ишни сен қилдинг .

Мирсаид ака бажарган ишидан кўнгли тўлган эди , тенгқурларига қаршилик қилмай сал наридаги ариқчада оқаётган сувда қўлларини чайиб келди- ю , даврага қўшилди .

@Xazon_Rezgi /187 #КўНГИЛ_ИФОРИ

- Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган экан , - деди Мирсаид ака Рўзибой ака узатган чойни олиб , - "Ер юзини обод қилганни , ернинг хуснини очганни ўзининг хуснини очаман" деб . Бизнинг ҳозирги қилаётган ишимиз ҳам кўрган кўзга қувонч , дил яйратадиган оромбахш , савобли иш...

Шу пайт улар ўтирган жойнинг яқинига иккита мусича учиб келиб ерга қўнишди . Уларнинг бирини оғзида олиб келган қандайдир емишни ерга қўйди . Иккала мусича емишни галма- галдан бирга ея бошлади .

- Ажойиб- а ?! Вой буларни бир- бирига дон илинишини- чи?! - деди мусичаларни кузатиб турган Икром ака , - шуларда- ки жуфтлик қадри бу қадар баланд бўлса , Аллоҳнинг мукамал ижоди бўлмиш инсон зоти табиатини қўяверасиз- да энди .

- Тунов куни телевизорда кўргандим - чой хўплаганча гапга қўшилди Қобил ака , - битта профессор- шифокор аёл сўзга чиқиб : "Ҳаётда жуфт- жуфт бўлиб яшаганлар , ёлғиз яшаганлардан кўра соғломроқ , бахтлироқ яшашади . Яна узоқ умр кўришади ҳам" деди ва гапларини мисоллар билан шунақаям чиройли исботлаб берди- ки , оғзим ланг очилиб қолди .

Мирсаид ака гапнинг ўзани қаерга кетаётганлигини фаҳмлаб , дили оғриди . Ортиқ бу мавзуда гаплашгиси келмай тезда суҳбатни якунлаш пайига тушди :

- Ўзи сени оғзинг очилмаган кунинг бормиди , оғайни ?! Умуман олганда яхши гапларни айтибди ўша профессоринг . Мендан сўрасанг , сен кўрган ўша телевизорни менам кўргандим . Фақат боғдорчилик ҳақидаги кўрсатувни эди-да мени кўрганим . Шу десанг ўша кўрсатувда ўз ишининг устаси бўлган манаман деган агроном "Битта боғга неча кун шакл бериш керак?!" деган масала билан атрофлича таништирди . Агрономнинг айтишича ҳадеб бекорчи гап билан андармон бўлавермасдан , билиб - билиб ишимизни қилишимиз керак экан .

- Мирсаид ! Нега бир оғиз гапирмасимдан оғзимга урасан ? - чапани жаҳли чиқди Қобил аканинг , - "Иштонсизнинг хадиги чўпдан" дегандек жуфт ҳақида сўз кетса дарров жирт - жирт қиласан- а ?!

Кўрқма !

Сенга уйлан деб ақлимни еганим йўқ ! Айтган билан кошки сенга бу гаплар таъсир қилса . Бекорга оғзимни оғригани қолишини биламан .

- Билганинг яхши , - истехзоли жилмайди Мирсаид ака , - баҳонада ҳаддингни ҳам билиб оласан .

- Мирсаид , чакки гапиряпсан, биродар. Мен гапирсам сенга ёмон бўлсин деб гапираётганим йўқ эди.

Айтишади- ку "Мусулмон мусулмонга - кўзгу !" деб .

Мен айтмасам , Икром индамаса, Рўзибой тилини тишласа ... Сенга гапириш , огоҳлантириш зиммамиздаги вазифамиз ахир . Бизга билдирилган ишончинг ҳам қиёматда сўроғи бор ахир.

- Қобил , бўлди, етарли,- Мирсаид ака уни ўзича "тинчлантирган" бўлди . Сен гапирдинг , мен эшитдим. Қачон , қаерда сўралсак мени огоҳлантирганингга гувоҳ бўламан. "Қобил ҳам , бошқа дўстларим ҳам менга аёлимдан кейин уйлан дейишган , аммо ўзим қайсарлик қилганман" деб тан оламан. Бўлдими ?

- Йўқ ! Бўлмади ! - бу сафар орага тушган Рўзибой аканинг овози кескин эшитилди, - келининг-чи ?! Унинг келажаги ҳақида қачон ўйлаб кўрасан ?! Ёки уни ҳам ўзингга ўхшаб ҳаётдан бездирмоқчимисан ?!

Мирсаид аканинг ранги қув ўчиб кетди. Қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди... □□□□
аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

65 - ҚИСМ

- Тушунмадим ?! Менга тишларинг ўтолмай энди келинимга ёпишдиларингми ?! Унинг оғирлигининг сенларга тушиб қолган жойи йўқ .

Сенлар ...

Сенлар аввал ўзларингни билиб олинглар.

Мирсаид аканинг асаблари қақшай бошлаганди. Кўзларига лов этиб қон қуйилди.

- Тўғри гапга нега жириллайсан?! - деди Икром ака босиқлик билан , - билиб қўй, сенга нисбатан ҳеч қандай хусуматимиз йўқ. Барчамизнинг уйимиз бошқа , жойимиз бошқа бўлса. Фақат вазиятга оқилона баҳо бериб , уни тўғри йўлга солмоқчимиз халос. Аммо сен дарровда бизни душман ўрнида кўришга тушаяпсан.

- Бу дунёда ҳамма ўз бошига тушган қорни ўзи куради. "Ундай қил , бундай қил" дея ақл беришни мен ҳам биламан. Бундан осон иш бор эканми ? - Мирсаид ака шундай дея бошини қўйи солди , - илтимос , шу ерда тўхталаринг . У ёғига давом этишни истамайман.

- Мирсаид, тушунгин оғайни ,- ўртанганча сўзини давом эттира кетди Икром ака ,- ёш бола бўлганинг йўқ ахир. Бировнинг боласига эга чиқиб , яна унга бу тариқа хўжайинчилик қилиб ўтиришинг маъқул ишми ?! "Келинимнинг ўзини турмушга чиққиси йўқ" деб ўзингни ҳам бошқаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилма. Тағин ҳам келининг ҳақиқатда инсофли экан. Шунча пайтгача "тиқ" этган товуши чиқмади. Аммо бу унинг баридан бешиб бўлган дегани эмас. Буни номи - ҳаё , буни номи - андиша дейилади. Агар келининг беандиша бўлганда борми , аллақачон ҳай-ё ҳут деб

жуфтакни ростлаб бўлган бўларди. Биламиз, келининг топилмас аёл . Аммо унинг ана шу яхшилиги бир умр тоқ ўтиши учун "мукофот" бўлмаслиги керак. Бу ёқда набирангни ҳам отасиз ўсишини ўйла. Кўнглинга оғир тегадиган бўлсам узр- ку , оғайни, аммо барчамиз омонат жонмиз. Бугун бор - эртага йўқ. Сенинг ҳозирча қувватинг бор. Шу туришда келинингни бошига тушиши мумкин бўлган ҳар қандай балоларни қайтара оларсан. Аммо қартайиб қолганинга ёки бўлмасам бу дунёдан ўтиб кетсанг унга ким қарайди?! Умуман олганда бошинг ёстиққа тегиб , умр шоминг яқинлашганда "Ҳар битта қилган ишим мутлақо тўғри . Келиним турмушга чиқмай набирам билан ортимда қолишгани айни ажойиб иш бўлган?!" деб айта олармикансан?!

Билиб қўй ёлғизлик фақат Аллоҳга хос. Ундан кейин исломий манбаларда "Идда" ҳаққини адо этган ҳар бир муслима қайта турмушга чиқишга ҳақли эканлиги таъкидланган. Ҳеч қаерда "Мана бу тоифадаги аёллар қайта турмуш қурмасин" деб ажратиб кўрсатилмаган.

Биз ҳам сенга буларни бекорга гапирмадик. Илинжимиз сени кўнглини оғритиб роҳат топиш эмас. Шунчаки тўғри йўл кўрсатиш биримизнинг иккинчимиздаги бандалик ҳаққимиз. Илтимос , шу айтганларимизни тананга яхшилаб ўйлаб кўргин.

Мирсаид ака суҳбатдошларига индамади. Оғиргина бўлиб ўрнидан қўзғалди. Сал наридаги дарахт тагига ташлаб қўйган анжомларини индамай олди- ю , дўстларига хайр демоқликни ҳам насия қилганча масжидни тарк этди.

- Қийин , қийин Мирсаидга қийин ,- унинг ортидан уҳ тортди Икром ака , - эээҳ , Аллоҳ ҳеч бандасини шу йўлда синамасин экан- да ... Тағин ҳам фил экан шўрлик ...

- Нимасини айтасан ?! Камига биз ҳам дилини қаттиқ оғритиб қўйдик ,- уни қувватлади Рўзибой ака,- аммо шунга мажбур эдик- да...

- Юрларинг , ишни битириб қўяйлик. Мирсаид масжидда яқин бир хафталарда кўринмайди энди... - ўрнидан қўзғалди Қобил ака ,- боғ ишлари ҳам ўзимизга қоладиган бўлди.

Уч нуруний бош чайқаганча аста ўрниларидан қўзғалишди.

* * *

Бугун Ҳилола барвақтроқ ишга кетадиган кун эди. У тезлик билан ишларини саранжомлади- ю , Маҳина амма билан хайрлашиб кўчага йўл олди.

Маҳина амма кеча

Ҳилола ювиб , дазмоллаб қўйган иккита кўрпачани қавиш учун ромли айвонга олиб чиқиб тўшади. Кўрпа қавийдиган игнага ўнинчи ипни ўтказиб , кўрпачани бир қавиқ айлантирган ҳам эди- ки , дарвоза очилиб Мирсаид аканинг машинаси кириб келди .

Мирсаид ака бугун дарвозани қандай шовқин билан очган бўлса , худди шундай ваҳима билан дангиллатиб ёпди.

@Xazon_Rezgi /189 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Укасининг ўзини бу таҳлит тутишига одатланмаган Маҳина опа қия очик дераза орқали уни жим кузата бошлади..

Мирсаид ака ортига шаҳд билан қайтди- ю , боғ тарафга чиқаверишдаги кетмонни олиб ҳовли ўртасидаги беҳи дарахтига тескари тарафи билан қарсиллатиб солди.

Кетмон кучли зарб таъсиридан сапчиб ўзига қайтди. Аммо Мирсаид ака ғазабдан тушмади. Бор кучи билан кетмонни қайта ва қайта дарахтга солаверди:

- Ааааа ! Ааааа!

Мирсаид ака кетмонни ҳар урганда яраланган шер наъра тортган каби ёввойи овоз билан "ўкирарди"

Бешинчи ё олтинчи уришда кетмон чидаш бермади . Ост тарафидан ярим қарич узунликдаги жойидан "қарс" этиб синди, аммо охиригача узилиб тушмади. Мирсаид ака шундагина тинчиди . У қўлидаги чўлтоқ кетмонни бор кучи билан деворга отди. Шунда кетмоннинг дастаси узилиб ерга икки бўлак бўлиб отилиб тушди.

Мирсаид ака ерга тушган кетмонга маънисиз қараганча бир- бир босиб зинага яқинлашди. Зинага етиб олгач, унга бемажол чўкди- ю , бошини қўллари билан чангаллади :

- Иммм....

- Укааа ...

Мирсаид ака бошини кўтариб тепасида турган опасини кўрди. Маҳина амма унга бир пиёла муздек сув тутди :

- Буни ичиб ол- чи ...

Мирсаид ака опасига қаршилиқ қилмади. Узатилган сувни охиригача ичди.

Маҳина опа бўшаган пиёлани дераза тоқчасига қўйиб укасининг ёнига чўкди ... Аммо бир оғиз сўз айтмади. Қўлини секин чўзиб укасининг елкасини оҳишта силади. Сўнг аста шу елкага бош қўйди. Оғир - оғир хўрсинди...

Орадан бироз вақт ўтгач Мирсаид аканинг ўзи тилга кирди :

- Юрагим ёниб кетяпти , опа ...

Юрагим ёниб кетяпти.

Маҳина опа индамади. Укасининг гапини давомини, ўзи ёрилишини тинчгина кутди.

- Бугун ... - чуқур тин олди Мирсаид ака,- оғайниларим мени ҳудбинликда айблашди ...

Гўёки мен ...

Гўёки мен фақат ўзини ўйлайдиган инсон эмишман...

Фақат ўзимни ўйлаб Ҳилола ҳақида умуман ташвиш чекмасмишман,- Мирсаид аканинг овози борган сари дардга тўлиб борар эди , - эрта бир кун ўладиган бўлсам, аламдан жон беролмай ...

Опа ... Айтинг ?! Мен хато иш қиляпманми ?! Қайси бир ишим хато ?! Айтинг, айбим нима менинг ?! Жавоб бера оласизми ? Оғайниларим ...

Маҳина амма бошини шарт кўтарди:

- Оғайниларинг тўғри айтишибди !

Улар мутлақо ҳақ !

- Опаааа ?! Нега ?! Нима учун ?! - зорланди Мирсаид ака, - сиз ҳам улар тарафидамисиз ?! Қайси гуноҳим сабаб мени бунчалар қийнайсизлар?!

- Мен ҳақиқат тарафидаман. Ҳақиқат эса аччиқ бўлади . Ҳақиқат шу- ки , Ҳилоланинг жавобини берадиган вақтимиз келди !

- Нима ?! Йўқ , йўқ асло ! Мен уни қизим деганман ! Мен уни ...

- Ҳаа , яша ! Мана шу охирги гапинг аслида барча муаммонинг жавоби бўлади !

- Опааа ?!

- Укажон , мана "Ҳилолани қизим деганман" деяпсан- а ?! Қани энди менга айт-чи, агар ҳаётда Ҳилола ҳақиқатдан ҳам сени ўз қизинг , Сулаймон эса куёвинг бўлганда унда ҳам худди ҳозиргидагидек уни турмушга бериш ҳақида иккиланган бўлармидинг ? Ўшанда ҳам "Қизим куёвимнинг хотираси учун яшаши энг маъқул ечим" дея олармидинг ? "Қизим қайнотасининг кўнглига қараб шундай яшаб ўтиши шарт!" дермидинг ?

- Опааа...

- Аммо ўрни келганда бир гапни айтиб кўяй ... Қудаларинг ҳақиқатда топилмас, тилла одамлар экан. Шунча вақтгача ўзингдан билиб қарор қабул қилишингни "миқ" этмай сабр билан кутиб ўтиришибди.

- Опааа , сиз оғайниларимдан ҳам ўтиб тушдингиз. Улардан ҳам бешафқатлик қилаяпсиз менга ...

@Xazon_Rezgi /190 #КўНГИЛ_ИФОРИ

- Мирсаид , жооон ука... Тўғриси айтибдиган бўлсам сенинг аҳволингга қараб юрагим туз сепгандек ачишади. Бироқ нима қилай ?! Ҳилолага нисбатан ҳам адолатсизлик қилолмайман- ку ахир ?! Айтишади-ку , икковинг ҳам гўё икки бармоғим , бирини тишласам иккинчиси оғрийди деб.

Мирсаид ака лол бўлиб , индамай қолганди . Маҳина опа пайдан фойдаланиб укасига

кўнглидагиларни тўкиб - солишга шошилди .

- Сенга ҳозир барчаси яхшидек, Ҳилола ҳам тақдирга кўнгандек кўриняпти. Уни ҳам худди ўзинг каби жуфтнинг ёди билан яшаши тўғридек туюляпти. Аммо бу бир қарашда шундек халос. Аслида сенинг йўриғинг бошқа , Ҳилоланинг йўриғи бошқа. Сени- ку, қайта уйланишга кўндириб бўлмади. Аммо одамлар Ҳилоланинг қайта турмуш қуриш масаласига жим қараб туришмайди. Улар аллақачон ғийбат учун тилларини чархлаб , иғволарини тўкиб , урчитиб шай бўлиб ўтиришибди. Негагини айтайми ? Негаки Ҳилола ҳали жуда ёш , ҳали жуда гўзал , ҳали жуда фаросатли. Эҳ ! Бу ҳалилар бир дунё , шу сабаб бунча устунлик мужассам бўлган бева аёлни ўз ҳолига тинч қўйиб қўйишади деб ўйласанг чучварани хом санабсан?!

Йўқ ! Асло ! Шу тариқа кимдир яхши ниятда , кимдир кўролмаганидан Ҳилоланинг шаънига юриш бошлайди.

Дўстларинг тўғри айтишибди. Биздан сўнг Ҳилола кимнинг қўлида қолади ?! Укажон , илтимос барини яхшилаб атрофлича ўйлаб ол.

- Опа , ўзингиз ҳам бева ҳолингизга яшадингиз- ку ?! Кимдан кам бўлдингиз ? Ё мен нотўғри гапиряпман- ми ? Ахир сиз ҳам жуда ёш бева қолгансиз ?! Нима учун қайта турмуш қурмадингиз унда ?!

- Ким мендан сўради ?! Айт- чи , "Маҳина йигирма тўққизингда уч бола билан бева бўлиб қолдинг ?! Қайта турмуш қургин энди?!" деб ким сўради ? Тўғри , азамат уч укам бор . Бирор нарсага зориқтирмадинглар . Аммо барибир ёлғиз аёлга қийин экан. Фарзандларимни ёшлигида иссиқлари чиққанида неча марта "Бугун қайси укамдан ёрдам сўрасам экан ?!" деб юрагим безиллаб телефон чангаллаганларимни , кўнғироқ қилганимда қайсидир сабаб билан гўшакни кўтармасаларинг келинларимга кўнглига тегадиган нима деган эканман- а деб ич-этимни еганларимни , болаларим ўртоқларининг қиммат кийимига ҳавасланиб тикилганда ичимга дўл ёққанини , ўғлимга совчиликка борган жойимда "Йигит етим экан, қизимни очин- тўқин яшаб кун кўрмаган оилага келин қилиб беролмаймиз, узр" деб дарвозани юзимга ёпишганда, болам отаси йўқлиги сабаб севгисига эриша олмай кўкрагини захга бериб ётиб олганида унга қараб туриб хаёлимдан нималар кечганини биласанми ?!

Эээ, буларни кўятур ! Бева бошимга ағдарилган тухматлар , қилинган бири- бирдан беҳаё киноя ва таклифлар ...

Мен буларни гапиришни ҳам , эслашни ҳам истамайман. Бироқ Ҳилоланинг қисматини ҳам булар четлаб ўтмаслигини ўйласам , ич- ичимдан ёниб, куйиб кетаман.

- Опа ... Бошингиздан шунча савдолар ўтганмиди ?! Нега бир оғиз бизга айтмагансиз ?! Биз ахир шундоқ қараб турган бўлармидик ...

- Нега айтмас эканман?!

Айтганман ?!

Фақат сизлар мени эшитмагансизлар халос...

Ўттизга кирмай қордек оппоқ оқариб кетган сочларим , қирққа бормай қалтираб қолган қўлларим, элликка етмай тўр- тўр ажин босган юзларим ...

Менинг номимдан дод солган шулар эди...

Шулар ...

- Опааа, мени ..., бизни кечиринг илтимос ... - Мирсаид аканинг овози бўғилиб эшитилди , - ўтиниб сўрайман...

- Ука , ҳаёт йўлларини деярли босиб бўлган опангга шунчалик ачиндинг- а ? Мен опангман, Ҳилола эса ...

Ҳилола қизинг эмасми ?!

Маҳина амманинг сўнги сўзларидан Мирсаид аканинг юраги тўхтаб қолай деди.

Ахир бу сўзлар Сулаймоннинг сўзлари-ку ?!

"Дада , Ҳилола қизингиз эмасми ?!"

Мана нима демоқчи бўлган экан-а Сулаймон ?!

Мирсаид аканинг кўнгли бирдан хотиржам тортди. У ваниҳоят бир неча кундан буён юрагини пармалаб ётган саволнинг жавобини топган эди !

Демак , Сулаймоннинг ўзи Ҳилолани турмушга беришларини истаяпти.

Балки шундай бўлган тақдирда раҳматликнинг руҳи ором топса керак...

Қайдам...

Ким билсин балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир...

@Xazon_Rezgi /191 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Бу дунёда шундай баъзи саволлар бор- ки , жавобини фақатгина нариги дунёдан олиш мумкин ...

Мирсаид ака қаддини ростлади :

- Опа , мен розиман ... Менинг қизим энг чиройли бахтга муносиб ...

Маҳина амманинг зумда юзи ёришди :

- Мен сенинг энг тўғри қарорга келишингни билардим. Қани турақол энди , муздек зинада ўтиравериб зах ҳам ўтиб кетгандир . Беланги бўлиб қолмагин яна ...

Ичкарига киришган Мирсаид ака опасига юзланди :

- Опааа , шу топда анча енгил тортдим. Фақат битта савол мени қийнаяпти. Ҳилолага

муносиб куёвни қайдан топамиз энди ?

Маҳина амма укасига иссиқ чой қўйиб узатар экан , унинг саволига тезда жавоб қайтарди :

- Бор шунақа йигит . Сен айтгандек энг муносиб номзод.

Мирсаид аканинг қошлари чимирилди :

- Опа , мабодо сизга бари жуда тезлашиб кетгандек туюлмаяптими ?! Куёв ҳам шунчалик тез топила қоларканми ?! Менимча бу ишда шошма- шошарлик ярашмайди , фикримча етти ўлчаб - бир кесган маъқулмиди ?!

- Албатта , бу борада гапларинг мутлақо ҳақ. Аммо ўша номзод кимлигини билсанг хулосанг ўзгарса керак- ов ?!

- Қизиқ , биздан аввал ҳаракатга тушган ким экан, опа ?!

- Ростини айтсам , Ҳилолани қўлини сўраган одамлар рўйхати анча- мунча узун . Бироқ улар менинг рўйхушлик бермаганимни кўриб остонамизни ҳатлашга юраклари дов бермаётган эди. Қолаверса юрак ютиб бир сўз демоққа бир тарафдан сендан ҳам ҳайиқиб турганлар қанча.

Мен тунов куни кўча бошида Ҳилоланинг раҳбари Дилнозани учратиб қолдим.

У билан анча гаплашдик. Хуллас, ўз - ўзидан маълум-ки, гап бориб Ҳилолага тақалди. Дилноза шунда минг истиҳола билан бир гапни айтиб қолди. Ҳилоланинг аввалги раҳбари бор эди- ку , ҳа ўша , исми Бунёдбек эсладингми ? Ана ўша Бунёдбекнинг оиласи бўлмабди. Энди қайта уйланиш пайида юрган экан. Дилноза "Агар йўқ демасанглр , биз сизларникига қизингизни қўлини сўраб бормоқчи эдик. Бунёдбек ака илмли, заковотли, меҳрибон , бир сўз билан айтганда синашта йигит. Ўзини хар томонлама ўнглаб олган , бу ёғидан ҳавотирга ҳожат йўқ " деб қолди. Мен ўша кундан буён ўйлайман. Барча мулоҳазаларимни ақл торозусига солиб ҳам кўрдим . Сенга айтсам шу йигит менга маъқул. Бундай номзод ҳар қадамда ҳам учравермайди. Сен ҳам шу ҳақда бир ўйлаб кўрсанг яхши бўларди .

Мирсаид ака индамади. Унинг учун ҳозир Ҳилоланинг турмушга чиқишга кўндириш муҳимроқдек туюлар эди...

*** * ***

Мана бир хафтадир-ки, Ҳилола ярим тундан кейин деярли мижжа қоқмаяпти. Барчаси Маҳина амма ва додажонисининг иккала оёқларини бир этикка тиқиб ундан қайта турмушга чиқиш ҳақида тинмай илтимос қилишлари туфайли содир бўлаётганди. Ҳар икки қария уни кўндириш учун нималарни айтишмади , кимларни мисол келтиришмади. Улар хатто Асрор ака ва Роҳилахон опаларни ҳам ўз томонларига оғдириб , пишиқлаб улгуришибди . Бундай олиб қараса икковларининг барча гаплари жўялик , бари исбот талаб қилмайдиган теоремадек тўғри .

Бу ерда энг тўғри бўлган ва Ҳилоланинг кўнмаслигига сабаб бўлган яна бир нарса бор эди. У ҳам бўлса кўнгилга буйруқ бериб бўлмаслиги ...

Алам қиладиган жойи эса ҳамманинг бир тараф , Хилоланинг бир тараф бўлиб қолгани эди. Бунёдбек Аҳмедов номзоди эса барчаларига бирдек маъқул келган эди.

Осуда тун...

Шоира тили билан айтганда "Жимжитлик жим қилар тантана" ...

Хилола тумба тортмасидан таниш кундалигини олди. Унга кеча ўзи йиғлаб- йиғлаб ёзган шеърини овоз чиқармай ўқий бошлади :

**Кўнгилнинг ишлари экан кўп чигал ,
Чигал тугунларин ечолмаяпман ...**

@Xazon_Rezgi /192 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

**Кўнгилнинг ишлари экан кўп чигал ,
Чигал тугунларин ечолмаяпман.
Озорлар ниш санчар аямай ҳар гал,
Нетай, сендан сира кечолмаяпман.**

**Онаси ўқ еган оҳудек якка,
Видо либосини бичолмаяпман.
Зорларим кун сайин ўрлайди кўкка,
Нетай, сендан сира кечолмаяпман**

**Сенсиз бу дунёда руҳсиз тана-ман,
Тириклик сувини ичолмаяпман.
Йўқлигинг тан олмас қайсар яна- ман,
Жоним, сендан сира кечолмаяпман**

**Айрилиқ ҳанжари тиғ урар азоб
Умиднинг эшигин очолмаяпман
Ҳижрон чўлларида бўлаётиб соб,
Нетай, сендан сира кечолмаяпман**

**Ҳаёт давом этар ахир керагим,
Деганлар сўзларин ололмаяпман.
Сен- ла кетган ахир менинг юрагим,
Шу сабаб сендан ҳеч кечолмаяпман.**

**Кўнгилнинг ишлари экан кўп чигал ,
Чигал тугунларин ечолмаяпман.
Озорлар ниш санчар аямай ҳар гал,
Нетай, сендан сира кечолмаяпман.**

Жоним , сендан сира кечолмаяпман...

Хилоланинг кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

66- ҚИСМ

* * *

Ҳилола ҳудди-ки овчи қўйган тўрга илинган оҳу ҳолига тушиб қолган эди. У тўрдан қутилишга қанчалик ҳаракат қилмасин , борган сари унга қаттиқроқ боғланиб борарди.

Муштипар аёл ...

Бояқиш Ҳилола ...

Дод демоққа ҳаё йўл қўймаса, йўқ деб қаршилиқ қилиши бетгачопарлик сифатида баҳоланса ...

Бу тарафда ота- онаси ҳам "Эндиги ихтиёринг додажонингда!" дея мушуқул вазиятдан балиқ мисол осонгина сирпаниб чиқиб кетишди. Ҳилола уларга бу таклиф жуда маъқул келганлигини қалбан ҳис қилди-ю, яримта бўлиб қолган юраги янада ўксиди.

Унинг бор кучи кўз ёшларига етарди халос.

Маҳина амманинг Ҳилолани кўзини очиш мақсадида гапирмаган гапи қолмади :

- Қизим... Жооон қизим... Сен ҳозир биздан хафасан. Аммо вақти келиб бу иш нечоғлик тўғри бўлганлигини англаб етасан.

Ҳозир ёш, чиройлисан. Шу аҳволингда ўзингга мос , тенг жуфт ҳам чиқаяпти. Бундан норози бўлмаслигинг , аксинча суюнишинг керак .

Ҳозир йўқ десанг кейин кеч бўлади ...

Вақти келиб сенинг ҳам ҳусн бозорнинг ўтади, қизим. Ана ўшанда тенгинг қорин қўйган, невара- чеварали амакилар бўлишади. Шунга чидайсанми ?! Мен ўша амакиларнинг ўзинг тенги қиз- келинларидан туртки эшитиб, яшашга ҳам кўниб қолишга мажбур бўлишингдан ҳавотирман. Агар аҳвол шу тариқа давом этаверса , ҳозир айтган кунларни бошингга тушмаслигига ким кафолат беради ?! Кейин армон қилмасмикансан ?! Ўшанда "Аммам қаттиқроқ тергаганларида шу кунларга қолмас эдим?!" деб минг дод солганинг, бўзлаганинг билан фойдаси бўлмайди.

- Аммажон...

Айтинг айбим нима ?!

Нима учун мендан қутилмоқчисизлар ?!

Ёқмай қолган бўлсам шундоқ "Кет" деб қўя қолсангизлар бўларди- ю?! Аммо сизлар боришим мумкин бўлган ягона жой, ўзим туғилиб ўсган уй эшигини ҳам тамбалаб ташладинглар ?! Майли , менга раҳмингиз келмасин. Бироқ лоақал кичкина Сулаймонимни ўйласангиз бўларди- ку ?! Мен уни "Ўз отасининг уйида вояга етказаман" дея ният қилгандим. Наҳотки , буларнинг сизга фарқи бўлмаса ?! Мен келин бўлиб шу уйга қадам босиб келганимда бир умр шу ерда яшашни Аллоҳдан

сўраган эдим .

Аммо ...

Аммо Аллоҳ ҳам тилагимни ирода қилмаган кўринади.

Жон амма... Сиз ҳам аёл кишисиз- ку ?! Аёл кўнглини аёл тушунади , илтимос додажонни мени турмушга бериш фикрларидан қайтартириб беринг.

Маҳина амма Ҳилолага қатъият билан тикилди :

- Айнан аёл киши бўлганим учун сени бу илтимосингни бажара олмайман. Биз сени бахтингни ўйлаб "Энг тўғри йўл -шу!" деган қарорга келдик.

Ҳилола кўзларида ёш билан заҳарханда кулди :

- Мен Сулаймон акам ўлган кунлари улар билан бирга оламдан ўтгандим.Сизлар эса ана шу руҳсиз , фақат ҳаракатланишга қодир тананигина турмушга бермоқчи, қайта ўлдирмоқчи бўлаяпсизлар .

Эссиз ...

Топган кувингизга эссиз ...

У ҳали ўз кўнглида нималарни орзулаяпти экан ?!

Эссиз ...

Бу сафар ўзимга эссиз...

Иккинчи қайта қандай ўларканман ? Бир марта Сулаймон акамдан ажралганим сизга кам кўринибди.

Энди эса сизлар учун уларнинг хотираларидан ҳам ажралишим керак экан...

Маҳина амма унга бир қараб қўйди-ю, сўзлашга оғиз жуфтлади.

Аммо амманинг сўзлари бутунлай бошқа мақсадни баён қилишга киришганди:

- Шу хафтанинг охирига Жиззахдан Бунёдбекнинг оиласидагилар бошингни боғлаш учун келадиган бўлишди.

Ҳилола Маҳина аммага эътироз билдирмади, зеро у амма ўз мушкулини осон қилиши мумкинлиги ҳақидаги умидидан буткул жудо бўлганди.

Ҳилола энди энг охирги илинжи тараф йўлга отланди.

Ҳилола бор шаҳдини йиғиб кичик меҳмонхонага кирганда Мирсаид аканинг крелода китоб ўқиб ўтирганининг устидан чиқди.

Ҳилола қайнотасининг ёнига сўзсиз борди ва ўзини унинг оёқлари остига ташлади.

Мирсаид ака Ҳилоладан бу таҳлит муносабатни кутмагани учун шошилиб қолди :

- Иии қизим , нима қилган ишинг бу ?!

Тур ўрнингдан ?!

@Xazon_Rezgi / 194 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Мирсаид ака оёқларини дарҳол четга тортди. Ҳилола шартта- шартта гапиришни ният қилиб келган эди. Бироқ Мирсаид аканинг "қизим" деган мурожаатидан кейин ўзини идора қила олмади . Кўзларидан дувиллаб ёш қуйила бошлади. У тиз чўккан куйи шашқатор йиғлаганча сўзлай кетди :

- Жооон , додажооон !

Жооон , додажооон ...

Мени ...

Илтимос менга раҳмингиз келсин ! Мени қийнаманг ! Остонангиздан ҳайдаманг ?! Ахир "Энди қизимсан?!" дегандингиз- ку ?! Мен қизингиз бўлиб бир умр шу хонадонда яшаб қолишни ният қилгандим.

Жооон додажон ...

Сиздан фақат битта , мана шу биттагина ўтинчимни сўрайман.

Илтимооос , мени турмушга бериш фикридан қайтинг!

Биламан...

Бутун олам менга қарши чиққан тақдирда ҳам битта сиз мен тараф бўлсангиз ғолиб бўлишимни биламан.

Илтимос ... Хўп денг ... Мен ваъда бераман , қайтиб ҳеч нарса сўрамайман ?! Фақат шу ерда яшасам бўлгани.

Жон додажон ... Ахир кичкинтойингиз Сулаймонни қандай кўзингиз қияпти ?! У эсини таниганидан буён сизсиз ухламайди- ку ?! Ё Сулаймон билан ўз қизлик уйимга бир кунга ётиб қолишга бориб, унинг ярим тунгача "додажонимсиз ухламайман" деб йиғлаганда адамларнинг қайтариб олиб келиб қўйганларини унутдингизми ?!

Жон додажон , айтинг ! Мен қизингиз эмасманми ?!

Ҳилоланинг охирги саволидан кейин Мирсаид ака титраб кетди. Унинг ёдига тушида Сулаймоннинг

"Ҳилола қизингиз эмасми ?" деб берган саволи тушганди.

Худди ана шу савол Мирсаид аканинг дийдасини тошдек қотирди-қўйди ...

У шарт ўрнидан турди ва Ҳилолага тик қаради :

- Қизим , шу чоққача мен ҳам сендан бирон нарса сўраганим йўқ эди-а ?

Ё гапим нотўғрими ? - Ҳилола "йўқ" дея бош чайқади. Мирсаид ака гапини шахд билан давом этди,- аммо ҳозир ҳам мен сендан ниманидир сўрамоқчи эмасман.

Мен талаб қилмоқчиман!

Яхшилаб эшит ! Икки қулоғингга қўйиб ол !

Агар сен ҳам мени "отам" деб қабул қилган бўлсанг, турмушга чиқасан !

Йўқса ...

Йўқса "Отам ўлди" дегин- у , устимга чизиқ тортиб, билганингни қилавер !

Фақат билиб қўй !

Шу қарорни қабул қилишинг билан сени қайта қизим демайман !

Менинг сенга айтадиган бошқа гапим йўқ.

Ҳилола Мирсаид аканинг сўнгги сўзидан кейин ўтирган ўрнида бир сапчиб тушди. Ҳозиргина қип- қизариб бўғриқиб турган юзлари бир зумда қум оқариб кетди.

У қисқа-қисқа нафас ола бошлади. Тили алланималарни тушунарсиз шивирлади. Гўёки ақлдан озгандек атрофга маънисиз тикилди.

Аммо бу ҳолат узоқ давом этмади.

Ҳилола Мирсаид акани ҳайрон қолдирганча хотиржам гапира бошлади :

- Аввал Ойижон ...

Сўнг Сулаймон акам...

Энди эса сиз...

Ва сиздан айрилиш учун қўйилган бу талаб ...

Йўўқ ...

Мен кўна олмайман... Яъни сиздан айрилишга кўна олмайман. Мен учун галдаги йўқотиш бу ҳаётдан воз кечиш билан тенг...

Биласиз- ки...

Ойижоним ва ўғлингиздан кечиш ихтиёри менда бўлмаган...

Аммо ҳозир ўзимни ўйлаб сиздан ўз ихтиёрим билан воз кеча олмайман ...

Воз кеча олмайман...

Ахир сиз менга Ойижоним ва Сулаймон акамнинг омонатисиз...

Додажон ...

Сиз нима десангиз шу ...

Фақат ...

Фақат "Сендек қизим йўқ" деманг ...

Мен ҳамиша сизнинг қизингиз бўлишни истайман. Ва шундай бўлиб қолади ҳам...

Бу ёғига қандай қарор қилсангиз ўзингиз биласиз...

Мен...

Мен қизингиз бўлиб қолсам бўлгани, додажон ...

Бошқа ҳеч нарсага даъвойим йўқ ...

Ҳилола бемажол бир аҳволда ўрнидан турди ва бир - бир қадам ташлаганча ташқарига йўл олди.

У ҳатто бошидаги рўмоли ярим йўлда сочларидан сирғалиб тушиб қолганини ҳам пайқамади...

Мирсаид ака Ҳилоланинг ортидан дард билан термулиб қолди. Сўнг ўрнидан туриб ичкари хонага кирди . Хонани ичидан қулфлади Илгакда турган турган сочиқни олиб куч билан лабларига босди.

Сал аввал Ҳилола ҳузурида қандай тиз чўкиб ўтирган бўлса , ҳудди шундай ерга чўк тушди.

Мирсаид ака чорасизликдан хўнг- хўнг йиғлай бошлади ...

У узоқ йиғлади...

@Xazon_Rezgi /195 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Қизим ...

Чорасизман , болам...

Сен бахтли бўлишинг керак ...

Ҳаммадан ҳам бахтли бўлишга сен ҳақлисан , жон қизим ...

Мен айнан ўша бахтни туйишинг учун юрагимни кўксимдан юлиб отишга тайёрман, болам ...

Фақат сен бахтли бўлсанг бас... Менга бошқа ҳеч нарса керакмас...
Шояд беш йил аввал кулгилар тарк этган маҳзун чехрангга табассум инса...

Шояд хазонлар остида қунишиб мудраб ётган кўнглингда умид қайта куртак очса...

Ана ўша вақтда мени кечирарсан... Ниятим аслида қандай бўлганини тушуниб
етарсан...

Сени раво кўраётганимиз ўша Бунёдбек исмли йигит ёмонга ўхшамайди. У бирга
ишлаган Каримжон ҳам "Бунёдбекнинг жуда яхши инсон эканлигига мана мен
кафилман. Ҳилолани бахтли қилишига ишончим комил" деди.
Қизим илмнинг изига тушган инсондан ёмонлик чиқмаслиги аниқ. Мен ҳам ўша йигит
сени бахтли қилишига ишонаман. Шунча йиллар тирноққа зор яшагани, фарзанд
талабида эканлиги Сулаймоннинг ўз ўғлидек қабул қилишига яна бир умид туғдиради.

Қизим ... Илоё иккинчи тақдиринг чин тақдир бўлсин... Бу сафар қўшганинг билан
қўша қаригин...

Амин ...

Мирсаид ака чуқур сўлиш олди ...

* * *

Ҳилола Мирсаид аканинг ҳузуридан чиққанида ўзини тўсатдан бошига осмон қулаган
инсон каби ҳис қиларди. Яна нимани ҳам ҳис қилсин эди , шўрлик ?! Додажониси
унинг илтимосини қатъий рад этди , камига "Кўнмасанг сендек қизим йўқ!" деб
ростига кўчиб қўя қолган бўлса...

Ҳилола ҳаммадан ҳам ана шу сўзларга чидай олмади. У Мирсаид ака ўзи учун
яқинлари орасида энг азиз инсонлардан бири эканлигини , ундан ҳеч қачон ўз ҳолича
кечиб кета олмаслигини, унинг учун жуда кўп нарсаларга тайёр ва рози эканлигини
англаб етганди.

Ҳилола остонадан ҳатлар экан, бир неча кунлик руҳий зиқлик ва ҳозиргина бўлиб
ўтган охириги суҳбат ўз оқибатини кўрсатди.

Ҳилоланинг юраги қаттиқ санчди . Оёқларидан жон қочиб, ожиз қадамларини қаерга
қўяётганини фаҳмлай олмай қолди. У ўзининг зинадан сирпаниб йиқиляётганини
сезди- ю , хаёлидан "Шу билан ҳаммаси тамом !" деган ўй "ялт" этиб ўтди.
Аммо йиқилиб ерга тушмади . Ҳилолани кимнингдир забардаст қўллари ушлаб қолди .

Ҳилола дастлаб ҳеч нарсага тушунмай қолди. Бир вақт шуури тиниқлашиб кўзини
очганда ўзини ушлаб қолган инсон Ақромжон эканлигини кўрди ва баттар хўрлиги
келиб кетди...

У Ақромжонга дардли нигоҳ ташлади ва шунинг баробаринда юлқинганча унинг
қўлларидан ўзини айирди. Рўмолсиз тўзғиб кетган сочларини қўли билан тараган каби
текисланган бўлди-ю , халоскорига бир оғиз раҳмат ҳам демай ўз хонаси томон
илдамлаб кетди...

Ақромжон турган жойида хушидан айрилган каби қотиб қолган эди.

У Ҳилоланинг кўзларидаги дардга асир тушган, мунга чўкиб кетган эди...

Ақромжоннинг шу топда Ҳилоладан "Сизга нима бўлди?" деб жуда- жуда сўрагиси, қайғусига жиндек бўлса- да шерик бўлгиси келаётган эди.

Икки хафтадан буён иш билан Самарқандда юрган Ақромжоннинг Ҳилоланинг тақдирига чиқарилган ҳукмдан ҳали хабари йўқ эди.

Ҳозирги ҳодисадан юраги алланечук маҳзун бўлиб қолган Ақромжон ўзида туғилган барча саволларга жавоб олиш учун учун Маҳина амманинг ҳузурига ошиқди.

Одатий саломлашиш , сўрашишлардан сўнг Ақромжон гапнинг лўндасига кўчақолди:

- Аммажон, тинчликми ?! Ҳилола келинойимнинг кайфиятлари йўқдек кўринди ?! Мен уларни авваллари сира бундай аҳволда учратмагандим?

Маҳина амма тўлиб турган юрагини бўшатишга одам топилганидан дарҳол жавобга ошиқди :

- Э нимасини сўрайсан, болам ?! Биз Ҳилолани турмушга беришга қарор қилдик. Унга яхши куёв ҳам топиб қўйдик . Бироқ Ҳилолани гапга кўндириб бўлмаяпти. У "Сулаймон акамнинг хотирасига ҳиёнат қилмайман" деган битта гапида туриб олган.

- Ҳилола турмушга чиқишга кўнди ...

Маҳина амма ва Ақромжон остонада турган Мирсаид акага тенг баравар қарашди.

- Ҳилола Бунёдбек билан турмуш қуришга рози бўлди , - такрорлади Мирсаид ака ...
□□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

67- ҚИСМ

Ақромжон ўрнидан туриб Мирсаид акага пешвоз чиқди :

- Ассалому алайкум , ота

Мирсаид ака унга ҳорғин кўринишда қўл узатди :

- Яхши бориб келдингми , болам ?! Ваалейкум ассалом.

- Кел ука,- Мирсаид акага юзланди Маҳина амма,- мен ҳозир иссиқ чой дамлаб келаман.

Маҳина амма ўрнидан кўзғалмоқчи бўлган ҳам эди-ки , Ақромжон уни туришига йўл қўймади.

- Аммажон , мен ўзим...

Ақромжон ошхонага кириб кўзлари билан Ҳилолани излаб у ёқ - бу ёққа қаради. Ҳилола кўринмади. Ақромжон газга чой қўяр экан, Ҳилоланинг мунгли нигоҳини хаёлига келтириб , юраги эзилди.

"Бояқиш уйда хун бўлиб йиғлаб ётгандир... Отам у шўрликка яхши бўлсин деб турмушга бермоқчи бўлсалар керак, аммо у ўзи суймаган ошини қандоқ ичсин ?! Анови уйланмоқчи бўлган йигит ҳам пайтини пойлаб турган экан- да ?! Келинойимга озроқ муҳлат берса бўларди- ю , отамнинг кўнгли бўшаши билан қисталанг қилиб туриб олмасдан ?!"

Ақромжон шу топда ўзи кўрмаган , бир бор суҳбатлашмаган Бунёдбекни ёмон кўриб кетди.

Ақром шу куни кечгача , тунда эса тонгга қадар Ҳилолани қисматини ўйлаб кўнгли ўртанди. Айниқса унинг кўзларини хаёлидан сира чиқара олмади.

"Демак, барчаси ҳал бўлиб бўлган, шундайми ? -кундузи сўраганди Ақромжон Маҳина аммадан.

- Деярли. Тўғри ҳали Ҳилола йигит билан юзма- юз кўришгани йўқ. Аммо барибир барчаси хафтанинг охиригача аниқ ҳал бўлиши тайин насиб бўлса,- деб жавоб қайтарганди Маҳина амма" .

Йигитнинг кўз ўнгидан энг аввал кичик Сулаймон ўтди. Унинг ўзининг бағрига "амакижоним" дея отилганлари, сўнгра Мирсаид аканинг титроқ қўллари , чўкиб қолган қадди-басти , ҳазин чехраси , Маҳина опанинг дард билан тиззасини хаёлчан қучиб ўтириши ва ниҳоят Ҳилоланинг ўша мунгли қарашлари - буларнинг бари кўз ўнгидан бир- бир ўта бошлади.

- Йўууқ !

Ақромжоннинг қўллари мушт бўлиб тугилди:

- Бундай бўлиши мумкин эмас !

Бундай бўлишига йўл қўймайман!

Асло !

Ақромжон тонг отганда қатъий қарорга келиб бўлганди .

У нонушта вақти ўтишини мўъжаллаб туриб Ҳилолага СМС ёзиб юборди.

- Салом. Илтимос , соат тўққизларда анҳор бўйига кела оласизми ? Фақат нима учун деб сўраманг ?! Яна ... Уйдагилар билишмасин .

Ақромжон

Кўп ўтмай Ақромжон қўлидаги телефонига Ҳилола ўзининг юборган хабарини ўқиганлиги ҳақидаги белги тушганини кўрди ва бўлажак учрашувга тайёргарлик кўра бошлади.

Ақромжон Ҳилолани кўп кутмади. Ҳилола айтилган жойга вақтида етиб келди.

- Ассалому алайкум , - деди Ҳилола ерга тикилиб , - мулла ака чақиртирган экансиз. Очиғи кўнглимга ҳар хил хаёллар келди- ю , аммо ...

- Ваалейкум ассалом. Келинг ўтиринг , - Ақромжон Ҳилоланинг ўтириши учун ўриндиқдан жой кўрсатди,- мен сизни бежизга чақирмадим.

Ҳилола у кўрсатган жой - ўриндиқ четига омонатгина ўтирди. Ақромжон эса ундан узоқроққа ўрнашиб ўтириб олди.

- Хуллас , гап бундай. Сизнинг бу ерга чақиришдан мақсадим битта. Кеча уйга борганимда сиз ҳақингиздаги маслаҳат қулоғимга чалинди. Биламан , сиз турмушга чиқишга бутунлай қаршисиз . Аммо Отам ҳам бу ишларни кўнгил хуши учун қилаётганлари йўқ.

Ҳилола Ақромжоннинг охириги сўзларини эшитиб унга ялт этиб қаради . Аммо Ақромжон буни билиб - билмасликка олди- да, гапида давом этди :

- Мен уларнинг бу қарорга келишлари жуда ҳам оғир бўлганлигини кеча кўзларидан оққан ёшни кўриб ҳис қилдим. Уларнинг ҳам сиздан , сиз орқали кўз қувончлари бўлган Сулаймондан ажралиш тўғрисидаги қарорга келишларининг ўзи бўлмагани рост .

Ҳилола бетоқатланди.

У Ақромжоннинг мақсадига тушуна олмай ҳуноби оша бошлаган эди.

- Биласизми , мен бу масалани энг қулай ечимини топгандекман. Агар сиз бир таклифга рози бўлсангиз , Отам сизлардан , сизлар эса Отамдан ажралмайдиган , гўшт ҳам , сих ҳам куймайдиган бир битимга имзо қўйган бўлар экансиз. Юқорида айтгандек энди бари биргина сизга жавобингизга боғлиқ

Ҳилола Ақромжоннинг сўзларини эшитиб жонланди :

- Илтимос , тушунтириброқ айтсангиз ...

@Xazon_Rezgi /197 #КўНГИЛ_ИФОРИ

Ақромжон бор журъатни кўзларига жамлади. У Ҳилолага қатъият билан тик қаради :

- Сиз менга турмушга чиқишингиз керак !

Ҳилола ўтирган ўрндан сапчиб туриб кетди :

- Бу нима деганингиз ?! - деди у алам билан титраб-қақшаб , - устимдан кулишнинг бошқа йўли йўқмиди ?!

Ҳилола шундай деб сумкасини тутганча кетишга чоғланди.

Ақромжон шаҳд билан ўрнидан туриб унинг йўлини тўсди :

- Нимага бундай деб ўйлаяпсиз ? Нима мени хазиллашиб кўнглини гуллашиб юришга вақти кўп одамга ўхшайманми ? Айтинг-чи , сиз билан неча йилдан буён танишмиз ? Шу пайтгача кимлигимни билиб олмаганингизга ҳайронман?!

- Бу гапларингиздан кейин сизни яна ким деб ўйлашим керак эди ?!- Ҳилола ҳам бўш келмади

- Менинг ниятим холис... Кечаги воқеадан кейин энг тўғри қарор шу деб ўйладим. Айтиш мумкин- ки , ҳеч қандай талофатларсиз мақсадга эришсак бўлади.

Яъни...

Шу ўзгаришдан кейин ҳаётимиз деярли ўзгаришсиз қоларкан. Сиз ҳам танангизга яхшилаб ўйлаб кўринг. Тўғри сизда иккинчи вариант ҳам бор. Мен ташрифи шанба кунига кутилаётган меҳмонларни назарда тутаяпман. Аммо у вариант сизга ёқмаётганини биламан...

Ҳилола бўшашди:

- Аммо бу ...

Жуда ғалати- да ...

Сиз мулла акам бўлсангиз.

Сизни доим ака ўрнида кўрганман. Ундан кейин энг асосийси тўсиқ мен рўзғор кўрган аёлман. Сиз эса ҳали турмуш кўрмаган йигитсиз ... Менимча, сизнинг таклифингизни рад қилишга мажбурман ...

- Дарровда йўқ дейишга шошилманг . Аввал яхшилаб ўйлаб кўринг. Таклифимни қабул қилсангиз нималарга эга бўласиз- у , акс ҳолда нималарни бой берасиз ?! Мен нима мақсадда шу таклифни билдираяпман ? Кўнглингизга бошқа хаёл келмасин тагин ? Мен бу ишни бирор таъма илинжида қилмоқчи эмасман.

Хабарингиз бор ўзимга яраша давлатга эгаман, сизга уйлансам ҳам , уйланмасам ҳам отамнинг тенг ҳуқуқли иш бошқарувчилари бўлиб қолавераман. Демокчи бўлганим бойлик масаласини сизга қилган таклифимга ҳечам алоқаси йўқ.

Энди сизга қайноға мақомида эканлигимга тўхталсам, буни ҳам оқловчи асосий сабаби бор.

Бу сабаб англаганингиздек менинг тутинган ўғил ҳамда қонимнинг бошқалигида.

Қолаверса , бу яъни ака ёки укасининг бевасига уйланиш одати азал -азалдан ҳақиқий жигарлар орасида ҳам шариятнинг руҳсатига эга бўлган тадбир саналади.

Энди уйланмаган йигит эканлигим масаласига тўхталсам.

Сизга тасалли сифатида бир нарсани айтишим мумкин. Турмуш қурган аёл айбдор

дегани эмас. Қолаверса мен ҳам йигирма олти ёшгача ҳеч кимга кўнгил бермай юрмаганмасдирман.

Мен ҳам ...

Худди сизга ўхшаб мен ҳам айрилиқ азобини тортишга мажбур бўлган кўнгли яримман,- Ақромжон хўрсинди ,- бироқ бу ҳақда бошқа гапиришни истамайман. Хуллас , сиз бу тарафдан кўнглингизни хотиржам қилаверинг. Иккимиз ҳам бир уммонда тўлқинлар эрмак қилаётган чорасиз икки хас каби тенг мақомдамиз . Ақромжон шундай деб қайтадан ўриндиққа ўтирди.

- Сизнинг ўйлаш ва қарор қабул қилишингиз учун вақтингиз кам,- сўзида давом этди Ақромжон,- хаттоки йўқ десам ҳам бўлади.

Сиз ҳозир таклифимга йўқ десангиз шу ердан ҳеч нарса бўлмаган каби ўз йўлимизга кетамиз .

Агар жавобингиз "Ҳаа" бўлса , мен ҳозир уйингизга бораман ва Маҳина аммамдан турмуш қуришимиз учун мен тарафдан сизга совчи бўлишларини сўрайман.

Ақромжон чуқур тин олди.

Унинг сўзларидан Ҳилола қаттиқ ўйга чўмиб қолди .

- Мен кутяпман...

Ҳилола бошини кўтариб Ақромжонга қаради .

- Худди менда танлаш имкони бордек сўрайсиз- а ?

Мен "Ҳаа " деб жавоб бераман, фақат шу... Шу..

Ҳилола сўзларини давом этолмай нигоҳини четга олди ...

Ақромжон унга жиддий тикилди :

- Сизнинг нима дея ололмаётганингизни яхши тушундим. Бу тарафдан кўнглингиз хотиржам бўлсин...

Демак , масала пишди .

Энди қайтамиз ?! Мен сизларникига кетаяпман. Сиз- чи қаерга борасиз ?

- Мен сиз билан бора олмайман, чунки сиз бор вақтда уйда бўлишим ноқулай. Ишимга кетақоламан.

- Яхши юринг, унда сизни кўча бошида ташлаб кета қоламан.

@Xazon_Rezgi /198 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола эътироз билдирмай унга эргашди.

Қизғиш- тилларанг япроқлар билан безанган соҳил дарахтлари уларнинг ҳар иккисига бахт тилаган каби масрур шовулларди .

Олдинда Акромжон унинг ортидан Ҳилола сокин қадамлар машина тарафга йўл олишди. Бу сафар Ҳилоланинг одимлари келган вақтига нисбатан анча енгил бўлиб қолган эди.

* * *

- Пишмайдиган савдо , - бош чайқади Маҳина амма Акромжоннинг гапларини эшитиб , - ўзинг ўйлаб кўр. Сен ҳали чимилдиқ кўрмаган бўз йигит бўлсанг. Ҳозир сўраб , истаб қизиқ устида Ҳилолага уйланарсан ҳам . Аммо бир кун вақти келиб унга "Сени жувон ҳолингда олганман . Сен тенггим эмас эдинг. Мениям оқ кўйлакли қизга уйланишга ҳаққим бор эди?!" демаслигингга ким кафолат беради ?!

- Ўзим- да ўзим -ўша кафолат берадиган. Бошқа яна ким ҳам бўларди , аммажон - деди Акромжон ҳозиржавоблик билан.

- Ҳаа , сенга гапиришга осон . Бу ёқда қариндош - уруғ деган нозик тарафлар бор , - Маҳина амма беҳафсала қўл силкиди.

- Қариндошлар ?! Менимча улар қаршилик қилишмайди , қайтага хурсанд бўлишади. Мана биттаси сиз - аммам . Яна битталари Отамнинг ўзлари. Қизларига уйлансам хафа бўлмасалар керак. Битта- ю битта синглим эса бу хабарни эшитиб аллақачон "тўйга кияман" деб либос қидириб кетди.

- Сен энг асосийсини ўйламаяпсан? Ҳилоланинг ўзи нима деркин бу таклифга ? Кўнмаса- чи ?! Унда нима дейсан ?!

- Бунисини билмасам энди. Яхшиси ўзидан сўраб қўяқолинг ?!

Маҳина амма Акромжоннинг тагдор қочиримидан "нималарнидир" илғагандек бўлди , аммо шундай бўлса-да Ҳилоланинг ўзи қандай жавоб беришига қизиқди.

Ҳилола кўп гапирмади. Гўё бисотида ошиқча сўз қолмагандек гапни қисқа қила қолди :

- Менга фарқи йўқ...

* * *

Мирсаид ака Акромжоннинг таклифини , боз устига Ҳилоланинг бу таклифга умуман қаршилик қилмагани эшитиб шошилиб қолди. У Ҳилолани бағридан бегона бўлмай гап- сўзлардан ҳимоя қилиш чораси топилганидан беҳад қувониб кетди.

Мирсаид аканинг кўзларидан бу сафар ҳам тирқираб ёш чиқиб кетди. Аммо эндиги ёшлар шукр кўз ёшлари эди...

Мирсаид ака томонидан билдирилган Акромжон ва Ҳилоланинг тўйларини бир ойнинг

нари - берисида ўтказиб юбориш таклифини Асрор ака ва Роҳила опалар ҳам маъқуллашди.

Мирсаид ака Акромжонни ўзи бош бўлиб қуриб битказган Ўрикзордаги янги уйига уйлантиришга қарор қилди. Бундан унинг кўзлаган битта мақсади бор эди .

Мирсаид ака Ҳилола иккинчи марта ҳам келин бўлиб ўзининг хонадонида қоладиган бўлса марҳум эри Сулаймон билан боғлиқ хотиралар янги турмушига раҳна солиб қўйишидан чўчир эди.

Шу сабаб у Маҳина опага ўз мулоҳазаларини билдириб :

- Опа , икки ёш бир- бирига кўникиб , ўрганиб олгунга қадар уларни ҳоли қолдира турамиз. Бир - икки ойдан кейин гоҳ бу ҳовлида , гоҳ унисидида бир оила бўлиб яшайверамиз , - деганида опасига ҳам бу сўзлар жуда маъқул келди.

Ҳаммадан ҳам Мирсаид аканинг қувонтирган ҳолат Ҳилоланинг кўз ёш тўкмай қўйганлиги , аввалгидек чехраси ёришиб қолганлиги эди.

Энди Мирсаид ака ва Ҳилола аввалгидан ҳам ортиқ бир- бирларига меҳрибон эдилар.

Ва ниҳоят кутилган кун келди .

Акромжон тўй учун бу тарафни умуман уринтирмади. У барча ҳаражатларни ўз зиммасига олган эди.

Тўй куни Мирсаид ака чиройли ва ихчамгина қилиб ош берди.

Куёв ва унинг жўралари эҳтиром ила ош билан сийлангач , урф- одат бўйича Акромжон Ҳилолани уйига олиб кетар бўлди.

У Ҳилолани етаклаб ҳовлига олиб чиққанида ҳозиргина шовқин бўлиб турган ҳовлини бирдан жимлик қоплади.

- Келинимизни отасининг оқ фотиҳаси билан янги бахт уйларига кузатиб қўямиз , - деди Акромжон билан бирга келган санъаткорларнинг бошловчиси,- Марҳамат қизнинг отасини чақирсангиз.

@Xazon_Rezgi /199 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳовлидагилар ғимирлаб қолишди. Шу вақт микрофон орқали бутун ҳовли бўйлаб қиз узатаётган ота ва унинг қизининг изҳори ҳақидаги ажойиб ижро таралди :

Ота:

Бераридан қисмади-я Қодир Эгам,

Қиз неъматини гул очтирди ҳар бир изим.

Тўрт фаслим ҳам сен туфайли доим кўклам

Дуоимда кўкаргин сен, жоним қизим

Қиз :

Ҳар сўзингиз менинг учун дилга малҳам ,

Меҳрибоним, изҳорингиз гулга ўранг.
Сиз бор учун бу ҳаётим азиз, кўркам,
Отажоним , Аллоҳимдан бахтим сўранг

Ота :

Қиз дегани жаннат тамон йўлак эмиш ,
Ўзинг шаъним , ор - номусим , ёруғ юзим .
Солиҳа қиз ота учун тиргак эмиш ,
Дуоимда кўкаргин сен, жоним қизим.

Қиз :

Бағрингизда шодон ўсдим, кам- кўст кўрмай,
Мудом бахтдан сармаст бўлдим, ташвиш билмай,
Дуоингиз мустажобдир, канда қилмай,
Отажоним , Аллоҳимдан бахтим сўранг...

Ота :

Сенинг ўзинг қалб ардоғим , мунис эркам ,
Кунларимга жило сочган тонг юлдузим
Кўл дуода сўрарим бир : Қодир Эгам
Дуоимда кўкарсин деб , жоним қизим

Қиз :

Кўрсам дейман мудом шодон юзингизни,
Оқлай дейман берган ош, нон, тузингизни,
Бағрингизга босинг она қизингизни ,
Отажоним , Аллоҳимдан бахтим сўранг...

Ота:

Сен туфайли эгилмади мағрур бошим ,
Тўкса ёшни фақат бахтдан тўкди кўзим.
Онам каби меҳрибонсан ва дилдошим,
Дуоимда кўкаргин сен , она қизим...

Қиз:

Ота десам доим фахр туяр кўнглим ,
Ота- десам гуллайверар ўнгим , сўлим ,
Қиблагоҳим , сиз давлатим, жаннат гулим,
Отажоним, Аллоҳимдан бахтим сўранг...

Ақромжон Ҳилолани етаклаб ҳовлининг ўртасига олиб келди ва аста тўхтади.

Шу вақт йиғилганлардан кимдир Асрор акани ўртага суриб олиб чиқди . Даврабоши
Асрор акага микрофон тутди :

- Қизингизга оқ фотиҳа беринг, Отаси .

Аммо Асрор ака Ҳилолага юзланмади. У микрофонни нари сурганча ортига тезда
ўгирилди- ю , шошилиб боғ тарафга йўл олди. Асрор ака қандай тезлик билан кетган
бўлса , шундай тезлик билан ортга қайтди .

У...

У Мирсаид акани елкасидан қучиб етаклаб келар эди.

Асрор ака бояги жойига етиб келганда даврабошига имо қилиб микрофонни қайта сўраб олди ва

- Бу инсон ота бўлишда мени аллақачон йўлда қолдириб кетгандилар .

У шундай деб Мирсаид акага юзланди :

- Қизингизни дуо қилишга энг ҳақли инсон сизсиз. Қани отаси қизингиз янги ҳаёт остонасига сизнинг - бу дунёда ўзини дуо қилишга энг ҳақли ва муносиб инсоннинг дуосини ҳамроҳ қилиб олиб кетсин ...

Мирсаид аканинг юзидан бир жуфт ёш юмалаб тушди. У титраганча Ҳилолага аста яқинлашди ва ҳаррир рўмоли устидан пешонасини ўпди :

- Бахтинг бекам бўлсин , қизим . Қўшганинг билан қўша қаригин.

Шунда Ҳилола ...

Ўзини Мирсаид аканинг бағрига отди :

- Додажооооон...

Додажооооон...

Ҳилола елкалари силкина - силкина тўлиб -тўкилиб йиғлар эди.

- Қизим... Она қизим ... Дардимга дармоним, қизим.

Мирсаид аканинг ҳам кўз ёшлари юзини ийманмай ювиб туша бошлади.

Шу пайт аёллар сафида укасига яқин турган Маҳина амма унга яқинлашди ва шивирлаб қўлига ўроғлиқ ниманидир берди .

Мирсаид ака опасига бош силкиб "хўп" деган ишорани қилди ва у тутқазган оппоқ матога ўралган нарсани очди.

Бу Мастура опанинг жуфт билагузугининг иккинчи - Акромжоннинг умр йўлдошига аталган пойи эди. Мирсаид ака билагузукни Ҳилоланинг чап қўлига тақди.

Мастура опанинг ҳар икки билагузуги Ҳилоланинг ҳар икки билагидан жой олди...

Шу вақт Акромжоннинг ёдига Мастура опанинг ўзини ҳаққига қилган энг сўнгги дуоси тушди:

- Акромжон болам. Сен ҳам Сулаймонимга ўхшаб тагли - тахтли инсонларнинг эрка ва арзанда куёви бўлгин □□□□ аввалги қисмлар

68 - ҚИСМ

Кечга яқин Ҳилолани узатиб борган аёллар ҳуфтонга қолмай ортга қайтишди.

"Янгаликка ким қолади ?!" дея шивир - шивир қилган аёллар Маҳина амманинг остки лабини тишлаб , кўрсатгич бармоғи билан юзига "уят" дея сидириб чизган белгисини кўриб жим- жим бўлиб тарқалишди.

Ақромжон меҳмонларни келди- кетдисини кутиб олиш учун ресторандан ўн чоғли ходимни буюртма қилиб чақиртирган экан. Улар меҳмон аёллар кетиши билан ишга тушиб бир соатга қолмай барча хоналарни чиннидек тозалаб бўлишди ва хизмат ҳақларини олиб мезбон билан қуюқ хайрлашиб кетдилар.

Ҳилола янги ётоқхонада кичкинтойи Сулаймон билан ёлғиз қолди.

- Ойижон , адажоним қанилар ? !

Гарчи Сулаймон Ақромжонни адажон дея чақира бошлаганига уч хафталар бўлиб қолган бўлса- да , бироқ ҳозирги вазиятда ўғлингнинг мурожаати Ҳилолага бошқача таъсир қилди.

- Ойижоон , адажоним ...

- Улар ҳозир келадилар. Ўртоқларини кузатиб қўйсинлар , кейин келадилар.

- Мен аллақачон келдим , - остонада Ақромжоннинг қораси кўринди. У устидаги костюмини ечиб илгакка илди- ю , Сулаймонга қучоғини очди , - келқол , ўзимга асал ўғлим.

Сулаймон ётган жойидан Ақромжонга отилди . Унинг юзига - юзини ишқаб эркаланди:

- Адажон ... Энди қўлга тушдиз. Ваъдангиз эсиздами ? Уйимизга борганинда "Человек- паук"ни айтиб бераман дегандингиз.

Ақромжон Сулаймонни бўйнини бурни билан қитиқлаб жиғига тегиб суйди , юзларидан қайта- қайта ўпаркан "Албатта , ўғлим. Сенга "Человек- паук"ниям , "Супермен"ниям , "Бетмен"ниям айтиб бераман. "Эгривой ва Тўғривой"ниям , хатто "Широқ" билан "Алпомиш"ниям айтиб бераман дерди кўзлари порлаб.

- Урре , адажоним росса кўп эртақ биларканлар , - деди Сулаймон қийқириб .

Ақромжон Сулаймонни бағрига босганча диванга чўзилди :

- Бошладик бўлмаса. Бир бор экан, икки йўқ экан, уч эса аллақаерларда юрган экан...

Ақромжон шундай деб Ҳилолага қаради :

- Ойижониси, мумкин бўлса чироқни ўчириб юборсангиз... Мени шаҳзодам эртақ эшитиб ором олмоқлари зарур ...

Хилола чироқ қаердан ўчирилишини билмай тахмин қилганча эшикнинг ёнига борди .

Акромжон уни кузатиб турган экан, қўли билан "у ерда" дея ўнг тарафга ишора қилди.

Хилола чироқни ўчириб қўшни хонага чиқиб , креслога чўкди .

У бугун илк бор гарчи тан олишга бўйни ёр бермаган бўлса- да дил- дилидан битта нарсага ҳурсанд бўлганди:

- Энди унинг ўғлингни ҳам отаси бор !

Кичкинтойи Сулаймонни ҳеч ким отасиз деб таъна қилолмайди !

Ўғилчаси ота тарбиясини кўриб , эркак бўлиб ўсади !

Етимлик дардини тўлиқ ҳис қилиб ғамга чўкмасдан , дили яра бўлиб улгурмай бахтли яшай олади !

- Алҳамдулиллоҳ...- аста шивирлади Хилола . У Акромжонга розилик берган кунидан буён бугун илк бор чин дилдан миннатдор бўлди , - боризга шукр , яхши инсон ...

Хилола шу топда Сулаймонга илк бор Акромжонни адаси деб таништиришган кунни ёдига олди .

Ўшанда бу масалани Маҳина амма ҳал қилганди. Хилола ва Акромжонларнинг тўйлари маълум бўлгач , Маҳина амма кичик Сулаймонни бағрига босганча аста тилга кирганди :

- Сулаймон , асал ўғлим . Бугун бирам ҳурсандман-кии... - дея гап бошлаганди ўшанда Маҳина амма.

- Нега ҳурсанд бўлдингиз , аммабуви? - мунчоқдек кўзлари ҳайратда боққанди Сулаймоннинг .

- Бугун боғча опанг сени додажонингга роса мақтабди. Сулаймон жуда , жудаям ақлли бола , нима иш буюрсак "хўп бўлади" дея дарров айтганимизни қилади дебди.

Сулаймоннинг беғубор чеҳрасига ширин табассум ёйилди :

- Вооой , ман ростдан ҳам шунақа яхши бола бўлибманми ?

- Албатта болажоним. Яхши бола бўлсанг нима бўлади деганим эсингдами ?! - деди Маҳина амма унга меҳр билан термулиб

- Ҳмм... Эсимда ... Додажоним янги велосипед олиб бермоқчи эдилар .

- Яна- чи ?

- Асрор бувамлар коотта бассейн ваъда қилгандилар ...

- Яна-чи ?!

- Яна- ми ?! Бўлди шу ... Бошқа йўқ ,- Сулаймон бошқа ваъдани эслай олмай пешонаси тиришди.

-Яхшилаб эслаб кўр-чи , болажоним ...

@Xazon_Rezgi / 201 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

-Аммабувижоооон ...

Эслолмадим...- Сулаймон шундай дея Маҳина аммага қараб кулимсиради ва унинг бўйнига эркаланиб осилди ва қулочини ёйди ,- бўпти , сизга мана бундай шаҳар бераман.

Маҳина амма ҳам Сулаймонни қучиб тиззасига ўтқазди :

- Ширин боламга шаҳар бермасаям сўраганини айтиб беравераман, - у шундай деб Сулаймонга дона- дона гапира бошлади,- асалтойим , ёдингдами ?

"Адажоним қанилар?" деб сўраганинда нима деб жавоб берганим?

Сулаймоннинг кўзлари катта - катта очилди :

- Ҳааа , аммабувижон. "Сен қачон яхши бола бўлсанг адажонинг ўшанда келади" дегандингиз, - у шундай дея шошилиб дарҳол сўзига қўшимча қилди,- боғча опам мақтаганларига адажоним келдиларми ?!

Маҳина амма Сулаймонни ортиқ қийнагиси келмади :

- Болажоним. Адажонинг аллақачон келганди. Фақат "Ўғлим ростдан ҳам яхши бола бўлганмикан ? деб сени кузатиб юрган эди. Бугун эса боғча опанг унга сени жуда яхши бола бўлганингни телефон қилиб айтибди ва "Ўғлингиз Сулаймонга адаси эканлигингизни бемалол айтишингиз мумкин" дебди.

Сулаймон Маҳина аммага бир сўз демай кўзларини катта - катта очиб жавдираганча гапнинг давомини кутиб жим қотганди.

- Сулаймон ,биласанми адажонинг ким ?

- Ким ? - болакай Маҳина амманинг оғизига интизор бўлиб термулди .

Маҳина амма қўли билан тўғридаги эшикни кўрсатди :

- Эшикка қараб "Адажон , келинг ! Мен сизни жуда соғиндим" деб чақиргин-чи ?

Сулаймон Маҳина аммага ишонқирамай секин шивирлади.

- Адажон , келинг ! Мен сизни жуда соғиндим...

Маҳина амма Сулаймонга далда берди :

- Йўқ бунақаси кетмайди , қаттиқ бақриб чақиринг керак . Шундай қилганингдагина адажонинг келади

- "Адажон , келиинг ! Мен сизни жудаааа соғиндиим !!!

Эшик шарт очилди . Остонада аввал каттакон кул рангдаги Тедди айиқчаси кўринди

Сулаймон ўрнидан туриб айиқчага сўзсиз қараб қолди .

Айиқча орқасидан Ақромжон кўринди.

- Ўғлиим , ақлли болам ўзимнинг .

Ақромжон айиқни деворга суяди- ю , ўзи тиз чўкиб қучоғини очди :

- Кел ўзимга ...

Сулаймон бир Маҳина аммага , бир Ақромжонга қаради . Маҳина амма Сулаймонни қўли билан Ақромжон томонга аста итарди :

- Борақол асалим ...

Сулаймон секин- секин қадам босиб Ақромжонга яқинлашди :

- Амакижоон , сиз адажониммидиз ?! - секингина сўради Сулаймонга

Ақромжон бош силкиди :

- Ҳааа ...

- Расмизга унча ўхшамай қолибсиз ... Мен сизни танимабман ...- Сулаймон қўлчалари билан Ақромжоннинг юзларини пайпаслаб силади

- Сени жуда соғиндимда , болам ...

- Нега шу вақтгача адажоним эканлигингни айтмадингиз ?! Мен сизни амаким деб юрибман.

- Боғча опанг , Сулаймон аввал яхши бола бўлсин , кейин айтасиз деб руҳсат бермагани- да ...

- Энди доим адажоним бўласизми ?!

- Ҳар доим ...

- Сизни Адажон деб чақираверсам бўладими ?!!

- Албатта ! Ахир адажонингман- ку ?!

Сулаймон Ақромжонни бўйнидан маҳкам қучди :

- Сизни росса кутгандим, Адажон ... Росса соғингандим ...

Акромжон ўрнидан туриб Сулаймонни кўтариб олди :

- Аммажон , мен ҳам ўғлимни роса соғингандим. Уни олиб кетаяпман. Иккаламиз бир шаҳар айланайлик .

Маҳина амма "Қаерга?!" деб сўрамади.

Ҳилола буларни нариги хонанинг қия очиқ деразасидан эшитиб , кузатиб турар экан Маҳина амманинг топқирлигига, Акромжоннинг одамийлигига тан берган эди.

Акромжон Сулаймонни олиб шу кетганча қош қорайганда бир машина ўйинчоқлар билан қайтиб келишди.

Акромжоннинг ўзи етимлик нонини еб , тузини тотиб катта бўлгани , буларнинг барини ўз танида ҳис қилиб улғайгани сабаб Сулаймоннинг кўнгли ўзиники каби кемтик бўлиб улғайишини истамас эди.

Бола бола- да...

Бир чимдим меҳр , бир оғиз ширин сўзнинг гадоси.

Ҳилола ва Акромжонларнинг тўйлари бўлиб ўтгунга қадар Сулаймон адажонисиз овқат егиси келмайдиган, ишдан кеч қолганда йўлларини тик этса эшикка қараб интизор кутадиган , худди ўша "Адажон" деб сийланган йигитни ўзининг ҳам ҳаётининг

@Xazon_Rezgi / 202 #КўНГИЛ_ИФОРИ

энг ширин бир бўлаги бўлиб улгурган эди...

Ҳилола шу тариқа анча вақт хаёл суриб ўтирди. Сўнг ўзини сал очиққан ҳис қилиб , ошхонага йўл олди. Ҳилола бу хонадоннинг паст - баландини озроқ бўлса-да олган эди. Акромжон Россияда ўқиётган вақтида Мирсаид ака Маҳина опа билан Ҳилолани усталардан хабар олиш баҳонасида бу ерга икки - уч бор олиб келганди. Шу сабаб ошхона қаердалигини Ҳилола тусмоллаб бехато топиб борди.

Ҳилола чироқлари чароғон ҳовлининг узун зинасидан юриб бориб ошхонага кирганда газ плитаси ёнида куймаланиб турган ўзи қатори дилбаргина жувонга кўзи тушиб жойида таққа тўхтаб қолди :

- Ҳамидааа !

Ҳамида Ҳилолани кўриб суюниб кетди :

- Вооой , ассалому алайкум, - деди у жилмайиб ва ҳаялламай келиб Ҳилола билан бегонасирамай қучоқлашиб кўришди

- Мен сизни бу ерда кўраман деб ... - Ҳилола сўзини давомини айта олмай ерга қаради.

Ҳамида унга изоҳ бера туриб кулимсиради:

- Қайнона-ойижоним "Тўй бўлган уйда ҳеч бўлмаса бир кеча она ўрнида она бўлиб қолмайсиз-ми?" деб ташлаб кетдилар . Аммо Хўжайин хўроз қичқирмай етиб келишлари аниқ.Ҳозир уйқум ўчиб кетди шунга қолган майда - чуйдаларни бироз саранжомлай деб шу ерда "ижод" қилаётгандим .

Ҳилола Ҳамида билан аввалдан анча таниш бўлгани учун очиқ чехрали бу аёлдан кўнглидагини яшириб ўтирмади

- Менинг эса сал қорним очгандек бўлиб , у бу нарса тамадди қилиб олиш илинжида чиққан эдим. Аслида менинг ҳам сизга ўхшаб уйқим ўчиб кетди. Ҳозир сизга қарашиб юбораман.

- Ўзи айтарли иш қолмаган экан.Барчасини ресторан ходимлари жой- жойига қўйиб кетишибди. Келинг сизга шерик бўлиб чой ичаман. Қаршимасмисиз ?

Ҳилола мамнун бош чайқади :

- Йўғей , нега қарши бўлай?! Жон дейман .

Икки аёл зумда дастурхон ҳозирлашди. Ҳамида озроқ суюқ овқат иситди:

- Олинг опагон. Барибир суюқ овқатга етмайди-да . Ичсангиз танангиз яйрайди.

Ҳилола унга миннатдорона боқди :

- Раҳмат, Ҳамидагон ... Очиғи ҳозир қуда холамдан жуда миннатдор бўлиб турибман. Сизни қайнона - ойижонингизни айтаяпман-да. Яхшиям сизни қолдириб кетибдилар . Қаранг сиз билан мазза қилиб суҳбатлашиб ўтирибмиз.

- Эээ , ойижонни ҳиссалари ўғилларидан чиққан. Мана кўрасиз. Боя айтдим- ку, каллаи сахардан болаларни баҳона қилиб чопиб келадилар.

- Хаа ,- жилмайди Ҳилола ,- шунақа керак экансиз- ки , бир зумга айрилишни истамас эканлар. Сиздек аёлларни бахти бекам аёл дейишади.

- Тўғри , опагон ... Керакли бўлиб яшашга нима етсин. Ўзим ҳам Хўжайин бир -икки кунга иш билан узоқроққа кетсалар , бир нарсамни йўқотиб қўйган кишидек гаранг бўлиб қоламан.

- Ҳамидагон... . Мен сизга бир нарса айтмоқчи эдим,- деди Ҳилола тараддудланиб ,- тўғрироғи кечирим сўрамоқчи эдим...

- Иии , тинчликми ?! Нега ?! - ҳайрон бўлди Ҳамида ,- сиз кечирим сўрашга лойиқ иш қиладиганлар тоифасидан эмассиз- ку ?! Мен сизни яхши биламан...

Ҳилола хўрсинди :

- Илтимос , мени кечира олсангиз кечиринг. Мен акангизга турмушга чиқишга ҳақли эмас эдим. Уларнинг тенгги эмаслигимни ўзим ҳам яхши биламан. Аммо ...

- Қизиқ ?! - Ҳилоланинг сўзларини бўлди Ҳамида , - акамнинг тенглари ким экан унда ?!

- Улар мендек турмуш кўрган аёл эмас , балки не- не қизларга муносибдирлар . Мен ... Мен...

- Сизга ким айтди бу гапларни?! Кимдир , нимадир дедими ?!

- Йўўқ , ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ , мен ўзим...

- Ҳаа энди тушундим,- енгил тортгандек гапирди Ҳамида , - сиз мендан ҳижолат бўляпсиз экан-да. Хуллас гап бундай.

Агар Аллоҳ сиз иккингишни бир- бирингизга тақдир қилмаганда никоҳингиз ҳеч қачон ўқилмаган бўлар эди.

Агар сиз иккинги истасангиз- у , аммо ҳарчанд уринсангиз ҳам турмуш қура олмасангиз , демак бу Аллоҳнинг иродаси эмас бўларди. Шундай экан , мен ёки бошқалар ким бўлибмиз- ки , Аллоҳнинг иродасига қарши чиқсак.

Шахсан мендан сўрасангиз акамга сиздек аёл жуфти- ҳалол бўлганидан мамнунман. Энди уларнинг тақдирлари ҳақида ортиқча ташвиш чекмайман. Сиз бу хонадонга ўзингиз билан бир олам хотиржамлик олиб келдингиз.

@Xazon_Rezgi /203 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Опажон... Энди сизни келинойи десам ҳам бўлар а ?

Ҳилола беихтиёр "Ҳаа" дегандек бош силкиди .

- Келинойи... Яхши хабарингиз бор. Қайнонангиз Мастура аям менга ҳам ўз онамдек азиз бўлганлар. Улар ўзлари бош- қош бўлиб мени узатгандилар. Аям оламдан ўтганларида иккинчи қизимни дунёга келтирган эдим. Шу сабаб мендан уларнинг вафотларини беркитишган. Кейинчалик эшитганимда қанчалик йиғлаганимни биласизми ?!

Ўшанда Акромжон акам "Ҳамида , кўп куюнма. Аямга Ҳилола қизлари ҳеч нарсага зориқтирмай, бекам- у кўст қарабди , умриларининг охиригача уларни дуо қилиб ўтибдилар" дегандилар. Мен сизни ўша вақтдан буён жуда яхши кўриб қолганман.

Кейин эса қолган воқеалар бўлиб ўтди. Мен йиллар ўтган сари сизнинг матонатингизга, шижоатингизга қойил қолиб , тан бериб келдим.

Сиз мен учун ёш бўлсангиз- да , ҳазрати аёл тимсолисиз .

Яширмайман ...

Акам сизга уйланмоқчи эканликларини ҳали ўзингизга айтмасдан туриб аввал менга айтгандилар...

"Ҳамида , мен шу аёлга турмуш қуриш таклифини бермоқчиман, шунга фикринг қанақа ?!" деб сўраганларида дастлаб нима дейишни билмаганман. Аммо яхшилаб

Ўйлаб кўриб "Сиздек топилмас аёл акамнинг ҳаётида яна қайтиб учраши даргумон" деган қарорга келдим.

Сиз қайта турмушга чиққанингиз учун ўзингизни айбдор санаманг. Бу нарса юқорида айтганимдек энг аввало Аллоҳнинг иродаси. Қолаверса кичик Сулаймон ҳам оталик бўлиб ўсишга ҳаққи бор.

Отасиз ўсиш нималигини мен ва акамдан сўранг...

Бу билмайдиган яра ...

Инсон учун бу дунёда ўрнини ҳеч ким ёки ҳеч нарса боса олмайдиган , алишиб ёки алиштириб бўлмас қадриятлар бор. Шулардан бири отага фарзанд бўлиш бахти ... Буни бошига тушган тушунади.

Келинойи ...

Бу вазиятда ҳаммадан ҳам сизга оғирлигини биламан.

Сиз ўзингизни Сулаймон акамнинг хотирасига ҳиёнат қилишда айблашдан тия олмаслигингизни , гуноҳкорлик ҳисси ҳар бир томирингизни чангакдек юлқиб , мислсиз азоб бераётганини бир аёл сифатида жуда яхши тушунаман.

Бир тарафда эса одамларнинг гап - сўзлари.

Аммо ўзингиз бир мушоҳада қилиб кўринг-чи ?!

Раҳматли Сулаймон акам сизни шундай абгор , тилка ва тилим , тўкилиб адо бўлиб аста - секин шамдек эриб, сўниб боришингизга рози бўлган бўлармидилар ?!

Мендан сўнг "Ер билан битта бўлиб тупроқдек ҳокисор яшагин , ҳоҳлаган инсон сени истаганча тепкиласин, шундан баҳра олсин, сенинг барча ҳуқуқларинг, аёллик бахтинг мен билан қабрга кириб поймол бўлиб бўлган, умид , орзу , иқбол деган нарсаларнинг кўчасидан етти кўча нари юр , фақат инсонларга вафо тимсоли бўлиб кўринишдан чарчамасанг бўлгани , қолгани бир тийин" дермидилар ?

Мен...

Сулаймон акам сизни жуда қаттиқ суйганларини эшитганман, келинойи. Қаттиқ суйган инсон севиклиси учун барча нарсага тайёр бўлади. Ҳатто суйганини ўзлиги, жонидан ҳам устун қўяди. Тўғрими ? Сулаймон акамнинг эса жонилари сиз бўлгансиз. Улар қабрларида тинч ётишлари учун ҳам сиз бу дунёда бахтли бўлишингиз шарт.

Сиз Сулаймон акам учун ҳам дунё неъматларидан баҳра олиб яшашда давом этишингиз шарт.

Токи нафас олар экансиз яшаш учун ҳеч қачон кеч эмас ...

Сиз "Ҳамида заб ақлли аёл экан-ми?!" деб қойил қолаётгандирсиз а ?

Мен ҳозир гапирган гаплар менинг эмас , Акромжон акамнинг сўзлари эди аслида ...

Ана шунақа ...- Ҳамида шунча гапни эшитиб лол бўлиб қолган Ҳилоланинг қўлларидан тутди , -
эээ келинойи, гапирсам гап бирам кўп . Тонг отгунча ҳам тугамайди.

Энди бироз чўзилайлик. Ҳадемай тонг отади ...

* * *

Ҳилола бир- бир босиб ғира- шира хонага кирганда Ақромжон Сулаймонни бағрига босиб осуда ухлаб ётганининг устидан чиқди.

Сулаймон ҳам Ақромжоннинг бўйнидан маҳкам қучиб олганди.

Ҳилола уларнинг ҳар иккисига тикилди :

- Болам , сен учун қанчалик ҳурсандман,- кўнглидан ўтказди у ўғлига қараб , сўнгра Ақромжонга юзланди ва хаёлан деди,- сиздан қарзимни уза олармиканман... □□□□
аввалги қисмлар

#КўНГИЛ_ИФОРИ

69 - ҚИСМ

Ҳамида билиб айтган экан.

Ахир шунча йиллик турмуш ўртоғининг феълини у билмаса ким билсин ?!

Ҳилола янги хонадонида қуёш чиқмай уйғонганди. У нонуштага чой қўйиш учун ошхонага кирганида стол устига бир варақ қоғозга

"Ассалому алайкум , ака, келинойи. Биз кетдик. Куёвингиз келиб олиб кетяптилар. "Чиройли қилиб кузатиб қўймадик- а?!" деб кўнглингиз ҳижил бўлмасин. Ўзимни хафа қилмай тугунимни ойижонимни ёнларида уялиб қолмайдиган қилиб тугиб олдим. Бу тарафидан хотиржам бўлишингиз мумкин. Кўрганда кўришгунча ...

Ҳамида

("Хафа бўлиш йўқ" кўрсатуви учун махсус)"

дея ёзиб, устига бокал бостириб қўйилган хатни олиб ўқир экан , кайфияти жуда кўтарилиб кетди.

- Жилмайиш сизга жуда ярашади ...

Ҳилола ўгирилиб остонада ўзига тикилиб қолган Ақромжонга кўрди .

- Ассалому алайкум ... Ҳамидахон мени эрта тонгдан кайфиятимни кўтариб юбордилар, - қизариб уялганча бошини эгди Ҳилола , - буни қаранг нималарни ёзибдилар.

Ақромжон Ҳилола узатган қоғозни олиб ўқиди ва ўзи ҳам кулимсиради :

- Ҳа Ҳамида ўзи шунақа гапга "чечон". У тобора қайнонасига ўхшаб кетаяпти. Қуда ҳолам шунақа одам тафтини оладиган ажойиб инсонлар. Ишонсангиз инсоннинг айбини ҳам шунақа чиройли қилиб тушунтириб қўядилар- ки , танбеҳ эшитганнинг ўзиям у кишига минг марта раҳмат айтади.

- Ҳааа кўриниб турибди , - деди Ҳилола , - мен нонушта ҳозирлашга киргандим . Ҳозир ўн дақиқада тайёр бўлади.

- Сулаймон ҳали уйғонмади. Нима қилай уйғотиб чиқайми ? - сўради Ақромжон, - аммо роса ширин ухляпти , турғизишга ҳечам кўз қиймайди- да.

- Бугун якшанба , боғча йўқ. Майли ухлайқолсин , - деди Ҳилола чаққонлик билан ҳаракат қилар экан.

- Яхши , - деди Ақромжон қониқиб ва Ҳилолага савол назари билан қаради , - мен сизга қарашворайми ?! Нима қилай ?

- Деярли бўлдим. Ҳозирча сизга иш йўқ. Кечаги йиғиндан бир дунё егуликлар қолибди. Ҳозир чой дамласам бўлди. Сиз ўтириб туринг.

Ақромжон безатоғлиқ дастурхонга ўтирди.

Ҳилола унга чой қуйиб узатаркан деди :

- Марҳамат олинг.

- Раҳмат , - деди Ақромжон , - ўзингизга ҳам қуйинг.

- Хўп...

Ҳилола аста чой хўпларкан, Ақромжонга сўз қотди :

- Сиздан битта нарсани илтимос қилмоқчи эдим, - деди қимтиниб.

- Эшитаман...

- Бир- биримизга ким деб мурожаат қилишга ҳам қийналаяпмиз- а ? Мени бемалол сенсираб Ҳилола деб чақирсангиз бўлади. Кишилар кўзига ҳам шу қулайроқ. Энди сизлаб мурожаат қилишингиз шарт эмас ...

- Яхши ... Аммо бирдан сенсираш ҳам ноқулай бўлса керак ... Дарровда кўникишим қийин-да ...

- Мен ҳам сизга аввалгидек мурожаат қила олмайман. Шунга ...

- Ақромжон ака деяверинг... Малол келмаса албатта ...

- Йўғеей нега малол келар экан ?! Майли сиз айтганча чақира қоламан...- Ҳилола Ақромжонга рози бўлиб бош силкиди , - мана бу пишириқ жуда зўр экан. Татиб кўринг- чи ?

Айтгандек , сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим ...

- Сўранг ... Эээ....сўрайқол , - Акромжон шундай деб кулиб юборди , - бирданига сенсирай ноқулай туюлди , узр...Ғалати бўларкан.

- Ҳеч қиси йўқ . Ҳадемай ўрганиб кетасиз.

- Ҳаа - я , нима деяпгандинг ?!

- Биласизми ?! Музлатгичда ҳам , нариги хонада ҳам кечаги йиғиндан анча егулик, мева- чева , салат, овқатлар ортиб қолибди. Сиз , мен ва Сулаймонга бу таомлар жуда кўплик қилади. Бекорга увол бўлиб ачиб қолади. Шунга хўп десангиз мен егуликларни пакетларга жойласам , сиз эса ...

- Яхши, жуда тўғри ўйлабсан. Уларни жойлашга ўзим ҳам қарашиб юбораман. Кейин уларни махалла бошидаги таъмирлаш ишлари кетаётган мактаб усталарига олиб бориб берсам бўлармикан ?!

@Xazon_Rezgi / 205 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Зўр фикр- ку бу... Яна Ҳамидахонникига ҳам элтсангиз яхши бўларди. Ўзим олдим дебдилар- у , аммо ака бўлиб сизни олиб борганингиз бошқача- да ...

- Яхши ... Сен ҳам борасанми ?! Ҳамидани уйини кўриб келардинг ?!

- Мен бугундан кўчага чиқсам уят бўлар ... Хўп десангиз Сулаймонни сиз билан бирга борсин . Аммасининг болаларини анчадан буён кўрмаган.

- Нега хўп демас эканман ?! Ўғлим албатта мен билан кетади.

- Ишга киришдикми бўлмаса ?!

Ҳилола бурда нонларни саралар экан , кўзи ишда бўла туриб Акромжонга савол берди:

- Акромжон акааа ?!

Акромжон "ялт" этиб Ҳилолага қаради. У ўз исмини илк бор Ҳилоланинг оғзидан эшитгани учун кўнгли бошқача бўлиб кетганди. :

- Лаббай...

Ҳилола нигоҳи бошқа тарафда бўлгани учун ундаги ўзгаришни фаҳмламади :

- Сиз қандай таомларни ёқтирасиз ? ! Сўраганимни сабаби билиб олай дегандим- да. Бундан бу ёғига шунга қараб овқат пиширардим .

Акромжон паст овозда тўлқинланиб гапира кетди :

- Мен одатда таом танламайман. Мазали , ширин бўлса бўлгани. Тўғри баъзи - баъзи вақтларда одамни кўнгли ниманидир тусаб қолади.

Шу чоққача ёлғиз яшадим. Гоҳида кўриб турганингдек Ҳамида келиб мен яхши кўрадиган , кўнглим суст кетадиган аммо ўзим ўхшатиб тайёрлаб ололмайдиган хамир овқатларни пишириб берарди. Бу таомларни уйда пиширилгани барибир бошқача-да. Биласанми , онамлар жуда пазанда аёл бўлганлар. Шу даражада моҳир пазанда эдилар- ки , хатто гўшт солмай пиширган таомлари кўпчилик аёлларнинг гўштни кўп солиб тайёрлаган овқатларидан ширин бўларди. Ўша таомларни мазаси ҳамон ёдимда.

Кейин Мастура аямлар ҳам жуда ширин таом пиширар эдилар. Бундан айтмасам ҳам яхши хабардорсан.

Улар Акромжон ўғлимга деб атайлаб мен яхши кўрган манти , хоним , сомсаларни пишириб каминани кутиб ўтирардилар. Биласан- ку , Отам овқатга жуда талабчанлар. Бахтларига аям уларга ўзлари истагандан ҳам зиёда ширин таом тайёрлаб берардилар.

Ундан кейин...

Мастура аям жудаям сезгир аёл эдилар а ? Менга билинтирмай гап ташлаб туриб кўнглим нимани истаётганини дарров билиб олардилар ва бир зумда ўша таомни муҳайё қилардилар.

Мен сениям улардан қолишмайдиган пазанда эканлигини биламан. Ишонсанг шу чоққача сизларникига борганимда дастурхон устига қўйилган биронта таомдан камчилик топа олмаганман.

Мен ўзим севиб кўп такрорлайдиган бир ҳадис бор . Маъно- мазмуни тахминан шундай эди: "Қайси-ки эркакга солиҳа аёл жуфт қилиб тақдир қилинган бўлса , унга ярим давлати ато этилибди. Қолган ярмини эса ўзи ишлаб топсин".

Бу гапларни нима учун айтаяпман?

Солиҳа аёл деганда жуда кўп ҳислатни ўзида жамлаган зукко аёл тушунилади. Фикримча у фаҳм- фаросатли , илмли , тадбиркор бўлиш билан бир қаторда пазанда ҳам бўлади. Аёли пазанда бўлган эркак эса ҳаётдан завқ олиб яшаши шубҳасиз, чунки ўша эркак аёли айнан ўзи учун маълум бир соатларни ошхонада куймаланиб ўтказишини яхши билади. Бундан кўнгли тўлиши табиий албатта.

Айтишади- ку "Кўчадан уйига шошилса эркак, уйда фаришта яшайди демак" деб .

- Акромжон ака , сизни бунчалик гапга устасиз деб ўйламагандим, рости ,- деди Ҳилола таажжубини яшира олмай, - очиги қойил қолдим. Сиздан жуда яхши суҳбатдош чиқар экан. Битта саволга шунчалик кенг маъноли жавоб бердингиз- ки , ўзимда "Шууунча талабни бажара олармиканман ?" деган шубҳа уйғонди ва битта яҳлит хулосага келдим . Сизга ўйлаб савол бериш керак экан.

Акромжон хандон отиб кулиб юборди :

- Йўғеей нимага унақа дейсиз ? Овқат танламайман дедим- ку ?! .

- Яхшиям танламаганингиз ?! Танласангиз нима қилардим ?!

- Ойижон , қорним очди ...

Ҳилола кўзларини ишқалаб ошхонага кириб келган Сулаймонни жилмайиб қарши олди :

- Аввал юз - қўлингни ювиб олайлик , кейин чой ичиб оласан.

- Чанқамадим , қорним очди ...

Ҳилола Сулаймонни қўлидан етаклади :

- Хўп, болам , хўп...

Сулаймон юз- қўлини ювиб келгач Ақромжонга салом берди :

- Ассалому алайкум , Адажон. Яхши тушлар кўрдингизми ?!

@Xazon_Rezgi. /206 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ақромжон Сулаймонга қучоғини очди :

- Ваалейкум ассалом , мени полвон ўғлим. Мен- чи, зўўўр тушлар кўрдим. Тушимда иккаламиз машинада кўп жойларга борибмиз ?!

Сулаймоннинг кўзларида ҳайрат мавжланди :

- Йўғеёй , Диснейлендгаём бордикми ?!

- У ергамас , Ҳамида аммангникига борибмиз . Сен уни ўғли Камрон билан ўйнаган эдинг-ку ? Эсингдами ?

Сулаймоннинг юзи ёришди :

- Адажон , Камрон "Битта қўзичоғимни сенга бераман деганди"

- Зўр- ку?! Демак , қайси қўзичоқни олишни ҳам танлаб келамиз.

- Бугун олиб келмаймизми ? !

- Аввал қўзичоқ туриши учун қўйхона қуриб олайлик. Ҳозир кўча совуқ . Унга алоҳида уйча қуриб бермасак, совуқ қотиб қолади.

- Адажон, ўша қўзичоқ ойисининг ёнида қолақолсин. Уларни бир- биридан ажратсак онасини соғиниб йиғлаб маърайди. Мен борганимда қараб келаверарман.

- Унда кун исиганда ўзингга бозордан она- болали қўй олиб бераман.

Сулаймон жилмайди:

- Раҳмат, Адажон.

- Қорнингни тўйдириб ол. Унгача мен машинани қиздириб , манави нарсаларни жойлаб тураман.

- Ойижон , сиз ҳам биз билан борасизми ?!

- Мен кейинги сафар бораман. Бугун шу ерда қолиб сизларни кутиб ўтираман...

- Ҳаа , эртага дарсларингиз кўпми ?!

Ҳилола Сулаймоннинг бурнидан эркалаб чимчилаб қўйди :

- Шунақа , тойчоғим...

Акромжон билан Сулаймон шу чиқиб кетишганча кун пешиндан оққанда қайтишди. Улар Ҳилоланинг "Овқат иситайми?" деган саволига бараварига "Қорнимиз тўқ" деб жавоб беришди.

- Ҳамида ва қудахолам салом деб юборишди. Сени олиб бормаганимга мени озроқ уришишди ҳам. "Дарсига тайёрланиши керак экан" деб зўрға қутилдим . Сенга қаймоқ ва қурт бериб юборишди,- деди Акромжон қўлидагиларни Ҳилолага узатар экан, - Янгийўлнинг сут - қатиғи роса мазали-да ...

- Саломат бўлишсин,- деди Ҳилола унинг қўлидагиларни олар экан, - келаси сафар албатта сизлар билан бораман.

Ҳилола улар келгунча Акромжон ва ўғлининг кийимларини саралаган , дазмол босган , шу тариқа майда - чуйда ишлар билан ўзини чалғитган эди.

- Овқат қилай десам , музлатгичда ҳали овқат бор. Уйда ҳам бугунча қилинадиган ишлар йўқ экан,- деди Ҳилола Акромжонга ҳисобот берган бўлиб.

- Келинг... Э кел унда телевизор кўрамиз. Бугун бир кино кўрайлик. Айтганча, яхшиси Сулаймон билан мультфильм кўрамиз. Мен анча мультфильмларни " Ўғлим билан кўраман" деб интернетдан ёзиб олганман. Юринглар- чи , шу баҳонада бир бошдан танлаб кўрамиз,- Акромжон уларни меҳмонхонага бошлади , - тўғриси ўзим ҳам қачон телевизор кўрганимни эслолмайман.

Кўриш учун "Музлик даври" мультфилмини танлашди.

Бироқ , мультфильм бошланганига кўп ўтмай Сулаймон ухлаб қолди.

Акромжон уни диванга аста тўғрилаб ётқизиб қўйди :

- Тойчоқни йўл чарчатиб қўйди. Аммо тоза мазза қилди ўзиям, - у шундай деб Ҳилолага кулимсиради,- мультфильм "отмен". Сулаймон уйғонса бошидан кўрамиз...

- Акромжон ака, сизга бир гап айтмоқчи эдим,- Ҳилола унга ялинч ифодада термулди... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Эшитаман.

Ҳилола чуқур тин олди.

- Биласизми, додажон билан аммажон бугун бизсиз , айниқса Сулаймонсиз ҳувиллаб кун ўтқишишган бўлса керак. Хўп десангиз , эртага тонгдан у ерга сюрприз қилиб борардик ва нонуштани улар билан бирга қилардик. Сиз у ердан ишга кетаверардингиз . Сулаймонни эса боғчага додажон ташлаб келардилар. Мен эса тушликкага у ердаги йиғар - терарни қилиб , кейин ишга ўтардим. Кейин кечга уйга қайтаверадик. Шунга нима дейсиз?

Ақромжон бир муддат жим бўлиб қолди. Сўнг аста тилга кирди :

- Яхши фикр. Амма , айниқса Отам жуда ҳурсанд бўладилар.

Нонуштага уйдан у бу нарса олиб оламиз, бўладими ?!

- Хўп бўлади. Йўқ демаганингиз учун сизга катта раҳмат,- зумда Ҳилоланинг оппоқ юзларига қизиллик югурди .

- Ҳилола, Сулаймон уйғонгунча бирорта бадиий фильм кўрамизми ?!

- Ақромжон ака, аср намози вақти бўлиб қолди. Аввал намоз ўқиб олайлик . Майлими ?

Ақромжоннинг кўзларида ҳайрат акс этди :

- Сен намоз ўқийсанми ? Ўйловдим- ки...

Ҳилола Ақромжоннинг саволидан ҳайрон бўлди:

- Вой , нимага намоз ўқимас эканман, Ақромжон ака ?! Бунинг нима ҳайрон қоларли жойи бор, тушунмадим ? Ахир менга жаннатга кириш кафолати берилмаган- ку ?! Қолаверса тириклик чоғидаёқ "Жаннат муждаси берилган" ўн нафар саҳобаи - киромлар ҳам намозга энг полвон инсонлар бўлишган.

- Мен шунчаки сени намоз ўқиганингизни кўрмаган эканман- да , шунга сўрагандим,- деди Ақромжоннинг лавлагиси чиқиб ,- кейин тасаввуримда замонавий, ўқимишли аёл гўёкии...

Ҳилола Ақромжонни ортиқ уялтиргиси келмади :

- Қизиқсиз а ? Мени намоз ўқиганимни қаердан ҳам кўрардингиз ? Бизникига борганизда ёнингиздан ўтишга ҳам уялардим- ку. Намозни эса кўпинча ичкарида аммажон билан ўқирдик. Баъзан эса ўз хонамда. Ундан кейин ўқимишли аёл ... ҳам Аллоҳнинг бандаси...

Мен "уларни" йўқотганимдан кейин таскин- тасаллини айнан Аллоҳнинг зикридан излардим. Энг афзал даъво ҳам шу-ку аслида...

Ҳилола шундай деб Ақромжонга юзланди :

- Юринг , намоз вақти ўтиб кетмасин ...

Ақромжон таҳоратини янгилаб келганда Ҳилола қўшни хонага иккита жойнамоз тўшаб қўйган экан.

- Сиз юқорига ўтинг. Мен ортингиздан жой оламан.

Ақромжоннинг юзларидан олов чиқиб кетди. Умрида биринчи марта бутунлай ўзгача туйғу билан намозини адо этди. У илк бор ўзини оила бошлиғи деб ҳис қилди.

Бу ҳис бошқача ёқимли экан...

* * *

- Бугун ойижонинг билан ухлайсанми ? Ёки мен билан ?! - ётарда сўради Сулаймондан Ақромжон...

- Ойижон , бугун ҳам адажоним билан ухласам хафа бўлиб қолмайсиз-ми ? Кеча янги эртақ айтиб бераман дегандилар ...

Ҳилола ўғлини кўнглига қарашни маъқул кўрди :

- Яхши , аввал сени чўмилтириб чиқай , кейин улар билан бирга ухлайверасан...

Ҳилола болалар хонасидан Сулаймоннинг кийим ва сочиқларини тахт қилиб олиб чиққанида ювиниш хонаси эшиги ёнида Ақромжонга дуч келди.

Ақромжон Ҳилоланинг қўлидагиларга ишора қилди :

- Менга берақол. Ўғлимни ўзим чўмилтираман. Албатта қаршилигинг бўлмаса ...

Ҳилола "қаршилигим йўқ" деган маънода бош чайқади.

Ҳилола ошхонадаги идишларни ювиб - тозалаб қайтганда Ақромжон Сулаймонни худди кечаги каби эркалаганча бағрига босиб эртақ айтиб ётарди.

Ҳилола кўнгли тинчиб ортига қайтди. У меҳмонхонадаги кечаги жойига ўрин тўшаб чўзилди.

Ҳилола бошини ёстиққа қўйган, кўп ўтмай ўз ихтиёрини уйқуга топширди. Қоп-қора , қуюқ серкиприк шахло кўзлар ором аталмиш тун маликасига асир тушди.

У анча вақтдан буён бу қадар осойишта ва мириқиб ухламаган эди.

@Xazon_Rezgi /208 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

* * *

Тонг сахардан кун салқин бўлишига қарамай Мирсаид ака ҳовлида эди. У дарвозанинг шақиллаб очилишидан ҳайрон бўлиб , ўша тарафга қаради-ю, юрагидан қуёш чиқиб кетгандек бўлди.

- Қизииним ... - деди у набираси Сулаймонни етаклаб олган Ҳилолага кўзи тушгач.

- Додажоон , - кичик Сулаймон онасининг қўлини қўйиб юбориб, талпинганча Мирсаид ака тарафга чопди.

Мирсаид ака энгашиб Сулаймонга қучоғини очди.

- Ассалому алайкум , додажон, яхши ухлаб турдингизми ?! Мен сизни жудаям соғиниб кетдим. Кейин адажоним сизни кўришга олиб келдилар.

- Вой ўзимнинг асал болам . Мен ҳам сени соғиндим. Адажонингни ўзи қани ?

- Ассалому алайкум, додажон, - Ҳилола сал нарида туриб ийманиб салом берганча кўча тарафга ишора қилиб , - улар ҳам келяптилар.

Шу вақт қўлида чиройли тўқилган саватчада егуликлар кўтариб олган Ақромжон кўринди.

- Додажон , адажоним-чи менга онаси билан боласи қўй олиб берарканлар. Баҳорда. Иииивв ,- Мирсаид акадан дарров суюнчи олди Сулаймон, - ундан кейин-чи ...

- Ўғлим, додажонингни беллари оғриб қолади ерга туш ,- деди Ҳилола , - қолган гапларингни уйга кирганда гапириб берасан.

- Хўп бўлади , Ойижон... Аммабувимга ҳам гапириб берсам майлими ?! - Сулаймон ойисидан руҳсат теккач, "Аммабувижоон , биз келдиик " деб баланд овозда эълон қилганча уйга чопди.

- Ассалому алайкум , ота ,- деб салом берди уларнинг ёнига етиб келган Ақромжон, Мирсаид ака билан кўришиб,- саломатмисиз ?!

- Ваалейкум ассалом , болам. Мен жуда яхшиман. Қаранглар сизлар келиб уйимиз ҳам файзга тўлди. Қани уйга ...

Нонуштадан кейин Ақромжон ишга отланди.

- Адажон , ишга кетяпсизми ? - сўради Сулаймон лабини чуччайтириб ,- майлими боғчамга додажоним билан бирга борсам ?!

- Агар додажонинг хўп десалар майли , полвон ,- деди Ақромжон унга кўзини қисиб

Сулаймон Мирсаид акага юзланди :

- Додажоон ...

- Сени ўзим олиб бораман- да боғчангга,- Мирсаид ака кичкинтойни кўнглини тинчитиб Ақромжонга қаради ,- ўғлим тушликка келасанми ?!

- Узр, Отажон . Бугун ишларим бироз кўпроқ эди. Бир йўла кечки овқатга келаман.

- Ҳа майли , - саволига жавоб олиб хотиржам тортди Мирсаид ака,- унда кечга ўз қўлларим билан бир ош дамлайман.

- Яхши ўтиринглар ,- Ақромжон Мирсаид ака фотиҳа ўқигач, кўча эшикка йўл олди.

- Яхши бориб кел, ўғлим,- Маҳина амма шундай деб Ҳилолага имлади . Ҳилола

ўрнидан сўзсиз туриб Ақромжонни кузатиб қайтди.

- Мени марказга тушда бораман. Унгача бироз у ёқ , бу ёққа қараб олай,- деди Ҳилола ва жилмайганча ошхонага йўл олди.

- Аллоҳга шукр. Ҳилоланинг кайфияти яхши, ранг-вошиям анча тиниқиб қолибди, - деди Маҳина амма унинг ортидан қараганча укасига, - илойим болаларимиз бахтларида қаришсин.

- Додажон , адажонимлар роса кўп эртақ билар эканлар. Менга ҳар куни кечқурун айтиб бераяптилар. Мазза ,- суюнчи олди Сулаймон. Ўтган куни "Человек- паук" ни , кеча "Қовоқвой"ни айтиб бердилар .

- Болам , бир ўзинг хонангда ухлашга қўрқмаяпсанми ?- меҳр билан Маҳина амма

- Нега қўрқаман , аммабувижон ? Адажоним билан иккаламиз катта диванли хонада ухляпмиз- ку. Адажоним ёнимда бўлсалар ҳеч нарсадан қўрқмайман.

Маҳина амма укасига тагдор назар ташлади :

- Ойижонинг-чи , у қаерда ухляпти ?!

- Ойижоним телевизорли уйда ухляпдилар.

- Ҳммм , шундоқ дегин ...- Маҳина амма укасига нимадир демоқчи бўлди-ю , аммо фикридан қайтди, бунинг ўрнига Сулаймонга қаради ,- чойингни охиригача ичиб олақол болам... Кейин боғчасига кетади - а, мени асалим...

- Хўп , аммабувижон ...

@Xazon_Rezgi /209 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

* * *

Ҳилола ўқув марказига келганда биринчи бўлиб Дилнозага учрашди :

- Ассалому алайкум, опажон. Мен келдим.

Дилнозанинг уни айланиб- ўргилиб кутиб олди :

- Воой, бунча яхши ?! Сизни ҳали бери ишга чиқмасиз деб дарс жадвалига ўзгартириш киритмоқчи бўлиб тургандим. Айни вақтида келдингиз- да .

- Тўғриси айтсам уйда зерикдим. Кейин программадан қолиб кетсам уни етказишга ўзим қийналаман. Шунга машғулотларга келақолдим.

- Қаранг- да !

Сизга руҳсат берган куёв болага беш баҳо !

Кўпчилик янги куёвлар "Ҳеч бўлмаса бир хафта уйда ўтир!" дерди.

- Уларнинг ўзлари мендан ҳам аввал ишларига чопдилар , - кулимсиради Ҳилола ...

- Шуниси яхши. Эркак киши уйдан эрталаб чиқиб кетиб, кеч бўлганда қайтишига нима етсин .

Икки дугона дарс бошлангунча анча диллашишди.

- Бунёдбек ака Германияга ўқишга кетадиган бўлибдилар . Улар таълим соҳасида янги - инновацион технологияларни яратиш бўйича халқаро танловда қатнашиб ғолибликни қўлга киритибдилар. Энди олти ой ўша ерда малака оширар эмишлар.

- Ҳааа , улар учун ҳурсанд бўлдим , - деди Ҳилола , - Бунёдбек ака ҳақиқатда яхши инсонлар . Аммо мен уларнинг олдларида ҳижолатли бўлиб қолдим ...

- Эээ ҳали бу ҳаммаси эмас, - Ҳилолани суюнтришда давом этди Дилноза, - Бунёдбек аканинг ҳаёти изга тушадиган кўринади. Улар ўзларига ўхшаш илми қадрлайдиган бир олима қиз билан унаштирилибдилар . Энди тўйни тезлаштириш пайида эмишлар. Германияга бирга кетишмоқчи экан.

- Ана шу хабар мени кўпроқ ҳурсанд қилди. Ишонинг... - Ҳилоланинг кайфияти жуда кўтарилгани табассум инган кўзларидан билиниб турар эди...

#орадан_икки_ой_ўтди

- Опа , сизда гапим бор эди, - деди Мирсаид ака бир куни ёлғиз қолишганда Маҳина аммага , - шу десангиз ..

Шу Ақромжон билан Ҳилола ...

Маҳина амма ўтирган жойида йиғиштирилиб олди :

- Нима демоқчи эканлигингни англолмадим , ука ... Тушунтириброқ гапиргин- да бундоқ ...

- Опа, бу иккиси набирам билан ҳар куни бизнинг уйда .

- Хўўўш... Ахир бу айнан кўнглингдагидек иш эмасми ?!

- Шундоқликка шундоқку-я , бироқ мен бир нарсани фаҳмладим- да. Ўйлашимча булар , яъни Ҳилола билан Ақромжон эр - хотин эмас ... Шунчаки келишиб олиб киши кўзига роль ўйнаб юришибдим дейман.

Гарчи ҳужжатда ҳам , домла ўқиган никоҳ орқали ҳам тан- маҳрам бўлишган бўлсалар- да, менимча улар жуфт эмас , балки яхшигина дўст бўлиб олишган. Ўзларича "Ҳеч ким шубҳа қилмайди" деб яримта кўнгилларини тўлдириб юришибди шекилли халос.

Маҳина амма ҳазин кулимсиради:

- Мен буни сезганимга анча бўлган. Ҳақиқий эр- хотин бир- бирига бунақа муомалада бўлмайди-да . Бир - бирларини жуфт деб қабул қилганларида нигоҳлари бошқача боққан бўларди . Аммо уларнинг бу таҳлит йўл тутишганини сезиб, рости ҳар иккисига

бўлган ҳурматим янада ошди...

Нега дейсанми ?!

Инсонийлик ҳали яшаётган экан... Ҳали ҳам бир ожизанинг қадр- қиммати , шаъни учун ўзини қалқон қиладиган эркаклар бор экан.

Мана исботи ...

Мени биласан-а ... Кунда ,кун ора ортиқча гап чайнаб ўтирадиганлардан кўра Акромжонга ўхшаган шарт кесадиған марди - майдонларни ҳурмат қиламан. Эркак кишининг қандайлиги ана шундай масалаларда билинади. Аёллардан фарқиям шу . Хуллас эркак "эр как ?!" бўлиши керак, эртакмас !

Яна ўзимизга тегишли масалага қайтсак.

Акромжон ўз ҳаётини Ҳилоланинг шаъни учун фидо қилибди . Бу масаланинг бир тарафи . Асосий тарафи нима-да , айтай-ми ? Акромжон буларни барини сени деб қилган.

- Мени деб ? !

- Бўлмасам-чи , нима деб ўйловдинг , ука?! Ахир Ҳилоланинг шаъни , Сулаймоннинг келажаги , қолаверса одамларнинг гап- сўзини ўйлаб хазилакам қийналмадингми ?!

Биласанми , бу дунёда ҳеч бир амал жавобсиз қолмайди. Яхшилик ҳам , ёмонлик ҳам...

Акромжон бир вақтлар бошини силаганинг ҳаққини Ҳилолага уйланиш орқали тўла-тўқис адо этди.

Эндиги юриш сендан... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

72-ҚИСМ

- Опа, ниманидир ўйлаган кўринасиз- а ? - опасининг оғзига умидвор тикилди Мирсаид ака

- Бу бир таклиф . Аммо режасини пишиб етилтириш лозим , - деди Маҳина амма ўйчанлик билан

- Қани айтаверинг-чи , опа . Икковимизда бафуржа маслаҳатлашиб олиш учун вақт етарли- ку ...

Маҳина амма жиддий тарзда гап бошлади:

- Ҳозир Ҳилола билан Акромжоннинг Ўрикзордаги уйлари гўёки меҳмонхона. Тонг сахардан тунгача бизникида бўлишиб , уйларига ярим кечада тунагани боришаяпти халос.

Бу кетишда у ерга қандай меҳр қўйишади ?! Қолаверса сен билан мени ҳар куни кўриб туриб ...

Мирсаид ... Ука ...

Бу хонадон ...

Сен ва мен...

Буларнинг барчаси икки ёшнинг янги турмуш ҳақидаги хаёлларига ҳалақит берувчи аввалги ҳаётларининг хотирасидир. Улар сен ва мени , бу хонадонни кўриб ўтмишнинг устидан шундоққина ҳатлаб ўтиб кетадиган даражада бемеҳр эмаслар. Хуллас гапни кўпайтириб юрагингни пиширмай.

Биз маълум вақтгача фарзандларимиз билан алоқани узиб туришимиз керак.

- Аммо бу ишни қандай уддалаймиз , опа...Уларга бизни кига келманглар деб қанақасига айтамыз ?! Йўўқ , бу иш менинг қўлимдан келмайди. Қолаверса Акромжон ҳам , Ҳилола ҳам бу гапга кўнишмайди. Сулаймонни-ку икки кун кўрмасам, ўзим чидай олмайман.

Маҳина опа укасига қараб меҳр билан кулимсиради:

- Масаланинг маслаҳатлашадиган жойи ҳам шу ерида, ука. Аммо айтиб қўяй, ёшлар чинакам бахтли бўлиши учун набирангни бироз кўрмай туришга чидашинг керак.

- Опа , сизда режа тайёр деб ўйляпман... - Мирсаид ака опасига тагдор қаради.

- Деярли тайёр. Бу дегани режанинг ўзимга тегишли бандини ўйлаб пишириб бўлдим дегани. Хўп. Шундай қилиб мен кўч-кўронимни йиғиштириб ўз уйимга кетаман. Шу йўл орқали уларнинг ҳаётдан бироз муддатга чиқаман. Ким билсин, балки ёшлар ҳақиқий эр-у хотиндек яшаб кетсалар қайтишимга ҳожат ҳам қолмас. Ўша вақтда улар билан сени бағрингда бир оила бўлиб умргузаронлик қилаверарсизлар...

Бу энди ҳов ўша вақтда бўладиган гаплар ...

Ҳозир эса ...

Сени ҳам олиб кетардим- у , аммо бу иш бермайди ... Фаҳмлаб турганингдек, ўйлаганларимиз бир қолипга сиғмай қуюшқондан чиқиб кетади.

Мирсаид ака ўйланиб қолди.

- Опа ... Мен ҳаммасини тушундим. Бироз ўйлаб олай. Кейин қаерга кетишимни айтарман...

- Мирсаид , ука ... Режам сенга оғир ботмадим ? Очиғи ўйлаб - ўйлаб бошқа ҳеч қандай чора топмадим . Мабодо ўзинг ҳам бошқа мукамалроқ , танангга энгилроқ бирор нарса ўйлаб топсанг , мен ҳамиша сен тараф .

- Йўқ опа . Шу режа менга маъқул... Ҳозир миямга бир фикр келди. Пулни белимга

тугаман- у , Қримга Айдерни ёнига кетаман. Ўзи қачондан буён чақираяпганди.
Баҳонада бир айланиб келаман. Нима дедингиз, опа ?

Маҳина опани юзи ёришди .

- Зўр ўйлабсан , ука... Мана энди кўнглим хотиржам бўлди. Барчасини пухта режалаштирамиз- у , болаларимизга кетар чоғида "биз кетдик" деб эълон қиламиз .
Унгача эса ҳеч нарса бўлмаганидек индамай турамиз.

- Опа , истасангиз сиз ҳам мен билан юринг. Опа - ука бир сайр-у , саёҳат қилиб келамиз .

- Жон дердим-у , аммо менга узр. Шахло набирамга тинмай совчилар келяпти . Шунини масаласини ҳал қилиб олишим керак. Ҳозир у ерда кўпроқ керак бўлаяпман- да

- Майли опа. Мен Айдер билан бир кўнғироқлашай бўлмасам ...

Мирсаид ака ўрнидан енгил кўзғалди ...

* * *

Мирсаид аканинг Қримга кетганига бир ойдан ошди.

Ақромжон ва Ҳилолалар бир нималарнидир йўқотиб қўйгандек гаранг бўлиб қолгандилар.

Орада Маҳина амми уч- тўрт қайта бориб кўриб келишди. Маҳина аммининг ҳали у , ҳали бу ўғлиники ё бўлмасам қариндошлари , дугоналари даврасига "олиб кетиб қолишаётгани" учун Ақромжон ва Ҳилола ўзларини аммага ҳалақит бераётгандек ҳис қилиб , аммининг даргоҳидан оёқлари анча товсарилиб қолди.

Энди Ақромжон ва Ҳилола ўз уйларида тақдирга тан берганча ҳаёт кечира бошлашди.

Ҳилола ҳар куни бомдод киришидан аввал Ақромжонни уйғониб чиқишини кутар ,

@Xazon_Rezgi. /211 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

гоҳ- гоҳида ухлаб қолса эшикни ортидан аста чертиб уни уйғотар эди.
Уларнинг иккиси намозни адо этиб бўлишгач , Ақромжон кўчага югуришга чиқиб кетар , Ҳилола эса ошхонага кириб нонушта дастурхони учун "ижод" билан машғул бўлар эди.

Ақромжон югуриб келгач , қайта ювиниб-тараниб , Сулаймонни уйғотиб чиқар ва учовлари бирга нонушта қилишар эди.

Шундан сўнг Ақромжон Сулаймонни олиб боғчага кетар , Ҳилола туш вақтигача барча ишларни саранжомлаб , кечки овқатни тайёрлаб , шундан сўнг ўқув марказига ишга кетарди.

Ҳилоланинг дарсини тугашига Ақромжон ва Сулаймон машинада бориб кутиб туришар , уйга қайтгач , яна вақтларини бирга мазмунли ўтказишар эди.

Орада Акромжон ажойиб бир ғоя ўйлади. У уйларининг катта ертўласини қайта таъмирлатиб, спорт зали учун жиҳозлатди. Залда Сулаймон учун махсус бурчак ҳам ясаиб берди.

Энди ота ва ўғил кўп вақтларини шу ерда ўтказишар , Ҳилолани ҳам ўзлари билан у ерга олиб кетмагунча ҳол- жонига қўйишмас эди.

Бу орада Акромжон иш юзасидан бир хафта Туркия сафарига бориб келадиган бўлди .

Ҳилола Акромжонсиз ўтган бир хафтада у ўзининг тақдирида ўрнини ҳеч ким билан алишиб бўлмас инсонга айланиб улгурганини ҳис қилди.

Айниқса Сулаймоннинг "Адажоним қачон келадилар ?! " деган саволларидан юраги бир увишар , "Улар яқинда келадилар" деган жавоб берар эди- ю , ўзи жойнамоз устида Акромжоннинг ҳаққига астойдил дуо қилишдан эринмас эди:

- Ё Аллоҳ! Қодир Эгам ! Фарзандимнинг хувиллаган дунёсини тўлдирган, биз учун қадрли бўлган бандангни азиз бошини омон сақлагин! Ҳузуримизга тўрт мучасини соғ ва саломат етказгин !

Ҳилола шундай дея юзига фотиҳа тортар экан, ич- ичидан бўғзига чуқур хўрсиниқ келар эди :

"Аллоҳим ...

Менинг айрилиқларга дош бериш учун ортиқча мажолим қолмаган...
Сулаймоним учун ҳам у киши саломат бўлишлари керак" ...

Акромжон Туркиядан эртага қайтиши керак эди.

Ҳилола Сулаймон билан Акромжон кетгандан буён ота уйида қолишган эди.
Ҳилоланинг дарслари тугатгач
укаси келиб уни ўз қизлик уйи Катта Қаънидаги хонадонларига олиб кетаётган эди.

Ҳилола бугунги машғулотлари тугагач, хонага чопқиллаб кириб келган Сулаймонни кўриб ажабланди :

- Сулаймон , тоғажонингга эргашиб келдингми ? - ўғлини жилмайганча бағрига босди
Ҳилола .

Сулаймон кулимсираб бош чайқади :

- Йўўўқ , адажоним билан келдим ...

Ҳилола ажабланди. Ҳайратдан кўзлар катта - катта очилди :

- Адажонинг ...

Ҳилола бошини кўтариб эшикка термулди .

Кўп ўтмай эшик ёнида Акромжон кўринди .

Ҳилоланинг юраги бошқача бежо уриб кетди...

У номи "жуфти- ҳалол" , аслияти эса "қиёматли дўст" Акромжонни жуда соғинганлигини шу топда қаттиқ ҳис қилганди.

- Ассалому алайкум, - Ҳилола ажабланганини яшира олмади , - биз сизни эртага кутаётган эдик ...

- Ваалейкум ассалом. Ишим тез битди. Билетни алиштириб йўлга тушақолдим, - изоҳ берди Акромжон

- Яхши бориб келдингизми ? Йўлда чарчамадингизми ?

- Раҳмат , Аллоҳга шукр.

- Бизникига ўтибсиз- да ?

- Сулаймонимни соғиниб кетдим. Унга жуда ўрганибман. Кўз ўнгимдан лип- лип ўтиб кетаверди. Шунга аэропортдан тушиб у ёққа югурдим.

- Қачон келгандингиз ?

- Икки соатча бўлди . Ҳозир Сулаймон билан ўз уйимиздан келяпмиз. Машинада сени олиб кетишга келдик.

- Воой... Уйда овқат ҳам йўқ ,- Ҳилола афсусланганча ўйланиб қолди ,- келишингизни билганимда тансиқроқ бирор таом пишириб қўйган бўлардим.

- Ҳеч қиси йўқ... Йўл тўла кафе. Уйга овқат олармиз. Салат ҳам ... Аммо ширинликни Туркиядан олиб келдим. Асл турк паҳлаваси ...

Ҳилоланинг юзида ажиб жилва ўйнай бошлаган эди. У деярли бир хафтадан буён ҳувиллаб қолган кўнгил гўшаси Акромжоннинг ташрифи билан яна файзга тўлганини юрагидан тан олиб турар эди.

@Xazon_Rezgi / 212 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Акромжон , Ҳилола , Сулаймон шу куни алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди .

Сулаймон Акромжонни обдон соғинган экан. У адасининг пинжига ёпишиб олган, бўш қолди дегунча унинг юзига - юзини ишқалар "Ўзимни адажоним" дея илжайиб қўяр эди. Акромжон унга деб олиб келган катта ўйинчоқ машинани эса эҳтиёт қилиб қутисига солиб қўйганини кўрган Акромжон Сулаймонга қараб гап қотди :

- Ўғлим. Машинангни авайлаб олиб қўймасдан мазза қилиб ўйна. Бузилиб қолса бошқача- зўридан олиб бераман.

Сулаймон хўп деб машинага қараб талпинганда Акромжон Ҳилолага кўзини қисди :

- Сулаймоннинг туғилган кунига ўзи ҳайдайдиган катта ўйинчоқ жип олиб бераман. Унгача кунлар исиб қолади . Кўчада мазза қилиб ҳайдайди.

Ҳилола унга қараб мамнун қиёфада эслатди.

- "Биз" баҳорда она- бола қўй кутаяпгандик...

Ақромжон бошини қашиб шодон кулди :

- Вааай , хали уям бор эди- я ! Қара-я! Бутунлай ёдимдан чиқибди .
Бўлди ! Униям "есть" қиламиз !

Ақромжон шундай деб ичкарига кириб кетди . Кўп ўтмай қўлида ўроғлиқ бир нарса кўтариб чиқди.

- Буни сенга олгандим. Ёқадими йўқми ... Билмадим ...

Ҳилола Ақромжон узатган совғани олди. Аста очди. Ақромжон Ҳилолага атаб рўмол олиб келган экан. Жуда нафис ...Четлари жимжима уқали қилиб тўқилган .Гулдор оч бинафша рангда ... Катта ҳажмли...

- Бунчаям чиройли ... Менга жуда ёқди, - Ҳилола базўр шивирлади , - катта раҳмат...
Тан- жонингиз соғ бўлсин...

- Ёққанидан ҳурсандман... Биласанми , мен бир зўр нарса ўйладим. Ёзда Отам , аммам , сен , мен ва Сулаймон барчамиз Туркияга бориб бир айланиб саёҳат қилиб келишни режа қилиб қўйдим.

Ҳилола Ақромжоннинг режасини эшитиб жуда севиб кетди.

- Мен ... Додажонни жуда соғиндим... Уларга жуда ўрганиб қолган эканман. Кеча кўнғироқ қилганимда "Қачон қайтасиз ?" деган саволимга "Қизим , ҳозирча бир тўхтама келмадим, менимча яқин олти ойча уйга қайтмасманов" дедилар". Улар Айдер амаки билан биргаликда меҳмонхона юритаётганмишлар. Ўша юмуш уларга жуда ёқиб қолган шекилли.

- Қримнинг табиати ҳақиқатдан ҳам жуда мақтовга арзигулик. Отам эса энг яхшисига муносиблар. Кейинги йилларда бошларига жуда кўп савдолар тушди. Агар ўша жой Отамга ёққан бўлса , кўнгиллари шундан таскин топаётган бўлса , қарорларни қўллаб -қувватлайман халос.

- Тўғри айтасиз , - Ақромжоннинг сўзларига қўшилди Ҳилола , - ким ким- у, аммо додажон энг яхшисига муносиблар . Фақат инсонни соғинч ҳисси қийнагани ёмон-да.

Майли Ақромжон ака , сиз ҳам узоқ йўлдан чарчаб келгансиз. Дамингизни ола қолинг .

Ақромжон ҳам унга рози бўлиб қаради :

- Сен ҳам яхши ётиб тур ...

* * *

Ҳилола энгил хўрсинганча ёстикқа бош қўяр экан, кўнглини асир олган саволларига жавоб топиш пайида эди.

- Аллоҳим ... Уч ой ичида бир инсонга шу қадар кўникиш мумкин экан- а ... Мен Сулаймон акам дунёдан ўтганларида ҳаётим буткул тугади деб ўйлаган эдим. Аммо ўзинг буюк ва чевар зотсан. Банданга синов бердингми , уни бир мушкул вазиятга солдингми , ундан чиқиш йўлини ҳам кўрсатиб берар экансан. Унга ҳар доим , ҳамма вақт курашиш учун умид қолдирар экансан. Мен учун аталган ўша умиднинг номи - Сулаймон бўлди.

Мен ўғлим Сулаймон учун яшаб қолишга кўндим...

Ва ...

Мен ва Сулаймон учун яшашга мажол топаётган додажоннинг жонларига мадор бўлишга ҳаракат қила бошладим...

Аллоҳим ...

Сенинг каби ким биларди ?

Сенинг каби ким огоҳ эди...

Ҳаётимнинг мазмуни бўлган , кўнглимнинг хуш ифори , кўз очиб кўрган ёрим Сулаймон акамнинг дийдорларига тириклик чоғларидаёқ тўймаганим рост эди ...

Аммо Сенинг ҳоҳиш - ироданг шу бўлса нима ҳам қила олар эдим...

@Xazon_Rezgi /213 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Севар ёримдан менга уч ёдгор қолибди : додажоним , Сулаймоним ва хотиралар...

Менинг аслида ҳали ҳам ана шу хотираларни вафот этган турмуш ўртоғим- Сулаймон акамнинг ўрниларида кўришимни ким ҳам биларди ?

Асл кўнглимдан хабардорлар эса иккита. Бири ернинг тагидаги чумолиларнинг ёмирлашидан ҳам хабардор Аллоҳ... Унинг учун менинг кўнглим мисли дил номаларига тўла очиқ қолдирилган китоб. Бу китоб ўзининг тарафидан тақдим этилганлиги , унинг асл эгаси ҳам ўзи эканлиги рост .

Иккинчиси... Бу Ақромжон ака...

Мен дунёда улар сингари инсонлар кўплигини биламан. Баъзан ўйлайман. Бу инсонни Аллоҳ менга мукофот сифатида юборган бўлса керак. Агар ўшанда Бунёдбек акага турмушга чиққанимда , улар кўнглимга Ақромжон акадек қарамаган бўлармидилар ?! Менимча шундай. Ахир Бунёдбек акага жуфт керак эди.

Ақромжон акага эса мен ва Сулаймоннинг хотиржамлигимиз керак. Яна додажоннинг диллари ўртанмаслиги , инсонлар маломатидан нари бўлишлари ва энг асосийси раҳматли акасининг қабрида осойишта ётиши керак...

Ҳозир бизни ташқаридан кузатган инсонлар мен ҳақимда нима деб ўйлашларини биламан. Тунов куни маҳалла бошидаги Мубор хола йўлда ушлаб олиб атай ўзини билмасликка солиб алланималарни гапириб дилимни ҳуфтон қилди.

- Сен қиз ичингдан пишган бало экансан. Ақлинг тошни ёраркан. Бир ўқ билан нечта қуённи ургангини ҳисобига етиб бўлмайди- я?! Ҳамманиям сендек пешонаси кулсин-да , жон қизим. Биринчи эринг барно йигит эди . Буни эса жуда хушсурат. Камига кўзи сендан бошқасини кўрмаган жанон йигит. Мендан сўрасанг бева қолганинг билан йўқотганингдан топганинг кўп

бўлибди. Иккита данфиллама участка, қўша - қўша машина , бу ёқда ҳайҳотдек супермаркет. Унинг устига эрга тегиб яна ўша қайнота. Кўнглини олай деб ҳам ўтирмайсан. Баҳонада ўғлингни оталик бўлиб қолганини айт ,жон болам..."

Хуллас ўша куни у жон, жон деб Ҳилолани жонини олди. Бир сўз билан айтганда "еди".

Ҳилола унга индамади. Билади- ки опоқи унинг айнан индашини кутиб юрагига бигиз санчди.

Ҳилола эса жилмайди- ю , узр сўраб узоқлаша қолди.

Ҳилола опоқининг нима учун бунақа муомала билан сийлаганини сабабини яхши биларди. Опоқи ҳам кўп қаторида ўзидан умидвор бўлганини , тайинли ишга бўйни ёр бермай ит уриштириб пул топиб юрадиган, учта боласи билан хотинини кўчага ташлаб қўйган ўғлига Ҳилолани сўраб Маҳина аммадан балога қолганди. Маҳина амма икки оғиз гап билан Мубор опоқини жойида михлаб , чиройли қилиб кўчани "кўрсатиб қўйганди".

"Бугун опоқи аламлари босилиб тинч ухлайдиган бўлдилар,- деб ўйлади ўшанда Ҳилола,- майли нима қилса ҳам она. Оналарни она бўлгани учун ҳам оқлашга ҳаракат қилиш керакдир. Уям боласининг тиниб - тинчиб ўтиришини кўргиси келаётгандир . Аммо бугунги кунга тушишида ўзининг айби катта эканлигини билади . Билади- ю , тан олгиси келмайди"

Аммо мен ва Акромжон ака ...

Турмуш қурганимизга уч ой бўлди. Ўйлашимча шу вақт ичида эр ва хотин ролини ўхшатиб ўйлаяпмиз шекилли. Бўлмаса ўз опаларим "Мабодо кўнглинг бирор нарса тусамаяптими ?! Бирорта хушхабар йўқми ?!" дейишмаган бўларди

Мен эса ... Мен эса бора - бора Акромжон акага ноҳақлик қилаётганимни тушуниб азоб чекаяпман. Ахир мен фарзанд кўрган аёлман. Қайтиб болали бўлмаслигим ўз - ўзидан Акромжон акани айбдор қилиб кўрсатади . У киши яхшилик қиламан деб яна қанча маломатларга сабаб бўлар эканлар.

Гоҳида "Вақти келиб улардан жавобимни сўрайман. Мендан ажрашиб ўзларига мос оқила бир қизга уйлансинлар, ахир бахтли бўлишга улар барчадан ҳам ҳақлилар" деб ўйлайман. Аммо Сулаймондан адасини тортиб олишни ҳам истамаяпман. Болам Акромжон ака билан болалигини топди ахир...

Аммо мен ҳам у кишининг яхшилигига жавоб тариқасида аёл ўрнида ўзимни зўрлаб муқом қила олмайман. Бу билан ўзлигимга ҳиёнат қила олмайман... **□□□□ аввалги қисмлар**

#КўНГИЛ_ИФОРИ

73-ҚИСМ

Шу билан бирга Акромжон акани ҳам йўқотгим йўқ. Менга айнан мана шу турмуш жуда манзур . Бу уй, бу хонадон мен учун гўёки - ҳаловат бекатига ўхшайди. Шу ерда ўзимни хотиржам ҳис қиламан, руҳим таскин топади , юрагим ором туяди.

Охирги учрашувда Маҳина аммажоним қизиқ бир гапни айтгандилар. Уларнинг айтишлари бўйича раҳматлик Сулаймон акам додажоннинг тушларига бир эмас, бир неча бор кириб мени турмушга беришларини сўраган эканлар...

Маҳина аммам ўша куни барчасини бафуржа тушунтирган эдилар : "Оҳ болам- а , қадимгилар "Тириклар - ўлик, ўликлар тирик" деб бежизга атишмаган. Бу дунё

синоатларга тўла. Унинг барча сирларини ечиш бандасигамас. Ғайб илмини- ку, инчинун. Ғайб илми нималигини билсанг керак- а ? Ёлғиз Аллоҳ Таолонинг ўзигагина маълум бўлган сир ва ҳодисалар ғайб илми дейилади. Шундан келиб чиқиб айта олишим мумкин-ки , Сулаймоннинг такрор ва такрор додажонингни тушларига кириши ва ундан сени турмушга беришни сўрашининг сабаби ҳам Аллоҳнинг изни билан бўлган ҳодисотдир. Сени Бунёдбекка узатмоқчи бўлишимиз эса Ақромжон тараф манзилга етиб олишимиз учун бўлган бир сабаб . Шундан келиб чиқиб айта оламан-ки, аввал бошдан сен ва Ақромжоннинг турмуш қуришларинг Аллоҳнинг иродаси бўлган.

Қизим , менинг нима демоқчилигимни англай олдингми ? Биламан- ки , сен турмушга мажбурият юзасидан чиқдинг. Аёл кўнглим сен ўз шаънингни сақлаб қолиш учун Ақромжоннинг таклифига ноилож рози бўлганинг ва иложсизликдан ушбу қарорни қабул қилганингни бот- бот такрорлайди. Ушбу қарор юрагингга кунда бир ҳанжар уряпганини бутун вужудим билан ҳис қилганим ҳам рост.

Сен ҳозир ўзингни Сулаймоннинг хотираси олдида бир бор айбдор деб ҳисобласанг , Ақромжоннинг йўлини боғлаб қўйдим деб иккинчи бор озорланаяпсан.

Бироқ бир нарсани унутма ... Буларнинг барчаси Аллоҳнинг изни ва хоҳиши эканлигини. Агар Аллоҳ истамас экан, банданинг бошидан бир тола соч бевақт тўкилмас экан.

Қизим ...

Сенга бир маслаҳат ... Мен қария аммангни хоҳла дўст бил , хоҳла душман. Ҳозирги гапларим танангга оғир ботса ҳам азбаройи сени яхши кўрганимдан айтишга мажбурман.

Қизим... Яхшилиқнинг жавоби нима ? Ҳа ўлма ! Яхшилиқ ! Меҳрнинг бадали - меҳр !

Ақромжоннинг сен учун тақдим этган янги умр , янги ҳаётнинг жавоби ҳам унга шу билан жавоб бермоқликдир . Ҳаётнинг ҳақиқати шу, гўзалим .
Олишнинг бадали - бериш .
Беришнинг бадали - олиш.

Фидо бўлмоқликнинг жавоби - ҳудди ана шундай фидо бўлмоқликдир,- Маҳина амма шундай деб юқоридаги сўзларига ҳулоса ясади ,- нима демоқчилигимни англагандирсан а ?!

Ҳилола барчасини жуда яхши англагани ...

У Ақромжон билан муносабатлари бир умр шундай давом этолмаслигини тушуниб етгани. Ҳилола вақти келиб ҳар иккалалари бутунлай бошқа оқимга ўтиб сузишлари кераклигини яхши тушуниб етгани , аммо бу йўлни яқка ўзи давом этадими ёки Ақромжон билан биргаликми ана шу саволи ҳали ҳануз жавобсиз эди.

@Xazon_Rezgi /215 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

* * *

Декабрнинг қоқ ўртаси якшанбага тўғри келди. Шу куни уйқудан уйғонган инсонларни фасл ҳисобидан ёққан биринчи қор эланиб қарши олди. У илк бор ёққан бўлса-да борлиқни тантилиқ билан сийлаган эди. Теварак-атроф бир текис оппоқ либосга бурканган , дарахт новдалари қор юкидан ерга таъзим бажо қилган каби сокин эгилиб қолишганди.

Сулаймон уйқудан кўзи очилиши билан кун янгилигидан қувончи ичига сиғмай кетди. У Ҳилоланинг ҳай - ҳайлашига қарамай ҳовлига отилди.

Ҳилола Сулаймонни ортидан югургилаб базўр уйга олиб кирди.

Болаларча завқи юрак қирғоқларидан тўлиб - тошаётган Сулаймон нонушта вақтида Ақромжондан бирга қорбобо яшаш ваъдасини олди.

Ҳилола кузни қанчалиқ яхши кўрса паға - паға қор ёғиб турган қиш ҳавосига шунчалиқ ошуфта эди.

Нонушта қилиб бўлишгач, Ҳилола Сулаймоннинг қишлиқ кийимларини қидириб топди. Ўғлини хафсала билан кийинтирди. Айниқса Сулаймоннинг қўлчаларига қўлқопини кийдиришни унутмади.

Ақромжон, Ҳилола ва Сулаймон анча вақтгача ҳовлидан бери келишмади. Табиатнинг сахий неъматини қордан бир дунё ижод қилишди. Ҳилола ўзининг бағридан совуқ ўта бошлагач дарҳол ҳушёр тортди :

- Бўлди етар ! Мендан совуқ ўтиб кетди. Уйга кирамиз.

- Яна бироз ўйнайлик , - онасига ялинди Сулаймон.

- Йўқ , рангингни қара кўкариб кетишни бошладинг . Бурнинг ҳам оқа бошлади,- Ҳилола ўғлини илтимосини қатъий рад этди.

Сулаймоннинг лаб- лунжи осила бошлаганини кўрган Ақромжон дарров Ҳилолага кўмакка шошди :

- Полвон , ҳозир телевизорда сен яхши кўрадиган мультфильм бошлайди . Юр ойингни овқати пишгунча иккаламиз бирга мульттик кўрамиз.

Сулаймон Ақромжоннинг сўзларига дарровда кўнақолди. Ортиқча эътирозсиз адажонисига эргашди.

Тушлиқдан кейин кўзларини уйқу босиб сузилиб кетаётган Сулаймонни Ақромжон ўрнига ётқизиб қайтди.

Ошхонада Ақромжон ва Ҳилола ёлғиз қолишди.

Ҳилола чой қўйиб узатар экан, Ақромжоннинг телефони жиринглаб қолди.

Ақромжон телефон экранига кўз югуртириб Ҳилолага изоҳ беришни маъқул кўрди :

- Синфдошим Баҳодир ...

Ақромжон рақамга уланиб салом - алик қила кетди.

Ҳилола дастурхон устидаги идишларни саранжомлашга киришди.

- Хўп , хўп, кўраман дедим- у ... Бўпти ўзим кўнғироқ қилиб юбораман.

Ақромжоннинг Баҳодир билан суҳбати яқунлагач , Ҳилола сўрамаса ҳам уни барча гапдан хабардор қилгиси келди :

- Бугун чойхона бормиш. Йигитлар "Бир ўтирайлик" дейишяпти.

- Сиз нима дедингиз ?

- Кўраман дедим... Борсаммикан , бормасаммикан, нима дейсан ?!

- Ўзингизга қаранг . Синфдошлар билан кўнглингизни ёзиб келиш ҳам яхши. Ўзи анчадан бери тинмай ишляпсиз, - Ҳилола шундай деб бирдан маҳзун тортди . Унинг ёдига бир вақтлар Сулаймонни тоғдаги тўйга "Боринг" деб қистаб тезлагани тушди. Ўшанда Сулаймон ундан кўнглини уза олмай базўр йўлга тушган ва ...

- чойхона яқинми ? - сўради Ҳилола хаёлларидан чалғиш учун

- Ҳаа , шундоққина кўчанинг бошида. Озиқ - овқат дўкондан чапга қайирилади .

- Яқин экан- у . Машинасиз ҳам борса бўладиган жойда экан.

- Тўғри, - Ақромжон шундай деб юзига фотиҳа тортди , - майли борсам , борай.

Ақромжон чойхонага бориб йигитлар билан икки соатга яқин гурунглашиб ўтирди. Энди ош сузилади деганда кутилмаганда телефони жиринглаб қолди.

- Алло , Ҳилола . Тинчликми , кўнғироқ қиляпсан ?!

Тармоқдан Ҳилоланинг бесаранжом овози эшитилди :

- Ақромжон ака, Сулаймон... Сулаймоннинг...

Ақромжоннинг ранги қув ўчди. У ўрнидан сапчиб турди :

- Нима бўлди ? Сулаймонга нима қилди ?

Хонадаги йигитлар бирдан жим бўлиб қолишди . Барчанинг бутун вужуди қулоққа айланганди :

- Унинг иссиғи борган сари кўтарилиб кетяпти . Болам хирсиллаб қолди,- Ҳилоланинг товуши хиппа бўғилди.

- Ҳозир етиб бораман.

Ақромжон эгнига курткасини илар экан , синфдошларига вазиятни тушунтириб ўтди :

- Узр ,йигитлар . Кичкинани тоби бўлмаётган экан.

Унга синфдоши Баҳодир эргашди :

- Шошма, сени ўзим олиб бориб қўяман...

@Xazon_Rezgi /216 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола тайёр бўлиб турган экан. Ақромжоннинг қораси ҳовлида кўришиб овози эшитилиши билан Сулаймонни бағрига босганча ичкаридан биров қувгандек учиб чиқди .

- Ақромжон ака ... - деди у кўзлари ёшга тўлганча термулиб , - болам ...

Ақромжон икки ҳатлаб Ҳилолага етиб олди. Шаҳд билан унинг қўлидан Сулаймонни олди ва ташқарига отилди.

Барчалари шошилишда уларни кутиб турган Баҳодирнинг нексиясига чиқишди . Ҳилола ўзини босишга ҳаракат қилиб Баҳодирга паст овозда салом берди.

- Нима бўлди ? Кетаётганимда ҳеч гап йўқ эди- ю ? Нега "Тез ёрдам" чақирмадинг? - Ақромжон Ҳилолани саволга кўмиб ташлади. Ўзи эса аланг- оташ иситмалаб инграб ётган Сулаймоннинг пешонасига лаб босди,- ҳозир яхши бўлиб қоласан, полвон. Озгина чидагин.

- Сулаймон уйғонавермагач хабар олай деб хонасига кирсам бу аҳвол. Иситмаси чиқиб алаҳлаб ётган экан. Дарров сизга қўнғироқ қилдим. Авваллари ҳам иситмаласа тез ёрдам чақирмасдик. Сулаймоннинг кўп дориларга аллергияси бор. Шу сабабли уни тоби қочганда фақат Мевазордаги хусусий клиникага олиб борардик.

- Профессор Мажидовнинг клиникасигами ? - дарҳол сўради Ақромжон.

- Ҳаа ,- бош силкиди Ҳилола,- у ерга ҳам қўнғироқ қилдим. Бизни кутишяпти .

- Баҳодир ўша клиникани биласан- а ? Шундоқ учинчи светофордан чапга , кейин тўғрига...

- Биламан,- бошини ирғади Баҳодир ,- куйинманглар. Ҳозир яхши бўлиб қолади кичкинамик...

Ақромжон эса бу пайтда бошқа нарсани ўйларди. "Кичик Сулаймон ҳам отаси каби кўп антибиотикларни кўтаролмас экан- да... Акамни ҳам шамоллади дегунларича Отам доим ўша ерга олиб борардилар . Ўғлим акамга шу тарафдан жуда ўхшар экан..."

Ақромжон Сулаймоннинг пешонасига яна лаб босди. Бу сафар Сулаймон кўзини очди. Ақромжонни таниб ингради :

- Адажоон сув беринг ...

- Ҳозир болам , ҳозир сув олиб бераман. Озгина чидагин. Сувга етай деб қолдик ...

Сулаймон кўзларини бемажол юмди :

- Хўп, Адажон...

Акромжон ёнида ўтирган Ҳилолага қаради- ю, титраб кетди, унинг нигоҳлари Акромжон бундан бир неча ой илгари ўша зинадан йиқилиб тушаётган вақтдаги каби чексиз мунгга қоришиб кетган эди.

- Ҳилола ... - деди Акромжон унга бироз бўлса-да далда бериш учун , - ўзингни қўлга ол . Ўғлимиз хадемай тузалиб кетади.

* * *

Сулаймоннинг иссиғи ярим соатларда тушди. Яна ярим соатларда чиройи очилиб бемалол гапира бошлади .

- Ука, ўғлингизга мана бу дориларни ичириб турасизлар. Ичида ўтли дамламалар, сироплар ва шимадиганлари ҳам бор. Тойчоғимизни томоғи қизариб, яллиғланиб кетибди. Шунга яна иситма чиқиш хавфи бор. Буни олдини олиш учун мана бу биринчи ва иккинчи рақамдаги дориларни тўрт маҳал иссиғи чиқса-чиқмаса ичирасизлар. Кўпроқ суюқлик ичсин. Хўл мева ва кўкатлардан ҳам тўйиб едиришга ҳаракат қилинг. Айниқса олмадан кўпроқ едиринг. Ундан кейин ҳар хил булёнлардан кўп-кўп ичиринг.

Хўўп. Бу йигитчамиз боғчага борадиларми ?-деди хушфеългина шифокор йигит,- ҳозирча у ерга боришларига руҳсат йўқ. Барчаси жойида бўлса уч кундан кейин қайта текширувга олиб келасизлар . Ўшанда қачон боғчага бориши мумкинлигини айтамыз . Келишдикми ?

- Раҳмат , доктор.

Акромжон Сулаймонни бағрига босиб машинага ўтирар экан Баҳодирга узрли жилмайди :

- Оғайни ош ҳам ош бўлди . Биз туфайли сен ҳам ...

Баҳодирнинг ростмана жаҳли чиқиб кетди :

- Бу нима деганинг, ўртоқ?

Кичкинани аҳволини кўриб капалагим учиб кетди- ю , шунақа пайтда кўнгилга ош сиғармиди? -Баҳодир шундай деб Сулаймонга ўгирилди , - болам, яхшилаб тузалиб олгин. Сени уйимга олиб кетаман. Яқинда ўғлимга стол тенниси олиб бердим . Ўзига мос . Икковинг мазза қилиб роса ўйнайсан.

Сулаймон танглайини тақиллатиб мақтангиси келди :

- Менга эса адажоним яқинда қўзичоқ олиб берадилар. Ииив...

Машина салонини кулги овози босиб кетди .

- Бўлди , бўлди . Ман адажонингга етолмас эканман. Сани адажонинг супермен адажон экан! - деди Баҳодир завққа тўлганча... □□□ аввалги қисмлар

74- ҚИСМ

Ётар олдидан Ақромжон Ҳилолага аста сўз қотди:

- Бугун Сулаймоннинг ёнида сен ётақол ...

Ҳилола бу ҳақда ундан ўзи илтимос қилмоқчи эди , бироқ Ақромжон ундан аввал эпчиллик қилиб қолганди .

Аммо Сулаймон уларнинг режасини пучга чиқарди :

- Ойижон, диван катта-ку, ҳаммамиз сиғамиз . Илтимос адажоним ҳам биз билан ётсинлар. Улар кеча кулганда оғзидан гул сочиладиган бола ҳақидаги эртасни давомини айтиб бермоқчи эдилар .

Ақромжон Ҳилоланинг ўнғайсизланганини сезиб Сулаймонни кўндиришга ҳаракат қилди.

- Ўғлим , ойижонинг ҳам ўша эртасни билади , давомини бугун сенга айтиб беради .

- Адажоон , илтимос . Кетманг . Эртас айтмасангиз ҳам ёнимда ётинг. Сиз бўлмасангиз иссиғим чиқиб кетади. Кейин Ойижоним яна йиғлайдилар . Маҳина аммабувижоним "Ойижонингни кўп йиғлатаверсанг сочлари оқариб кампир бўлиб қолади". деганлар. Илтимос адажон, ойижоним кампир бўлиб қолмасинлар. Икковингиз шу ерда мен билан ухланглар.

- Яхши болам. Мен ҳам , ойижонинг ҳам сенинг ёнингда ётамиз. Фақат дориларингни ичиб оласан , хўпми ?!

Сулаймон адажонисининг саволига мамнун бош ирғади :

- Хўп бўлади , Адажон...

Ақромжон Сулаймоннинг ўнг томонига чўзилгач , Ҳилола чироқни ўчириб унинг чап томонидан жой олди.

Ташқаридан тушиб турган заиф нур хонани ғира- шира ёритарди .

Ҳилола ётиши билан Сулаймон унга орқасини ўгирди- ю , Ақромжонни бўйнидан маҳкам қучиб олди :

- Адажоним...

Ақромжон Сулаймоннинг бу қилиғидан унинг шаъмасини тушунди ва эртасни бошлади :

- Шундай қилиб кулганида оғзидан гул сочиладиган йигит обдастада турган илиқ сувни бошидан қўйган экан, сочлари тиллага айланиб қолибди. Кейин тилла сочларини беркитиш учун...

Ақромжон ўн дақиқаларча эртақ сўзлагач Сулаймон уни гапини бўлди:

- Адажон , эртақнинг давомини эртага айтиб берасиз . Яхши ётиб туринг. Яхши тушлар кўринг. Тушингизда мани кўринг ...

- Хўп полвон ўғлим , хўп.

Ақромжон одатланиб қолган шекилли аста - аста Сулаймоннинг елкасига қоқиб ухлата бошлади.

Уларни синчковлик билан кузатиб ётган Ҳилоланинг бир кулгиси қистар , бир аразлагиси келар эди.

"Оббо ,- дея ўйларди Ҳилола кўнгли ёришиб ,- тоза топишиб олишибди- ку , бу азаматлар. Аллақачон қуш тилини қуш тушуниб бўлибди.

Йўқ мен тушунмадим , бу ерда ётиб қолиш учун нега таклиф қилиндим ўзи .

"Яхши ётиб туринг , адажонмиш.

Хўп, полвон , хўпмиш.

Ҳой барака топгурлар Ҳилолага "яхши ётиб туринг ?!" қани ? Гдеее?! Ҳа майли ... Биз бир четда индамай ётаверамиз , ҳеч ким хайрли тун тиламаса ҳам" - Ҳилола дилини чулғаган эрка ўйлар таъсирида кулгисини ичига ютиб жим ётарди.

Ахири Ақромжоннинг "виждони қийналди" :

- Ҳилола , сиз ҳам яхши ётиб туринг ... - деди у аста шивирлаб.

Ҳилола унга индамади . Аммо ичида мамнун кулимсиради :

"Эндими Ақромжон ҳазратлари , - деди у хаёлида ,- сал вақтлироқмасмиди мабодо ?

"Лучше поздна, чем никогда" де буёғига ?

Майли таклифингиз қабул ! Сизга ҳам осуда тун тилайман.

Тушингизга Сулаймон кирсин!"

Ҳилола юқоридаги гапларни хаёлида айтди. Аммо ташида ўзини ухлаганга солиб жим ётаверди.

Кўп ўтмай у ҳақиқатдан ҳам ухлаб қолди.

*** * ***

- Ҳилола , мен ишга бормайман. Йигитларга кўнғироқ қилиб қўяман, ўзлари амаллашади , - деди нонушта вақтда Ақромжон, - бугунги кунимни ўғлим билан ўтказмоқчиман. Ўзи анчадан буён шу нарсани дилимга тугиб қўйгандим. Сулаймоннинг боғчага бормаслиги баҳонасида шу ниятим амалга ошақолсин.

@Xazon_Rezgi /218 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Сен ҳеч нарсани ташвишини чекмай ишингга бориб келавер .

Ҳилола Ақромжонга эътироз билдирмади :

"Майли шу баҳона ўзлари айтганларидек уйда дам олақолсинлар"- дея ўйлади
Ҳилола.

- Мен қозонга товуқ шўрва солиб қўяман. Тушликкага хил - хил пишади. Кечки овқатга ...

- Кечки овқатни ташвишини қилма. Ота - ўғил бирон таом пиширармиз.

- Фақат ...

- Ҳавотир олма. Қорбобо яшашга чиқиш йўқ. Шундоғам кеча ўтимиз ёрилиб таъзимизни обдон еганимиз етади.

Ҳилола Ақромжоннинг соддалигидан кулиб юборди .

- Ҳилола , Сулаймон шу вақтгача уйғонмади- я ? Мен бориб хабар олай-чи ?

Ҳилола ташвишли қиёфада ўрнидан турган Ақромжонни тинчлантиришга уринди :

- Ҳавотир олманг , ичаётган дорилари шунақа тинчлантирувчи. Энди одатдагидан кўпроқ ухлаб куч тўплайди.

- Ундай бўлса яхши. Шундаям бир хабар олай. Кўнгил тинчлиги учун.

* * *

Бугун Ҳилоланинг дарслари кам эди. У Ақромжонни уринтиришни истамай уйга маршрутли таксида қайта қолди.

Ҳилола кийимларини алиштириш учун ичкарига йўл олганда пастки қаватдан Сулаймоннинг қийқиргани эшитилди.

- Чу , Адажон , чу !

Ҳилола ҳайрон бўлиб зина бўйлаб спорт анжомлари билан безатилган зал тарафга илгарилади.

Залнинг эшиги қия очиқ экан . Ҳилола эшик орқали ичкарига аста мўъралади.

Ақромжон хонада тўрт оёқлаб от бўлиб эмаклар , устига ўтқизиб олган чавандози - Сулаймон эса ҳар замонда " Чу отим , чу Адажон " дея унинг елкасига шапатилар эди.

Ақромжон зални бир айланиб чиққач , ўртага бориб чўзилиб ётиб олди.

- Адажон , отим чарчадимми ?

Сулаймон Ақромжонга энгашиб шивирлади.

- Чарчаш ҳам гапми , болам ?! Отингни дабдаласи чиқди.

- Вой эссизгина энди нима бўлади ?

Ақромжон Сулаймонни устидан аста туширди.

- Отинг чарчади, аммо маймунингни кучи кўп . Қани елкамга ўтир-чи .

Ақромжон Сулаймонни елкаси ўтказиб олиб зални айлантира бошлади. Бироз айланишгандан кейин Сулаймон Ақромжонга "Пастга тушаман" деди. Ақромжон уни елкасидан олаётиб маҳкам бағрига босди.

- Ўзимнинг тойчоғим .

Сулаймон ҳам уни бўйнидан беозор қучди :

- Ўзимни адажоним.

- Мани яхши кўрадимми ўғлим ?

- Ҳммм ...

- Қанча ?!

Сулаймон қучоғини катта қилиб очиб кўрсатди :

- Мана шунчааа ! Росса кўп !

Сулаймон шундай деб Ақромжоннинг бўйнидан ҳидлади :

- Ие ўғлим , яна ҳидлашга тушдингми ?! Нимага келишгандик ?! .

- Адажооон ... Шу ...

- Нима ?!

- Сиздан роса зўр ҳид келади- да ?! ...

- Қанақа ҳид болам ?!

- Ада ҳиди...

- Ада ҳиди ?!

- Ҳааа , ойижонимдан "Ойижон ҳиди" келади. "Ойижон ҳиди" гулларни ҳидига ўхшайди. Аммо менга сизнинг ҳидингиз кўпроқ ёқади.

Ақромжон жилмайди .

- Ажойибсан-да ўғлим . Бир нарсаларни ўйлаб топасан-да. Бу кетишда Асрор бобонгларга ўхшаб профессор олим бўласан шекилли.

Сулаймон илжайди :

- Ман кўп одам бўламан. Асрор бобомларга ўхшаб профессор, додажоним ва сизга ўхшаб бизнесмен , кейин Сулаймон адажоним ва ойижонимга ўхшаб физик ҳам ...

- Худо ҳоҳласа барча ниятларингга етасан , болам . Мен борман-ку, сени ўзим зўр ўқишларда ўқитаман.

Сулаймон Ақромжоннинг елкасига бош қўйди:

- Ўшанда Сулаймон адажоним осмондан манга қараб :

" Ўғлим роса ақлли бола бўлди дейдиларми ?"

- Бўлмасам-чи , ўғлим. У аданглар ҳам , мен ҳам сени жуда яхши кўраман ...

- Адажон... Мен ҳам сизларни бирам яхши кўраман ...

Эшик ортида турган Ҳилоланинг кўз ёшлари кўл бўлиб кетганди.

"Демак, Ақромжон Сулаймон акасининг ҳаққига хиёнат қилмабди- да...

Ўғлининг хотирасини бир қисмини асл отасининг ёди билан тўлдирди бошлабди . Бу ишни қачондан қила бошлаган экан?

Э нима фарқи бор ?!

Энг муҳими ўғли асл адаси ҳақида ҳам билишида эмасми ? !

Ақромжон ака...

Бунчалар ҳам яхшисиз а ? !

Бунчалар ҳам яхшисиз ..."

Ҳилола овоз чиқармай эшикдан узоқлашди.

@Xazon_Rezgi /219 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Кечки таом вақтида Ақромжон Ҳилоланинг бошқачароқ кайфиятда юргангани унинг чарчаганига йўйди.

- Ҳилола , мабодо сенинг ҳам тобинг йўқ эмасми ? Рангинг бир аҳволда ? - дея сўради Ақромжон ундан ҳавотир олганини яширмай.

Ҳилола "Яхшиман" дейишдан бошқасига ўтмади.

- Сени аниқ тобинг йўқ. Бориб бироз чўзилақол . Бугун идишларни ўзим бир амаллайман.

Ҳилола Ақромжонни ҳайрон қолдириб индамай ичкарига кириб кетди.

Ақромжон унинг ортидан Сулаймонни ҳам киритиб юборди - ю , ўзи Ҳилола бу хонадонга келгандан буён илк бор дастурхонни йиғиштири бошлади.

Ақромжон ишлардан қутилиб ётоқхонага кирганда Ҳилола ва Сулаймоннинг ухлаб

қолишганини кўрди .

У бир зум алланималарни ўйлаб турди- ю , тез орада қарор чиқарди шекилли ҳар доимги жойига чўзилақолди.

Ақромжон ярим кечаси сувсаб уйфонганида Ҳилоланинг ўз ўрнида эмаслигини кўриб уни таҳажжуд намозини ўқишга турган деган гумонга борди.

Ақромжон ошхонага чиққанида у ерда Ҳилолани учратиб ҳайрон бўлди.

Ҳилола идиш ювадиган жўмракнинг сувини оқизганча индамай хаёл суриб турарди. У хатто Ақромжоннинг кирганини пайқамади.

Ақромжон уни чўчитиб юбормаслик учун аста овоз берди :

- Ҳилола ... Ҳилола нима қилаяпсан бу ерда ?

Ҳилола Ақромжонга қаради . Кўзларига тикилди , аммо жавоб бермади.

Унинг ҳолатини кўрган Ақромжоннинг юрагига ваҳм оралади :

- Ҳилола , сенга нимадир бўлаяпти а ? Менга айта оласанми ?! Илтимос...

Кўнглини бемалол менга ишониб очишинг мумкин.

Ҳилола Ақромжон тарафга қадам босди.

У Ақромжон билан рўпарама - рўпара бақамти келди. Йигитнинг нигоҳларига чўкиб кетгудек бўлиб тикилди.

Ҳилола кутилмаганда бошини Ақромжоннинг кўксига қўйди.

- Мен ҳам ўғлимнинг отасини ҳидини қандайлигини билмоқчиман , - дея оҳиста шивирлади Ҳилола ...

Ақромжон Ҳилоланинг сўзларидан титраб кетди.

Йигит юрагининг дупири Ҳилолага аниқ- таниқ эшитилди...

У Ҳилоланинг елкасидан қучмоқчи бўлди , аммо журъат қилолмади.

- Ўғлим адашмабди , - деди Ҳилола , - ифорингиз жуда хуш ифор экан... Дунёдаги энг яхши инсоннинг ифори . Кўнгил ифори...

Унинг сўзларидан Ақромжон дадиллашди ва беихтиёр Ҳилолани аста қучди :

- Бизни сира қўйиб юборманг. Илтимос ... Бизни асло ташлаб кетманг.

Ҳилола бошини кўтариб Ақромжонга қаради . Кўзларидан бир томчи ёш шодасидан узилган маржон мисол узилди.

- Бизни сира ташлаб кетманг ...
Ҳилола ва Сулаймонингизни ...

Ақромжон Ҳилоланинг майин сочларини аста силади. Юзини икки кафти орасига олиб унга муҳаббат билан тикилди ва бўғиқ овозда шивирлади :

- Сизларни ҳеч кимга бериб қўймайман...

Мен ...

Мен сени ҳеч қачон , ҳеч кимга бермайман... Эшитяпсанми ?

Ҳеч қачон ...

Ҳилоланинг бахтдан боши айланди .

У ёшли кўзлари билан Ақромжонга табассум ҳадя қилди. Сўнг кўзларини чирт юмди ва Ақромжонларнинг кўксига қайта бош қўйди ... **□□□□ аввалги қисмлар**

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

75- ҚИСМ

"Баҳор қайтмайди" деганлар бекор айтишибди.

Баҳор қайтар экан...

Аввалгисидан бутунлай бошқа кўриниш ва бутунлай бошқа тароватда бўлса- да, у барибир қайтар экан...

Баҳор ўзига муштоқ кўнгилларга умид чечакларини қадамоқлик учун ҳам ўзини вазифадор ҳисоблар экан...

Баҳор шу вақтгача ўз вазифадорлигига ҳеч ҳиёнат қилмаган эмиш...

Ҳилоланинг ҳаётига ҳам баҳор қайта мўралади.

Авжи қиш палласида , гупиллаб ёғиб турган қорлар оғушида баҳорни кутиб олиш унинг ўзи каби таравотли экан...

Ҳилола шунча йиллар ҳисобига тўкилган кўз ёшлари , юрак санчиқлари , кўнгил гўшасида андуҳ бўлиб унган дардлари эвазига Аллоҳнинг йўлланган тортиғини ёруғ юз билан қабул қилиб олди ...

Бу тортиқнинг исми - Ақромжон эди...

Ақромжон Ҳилола уни ўз жуфти деб тан олган кунидан бошлаб бутунлай бошқа одамга айланиб қолган эди. У ўзини эркак сифатида қайта кашф этган эди.

Ақромжон Ҳилолани ер-у кўкка ишонмас , Сулаймонни эса аввалгидагидан ҳам кўпроқ суяр эди.

Ақромжон энди раҳматли акаси Сулаймон ҳақида очиқчасига гапирар , бундан

Ҳилоланинг Ақромжонга нисбатан янада ҳурмати ортар эди.

Ҳилоланинг юзларига қон югуриб қолди. Чехрасига ҳусн қайтадан ранго- ранг нақшларини чиза бошлади. Ҳилола жуда дилбар аёлга айланган , гулгун чехрасидаги бу хуш чирой Ақромжон учун қайта кўрк очган эди.

Ақромжон сабаб Ҳилола бир аёл сифатида нимага эришиш мумкин бўлса , барини қўлга киритганди...

Ҳилола ҳам ўз ўрнида Ақромжонни ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилар эди.

Ақромжон ўзини Ҳилоланинг эри деб ҳис қилган ондан бошлаб ўз кўнгил бекаси ёнидан бир қадам нарига узилиб кетгиси келмас , бўш қолди дегунча дарҳол унинг дийдори томон чопар эди.

Ақромжон ўзини нимтабассум билан салом бериб қарши олган Ҳилоланинг қулоғига ҳар доим бир сўзни шивирлар эди:

- Соғиндим ...

Ҳилола унинг бу одатидан дув қизариб кетар , Ақромжонга "Илтимос , шу одатингизни тарк этинг" деб ёлворишга тушар эди.

Бир куни Ақромжон ўша сўзни ўрнига бошқасини айтди:

- Соғинмадим ...

Ҳилола Ақромжонга нимадир бўлдимикан дея ҳайратда ўзини орқага ташлади . Ақромжон эса унинг "асаби"га ўйнаб атайдан тегажоқлик қилди :

- Соғинмадим, балки жуда қаттиқ соғиндим...

Ҳилоланинг оппоқ юзлари дув қизарди ... Ақромжонга эътироз билдирмади. Аммо лабларининг бурчига ёйилган билинар- билинмас табассум унинг ўз тақдирдан рози эканлигини "сотиб" турарди...

Шу тариқа кун ортидан кунлар қувалашиб кетаверди. Ҳилола ўзини кўпинча вақтнинг фарқига бормай қолаётгандек ҳис қиларди. Зеро бу Ҳилола учун муҳим эмасдек туюларди. Унинг учун энг муҳим бўлганлари энди шундоққина қўл узатса етгудек масофада эди...

Ҳилоланинг кўнгли бошқа ҳеч нарсани тиламас эди ...

Дарахт новдаларида куртаклар йўргакланиб қолди...

Кўз соғинган яшиллик куртаклар бағрига эниб соҳир табиатга қизиқиш билан мўралай бошлади.

Шундай кунларнинг бирида Ақромжон боғчага бориб Сулаймоннинг боғча опасидан "Ўғлингизни бугун онаси олиб кетди" деган хабарни эшитиб ажабланди. Ақромжон ҳайрон бўлганча дарҳол Ҳилолага қўнғироқ қилди.

"Илгари Ҳилоланинг бунақа одати йўқ эди , тинчликмикан ? - ўйлади Ақромжон,- жилақурса бир бор қўнғироқ қилиб огоҳлантурса бўларди- ку ?! Ҳавотир олишимни ўйламаганини қаранг маликамни? "

Ҳилоланинг телефони ўчирилган экан. Ақромжон энди ҳақиқатдан ҳам росманасига ҳавотирга тушди.

У машинасини тезлаб ҳайдаб тўғри уйларига борди, аммо у ерда на Сулаймон , на Ҳилолани топа олмай диққати ошди.

Ақромжон дарҳол ортига қайтиб қайнотасиникига борди . Аммо уни кутиб олишга чиққан қайнисининг "Келинг почча , опам билан Сулаймонни олиб келмабсиз- да ?!" деган мулозаматидан тахта бўлиб қотди.

"Мен..."

Мен шу кўчага иш билан келгандим. Саломлашиб ўтиб кетай дегандим" - Ақромжон яна қандай ва қанча ёлғон тўқиди ўзи англамади. Бахтига қайнота - қайнотаси уйда йўқ эканлар.

@Xazon_Rezgi /221 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ақромжон қайниси билан хайрлашиб йўлга тушганда бирдан хаёлига келган фикрдан енгил тортган бўлди:

" Ҳилола Назарбекдаги уйларида бўлса керак !"

Ақромжон Назарбекдаги хонадоннинг қулфлолиғ дарвозасини ўз калити билан очиб кирганда ошхона ва кичик меҳмонхона чироқларининг ёқиқлигини кўриб кўнгли бирдан бўшашди :

" Хайрият..."

Ақромжон овоз чиқармай ошхона тарафга аста - секин қадам босиб борди. Деразадан боқиб Ҳилоланинг ўзи тахмин қилгани каби ўша ерда эканлигини кўрди. Ҳилола ошхонадаги стол устида турган бокалдаги қаҳвага кайфиятсиз тикилиб ҳомуш хаёл суриб қолганди.

Ақромжон Ҳилолани чўчитиб юбормаслик учун аввал ошхона эшигини аста тақиллатди. Сўнг ичкарига кириб ўзига ғамгин ва гинали нигоҳларини қадаган Ҳилоланинг рўпарасидан жой олди.

- Ассалому алайкум,- деди Ҳилола ана- мана йиғлаб юборгудек ҳолатда.

- Ваалейкум ассалом . Кечқурунга қаҳва ичишни тавсия қилмайман, - деди Ақромжон сокин овозда , - билсам бўладими менинг маликамни ким ёки нима хафа қилганини ?!

Ҳилола индамади. Тўғрироғи гапира олмади. Кўзларига ёш қалқиб кела бошлади.

Ақромжон ўрнидан туриб Ҳилолага илиқ сув олиб келиб тутди :

-Буни ич. Ўзингни босиб ол . Ҳаа яхши ,- Ақромжон Ҳилола сувни ичиб бўлгач , унга

савол назари билан тикилди,- мен сенинг кўз ёш тўкишингга арзирли сабаб нима эканлигини билсам дегандим...

Ҳилола хўрсинди. Томоғига нимадир тикилгандек ҳолатда базўр гапира бошлади :

- Мени кечиринг...Ўшанда сизга турмушга чиқишга розилик берганимда ўзимни тинчлигимни ўйлабман- у , аммо сизни ҳаётингизни остун- устун қилишни ўйламаган эканман... Энди эса сиз учун барига имкон бермоқчиман , яъни ўзингиз истаганингиз каби ...

Ақромжон Ҳилоланинг муддаосини англай олмай хайрон бўлди :

- Ҳилола , илтимос барчасини бир бошдан яхшилаб тушунтиргин. Нега ўзингни бундай тутаяпсан? Нега телефонингни ўчириб қўйгансан ? Мен Сулаймонни боғчадан олиб кетганимда бир ҳавотир олгандим, аммо сизларни уйдан топа олмай қанчалик кўп ҳавотирланганимни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан.

Энди айт-чи шунча чигалликни келтириб чиқарган муаммо нимада ? Ҳилола илтимос , асл сабаб нимада ?

Ҳилола оғир ютинди ...

- Ақромжон ака ,- деди у дардли товушда , - бугун ... Бугун ўқув марказимизга бир қиз келди. Чиройли , кўркам, келишган ва латофатли. У менда иши борлигини айтиб гаплашиб олишга ижозат сўради. Мен бу қизни ўқув курсимизга қайсидир яқинини олиб келган ва машғулотлар юзасидан маълумот олмоқчи бўлган инсон деб ўйладим . Бундай инсонлар ҳузуримизга кўп ташриф буюришади- да. Хуллас мен унинг таклифига рози бўлиб кабинетимга таклиф қилдим.

У ичкарига кириб қаршимдан жой олди . Ўзини Ойдин деб таништирди ва ... - Ҳилоланинг кўзларида қайтадан ёш айлана кетди , - ва менга шундай сўзларни гапира кетади-ки ... Унинг айтишича мен ... Мен ..

Ҳилола чўнтагидан телефонини чиқарди ва Ақромжон томонга суриб қўйди :

- Сухбат вақтида қўлимда телефоним турган эди. Ўша Ойдин сизни номингизни тилга олганда диктофон тугмасини қандай босганимни сезмай қолдим. Мен унинг сўзларини у кетганидан кейин ҳам бир неча маротаба эшитдим.

Сиздан эса атиги бир бор эшитишингизни сўрайман.

Ақромжон Ҳилоланинг телефонини олиб эшитиш тугмасини босди :

" - Хафа бўлмайсиз энди, Ҳилолаҳон ,- телефондан Ойдиннинг кибрли овози эшитилди ,- онам мени ростгўй қилиб тарбиялаганлар. Кўп ҳолларда шу одатим ўзимга панд берса- да, ундан қутилишни чорасини топа олмадим. Хуллас гап Ақромжон акам ҳақида эди- я?!

Биласизми , баъзи муносабатлар бошқалари сабаб ўз қадри- қийматига эга бўлар экан.

Нима демоқчилигимга тушунмаяпсиз- а ? Ҳозир тушунтириб бераман . Гапнинг қисқаси мен сиз туфайли Ақромжон акам менга нечоғли қадрли эканликларини тушуниб етдим. Бизнинг, яъни мен ва уларнинг муносабатларимиз сиз тахмин қилганингиздан ҳам узоқроқ вақтга бориб тақалади. Хуллас ўн йиллик мактаб даври , кейин бир неча йиллик муҳаббат тарихи. Мен битта хато қилибман. Уларга ўзимга ишонгандек ишонибман. Мен Қўшма Штатларда хотиржам

юраверибман- у , бу ерда Акромжон акам орамизда бўлиб ўтган шунча гап - сўзга карамай сизга уйланиб олибдилар.

Сизга битта саволим бор эди. Аслида Акромжон акам уйланганларини эшитганимдан буён кўнглимда туғилган ана шу саволни бериш учун сизни атай қидириб топиб келдим.

Айтинг-чи , шу бева ҳолингизда ва мени кечиринг- у , ёнингиздаги "лўкидон"инглиз билан уйланмаган йигитга турмушга чиқишга қандай бетингиз чидади? Шунчалик эрсиз яшай олмай қолган экансиз , ўзингизни тенгингиз бўлган битта -яримтага тексангиз бирор ерингиз камайиб қолармиди ? ! Акромжон акам сизга шунчаки раҳмлари келганидан , ачинганларидан уйланганларини наҳотки фаҳламадингиз ?! Фаҳмлаган бўлсангиз итга суяк ташлаган каби сизга қилинган турмуш қуриш таклифини қандай қабул қилдингиз ? ! Қадрингиз шу қадар ер билан биттаמידини ?! Умуман олганда мени кечиринг- у сиз каби "совиган ош" бўлган аёллар жуда риёкор бўласизлар- да ?! Ўзингиздан "жертва" ясаб олишга роса устасизлар . Бояқиш эркалар сизларнинг устмонлигингизни билмай ўз ҳаётларини ҳадя сифатида оёқларингиз остига қандай ташлаганларини билмай қоладилар.

Энди охирги савол ? !

Акромжон акамга , яъни менинг Акромжон акамнинг жавобларини қачон берасиз ?!

Шу охирги саволга жавоб берсангиз бўлди.

Шу вақтда Ҳилоланинг Ойдинга берган жавоби эшитилди :

- Мен орангиздан кетсам , сиз уларга турмушга чиқаверасизми ? ! Энди улар ҳам ҳар қанақасига уйланган эркак номини олиб бўлдилар- ку ?!

- Биринчидан эркакнинг йўли бошқа. Иккинчидан ит теккан билан қозон ҳаром бўлиб қолмайди. Яхшилаб чаяман- да ишлатавераман. Учунчидан..."

Суҳбат шу ерда узилган эди.

- Учунчидан Ойдин бекорларни бештасини айтибди , -деди Акромжон,- у билан орамизда одатий салом - аликдан бошқа ҳеч қандай муносабат бўлмаган. Тўғри Ойдиннинг ўзи бир неча бор "алланималар"га шаъма қилган , аммо мен унга ҳеч қачон имкон берган эмасман.

-Акромжон ака , - деди Ҳилола ўртанганча , бир вақтлар, менга уйланиш таклифини қилган кезлари, мен ҳам муҳаббатидан ажралган йигитман дегандингиз. Ўйловдим- ки , ўша муҳаббатингиз соҳибаси шу қиз деб

Акромжон жилмайди :

- Ҳилола бу сени менга турмушга чиқишинг учун ишлатган бир айёрлигим эди. Шундай десам "Иккимиз тенг эканмиз" деб хотиржам тортарсан, сўнг менга иккиланишларсиз турмушга чиқарсан деб ўйлагандим. Аслида эса менинг сенгача ҳеч қандай "юрған қизим" бўлмаган. Ойдинга келсак, тўғри у синфдошим. Аммо очиғи феълига зўрға чидайдиган синфдошим. Ундан кейин унинг муҳаббати фақатгина мен

бўлмаганман. У аввал Баҳодирни , кейин Рустамни яхши кўрган. Бугун билдим- ки мен ҳам унинг рўйхатидан жой олган эканман. Тўғри синфдошлар группасида одоб юзасидан ҳол- аҳвол сўраган , саволларига жавоб берган бўлсам бордир. Умуман олганда бошқа синфдош қизларнинг ҳам шу тариқа ҳурмати жойига қўйишга ҳаракат қилганман. Аммо масала шунинг билан тамом бўлган халос.

- Акромжон ака , хўп шундай бўлса бордир. Аммо ўша қиз юрагимга билиб ҳанжар урди,- ҳамон титраб - қақшаб гапиришда давом этди Ҳилола, - нимагалигини айтайми ? Негаки унинг сўзлари ҳақиқат эди ?! Буни хатто ҳозир ўзингиз ҳам тан олиб турибсиз "Сен менга турмушга чиқишга кўндириш учун ёлғон ишлатганман" деб . Сиз ҳақиқатдан ҳам менга ачинганингиздан , кўзингиз қиймагиндан , раҳмингиз келганидан уйлангансиз ... Ачинишингиз шу даражада бўлган- ки , ўша қиз айтганидек "лўкидон" им борлигига ҳам аҳамият бермагансиз. Ё бўлмаса Сулаймоннинг борлиги сизга малол келмаган.

- Ҳилола , бас !

Энди Акромжоннинг ростманасига жаҳли чиққан эди. У Ҳилолага бургутдек ўткир нигоҳларини тикди. Ҳилола Акромжонни бундай вазоҳатда илк бор кўриши эди. У қаттиқ чўчиганидан ўзини орқага ташлади . Аммо Акромжон ҳозир буни пайқайдиган аҳволда эмасди:

- Ўғлим ҳақида бундай сўзларни айтишингга йўл қўймайман. Сулаймон ҳеч қанақа лўкидон эмас. Унга нисбатан "малол" деган сўзни қайта ишлата кўрма!- Акромжон кесиб - кесиб гапира бошлади , - ким нима деса десин . Сулаймон менинг ўз ўғлим !

@Xazon_Rezgi /223 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Менинг борлигим , ҳаётимнинг қувончи ...

Уни мендан ажратаман деганни қайта ўнганмайдиган қилиб таъзирини берман.

Сенга келсак ... - Акромжоннинг овози шу ерга келганда бўшашди , - сенга келсак ...

Акромжон ўрнидан туриб Ҳилоланинг ёнига ўтиб ўтирди, елкасидан оҳиста қучди :

- Рост ...

Яширмайман... Сенга раҳмим келганидан уйланганман...

Биласанми нимага ?!

Ўша куни Отам "Турмушга чиқмасанг сендай қизим йўқ! " деганларида зинадан отилиб тушаётганиндаги нигоҳинг бутун вужудимни жунбушга келтириб юборган эди.

Кимдир мени чўғ тўла ўрага итариб юборгандек бўлди .

Сабаби мен бундай қарашларни аввал ҳам кўп бора учратганман.

Ўз онамнинг кўзларида...

Онам Отамнинг бошқа аёлга илакишиб қолганларидан хабардор бўлган лаҳзаларда , ўша аёлни деб биздан кечиб кетган кунларида , уларнинг иккинчи турмушларидан

яна фарзандли бўлганларини эшитган дақиқаларда , вақти-соатлари етган видо онларида ... Онамнинг қарашлари худди шундай бўлганди. Бу нигоҳларда дард , алам , чорасизлик , илинж , озор, муҳаббат , вафо , садоқат...барчаси мужассам эди... Сени кўзларингни кўриб чидай олмадим. Юрагимда тўфон бошланди. Ундаги гирдобу , пўртаналар қалбимни аёвсиз ўз домига қайта - қайта тортиб кетаверди. Чорасизлик бутун танамни бошдан - оёқ қайчилайверди.

Шунда кутилмаганда онгимда "ярқ" этиб чақмоқ чақди. Оний лаҳзаларда сени никоҳимга олиш фикри туғилди ва шу фикрдан юрагим шунчалар ором олди- ки....

Тўғри...

Мен сенга муҳаббатсиз уйланганим рост ... Менинг сенга сени ҳимоя қилиш мақсадида уйланам мутлақо ҳақиқат ...Сен мен учун бир жабрдийда , меҳр ва кўмакка муҳтож аёл бўлгансан. Сени мен ўз онамга қила олмаган яхшиликларимни унинг тимсолида қабул қила олгувчи қисматдоши , юрагимга таскин бергувчи ҳилқат рамзи сифатида қабул қилганман...

Аmmo ...

Аmmo кейин сени аста - аста севиб қолдим. Бирдан эмас. .. Бўлак - бўлак бўлиб сева бошладим.

Мен аёл кишининг бу қадар муҳтарам бўлишини билмаган эканман. Сен ҳар бир ҳаракатинг билан , менга қилаётган ғамхўрлигинг билан юрагимдан шунчалик жой ола бошладинг- ки ...

Мени шу қадар азиз кўрдинг- ки...

Мен учун пиширган ҳар таоминг , ювган ва дазмол босган ҳар кийимим , ҳатто пойафзалимни эринмай ҳар бир бурчигача тозалашинг - буларнинг барини шу даражада оғринмай ихлос билан бажарар эдинг- ки ...

Ҳилола ... Мен сени қачон бу даражада қаттиқ севиб қолганимни ҳаттоки сезмай ҳам қолдим. Мен сенинг дунёимда борлигингни ўзини бахт деб қабул қилдим. Агар ўзинг кўнглингдан жой бермаганингда, мени эринг сифатида қабул қилмаганингда ҳам ҳаётимни охиригача шу юришда юриб сандан бошқа ҳеч нарса талаб қилмаган бўлардим. Ишон борлигингни ўзи менинг бахтим...

Аmmo сен бир аёл сифатида мени қабул қилдинг , жуфтим, ҳалолим деб тан олдинг.

Ҳалолам Ҳилолам...

Мен ўз суюкли ҳалоламни бошқа ҳеч кимга алишмайман... Кўнглимда сен ва Сулаймондан ўзгасига жой йўқ...

Акромжон Ҳилоланинг юзларини силади . Кўзларидан оққан ёш томчисини бармоғи билан сидириб артиб олди ...

- Акромжон ака ... - оҳиста шивирлади Ҳилола Акромжоннинг елкасига бош қўйиб ,- ўша кўнглингизни учга бўлишингиз керак энди ...

Ақромжон Ҳилоланинг сўзларига тушунмади:

- Нега ...

- Мен , Сулаймон ва яна битта кичкинтойингиз учун ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

76- ҚИСМ

Ақромжон даставвал эшитганларини ҳазм қила олмади. Бироқ кўп ўтмай ўрнидан шарт сакраб турди . У Ҳилоланинг қўлидан оҳиста тутиб уни ҳам ўрнидан турғазди ва авайлаб бағрига босди...

- Сени жуда яхши кўраман, гўзалим,- деди у Ҳилолага энтикиб шивирлаб , - менга иккинчи бор оталик бахтини инъом этган мунисам ... Сени жуда , жудаям севаман...

Ақромжон Ҳилоланинг юзига термулди :

- Ҳилолам ...

Очиғи ...

Бу хушхабар шунчалик бошимни айлантириб қўйди-ки...

Агар қанотларим бўлганда ойгача тўхтамасдан учиб борган бўлардим ...

Мен ҳозир ... Мен ҳозир бор овозим билан бутун дунёга ҳайқиргим келяпти ...

"Одамлар , Ҳилолам менга оталик бахтини ато этмоқда , мен иккинчи бор яна ота бўларканман" деб жар солгим келмоқда.

Ақромжон шундай деб Ҳилолага кўзларини тўлдириб тикилди:

- Қани энди худди сенга ўхшаган қизим бўлса... Юзлари тўлин ойга , кўзлари эса чақноқ юлдузларга , лаблари эса ...

У сўз тополмай жилмайди :

- Лаблари ҳам сенинг лабларингга ўхшаш бўлсин ... Атиргул ғунчасидек қип - қизил ...

- Ақромжон ака ... Қиз туғилмаса хафа бўларкансиз- да ... - озорланган бўлди Ҳилола...

Ақромжон жилмайди :

- Қизми, ўғилми , Аллоҳнинг берганига розиман. Фарзанд бу қалб қувончи ... Агар ўғил туғилса икки ўғлимиз икки қанотимиз бўлади. ...

Ақромжон шундай деди-ю , бирдан жиддийлашди :

- Ҳилола... Қорниларинг ҳам очиб кетгандир а ? Сулаймоним ...

- Сулаймон ичкарида мультфильм кўраётганди. Қорнимиз эса ...- Ҳилола эркаланганча лаб бурди , - бирам очди- ки , овқат пиширай десам бу ерда ёғдан бошқа ҳеч нарса қолмабди. Хатто картошкалар ҳам буришиб қолибди.

- Қани бўл отлан. Қалин кийимларингни кийиб ол. Кетамиз.

- Қаяққа ? Анча кеч бўлиб қолди . Дўкондан у , бу нарса олиб келақолайлик...

- Ҳечамда ... Аввал сен ёқтирган кафега борамиз. Кейин уйимизга кетамиз ...

Ҳилола Ақромжонга жилмайди :

- Мен ёқтирган кафе ?! Мен ёқтирган кафени биласизми ?!

- Айтсанг билиб оламанда Гуллолам ...- Ақромжон Ҳилолани бурнидан эркалаб чимдида , кўзини қисди :

- Шу топда Ҳиротга десанг ҳам олиб бораман...

Ҳаа айтганча , ниманидир егинг келяптими ? ! Кўнглинг тусаётганини айт ?!

Ҳилола елкасини қисди :

- Қорним жуда очқаб кетаётганини биламан халос ...

- Мен ўғлимни олиб чиқай , кейин кетамиз ...

- Анави Ойдин нима бўлади ?

- Ҳеч нима ! Ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр- ёр ! Агар яна ёнингга келса "Бор эпласанг эримни ол !" дегин ва у ...

- Эплаб бўпти !

- Албатта ! Мени кўнглимнинг ягона маликаси фақат ўзингсан !
Танҳо ўзинг !

Зум ўтмай Ақромжон Сулаймонни қалин кийинтириб ҳовлига олиб чиқди.

Улар барча эшикларни қулфлаб машинага ўтиришар экан , Ақромжон Ҳилолага овози товланганча сўз қотди :

- Буюрсинлар , маликам ...

* * *

Ҳилола бу сафар ҳомиладорлик нечоғлик бахт эканлиги илк бор тўқислигича хис қилди.

Ақромжон Ҳилолани ер-у кўкка ишонмай қўйган эди .

Унинг ҳар икки гапининг бири "Буюрсинлар маликам" бўлиб қолган эди.

Ақромжон Ҳилолани сира ёлғиз қолдиргиси келмас , шифокор кўригига ҳам ўзи олиб борар , ўқув марказидаги машғулотирига ҳам ёлғиз ўзини юборгиси келмас эди.

Атайин қилгандек бу сафар Ҳилола ҳомиладорликни жуда оғир кўтарганди. У овқатга жуда қайсар бўлиб қолган, бирор таом оғзига ёқди дегунча дарров қайт қилиб ташларди.

Сулаймонга ҳомиладорликдаги инжиқликларни деяри хис қилмаган Ҳилола бу сафар ҳаддан ташқари қийналиб қолди. Ахири бўлмади. Ҳилола ҳомиладорликнинг олтинчи ойининг юзини кўрганидан сўнг Ақромжон уни ишдан бўшатиб олди.

Ҳилола машғулотлардан ҳоли ҳордиқ олиб бирмунча ўзини енгил хис қила бошлади. Ақромжон Ҳилола уйда қолганидан буён ўзи ҳам унинг ёнида кўпроқ қолишга ҳаракат қила бошлаган эди. Бу вақтга келиб Ақромжоннинг ишлари ҳам анча барқарорлашиб қолган эди.

Маҳина амма Ҳилолани бир неча бор кўришга келган эди. Охириги келишида Ҳилола билан хайрлашар экан уни меҳр билан бағрига босди:

@Xazon_Rezgi /224 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Болам , кўзинг ёришига яқин сизларникига келиб тураман. Агар қаршилигинг бўлмаса , албатта ...

- Ҳозирдан қолақолинг, аммажон, - деди Ҳилола ёлбориб,- рости сизни ҳам , додажонимни ҳам бирам соғиндим- ки. .. Улар ҳам сизга ўхшаб "Набиралик бўлгунимча қайтаман" - деганлари деган...

- Ҳаа Мирсаид жуда қолиб кетди , - деди Маҳина амма соғинчга қоришиқ овозда , - мен ҳам уни бунча йўқ бўлиб кетади деб ўйламагандим.

Ҳилола индамади. У Мирсаид аканинг қайтиш масаласини бунчалик галга солиш сабабини тушуна олмай юраги ўртаниб кетаётганди.

Шу таҳлит яна бир ой вақт ўтди. Бир куни Ақромжон "Ишхонадан бирров хабар олиб келай" деб чиқиб кетганда , кўп ўтмай унинг ортидан эшик қўнғироғи чалиниб қолди.

Ҳилола бориб эшикни очиб кўрса- ки, эшик олдида Мирсаид ака қатори бир мўйсафид қария турибди

- Ассалому алайкум , ота ,- салом берди Ҳилола ,- келинг ...

- Ваалейкум ассалом , қизим . Менга Ақромжон ва Хилолахонлар керак эдилар ...

- Мен Ҳилоламан. Хўжайин ишга кетган эдилар .

- Афсус , Ақромжон менга жуда зарур эдилар- да...

Қарияга Ақромжон ҳақиқатдан ҳам жуда керак эди шекилли ҳаяжондан юзлари бўғриқиб кетди

- Жуда керак бўлсалар қўнғироқ қилиб чақира қоламан. Сиз ичкарига кириб бир пиёла чой ичиб тулинг.

Қария эркак киши бўлмаган уйга киришга ҳижолат бўлди.

- Қизим , мен мана шу ўриндиқда ўтира тураман . Илтимос , сиз Ақромжонни тезроқ чақириб берсангиз . Жуда зарур эдилар. Шундай деб айтинг илтимос ...

Ҳилола "Хўп бўлади" деди- ю , уни ортиқча қистамай ортига қайрилди .

Илгари уйларига ҳеч ким бундай йўқлаб келмагани учун Ақромжон тезда ортига қайтиб келди. У қария билан кўчада унча кўп ҳам суҳбатлашмай , уни машинасига ўтқазди- ю , Ҳилолага "Ишим чиқиб қолди" деганича шошилиб кетиб қолди.

Ҳилола Ақромжоннинг ранги бўздек оқариб кетганидан нимадир содир бўлганини ҳис қилди - ю , аммо унга савол беришга ҳам фурсати қолмаган эди.

Ақромжон шу бўйи кетганча кун пешиндан оғанда уйга қайтди.

- Муздек сув олиб чиқ, - деди у Ҳилолага кайфиятсиз оҳангда

Ҳилола индамай унинг айтганларини бажо келтирди. Ҳилола Ақромжондан нима гаплигини сўрамади. Одатига кўра унинг ўзи ёрилишини кутди.

- Ҳилола ўтир , - деди Ақромжон унга жой кўрсатиб , - ҳозир сенга бир гап айтаман. Фақат илтимос ортиқча ҳаяжонланмайсан.

Ҳилола сўзсиз бош ирғади . Ақромжон кўрсатган жойга индамай ўтириб , унинг оғзига интизор тикилди .

- Ҳилола ...

Отан...

Улар Қримга кетмаган эканлар ...

Ҳилоланинг шаҳло кўзлари катта - катта очилди . Бор нафасини ичига ютиб, тошдек қотди.

Ақромжон сўзида давом этди:

- Улар сен ва мен - иккимизнинг бир- биримизни эру- хотиндек қабул қилишимизни истаганлари учун , орадан ўзларини четга олишни режа қилган эканлар. Аслида ҳақиқатда ҳам Қримга боришни режа қилган эканлар- у , аммо ўша вақтда Айдер акага қўнғироқ қилганларида , телефонни кўтарган инсон Отанга дўстларининг уч кун аввал оламдан ўтганини хабарини берган экан

Аммо бу хабар Отанни ўз қарорларидан қайтара олмабди.

Улар бироз ўйлаб йўлга тушибдилар . Биласанми, Отам шу вақтгача Сирдарёда эканлар. У ерда институтда бирга ўқиган дўстлари -боя йўқлаб келган Олим амакинида яшаб , у кишининг ишларига қарашиб вақт ўтказибдилар . Амакининг кўп тармоқли қорамол фермаси бор экан. Отам ерда бир неча ой қарашиб кун кечирибдилар. Баҳорда сени ҳомиладор бўлганингни эшитиб уйга отланганларида тўсатдан бутун таналарига йирингли яралар тошиб кетибди. Отамга моллар орқали аллақандай ёмон касаллик юқиб қолган экан .

Улар анча вақт юқумли касалликлар шифохонасида ётибдилар. Ўша касалликдан бутунлай халос бўлиш учун жуда кўп вақт керак бўлибди. Касалликнинг бемор бўлган инсон танасидан иккинчи бир инсонга юқиш муддати ҳам узоқ экан. Отам яна бизни ... ўйлаб шунча вақт ўзларини соғинчларга асир қилиб топширибдилар.

Куни кеча эса ахири йўлга тушибдилар ...

@Xazon_Rezgi /225 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Улар тушган такси ҳайдовчиси ёқилғи қуйиш шаҳобчасига кириб келган вақтда эса ... фалокат содир бўлибди.

Сал нарида турган машина ўрнатилган газ баллонининг носозлиги туфайли босимга чидай бермай портлаб кетибди. Отам эса сал нарида кутиш бекатига ўтиб кетаётган ...

Ақромжоннинг овози титради.

Хуллас, Отам кеча "Шошилич тез тиббий ёрдам марказ"ига юқори даражадаги куйиш жароҳати билан келтирилибдилар ...

Ҳилола ...

Отам ...

Улар сени сўраётган эмишлар ...

Фақат "Қизим , қизим..." деб дамба- дам сени чақириб алаҳсираётган эмишлар

Ҳилоланинг кўз ёшлари доғ босган юзларини ювиб хўл қилиб юборган эди.

У Додажониси ўзини сўраётганини эшитиб "Додажон, додажоним ..." дея елкалари силкина - силкина баралла йиғлай бошлади.

- Ҳилола ... Илтимос ... Ўзингни қўлга ол ...

Жон Ҳилола, ҳозир сенинг муҳим вазифанг бор.

Сени ...

Отажоним илҳақ бўлиб кутяптилар.

Азизам , уларга бу аҳволда кўриниб дардларига дард қўшма...

Биласан- ки ...

Отам сен ва мени ҳар қачонгидан ҳам бахтли кўришга ҳақли бўлган инсонлар ...

Ақромжон Ҳилолага шундай дея туриб ўзини тутиб туролмай шашқатор йиғлаб юборди.

- Ҳилола ...

Қара ...

Отажоним биз иккимиз учун ўзларини шунчалар қурбон қилишдан тоймабдилар...

Энди бизнинг навбат ...

Сен ва мен уларнинг куйиб адо бўлган юракларига таскин беришимиз керак.

Юр ...

Юрақол ... Уларнинг бизни чиндан ҳам бахтли эканлигимизга амин бўлишлари , дардларига бироз бўлса-да дармон бўлади.

Ақромжон Ҳилолага қўл узатди :

- Тайёرمىсан ?!

Отажонимни ёнларида ўзингни маҳкам ушлашга , иродали бўлиб қаддингни тик тута олишга , уларнинг меҳрларига меҳр билан жавоб қайтара олишга тайёرمىсан ?

Ҳилола кўз ёшларини бўғзига ютди. . Ақромжоннинг узатган қўлларини маҳкам ушлади ва қаддини тик ростлади :

- Ҳаа !

Тайёрман ! - Ҳилоланинг овозидан тенгсиз шижоат уфуриб турарди , - мен додажоним учун сиз сўраганларингиздан ҳам кўпроғини тайёрман!

Мендан ҳавотир олманг !

*** * ***

Ақромжон Ҳилола билан Мирсаид акани даволовчи шифокорга учрашиб беморни кўриб чиқиш учун руҳсат сўраганда , шифокор Ҳилолага иккиланиб назар ташлади .

- Доктор , мендан ҳавотир олманг, менга ҳеч нарса қилмайди , - деди Ҳилола қатъият билан , - додажоним мени интизор бўлиб кутяптилар .

- Бу ҳақиқат , - бўшашди шифокор , - беморимиз фақат тинмасдан. "Ҳилола қизим" деб тўхтовсиз чақирмоқдалар. Менимча, уларнинг ҳалокатга учрашдан сал аввал хаёллари сизда бўлган бўлса керак.

Ҳилола турган жойида юзларига дув этиб қон югурди , аммо ўзини тезда қўлга олди.

- Мен уларни кўрмасам аҳволим ёмон бўлиши эҳтимоли кўпроқ , чунки менинг ҳам бутун фикри - ёдимни улар чулғаб олганлар.

Доктор уларга беморнинг қабулига кириш учун руҳсат берди , у ҳар икки томон учун ҳам афзалроғини шу қарорда кўрганди.

Мирсаид ака Акромжон айтганча жуда қаттиқ куйган экан .

Юзларидан фақат кўз , бурун катаклари ва лаблари очиқ қолдирилиб , бошқа жойлари бутунлай бинтлаб ташланибди. Қўл ва оқларининг аҳволи ҳам ундан қолишмас эди.

Бинтдан оч- яшил , сарғиштоб дорилар жароҳат сели билан бирга сизиб чиқиб қотиб қолган, унинг билакларига томчи дори улаб ташланган эди.

Ҳилола Мирсаид аканинг ёнига яқинлашиб , унинг бошига бориб оҳиста энгашди.

Мирсаид ака нотекис нафас олар , лаблари жароҳат таъсиридан шишиб , палахса-палахса пўст бойлаб ётарди.

@Xazon_Rezgi /226 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

Ҳилола Мирсаид аканинг бинт остидаги ўнг қулоғига тусмоллаб шивирлади :

- Додажон , бу мен қизингиз Ҳилоламан...

Ҳилола "Додажон мени эшитармиканлар ?!" деган маънода Акромжонга назар ташлади .

Мирсаид ака эса... Ҳилолани эшитган эди.

Унинг портлаш зарбидан куйиб чўкирттак бўлиб кетган киприклари пирпирашга ўхшаш ишора қилди. Йўл пойлаган интизор кўзлар оғирлик билан аранг йириб очилди . Бу кўзларда бир олам соғинч мужассам эди.

- Болам ... Болажоним... - шивирлади қуруқшоқ лаблар, - сени ҳавотирга қўйган отангни кечир ...

- Додажон...

Нега ундай дейсиз ? Сиз мендан кечирим сўрайдиган иш қилмадингиз . Сиз эмас мен сиздан кечирим сўрайман ... Сиз , сиз ...

Шифокор Ҳилолага стул қўйиб берди . Ҳилола унга аста ўтирди.

Бу орада Акромжон Мирсаид акага яқинлашган эди.

- Отажон , ассалому алайкум. Биз келдик , Отажон ... Фарзандларингиз - мен ўғлингиз ва Ҳилола қизингиз шу ердамиз . Энди сиздан сира ажралишмаймиз. Сизни ҳеч қаерга қўйиб юбормаймиз...

Мирсаид аканинг кўзларига табассум тошгандек бўлди .

У бир Ҳилолага , бир Ақромжонга боққан каби кўзларини ҳаракатлантирган бўлди :

- Мени ... Мени сизлардан ...бир ил...илтимосим... бор эди...

- Сўранг Отажон ...

Ақромжон Мирсаид акага меҳр билан тикилди.

- Ўғлим...

Қизим ...

Агар ўғил фарзанд кўрсанглар исмини Мирсаид қўйсанглар ...

Қиз бўлса Мастура ...

Мен ҳаёт янги Мирсаид ёки Мастура бўлиб бахтли давом этишини жуда истайман.

Бу сафарги Мирсаид ёки Мастура Сулаймондан ҳеч қачон ажралмаслигини истайман.

Уларнинг юракларини фироқ доғи сира куйдирмасин.

Улар биргаликда узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришсин...

Ҳилоланинг томоғига аччиқ нимадир тикилди :

- Додажон, сиз ҳали узоқ яшайсиз ...

Бизнинг ҳикоямиз ҳали тугагани йўқ

Унинг ҳам бахт имзоси билан ёзиладиган саҳифалари ҳали кўп бўлади....

Мирсаид ака гапириб толиб қолган эди . У охириги кучларини йиғиб сўзлай давом эттирди :

- Албатта қизим... Менинг ҳам ҳали Аллоҳимдан қарзим кўп..

Қолаверса битта ҳикояга икки Мирсаид бемалол сиғади деб умид қиламан...

Қизим ...

Ўғлим ...

Мен сизларни...

Мирсаид аканинг ошиқча гапиришга ҳоли келмади ...

* * *

Ақромжон эзгин аҳволда машинасини бошқариб борар , Ҳилолага у ёки бу сўз айтмоқликка ҳам юраги дов бермас эди.

Орадаги жимликни Ҳилоланинг ўзи бузди :

- Ақромжон ака, - деди у базўр ҳансираганча шивирлаб , - тобим қочаяпти . Дардим бошланган кўринади . Мени туғруқхонага олиб бормасангиз бўлмайди...

Ақромжон Ҳилолага қаради- ю , эсхонаси чиқиб кетди.

Ҳилола базўр нафас олар , пешонасидан мунчоқдек - мунчоқдек терлар бир- бирига навбат бермай қуйилганча тизилиб келарди.

Кўп ўтмай Ҳилола гуп этиб Ақромжоннинг кўксига йиқилди. У буткул ҳушини йўқотганди ...

- Ҳилолаааааа ... □□□□ аввалги қисмлар

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

77- ҚИСМ

#орадан_уч_йил_ўтди

Сулаймон Онаси ва укаси билан яқинлари қабри ёнидаги ўриндиқда ўтирган кўйи қуръон тиловатини яқунлади ва кафтларини очганича "Дуо қилинг" деган мазмунда Ҳилолага боқди.

Ҳилола қўллари билан ёнида ўтирган кичкинтойи Мирсаиднинг кафтларини дуога очди :

- Кел ўғлим , энди дуо қиламиз .

Кичкинтой Мирсаид беғубор кўзлари билан жовдираб онасига қаради . Унинг ҳаракатларини такрорлади .

- Аллоҳим шу маконда ётган юрагимизга яқинларимизнинг охиратларини обод айлагин. Қабрларини жаннат боғлардан бир боғча қилгин. Оғир тупроқлари енгил бўлсин. Қиёмат куни аршинг соясидан жой ато этилган азиз бандаларинг сафида қилгин.

Ё, Қодир Эгам!

Бу дунёда бирга бўлганимиз каби, у дунёда ҳам жаннатингда жамланмоқликни насиби рўзи айлагин...

Амин Аллоҳу Акбар.

Ҳилола кафтларини юзига тортди. Икки ўғли ҳам унинг ҳаракатларини такрорлади.

- Сулаймон ака , - деди Ҳилола Мастура опанинг қабри билан ёнма- ён жойлашган қабрга термулганча , - ўғлингиз ҳам сизнинг йўлингизни танлайдиган кўринади . Биз уни аниқ фанларга ихтисослашган иқтидорли болалар мактабига бердик. У ҳозир математика фанидан синфидаги дўстлари орасида энг олдинги ўринда натижа

кўрсатмоқда...

Мен эса ҳали ҳам уйдаман. Фарзандлар тарбияси билан машғулман.

Узоқдан суюкли қизалоғини кўтариб олган Ақромжон булар тарафга кела бошлади.

- Ҳилола , биз келдик ...

Ақромжон жажжи қизалоғи кичкина Мастурани қўл ва юзидаги шокалад юқини ювиб тозалайман деб кираверишда ушланиб қолган, баҳонада қабристон қоровули билан бироз суҳбатлашиб қолганди.

Ақромжон Мастурани ҳам ўриндиққа ўтқазди ва ўзи ҳам Ҳилола ва фарзандлари ёнидан жой эгаллаб, ширали овозда тиловат қилди. Сўнгра у ҳам Ҳилола каби ўтганлар ҳаққига чин дилдан дуо қилди.

- Ақромжон ака , қаранг ... Ойижон ва уларнинг қабрларига экилган бинафшалар мана шу тарафдаги барча қабрларни ён - атрофи билан тўлиқ қамраб олибди.

Биласизми , менинг кўнглимга "Бу яқинларимиз ҳали ҳам ўз саҳоватларини барчага улашишда давом этишмоқда" деган хаёл келди ...

- Ҳозир қоровул амаки менга айнан ана шу ҳақда гапириб тургандилар...

Буни қарагин , йўлакнинг у тарафидаги баъзи бир қабрларга ҳам бинафшаларнинг уруғи учиб тушганми у ерда ҳам унда-мунда ана шундай митти чечаклар бўй кўрсатиб қолибди. Ўша тарафдаги қабрларда яқинлари ётган инсонлар қоровул амакидан "Биз ҳам шу гулчалардан яқинларимиз қабрларига экиш учун олсак майлими ?!" дея илтимос қилишибди. Амаки эса мендан "Сиз бунга нима дейсиз ?" деб сўрадилар.

- Сиз нима дедингиз , Ақромжон ака ?!

- Мен нимаям дердим , албатта ижобий жавоб бераман-да. Ахир бу гуллар бутун қабристон бўйлаб тарқалса аввало уни ўтқазган адажонингга , қолаверса бу маконда ётган яқинларимизга ҳамда сен- у бизга савоби тегади. Савоб олишга нима етсин , Ҳилола ?!

- Тўғри айтасиз Ақромжон ака, ҳар доимгидек ҳақсиз , - Ҳилола шундай дея Ақромжонга дарвоза томонни кўрсатиб ишора қилди, - майли борайлик. Одилжон ҳам сизни кутиб қолгандир .

Ақромжон кулимсиради ва меҳр билан сўзлай кетди :

- Яхшилаб кутсин. Кўзлари қоп- қора бўлиб кетсин бу йигитчани . Муштумдек бошидан ақли тошни ёради-.а ?! Тавба ...

- Ҳаа нимасини айтасиз ? - деди Ҳилола Ақромжонни фикрини қувватлаб , - додажонни Россияда юргандек қилиб кўрсатиб бизни роса қойиллатиб боплади, шоввоз. Тариқча гумонга бормабмиз- а ? !

- Ҳилола , у бечораям нима қилсин, Отамнинг илтимосларини бажарган-да . Улар сўраганларидан кейин йўқ дея олмаган. Аммо ўн беш яшар йигитчанинг бу қадар

зукколига тан бермай сира илож йўқ эди. Тўғриси бу ҳақда билганимдан сўнг шунчалик лол бўлиб қолгандим- ки... Бизнинг фарзандларимиз ҳам Олим амакимнинг набирасига ўхшаб шунақа иқтидорли бўлишини Аллоҳдан сўрайман .

- Одилжон борасидаги режаларингиз қандай ?!

@Xazon_Rezgi / 228 #КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Мана Одилжоннинг ўқиши ҳам битди. У яқинда савдо мажмуамиздаги маҳсулотларни онлайн платформада савдо келишувларини йўлга қўйиш лойиҳасини тузиб такомиллаштирди. Хуллас ишлар қизғин ...

-Жуда соз... Инсоннинг ўзи яхши кўрган иши , касби бўлса буям бир бахт-а ? Нима дедингиз, Акромжон ака ?!

- Ёнида суйган оиласи бўлса ўша бахт тўлиқ бўлади ?

Акромжон жилмайганча шундай деб қабристон дарвозаси ёнида қўйилган машинасини эшигини қўлидаги пульт ёрдамида очди. У Ҳилолага эгизакларини машинага ўтказиб юборишга ёрдамлашиб юборгач , у боя аёли олд ўриндиқда қолдирган қўл телефонини олиб узатаркан ҳаяжонини яшира олмади :

- Ўххў онаси , сенга етти марта кўнғироқ бўлибди.

Ҳилола телефонини олиб Акромжонга маъноли қаради :

- Ойижонимлар ...

Ҳилола дарҳол Роҳилахон опага жавоб кўнғироғини терди :

- Ассалому алайкум , Ойижон . Куттирганим учун узр , телефоним машинада қолган эди.

Тармоқдан Роҳилахон опанинг андак озорланган овози эшитилди :

- Ваалейкум ассалом, қизим. Тинчликми ?! Илгари кўнғироққа дарровда жавоб қайтарганинг учун ҳавотир ола бошлаган эдим.

- Ойижон, куёвингиз билан қабристонга келган эдик. Бугун куннинг ўтиши қийин бўлиб кетяпти. Бу ерда орамизни тарк этган , аммо мудом кўнглимизда қолган яқинларимиз билан ғойибона дийдорлашдик. Улар билан бугунги севинчларга тўла кунимизни бўлишгимиз келганди- да.

- Мен ҳам шу тўғрида кўнғироқ қилаётгандим, - овози шодликка қоришди Роҳилахон опанинг , - яқинда яна битта хушхабар келди. Суюнчини катта қилаверасизлар энди , болаларим ...

Ҳилола ўзларининг суҳбатларига жилмайиб қулоқ солиб турган Акромжонга қараб "Эшитяпсизми?" дегандек имо қилди- ю , ойижонисига жавобга шошилди:

- Суюнчи сиздан айлансин, Ойижон . Ҳар қанча суюнчи десангиз мана биз тайёр ...

- Азиз фарзандларим... Сизларнинг борлигингиз , соғ- у саломат эканлигингизни ўзи менинг энг қимматли давлатим.

Энди хушxabарга келсак.

Ҳилола адажонингларга Ўзбекистон Фанлар Академиясининг акедемиги унвонини беришибди.

Адажонинг энди акедимиклар. Бу ватанимиздаги энг фахрли сийлови ...

- Ойижооон... - Ҳилоланинг кўзларидан севинч ёшлари тўкилди ...

- Қизим ... Она қизим ...

- Ойижоооон , адажоним бу номга энг муносиб инсонлардан бир эканликлари шубҳасиз. Мен шундай отанинг қизлари эканлигимдан фахрланаман...

- Қизим адажонинглар ўзлари ҳали бу хушxabарни эшитганлари йўқ. Улар кечки рейсда учиб келарканлар. Келганларида барчамиз уларни шу хушxabар билан қаршилаймиз...

- Ойижон , жудаям тўғри ўйлабсиз ...

Ойижон ... Сизга битта гап айтмоқчи эдим.

Ёдингиздами ? Мастура Ойижоним адажонимга ўз қўллари билан бош - оёқ оппоқ либос тиккан эдилар. Улар "Акажоним муборак Ҳаж сафаридан қайтганларидан кейин мен тиккан либосни кийиб меҳмонларни кутиб оладилар" деб орзулагандилар ... - Ҳилоланинг кўзларида яна айланди , - Ойижон , ўша либосларни тахт қилиб қўйсак...

Роҳилахон опанинг ҳам овози товланиб кетди :

- Қизим... Адажонинг муборак сафарга таклиф қоғози келиши билан энг биринчи ўша саруполарни олиб бағриларига босган ва "Онаш синглим Мастурам , сенинг дуоларинг ижобат бўлди , аканг сен тилаган энг муборак сафарга кетадиган бўлди" дея хўнг - хўнг йиғлаган эдилар .

Сафар жомодонига ҳам энг биринчи мунис сингилларининг ўз қўллари билан тиккан ўша либослар жойлаб бўлинганди...

Ҳилола ёшли кўзлари билан хўрсинганча жилмайди.

- Қизим , сизлар уйингиздан ўтасизларми аэропортга ?! Маҳина опам ҳам борадилар- а ?!

- Албатта, Ойижон... Аммажонимдан ташқари амакижонлар, келинойижонлар ... жуда кўпчилик "Кутиб олишга биз ҳам борамиз деб" тайёргарлик кўриб ўтиришибди...

- Майли, қизим ... Шундай шодиёна кунларга етказганига шукр ... Майли қизим , кечроқ учрашамиз.

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

* * *

Ким шаҳри азим пойтахт Тошкентнинг энг чиройли лаҳзаларини кўнглига мутлоқ гўзал суратларда муҳрламоқчи ?

Шундайлар борми ?

Бор бўлса Аллоҳдан сўранг ?!

Энг тароватли , нурлар базми ғужғон ўйнаган, файзлар ёғилган , баракалар инган , масрур ҳислар аллалаган маскан бу Муборак Ҳаж сафаридан қайтиб келаётган азиз Ҳожиларни қарши олаётган Тошкент Халқаро аэропорти саҳни бўлади ...

Кузнинг салқин ва оромбахш, нафис оқшоми ...

Ҳилола , Ақромжон, Маҳина амма , Роҳилахон опа , Нигора , Мастура, Мирсобит ва Мираъзам акалар барчалари аэропортга айтилган вақтдан кўра анча барвақт етиб келиб олишган.

Жамалак сочларига ранго- ранг бантикчалар тақилган жажжи эрка қиз Мастура , ширин тиллари билан йиғилганларни ўзига жалб этувчи кичкинтой Мирсаидлар қўлма - қўл бўлиб барча қариндошларни кўнглига ҳузур бағишлашар , Сулаймон эса Маҳина амманинг набираси Шоюсуф билан бир бурчақда тинимсиз телефон прогаммасидаги аллақандай қонуниятни ўрганиш билан банд эди.

Маҳина амма билан Роҳилахон опалар бош бўлиб аёллар бир гурӯҳ бўлиб йиғилишган, барчаларининг юзларида ажиб шукр туйғуси жилва сочар , тиллари дамба- дам "алҳамдулиллоҳ, ўзинга шукр" дейишдан бўшамас эди...

Эркакларга Мирсобит ака даврабоши бўлиб сайланибдилар. Даврадаги эркакларнинг юзларидаги қатъият ва виқор беихтиёр уларга бўлган ҳурматни янада ошишига сабаб бўлаётгандек гўё...

Ақромжон бугун ҳар қачондагидан ҳам ўктам кўринади. У аёллар даврасида сўхбатга қўшилиб турган Ҳилолага бот- бот нигоҳ ташлаб қўярди. Бу нигоҳлар бугун жуда сотқин чиқиб қолди . Улар Ҳилолани жудаям севишини , уч нафар фарзандининг онаси унинг учун дунёнинг энг гўзал , латофатли , зукко ва фидокор аёли эканлигини тан олиб турарди...

Ҳилола эса жуда очилиб кетганди. Унинг бахтдан боши айланаётган эди...

Айланмасинми ?

Ахир суюкли жуфти , бири - биридан ширин- шакар фарзандлари , қалб ардоғи бўлган жигарлари ёнида бўлса ... Ҳадемай интизор бўлиб кутган ...

Бирдан тўсиқ ортида турган яқинларини илҳақ бўлиб кутиб турган оломон гувранди ...

- Ҳожилар чиқишмоқда ...

Ҳожилар чиқишмоқда ...

Аэропорт саҳнига энг биринчи бош - оёқ оппоқ кийинган, либослари ўзига ярашган ўрта ёшлардаги аёл чиқди. У аэропортнинг очиқ саҳнига чиққач , қўлида итариб келаётган дастакли жамодонини ерга тираб қўйди- ю , қўлини кўксига қўйиб барчага салом берди.

- Ойижоооон , Ойижоооон...

Чап тарафдаги қўлларида "Жаннатим онам" деган ёзувли қип- қизил атиргуллардан тузалган бир неча гулдастани қучган кутувчилар бесаранжомланиб қолишди.

Аёл ўзини кутиб турганларга яқинлашганда шовқин янада кучайиб кетди. Аёлнинг қариндошлари назоратчилар тўсиқни очиб аёлни ўтказгунигача ҳам сабр қилмай соғинчларини ифода қилишга тушиб кетгандилар ...

Навбатдаги зиёратчи ўттиз ёшларидаги юзларида нур балққан хуш сурат йигит ва ўзига ўхшаш барно аёли экан...

Бу жуфтликни кутиб олиш ҳам бахтли онларга тўла кечди.

Бирин - сирин аэропорт биносидан нуроний отахонлар , онахонлар чиқиб яқинлари дийдорига ошиқа бошладилар .

Ҳилола бутун дунёни унутиб икки кўзи чиқиш эшигида бўлиб қолган эди :

- Адажоним чиқаяптилаааар !

Ҳилола қувончдан бор овозда бақираётган укасини овозини таниди ва муштоқ кўзларини тўғрига қадади .

Асрор ака бир- бир қадам босганча ҳушнуд қиёфада яқинларига яқинлашди . Унга тегишли юкларни махсус кийимдаги ҳизматчи дастакли юк ташувчи мосламада итариб келар эди.

Асрор ака бундан бир неча йил аввал синглиси Мастураой тикиб берган оппоқ либосларни кийиб олган , бу либослар унга шундай ярашган ва чиройини очган эди- ки , аёллар даврасида турган Маҳина амма беихтиёр "Ма шаа Аллоҳ" деб юборди.

Ақромжон бел баравар турган тўсиқдан эгизаклари Мастура ва Мирсаидларни ўтказиб юборди :

- Чопинглар ! Буважонингларни биринчи сизлар кутиб олинглар !

Эгизаклар талпинчоқина бўлиб бобоси томонга чопқиллаб кетишди.

Асрор ака ҳам қадамларини тезлатиб келиб тиззалаб ҳар иккала набирасини қучоғига олиб бирма - бир ўпа кетди :

@Xazon_Rezgi.

#КЎНГИЛ_ИФОРИ

- Оҳ- оҳ , бунчаям ширин менинг асал набираларим...

Бошқа кутувчилар учун қатъий интизомни талаб қилаётган назоратчи йигитлар Асрор акага келганда индамай жилмайиш билан чекланишди халос. Улар ҳам кичкинтой Мирсаид ва Мастуралардан кўзларини уза олмай хавасланиб қараб туришар эди.

Ваниҳоят Асрор ака яқинлари ёнига етиб келди. Барча уни бағрига босишга ҳаракат қилар , тирикликнинг олий саодати Ҳожи бўлиш шарафига муяссар бўлганлиги билан чин дилдан табриклар эди.

Навбат Ҳилолага келганда Ҳилола Адажонисининг бағрига эркаланиб бош қўйди :

- Адажон ... Ҳожи ота бўлиш саодати муборак бўлсин ... Сизни жуда соғиндик ... Сизга аталган суюнчиларимиз бисъёр...

Фақат ...

Улар қанилар ? Улар ?!

Асрор ака жилмайди :

- Қизим, сен кутаётган инсонинг ҳозир аэропорт ходимларига зам - зам улашиб ичирмоқдалар ...

Шу пайт кичкинтой Мирсаид қўли билан чиқиш эшигига ишора қилди :

- Анна , доддам ! Анна доддам !

Кичкина Мастура лабини бурди :

- Яқ ! Мани доддам ! Маанити !

Ҳилоланинг кўзларида яна ёш қалқий бошлади.

Тўғрида Мирсаид ака кулимсираб икки қўлида кичкинтой набиралари адаши Мирсаид ва қалб ардоғи Мастуралар учун сотиб олган ўйинчоқларини қучганча битта - битта қадам ташлаб келарди...

Ҳилола энтикиб шивирлади :

- Додажооон ... Додажооон ...

Ҳилоланинг назарида теварак бирдан ёришиб кетгандек бўлди . Атрофга ҳузурбахш майин насим таралди ... Борлиқ шунчалик хуш ифорга тўлди- кии. Бу ифорни биргина Ҳилола эмас , балки барча йиғилганлар бирдек ҳис қилган эдилар. Улар бир - бирларига ажабланганча қараб ҳаяжон аралаш енгил тин олдилар .

Ҳилола Мирсаид ака тарафга қараб хуррам жилмайди :

- Кўнгил ифорим , Отажоним...

Хуш келибсиз ! ...

@Хазон_Rezgi

#ТАМОМ

#ЭЪТИБОРИНГИЗ_УЧУН_ТАШАККУР !

30.07.2021.

02.11.2021

Муаллиф : Хазонрезги